

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

***САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС
И Н С Т И Т У Т И***

Х. М. МАМАТҚУЛОВ

**ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ХАЛҚАРО
ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР**

Ўзбекистон республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан
«Менежмент» таълим йўналишлари бакалавр талабалари учун ўқув қўлланмаси
сифатида нашр қилишга рухсат берилган.

ТОШКЕНТ - 2013

Маматқулов Х.М. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар. Ўқув қўлланма, Тошкент, 2013 й. 242 бет.

Такризчилар: Г.Г.Назарова – иқтисод фанлари доктори, профессор (ТДИУ) Ш.Хусаинов - иқтисод фанлари номзоди, доцент (ЖИДУ).

АННОТАЦИЯ

Хозирги замон жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар – жуда мураккаб ва динамик ҳолда ривожланаётган тизим бўлиб, ўз таркибида халқаро иқтисодий муносабатлар (ташқи савдо алоқалари капитал чиқариш, валюта - кредит муносабатлари, ишчи кучлари миграцияси, иқтисодий интеграция жараёнлари ва ҳ.к.) орқали бир-бирлари билан ўзвий боғланган турли хилдаги миллий хўжаликларни ўз ичига олган глобал хўжалик механизми бўлиб ҳисобланади. Ушбу ўқув қўлланмада жаҳон иқтисодиёти моҳияти, таркиби, унинг глобллашув босқичлари тараққиётнинг асосий қирралари ва халқаро иқтисодий муносабатларни таркибий қисмлари ёритилган.

Мазкур қўлланма олий ўқув юртлари талабаларига, коллежларга, бизнес мактаби тингловчиларига, шунингдек халқаро иқтисодиёт бўйича билимларини оширишга интилувчи ва барча иқтисодиётга қизиқувчиларга ўқув қўлланмаси сифатида тавсия этилади.

АННОТАЦИЯ

Современная мировая экономика и международные экономические отношения - очень сложный и динамично развивающийся глобальный хозяйственный механизм, представленный различными национальными хозяйствами, связанными между собой системой международных экономических отношений (внешняя торговля, вывоз капитала, валютно-кредитные отношения, миграция рабочей силы, экономическая интеграция и т.д.). В пособие рассматриваются сущность, структура, этапы глобализации мирового хозяйства и основные черты ее развития.

Учебное пособие предназначено для студентов вузов и колледжей, слушателей бизнес школ, а также будет полезным всем любознательным, стремящимся пополнить свои знания в области мировой экономики.

THE SUMMARY

Modern world(global) economy and international economic attitudes(relations) - very complex(difficult) and dynamically developing global economic mechanism submitted by various national facilities(economy), connected among themselves by system of the international economic attitudes(relations) (foreign trade, export of the capital, валютно-credit attitudes(relations), migration of a labour, economic integration etc.). In the grant(manual) the stages глобализации of a world(global) facilities(economy) and basic features of its(her) development are considered(examined) essence, structure.

The manual is intended for the students of high schools and colleges, students business of schools, and also will be useful by all inquisitive, aspiring to fill up the knowledge in the field of world(global) economy.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти Илмий кенгаши олий ўқув юрти бакалаврлари учун ўқув қўлланма сифатида тавсия этади.

© **Маматқулов Х.М.** Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар.
Ўқув қўлланма, Тошкент 2013 й.

КИРИШ

Ушбу ўқув қўлланмада хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва улардаги замонавий халқаро иқтисодий муносабатлар тизимининг вужудга келиши ва ривожланишининг назарий тамойилларини очиб беришга ҳаракат қилинган. Ўқув қўлланманинг асосий мақсади иқтисодиёт ва турли хизмат кўрсатиш соҳаларини ўрганаётган умумиқтисодий билимлар базасини ривожлантириш тажриба, кўникмалар ҳосил қилиш ва ниҳоят ҳар томонлама юксак даражадаги малакали кадрлар тайёрлашга кўмак беришдан иборат.

Ўқув қўлланма ўз таркибига жаҳон хўжалиги моҳияти, таркиби, унинг глобаллашув жараёнлари ва ривожланиш тенденциялари, жаҳон хўжалигида халқаро меҳнат тақсимоти, халқаро савдо алоқалари, халқаро капитал миграцияси, халқаро хизмат кўрсатиш ва сервис бозори, халқаро валюта-кредит муносабатлари, халқаро ишчи кучлари миграцияси, халқаро иқтисодий интерациялар, жаҳон хўжалигида халқаро корпорациялар (монополиялар) ва жаҳоннинг саноати ривожланган мамлакатлари иқтисодиётини тараққиёт йўналишлари, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ривожланаётган ҳамда ўткинчи иқтисодиётли мамлакатлар гуруҳида иқтисодий ўсиш жараёнларининг кечиши, жаҳон хўжалигида иқтисодий-сиёсий бошқарув тизимларининг тутган ўрни кабиларни қамраб олади. Қўлланмада юқорида қайд этилган масалалардан ташқари Ўзбекистон иқтисодиётининг жаҳон хўжалигида тутган ўрни ва дунё мамлакатлари билан интеграциялашув жараёнлари тўғрисида тасавурга эга бўлиш учун Ўзбекистоннинг ташқи савдо алоқалари ва хорижий мамлакатлар билан инвестицион сиёсати каби мавзуларни кўриб чиқиш вазифаси ҳам киритилган.

Ўқув қўлланма ёзилиши чоғида жаҳон иқтисодиёти ривожланиши динамикасини характерловчи ахборотлар ва статистик материаллардан фойдаланилди. Ҳар бир мавзу ўрганилганидан кейин назорат саволлари тавсия этилди. Талабалар ушбу саволлардан ўз билимларини синаб кўришда у ёки бу шаклда самарали фойдаланишлари мумкин.

Мазкур ўқув қўлланма олий ўқув юртларининг иқтисодиёт йўналишида (5610200 – Меҳмонхона хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш; 5610300 – Туризм (фаолият йўналишлари бўйича); 5340200 – Менежмент (туризм); 5340300- Маркетинг (туризм); 5140901 – Касб таълими: иқтисодиёт) таълим олаётган бакалаврларга, шунингдек жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар фани бўйича ўз билимларини оширишга интилувчи барча иқтисодиётга қизиқувчиларга мўлжалланган.

I-Боб. ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР: МОҲИЯТИ, ТАРКИБИ ВА ТАРАҚҚИЁТНИНГ АСОСИЙ ҶИРРАЛАРИ

1. §. «Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар» фанининг предмети, мақсади ва вазифалари

«Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар» фани аслини олганда у иккита фандан «Жаҳон иқтисодиёти» ва «Халқаро иқтисодий муносабатлар» фанидан иборат. Бу борада Давлат таълим стандартининг амалдаги ўқув режасига биноан, фанларни биргаликда қўшиб ўқитиш кўзда тутилган.

Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар тарихий, сиёсий ва иқтисодий категория бўлиб ҳисобланади. Бунинг сабаби шуки, ҳар бир тарихий босқичда унинг ривожланиши ишлаб чиқаришнинг аниқ кўламига, ишлаб чиқариш муносабатлари характериға, хўжалик фаолиятининг байналминаллашувига ва ижтимоий-иқтисодий тузилишига боғлиқ бўлади.

«Жаҳон иқтисодиёти» фани турли хил тоифага кирувчи давлатлар (саноати ривожланган давлатлар, ривожланаётган ва бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатлар) субъектига оид қонуниятларни, тамойилларни, халқаро товар айирбошлаш, ишлаб чиқариш омиллари ҳаракати, молиялаштириш соҳаларини ўрганади. Мазкур фанни ўрганиш объекти бўлиб, жаҳондаги миллий давлатлар иқтисодиёти, шу жумладан ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари, трансмиллий корпорация (ТМК)лар, фирмалар ва бошқалар ҳисобланади.

Шу ўринда эса «Халқаро иқтисодий муносабатлар» фанининг предмети бўлиб, миллий, ҳудудий ва глобал (умумжаҳон) миқёсдаги давлатлар ўртасидаги хилма-хил алоқалар тизими бўлиб ҳисобланади. Унинг давлатлараро муносабатлари ва уларни амалга ошириш механизми саналади. Бу фанларнинг ҳар бири мустақил ҳисобланиб, айна пайтда тадқиқотлар соҳасида бир-бирини тўлдириб турсада мазкур икки фан («Жаҳон иқтисодиёти» ва «Халқаро иқтисодий муносабатлар»)нинг ўрганадиган қатор масалалари бир-бирига қўшилиб кетади.

«Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар» фанлари бир-бири билан чамбарчас боғланиб, бири иккинчисини тўлдирадиган масалаларга ҳам дуч келади. Бу эса ҳар иккала фаннинг бир бутунлиги ва ўхшашлигидан далолат беради. Шунга

асосан, мазкур фанларни пухта ўрганишлик жаҳон иқтисодиётида рўй бераётган иқтисодий, ижтимоий, сиёсий воқеа ва ҳодисалар ҳамда жараёнларни изчил ўзлаштириб олишда муҳим аҳамият касб этади.

«Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар» алоҳида фан сифатида намоён бўлиб, у «Иқтисодий назария», «Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти», «Жаҳон иқтисодий географияси», «Статистика», «Демография», «Даврнинг глобал муаммолари» каби бир қатор махсус иқтисодий фанлар билан узвий боғлангандир. Мазкур фанни Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларида ўқитилишидан кўзда тутилган асосан мақсад ва вазифалари шундан иборатки, иқтисодиёт йўналишида таълим олаётган талабаларда жаҳон иқтисодиётида рўй бераётган глобал иқтисодий, молиявий, ижтимоий, сиёсий жараёнларнинг кечиши, замонавий иқтисодий алоқаларининг тобора чуқурлашиб бориши тўғрисида тушунчалар ҳосил қилишдир.

2. §. Жаҳон хўжалиги таркиби ва моҳияти

Жаҳон хўжалигининг шаклланиши узок ўтмиш тарихга эга бўлиб, у айниқса буюк географик кашфиётлар (XV-XVI асрлар) даврида жадал ривожлана борди. Мамлакатлараро товар алмашинуви халқаро ҳукуқий меъёрлар асосида ривожланди. XIX асрдан бошлаб жаҳонда капитал ва молиявий воситаларни бир мамлакатдан бошқа бир мамлакатларга чиқариш оқими жадаллаша борди. Бу муносабатларни тартибга солувчи биринчи бор халқаро валюта тизими яратилди. Биринчи трансмиллий корпорация (ТМК)лар пайдо бўлди. Улар ўзларининг операцияларини асосий қисмларини ўз мамлакатидан ташқарида амалга ошира бордилар. Жумладан, ўзларига қарам корхоналар, филиаллар, бўлим тармоқлари руйхатга олинган бир неча мамлакатларда фаолият олиб бордилар. ТМКлар халқаро меҳнат тақсимотини чуқурлаштириш ва байналминаллаштириш жараёнлари негизида мамлакатлар ўртасида ўзаро ҳамкорликни кучайтира бордилар.

XIX аср охирларига келиб, давлатлар ўртасидаги иқтисодий, сиёсий, молиявий ва ижтимоий муносабатлар тизими ривожлана борди ва бу жараён яхлит жаҳон хўжалигининг шаклланишига олиб келди.

Жаҳон хўжалиги – бу халқаро иқтисодий алоқалар (ташқи савдо алоқалари, капитал чиқариш, валюта-кредит муносабатлари,

ишчи кучлари миграцияси, иқтисодий интеграциялар ва ҳ.к.) орқали бир-бирлари билан узвий чамбарчас боғланган турли миллий хўжаликларни ўз ичига олган глобал хўжалик механизмидир.

Ҳозирги замон жаҳон хўжалиги бир хил бўлмасдан, унга ўзининг ижтимоий таркиби, сиёсий тузуми, ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиш даражаси, ишлаб чиқариш муносабатлари, шунингдек халқаро иқтисодий муносабатлар кўлами, характери ва шакллари билан миллий хўжаликлар киради. Жаҳон хўжалиги субъектига жаҳон ҳамжамияти киради. У ўз ичига ўзаро яхлит боғланган бутун бир турли даражадаги тизимларни, тузулмаларни (миллий-давлат, ҳудудий ҳамжамият, халқаро ташкилотлар, ассоциациялар, корхона жамоалари, алоҳида шахслар) қамраб олади.

Жаҳон миллий хўжалик иқтисодиёти объектлари эса ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуа (комплекс)лари, трансмиллий корпорациялар, фирмалар ва ҳ.к. дир. XX асрга келиб жаҳон ҳамжамияти манфаатлари ҳар қандай хусусий манфаатлар (миллий, синфий, ижтимоий) дан устун тура бошлади. Тинчлик, иқтисодий барқарорлик, ижтимоий-сиёсий фаолият, экологик хавфсизлик, шахс фидойилиги каби қадриятларнинг янги тизими пайдо бўла бошлади.

Жаҳон хўжалигининг глобал бошқарув тизимини яратиш имкониятлари туғилди.

Глобал бошқарув дейилганда озодлик ва демократия шароитида атроф-муҳит тараққиётини биргаликда сақлаш, бутунжаҳон хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, ўзгаришларни тўғри йўлга солиш усуллари ва имтиёзлари тушунилади.

Бу борада жаҳон глобал бошқарув институтлари яратилди. Жумладан:

- Халқаро ҳуқуқ;
- Ҳукуматлараро ташкилотлар: Бирлашган Миллатлар ташкилоти (БМТ), Халқаро валюта фонди (ХВФ), Жаҳон банки (ЖБ), Бутун жаҳон савдо ташкилоти (БЖСТ);
- Ихтисослашган нодавлат халқаро ташкилотлар («Гринпис», «Қизил хоч» ва ҳ.к.).

Мураккаб жаҳон хўжалиги алоқалари ва алоҳида миллий хўжаликлар иқтисодиёти тараққиётини таҳлил этиш, таққослашда жаҳон тажрибасида Миллий ҳисоблаш тизими барпо бўлди.

Миллий ҳисоблаш тизими (МҲТ) – бу иқтисодий тараққиётнинг макро даражаси билан боғлиқ кўрсаткичлар

тизимидир. Миллий ҳисоблаш тизими ёрдамида бозор механизмлари ва институтлари тизими ҳаракатга келтирилади.

Миллий ҳисоблаш тизимининг асосий кўрсаткичи - бу **ялпи ички маҳсулотдир (ЯИМ)**. ЯИМ товарлар, хизматларни истеъмол ҳолатига келтирилгунча бўлган барча жараёнлар, жамғариш, экспорт, ишлаб чиқаришга ушбу мамлакатда кетган вақт, харажат ва хариднинг сўнгги баҳосидир.

Жаҳоннинг энг ривожланган ва йирик мамлакатларида ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш кўлами ривожланди.

Иккинчи муҳим макроиктисодий кўрсаткич-**ялпи миллий маҳсулот (ЯММ) дир**. ЯММ да миллий корхонанинг қаерда жойлашганидан қатъий назар (мамлакатнинг ўзида, хорижда) миллий иқтисодиётдаги хизматлар ва маҳсулотлар ҳажми қиймати ҳисобга олинади.

Шундай қилиб ялпи ички маҳсулот ва ялпи миллий маҳсулот ўртасидаги фарқ қуйидагича фарқланади:

ЯИМ ҳудудий принцип асосида ҳисобланади, яъни миллий мансублигидан қатъий назар, ушбу мамлакат ҳудудида жойлашган барча корхоналарда ишлаб чиқаришда фойдаланилган хом ашёлар ва маҳсулотлар, хизмат соҳалари жами қиймати ҳисобга олинади.

ЯММ эса миллий белгисига қараб яъни барча миллий корхоналарда ишлаб чиқарилган жами қиймати бўйича ҳисобланади.

Миллий ҳисоблаш тизимининг муҳим кўрсаткичларидан бири-бу, **миллий даромад (МД) дир**. МД – бу даромад, меҳант ҳақини ўз ичига олган пировард маҳсулотнинг бўлагидир. Ялпи ички маҳсулотдан фаркли равишда миллий даромадга четдан келтирилган ёки четга чиқарилган даромадлар қўшилмайди.

Халқаро миқёсда таққослаш учун аҳоли жон бошига тўғри келадиган кўрсаткичлар ҳам қўлланилади.

Миллий ҳисоблаш тизимида турли мамлакатлар кўрсаткичлари таққосланганда ягона валюта сифатида анъанавий АҚШ доллари қўлланилади.

Жаҳон ҳўжалигида мамлакатларни табақаларга ажратишда уларнинг иқтисодий тараққиёти даражаси бўйича кузатилинади.

Мамлакатлар иқтисодиёти тараққиётининг бешта мезони мавжуд бўлиб, уларга қуйидагилар киради:

- ишлаб чиқариш тараққиёти даражаси;
- иқтисодиётнинг ижтимоий мўлжаллари (аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлаш);

- илмий ва технологик потенциали даражаси;
- иқтисодий-гуманийлаштириш (маданият, медицина, ижтимоий соҳа ва таълимга қаратилган харажатлар);
- иқтисодий-экологизациялаш (атроф муҳитга зарарсиз ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш).

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) типологиясига мувофиқ жаҳоннинг барча давлатлари уч асосий гуруҳларга бўлинади:

- 1) бозор иқтисодиёти билан ривожланган мамлакатлар;
- 2) бозор иқтисодиёти билан ривожланаётган мамлакатлар ва территориялар;
- 3) ўтиш иқтисодиёти билан мамлакатлар.

Мамлакатларни у ёки бу гуруҳга киритишда асосий мезон сифатида унинг иқтисодиёти типи хизмат қилади (у бозорийми ёки ўтувчи ҳисобланадими), шунингдек, унинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси (у энг аввало аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот (ИЯМ)га, унинг тармоқли таркибига, мамлакат аҳолисининг турмуш даражаси ва сифатига).

Бироқ бу мезонларга ҳамма вақт ҳам етарли тарзда изчил амал қилинмайди. Шунинг учун, масалан, биринчи гуруҳ мамлакатларига (бозор иқтисодиёти билан ривожланган мамлакатлар) турли манбаларда бир хил бўлмаган сонда мамлакат – гуруҳга АҚШ, Канада, Европа иттифоқи мамлакатлари (таркибида 15 та давлат) шунингдек Япония, Исроил, Австралия ва Янги Зеландия киритилади.

Халқаро валюта фонди эълон қиладиган манбаларда, масалан, Word Economic Outlookда ушбу гуруҳга шунингдек Исландия, Кипр, Норвегия, Швейцария ва Осиёдаги янги индустриал мамлакатлар Корея Республикаси, Сингапур, Гонконг ва Тайван ҳам қўшилган. Маълумки, Гонконг ва Тайван Хитой таркибига киради. Ҳозирги кунда бозор иқтисодиёти билан ривожланган мамлакатларнинг умумий сони 29 тани ташкил қилади. Бошқа томондан, БМТнинг савдо ва тараққиёт конференцияси (ЮНКТАД) эълон қилган маълумотларда, масалан, UNCTAD Handbook of Statistics бозорда бозор иқтисодиёти билан ривожланган мамлакатлар гуруҳи кенгайтирилган форматда берилган: унга, мисол учун, Андorra, Мальта, Лихтенштейн, Монако киритилган. «Осиё янги индустриал мамлакатлари» эса ривожланаётган мамлакатлар ва территорияларга киритилган. 2003 йилда ЮНКТАД Жанубий Африка Республикаси

мақомини ўзгартирди, уни бозор иқтисодиёти билан ривожланган мамлакатлар рўйхатидан чиқариб, тегишли равишда ривожланаётган мамлакатлар гуруҳига киритди.

Бозор иқтисодиёти билан ривожланган мамлакатлар ҳозирги замон ҳўжалигида етакчи гуруҳ мамлакатлари ҳисобланади ва унинг тараққиёт механизми ҳамда йўналишининг асосий тенденцияларини белгилайди. Бунда сезиларли рол иқтисодий қудрати ва сиёсий жиҳатдан таъсирли 7 мамлакатга – «катта етиликка» (АҚШ, Япония, Германия, Франция, Буюк Британия, Канада, Италия) ажратилади. Ушбу давлатлар асосий куч ва жаҳонни интеграцион бирлаштириш – Европа Иттифоқи ва Шимолий Америка ҳудудида эркин савдони йўлга қўйиш (НАФТА) етакчилари ҳисобланади.

Ҳозирги кунда кўпроқ давлатлар – бозор иқтисодиёти билан ривожланаётган мамлакатлар ва территорияларни бирлаштирган иккинчи гуруҳ салмоқли ўринни эгаллайди. Унга Осиё, Африка, Океания, Лотин Америкаси, шунингдек Мальта ва собиқ Югославия федерацияси республикалари киради. Ўз таркибига кўра, ушбу гуруҳ давлатлар бир хилда эмас – унинг таркибига нисбатан иқтисодий жиҳатдан ривожланган («янги индустриал мамлакатлар» ёки «тараққиётни қувувчи мамлакатлар» деб аталадиган) мамлакатлар ва ўртача (ушбу гуруҳ мамлакатлари учун хос) даражада ривожланган мамлакатлар, шунингдек унча ривожланмаган мамлакатлар киради. Улар биргаликда олинганда кўпинча ҳозирги замон жаҳон ҳўжалигининг (40 дан кўпроқ мамлакатлар) ҳали анча «четдагиларини» белгилайди.

Ривожланаётган мамлакатлар гуруҳи ва территорияси ичида доимий равишда дифференциация (бўлиниш) жараёни бормоқда. Бир томондан, «янги индустриал мамлакатлар (ЯИМ) айримларидан, масалан, Мексика ва Корея Республикаси, шундай юқори тараққиёт ташкилоти (ОЭСР) таркибига қабул қилиндилар. Бу ташкилот барча ривожланган етакчи мамлакатлар бозор иқтисодиёти билан кенг танилган. Бу билан ушбу икки давлат мақомини расман ўзгатириди. Бошқа томондан, унчалик ривожланмаган гуруҳ ости мамлакатларида бутун ҳолда олинганда ривожланаётган мамлакатлар ўртача кўрсаткичларидан ҳам орқада қолиш кучайиши рўй берапти.

Бундан ташқари, ҳозирги замон жаҳон ҳўжалигида ривожланаётган мамлакатлар катта хилма-хиллиги муносабати билан уларни кўрсатилган классификациялардан ташқари географик белгилари (жаҳон минтақалари бўйича) ва бошқа таҳлилий мезонлари

билан фарқлаш қабул қилинган. Мисол учун, асосий экспорт товарлар (ёқилғи ва ёқилғи бўлмаган товарлар экспортёр мамлакатлари), молиявий мезонлар (соф кредитор мамлакатлар: Қувайт, Ливия, Оман, Қатар, Саудия Арабистони, Тайван, Бирлашган Араб Амирликлари), соф қарздор мамлакатлар (120 дан кўпроқ мамлакатлар).

Учинчи гуруҳ – ўтиш иқтисодиёти билан мамлакатлар. Уларга Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари, собиқ Совет Иттифоқи республикалари (жумладан, Россия) киради. Таъкидлаш лозимки, ушбу бу гуруҳ айрим мамлакатлари (Венгрия, Чехия, Польша) кейинги йилларда ОЭСР таркибига қабул қилиндилар, бу уларнинг мақомини оширди.

Кўриб чиқилган классификациядан ташқари даромадлар даражаси бўйича ва бўлинишлар келтирилади. Қайсики, улар сезиларли характерга эга. Чунки мамлакатлар у ёки бу гуруҳларга киритишига қараб, ривожланган мамлакатлардан қайтарилмайдиган ёрдам, халқаро ташкилотлардан имтиёзли кредитлар, молиялаштиришлар олишлари (ёки олмасликлари) мумкин.

Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки (ХТТБ) классификацияси бўйича даромадлар даражасига қараб қуйидаги мамлакатлар гуруҳлари ажратилади:

- даромадлар даражаси паст мамлакатлар;
- даромадлари ўртача даражадан паст мамлакатлар;
- даромадлари ўртача даражадан юқори мамлакатлар;
- даромадлари даражаси юқори мамлакатлар.

Ҳозирги замон жаҳон хўжалиги субъектларининг иккинчи гуруҳи халқаро молия марказлари ва халқаро ташкилотлар ҳисобланади. Уларга энг аввало БМТ ва унинг институтлари, ХВФ ва Жаҳон банки (ЖБ) гуруҳлари, Бутунжаҳон савдо ташкилоти (БЖСТ), ҳозирги замон халқаро савдо, халқаро минтақавий ташкилотларини назорат қилувчи ташкилотлар (мисол учун, ЕИ, НАФТА)ни киритиш мумкин. Улар собиқ СССР территориясида амал қилаётган Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ), Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) ва бошқалар. Халқаро молия марказлари (альянслар) фаолияти кўлами жиҳатидан сезиларли ҳисобланади. XX асрнинг кейинги 20-йилларида мамлакатлараро (трансчегаравий) молиявий оқимлар товарлар билан халқаро савдога қараганда 4 марта ошди. ХВФ нинг баҳолаши бўйича XX аср охирларида молия фондлари 900 млрд. долларгача сафарбар этишга эришилди. Бу турган гап, у ёки бу

мамлакатлар валюта-молия тизимини хонавайрон қилиши мумкин эди.

Жаҳон хўжалиги субъектлари бўлиб турли даражадаги корхоналар (компаниялар) – кичик бизнес корхонасидан тортиб, то ташқи иқтисодий алоқалар соҳасида ишлаётган энг йирик корхоналаргача ҳисобланади. Бунда халқаро иқтисодий муносабатларда уларнинг иштироки, шакли турлича – анъанавий халқаро савдодан инвестицион, ахборот, илмий-техник, ишлаб чиқариш ҳамкорлиги комплекс шакллариғача бўлиши мумкин. Ҳозирги замон жаҳон хўжалигида трансмиллий корпорациялар (ТМК)га ката аҳамият беради. Қайсиким уларнинг умумий сони 2005 й. жаҳоннинг турли мамлакатларда 170 мингдан ортиқ бўлиб, филиаллари 690 мингтани ташкил этганди. Улардан фаолияти глобал кўламдаги энг қудратлилари шундай корпорацияларнинг 10 % ни ташкил қилади. Кўпинча роли сезилмайдиган жаҳон хўжалиги субъектларига жисмоний шахслар (индивидуалларни) ҳам киритиш лозим. Кўп ҳолларда уларнинг ташқи иқтисодий фаолиятидаги айланмаси камайтириб кўрсатилади. Ваҳоланки, улар амалга оширадиган ишлар кўламли якунда жуда улкандир. Мисол учун, ривожланаётган мамлакатлар ва ўтиш иқтисодиёти билан мамлакатларга хос характер – «челноклар» («мўкичилар»), уларнинг экспорт-импорт операциялари кўлами кўп ҳолларда ташқи савдода анча салмоқли улушни ташкил қилади.

Умуман бир бутун ҳолда олинганда ҳозирги замон жаҳон хўжалиги ўзида жуда мураккаб, ранг – баранг манзарани намоён қилади. Мамлакатлар таркибий кўринишидаги ҳозирги замон жаҳон харитаси (дунё сиёсий харитаси)га агар унга жаҳон хўжалиги етакчи трансмиллий корпорациялари эгаллаб олган нуктаи назардан қаралса, (айниқса глобал кўламдаги корпорациялар) манзара бошқача тус касб этади. Айрим ҳозирги замон олимлари жаҳон хўжалигига миллий-этник нуктаи назардан қарашни таклиф қиладилар. Унда биз «Катта Хитой иқтисодиёти» сифатидаги ҳодисани кўрамиз. У миллий этник нуктаи назардан нафақат Хитой Халқ Республикасини, балки унга интеграцияланган Гонконг ва Макао, шунингдек Тайванни ва хориждаги кўпсонли хитой диаспорасини (хитойлик-Хуацяо деб аталадиган) ҳам билдиради.

Ўткинчи иқтисодиётли давлатлари таркибига Шарқий Европа мамлакатлари ва Мустақил ҳамдўстлик давлатлари киради.

Булардан ташқари расмий равишда яна бир гуруҳ марказлашган режали иқтисодиётга амал қилаётган «Соф социалистик» давлатлар – Вьетнам, Хитой, Шимолий Корея Республикаси (КХДР) ва Кубани кўрсатиш мумкин. Шунини таъкидлаш жоизки, келтирилган жаҳон типологик мамлакатлари шартли бўлсада, улар инсоният цивилизацияси тараққиёти истиқболларини белгилашда жуда зарурдир.

3. §. Жаҳон хўжалигининг глобаллашуви босқичлари

Ҳозирги замон халқаро иқтисодий муносабатларда ўзаро боғлиқлик ва тизимлик ўсиб бориши билан бир вақтда аввало халқаро иқтисодий муносабатлар минтақавий тизимида (бир неча мамлакатлар кўламида), кейинчалик глобал даражасида амалга оширилаётган алоқалар кўлами ҳам ўсиб боради.

Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви унинг либерализацияси билан жипс ҳолда боғланган. Унда мамлакатлардан мамлакатга товарлар, хизматлар, ишчи кучлари ва капиталнинг халқаро миграцияси («оқиб келиши») кўпроқ эркинроқ тус олади. Жаҳоннинг кўпчилик мамлакатларида турли маъмурий, ҳуқуқий, иқтисодий, технологик тўсиқлари жаҳон хўжалигида амалдаги марказга интилувчи кучлар томонидан планетар масштабда ягона иқтисодий бутунликка тортилади.

Бу жараёнларда глобал ахборот тизимларининг шаклланиши асосий белгиловчи ролни ўйнайди. Бунда турли технологик алоқалар ва компьютер технологиялари ўртасида чегаралар йўқолиши рўй беради. Улар янада кўпроқ ягона ва яхлит ахборот тизимига ўсиб чиқади.

Жаҳон иқтисодиёти глобаллашуви XX асрнинг охиригача учдан бирида аниқланган қатор умумжаҳон ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техник муаммоларни ҳал этиш зарурати билан боғлиқ. Ҳозирги замон глобал муаммоларига, айтиб ўтилган анъанавийларидан ташқари, умумжаҳон характери, тусини олаётган молиявий инқирозлар муаммосини ҳам қўшиш мумкин.

Амалга оширилаётган халқаро иқтисодий муносабатлар, алоқалар кўламининг ўсаётгани, халқаро иқтисодий муносабатлар ўз тизимининг кучайиши ва уларнинг асосий субъектларининг инсоният глобал муаммоларини ҳал этишда ўзаро боғланганлиги жараёнлар биргаликда олинганда шундай ҳодисани ҳосил қиладики, уни жаҳон

иқтисодиётининг глобаллашуви сифатида белгилаш мумкин. Шу тариқа, глобаллашув ўзида иқтисодий ҳаётнинг интернационаллашуви (байналминаллашуви) жараёнининг юқори босқичини намоён қилади. Унда жаҳон хўжалиги яхлитлиги қирралари, унинг барча элементлари ўзаро боғланганлиги глобал, умумпланета даражасида намоён бўлади. ХХІ аср бошига келиб аллақачон глобал иқтисодиёти маълум элементлари (турли мамлакатлар ва жаҳон иқтисодиёти турли сегментлари унга бир хил даражада жалб қилинган бўлмасада) шаклланади.

Принцип ёки тамойил жиҳатидан «глобаллашув» тушунчаси кенг, универсал (ҳар томонламалик) характер касб этади. Шунинг учун унинг турли аспектлари билимлар кўп соҳаларини ўрганиш объекти ҳисобланади. Мисол учун, техника фанлари вакиллари ягона техник билимлар комплексида янги технологиялар ва айрим мамлакатларда жорий этишда кўшилишидан пайдо бўлган «техноглобаллашув» деган тушунчани кўриб чиқади. Алоқа, телекоммуникация, транспорт, саноат ишлаб чиқариши ва ҳ.к. моҳиятан глобал технологик макро тизимлардир. «Глобаллашув» тушунчасини социологлар ва файласуфлар инсон қадриятлари ва маданиятининг универсаллашуви натижасида турли мамлакатлар ва минтақалар одамлари турмуш тарзининг яқинлашуви тенденцияси билан боғлашади. Глобаллашув сиёсатда ҳам кечади (шу жумладан, ҳарбий-сиёсат соҳасида ҳам), нисбатан нуфузли халқаро институтлар роли ва ўрни ҳақидаги масалаларни қандайдир янгича қўяди (энг аввало БМТни). Глобаллашувнинг кўпроқ динамик жараёни иқтисодиёт соҳасида бормоқда, бу албатта халқаро иқтисодий муносабатлар тизимидаги зиддиятда ўзини кенг намоён қилмай қолмайди:

- ҳозирги жаҳон мамлакатлари гуруҳлари (ёки) мамлакатлар ўртасида, мисол учун, бозор иқтисодиёти билан ривожланган етакчи мамлакатлар гуруҳлари ўртасида («олтин миллиард» мамлакатлари деб аталадиган)ги зиддият, қайсиқим глобаллашувдан максимал иқтисодий самара олинади («глобал ютуқ») ва қолган мамлакатлар эса унча ривожланмаган; жаҳон етакчи мамлакатлари гуруҳи пайдо бўлиши (мисол учун, Хитой, Ҳиндистон) зиддияти;
- мамлакатлар (ёки мамлакатлар гуруҳлари) ва тегишли халқаро институтлар ўртасида (мисол учун, ХВФ ёки БЖСТ);

- баъзи мамлакатлар ўртасида, бир томондан, ҳам трансмиллий корпорациялар, ҳам трансмиллий банклар ва халқаро молия марказлари (ХММ) бошқа томондан;
- энг йирик марказлар ўртасидаги зиддиятлар санаб ўтилган зиддиятлар халқаро иқтисодий муносабатларнинг деярли барча шаклларида – товарлар ва хизматлар сотишдан то ахборот бизнесигача намоён бўлади.

Шундай қилиб, рақобат кураши янги сифат – глобалли даражага чиқади, унинг мақсади эса-глобал ютуқ (умумжаҳон ўхшаш даромадларининг асосий қисми). Ушбу глобал иқтисодиётни шакллантирувчи «ўйин қондаси» натижасида уч асосий кучнинг ўзаро ҳамкорлигини вужудга келтиради:

- капиталнинг глобаллашуви (ТМК+ТМБ+ХММ);
- ҳозирги замон етакчи мамлакатлари ва уларнинг гуруҳлари;
- нисбатан нуфузли халқаро иқтисодий ташкилотлар (Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки, Бутунжаҳон савдо ташкилоти).

Ҳозирги замон жаҳон ҳўжалиги ўз тарихий тараққиёти даврида бир неча босқичларни босиб ўтган. Улар қуйидагилардан иборат:

1-босқич: XIX асрнинг охирларидан тортиб то 1939 йилларгача бўлган даврни ўз ичига олди. Бу даврда жаҳон ҳўжалиги мустамлакачилик тузимига эга бўлган. Инвестиция (сармоя)лар ривожланган мамлакатлардан тўғридан тўғри ривожланаётган мамлакатларга йўналтирилган. Капитал экспорт қилган мамлакатлар назорат остида бўлган ҳудудларда табиий ресурслардан фойдаланиш жаҳон иқтисодий тартибининг қонуний кўринишда бўлган. Шу тариқа ривожланаётган мамлакатларда маълум ихтисослашган тармоқлар вужудга келган. Уларнинг ишлаб чиқариш қувватлари янгиланган. Аммо уларнинг иқтисодиёти моно (якка) тармоқ характерида бўлган.

2-босқич: 1945-1975 йилларни ўз ичига киритади. Бу босқичда мустамлака мамлакатларнинг миллий озодлик кураши, мустамлакачилик тизимининг қулашига олиб келди. Кўпчилик ривожланаётган мамлакатлар сиёсий мустақилликка эришгач, хорижий мулкларни миллийлаштирдилар. Иқтисодиётнинг давлат секторини яратдилар. Натижада хорижий капитал оқими ва уларнинг йўналиши ўзгара борди.

Хусусий капиталнинг 90 % экспорти ривожланган мамлакатларга йўналтирила бошлади. Ушбу босқичда глобал бошқарув институтлари (Бирлашган миллатлар ташкилоти, Халқаро

валюта фонди, Жаҳон банки, Бутунжаҳон савдо ташкилоти ва бошқалар) вужудга келди. Улар иқтисодиётнинг турли соҳаларида ва сиёсий муносабатларда мамлакатларнинг ҳуқуқий меъёрларини ишлаб чиқдилар.

3-босқич: 1975 йилдан то ҳозирги кунгача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу босқичда жаҳон иқтисодиётида катта ҳукмронликни трансмиллий корпорациялар (ТМК)лар қўлга олади. Ушбу босқичда саноати ривожланган мамлакатлар ва трансмиллий корпорациялар капитал қўйилмалар тузилишини рационализациялаш, ҳудудий, иқтисодий интеграция-байналминал устунлигидан фойдаланишга интиладилар. Ташкилий ёки бозорий имкониятларни, қўшимча технологияларни олишга ҳаракат қиладилар. Глобаллашув жараёнида тадбиркорлик фаолиятининг асосий роли ТМК ларга тегишли бўлиб қолмоқдалар.

ТМКлар халқаро капитал бозорида ўз бошқаруви остида кучли байналминал тизим яратувчи фаол иштирокчиларга айландилар. Илм-фан фаолиятига таянган ҳолда ТМКлар янги замонавий технологиялар яратиш ва уларни глобал тарқатилишида асосий кучга айланади. Етакчи ТМКлар том маънода кўп миллатли бўлиб, саноатлаштириш ва сервис хизматларини кенг ёйиб бериш уларга хос усулдир. ЮНКТАД томонидан тақдим этилган маълумотларга кўра, етакчи кўп миллатли компаниялар жаҳондаги деярли барча мамлакатларда 450 мингга яқин ўз филиаллар фаолиятини мувофиқлаштириб турганлиги қайд этилган.

Жаҳондаги ўн та йирик ТМК лар хорижий товар айланишининг 30 % ни ва ТМК лар хорижий активлигининг 1/3 ни назорат қилиб турибди. 100 дан ортиқ йирик ТМК ларнинг бирлашган ҳиссадорлик капитали 5,5 трлн. долларни ташкил қилади. Йирик ТМКлар ихтисоси асосан бош тармоқни қамраб олади: электроника ва электр ускуналар (17 фирма), кимё ва фармацевтика (16 фирма), нефть ва бошқа энергоресурслар (14 фирма), автомобиллар ва уларга узеллар, агрегатлар ишлаб чиқариш (14 фирма), шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотлари ва ичимликлар ишлаб чиқариш (12 фирма). Электроника ва электр ускуналари ишлаб чиқариш билан банд бўлган ТМКлар кўпроқ хорижий активларга эга. Чет эл филиаллари бирлашган товар обороти жаҳонда савдода бўлган 80 % электроника (маиший ва саноат электроника, телекоммуникация воситалари, электр ускуналар)ни ташкил этади.

Кейинги пайтларда жаҳон капитал бозорида унча катта бўлмаган Бельгия Нидерландия, Швеция, Финляндия каби мамлакатларнинг ТМК лари роли борган сари сезиларли ошаяпти. Миллий бозор имкониятларининг чекланганлари уларни янгиларини излашга мажбур қилаяпти.

ТМК лар талаб эҳтиёжнинг ўзгаришига қараб бутун жаҳон бўйича ишлаб чиқаришни фабрикадан-фабрикага кўчириш орқали, қувватларидан унумли фойдаланиш, буюмларнинг умрини узайтиришга ҳаракат қилмоқдалар. Аввалига уларни модага ишқибоз бўлган жаҳондаги бой мамлакатларда ишлаб чиқарилишини йўлга қўяди. Сўнгра унчалик бой бўлмаган ривожланаётган мамлакатларда ишлаб чиқаришни ташкил этади. ТМК лар шундай қилиб, жаҳон иқтисодиётини байналминаллаштиради. Халқаро меҳнат тақсимотига асосланган интеграция ишлаб чиқариш фаолияти ҳозирги замон жаҳон иқтисодиётининг характерли қирраларини белгилайди.

Глобаллашув жараёни билан ёнма-ён ҳудудлаштириш жараёнлари ҳам ривож топиб бормокда. Европа иттифоқи (ЕИ), Шимолий Америка эркин савдо ассоциацияси (ШАЭСА), Осиё Тинч океани иқтисодий ҳамжамияти (ОТИХ), Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ) каби интеграциялашган тузилмалар вужудга келдилар. Шундай қилиб, жаҳон иқтисодиётида икки ёнма-ён жараён – **глобаллашув ва ҳудудийлаштириш** жараёнлари ривожланиб бораёпти. Улар бир-бирларини тўлдириб, сайёрамизни ягона иқтисодий кенгликка айлантирмоқда.

Жаҳон сиёсий ва иқтисодий харитаси кейинги йилларда жиддий ўзгаришларга дуч келди. Рўй бераётган ўзгаришлар ва уларнинг динамикаси мамлакатлар халқларини ўтиш-кўчиш, жой алмашиш жараёнлари моҳиятини белгилайди. Бу моҳият илмий-техник ресурслар ривожланиши натижасида инсоният тараққиётининг постиндустриализм босқичини белгилаб беради.

Постиндустриализм – марказида «инсоний капитал» турган янги тип ишлаб чиқаришдир. У қаерда зарур шарт-шароитлар вужудга келса ўша ерда билимлар, касб-малака кўникмалари, талант, шахснинг ижодий имкониятларини бирлаштирувчи имконият сифатида юзага чиқади.

Жаҳон модернизациялашаётган кенгликни бир бутунлигича ўша ривожланаётган векторга бирлаштиради. Ҳозирги замон жаҳон

хўжалиги марказида **АҚШ, Ғарбий Европа, Япония** туришибди ва улар модернизация маркази ҳисобланишади.

4. §. Жаҳон хўжалигининг ривожланиш тенденциялари ва зиддиятлари

Ҳозирги замон глобал (умумжаҳон) иқтисодиётнинг бош муаммоси ривожланган мамлакатлар доирасида берк хўжалик тизимининг шаклланиши билан боғланган.

Бу жараён қўйидагиларда намоён бўлади:

- асосий савдо айланмаларининг анчагина қисми ривожланган мамлакатлар эвазига қаратилган. Ҳозирги кунда саноати ривожланган мамлакатлар улушига жаҳон компьютер техникасининг 80 %, юқори технологик ишлаб чиқаришнинг 90 % тўғри келгани;
- ривожланган мамлакатларда хусусий капитал инвестицион оқимининг тутashi. Ҳозирги пайтда АҚШнинг 50 % инвестицияси Ғарбий Европа мамлакатларига йўналтирилган бўлиб, у асосан Буюк Британия, Франция ва Германияга тўғри келиши; Янги индустриал мамлакатларга эса АҚШнинг атиги 8 % инвестицияси тўғри келади;
- ривожланаётган мамлакатларда миграцион оқимнинг кескин чекланиши;
- мустақил бўлмаган ёш индустриал мамлакатларнинг Ғарбдаги технологик янгиликлар билан алмашилиши, экстенсив характердаги тараққиётида ташқи инвестицияга боғлиқлик, тайёр маҳсулотни ривожланган мамлакатларга экспорт қилишнинг кучайишидир.

Жаҳон хўжалиги учун қўйидаги ривожланиш тенденциялари (интилишлари) характерли бўлиб, улар қўйидагилардан иборат:

1. Глобал муаммоларни глобал ҳамкорлик ва мажбуриятлар натижасидагина ҳал этиш мумкин. Дунёда янги таҳдидлар - СПИД эпидемияси, ракета-ядро технологиясининг тарқалиши, ядро терроризми эҳтимоли хавф хатари пайдо бўлди. АҚШ нинг «World-watch» институти маълумотларига қараганда, жаҳон ҳар йили 10 млн. гектарга яқин ўрмонни, 9 млрд. тоннадан ортиқ ҳайдаладиган ер қатламини йўқотмоқда. 2030 йилга бориб жаҳон аҳолиси умумий сони 10 млрд. кишига етиши мумкин. Бу ҳаёт стандартларини саклаш учун қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини 4 марта кўпайтиришни,

энергия ишлаб чиқаришни 6 марта оширишни талаб қилади. Турган гап, тез тараққий этган технологияда ҳам бунга эришиш анча қийин бўлади. Дунё аҳолиси сонини барқарорлаштириш учун туғилишнинг ўртача коэффицентини 2,1 даражагача камайтириш лозим бўлади.

2. Жаҳоннинг бир бутунлиги ва ўзаро боғлиқлиги миллий давлатлар халқаро сиёсий бўлиниши зиддиятига дуч келади. XX аср бошларида халқаро тартибни 6-7 та буюк давлатлар ўз мустамлака империялари билан сиёсий иттифоқчиларига тазйиқ ўтказиш орқали намоён этганди. Оқибатда мустамлакачилик тизимининг емирилиши натижасида 100 дан зиёд мустақил давлатлар вужудга келди. «Совук уруш» хавфи тугаганидан кейин бу тенденция янги куч олди. Собиқ Совет иттифоқи, Югославия, Чехославакия давлатлари парчаланиб кетди, яна ўнлаб янги мустақил давлатлар ташкил топди. Натижада, дунё сиёсий харитасида 2012 йилда 1945 йилга қараганда мамлакатлар умумий сони уч бараварга кўпайди. Агар бу жараён бундан кейин ҳам давом этадиган бўлса, экспретларнинг фикрича, жаҳон хўжалигида мамлакатлар сони 300 тага етиши мумкин.

Одатда давлатларнинг ташқи сиёсати «миллий манфаатлари» дан келиб чиққан шартлар асосида шаклланади. Кўпинча «миллий манфаатлар» мафкуравий мақсадларга диний ва миллатчилик тусини беради. Бу эса миллий манфаатлар ҳақида нотўғри тасаввурлар уйғотади, халқаро муносабатларда янги глобал воқеликларда тобора кўпроқ зиддиятлар келтириб чиқаради.

Диний ва этник белгиларига қараб бўлиниш тенденцияси халқаро тизимни алғов-далғов қилиб, уни боши берк кўчага киритиб қўйишга қодирдир.

3. Модернизация яъни замонавийлаштириш (замон талабига ва дидига мувофиқ қилиб яшаш) жараёнларида зиддиятларнинг чуқурлашуви. Ривожланган ғарб мамлакатлари модернизация жараёнларида олдинда боришди, мустақил равишда янги технологиялар, асбоб-ускуналар яратадилар. Кўпчилик ривожланаётган мамлакатлар ғарбнинг ташқи таъсири остида модернизация жараёнларига тортилмоқда. Бу уларнинг технологик қарамлигини кучайтириб, жаҳон хўжалиги соҳаларидан ўрин эгаллашини таъминлайди.

4. Жаҳон хўжалигининг уч маркази (**АҚШ, Ғарбий Европа, Япония**) ўртасидаги зиддиятлар. Ғарбий Европа барча мамлакатларнинг бирлашган потенциали сифат кўрсаткичлари АҚШ ва Японияни бирга қўшиб олган даражада турибди. Шу билан бирга

Ғарбий Европа, АҚШ ва Япония ўртасида технологик узилишлар қисқарган бўлсада, ҳозиргача АҚШнинг етакчи ўрнини пасайтира олишгани йўқ.

Жаҳонда валюта уруши давом этаяпти. АҚШ айниқса бу соҳада алоҳида фаоллик кўрсатаёпти. Америка доллари ҳозирча жаҳон валюта бозорида валюта захираси сифатида етакчи бўлиб турибди. Жаҳондаги кўпчилик мамлакатлар валюта захирасининг 60 % ни Америка доллари ташкил қилади. Ғарбий Европа **Евро** ҳисоб бирлиги қулай шароит юзага келиши билан ҳақиқий валюта захирасига айланиб бормоқда. Ҳозирги кунда тахминларга кўра, унинг улушига бутундунё мамлакатларининг 25 % валюта захиралари тўғри келади.

5. Ривожланган мамлакатлар ҳамкорлиги. Саноати ривожланган мамлакатлар гуруҳи лицензиялар, патентлар олиш соҳасида устунлигини сақлаб келмоқда. Жаҳон патент ва лицензия оборотининг 90 % уларнинг ҳиссасига тўғри келади.

Саноати ривожланган мамлакатлар хўжалиги иқтисодий ўсишни таъминлаш, инқироз қийинчиликларини енгишда бир-бири билан яқин ҳамкорликда фаолият юритаяпти. Европа интеграциясини муоффақиятли ривожлантираяти, коллектив хавфсизлик мустаҳкамланаяпти. Ривожланган мамлакатлар Европа мамлакатларида иқтисодий ислоҳатларни қўллаб-қувватлатламоқдалар.

Шундай қилиб, ҳозирги замон жаҳон хўжалигининг уч маркази – АҚШ, Ғарбий Европа мамлакатлари ва Япония рақибликни йўқотмасда ҳамкорликка урғу бермоқда.

Назорат саволлари

1. Жаҳон хўжалиги тушунчаси моҳияти нималардан иборат.
2. Жаҳон хўжалиги объекти ва субъектларини айтинг.
3. Жаҳон хўжалиги бир бутун яхлит ҳолда қачон вужудга келган?
4. Жаҳон хўжалигининг асосий тараққий этган даврлари қачон бўлган?
5. Жаҳон хўжалигидаги асосий мамлакатлар гуруҳларини айтинг?
6. Жаҳон хўжалиги глобаллашуви босқичларини айтинг?
7. Жаҳон хўжалиги тараққиёти ва зиддиятларининг характерли хусусиятларини тушунтириб беринг.

II Боб. ХАЛҚАРО МЕҲНАТ ТАҚСИМОТИ

1.§. Халқаро меҳнат тақсимоти тушунчаси

Жаҳон ҳўжалиги тизимининг моддий асоси бўлиб, халқаро меҳнат тақсимоти (ХМТ) ҳисобланади. **Халқаро меҳнат тақсимоти** – бу алоҳида мамлакатларда у ёки бу товарларни ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни нафақат ўз мамлакатаида, балки бошқа мамлакатларда ҳам амалга оширишни кўзда тутати. Ишлаб чиқариш байналминал (интернационал) ташкил қилишнинг ушбу шакли у ёки бу маҳсулотни ишлаб чиқаришни қулай иқтисодий ихтисослаштиришда ва ўзаро алмашинишда айрим мамлакатларга қўл келади. Халқаро меҳнат тақсимоти моҳияти ишлаб чиқаришнинг ягона икки тарикибий қисмини ажратишда (унинг халқаро ихтисослашуви) ва унинг бирлашуви (ишлаб чиқаришни халқаро кооперациялаш)да намоён бўлади.

Шундай қилиб, халқаро ихтисослашув ва ишлаб чиқаришни кооперациялаш халқаро меҳнат тақсимоти шакллари пайдо бўлиши сифатида майдонга чиқади. Ишлаб чиқаришни кооперациялаш халқаро меҳнат тақсимотининг пайдо бўлиш бош шакли ҳисобланади. Ўз навбатида кооперациялаш ишлаб чиқаришни ихтисослаштиришга асосланади.

2.§. Халқаро меҳнат тақсимоти шакллари ва турлари

Халқаро ихтисослашув ва халқаро ишлаб чиқариш кооперацияси халқаро меҳнат тақсимотнинг мазмун моҳиятини, шакллари амалга оширишни белгилловчи мезонлардир.

Ишлаб чиқаришни халқаро даражада ихтисослаштириш давлатлар ўртасидаги меҳнат тақсимотининг шакли бўлиб, у бир турдаги товарлар ишлаб чиқариш ва хизматларни мамлакат ички истеъмолидан ортиқ ишлаб чиқариш ҳамда марказлашган асосда унинг ўсиб бориши тушунилади. Қайсиким, алоҳида давлатлар конкрет товарлар ва хизматлар (анъанага кўра, ишлаб чиқариш қуввати, кадрлар малакаси, табиий ресурслар, миллий даромад даражаси, ички бозор ҳажмини кенгайтириш, мавжуд ва янги иқтисодий алоқалар билан) ишлаб чиқаришга ихтисослашади. Ишлаб чиқаришни халқаро даражада ихтисослаштиришнинг асосий турларига буюмлар (тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш), деталлар

(алоҳида қисмлар ва компонентлар ишлаб чиқариш) ва технологик (айрим технологик жараёнлар ва операцияларни амалга ошириш) жараёнлари киради. Ишлаб чиқаришнинг халқаро ихтисослашуви икки йўналиш бўйича ривожланиб боради:

- ишлаб чиқаришда (тармоқлараро, ички тармоқлар) ихтисослашуви алоҳида корхоналарнинг ихтисослашуви;
- ҳудудий (алоҳида мамлакатлар ихтисослашуви, гуруҳ мамлакатлар, меҳнат тақсимоти учун маълум маҳсулотлар ва уларнинг қисмларини ишлаб чиқарувчи ҳудудлари).

Ишлаб чиқаришнинг ҳудудий халқаро ихтисослашувида эса алоҳида мамлакатлар ва ҳудудларда маълум маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва уларнинг бир қисмини жаҳон бозорига чиқарилишини йўлга қўйилиши тушунилади.

Халқаро ихтисослашув ўзининг тараққиётида бир неча босқичларни босиб ўтган. XX асрнинг 30-йилларига келиб жаҳонда халқаро тармоқлараро ихтисослашув ҳукмронлик қила бошлади. Масалан, ривожланган мамлакатларда қайта ишлов саноат тармоқлари маҳсулот ишлаб чиқаришига ихтисослашади. Ривожланаётган мамлакатлар эса қазиб олиш тармоқлари маҳсулотларига ихтисослашди. 1950-1960 йилларда тармоқлараро ихтисослашув етакчи ўринни эгаллашда давом этди. Аммо бирламчи тармок сифатида (автомобил ва тракторсозлик, синтетик буёклар ишлаб чиқариш, пойафзал, соатлар ва ҳ.к.) фаолият кўрсатди. 1970-1980 йилларда ички тармоқлараро ихтисослашуви биринчи ўринга чиқади. Бу майда қисмлар ва технологик ихтисослашувларни рағбатлантириш, халқаро товар алмашинувида мослашди. Жаҳон ҳўжалигида бутловчи ва ярим фабрикаларни айра бошлаш ҳам катта аҳамият касб этади.

Нарса ишлаб чиқаришга, яна майда қисмлар технологик ихтисослашув ишлаб чиқариш кучлари тараққиётини белгилаб беради. Халқаро ишлаб чиқариш кооперацияси тараққиёти даражасини аниқлайди.

Халқаро кооперация иқтисодий алоқалар мавжудлиги, корхоналарнинг оддийдан мураккаб шаклларгача тузилган шартнома (контракт)ларини бажариш учун биргаликда яратган ва ташкил этган корхоналарини қамраб олади. Меҳантни тақсимлаш шакли сифатида халқаро ишлаб чиқариш кооперацияси турли мамлакатлар меҳнаткашлари меҳнатидан ишлаб чиқариш жараёнида бевосита ва кундалик фойдаланишда ўзаро узвий ҳаракатни вужудга келтиради.

Иқтисодий табиати бўйича халқаро кооперация ишлаб чиқариш соҳасида ишлаб чиқариш кучлари, илмий тадқиқотлар, тасарруф қилиш ва бошқаларда биргаликда белгиланган натижаларни қўлга киритишда ҳудди шундай шароитда иштирокчилар якка тартибда ҳаракат қилганига қараганда кам меҳнат сарфлаб керакли ютуқга эришади.

Халқаро ишлаб чиқариш кооперацияси меҳнатининг бош вазифаси-юксак меҳнат унумдорлигига эришиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни кўпайтириш воситаси бўлишдир. Шунингдек, бир неча мамлакатларнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатларини бирлаштирмай туриб, амалга ошириб бўлмайдиган янги принципал вазифаларни ҳал этишдир. Ҳозирги замон шароитида жаҳон хўжалиги тизимида халқаро корпорация тараққиётининг асосий тенденцияси трансмиллий кооперациялар (ТМК) иқтисодий ҳукмронлигини кучайтиришни таказо этади.

Ишлаб чиқаришнинг халқаро кооперациялашуви узоқ оқилона ишлаб чиқариш шакли бўлиб, қайсиким у ихтисослашган корхоналар ўртасида ўрнатилади. Улар эса қуйидаги ҳамкорлик соҳалари бўйича ажралиб туради:

1) Ишлаб чиқаришда технологик ҳамкорлик қилиш:

- лицензия бериш ва мулкдан фойдаланиш;
- лойиҳа конструкторлик хужжатларни, технологик жараёнларни;
- технологик даражада ва маҳсулот сифати, амалдаги корхоналарни модернизация қилиш кабиларни келишиб олиш ва ишлаб чиқиш;
- ишлаб чиқаришни бошқариш, такомиллаштириш, стандартлаш, сертификатлаш ҳамда ишлаб чиқариш дастурларини тақсимлаш.

2) Кооперациялашган маҳсулотларни сотиш билан боғлиқ бўлган савдо

3) иқтисодий жараёнлари;

4) Сотишдан кейин техникавий хизмат кўрсатиш.

БМТ Европа комиссияси концепциясига мувофиқ саноат ҳамкорлиги ичида қуйидаги шакллар (усуллар) ажратилади:

1) «Компенсация битими»;

2) Қўшма дастурларни амалга ошириш (кетма-кет ва қўшма ишлаб чиқариш);

3) Келишилган ихтисослашув;

- 4) Қўшма корхона;
- 5) Қўшма корхоналар шаклидаги кооперацион ҳамкорлик;
- 6) Корпоратив тузилмаларнинг трансмиллий кооперацияси ишлаб чиқаришнинг халқаро ихтисослашувида иштирок этиши куйидаги натижалардан иборат бўлади:
 - § ишлаб чиқаришнинг халқаро ихтисослашуви чуқурлашади, оқилона техника ва технологияларни қўллаш асосида ишлаб чиқариш рентабеллиги ўсади;
 - § муҳим илмий - техник вазифаларини ҳал этиш имконияти туғилади;
 - § бир неча мамлакатлардаги шериклар билан янги мураккаб турдаги буюмлар яратиш муддатлари қисқаради;
 - § маркетинг фаолияти енгиллашади;
 - § экспорт йўлларидаги савдо тўсиқлари айланиб ўтилади ёки тузатилади;
 - § фирмен режалаштириш имконияти кенгаяди.

Жаҳон иқтисодиёти тараққиётининг ҳозирги давр босқичлари ахборот технологиясига эга бўлган ҳолда, ишлаб чиқаришни янги техник база иқтисодий тизимига ўтказиш билан характерланади.

Жаҳон иқтисодиёти алоқаларининг етуклик даражаси товар айланмаси (товарооборот) ва моддий ишлаб чиқариш суръатлари ўсишига нисбатан белгиланади. Халқаро иқтисодий муносабатлар соҳасида рўй бераётган ўзгаришларга товар айланмаси таркиби, олди –сотди битимлари салмоғи ҳақида маълумотлар далил бўлади. Булар меҳнат ва капитал бозорида, жаҳон нарх динамикаси, товарлар хизматлари, маблағлар ҳаракатига йўналтирилган ишларда намоён бўлади.

Мамлакатларнинг жаҳон хўжалик алоқаларига жалб этилиши даражаси халқаро меҳнат тақсимотида экспорт квотаси ва аҳоли жон бошига экспорт ҳажми кўрсаткичларини ҳисоблаш асосида баҳоланиши мумкин.

Экспорт квотаси – жаҳон бозорининг алоҳида мамлакатларда ялпи ички маҳсулот ҳажмига нисбатан барча экспортлар ҳажми нисбатидир.

Экспорт квоталарининг аҳамияти куйидагича:

- § миллий иқтисодий ишлаб чиқаришнинг бошқа мамлакатлар бозорида ўз товарларини сотишга боғлиқ даражасини кўрсатади;
- § мазкур мамлакатнинг жаҳон бозорида сотиш учун маълум маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятини аниқлайди.

Агар экспорт квотаси 10% дан кам бўлмаса, «очиклик» даражаси маъқул ҳисобланади.

Импорт квотаси иқтисодий кўрсаткичи бўлиб, у мамлакат иқтисодиёти учун импорт аҳамиятини характерлайди. Импорт квотаси – мазкур мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти импортига нисбатан ЯИМ да қанча қисми импортни ташкил қилишини кўрсатади.

Ташқи савдо квотаси мамлакат ташқи савдо оборотининг уни ЯИМ ҳажмига нисбатан катталиги нисбатидир. Ташқи савдо квотаси мазкур мамлакат ташқи иқтисодий алоқалари унинг умумий иқтисодий ўсишини нечоғлиқ рағбатланишини кўрсатади.

Ташқи иқтисодий квота 27% га етганда миллий иқтисодиётга рағбатлантирувчи таъсир ўтказа бошлайди, деб ҳисобланади.

Халқаро меҳнат тақсимооти мазкур мамлакат корхоналари кучи нафақат ўз истеъмолчилари эҳтиёжини қондириш учун маълум маҳсулотлар ишлаб чиқариш, балки ўзи ишлаб чиқараётган маҳсулотларга алмаштириш учун ҳам маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратилиши керак деб тахмин қилади.

Халқаро алмашилиш жараёнларида халқаро меҳнат тақсимоотини амалга ошириш қулай шартларда ҳар қандай мамлакатга афзаллик беради:

§ экспорт қилинаётган товарлар ва хизматларнинг халқаро ва ички нархи ўртасидаги фарқни олиш;

§ нисбатан арзон импортдан фойдаланишда миллий ишлаб чиқаришдан воз кечиш, ички харажатларни тежаш.

Халқаро меҳнат тақсимооти уч асосий типлар бўйича амалга оширилиши мумкин ва булар ишлаб чиқариш кучлари тегишли ривожланиш босқичларини акс эттиради: **умумий, хусусий** ва **якка** тартибда.

Умумий типдаги халқаро меҳнат тақсимооти, яъни ишлаб чиқариш соҳалари бўйича (қазиб олиш, қайта ишлаш, саноат, қишлоқ хўжалиги) кўпроқ хўжаликни экстенсив ривожланиш даврига хос ва энг аввало табиий, ишлаб чиқаришнинг табиий – географик шароитлари билан боғлиқ.

Хусусий типдаги халқаро меҳнат тақсимооти маълум соҳалар, уларнинг тармоқлари ва ишлаб чиқариш турларида халқаро ихтисослашувни тақозо этади. Бунда алмашувнинг интер(байналминаллашуви) пайдо бўлади ва кенгайди ҳамда савдо ўсиши тезлашади.

Якка тартибдаги халқаро меҳнат тақсимоти алоҳида операциялар (деталлар, узеллар, агрегатлар) ва технологик стадияларга ихтисослашувни тақозо қилади. Бу шароитда бозор ҳажми ўсади. Жаҳон савдоси ўзиш суръатида ривожланади (ишлаб чиқаришга таққосланганда). Шунинг учун ҳам халқаро савдода комплектловчи (бутловчи) кооперация тартибида, шу жумладан, трансмиллий корпорация (ТМК) лар доирасида 1/2 дан кўпроқ маҳсулот товар алмашинуви қайта ишлаш саноатига тўғри келади.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Халқаро меҳнат тақсимоти нима?
2. Халқаро меҳнат тақсимотининг шакллари айтинг.
3. Умумий типдаги халқаро меҳнат тақсимоти нима?
4. Хусусий типдаги халқаро меҳнат тақсимоти тўғрисида тушунча беринг.
5. Якка тартибдаги халқаро меҳнат тақсимотини айтинг.

III Боб. ХАЛҚАРО САВДО АЛОҚАЛАРИ ВА САВДО СИЁСАТИ

1. §. Халқаро иқтисодий муносабатлар тизимида халқаро савдо алоқалари

Жаҳон хўжалиги ва халқаро иқтисодий муносабатларда нисбатан ривожланган ва анъанавий шакл бу - **халқаро савдо алоқаларидир**. Ҳозирги кунда халқаро савдо улушига жами халқаро иқтисодий муносабатлар ҳажмининг бешдан бир (1/5) қисми тўғри келади.

Ҳар қандай мамлакат учун савдонинг тутган ўрни ва ролини баҳолаш анча қийин. Ж. Саксинг таърифича, «Ҳар қандай мамлакат иқтисодиёти ташқи савдога асосланган ҳолда гуркирайди. Жаҳон иқтисодиёти тизимидан узилиб қолган бирорта мамлакат ҳали соғлом иқтисодиёт яратишга муваффақ бўлолгани йўқ».

Халқаро савдо – халқаро иқтисодий муносабатларнинг нисбатан ривожланган ва анъанавий шаклларида биридир. Узоқ ўтмишда пайдо бўлган бу муносабатлар кейинчалик сезиларли ўзгаришларга учради, бозор хўжалиги тараққиётида янги босқичларга ўтишни акс эттирди. Халқаро савдо негизида халқаро меҳнат тақсимооти вужудга келди. Илмий техник прогресс (ИТП) таъсири остида доимий равишда ривожланиш чуқурлашиб борар экан, унинг тараққиётида амалда имкониятларининг чегараси бўлмади.

Халқаро савдо тараққиёти жаҳон иқтисодиёти глобаллашуви билан жипс боғланган, бунда халқаро товарлар оқими улкан кўлам касб этади ва жаҳоннинг барча регионларини камраб олади. Халқаро савдо тараққиётига Трансмиллий коорпорация (ТМК) лар фаолияти ҳам сезиларли таъсир этади, қайсиким, ўз ички бозорини шакллантиради, уларнинг бозор конъюктураси доирасини, кўлами, товар оқими йўналишларини, товарларга нархлар ва тараққиётнинг умумий стратегиясини белгилайди.

Халқаро савдо деб дунё мамлакатлари ўртасидаги товар айланмаси тўловларининг йиғиндисига айтилади. Бироқ «Халқаро савдо» тушунчаси тор маънода ҳам ишлатилади. Масалан, ривожланган мамлакатлар саноат товар айланмаси, ёки бу қитъа, минтақа, товар айланмаси бўлиши мумкин. Мисол учун Шарқий Европа ва шу қабила.

Халқаро савдо соҳасида ўткир рақобат мавжуд, чунки бу ерда жаҳон иқтисодиёти асосий субъектларининг деярли барчасининг иқтисодий манфаатлари тўқнаш келади. Товарлар билан халқаро

савдо бир-бирига қарама-қарши йўналган икки оқим – экспорт ва импортдан ҳосил бўлади. Бунда «экспорт» ва «импорт» тушунчалари, «реэкспорт» ва «реимпорт» тушунчаларини ҳам англатади.

Экспорт – хорижга кейинчалик уларни ташқи бозорда сотиш учун товарлар чиқариш.

Импорт – ички бозорда сотиш учун четдан товарлар олиб келиш.

Реэкспорт – илгари олиб келишган, ушбу мамлакатда қайта ишланмайдиган товарларни чиқариш.

Реимпорт – хориждан мамлакатга қайта ишламайдиган ўз товарларини қайтариб олиб келиш.

Экспорт ва импорт ҳолати божхона чегарасини кесиб ўтиш чоғида қайд этилади. У божхона ва давлатнинг ташқи савдо статистикасида акс эттирилади.

Экспорт ва импорт мутаносиблиги савдо балансини ҳосил қилади. БМТ статистика нашри бутун жаҳон мамлакатлари биргаликдаги экспорт қийматини халқаро савдо ҳажми динамикаси бўйича маълумотлар сифатида эълон қилади.

Экспорт ва импорт ҳажмлари ҳар бир мамлакатда натурал сифатида ҳисобланади, худди шундай қиймат кўрсаткичларида ҳам. Бунда қиймат кўрсаткичлари одатда миллий валютада ҳисобланади ва кейин халқаро таққослаш мақсадида АҚШ долларида ўтказилади. Бироқ айрим мамлакатлар (энг аввало, юқори инфляция улар учун характерли) мисоллари борки, уларда экспорт ва импорт бир йўла АҚШ долларида ҳисобланади.

Ташқи савдо статистикасида экспорт ва импорт кўрсаткичларидан ташқари, ташқи савдо сальдо кўрсаткичларидан ҳам фойдаланилади, бу ўзида экспорт ва импорт ўртасидаги қийматли фарқни акс эттиради. Сальдо ижобий (фаол) ёки салбий (пассив) бўлиши мумкин. Бу экспортни ўз катталиги бўйича импортдан ошганига ёки аксинча, импортни экспортдан ошганига (тегишли тарзда, ташқи савдо баланснинг актив ва пассив тушунчаси мавжуд) боғлиқдир. Дунёнинг барча мамлакатлари ташқи савдо сальдоси ижобий бўлишидан ва унинг кўлами ошишидан манфаатдор. Чунки бу ташқи савдо фаоллигидан гувоҳлик беради, мамлакатга валюта тушуми кўпаяди, бу билан унинг иқтисодий ўсиши учун шарт-шароит ва имкониятлар яратилади.

2. §. Халқаро савдо назарияси

Маълумки, халқаро савдо назарияси асослари XVIII аср охирлари – XIX аср бошларида машҳур иқтисодчилар Адам Смит ва Давид Риккардо томонидан шакллантирилган.

Адам Смит ўзининг «Халқлар бойлиги сабаблари ва уларнинг табиати тўғрисида тадқиқотлари» (1776 й.) китобида мутлоқ устунлик назариясини шакллантирди ва халқаро эркин савдонинг ривожланишидан манфаатдор мамлакатлар ундан мустақил равишда экспортёр ёки импортёрлигидан қатъий назар албатта ютишини кўрсатди. А.Смит «алмашилиш ҳар бир мамлакат учун фойдали эканлигини, ҳар бир мамлакат унда мутлоқ устунликни топишини» исботлади. Халқаро савдода мутлоқ устунлик бу-мамлакатда ишлаб чиқаришда бошқа мамлакатда мумкин бўлмаган кам меҳнат сарфлаб товар ишлаб чиқаришдир.

А.Смит таҳлили классик назариянинг таянч нуқтаси сифатида эркин савдо сиёсатининг барча турларига асос бўлиб хизмат қилади.

Аммо бироқ, бу мулоҳазаларни охиригача давом эттириб шундай хулосага келиш мумкин: агар мамлакат четдан чекланаётган миқдорда, арзон баҳода исталган барча нарсасини топса, унинг манфаатлари четда «ҳаммаси» тусини олади. Унинг ўзини сотиш учун бирор бир нарса ишлаб чиқараяптими? ҳеч нарса бунга кафолатлай олмайди. Ана шунда уни ўзи сотиб оладиган нарсаларига умид боғлашдан бошқа иложи қолмайди. Турган гап, бунда мутлоқ-устунлик назарияси боши берк кўчага кириб қолади.

Д.Риккардо «Сиёсий иқтисоднинг бошланиши ва солиққа тортиш» (1819й.) китобида бу боши берк кўчадан чиқишнинг классик назариясини олға суради. У халқаро ихтисослашув мезонларини ажрата туриб, икки давлат ўртасида қайси доирада алмашилиш мақбуллигини кўрсатади. Ҳар бир мамлакат ўз манфаатидан келиб чиқиб ишлаб чиқаришда устунлик берадиган ёки нисбатан кам фойда берадиган соҳага ихтисослашиши мумкин. Унинг мулоҳазалари таққослама устунлик назариясида ўз аксини топади.

Д.Риккардо халқаро алмашилиш барча мамлакатлар учун зарур ва манфаатли эканлигини кўрсатиб берди. У шундай баҳо ҳудуди (зонаси)ни аниқладики, унинг ичида алмашилиш ҳамма учун фойдалидир.

Жон Стюарт Милль ўзининг «Сиёсий иқтисод асослари» (1848 й.) ишида алмашилиш қандай баҳода амалга ошишини кўрсатди. Миллнинг

хулосасига кўра алмашиш баҳоси талаб ва эҳтиёж қонуни асосида белгиланади ва ҳар бир мамлакатни экспортдан оладиган фойдаси импорт тўловларини қоплаш имконияти даражасида бўлади. Бу халқаро қиймат қонуни ёки «Халқаро қиймат назарияси» Миллнинг катта хизматидир. Халқаро қиймат назарияси кўрсатадики, мамлакатлар ўртасида товар алмашишини мўтадиллаштирувчи баҳо мавжуд. Бу бозор нархи талаб ва эҳтиёжга боғлиқ.

Буржуазия сиёсий иқтисоди классик назарияси тараққиёти ҳақида янги сўзни Готфрид Хаберлер айтди ва у нафақат меҳнатни, балки ишлаб чиқаришнинг барча омилларини аниқлаштириб берди.

Ҳозирги замон халқаро савдо оқими тузилиши ва йўналишлари ҳақидаги тасаввурларга швед иқтисодчи олимлари Эли Хекшер ва Бертиль Олин асос солдилар. Уларнинг таккослама устунлик ҳақида тушунтиришларича у ёки бу мамлакатда маълум маҳсулотларга эгалик муносабати ишлаб чиқаришни таъминланиш омиллари даражасига боғлиқ. Э.Хекшер ва Б.Олин ишлаб чиқариш омиллари – меҳнат, ер, капитал, шунингдек у ёки бу товарларга ички турли талаблар баҳони тенглаштириши теоремасини олға сурдилар. 1948 йилда америкалик иқтисодчилар П.Самуэльсон ва В.Столпер Хекшер – Олин теоремаси исботини такомиллаштирдилар. Яъни ишлаб чиқариш омиллари бир турлиги, техникалар бир хиллиги, халқаро товар алмашишда товарларнинг тўлиқ сафарбарлиги ва рақобат мамлакатлар ўртасида нарх омилларини тенглаштиради.

Бундан кейинги ташқи савдо назарияси тараққиёти Америкалик иқтисодчи В.Леонтьевнинг «Леонтьевнинг ўзига хос фикрлари» номли ишида ўз ифодасини топди. Унинг ўзига хос фикрлари шундан иборатки, Леонтьев Хекшер-Олин теоремасидан фойдаланиб, урушдан кейинги даврда Америка иқтисодиёти капиталдан чиқариш турларига ихтисослашганини кўрсатиб берди. Бошқача айтганда Америка экспорти импортга қараганда бир мунча меҳнат талаб ва кам харажатроқ.

Бу хулоса АҚШ иқтисодиёти ҳақида аввалги тасаввурларни чиппакка чиқарди. Умумий хулосага кўра, у ҳамиша капитални керагидан ортиқлиги билан характерланади ва Хекшер-Олин теоремасига биноан АҚШ капитал талаб товарларни импорт эмас, экспорт қилиши кутиларди.

В.Леонтьев кашфиёти кейинги йилларда кенг акс-садо берди. Турли мамлакатлар иқтисодчилари «Леонтьевнинг ўзига хос фикрлари» мавзусида баҳс-мунозараларга киришдилар. Натижада

тенглаштирувчи устунлик назарияси янада ривожланди. У техника прогресси ва уни тақсимотда нотекислиги, иқтисодий воситаларни ферменли эмаслиги, иш ҳақи масаласида ва бошқаларда мамлакатлар ўртасидаги фарқларни ўз ичига олади.

Ғарб тадқиқотларида халқаро савдо муаммоларида шунингдек мультипликатор (кўпайтирувчи) ташқи савдо назарияси ҳам кенг ёйилди. Бу назарияга мувофиқ ташқи савдо (айниқса экспортда) миллий даромад ўсиш динамикаси, бандлик ҳажми, истеъмол ва инвестицион фаолликка самарали таъсир қилади.

Ҳар бир мамлакатда мультипликатор маълум сон боғлиқлигига қараб, маълум коэффициент турида акс этиши ва ҳисоблаб чиқилиши мумкин. Бошланғич экспорт буюртмаси маҳсулот ишлаб чиқаришни бевосита кўпайтиради, турган гап, буюртмани бажарувчи соҳаларда иш ҳақи ҳам кўпаяди. Сўнгра иккиламчи истеъмол сарфлари ҳаракатга келади.

3.8. Халқаро савдонинг ўсиши, тузилиши ва географияси

Амалда доимий ҳаракатдаги тизим сифатида халқаро савдо алоқалари XIX аср кейинги чорагида шаклланган. Ўша даврдан бошлаб халқаро савдо бир неча босқичлардан ўтди:

- 1) Биринчи жаҳон уруши бошлангунича тахминан 40 йилча аввал халқаро савдо анча динамик ривожланди ва жаҳон экспорти тахминан 3 марта ўсди;
- 2) Биринчи ва иккинчи жаҳон урушлари орасидаги давр 1929-1933 й.й. жаҳон иқтисодий инқироzi билан кечди, халқаро савдо ҳажми деярли кўпаймади.
- 3) Иккинчи жаҳон урушидан кейин халқаро савдонинг кескин ўсиши қайд этилди.

Айтиш кифояки, иккинчи жаҳон урушидан кейин биринчи 40 йилда жаҳон товарлар экспорти 37 мартадан кўпроққа ўсди. Ушбу кўрсаткичга ушбу ўсиш базасидан келиб чиқиб танқидий ёндошиш мумкин. Ушбу ўсиш (1945 й. уруш тугагандан кейинги халқаро савдо ҳолати) жуда паст бўлган. Бироқ 1950-1999 йилларда жаҳон товар экспорти 18 мартадан кўпроққа ўсди. Халқаро савдонинг **«олтин асри»** 1950-1970 йиллар даври ҳисобланади. Бу даврда унинг йиллик ўртача ўсиши 7 % ни ташкил этди. 1996 йилда товарлар жаҳон экспорти 5 трлн. доллардан ошди, 2005 йилда эса – 10,4 трлн. долларга етди.

Халқаро савдонинг барқарорлиги ва ўсишига қуйидаги бир қатор омиллар таъсир ўтказди:

- халқаро меҳнат тақсимоти тараққиёти ва ишлаб чиқаришнинг байналминаллашуви;
- асосий капиталнинг янгиланиши, иқтисодиётнинг янги соҳаларини яратиш, эскиларини реконструкция қилишни тезлатувчи миллий савдонинг ўсиши;
- жаҳон бозорида трансмиллий корпорациялар (ТМК) фаолиятининг активлашиши;
- жаҳон савдосининг тарифлар ва савдо ҳақидаги Бош келишув тadbирлари асосида мувофиқлаш ҳамда либерализациялаштириши;
- жаҳон савдосини либерализация қилиш кўпчилик мамлакатларда импортни чеклашни бекор қилиш ва эркин иқтисодий ҳудудлар учун мавжуд божхона пошлиналарини қайтаришга ўтиши;
- иқтисодий интеграция жараёнларини ривожлантириш, ҳудудий тўсиқларни бартараф этиш;
- умумий бозор ва эркин савдо ҳудудларининг вужудга келиши;
- собиқ мустамлака мамлакатларнинг сиёсий мустақиллик олиши. Улар орасидан ташқи бозор учун мўлжалланган янги модели **«янги индустриал мамлакатлар»**нинг ажралиб чиқиши.

XX аср иккинчи яримидан бошлаб халқаро савдо динамикасида сезиларли нотекислик вужудга келади. Бу жаҳон бозорида мамлакатлар ўртасидаги кучлар муносабатларига таъсир қилди. АҚШнинг мустаҳкам ўрни бўшашди. Агар 1950 йилда бу мамлакатнинг жаҳон экспортидаги улуши $\frac{1}{3}$ га тўғри келган бўлса, 2005 йилга келиб $\frac{1}{8}$ га тўғри келаяпти. Ўз навбатида Германияники Американикига яқинлашди, баъзи йилларда ҳатто ундан ўзди ҳам. Германиядан ташқари экспорт бошқа Ғарбий Европа мамлакатларида ҳам ўсди. Ғарбий Европа халқаро савдонинг бош марказига айланди. Унинг экспорти АҚШ экспортидан 4 марта зиёддир.

Кейинги йилларда халқаро савдо соҳасида Япония сезиларли сакраш қилди. У машина ва асбоб-ускуналар экспорт қилишда биринчи ўринга чиқди. Япония енгил ва юк автомашиналари, маиший ишлаб чиқариш техникаси, электроника бўйича барча мамлакатларни ортда қолдирди. Япония экспортининг учдан бир қисми АҚШ га

тўғри келади. АҚШ нинг Япония билан савдосидаги дефицити йилига 50-60 млрд. доллар даражасида турибди.

АҚШнинг халқаро савдода етакчилик ўрнининг пасайиши маълум даражада ишлаб чиқаришда рақобатбардошлигини пасайиши билан боғлиқ. Япония рақобатбардошликда етакчилиكنи эгаллади. Шу даврда унга Осиёнинг **«янги индустриал мамлакатлар»и** – Сингапур ва Тайван кўшилди.

Мутахассисларнинг тахминларича, ХХІ асрнинг биринчи ўн йилликларида АҚШ ва Осиё давлатлари рақобатбардошликда алоҳида пойга қуйишди. 2030 йилга бориб, учта давлат - АҚШ, Япония ва Хитой рақобатбардошликда алоҳида ажралиб туради. Навбатда эса Германия, Сингапур, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Малайзия ва бошқа мамлакатлар турибди.

Ҳозирги кунда ривожланаётган мамлакатлар жаҳон бозорига асосан хом ашё, озиқ-овқат ва нисбатан оддий тайёр маҳсулотлар етказиб берувчилар бўлиб қолаяпти. Жаҳон бозорида хом ашё ва озиқ-овқатларга талабнинг камайиши саноати ривожланган мамлакатлар экспортини кенгайтириш имкониятларини пасайишига олиб келди. Саноати ривожланган мамлакатлар эса жаҳон экспортида озиқ-овқат ва хом ашё (нефтдан ташқари) улушларини бундан кейин ҳам кўпайтиради.

Жаҳон экспортида ривожланаётган мамлакатларнинг бу товарлар (нефтсиз) экспорти 1960 йилдаги 40 % дан ҳозирги кунга келиб 28 % га қисқарди.

Ривожланаётган мамлакатларнинг саноат гуруҳи товарлари эвазига ўз экспортини кўпайтиришга уриниши саноати ривожланган мамлакатларнинг у ёки бу шаклдаги қаршиликларига дуч келаяпти. Шунинг билан бирга, айрим ривожланаётган мамлакатлар, энг аввало **«янги индустриал мамлакатлар»**, ўз экспортларини жаҳон бозорига қайта мувофиқлаштиришда, унда тайёр маҳсулотлар, машина, асбоб ва ускуналар, бошқа саноат маҳсулотлари улушини кўпайтиришда сезиларли алоқа қила бошладилар. ХХІ аср бошларида ривожланаётган мамлакатлар саноат экспорти улуши умумий жаҳон ҳажмининг 16 % ни ташкил этди. Умуман ривожланаётган мамлакатлар (**«янги индустриал мамлакатлар»**) экспорти биргаликда олинганда мамлакатлар гуруҳлари бўйича ҳам, тармоқлар бўйича ҳам нотекис ўсаяпти. Кўпчилик ривожланаётган мамлакатлардан фарқли равишда **«Янги индустриал мамлакатлар»**, айниқса Осиёнинг уч **«кичик аждаҳоси»** (Жанубий Корея, Тайвань, Сингапур)

экспортнинг тез ўсишини намойиш этмоқда. Уларнинг жаҳон экспортидаги улуши 10 % ни ташкил қилади. Кейинги ўн йилда тезкор суръат олаётган ХХР иқтисодиётиники 3 % (1 % дан кам эди) га кўтарилди. Ҳозирги кунда жаҳон экспортида АҚШ 12 % ни, Ғарбий Европа – 43 %, Япония – 9 % эгаллайди.

Кейинги йилларда халқаро иқтисодий муносабатлар тизимида ва халқаро товар алмашишда Осиё-Тинч океани ҳавзаси ҳиссаси ортиб бормоқда. Халқаро савдо географик йўналиши асосий тенденцияларини характерлашда шу фактни ёддан чиқармаслик керакки, халқаро меҳнат тақсимооти ва тараққиётининг чуқурлашуви ривожланган мамлакатлар ўртасидаги ўзаро савдода ривожланаётган мамлакатлар улушининг камайишига олиб келади. Асосий товар оқими «катта учлик» АҚШ - Ғарбий Европа – Япония ўртасида кечади. АҚШ ва ЕИ ўртасидаги йиллик товаробороти 1,7 млрд. долларни ташкил этади. ЕИ экспортининг 1/5 АҚШ га йўналтирилди, 1/6 импорт эса АҚШдан келди.

Саноати тараққий этган мамлакатларнинг мураккаб техникаларга эгаллиги боис, ривожланаётган мамлакатлардан улар шундай ортиқча маҳсулотларга кам қизиқиш уйғотди. Кўпинча мураккаб техника мавжуд ишлаб чиқариш циклларига мос келмаслиги туфайли ривожланаётган мамлакатларга керак бўлмайди. Баъзан чўнтакка ҳам тўғри келмайди.

Жаҳон савдоси тузилиши. Жаҳон савдосининг кўпроқ динамик ва интенсив ривожланган сектори бўлиб қайта ишлаш саноати маҳсулотлари савдоси, айниқса илм-фанталаб товарлар ҳисобланади. Масалан, фанталаб маҳсулотлар экспорти йилига 500 млрд. доллардан кўпроқни, юқори технология маҳсулотлари улуши эса саноати тараққий этган мамлакатлар экспортида 40 % га яқинлашади.

Жаҳон савдосида машина ва асбоб-ускуналар билан савдо қилиш сезиларли ошди. Саноати ривожланган мамлакатлар ўртасида бу гуруҳ товарлари билан савдонинг кенгайиши – муҳим тенденцияга айланди. Бу хилдаги савдо-сотиқнинг ўсиши билан илмий-техник, ишлаб чиқариш, тижорат, молия-кредит характеридаги хизматлар кескин кўпайди. Машина, асбоб ва ускуналар билан фаол савдо қилиш, инжениринг, лизинг, консалтинг, ахборот-ҳисоблаш сервис хизмати кўрсатишнинг янги турлари вужудга келди.

1980 йилдан 2009 йилгача саноати ривожланган мамлакатларда машина, асбоб ва ускуналар экспорти 4 мартага ўсди. Электроника ва электрон ускуналар экспорти айниқса тез суръатлар билан ўсаяпти.

Бутун машина, техника маҳсулотлари экспортининг 25 % унинг улушига тўғри келади.

Халқаро савдода тез ривожаланаётган соҳалардан бири кимёвий маҳсулотлар савдоси бўлиб ҳисобланади. Сўнгги йилларда энергия ресурслари ва хом ашё истеъмоли талабларининг ошиши тенденцияси кузатилаётганини ҳам қайд этиш лозим. Аммо хом ашё билан савдо қилиш суръатлари жаҳон савдоси умумий ўсиш суръатларидан анча орқада қолаяпти. Бу қолоқлик хом ашё ўрнини босадиган, фойдаланиш анча тежамли, қайта ишлашга қулай материалларни ишлаб чиқаришга мажбур қилмоқда.

Жаҳон савдосида озиқ-овқат маҳсулотларига нисбатан талаб камайгани қайд этилмоқда. Бу маълум даражада озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг кенгайганлиги билан боғлиқдир.

XX аср биринчи ярмида (2-жаҳон урушигача) ва ундан кейинги даврларда жаҳон савдоси тузилишини кўздан кечиран эканмиз, биз жиддий ўзгаришларни кўраимиз. Агар юз йилликнинг биринчи ярмида жаҳон товар айланмасининг 2/3 қисми озиқ-овқат маҳсулотларига, хом ашё ва ёнилғига тўғри келган бўлса, аср охирига келиб, товар айланмасининг 1/4 қисми тўғри келади. Халқаро савдода қайта ишлаш саноати маҳсулотлари анчагина ўсди. Бу – машиналар ва асбоб-ускуналар савдосидир.

Халқаро ташкилотлар (БМТ, ХВФ) маълумотларига қараганда, 1980 йилдан 2008 йилгача халқаро савдо ҳар йили ўртача 4,5 % дан ўсиб бормоқда.

Жаҳон савдосининг тез суръатларда ўсиши асосан АҚШ, Италия, Канада, Испания, шунингдек саноати тараққий этган мамлакатлар (Япониядан ташқари) Узоқ Шарқ ва Лотин Америкасида хўжалик конъюктурасининг яхшиланиши билан боғлиқдир.

Жаҳон савдоси тараққиётида алоҳида мамлакатлар ролини қараб чиқар эканмиз, энг йирик экспортчи ва импортчи АҚШ бўлганини кўраимиз. АҚШдан кейин Германия ва Япония бораёпти. Биринчи йирик савдо мамлакатлари ўнлигида Франция, Буюк Британия, Италия, Канада, Голландия, Бельгия (Люксембург билан) жой олган. Бутунжаҳон савдо ташкилоти (БЖСТ) маълумотларига кўра, Россия экспортда 20-чи ва импортда 25 – ўринни эгаллаб келмоқда. Россия умумий ташқи савдо ҳажми бўйича дунёда 16–ўринга чиқди. Экспортнинг динамик тараққиёти бўйича Хитой, Сингапур, Чили ва Финляндияда сезиларли ўсиш кўзга ташланаяпти. Марказий ва

Шарқий Европа яхлит минтақа сифатида экспорт суръатлари бўйича Осиёдан кейин 2–ўринни эгаллайди. Жаҳон савдосида кечаётган жараёнларни таҳлил қилар эканмиз либерализация унинг асосий тенденциясидир. Божхона поштиналари даражаси сезиларли пасайиши рўй берди, кўплаб чекловлар, квоталар ва бошқалар бекор қилинди. Аммо бироқ, бир катор муаммолар мавжуд. Асосийларидан бири-иқтисодий гуруҳлар даражасида протекционизм сиёсатининг авж олиши, кўп соҳада бир-бирига қарши турувчи мамлакат савдо-иқтисодий блокларидир.

Савдо – иқтисодий блоklar ташкил қилишда биринчи баҳосига кўра, бугунги кунда ушбу ҳудудлар доирасида жаҳон савдосининг 42 % амалга оширилган. Кўпроқ таниқли ҳудудлар орасида Европа эркин савдо ассоциацияси (ЕЭСА), Европа Иттифоқи (ЕИ), Шимолий Америка эркин савдо ҳудуди (ШАЭСХ), Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамкорлик (ОТИХ) ташкилоти ва бошқалар бор.

4.8. Халқаро савдо сиёсати

Халқаро савдо алоқаллари тараққиёти давлатларнинг миллий иқтисодиётни муваффақиятли ўсиши учун экспорт ва импортни мувофиқлаштириш бўйича кўраётган чора-тадбирлари билан боғлиқ. Эркин савдони оқилона ташкил этиш, аллақандай протекцион (ёпиш, ҳимоя қилиш) тўсиклар билан чекланмаган кўринишда намоён бўлади.

Бунинг учун ҳам эркин савдо тарафдорлари одатда давлат томонидан бошқарилмайдиган бозорни таъминлашда халқаро меҳнат тақсимотининг энг самарали вариантларини танлаш орқали иштирокчи мамлакатлар аҳолиси турмуш даражасини яхшилашни кўзлашади. Протекцион чоралар тарафдорлари эса ўз навбатида ёш миллий саноатни, аҳоли бандлиги, унинг юқори турмуш даражаси ва бошқа манфаатларини ҳимоя қилишни уларга ваз қилиб кўрсатди.

Давлатларнинг ташқи савдо тажрибаси амалда ўзига протекционизм ва либерализм (муросачилик) элементларини сингдиргани билан ажралиб туради.

Масалан, уч юз йилликлар давомида (XV-XVIII асрлар) буржуа мамлакатларининг кўпроқ оммалашган иқтисодий доктринаси ва асосий хўжалик сиёсати **меркантилизм** бўлиб келди. Яъни, жамият бойлиги пулда (қимматбаҳо металл) деб ҳисобланди. Меркантилистчилар ташқи савдони унинг муҳим манбаи, мамлакатга

қазиб олинмайдиган қимматбаҳо металлларнинг келишида деб қарадилар.

Четдан келадиган олтинни кўпайтириш учун экспортни рағбатлантириш ва унинг мамлакатда оқими устидан қатъий протекцион чоралардан фойдаланишга йўл қўйилди. Яъни, импорт пошлиналарини ошириш, маълум товарлар турини сотишда давлат монополиясини ўрнатиш орқали ушлаб турилади. Ташқи савдодан келадиган фойда протекцион сиёсат ўтказиш йўли билан бошқа давлатлар устунлиги эвазига давлат кўрадиган наф билан боғланади.

Шунга қарамасдан айрим мамлакатларнинг протекцион сиёсати хорижий контрагент (аҳд қилувчи) ларда худди шундай норозилик ўтказди ва охир оқибат бу ташқи савдони касодга учратди. Шунинг учун ҳам саноат инқилоби шароитида ташқи иқтисодий фаолиятнинг интенсив тараққиёти XVIII аср охирида йирик машиналар ишлаб чиқаришига ўтилиши замин бўлди. Уни XIX асрда Англия расмий иқтисодий сиёсати аввало илмий назарий сифатида, кейинчалик «Эркин савдо» (фритредерства) принципи сифатида қизғин рағбатлантирилди. Фритредства А.Смит ва Д.Рикардо томонидан ишлаб чиқилган ишлаб чиқариш харажатларининг солиштирма назарияси билан асосланади.

XVIII аср охири - XIX аср ўрталарида Буюк Британиянинг иқтисодий етакчилиги протекцион чоралар билан миллий иқтисодиётни ҳимоя қилишни кераксизга чиқарди. Айни вақтда Англиянинг ташқи савдода фаоллиги ошиши Англия саноати учун янги бозорларни эгаллаш воситаси бўлиб хизмат қилди. Аксинча, иқтисодиёти суст ривожланган мамлакатлар (Германия, АҚШ)да протекционизм мафкураси оммавий тус олди.

Ҳозирги замон протекцион чоралар тизими турли йўналишларни қамраб олган бўлиб, ички ва ташқи бозорда миллий ишлаб чиқарувчиларга қулай шароитлар яратиб беришга қаратилган.

Анча салмоқли чоралар қаторида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- бож солиғи (тариф тўсиқлари), мамлакатга олиб келинадиган, ёки олиб чиқиб кетиладиган маълум турдаги маҳсулотларни қийинлаштириш учун фойдаланиладиган пошлиналар. Чет эл фирмалари билан миллий ишлаб чиқарувчилар рақобатини енгиллаштириш учун одатда тайёр маҳсулотлар ва ярим фабрикатлар, айниқса ҳашам буюмлар, импортда нисбатан хом ашё ва материалларга юқори бож пошлинаси белгиланади;

- маъмурий ва сиёсий усулларда, иқтисодий тармоқ отган тизим ёрдамида ташқи иқтисодий фаолият бевосита ёки билвосита тўғридан - тўғри тарифсиз тўсиқларни ўз ичига олади.

Ҳозирги замон халқаро савдо тажрибасида айрим усуллар ташқи иқтисодий операцияларда контингерли ва лицензияланган кўриниш олган. Шунингдек кўрсатилган айрим операция турларига давлат монополияси жорий этилган. **Контингерлаш** айрим товарлар ёки товарлар гуруҳига ташқи савдо операцияларида эркин экспорт турлари учун маълум квоталар белгиланганлиги билан боғлиқ.

Лицензиялаш эса ўз навбатида ташқи иқтисодий савдо операцияларини амалга ошириш учун ҳукумат органларининг рухсати (лицензия)ни олиш заруратини кўзда тутди. Бу тизим давлатни ташқи иқтисодий муносабатлар, турли иқтисодий, сиёсий мақсадларни мувофиқлаштириш, уларни амалга ошириш устидан назорат қилиш имконини беради.

Маълумки, тўғридан-тўғри чеклаш усулларида давлат монополиясидан фойдаланишда давлат органлари ҳуқуқлари ёки улардан фойдаланишга ваколат олган хусусий фирмаларнинг ташқи иқтисодий савдо фаолияти, маълум турдаги ишлаб чиқариш ҳуқуқларини ҳам киритиши мумкин.

Билвосита чеклашлар эса тўғридан-тўғри чеклашлардан фарқли равишда ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш ёки унинг ҳажмини камайтиришни тақиқлаш билан боғлиқ эмас. Бунинг устига улар кўп ҳолларда миллий ишлаб чиқарувчиларни ҳимоялашда унчалик самарали бўлмаган протекцион восита ҳисобланади. Билвосита чеклаш тузилишида миллий солиқ тизими ва миллий стандартлар муҳим ўрин эгаллайди. Мамлакат стандартларига риоя қилмаслик импорт маҳсулотларни киритиш ва уларни ички бозорда сотишни тақиқлашга олиб келиши мумкин.

Бундан ташқари, давлат органларига ўзида бор нарсани четдан сотиб олиш, ишлаб чиқаришда миллий хом ашёнинг маълум қисмидан фойдаланиш тартиби, темир йўллар, портларни ажнабийлар учун тақиқлаб қўйишда хом ашё чеклашларининг бошқа шаклларида фойдаланиш мумкин.

Протекцион чоралар тизимида экспортни рағбатлантиришнинг давлат воситалари ҳам муҳим роль ўйнайди. Ҳозирги замон шароитида турли шаклдаги молиявий имтиёзлар тизими шаклланган. Улар ташқи ва ички бозорда миллий экспортчиларнинг

рақобатбардошлигини оширишга қаратилган. Уларга қуйидагиларни киритиш мумкин.

Биринчидан, экспорт мукофоти сифатида экспортчиларга тўғридан-тўғри дотация (моддий ёрдам), юкларни ортиш, туширишда фойдаланилган миллий ва ажнабий таржимонлар хизмат ҳақи фарқларини тўлаш.

Иккинчидан, имтиёзли шартлар билан экспорт кредитлари бериш, солиқ имтиёзлари, сиёсий режим беқарор мамлакатлар билан ташқи иқтисодий операцияларни амалга оширишда давлат суғуртаси ва кафолатлари бериш.

Халқаро савдони кўп томонлама мувофиқлаштириш ва тартибга солиш, энг аввало божхона тўсиқларини камайтириш, навбатда савдо ва таърифлар бўйича Бош келишув асосида ва унинг меросхўри Бутунжаҳон савдо ташкилоти (БЖСТ) келишувлари асосида амалга оширилмоқда.

Савдо ва таъриф бўйича Бож келишув (ГААТ) йирик халқаро ташкилот сифатида жаҳон савдосида таъриф ва бож масалаларини тартибга солади. У 1947 йилда Женевада ташкил топган. Бу АҚШ иккинчи жаҳон урушидан кейин ўз иқтисодиётини мустаҳкамлаб олган, жаҳон товар айланмаси тараққиётини таъминловчи халқаро савдонинг барқарор қоидаларини яратиш таклифи билан чиққан вақт эди.

Савдо ва таъриф бўйича Бош келишувнинг фаолиятидаги асосий вазифаси 1945-1947 йилларда бож тўловларини қисқартириш бўлди. Ривожланган мамлакатларда бож тўловлари ўртача катталиги 40-60 % ни ташкил этар, айрим товарлар (масалан, кимёвий) учун 70-90 % га етганди.

Бож тўсиқларининг камайтирилиши бўйича доимий равишда фаол иш олиб борилди ва бу XX аср охирига келиб катталикни 3-5 % га қисқартириш имконини берди.

Савдо ва тариф бўйича Бош келишув фаолиятида кўп томонлама учрашувлар (раунд)лар ўтказиш алоҳида ўрин тутди. Бундай учрашувларда иштирокчи мамлакатлар ташқи савдосини тартибга солиш билан боғлиқ масалалар кун тартибига олиб чиқилади ва кенг муҳокама этилади. Ташкилотнинг ташкил этилган вақтидан ҳозиргача саккизта ана шундай раундлар ўтказилган.

Бутунжаҳон савдо ташкилотининг савдо ва тариф бўйича Бош келишув ташкилотининг давомчиси бўлиб, ўз фаолиятини 1995 йил

январиди бошлади. 1996 йилда Сингапурда унинг Олий органи бўлган Министрлик конференцияси биринчи йиғинини ўтказди.

Конференцияда Бутунжаҳон савдо ташкилоти (БЖСТ)нинг ҳозирча унинг бурчига қирмайдиган янги фаолияти қирралари муҳокама этилди. Шунингдек жаҳон савдо тизимида эволюцион йўналишнинг стратегияси белгилаб олинди.

Ҳозирги босқичда Бутунжаҳон савдо ташкилоти фаолияти кўп томонлама савдо музокараларининг Уругвайда ўтказилган (1986, 1994 йй.) раунди келишуви пакети асосида иштирокчи мамлакатларнинг ўзаро иқтисодий муносабатларини тартибга солишга қаратилган. БЖСТ кенг савдо–сиёсий битимлар спектрини назорат қилмоқда ва қабул қилинаётган кўпгина қарорларни муаммаллаштирилиши натижасида катта ваколатларга эга бўлмоқда.

БЖСТнинг асосий вазифаларидан бири жаҳон савдосини либераллаштириш йўли билан доимий равишда импорт пошлинаси даражасини қисқартириб бориш, шунингдек турли нотўғри тўсиқларни бартараф этиш. Ўз фаолиятида у халқаро алмашинишни кенгайтириш, жаҳон ресурсларидан оқилона фойдаланиш, атроф-муҳитни сақлаган ҳолда барча мамлакатлар иқтисодий тараққиётини барқорорлаштиришга интилаяпти.

Айни пайтда 135 мамлакат БЖСТ тенг ҳуқуқли иштирокчиси ҳисобланади. Уларнинг кўпчилиги таъсисчи мамлакат мақомига эга. Ҳозирги даврда 40 га яқин ташкилот ва мамлакат БЖСТ да кузатувчи мақомига эга. Кўпчилик МДХ мамлакатлари БЖСТ га қўшилиш турли босқичларида турибди. Бунда янги мамлакатларнинг БЖСТ га кириш шартларидан бири уларнинг миллий қонунчиликларини Уругвай раунди битими пакетларига мувофиқлаштиришдир. Шунингдек улар қўшилаётган мамлакатлар қонунчилик органлари томонидан кейинчалик ратификация қилиниши зурур.

5.8. Халқаро савдони тартибга солиш

XX аср иккинчи ярмида ташқи савдони давлат томонидан тартибга солиш шаклидан ташқари, унинг халқаро тартибга солинишининг турли методлари ва шакллари ҳам ўз ривожланишини бошлади. Бу регионал (минтақавий) иқтисодиёт ташкилотлари, иттифоқлар ва гуруҳлар (нисбатан ривожланган регионал иқтисодий гуруҳлар ЕИ ҳисобланади, унинг тамал тоши ҳали 1957 йилдаёқ қўйилган эди) фаолиятининг шакли сифатида намоён бўлади. Чунки

умумжаҳон кўламидаги ташкилотлар фаолияти ҳозирги замон халқаро савдосининг кўпчилик қисмини камраб олган.

Халқаро савдода либераллаштириш тенденцияси устун бўлишига қарамай, нафақат айрим давлатлар даражасидан, балки савдо – иқтисодий блоклар, иттифоқлар ва гуруҳларда протекционистик сиёсати амал қилади. Бир томондан, ушбу блоклар ва иттифоқлар халқаро савдони ривожлантиришга имкон яратади. Савдо иштирокчилари бўлган мамлакатларнинг ўзаро ҳар хил тўсиқларини бартараф этади, бошқа томондан, - таркибга кирмаган, «**учинчи**» мамлакат ва бошқа савдо – иқтисодий иттифоқлар учун маълум тўсиқлар қўяди.

Барча мамлакатлар ташқи савдо сиёсатида ўз миллий иқтисодий манфаатларидан келиб чиқсаларда (айрим савдо – иқтисодий блокларнинг гуруҳий манфаатидан), улар объектив равишда иқтисодий ҳаётнинг байналминаллашуви жараёнига жалб этилиб, янада кўпроқ глобаллашув қирраларини олишади. Шунинг учун халқаро савдони кўп томонлама келишув асосида тартибга солиш зарурати долзарб масала ҳисобланади.

Бу эса бир қатор реал муаммоларни ҳал этиш имконини беради:

- ташқи савдо соҳасида мамлакатлар ўртасида зиддиятларни бартараф этиш;
- айрим мамлакатлар ва иқтисодий гуруҳлар билан ташқи савдони тартибга солишда бир хилликни ва келишувларни белгилашга эришиш.

БМТ доирасида жаҳон савдосини халқаро тартибга солишни БМТ нинг савдо ва тараққиёт конференцияси (United Nations Conferens on Trade and Development – UNCTAD, ЮНКТАД) ва БМТнинг халқаро савдо ҳуқуқи бўйича Комиссияси (United Nations Commission on International Trade Law, UNCTAD/WTO), «**БМТ билан боғланган автоном ташкилотлар**» гуруҳига кирувчи ташкилот амалга оширади. Бунда кўпроқ сезиларли ролни Бутунжаҳон савдо ташкилоти (БЖСТ) ўйнайди.

ЮНКТАД 1964 й. БМТ Бош ассамблеяси резолюциясига мувофиқ махсус доимий орган сифатида тузилган. 2000 й. 185 давлат – БМТ аъзолари ва ихтисослашган агентликлар вакили бўлган 3 аъзо ЮНКТАД аъзоси ҳисобланганди.

ЮНКТАДнинг асосий мақсадлари қуйидагилар ҳисобланади:

- иқтисодий ўсиш ва тараққиётни тезлаштириш мақсадида халқаро савдони ривожлантиришда ҳамкорлик қилиш, айниқса ривожланаётган мамлакатларда;
- халқаро савдога тегишли ва унинг билан боғлиқ бўлган иқтисодий тараққиёт муаммоларини ҳал этиш, хусусан, молиявий, инвестиция, технологиялар узатишда сиёсат ва принципларни ўрнатиш;
- халқаро савдо ва иқтисодий тараққиётнинг тегишли муаммолари соҳасида БМТ доирасида бошқа муассасалар фаолиятини кўриб чиқиш ва ташкил этишда ҳамкорлик қилиш;
- савдо соҳасида кўп томонлама ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш ва музокаралар олиб бориш учун зарурат туғилганда чора ва тадбирлар қабул қилиш;
- савдо соҳасида ва унинг тараққиёти билан боғлиқ ҳукуматлар ва минтакавий иқтисодий гуруҳлар сиёсатини келишиб олиш.

ЮНКТАД фаолияти негизига БМТ Бош ассамблеясининг 1995 й. резолюциясида белгиланган (XIX) функциялар қўйилган. У моҳиятан асосий иқтисодий ва халқаро савдо ҳуқуқий аспектларни, унинг билан боғлиқ иқтисодий тараққиётнинг барча масалаларини қамраб олади.

ЮНКТАД фаолияти асосий йўналишлари қаторига қуйидагилар киради:

- давлатлар ўртасида савдо ва иқтисодий муносабатларни тартибга солиш, жаҳон савдо тараққиёти принциплари ва концепцияларини ишлаб чиқиш;
- хом ашё товарлари билан халқаро савдони тартибга солиш бўйича чоралар ишлаб чиқиш;
- иқтисодий ҳамкорлик ва савдо сиёсатининг воситалари ва чораларини ишлаб чиқиш;
- ривожланаётган мамлакатлар ўртасида иқтисодий ҳамкорликни тараққий эттиришда ҳамкорлик қилиш;
- жаҳон савдо тараққиёти масалалари ва бошқа муаммолар бўйича иқтисодий гуруҳлар ва ҳукуматлар сиёсатини келишиб олиш мақсадида экспертлар, ҳукуматлар вакиллари билан дипломатик музокаралар конференцияларини ўтказиш;
- ишга доир амалиётнинг чекловларини тартибга солиш;

- кенг доирадаги халқаро иқтисодий муносабатлар масалалари бўйича ҳукуматлар позициясини таққослаш ва муҳокама қилиш, шунингдек халқаро савдо ва тараққиёти конкрет масалалари бўйича турли мамлакатлар гуруҳлари ўртасида музокаралар учун форум ролини бажариш;
- халқаро савдо масалалари бўйича БМТ доирасида фаолиятни мувофиқлаштиришда ҳамкорлик;
- халқаро иқтисодиёт ташкилотлари, энг аввало, БЖСТ билан фаолият йўналишларини келишиб олиш ва дубллаштиришни тузатиш мақсадида ҳамкорлик.

Ҳозирги замон йирик халқаро савдо ташкилотлари (2006 й. 95 % дан юқори) қамрови нуқтаи назаридан, қайсиким, улар доирасида халқаро савдо муаммолари бўйича консультациялар ва музокаралар олиб борилади. **Бутунжаҳон савдо ташкилоти** (БЖСТ, World Trade Organization, WTO) энг нуфузли ҳисобланади. Унинг олдингиси 1947 й. Женевада имзоланган (келишув ва шаклланишнинг ўзи унинг асосидаги ташкилий структура 1948 й. амал қила бошлади) савдо ва тарифлар бўйича Бош келишув ҳисобланади (ГАТТ, General Agreement on Tariffs and Trade GATT). ГАТТ тузиш ташаббусқори АҚШ бўлди. Қайсиким, у иккинчи жаҳон урушидан кейин сезиларли рақобат устунлигига эга ҳолда қудратли иқтисодий ва илмий – техник потенциални шакллантиради ва халқаро савдонинг барқарор тартиб-қоидаларини шакллантириш учун кураш бошлади.

ГАТТ иштирокчи мамлакатлар ўзаро савдо – сотиғини давлат томонидан тартибга солиниши ва қоида ва нормаларини жорий этиш асосий принциплар ҳақида кўп томонлама битимларни ифода этади. Муҳими шуки, ушбу принциплар, нормалар ва қоидалар жаҳон тажрибаси асосида ишлаб чиқилган ва нафақат жаҳон савдосининг кўп томонлама шартларини белгилайди, балки ГАТТ иштирокчи мамлакатлари ташқи савдосини миллий тартибга солиш асосларини ҳам яратди. ГАТТ иштирокчи мамлакатлар доираси, кейин унинг издошлари – БЖСТ ушбу ташкилот фаолият кўрсатган йилларда сезиларли кенгайди: 1948 й. ГАТТ таркибига 22 мамлакат кирган бўлса, 2006 й. 152 мамлакат БЖСТ иштирокчилари бўлди (Собиқ СССР республикаларидан БЖСТ таркибига Арманистон, Грузия, Қирғизистон, Латвия, Литва, Молдова, Эстония кирганди). 2006 й. 50 га яқин мамлакат кузатувчи мақомига эга бўлди ва БЖСТга кириш ҳақида музокаралар олиб борди (шу жумладан, Россия, у 2012 йилдан бошлаб БЖСТ га қабул қилинди). ГАТТ / БЖСТ фаолият

кўрсатаётган йилларда халқаро савдони ривожлантиришнинг фундаментал масалалари бўйича конференцияларнинг 8 раунди ўтказилди.

Бироқ БЖСТ асосий фаолиятини ГАТТ ташкил қилади, унинг муҳим принциплари қуйиғилар ҳисобланади:

- янада кўпроқ қулай режим (дискриминациясиз савдони амалга ошириш);
- ташқи савдонинг у ёки бу воситаларини қўллаш ҳуқуқий принциплари (мамлакат саноатини хориж рақобатидан ҳимоя қилишга мувофиқ фақат божхона пошлинаси ўрнатиш йўли билан амалга оширилади) миқдорий чеклов йўли билан амалга оширилади;
- кўп томонлама музокаралар натижасида ва келажакда унинг оширилиши истисно қилинган ҳолда пошлина ҳажмини қисқартириш;
- халқаро савдо муаммоларини тартибга солиш мақсадида иштирокчи мамлакатларга консультациялар бериши (ГАТТ доирасида пайдо бўладиган халқаро савдо барча муаммолари музокаралар йўли билан ҳал этилиши керак);
- халқаро савдони адолатли рақобат асосида ривожлантириш.
- ривожланаётган мамлакатлар учун халқаро савдо режимида имтиёзлар бериш;
- минтақавий (регионал) савдо битимлари тузиш;
- тўқимачилик буюмлари ва кийим – кечаклар билан халқаро савдонинг алоҳида нормаларини белгилаш.

Ушбу принциплар ГАТТ да қайд қилинган, кейинчалик музокаралар натижасида уларга яна миллий режим принциплари ҳам қўшилган.

БЖСТ ўз мустақил фаолиятини бошлангандан кейин ГАТТ нинг 1994 й. таҳририятидаги барча асосий ҳолларни сақлаб қолади ва халқаро савдонинг эркинлигини таъминловчи янги вазифаларни ҳал этади. Бу БЖСТ фаолият соҳасини сезиларли кенгайтиради ва нафақат товарларни, балки хизматларни ҳам ўз ичига олди (уларнинг спектри сезиларли ва доимий равишда кенгайиб бормоқда), интеллектуал мулк ҳуқуқи савдоси ва инвестицион чоралар билан боғлиқ муносабатлар кўлами кенгаймоқда. Бунда жаҳон иқтисодиёти тараққиётини товарлар ва хизматлар эркин савдоси учун шароитлар яратиш йўли орқали таъминлаш БЖСТ расман эълон қилган мақсадлар ҳисобланади.

БЖСТ тузилгандан кейин халқаро савдони либераллаштириш бўйича янги қарорлар қабул қилинаёпти. 2000 й. декабрда Сиэтледа (АҚШ) министрлар маслаҳатлашувида БЖСТга аъзо мамлакатларнинг музокараларини янги раундини бошлашга уриниш бўди. Бироқ у бир томондан АҚШ ва ЕИ, бошқа томондан ривожланаётган мамлакатлар, шунингдек АҚШ ва ЕИ ўртасидаги икки томонлама савдо зиддиятлари натижасида, ўткир қарама-қаршиликлар оқибатида муваффақиятсиз бўлди. Аммо бу зиддиятларни 2001 й. ноябрда Дохада (Қатор) да БЖСТ министрлар конференциясида БЖСТ таркибига Хитой ва Тайван қабул қилинганда бир мунча юмшатишга эришилди. Ўша даврдан БЖСТ доирасида музокаралар янги раунди бошланди, у министрлар конференцияси шаклида амалга оширилаёпти. Агар илгари жаҳон савдоси соҳасида музокараларни ҳаммадан кўпроқ АҚШ ва ЕИ мамлакатлари, Япония ва Канада олиб боришган бўлса, XX аср охирида бу жараёнга БЖСТ га аъзо бошқа мамлакатлар фаол қўшила бошладилар. БЖСТ таркибига Хитой қўшилиши билан ушбу ташкилот доирасида вазият сезиларли тарзда ўзгарди, чунки ушбу мамлакатнинг жаҳон иқтисодиёти ва сиёсати саҳнасида обрўси тобора ошиб бормоқда.

Умуман ўша 2006 йилда БЖСТ бутун битимлар тизими билан танилди. БЖСТ ўзи аъзоликка қабул қилган иштирокчи мамлакатларда улар билан имзоланган битимларга ташқи савдо сиёсати нуктаи назаридан қатъий амал қилиниши устидан мунтазам назоратини амалга оширмоқда.

Халқаро савдо маркази (ХСМ) ЮНКТАД / БЖСТ 1964. ГАТТга аъзо мамлакатлар қарорига кўра ташкил этилган. Масқади – савдони ривожлантириш йўли билан халқаро тижорий фаолият соҳасида ташқи савдо ахборотлари ва консультация хизматлари тақдим этишда ҳамкорлик кўрсатиш, шунингдек аниқ лойиҳаларни амалга оширишда техник хизматлар тақдим этиш.

ХСМ асосий мақсадлари қўйидагилар ҳисобланади:

- савдони рағбатлантириш учун ривожланаётган мамлакатларда инфратузилмани яратишда ҳамкорлик қилиш;
- экспорт бозорининг ўзлаштирилишини аниқлаш ва ёрдам кўрсатиш;
- савдога ҳамкорлик ихтисослашган миллий хизматини тузиш;
- кўп томонлама асосда савдо тараққиётини рағбатлантириш;
- импорт операциялари техникасини такомиллаштириш;

- кадрлар тайёрлаш.

Кўрсатилган мақсадлар ХСМ асосий дастурлари – «Савдо ва экспорт тараққиётига ҳамкорлик» доирасида амалга оширилади. ХСМ шунингдек икки махсус дастурлар бўйича иш олиб боради: «Камроқ ривожланган мамлакатлар билан техник ҳамкорлик» ва «Миллий савдо палаталари билан техник ҳамкорлик».

ЮНСИТРАЛ, БМТ Бош Ассамблеяси ёрдамчи органи ҳисобланади, 1966 й. ташкил этилган. Мақсади – халқаро савдо ҳуқуқи йўли билан тараққиётга ҳамкорлик қилиш, хусусан, халқаро конвенциялар лойиҳаларини ва бошқа харажатларни тайёрлаш. Халқаро савдони тартибга солиш мақсадида айрим хом ашё товарлар билан кўп томонлама битимлар тузилган ва импортчи ва экспортчи давлатлар иштирокида халқаро ташкилотлар тузилган: Какоа бўйича (Какоа бўйича халқаро ташкилот – МОКК, International Cocoa Organization), кофе бўйича (кофе бўйича халқаро ташкилот – МОК, international Coffee Organization - ICO), натурал каучик бўйича (Каучик бўйича халқаро ташкилот – МОНК, International Natural Rubber Organization - INRO), шакар бўйича (шакар бўйича халқаро ташкилот-Мос, International Sugar Organization - ISO). Нефт экспортчи мамлакатлари ташкилоти, Organization of the Petroleum Exporting Countries – ОПЕК). Булардан ташқари, мисс, боксит, темир рудаси, симоб, вольфрам, қалайи, кумуш, фосфатлар, тропик ёғоч, тери, ғалла, кокос маҳсулотлари, жут, пахта, мурч, чой, банан, арахис, цитрус мевалар, гўшт ва уруғ мойи экспортчиларнинг халқаро консултив ташкилоти, давлатлараро ассоциациялар ёки халқаро кенгашлар фаолият кўрсатади. Шунингдек хом ашё товарлари бўйича (мисол учун, каучук, кўрғошин, рух ва мисс бўйича) халқаро тадқиқот гуруҳлари бор.

Назорат саволлари

1. Халқаро савдо алоқаларининг халқаро иқтисодий муносабатлар улушида ҳажми қандай?
2. Жаҳон хўжалигида халқаро савдонинг ўрни ва ролини аниқланг?
3. Халқаро савдо назарияси қайси олимлар томонидан шакллантирилган?
4. Халқаро савдо тараққиётида қайси даврни «**олтин аср**» деб характерлаш мумкин?
5. Халқаро савдода барқарор турган ўсишига қайси омиллар таъсир қилади?
6. Жаҳоннинг қайси минтақаси халқаро савдо бош маркази ҳисобланади?
7. Осиёнинг қайси давлати халқаро савдо соҳасида сезиларли сакраш қилган?
8. Халқаро савдода АҚШ ролининг пасайиши нима билан боғлиқ?
9. Жаҳон савдосида асосий экспортчи ва импортчи мамлакатларни айтинг.
10. Халқаро савдонинг асосий географик йўналиши ва тенденцияларини характерланг.
11. Халқаро савдо алоқаларининг интенсив ривожланишида қайси товарлар ва маҳсулотлар муҳим аҳамият касб этади?
12. Халқаро савдода қайси товарлар ва маҳсулотларга нисбатан талаб камайиши кўзга ташланади?
13. Халқаро савдода «либерализм» ва «протекционизм» атамаси нимани англатади?
14. Халқаро савдода ҳозирги замон протекцион чоралар тизимини айтинг?
15. Савдо ва тариф бўйича Бош келишув халқаро ташкилоти (ГААТ) ва унинг давомчиси Бутунжаҳон савдо ташкилоти (БЖСТ) қачон ташкил қилинган?
16. Ҳозирги замон халқаро савдони тартибга солишда кўпроқ сезиларли роль ўйновчи халқаро ташкилотларга мисоллар келтиринг.
17. БЖСТ доирасида тузилган битимлардан энг муҳимларини айтинг.

IV-Бoб. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР БИЛАН ТАШҚИ САВДО АЛОҚАЛАРИ

1.8. Мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда ташқи савдонинг роли

Ташқи савдо алоқалари халқаро ҳамкорликнинг муҳим соҳаларидан бири бўлиб, турли мамлакатлар билан илмий-техник, маданий алоқаларни йўлга қўйиш, улар ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатиш иқтисодиётни фаол ва ҳар томонлама ривожлантириш, ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда ёрдам берувчи восита саналади.

Жаҳон миқёсида ҳар қандай давлат, хоҳ кичик, хоҳ йирик бўлсин, қандай тараққиёт даражасида бўлмасин, ташқи иқтисодий алоқаларсиз кўзланган мақсадига эриша олмайди. Чунки, ҳозирги кунда жаҳонда ишлаб чиқарилаётган барча буюмлар ва товарларнинг ассортименти бир неча миллион турни ташкил қиладики, уларни бирорта давлат ўзида ишлаб чиқариш қудратига эга эмас. Айрим ҳолларда эса баъзи тур маҳсулотларни ўзида ишлаб чиқарганидан кўра, уларни бошқа мамлакатлардан олиб келиш (сотиб олиш) арзонга тушади. Шунинг учун ташқи савдо соҳаси ҳар бир давлатнинг турли талабларини кондиритишда, ижтимоий-иқтисодий ўсишни соғломлаштириш ва самарадорлигини оширишда муҳим восита ҳисобланади. Ташқи савдо алоқалари дунёдаги турли хил халқларни ва элатларни бир-бирига яқинлаштиради ва охир оқибатда давлат қудратини кучайтиради ҳамда аҳоли турмуш даражасини яхшилайти.

Ташқи савдо алоқаларини оқилона амалга ошириш мамлакат хўжалигининг турли тармоқларини кенг ривожлантиришга имкон беради. Саноат ва қишлоқ хўжалиги тармоқларида ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, замонавий техника ва технологиялар билан қуроллантириш, меҳнат ресурслари, табиий минерал-ҳом ашёлардан янада самаралироқ фойдаланишга замин яратади. Оқилона ва янада самаралироқ амалга оширилган ташқи савдо алоқалари мамлакат олдида турган ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ҳал этишни тезлаштиради.

Ташқи савдо алоқалари турли мамлакатларнинг илмий-техник ютуқларидан моҳирона фойдаланишга, ишлаб чиқаришга жаҳон илғор тажрибаларни кенг миқёсда жорий этишга кўмаклашади.

Шунинг билан бирга фан ва техниканинг долзарб муаммоларини ҳал этишни тезлаштиради.

Ташқи савдо алоқалари мазмуни ҳамкор мамлакатлар ва бутун жаҳонда ишлаб чиқариш муносабатлари ва ишлаб чиқариш кучларининг характери, тузилиши, динамикаси, тараққиёти даражасини белгилайди. Ташқи савдо алоқалари мамлакатларнинг ўзаро манфаатли ва тенг ҳуқуқлик принципларига асосланади.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро савдодаги иштироки жаҳон мамлакатлари билан савдо айланмасини кенгайтиришга асосланган бўлиб, бу бугунги кундаги муаммоларни оқилона ва самарали ҳал этиш имконини беради.

2.8. Ўзбекистон ташқи савдо алоқаларининг тузилиши ва динамикаси

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси дунёнинг 140 дан ортиқ мамлакатлари билан савдо ва иқтисодий муносабатларни амалга ошириб келмоқда. Шунини таъкидлаш жоизки Собиқ Совет тузими даврида Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан мустақил равишда ташқи савдо алоқаларни олиб бориш имкониятига эга эмас эди. У тўғридан-тўғри жаҳон савдосида иштирок этаолмасди. Бу масалаларда ўзининг интеллектуал салоҳиятдан, иқтисодий ва табиий ресурслари потенциалидан тўлалигича фойдаланишга қодир эмасди. Республиканинг ташқи савдо алоқаларда иштирок этиши масалалари марказ кўрсатмаси билан ҳал қилинарди ҳолос.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач жаҳон ҳамжамиятининг ҳуқуқли аъзосига айланди. Республиканинг халқаро миқёсдаги обрў эътибори ва нуфузи катта саноат потенциали, малакали меҳнат ресурслари мавжудлиги билан мустаҳкамланмоқда. Булар юқори технологияли маҳсулотлар: самолётлар, автомобиллар, тракторлар, пахта териш машиналари ва тараққий этган мамлакатларга хос бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқариш имконини беради. Республиканинг хорижий мамлакатлар билан ташқи-иқтисодий алоқаларини кенгайтириш, халқаро меҳнат тақсимоотида фаол иштирок этиши учун катта имкониятлари мавжуддир.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистоннинг мустақилликка эришуви мураккаб халқаро вазиятлар шароитига дуч келди. Бундай ҳолат жуда тез ва қисқа муддат ичида мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалари мажмуасини шакллантиришни тақозо этди. Натижада бу соҳада

мамлакатнинг жаҳон хўжалик тизимига интеграциялашувини амалга оширишнинг қонунчилик, меъёрий-ҳуқуқий асослари яратилди. Мамлакатнинг ташқи савдо муносабатлар тизими такомиллашиб, чет давлатлар билан савдо-иқтисодий алоқалар кўлами ва ҳажми ҳам ортиб борди.

Ўзбекистон ташқи савдо алоқалари 1993-2009 йилларда деярли 4,4 баробарга ошди. Бу унинг экспорт ва импорт ҳажми ўсишини таъминлади. Шу билан бирга, мамлакат ташқи савдо алоқалари турли йилларда гоҳ ўсиб, гоҳ пасайиб турди. Хусусан, 1993-1996 йилларда республика ташқи савдо алоқаларининг ўсиши юқори суръатларга эга бўлди. Бу даврда мамлакат ташқи савдо алоқалари 191,6 фоизга, (экспорти 191,5 ва импорти эса 191,7 фоизга) ўсди. Бу республика асосий экспорт товарлари учун жаҳон бозорларида пахта толаси ва минерал ўғитлар нархларининг сизиларли ошганлиги билан изоҳланади. Аммо, 1996 йилдан бошланган жаҳон иқтисодиётида хом ашё нархларининг кескин пасайиши, ўз навбатида, Ўзбекистон ташқи савдо алоқалари ҳажмининг сезиларли қисқаришига таъсир кўрсатди. Республика ташқи савдо алоқаларида 1996-1997 йилларда манфий сальдо кузатилди. 2003 йилда у барқарор ўсишда давом этиб, 2009 йилда унинг ҳажми 21209,6 млн. АҚШ долларини ташкил қилди. Бунда жаҳон хом ашё бозорларида нархлар барқарор ўсишининг сақланиши, мамлакат иқтисодий ўсиш суръатларининг барқарорлашуви асосий ўрин тутди.

Экспорт. Шуни айтиш лозимки, Ўзбекистон иқтисодиёти жаҳон бозорлари конъюнктура ўзгаришларига кучли даражада боғлиқ бўлиб қолаётганлиги маълум. Мамлакат экспорти таркибидаги маҳсулотларнинг (80 %) асосан хом ашё ресурслари ташкил қилганлиги сабабли халқаро бозорлардаги нархларнинг барқарор эмаслиги ва пасайиши бевосита экспорт ҳажмининг камайишига ва ўз-ўзидан импортнинг қисқаришига (валюта тушумларининг қатъий эмаслиги туфайли) олиб келади. Шу боис, мамлакат экспорт тузилишини такомиллаштириш, иқтисодиётнинг рақобатбардош экспорт таркибини шакллантириш ҳамда мамлакатимиздаги ишлаб чиқарувчиларга ташқи савдо имтиёзларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада, республика экспорти таркибида бир қатор ижобий ўзгаришлар содир бўлмоқда. Жумладан, сўнги йилларда анъанавий маҳсулотлар - пахта толаси, рангли металллар, кимё маҳсулотлари қаторида автомобиллар, мураккаб маиший

электротехника асбоб-ускуналари, хизмат кўрсатиш турлари кабилар улуши борган сари ортиб бормокда.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида экспорт ва импорт тузилиши анчагина такомиллашди. Ўзбекистоннинг асосий экспорт маҳсулоти саналган пахта толасининг экспортдаги улуши 1992-2009 йилларда 47,9 фоиздан 8,6 фоизга қисқарди. Мамлакатда кейинги йилларда барқарор пахта ялпи ҳосилини олиш (3400,5 минг т, 2008 й.) унинг жаҳон пахта толаси бозоридаги мавқеини мустаҳкамлаш имконини яратди. Ҳозирги пайтда жаҳонда пахта етиштирувчи 66 та давлат бўлиб, улар орасида Ўзбекистон пахта толаси ишлаб чиқариш бўйича Хитой, АҚШ, Ҳиндистон ва Покистондан кейин бешинчи, уни экспорт қилиш бўйича эса - АҚШдан кейин иккинчи ўринда туради.

Мамлакат экспорти таркибида машина, асбоб-ускуналар ва жиҳозларнинг улуши 1992-1996 йилларда камайиб, 9,4 фоиздан 2,8 фоизга қисқарди, яъни энг паст кўрсаткичларга эга бўлди. Сўнгги йилларда уларнинг улуши бирмунча ўсди (2006 йилда 12,1%), 2009 йилга келиб яна кескин пасайиб кетди (2,9 %). Ўзбекистон дунёда автомобиль ишлаб чиқарадиган 28 та давлатлардан бири саналади. Айни пайтда биргина автомобиль саноатининг ўзи мамлакат умумий экспорт ҳажмининг 8,0 фоизини ташкил қилмокда. Янги инвесторлар – АҚШнинг «Genegal Motors», Япониянинг «Izuzu», Германиянинг «MAN» каби автомобил компаниялари инвесторларини жалб қилиш автомобилсозликда ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, янги моделдаги енгил ва юк автомобиллари ҳамда йўловчиларни ташувчи автобусларни йиғиш имконини бермокда. Автомобилсозликда мамлакатимиз экспорт салоҳияти «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасининг янги моделдаги автомобиллари ҳисобига мустаҳкамланмокда. Ўзбек автомобиллари ҳозирги кунда нафақат яқин хорижий МДХ мамлакатларига экспорт қилиниб қолмасдан, балки кескин рақобатга қарамай Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Афғонистон каби давлатлар бозорларида ҳам ўз ўрнига эга бўлиб бормокда.

Сўнгги йилларда мамлакат экспорти таркибида электротехника маҳсулотлари ҳам тобора мустаҳкам ўринга эга бўлмокда. Ўтган йилларда содир бўлаётган асосий ўзгаришлардан яна бири бу мамлакат экспорти таркибида янги хизматлар соҳасининг вужудга келишидир. Ушбу соҳанинг экспортдаги улуши 2009 йил 8,8 фоизга тенг бўлди. Хизматлар экспортида ҳар хил транспорт хизмати

кўрсатиш турлари асосий ўринни эгаллайди. Масалан, авиация транспортида йўловчиларни ва юкларни ташиш хизматлари, темир йўл ва қувур транспортларида маҳсулотлар ва юкларни ташишлар кўлами кенгайиб бормоқда. Шунингдек, қурилиш ишлари, машина-жиҳозларни монтаж қилиш ва таъмирдан чиқариш, улардан фойдаланиш ва ижарага бериш, сугурта, экспедиторлик, реклама, архитектура ва муҳандислик хизматлари ва бошқаларнинг роли ошмоқда. Туризм ва меҳмонхона хўжалиги соҳасида, лойиҳалаштириш, қурилиш, алоқа ва телекоммуникация, техник воситалар ва бошқаларни таъмирлаш бўйича хизматлар соҳасини янада ривожлантириш истиқболли йўналишларга айланиб бормоқда.

Ўзбекистон экспорти таркибида энергия манбалари ва нефть маҳсулотлари ҳам асосий ўринни (34,2 %) эгаллайди. Минерал ёқилғи (табиий газ) узоқ ва яқин хориж (Хитой, Россия) мамлакатларига чиқарилмоқда. Экспорт таркибида суюлтирилган газнинг салмоғи тобора ошиб бормоқда. Республика ёқилғи энергетика тармоқлари томонидан авиация ёнилғиси, дизель ёнилғиси, индустриал мой, каттик фракциялар ҳамда нефть ва газни қайта ишлашнинг бошқа маҳсулотларини экспорт қилиш ортмоқда. Хорижий инвесторлар иштирокида минерал-ҳом ашё ресурсларини қидириш ва уларни қазиб олиш ишлари амалга оширилмоқда.

Рангли металллар ҳамда улардан тайёрланган буюмларни экспорт қилиш ҳам ривожланиб бормоқда. Айни пайтда ушбу тармоқ республика экспорти ҳажмининг 5,0 фоизини ташкил қилади. Рангли металллар экспорти ўсиб, унинг таркибида мис, рух, иккиламчи алюминий, вольфрам, молибден ва улардан тайёрланган буюмлар ҳажми тобора ортиб бормоқда.

Ҳозирги кунда республика кимё саноатининг мамлакат экспортидаги улуши 5,0 % тенг бўлиб, у кимёвий тола, пластмасса ва ундан тайёрланган маҳсулотлар, минерал ўғитлар билан бирга комплекс ўғитлар, шиша тола ва пластмасса асосидаги қувурлар, полимер пленкалар, поролон, техник ва маиший аҳамиятдаги турли предметлар ва бошқаларни экспорт қилади. Мамлакатимизда кимё саноатининг модернизация қилиниши, ушбу гуруҳ товарлари бўйича экспорт таркибини тубдан ўзгартириб юборди. Бу борада тармоқда полиэтилен, целлюлоза, турли кимёвий элементлар ва бирикмаларни экспорт қилиш тобора ортиб бормоқда.

Республика экспортида эса озиқ-овқат маҳсулотларининг улуши ҳам анчагина (6,0 %) . Ғалла етиштириш ва уни қайта ишлаш асосида

ун саноати маҳсулотларини четга чиқаришнинг ошишига, пахтадан юқори ҳосил олиш натижасида ўсимлик мойини экспорт қилишга имкон яратади. Ўзбекистоннинг сабзавот-полиз ва айниқса мевачилик соҳасидаги имкониятлари бекиёс каттадир. Ҳозирги кунда уларнинг бир қисми эса асл ҳолатида яқин хорижий мамлакатларга экспорт қилинади.

Таъкидлаш жоизки, кейинги пайтларда мамлакат экспорти таркибида чуқур технологик асосда қайта ишланган товарларнинг ҳиссаси ҳам тобора ортиб бормоқда. Ўз ўрнида эса қишлоқ хўжалигининг (пахта ҳам ашёси ва озиқ-овқат маҳсулотлари) улуши қисқармоқда. Экспорт таркибида қишлоқ хўжалигининг улуши 1992 йилдаги 63,0 фоиздан мунтазам равишда камайиб, 2008 йилда 20,0 фоизга тенг бўлди. Бунда саноат ва хизматлар соҳасининг жадал ўсиши асосий омил бўлди. Экспортдаги бундай ўзгаришларни республика импорти таркибида ҳам кузатиш мумкин.

Импорт. Ўзбекистон импорти таркибида ишлаб чиқариш-техник аҳамиятидаги товарлар, материаллар, ярим фабрикатлар, технологик жиҳозлар, бутловчи ва эҳтиёт қисмлар асосий ўринни эгаллайди. Булар республикаимиз корхоналари томонидан ишлаб чиқарилмайдиган ёки жуда кам миқдорда ишлаб чиқариладиган ҳамда товар ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш, технологик жараёнларда фойдаланиладиган товарлардир.

Машина асбоб-ускуналар ва жиҳозлар импортида механик жиҳозлар, транспорт воситалари (асосан бутловчи ва эҳтиёт қисмлар), электротехника товарлари, турли хил асбоб-ускуналар ва аппаратлар асосий ўрин эгаллайди. Машина асбоб-ускуналар ва жиҳозлар асосан узоқ хориж мамлакатларидан (70 фоиздан ортиқ) ва кам миқдорда МДХ мамлакатларидан сотиб олинади. Бу ҳолат инвестиция ва технологик ҳамкорлик соҳасидаги шериклар ва инвестициялар географияси билан боғлиқдир. Булар асосан, Германия, Франция, Италия, Швейцария, Япония, Корея Республикаси, Хитой, Туркия, Россия каби давлатларнинг етакчи фирма ва компаниялари, банклари ҳисобланади. Мамлакатда тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг ривожланиши, инвестиция фаолиятининг фаоллашуви республика ҳудудида ишлаб чиқарилмайдиган қора металллар, кимё маҳсулотлари, ёғоч ва ёғоч маҳсулотлари импортининг ўсишини жадаллаштирди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон импортида содир бўлган муҳим ўзгаришлардан бири бу озиқ-овқатлар ҳамда машина асбоб-

ускуналар ва жиҳозлар улушининг ўрин алмашганлигидир. Масалан, 1992 йилда мамлакатга четдан келтирилган товарларнинг асосий қисми (36,8 %) озиқ-овқатларга тўғри келган бўлса, 2009 йилга келиб унинг ўрнини машина ва жиҳозлар (56,5 %) эгаллади (1992 й. - 9,2 %). Бинобарин, 1992-2009 йилларда озиқ-овқатларнинг салмоғи 36,8 фоиздан 9,0 фоизга қисқарди. Бу мамлакатда олиб борилаётган иқтисодий сиёсатининг тармоқлар таркибини такомиллаштириш, миллий саноатни модернизация қилиш ва ривожлантиришга қаратилганлигининг натижасидир. Айни вақтда, экспорт таркибидаги каби импортда ҳам хизматлар улуши муттасил ошиб бораётганлигини кўриш мумкин.

Республика импортида озиқ-овқат маҳсулотлари ва энергия манбалари (нефть маҳсулотлари) улушининг қисқариши мамлакатда юритилаётган ғалла ва энергетика мустақиллигини таъминлаш сиёсатининг амалий натижаси ҳисобланади. Жумладан, Ўзбекистонда 1990 йили 3,6 млн. тонна ғалла етиштирилган бўлса, 2009 йилга келиб бу кўрсаткич қарийб 7,4 млн. тоннага етди. 1990 йил четдан 1,9 млн. тонна атрофида ғалла импорт қилинганди. Ўзбекистон ҳозирги кунда ғалла мустақиллигига эришди. Нефтни (газ конденсати билан бирга) қайта ишлаш 1991 йилда 2,8 млн. тоннани ташкил қилган бўлса, 2009 йилда 4,5 млн. т дан ошиб кетди.

Ўзбекистон импорти соҳасининг ривожланишида унинг импорт борасидаги олиб борилаётган сиёсати бевосита таъсир кўрсатди. Айни пайтда мамлакат импортида унинг умумий ҳимоя даражаси анча кучли. Республикада энг ҳимоя қилинадиган тармоқлар озиқ-овқат, енгил саноат, автомобилсозлик саноати, қурилиш материаллари тармоғи, турли саноат товарлари (мебель, ёритиш жиҳозлари, ўйинчоқлар) ҳисобланади. Бунда республикада умуман ишлаб чиқарилмайдиган ёки кам миқдорда ишлаб чиқариладиган товарларга (машина ва жиҳозлар, ноқимматбаҳо металллар, кимё саноатида ишлатиладиган алоҳида хом ашё маҳсулотлари, ёғоч)га энг кам миқдорда импорт божлари ва акциз солиқлари ўрнатилган. Шу билан бир қаторда алоҳида гуруҳ товарлар республикада ишлаб чиқарилмайди ёки кам ҳажмда ишлаб чиқарилса-да уларга анча юқори божхона тўловлари ўрнатилган (кофе, какао, асбест, глиноземли цемент, фотоплёнкалар ва фотопластинкалар, марварид, шиналар ва покришкалар). Бу мазкур товарларга божлар ва акциз солиқларининг ўрнатилган ставкалари мамлакатимиздаги миллий ишлаб чиқарувчиларни ҳимоя қилиш эмас, балки импортга ва

хорижий валютага бўлган талабни камайтириш мақсадидаги тадбирий чоралар бўлиб ҳисобланади.

3. §. Ўзбекистон республикасининг ташқи савдо географияси

Ўзбекистон республикаси ташқи савдо географиясининг таҳлили шуни кўрсатадики, у амалда дунёнинг барча минтақаларини камраб олмоқда. Республика ташқи савдо айланмасида Европа (59,6 %) ва Осиё (37,3 %) давлатлари етакчи салмоққа эга. Аксинча, Америка (2,8 %), Африка (0,2 %), Австралия ва Океанияга (0,1 %) ташқи савдонинг 2,7 фоизи тўғри келади, холос. Ўзбекистоннинг Европадаги асосий савдо ҳамкори Европа иттифоқи бўлса, Осиёда Хитой, Корея Республикаси, Ҳиндистон, Япония билан савдо алоқалар тобора ўсмоқда. Бу қўшма инвестиция ва фан-техника ҳамда гуманитар соҳаларда ҳамкорликни кенгайтириш билан боғлиқ. Осиё билан савдо алоқаларининг ўсишига халқаро молиявий институтларнинг ҳам фаол иштироки сабабдир. Осиё тараққиёт банки (ОТБ) лойиҳалари, Корея Республикаси, Япония, Туркия банклари кредитлари геология-кидирув, тоғ-кон ва металлургия, кимё саноати, автомобилсозлик, енгил саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт-коммуникация инфратузилмасини ривожлантиришга, кичик бизнес ва тадбиркорлик, ижтимоий соҳаларни ривожлантиришга қаратилган.

Ўзбекистоннинг Шимолий Америка ва Жанубий Америка мамлакатлари билан ҳам ташқи савдо алоқалари кенгайиб бормоқда. Африка, Австралия ва Океания давлатларининг мамлакат ташқи савдосидаги улуши паст даражада бўлиши ва савдо айланмасига сезиларли таъсир кўрсатмаслигига қарамай, улар билан савдо иқтисодий ва сиёсий соҳаларда муносабатлар мустаҳкамланмоқда.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон ташқи савдосида МДХ давлатларининг иштироки кучайиб бормоқда. Бу, биринчи навбатда, минтақавий иқтисодий интеграцияни ривожлантириш ва шу асосда мамлакатнинг халқаро алоқаларда муносиб иштирок этишини таъминлаш билан изоҳланади. МДХ, Марказий Осиё ва Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ) доирасида интеграция жараёнларини чуқурлаштириш Ўзбекистон учун катта аҳамиятга эга ва улар республиканинг жаҳон ҳамжамиятига уйғунлашувида муҳим пойдевор вазифасини ўтайди. Шунингдек, МДХ билан савдо-иқтисодий алоқаларда юқори ўсиш суръатлари, ўз навбатида, сув-энергетика ресурсларидан биргаликда фойдаланиш, транспорт,

коммуникация ва бошқа турли соҳалардаги ҳамкорлик самарадорлигини кўрсатади. Ҳозирда МДҲдан Ўзбекистоннинг асосий савдо ҳамкорлари Россия, Украина ва Қозоғистон бўлса, узок хориж мамлакатларидан эса Хитой, Швейцария, Корея Республикаси, Туркия ва Эрондир.

Ўзбекистон-Россия савдо-иқтисодий муносабатлари. Россия Ўзбекистоннинг йирик иқтисодий ҳамкорларидан бири ҳисобланади. Улар ўртасидаги товар айланмаси тузилиши янада жадал рационал тус олаяпти. Ўзбекистондан Россияга экспортда табиий газ ва ускуналар, пахта толаси, пахтадан тайёрланган газламалар, калава иплар, трикоатж буюмлари, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари асосий ўринни эгаллайди.

Россиядан Ўзбекистонга импорт ҳажмида асосий улушни 38 % машина ва асбоб-ускуналар, кимёвий маҳсулотлар, ёғоч, қоғоз, картон, мебеллар эгаллайди. Тошкентдаги Чкалов номли заводда замонавий юк ва йўловчи ташиш самолётларини биргаликда ишлаб чиқариш бўйича Ўзбекистоннинг Россия билан ҳамкорлиги айниқса сезиларли даражада фаоллашмоқда.

Шуниси характерики, Ўзбекистоннинг авиация ва автомобиль заводларида бутловчи ва бошқа материалларга Россия Федерациясининг 950 дан ортиқ корхоналари буюртмалар олган.

Ўзбекистон иқтисодиётига Россия ўз капиталини кенг кўламда инвестиция қилишга қизиқиши ортмоқда. Биринчи навбатда, экспортталаб соҳалар нефт ва газни казиб олиш, тоғ қазилмалари, металлургия саноати, машинасозлик, электроника маҳсулотлари ишлаб чиқариш, аниқ приборсозлик, қурилиш материаллари, телекоммуникация, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва бошқа истиқболли соҳаларга инвестициялар киритиш жадаллашмоқда.

Кейинги йилларда машинасозликда, жумладан, приборсозликда, электротехника саноатида шартлашилган технологик кооперация оқилона тикланмоқда.

Икки мамлакат ўртасида бундай иқтисодий ҳамкорликнинг йўлга қўйилиши ўзбек ва рус халқлари менталитети, умумий маданияти ва иқтисодий ҳамкорлигини мустаҳкамлайди, ўзаро транспорт, алоқа инфратузилмасини яхшилади, мамлакатларни ҳудудий яқинлигини, иқтисодиётларни соғломлаштириш, ҳар икки мамлакатнинг динамик ўсиш суръатларини таъминлайди.

Ўзбекистон-Япония савдо-иқтисодий муносабатлари.

Ўзбекистон ва Япония савдо-иқтисодий, маданий ҳамкорликда кўп йиллик тарихга эга. Икки мамлакат ўртасида давлатлараро ва миллий ҳамкорлик муносабатлари Ўзбекистон мустақил бўлган ва миллий суверенитет олгандан кейин ўрнатилади. Япония билан дипломатик муносабатлар 1992 йил 26 январиди йўлга қўйилди. 2002 йил июлда икки мамлакат ўртасида «Ўзбекистон Республикаси ва Япония ўртасида ҳамкорлик ва стратегик шериклик, дўстлик тўғрисида декларация» имзоланади.

Шунингдек, «Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ва иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси ва Япония қўшма баёноти» имзоланди. Япония Ўзбекистонда ўтказилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар жараёнларини доимий равишда қўллаб-қувватлаб келаяпти. 1994 йилдан буён Япония ҳукумати Ўзбекистонга жуда катта миқдордаги кредит ва инвестицияларни тақдим этиб келмоқда. Япония телекоммуникация, транспорт, энергетика, таълим ва бошқа соҳаларда муҳим инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш учун давлат йўли билан 270 млн. доллардан кўп миқдордаги маблағни узоқ муддатли кредитлар ва грантларга ажратди.

Ўзбекистон иқтисодиёти тузилишини қайта ташкил этишда халқаро ҳамкорлик Япония тижорат банки кредитлари ҳам муҳим аҳамият касб этади. 730 млн. доллардан зиёд бу кредитлар нефт, газ ва тўқимачилик саноати соҳаларини молиялашга қаратилди.

Япония компаниялари ва банклари ёрдамида Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Шўртан газ-кимё мажмуаси қурилди. Марказий Осиёда йирик ҳисобланган Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи Япония капитали билан реконструкция қилинди. Унинг кўмагида Кўкдумалоқ газ компрессор станцияси ҳам ишга туширилди.

Илғор Япон технологияси асосида тўқимачилик саноати корхоналарини кенг кўламда модернизация қилиш ишлари олиб борилди. Бу пахтадан сифатли экспортбоп тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш, пахта толасини қайта ишлашни чуқурлаштириш имконини беради. Масалан, Қўқон тўқимачилик комбинати. Худди шундай мажмуалар Чиноз, Шаҳрисабз ва республиканинг турли вилоятларида ишга туширилди. Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг муҳим соҳаси телекоммуникация тармоғи ҳисобланади. Япония ҳукумати томонидан ажратилган узоқ муддатли 246 млн. АҚШ доллари имтиёзли кредитлар бугунги кунда

республикаимиз ташкилотларида компьютерлаштиришни амалга оширишга имкон яратди.

Энергияни тежаш ва экологик тоза маҳсулотларни ишлаб чиқариш соҳаларида, айниқса энергетика соҳасида ҳам ҳамкорлик ривожланаяпти. Япония Тошкент иссиқлик электростанциясида янги буғ, газ ускунасини ўрнатиш учун Ўзбекистонга узоқ муддатли (196 млн. доллар) кредит ажратди. Тошкент иссиқлик маркази модернизацияланди. Япония билан Ўзбекистон Марказий Осиё ва Афғонстонда қисқа масофали темирўл йўналишини яратиш, шунингдек Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида иқтисодиётни ривожлантиришни таъминловчи Тошгузар-Бойсун-Қумқурғон темирўли қурилишига имтиёзли шарт билан 150 млн. доллардан ортиқ маблағ ажратди. Ушбу темир ўл магистрали 2008 йилда қурилиб битказилди.

Келажакда Ўзбекистон – Япония ўртасидаги асосий ҳамкорлик йўналишлари туризм, транспорт, алоқа коммуникация тармоқлари, электротехника, электроника, телекоммуникация, тўқимачилик, химия, газ, нефть саноати соҳаларини ривожлантириш, ишлаб чиқаришни янги технологиялар билан қуроллантиришга Япония инвестицияларини жалб этишга қаратилади.

Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи (ЕИ) мамлакатлари билан савдо-иқтисодий ҳамкорлиги. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг Европа Иттифоқи мамлакатлари билан ташқи савдо обороти динамик тус олаяпти. Ўзбекистондан экспортга чиқарилаётган маҳсулотларнинг 3/5 қисми Европа Иттифоқи мамлакатлари улушига тўғри келади. Ўз ўрнида Ўзбекистон импортининг ярмидан кўпроғи ҳам Европа Иттифоқи мамлакатлари ҳиссасига тўғри келади. Европа Иттифоқи мамлакатлари орасида Ўзбекистоннинг йирик савдо-иқтисодий ҳамкорлари бўлиб, Германия, Буюк Британия, Италия, Бельгия, Франция, Нидерландия, Польша, Чехия, Болгария каби мамлакатлар ҳисобланади.

Европа иттифоқи мамлакатлари шунингдек, Ўзбекистон иқтисодиётига тўғридан-тўғри сармоя капитали киритаётган йирик шериклар ҳамдир. Ўзбекистон ҳудудида ЕИ мамлакатлари фирма ва компаниялари иштирокида 500 дан зиёд корхоналар ишлаб турибди, улардан 115 таси юз фоиз (100%) Европа иштироки капитали ҳисобига ташкил этилган.

Европа иттифоқи мамлакатлари банклари ва суғурта компаниялари Ўзбекистонда умумий суммаси 3 млрд. доллардан

ортиқ 200 га яқин лойиҳаларни молиялаштирганлар. Айни пайтда республикамиз шаҳарларида коммунал хўжалиги инфратузилмаси, ирригация иншоотларини реконструкция қилиш, амалдаги нефть конлари самарадорлигини ошириш ва янги истиқболли лойиҳалар асосида энергетика тизимини модернизациялаш, Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудида полиметалл руда конларини ишлаб чиқиш ва касбий таълим соҳасида кадрлар тайёрлаш борасида ҳам фаол ишларни олиб бормоқдалар.

Ўзбекистон–АҚШ савдо-иқтисодий муносабатлари. АҚШ ҳам Ўзбекистон иқтисодиёти учун муҳим инвесторлардан бири ҳисобланади. АҚШ ва Ўзбекистон ўртасида 2001 йилда стратегик муносабатлар ўрнатилди. Кейинги йилларда улар ўртасида ўзаро ташқи савдо алоқалари ҳам йўлга қўйилди.

АҚШ ёқилғи-энергетика комплекси, тоғ кон саноати, химия, енгил, озиқ-овқат, машинасозлик саноати, ахборот технологиялари, юқори технология маҳсулотлари сингари истиқболли соҳаларда Ўзбекистон билан ҳамкорликни ривожлантираяпти.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда АҚШ сармояси иштирокида ташкил этилган корхоналар сони 450 тадан ортиб кетди. Улардан 120 таси юз фоиз АҚШ капиталига барпо қилинган.

Улар орасида Навоий вилоятидаги «Зарафшон-Ньюмонт» корхонаси, Хўжаобод ер ости табиий газ омбори, Шўртангаз комплекси, юқори сифатли мой ишлаб чиқарувчи «Ўз-Тексако» қўшма корхонаси, Қашқадарё вилоятининг Шимолий Ўртабўлоқ нефть кони, нефть қазиб олишни кўпайтириш, қишлоқ хўжалиги техникасига лизинг ва техник хизматлар кўрсатиш, Жиззах шаҳрида аккумуляторлар ишлаб чиқарувчи «Ўз Эксайд» қўшма корхонаси, Тошкент шаҳрида “General motors” корпорацияси иштирокида турли хил моторларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Айни пайтда Ўзбекистон ва АҚШ ўртасида ҳам етакчи соҳаларда иқтисодий ҳамкорлик кенгайиб, ривожланиб бораёпти. Жумладан нефть, газ, тоғ кон саноати, транспорт тизими, телекоммуникация, ахборот технологиялари ва бошқа соҳаларда ҳам истиқболли лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш устида ишлар олиб борилаётган.

Назорат саволлари

1. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида ташқи савдонинг роли ва аҳамиятини характерланг.
2. Ўзбекистон Республикаси билан дунёнинг нечта давлатлари савдо-иқтисодий алоқаларни амалга оширади?
3. Мустақиллик йилларида республиканинг ташқи савдоси умумий ҳажми неча марта кўпайди?
4. Қайси йилдан буён республика ташқи савдо айланмасида ижобий сальдо таъминланаяпти?
5. 1990-2009 йилларда республика экспортида хом ашё ресурслари улуши неча фоизга қисқарди?
6. 1990-2009 йилларда экспортда пахта толаси улуши неча фоизга қисқарди?
7. Мамлакат экспорти номенклатураси қайси товарлар билан тўлдирилаяпти?
8. Республика ташқи савдосида қайси мамлакатлар асосий шериклар бўлиб ҳисобланади?

V Боб. ХАЛҚАРО КАПИТАЛ МИГРАЦИЯСИ

1. §. Капитал чиқариш халқаро иқтисодий муносабатларнинг етакчи шакли

Халқаро иқтисодий муносабатлар ва замонавий жаҳон хўжалигида мамлакатлар ўртасида четга капитал чиқариш (экспорт), фаол миграцияси (харакати) унинг асосий муҳим белгилардан биридир.

Капитал чиқариш мазкур мамлакат миллий капитал айланмасидан бир қисмини олиш жараёнларини ўзида мужассам этади. У товар ёки пул шаклида бошқа мамлакатлар ишлаб чиқариш жараёнларига аралашади. Аввал капитал чиқариш жаҳон хўжалигида капитал экспортини амалга оширувчи кам сонли ривожланган мамлакатларгагина хос эди. Жаҳон хўжалигининг ривожланиши бу жараён доирасини анча кенгайтиради. Капитал чиқариш иқтисодиётнинг динамик тараққиётида ҳар қандай шароитда ҳам муваффақиятли вазифа бўлиб қолади. Капитални саноат негизида ривожланган мамлакатлар ҳам, ўртача тараққий этган мамлакатлар ҳам, ривожланаётган мамлакатлар ҳам чиқаради.

Ҳозирги пайтда капиталнинг халқаро харакати халқаро иқтисодий муносабатларнинг турли шакллари ривожланишида, жаҳон иқтисодиётини фаолият кўрсатишда ҳал қилувчи элемент бўлиб қолмоқда. Экспертларнинг баҳолашларича, тўғридан тўғри хорижий инвестициялар ўртача йиллик ўсиш суръатлари тахминан 34 % ни, яъни жаҳон савдоси ўсиши сураътларидан 5 марта кўпни ташкил қилади.

2. §. Капитал чиқаришнинг сабаблари ва асосий шакллари

Четга капитал чиқаришнинг асосий сабаби ва эҳтиёжи мазкур мамлакатда капитални тўпланиб қолиши, нисбатан заруриятдан ортиқчалиги ҳисобланади. Тадбиркорликдан даромад ёки фоииз олиш мақсадида у четга ўтказилади. Капитал ички инвестициялашга маблағ етишмай қолганда ҳам амалга оширилиши мумкин.

XX асрнинг иккинчи яримидан бошлаб саноати ривожланган мамлакатларда капитални четга чиқариш тўхтовсиз ўсиб бормоқда. Капитал экспорти товар экспорти бўйича ҳам ривожланган мамлакатларда ички ялпи маҳсулот ўсиши суръатлари бўйича ҳам

ўзиб кетмоқда. Капитал чиқариш кўламининг ошаётгани уни халқаро миграциясини кучайтирмоқда.

Капиталнинг халқаро миграцияси – бу мамлакатлар ўртасида капитал ҳаракатининг бир-бирига пешвоз ҳаракти бўлиб, ҳам дивидент шаклида, ҳам фоиз миқдорида даромад келтиради. Ҳар бир мамлакат бир вақтнинг ўзида капитал экспортчиси ва импортчиси ҳисобланади: яъни, бу борада чорраха инвестицияси рўй беради.

Катта даромад олиш йўлида капитал чиқаришнинг муҳим сабаблари қўйидагилардан иборат:

- мамлакатда чиқарилаётган капиталнинг тўпланиши;
- жаҳон ҳўжалигининг турли бўғинларида капиталга ва унга талаб ва эҳтиёжнинг мос келмаслиги;
- маҳаллий бозорни монополиялаштириш имкониятининг мавжудлиги;
- мамлакатда арзон хом ашё ва ишчи кучларининг борлиги;
- барқарор сиёсий вазият ва қулай инвестицион муҳитнинг мавжудлиги.

Капитални чиқариш ва уни рағбатлантиришнинг асосий омилларига қўйидагилар киради:

- миллий иқтисодиётнинг ўзаро боғлиқлиги ва ўзаро боғлиқликнинг ўсиши капитал чиқаришни фаоллаштирувчи, ҳаракатлантирувчи кучидир. Тўғридан-тўғри инвестиция шаклидаги капитал экспорти айниқса ишлаб чиқаришни халқаро, яъни халқаро маҳсулотлар ишлаб чиқаришга айлантиришда бош омил ҳисобланади. Халқаро маҳсулотлар бу глобал халқаро бозорда сотиладиган (автомобиллар, самолётлар, радиоэлектроника, компьютерлар ва бошқа) маҳсулотлардир;
- халқаро саноат кооперацияси, шўъба корхоналарида трансмиллий компания (ТМК)лар қуйилмалари турли мамлакатлардан айрим юридик мустақил корхоналарни ягона халқаро корпорация доирасида ихтисослашиш, технологик, соҳавий якин ҳамкорлигини ўрнатиш;
- ривожланган мамлакатлар иқтисодий сиёсати, иқтисодий ўсиш суръатларини қўллаб-қувватлаш учун сезиларли ҳажмда капитал жалб қилиш, бандлик даражасини сақлаш, саноатнинг етакчи соҳаларини тараққиёт эттириш;

- ривожланаётган мамлакатларнинг иқтисодий ҳолати, хорижий капитални жалб қилиш ёрдамида ўз иқтисодиёти ривожига суръат бағишлаш, «**қашшоқлик**»дан қутилишга уриниш;
- иқтисодий омиллар сезиларли таъсир ўтказади. Халқаро корпорация қатъий экологик нормалар туфайли ишлаб чиқаришни ривожланган мамлакатлардан энди ривожланаётган мамлакатларга кўчиради;
- капитал оқимини йўналтирувчи ва тартибга солувчи халқаро молия ташкилотлари муҳим рол ўйнайди.

Четга капитал чиқариш ўз шакли ва хусусиятга кўра турлича бўлиши мумкин. Хусусан, келиб чиқиш манбаига кўра у (1) давлатники, ва (2) хусусий капитал.

Халқаро капитал маблағларида **давлат капитал маблағлари** яна расмий ҳисобланади. Улар давлат бюджети маблағларини ташкил қилади ва бевосита ё ҳукумат қарори билан, ё ҳукуматлараро ташкилот қарори билан хорижга йўналтирилади ёки у ёқдан қабул қилинади.

Шаклига кўра булар – **давлат заёмлари, ссуда, грантлар (ҳадялар)** ва ҳукуматлараро битимга кўра (**ХВФ кредитлари**) ёрдам ўташиш.

Хусусий капитал-булар хусусий шахслар (юридик ёки жисмоний) томонидан хорижга жойлаштириладиган ёки хориждан қабул қилинадиган нодавлат манбалар. Бунга инвестициялар, савдо кредитлари, банклараро кредитлаш кабилар киради.

Жойлашиш муддати бўйича чет эл капитал қуйилмалари (1) **қиска муддатли**, (2) **ўрта муддатли** ва (3) **узоқ муддатлига** бўлинади. Кейингисига 15 йилдан зиёд муддатга қўйилган маблағлар киради.

Фойдаланиш хусусиятига қараб хорижий капитал маблағлари (1) **ссудали**, (2) **тадбиркорлик** кўринишида бўлади.

Биринчиси процент шаклида фойда олиш учун берилган маблағларни билдиради. Бу соҳада давлат томонидан ва хусусий манбалардан қўйилмалар фаол тус олади.

Тадбиркорлик инвестициялари бевосита ёки билвосита ишлаб чиқаришга қўйилади ва у ёки бу ҳажмда дивиденд шаклидаги фойда олиш ҳукуқига эга бўлади. Бу ерда гап асосан хусусий капитал маблағлар ҳақида бормоқда.

Мақсадларга кўра тадбиркорлик капитал маблағлари (1) **бевосита (тўғридан-тўғри)**, (2) **портфел инвестицияларига**

бўлинади. Халқаро валюта фонди (ХВФ) ушбу сатрларга (яъни мақсадларга) яна бир гуруҳни – «инвестициялар»ни киритади, унга асосан халқаро заёмлар ва банк депозитлари киради.

3. §. Тўғридан-тўғри хорижий капитал маблағлари

Тўғридан-тўғри инвестиция (сармоя)лар ҳам жаҳон иқтисодиётига, ҳам унинг ўзаги ҳисобланган халқаро бизнес соҳасига сезиларли таъсир ўтказади.

Тўғридан-тўғри инвестициялар дейилганда ё 10 ёки ундан зиёд оддий акциялар устидан хорижий назорат, ёки корхона бошқарувида **«самарали овозлар»** тушунилади. Айримлар бу фақат мулк, акциялар капиталидаги улушини маблағ билан олиш; (1) хориждан акциялар сотиб олиш; (2) даромадни қайта инвестицияга йўналтириш; (3) фирма ички заёмлари ёки фирма ички қарзларни узиш.

Бундан ташқари турли ноакционерлик шакллар – субконтракт, бошқарув битими, франчайзинг, лицензияли олди-берди, маҳсулотни тақсимлаш ва шулар қабилар ҳам мавжуд. Амалиётда улардан кенг фойдаланилади. Хорижий инвестицияларнинг тўғридан-тўғри шакллари ва усуллари глобал характердаги бир қатор муаммоларни келтириб чиқариши, уларни ҳал этиш учун ностандарт қарорлар қабул қилишга тўғри келишини ҳам тан олиш керак.

Расмий маълумотларга кўра, ўтган даврда (1914 йилдан то иккинчи жаҳон урушининг охиригача) чет эл капитал қўйилмалари 35 % га кўпайган. Кейин улар 10 йилда, сўнгга – 6-7 йилда икки баробар кўпайиб борган. Чорак асрда (50-йиллар ўрталаридан) улар 4 марта ўсган ва 80-йилларда жаҳонда тахминан 450 млрд. доллар қўйилмалар қўйилган. 1990 йилда 1,7 трлн. долларлик марра эгалланганди. Яъни, улар фақат ўн йил ичида 4 баравар ошди. 2000 йилда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар йиғиндиси умумий суммаси 6,3 трлн. АҚШ долларидан ошди. Ҳозирги кунга (2006 й.) келиб ушбу сумма қарийиб 10,6 трлн.ни қоралаб қолди.

Тўғридан-тўғри инвестицияларнинг бундан юқори ўсиш суръатлари энг аввало жаҳон хўжалигини олға силжишгани, трансмиллий корпорациялар олдингидек капитал шаклида эмас, ишлаб чиқаришни чиқаргани, нафақат даромад олишни мўлжаллагани, балки ҳали ишлаб чиқаришнинг ўзи амал қилар экан, узоқ муддат даромад олишни кўзлангани билан боғлиқдир.

Ҳозирги давр босқичида жаҳондаги барча тўғридан-тўғри инвестицияларнинг 9/10 халқаро корпорациялар томонидан назорат қилинмоқда. Жаҳонда бундай хўжалик юритувчи субъектлар сони юқорида кўрсатилган 170 мингтани, яна плус 690 мингта хорижий филиалларни ташкил қилади. Эндиликда трансмиллий корпорациялар ва уларга ўхшаш хўжалик тузилмалари жаҳон хўжалигининг динамик секторини ташкил қилмоқдалар.

Ҳозирги давр босқичида деярли барча мамлакатлар капитал экспортёрлари ҳисобланади. Шу билан бирга барча давлатлар тўғридан-тўғри капитал импортлари ҳамдир. Шунга қарамасдан инвестицияларнинг дунё бўйлаб тақсимланиши (уларнинг географик тузилиши) бир текисда эмас. Мисол учун, йирик донор бўлгани ҳолда Япония бундай капитал қўйилишларида камтаргина ўринни эгаллайди. Япония ҳукумати томонидан қўйилган тўғридан-тўғри чет эл инвестицияси 2005 йилда 45,8 млрд. АҚШ долларини ташкил этган.

Ҳозирги вақтда уч қутбли тўғридан-тўғри глобал аҳамиятга эга бўлган чет эл инвестициялари тузилиши ҳақида гапириш учун барча асослар бор. Бу АҚШ, Европа Иттифоқи ва Япониядир.

Бу «учлик» ҳиссасига умумий инвестиция чиқариш ва киритишнинг 4/5 га яқинроғи тўғри келади. Яъни, жаҳон савдосида уларнинг улуши амалда кўпроқ. АҚШ бутун дунё капитал ҳаракатининг йирик иштирокчисига айланган.

Европа Иттифоқи мамлакатларининг тўғридан-тўғри инвестиция асосида интеграция даражаси ўсиб бормоқда. Бутун ҳудуд эса йирик капитал экспортчиси сифатида майдонга чиқаяпти. Япония томонидан инвестиция чиқариш юқори суръатларда ўсаётгани қайд қилинмоқда. У **«ташқи иқтисодиёт»** ҳажмлари бўйича жаҳонда ўз ўрнини жиддий мустаҳкамлаяпти.

«Учлик» марказининг ўз ичида эса капиталнинг ўзаро чатишиб кетиши бораяпти, ўзаро савдо жаҳон савдосига нисбатан тез ўсаяпти. «Учлик» марказ қиёфасида янги, янада юқорироқ қават халқаро меҳнат тақсимоти ва ўз миллий тартибга солиш механизми вужудга келаяпти. Ҳозирги жаҳон хўжалиги стандартлари устидан ҳудудий даражада устунлик яратилаяпти.

«Катта саккизлик» мамлакатлари ўзида ўзига хос юқори бозор қавати **«штаб»**ини намоён этмоқда. Унда интеграция халқаро муносабатларга асосланиб эмас, балки хўжалик тараққиёти юқори динамикасини амалда таъминловчи меъёрлар **«ўйин қоидалари»**

ёрдамида амалга оширилмоқда. Қолган мамлакатлар гуруҳи, айрим тўдалар бу жаҳон ҳўжалиги юритиш андозларига ўзига хос равишда «мослашади» ва етакчилар билан алоқаларни йўқотмасликка ҳаракат қиладилар.

Алоқа ва ахборот воситалари соҳасидаги ютуқлар туфайли бир қатор саноат соҳалари етакчи инвесторларга айланмоқда: компанияларнинг хорижий капитал қўйилмалари, кўчмас мулкка ихтисослашган ва молиявий хизмат кўрсатишлар кейинги ўн йил кўрсаткичларига қараганда қисқармоқда. Кўпчилик саноат компаниялари учун хорижда ишлаб чиқариш марказлари эмас, балки маҳсулотларни тарқатиш тармоқларни яратиш, хорижда илмий-тадқиқотлар ва тажриба-конструкторлик бюроларини ташкил этиш истиқболли режаларга айланаёпти.

Чет эл инвестицияларининг тўғридан-тўғри оқими, унинг географик тузилиши, яъни олға силжиши қуйидагиларга олиб келади: жаҳонда тўғридан-тўғри инвестицияларнинг жорий ҳажми юқори даражага – 1,4 трлн. АҚШ долларига етди (жадвал 1).

Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқимининг дунё минтақалари бўйича динамик ўсиши (млрд. АҚШ доллари, ўтган йилга нисбатан ўсиш % ҳисобида)

Жадвал 1

Йиллар	Ҳаммаси		Ривожланган мамлакатлар		Бозор ташкил этилаётган мамлакатлар	
	Ҳажми, млрд. долл.	Ўсиш, %	Ҳажми, млрд. долл.	Ўсиш, %	Ҳажми, млрд. долл.	Ўсиш, %
1995	401,7	...	256,2	...	145,5	...
2000	1396,5	27,9	1134,3	33,6	262,3	7,9
2005	954,8	34,3	555,6	40,3	399,2	26,9
2006	1230,4	28,9	800,7	44,1	429,7	7,6
2007	1272,5	3,4	864,8	8,0	407,7	-5,1
2008	1339,5	5,3	934,8	8,1	404,7	-0,7
2009	1400,1	4,5	986,2	5,5	413,9	2,3
2010	1467,4	4,8	1039,5	5,4	427,9	3,4

Бу сумманинг катта қисми бош инвесторлар ҳисобланган ривожланган мамлакатларга тўғри келади (270 млрд. доллар) ва

четдан инвестиция олувчиларники -413 млрд. доллар тўғридан-тўғри инвестиция оқими ривожланаётган мамлакатларга ҳам кўпайди, энди ривожланаётган мамлакатлардан экспорт эса 47 млрд. долларни ташкил этди. Собиқ социалистик мамлакатлар ҳам ортда қолгани йўқ: Марказий ва Шарқий Европада инвестиция оқими икки марта ўсди ва салкам 12 млрд. АҚШ доллариغا етди. Дунёдаги молиявий инқирози (2008-2009) унинг жаҳон иқтисодиётига ноҳуш таъсир этаётганига қарамасдан, ЮНКТАД маълумотларига кўра, жаҳонда тўғридан-тўғри чет эл инвестиция оқими 2008 йилда 5,3 % га ўсди. Бу капитал қуйилмаларнинг катта қисми тараққий этган мамлакатлар, Лотин Америкаси давлатлари, Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларига келиб тушди. Тўғридан-тўғри чет эл инвестицияси ўсиши Шарқий ва Жануби-Шарқий Осиёда ҳам кузатилмоқда. Тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари инқирози бошлангандан кейин минтақа мамлакатлари учун хусусий молия ресурслари муҳим манба бўлиб қолди.

4. §. Хорижий инвестициялар тузилиши

Инвестицияларнинг катта қисми ва уларни амалга оширувчи бош **«ҳаракатдаги шахс»** трансмиллий корпорация (ТМК) лар эслатилган «учлик» марказ (АҚШ, ЕИ ва Япония) қиёфасида жамланган.

Ўнта йирик қабул қилувчи мамлакатларга инвестиция оқимининг 2/3 қисми, 100 та кичик мамлакатларга эса -1% тўғри келади.

Нисбатан тараққий этган мамлакатлар гуруҳларида ички инвестициясининг рекорд даражада ўсиши, аввало фирмалараро қўшилиш жараёни ва партнерлар акцияларини сотиб олиш фаоллашуви билан боғланади.

Ҳозирги кунда тўғридан-тўғри инвестицияларнинг салкам 90 % (чиқариш ва жойлаштириш) тараққий этган давлатларга тўғри келади. Натижада уларнинг умумжаҳон ҳажмида ишлаб чиқаришда капитал жойлашуви 65 % гача ўсди.

Агар хорижий инвестициялаш кўлами бўйича АҚШ, Буюк Британия, Францияда жойлашган трансмиллий корпорация (ТМК)лар етакчи бўлса, чет эл инвестицияларини кўпроқ жалб этувчилар ҳам ўша - АҚШ, Буюк Британия, Германия мамлакатлари бўлаяптилар.

Инвестицияларнинг нотекис жойлашувига хос хусусият бошқа давлатлар гуруҳига ҳам таълуқли. Ривожланаётган мамлакатларда жойлаштирилаётган маблағлар умумий суммасининг 2/5 га яқини Осиёга, 1/4 Лотин Америкасига, қолгани (1/10 гача) Африкага тўғри келади.

Жанубий, Шарқий ва Жануби-Шарқий Осиё тўғридан-тўғри инвестицияларни жойлаштиришда жаҳоннинг ривожланаётган мамлакатлари орасида йирик минтақа бўлиб қолмоқда. Бу шу билан боғлиқки, Осиё давлатларининг ҳозирги замон кўламида тараққиёт динамизми бошқа мамлакатлардан трансмиллий корпорация (ТМК)лар учун янги бозор топишга интилиш, ҳудуд ресурсларини ўзларининг глобал ишлаб чиқариш тизимига буйсиндиришда қулай имконият бўлиб хизмат қиляпти.

1992 йилдан бошлаб, ривожланаётган мамлакатлар гуруҳида тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини йирик олувчиси бўлиб, Хитой Халқ Республикаси (ХХР) чиқди. ХХР чет эл капитали учун миллий режим яратиш сари ҳаракат қиляпти, аста-секин унга илгари берилган имтиёзларни олиб ташляпти, хусусан импорт пошлинасидан озод қилинаяпти. ХХР иқтисодий ўсиш сураётларини ҳисобга олган ҳолда ва унда тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари учун янги соҳалар бўйича «**очиқ эшик**» жараёнида Хитой узоқ муддатли истиқболда хорижий инвесторларни жалб қилувчи объект бўлиб қолмоқда.

Тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари оқими Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзаси мамлакатларида ҳам борган сари кучаймоқда. Уларда чет эл капитали қўйилмалари асосан бир нечта соҳаларга қаратилган: автомобилсозлик (Мексика, Бразилия), фойдали қазилмаларни қазиб чиқариш (Чили), чет эл инвесторлари қизиқиши хусусийлаштириш жараёнлари авж олган Аргентина ва Перуда ҳам кучайди.

Мутахассисларнинг фикрича, тўғридан-тўғри инвестициялар оқими нотекислиги Лотин Америкаси мамлакатларида келажакда ҳам сақланиб қолиши мумкин. Унда энг аввало бошланган хусусийлаштириш жараёнларида Бразилия ва автомобилсозликда бир қатор йирик инвестицион лойиҳаларни амалга оширган корхоналар кўзга ташланади.

Шуни таъкидлаш лозимки, аввалгидек халқаро инвестициялаш жараёнлари марказида Африка мамлакатлари туради. Бу ерда ҳам инвестиция худди дунёнинг бошқа ҳудудларидаги сингари тез

ўсмоқда. Африкада йирик чет эл инвесторлари бўлиб Франция, ГФР, Италия, Буюк Британия каби мамлакатларнинг трансмиллий корпорация (ТМК)лари қолмоқда.

Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларида чет эл инвесторлари фаоллик кўрсаткичлари рекорд даражасидан юқори. Бу фақат хусусийлаштириш жараёнларининг навбатдаги тўлқини билангина изоҳланмайди. Бу ерда ниҳоят иқтисодий ўсишлар ҳам бошланган (Польша, Венгрия, Чехия). Ушбу мамлакатларга бир йилда чет эл инвесторлари умумжаҳон оқимининг 5 % йўналтирилган. Бунда барча ўсишнинг 2/3 қисми Венгрия ва Чехияга тўғри келди. Уларда хусусий капитал оқими салкам уч мартага кўпайди.

Трансмиллий коорпорацияларнинг (банклар ва молиявий муассасалар қўшилмаган ҳолда) хорижий қуйилмалари ҳажми бўйича йирик 100 таси саноати тараққий этган мамлакатларда жойлашган. Уларнинг хорижий эгалик қиймати тахминан 1,4 трлн. Доллардан ортиқ баҳоланмоқда. Бу тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларининг дунёдаги умумий ҳажмининг 2/3 қисмини ташкил қилади. Хорижий инвестициячилар фаолиятида энг фаол иштирокчи компаниялар орасида “General Elactrik” (448.9 млрд.долл.), “Vodaf one Group” (247,9 млрд. долл.), “Ford Motor” (179,9 млрд. долл.), “General Motors” (173,7 млрд. долл.), Britesh Petroleum (154.5 млрд. доллар), Еххон Motor (134.9 млрд. доллар) ва инглиз-голланд концерни **«Роял-Датч Шелл»** олдинда бораяпти (жадвал 2).

Эндиликда йирик трансмиллий корпорация (ТМК)лар орасида ривожланаётган Осиё ва Лотин Америкасидан чиққан мамлакатлар ҳам бор. Бундай ТМК лар руйхатини Хитойдан «Хатчинсон вампоа лимитоз», Сингапурдан «Сингтел лтд.», Малайзиядан «Петронас-петролиам насвонал бхд», «Жанубий Кореядан «Самсунг электроникс ко, лтд» ва Мексикадан «Семекс» бошқариб боришаяпти.

**Дунёда 10 та энг йирик, гигант трансмиллий компанияларнинг
умумий ва хорижий активлари ҳажми бўйича рейтинги**

Жадвал 2

№	Трансмиллий корпорациялар	Умумий активлар суммаси, млрд. АҚШ долл.	Хорижий мамлакатлардаги активлар суммаси, млрд. АҚШ долл.
1	General Electric	750,5	448,9
2	Vodafone Group	258,6	247,9
3	Ford Motor	305,3	179,9
4	General Motors	479,6	173,7
5	British Petroleum	193,2	154,5
6	Exxon Motor	195,3	134,9
7	Royal Dutch/Shell	192,8	129,9
8	Toyota Motor	233,7	123,0
9	Total	114,6	98,7
10	France Telecom	131,2	85,7

Шундай қилиб, турли каналлар билан амалга оширилаётган халқаро капитал ҳаракати ҳозирги босқичда жаҳон хўжалик алоқаларининг динамик ривожланаётган шаклидир. Байналминаллашув (интернационалашув) жараёнлари кейинги ўн йилда тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини жалб этиш каналларининг роли сезиларли даражада ошганини кўрсатади. Унинг бош субъектлари халқаро иқтисодий муносабатлар ва жаҳон иқтисодиётида халқаро корпорациялар бўлиб ҳисобланади.

Назорат саволлари

1. Ҳозирги замон жаҳон ҳўжалигида ва халқаро иқтисодий муносабатларда муҳим ажралиб турадиган белгиларни айтинг.
2. Хорижга капитал чиқариш ўзида нимани акс эттиради?
3. Капитал чиқариш (экспорт) сабаблари қандай?
4. Капиталнинг халқаро миграцияси нима?
5. Капитал чиқариш ва уни рағбатлантиришга қайси омиллар туртки беради?
6. Четга капитал чиқаришнинг асосий шакллари айтинг?
7. Жаҳонда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жамғариш умумий сўммасини аниқланг.
8. Капитални экспорт ва импорт қиладиган асосий мамлакатларни айтинг.
9. «Учлик» маркази (АҚШ, ЕИ ва Япония) да тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар қисми қанча?
10. Узоқ муддатли истиқболли хорижий инвестициялар учун жаҳоннинг қайси мамлакатлари жалб қилувчи бўлиб ҳисобланади?
11. Қайси хорижий трансмиллий корпорация (ТМК)лар Африкада асосий инвесторлар бўлиб ҳисобланади?
12. Жаҳоннинг энг йирик ва гигант трансмиллий корпорация (ТМК)ларини айтинг.
13. Жаҳоннинг энг йирик халқаро корпорацияларининг характерли томонларини изоҳланг.
14. Қайси бир халқаро аҳамиятга эга бўлган компаниялар жаҳонда хорижий активлари билан биринчи (1), (2), (3), (4) ўринларни эгаллайди?

VI Боб. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ИНВЕСТИЦИОН СИЁСАТИ ВА УНИНГ МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ РОЛИ

1.8. Ўзбекистонда хорижий инвестицияларни жалб этишга таъсир этувчи асосий омиллар

Ўзбекистон хорижий инвестицияларни жалб этиш учун турли хил омилларга эга. Бу омиллар қуйидагилардан иборат: катта захирага эга бўлган фойдали қазилмалар, ёқилғи – энергетика ресурслари, қишлоқ хўжалиги имкониятлари, илмий-интеллектуал салоҳияти, замонавий бозор инфратузилмаси институтлари, кенг тижорат банклари тармоғи, Интернетга чиқиш билан ишончли телекоммуникациялар тизими, туризмни ривожлантириш имкониятлари ва бошқалар.

Табиий ресурслар имкониятлари. Ўзбекистон Республикаси 100 турдан зиёд минерал хом ашё ва бошқа фойдали рудали жинсларга эга бўлиб, унинг ҳудудида 2700 дан ортиқ манбалар истиқболи аниқланган. 900 дан ортиқ конлар текшириб кўрилган. Улардаги бойликлар захираси 970 млрд. АҚШ доллари баҳоланади. Республиканинг умумий минерал – хом ашё имкониятлари 3,3 трлн. АҚШ долларида ортиқ баҳоланади.

Минерал хом ашё ресурслари ва стратегик аҳамиятга эга бўлган материаллар захираси ҳажми бўйича Ўзбекистон жаҳондаги энг бой мамлакатлар қаторига киради. Ўзбекистон олтин ва уранининг тасдиқланган захираси бўйича жаҳондаги биринчи бешлик (5) мамлакатлар ҳамда ўнлик (10) мамлакатларидан бири ҳисобланади.

Рангли металлар. Ўзбекистон Республикаси мис, кўрғошин, рух, вольфрам, рений ва бошқаларнинг йирик захираларига эга. Ўзбекистонда 33 та мрамор, 18 та гранит ва габбро конлари аниқланган. Жуда кўп декоратив тош конларида бутун Евроосиёда йирик ҳисобланган наёб табиий хазиналар мавжуд. Республикада фосфорит, ош тузи, калий тузига бой йирик конлар мавжуд.

Ўзбекистон ҳудудида нефт ва газнинг улкан қатламлари бор. Республиканинг 60 % ҳудуди уларни қазиб олиш учун истиқболли ҳисобланади. Марказий Осиё газ конденсанти захираларининг 74 %, нефтнинг 40 %, табиий газнинг 40 %, кўмирнинг 55 % улуши Ўзбекистонга тўғри келади.

Аниқланган кўмир захиралари 2 млрд. тоннадан кўпроқни ташкил қилади. Нефт-химия, базали химия, фармацевтика саноатини

ривожлантириш, янги тур маҳсулотлар ишлаб чиқаришда бу катта имкониятлар яратади.

Қишлоқ хўжалиги потенциали. Бугунги кунда республика агросаноат мажмуида мамлакатнинг меҳнатга қобилиятли аҳолисининг 2/5 дан кўпроғи банд. Қишлоқ хўжалик сектори маҳсулотлари Ўзбекистон аҳолиси учун зарур 90 % озиқ-овқат ишлаб чиқариш имконини беради. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги тармоқига хорижий инвестицияларни кўпроқ жалб этиш учун қулай шароитлар яратилаяпти.

Республикада ҳар йили 3-3,3 млн. тонна атрофида пахта хомашёси тайёрланади. Ундан 1,5-1,7 млн. тонна пахта толаси ишлаб чиқарилади. Кейинги йилларда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ялпи ҳажмида тўқимачилик маҳсулотлари улуши 21 % га ўсди. Республика енгил саноати корхоналарида пахта толаси ҳажмининг 3/5 қайта ишламоқда. Республика ипак саноати юқори суръатларда ривожланаяпти. Ўзбекистон пилла етиштириш бўйича дунёда учинчи ўринни эгаллайди. МДХ мамлакатларида ишлаб чиқарилаётган пилланинг 80 % Ўзбекистонга тўғри келади. Хилма-хил ва қулай иқлим шароити омиллари Ўзбекистонда кенг турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш имконини беради. Мамлакатимизда етиштириладиган юқори сафатли мева, узум, полиз экинлари маҳсулотларини тайёрлаш, ювиш, қуриштириш, саралаш, қутилиш, тез бузиладиган маҳсулотларни сақлаш, узок масофаларга экспортга жўнатиш учун корхоналар зарур.

Илмий ва интеллектуал потенциал. Ўзбекистон юксак кадрлар потенциалига эга, уларнинг асосини олий ва ўрта махсус маълумотли мутахассислар ташкил этади. Уларнинг ёрдами ва салоҳиятига таянилиб экспортбоп мураккаб машиналар, ускуна ва буюмлар ишлаб чиқариш соҳасида миллий саноат тез суръатларда тараққий эта бошлади.

Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасида илмий салоҳияти бўйича етакчи давлат ҳисобланади. Республика қуёш физикаси, зилзилага бардошли иншоотлар, машинасозликда лазердан фойдаланиш, пахта нави ва генетикаси, қорақўлчилик, ўсимликлар кимёвий моддалари ва бошқа қатор соҳаларда ноёб ютуқларга эришяпти.

Республикада бугунги кунда ўн мингдан зиёд умум таълим мактаблари, касб-ўнارколлежлари, академик лицейлар ва олий ўқув юртлари (университетлар, институтлар) ишлаб турибди. Ўзбекистон аҳолиси ёппасига саводхон мамлакат ҳисобланади.

Транспорт инфратузилмаси. Қулай географик жойлашиш ва тараққий этган транспорт инфратузилмаси Марказий Осиё, Яқин Шарқ ҳамда МДХ мамлакатлари бозорларига чиқиш учун имкон беради. Ўзбекистонда барча турдаги транспорт воситаларининг республикадан ташқарига чиқиш учун кенг йўллар тармоғи яратилган. Ўзбекистон темир йўллар ва автомобиллар тармоғи энг зич жойлашгани билан Марказий Осиёда юқори ўринда туради. Республика ғарбдан шарққа, жанубдан шимолга олиб борувчи йўлларда экспорт-импорт юкларини манзилга етказишда 10 та транспорт каридори ва транзит йўналишидан фойдаланилади. Йўллар тармоғи Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида табиий ресурслар, қазилма бойликлардан комплекс фойдаланиш, халқ ҳўжалигини ҳамма жойда юқори даражада ривожлантириш имконини беради.

Қамчи□ давонида тоннел қурилиши янги автомобил йўллари қуриш ва реконструкция қилиш орқали бугун Ўзбекистоннинг барча вилоятлари ва туманлари ишончли транспорт тармоғи билан уланган ва бу республикани ижтимоий-иқтисодий ривожланишга ёрдам берётир.

Замонавий бозор инфратузилмаси тармоғи. Ўзбекистонда мустақилликнинг биринчи йилларидаёқ товар-хом ашё биржаси, республика қўчмас мулк фонд биржаси, товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар республика палатаси, бизнес фонд, республика «Мадад» суғурта агентлиги, тадбиркорларга хизмат кўрсатувчи «Тадбиркорбанк», деҳқонлар учун «Пахтабанк», «Заминбанк», «□ аллабанқ кабилар ташкил этилган эди. Улар билан бир қаторда қўчмас мулк ва инвестициялар бўйича Агентлик, бошқалар фаолият кўрсата бошлади. Барча тижорат банклари замонавий техника билан жиҳозланган, компьютерлар билан таъминланган, ягона алоқа тизими билан бирлаштирилган ва ишончли ҳимоя воситалари билан муҳофаза қилинган. Ўзбекистонни иқтисодий ҳамкорлари бўлган мамлакатлар етакчи банклари билан корреспондентлик муносабатлари ўрнатилган.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида телекоммуникация ва ахборот технологияси сектори жадал тараққий эта бошлади. Республикада коммуникацияли алоқа тизими кенг яратилган. Бу мамлакатимизнинг исталган нуқтаси билан тезкор бағланиш имконини беради. Бугунги кунда республика шаҳарларини телекоммуникация рақамли тармоғи билан қамраб олиш даражаси 86 % дан ошди.

Туристтик потенциали. Самарқанд, Бухоро, Хива, Шахрисабз ва бошқа тарихий шаҳарлар, қадимий маданий, меъморчилик обидалари билан Ўзбекистон бутун дунёга танилган. Ўзбекистонда туризм инфратузилмаси яратилган ва бу келажақда соҳани ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, Ўзбекистон туристик инфратузилмаси ҳар йили 1,5 млн. дан ортиқ туристларга хизмат кўрсатиш имконига эга.

2.§. Мамлакат иқтисодиёти тараққиётида хорижий инвестицияларнинг роли

Санаб ўтилган барча турдаги ресурслар хорижий инвесторлар учун фаолият соҳасини танлашига имкониятлар эшигини очади. Мустақиллик йилларида жалб қилинган инвестициялар ҳажми 14 млрд. доллардан ортиқ бўлсада, Ўзбекистон бозорларининг инвестицион сиғимида бир неча марта кўп суръатлар кўлга киритилди.

Кейинги йилларда хорижий инвестициялар билан бирга корхоналар фаолияти соҳалари тузилиши ҳам ўзгармоқда. Ҳозирги вақтда 80% қўшма корхона ишлаб чиқариш соҳасида банд. Бунда қўшма фаолият бўйича хорижий ҳамкорлик бўлиб, «Бурсель» (Туркия), «Марубенти» (Япония), БРИ (АҚШ), «Голдтекс», «Виматекс», «Джаминолла» (Италия, тўқимачилик ва ипакчилик саноати), «Кнауф» (Германия), «Семар Интернешнл» (Италия, қурилиш материаллари), «Би Эс Ай Индустриз Инк», «АББ Луммус глобал», «Бейкер хьюз» (АҚШ), «Лукойл», «Газпром», «Нуритех» «Димм Билль Донн» (Россия), «Сафрегаз» (углеводород қазиб олиш ва разведка, Франция), «Ньюмонд Майнинг» (АҚШ), «Окус» (Буюк Британия), «Мультиплекс» (Австралия), «Бейтман» (Исроил, олтинкон қидирув), «Люфтганза» (Германия ҳаво кемалари таъмири), «Нестле» (Швейцария), «Манзини» (Италия, озиқ-овқат саноати), «Кейс Нью Холланд» (АҚШ, машинасозлик) ва бошқа компаниялар ҳисобланади.

Ўзбекистонда кўп укладли иқтисодиёт яратилиши кўп жиҳатдан давлат мулкани босқичма-босқич хусусийлаштиришга имкон берди. Натижада кейинги 20 йил ичида 130 мингдан ортиқ давлат корхоналари мулкчилик шаклларини ўзгартирдилар. Мулкда давлат монополиясига барҳам бериш «Хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш тўғрисида» ги қонунда ўз аксини топди. Нодавлат корхоналарини кейинги шакллантириш масалалари

«Хусусий ва кичик тадбиркорликни ривожлантириш тўғрисида» ги қонунда белгилаб қўйилди.

Кейинги йилларда иқтисодиётнинг стратегик муҳим соҳаларида йирик лойиҳалар амалга оширилди. «Шўртан» газконденсати қонида компрессор станцияси қурилди. «Шимолий Ўртабулоқ» қонида янги қувват ишга туширилди. Фарғонада «Азот» кимё заводида янги ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. «Муринтов» қариерида тоғ ишларини тезлаштириш лойиҳаси, кўмир саноатини техник қуроллантириш биринчи босқичи, «ЎзДЭУ авто» ва «Самавто» заводида янги моделдаги енгил автомобиллар ва автобуслар ишлаб чиқариш, Тошкент шаҳрида «Женерал моторос» корпорацияси билан ҳамкорликда моторлар ишлаб чиқарувчи завод барпо этилди.

Қўқон суперфосфат заводи реконструкция қилинди «Сурхонтекстиль» кўшма қорхонаси ташкил этилди. Тайёр ипак буюмлар ва ипак-ип ишлаб чиқариш бўйича «Велайсилк» кўшма қорхонаси, «Ишонч» АЖ қайта техник жиҳозланди. «Бестекс», «Балиқчи» ва «Ойим Текстиль» кўшма қорхоналарида пахтадан газлама ва ип йиғириш ишлаб чиқариш янги қувватлари ишга туширилди. Локализация дастури доирасида 250 тадан зиёд лойиҳа амалга оширилди, 145 турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди

3.8. Ўзбекистон Республикасида инвестицион муҳит

Ўзбекистонда хорижий инвесторлар ва инвестицияларга тенг ҳуқуқли шароит яратилган. Уларнинг доимий равишда тўлиқ ҳавфсизлиги ҳимоя қилинмоқда. Хорижий инвестициялар учун ҳуқуқий режим Ўзбекистон юридик ва жисмоний шахслари амалга оширилаётган инвестициялар ҳуқуқий режимниқидан кам бўлмаслиги керак. Улар асосийларидан бири шуки, ҳуқуқий режим хорижий инвесторларни мамлакат қонунчилигида ўзгаришлар бўй берганда ҳам зарар кўрмаслигини кафолатлайди ва ҳуқуқини ҳимоя қилади. Бунинг маъноси шуки, қонунчилик актлари ўзгарган тақдирда ҳам хорижий инвесторларни манфаатларига зарар етишига йўл қўйилмайди. Инвестиция амалга қирган моментдан бошлаб, шартларга 10 йил давомида ўша вақтдаги қонун сақланиб қолади. Хорижий инвестор агар янги қонун унинг шартларини бажарилишига монелик қилмаса, сармоясини қўпайишига ёрдам берса уни қўлланиш ҳуқуқига эга.

Хорижий инвесторлар учун қулай режим қонунларда ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тартибида мустаҳкамлаб қўйилган. Ўзбекистонда инвестицион жараёнларни қўллаб-қувватлаш учун тараққий этган институционал инфратузилма яратилган.

Хорижий инвесторлар билан яқин алоқада бўлиш, уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистонда ихтисослашган ташкилотлар тармоғи ҳам ишлаб турибди: Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, «Ўзбекинвест» экспорт–импорт миллий суғурта компанияси, Халқаро молия корпорацияси, Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕБРР), «Малой Бэнк Беркард» (Малайзия), ва Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки унинг таъсисчиларидан.

Ўзбекистонда хорижий инвесторлар бўлиши мумкин:

- хориж давлатлари, хориж давлатларининг маъмурий ёки ҳудудий органлари;
- халқаро ташкилотлар, битимлар ёки шартномалар билан давлатлараро ташкил этилган халқаро оммавий ҳуқуқ субъектлари;
- юридик шахслар, хорижий давлатлар қонунчилик актларига мувофиқ ташкил қилинган ва фаолият юритаётган ҳар қандай ширкатлар, ташкилот ёки ассоциациялар;
- хорижий давлатлар фуқароси бўлган, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган ҳолда чет элда яшаётган жисмоний шахслар;
- хорижий инвесторларга ҳар бир конкрет инвестициялашда инвестицияларни рағбатлантириш мақсадида ҳимоялаш чоралари қафолатланади;
- турғун иқтисодий ўсишни таъминловчи мамлакат иқтисодиёти таркибида прогрессив ўзгаришлар, афзал соҳалар;
- республиканинг экспорт қувватини мустаҳкамлаш ва кенгайтиришга, унинг жаҳон хўжалиги интеграциясида галдаги устун лойиҳаларини таъминлаш;
- хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес соҳасида хом ашё ва материалларни қайта ишлашга, аҳоли бандлигини таъминлаш, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ва хизматларга қаратилган лойиҳалар.

Ўзбекистон инвестицион қонунчилигида таркибий қисм бўлиб, республикани халқаро шартномаларга конвенцияларга ва битимларга

қўшилиши ҳақидаги муҳим ҳужжатлар ҳисобланади. Улар таркибига киради:

- Ўзбекистон ва ЕИ ҳамда унга аъзо давлатлар ўртасида ҳамкорлик ва шерикчилик тўғрисидаги келишув (1996 й);
- инвестицияларни ўзаро ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш ҳақида давлатлараро келишув. Бу ҳамкорлик ва шерикчиликда икки томонлама Солиққа тутилишнинг олдини олади.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига биноан, чет эл инвестиция билан корхона ё унинг муассислигида, ё хорижлик инвесторнинг иштироки улуши (пай, акция) натижасида ташкил этилиши мумкин.

Тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларига шароит яратишда кўзда тутилади:

- тенг ҳуқуқли шерикчилик;
- ўзаро фойдали;
- умумий мақсадга эришиш учун молиявий ва меҳнат, материал ресурсларни бирлаштириш;
- шерикка ўз мамлакатада самарали иқтисодий фаолият юритишда кўмаклашиш ва бошқ.

4.8. Хорижий инвестициялар иштирокида корхоналар ўсиш динамикаси

Мамлакатимиз иқтисодий куч-қудратини ошириш ва мустаҳкамлашда иқтисодиётга чет эл инвестицияларини жалб этиш муҳим иқтисодий омиллардан ҳисобланади. Хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг кенг тарқалган амалий шаклларида бири бу хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар (ХИИК)ни барпо этишдир. Қозирда республикаимизда 4321 та хорижий инвестициялар иштирокида корхоналар рўйхатга олинган бўлиб, уларнинг 3995 таси (92,4 %) фаолият кўрсатмоқчида. Хорижий инвестициялар иштирокида корхоналарни қудудийташкил этиш мамлакат иқтисодий ва ижтимоий ривожланишига қудийдагича таъсир кўрсатади. Энг замонавий техника ва технологияларни республика иқтисодиётига жалб қилиш, уларни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш; янги иш жойларини ташкил қилиш ва ақолининг иш билан банд бўлмаган қисмини иш билан таъминлаш, шу билан бирга, хорижий илм ор бошқариш тажрибасини жорий қилиш ва ўз навбатида бу билан меҳнат унумдорлигини оширишга эришиш; жапон бозорида рақобатлаша оладиган сифатли маҳсулотларни

ишлаб чиқариш ва уларни экспорт қилиш эвазига мамлакатга қадри баланд валюталарнинг кўплаб кириб келишини таъминлайди.

Хорижий инвестициялар иштирокида корхоналар мамлакат иқтисодий-ижтимоий ривожланишида тобора салмоқли ўрин эгалламоқда. Чунончи, 1994 йилда уларнинг ЯИМдаги улуши 2,6 фоизни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2009 йилда 19,2 фоизга етди. Шу даврда уларнинг экспорт қажми 2,0 млн. дан 2863,2 млн. АҚШ доллариغا етиб, мамлакат жами экспортидаги улуши мос равишда 1,0 фоиздан 24,3 фоизга ўсди. Шу билан бирга, хорижий инвестициялар иштирокида корхоналар ташқи савдо айланмасида импортнинг устунлиги (60,7%) кузатилади, бу аввало уларнинг моддий-техника асосини мустақамлаш, четдан машина-жипозлар, бутловчи қисмларни олиб келиш билан боғлиқ. Шунга мувофиқ, хорижий инвестициялар иштирокида корхоналарнинг мамлакат импортидаги улуши салмоқли даражада сақланиб қолмоқда (1994 й. – 6,0 %, 2009 й. – 46,9 %).

Қозирда мамлакатдаги хорижий инвестициялар иштирокида корхоналар енгил автомобиллар, ип калава ва газламалар, мебель, спорт жипозлари, кийим-кечак ва оёқ кийимлари, макарон ва қандолатчилик, кимё маҳсулотлари кабиларни экспорт қилмоқда.

2008 йилда 267 та янги корхона рўйхатдан ўтди, бу 2000 йилга нисбатан 127 % ни ташкил қилади. Тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларининг амалдаги сони 6,5 % ўсиши билан бирга, улар фаолияти тузилиши ҳам ўзгарди: тижорат ва савдо-воситачилик фаолияти соҳасида улуш қисқарди ва моддий ишлаб чиқариш соҳасида улуш кўпайди. Чет эл инвестицияси иштирокда ишлаб турган корхонанинг 60% саноатда фаолият кўрсатаёпти. Улардан 20 % истеъмол товарлари ишлаб чиқариш билан шуғулланаяпти.

Чет эл инвестицияси иштирокида ишлаётган ишлаб чиқариш корхоналари асосан машинасозлик ва металлни қайта ишлаш, автомобилсозлик, шунингдек озиқ-овқат, янги саноат, маҳаллий ресурсларни қайта ишловчи саҳаларга жалб этилмоқда.

Чет эл инвестицияси иштирокида корхоналар ташқи савдо обороти доимий равишда ўсиб бормоқда, у 2000 йилга нисбатан 6,7 бараварга ўсди. Чет эл инвестициялари маҳсулотлари экспорти (ишлар, хизматлар) республика экспорти умумий ҳажмида 24,3 % ни ташкил этди. Бутун чет эл инвестицияси экспорт ҳажмида: озиқ-овқат – 31,2 %, кимёвий маҳсулотлар – 41,4 %, энергия ташувчилар –

46,9%, машина ва ускуналар – 50 %, енгил саноат маҳсулотлари – 414,2 ни ташкил этди.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда жаҳоннинг 80 мамлакати вакиллари инвесторлар ҳисобланади. Қўшма корхоналар ташкил этишда кўпроқ АҚШ, Туркия, Германия, Буюк Британия, Жанубий Корея, Италия, МДХ мамлакатларида – Россия, Украина, Қозоғистон каби мамлакатлар фаоллик кўрсатаёттилар. Хорижий инвесторлар иштирокида ташкил этилган янги хўжалик юритувчи субъектлар орасида 100 % ли чет эл капитали билан ишлаб чиқаришда фаолият кўрсатаётган корхоналар улуши ўсди. Бу уларнинг умумий сониди 1/5 ни ташкил қилади.

Бу Қўшма инвестиция ва фан техника Қамда гуманитар соқаларда Қамкорликни кенгайтириш билан боқ ли. Осиё мамлакатлари билан савдо алоқаларининг ўсишига халқаро молиявий институтларнинг Қам фаол иштироки сабабдир. Осиё тараф йёт банки лойиқалари, Корея Республикаси, Япония, Туркия банклари кредитлари геология – йидирув, тоқ-кон ва металлургия, кимё саноати, автомобилсозлик, енгил саноат, йишлоқ хўжалиги, транспорт-коммуникация инфратузилмасини ривожлантиришга, кичик бизнес ва тадбиркорлик, ижтимоий соқаларга кўмаклашишга Қаратилган.

Назорат саволлари

1. Ўзбекистон Республикасида хорижий инвестицияларнинг ривожланишига таъсир этувчи асосий омилларни санаб ўтинг ва изоҳлаб беринг.
2. Мамлакат иқтисодиёти тараққиётида хорижий инвестицияларнинг ролини айтиб ўтинг.
3. Ўзбекистон Республикасидаги инвестицион муҳитнинг ўзига хос хусусиятларини кўрсатинг.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қачон қабул қилинган?
5. Ўзбекистонда хорижий инвесторлар кимлар бўлиши мумкин?
6. Ўзбекистон Республикасида хорижий инвестициялар иштирокида қурилган корхоналарнинг умумий сонини айтинг.
7. Мамлакатимизда хорижий инвестициялар иқтисодиётнинг қайси бир тармоқларига кўпроқ йўналтирилган?

VII – Боб. ХАЛҚАРО ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА СЕРВИС БОЗОРИ

1.§. Халқаро хизмат кўрсатиш ва сервис бозори тавсифи. Унинг ривожланиш тенденциялари

Хизмат кўрсатиш ва сервис одамларнинг хилма-хил кенг эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ бўлган кўп қиррали мажмуавий фаолият турлари ва тижорий машғулоти. ЮНТКАД ва Жаҳон банки томонидан ишлаб чиқилган маълумотнома (справочник)да «Халқаро трансакцияларни хизматлар билан либераллаштириш»да хизматларга қуйидаги аниқлик берилади:

Хизматлар (services) – институционал бирликлар низомидаги ўзгариш бўлиб, қайсиким бошқа бир институтционал бирлик билан ўзаро келишув асосида ва ҳаракат натижасида рўй беради.

Бу аниқлик кўп қиррали операциялар фирма доирасини қамраб олади. Шунинг учун хизмат тушунчаси кенг ва тор маънода ишлатилинади. **Биринчи ҳолда** хизматлар – инсоннинг тижорий машғулоти ва хилма – хил мажмуа турдаги фаолиятидир. Унинг воситасида у бошқа одамлар билан муносабатга киришади, **иккинчи ҳолда** –конкрет акция, тадбир бўлиб, қайсиким бир томон (шерик) уни бошқа томонга уни таклиф қилиши мумкин.

Хизмат кўрсатиш ва сервис бундай айтганда иқтисодий секторда учламчи деб аталади. Жаҳон ички ялпи маҳсулотининг 2/3 унинг ҳиссасига тўғри келади. Улар жумладан АҚШ иқтисодиётида ва бошқа саноати ривожланган давлатларда ўртача 65-70 % даражада кузатилади. Шунингдек ривожланаётган ва бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнларини кечаётган мамлакатлар иқтисодиётида эса мутлоқ устунлик қилади.

Хизматлар товарлар ва уларнинг моддий ифодаланишидан бир қатор фарқларга эга. У қуйидагилардан иборат:

- § одатда хизматлар сезилмайдилар. Кўпчилик хизматлар бу «сезилмаслиги» ва «кўринмаслиги» кўпинча ташқи савдода экспорт ва импортни кўринмас (invisible) деб аташга асос ҳисобланади;
- § хизматлар ўз манбасидан ажралмасдир;
- § уларни ишлаб чиқиш ва истеъмол қилиш одатда узилмасдир;
- § улар учун сифат, ўзгарувчанлик ва сақланмаслик характерлидир.

Халқаро савдо ва иқтисодиётда хизматлар сони ва роли энг аввало илмий – техника юксалиши натижасида тез ортади. Шу жумладан, халқаро иқтисодий алоқалар ҳам кенгаяди. Жаҳондаги кўпчилик мамлакатларда, аҳолининг даромади, тўлов қобилияти ошади. Чунки хизматлар кўрсатиш бир хил эмас, уларнинг бир нечта тавсифи (классификацияси) мавжуд.

Халқаро саноат стандартлаштириш тавсифига асосланган БМТ қабул қилган хизматлар кўрсатиш таснифи ўз ичига қўйидагиларни киритади:

- коммунал хизматлар ва қурилиш;
- улгуржи ва чакана савдо, ресторанлар, меҳмонхоналар;
- товарларни юклаш, сақлаш, алоқа, молиявий воситачилик;
- мудофаа ва мажбурий ижтимоий хизматлар;
- бошқа ижтимоий ва шахсий хизматлар.

Бу тавсиф бўйича хизматлар мамлакатлар ичида амалга оширилади ва истеъмол қилинади, аммо халқаро савдода объект бўлиши мумкин эмас.

Халқаро валюта фонди (ХВФ) тавсифи тўлов балансини тузишда қўлланилганда резидентлар ва норезидентлар ўртасидаги тўловлар билан боғлиқ ҳолда қуйидаги хизмат турларини ўз ичига олади:

- транспорт;
- сафарлар;
- алоқа;
- қурилиш;
- суғурта;
- молиявий хизматлар;
- компьютер ва ахборот хизматлари;
- роялти ва лицензия тўловлари;
- бошқа бизнес хизматлар;
- шахсий, маданий, рекреацион хизматлар;
- ҳукумат хизматлари.

Ишлаб чиқариш омиллари ҳаракати нуқтаи назаридан хизматлар **омилий** (factor servees), халқаро муносабатлари билан (мамлакатлараро) пайдо бўладиган ишлаб чиқариш омиллари жой алмашинувига бўлинади. Энг аввало капитал ва ишчи кучлари (улар даромадларда, инвестицияларда амалга оширилади, роялти ва лицензия тўловлари, норезидентлар томонидан тўланадиган иш ҳақи

тўловларида), ва **ноомилий** хизматлар (non factor services) - қолган хизмат турлари (транспорт, саёҳат ва бошқа номолиявий хизматлар).

ГАТТ/БЖСТ (ВТО) доирасида халқаро музокаралар чоғида 12 секторга бўлинган 160 дан кўпроқ хизмат кўрсатиш турлари ҳисобга олинади:

- 1) ишга алоқадор хизматлар (46 соҳа хизмат турлари);
- 2) алоқа хизмати (25 тур);
- 3) қурилиш ва инжиниринг хизматлари (5 тур);
- 4) дистрибьютор хизматлари (5 тур);
- 5) умумий таълим хизматлари (5 тур);
- 6) атроф –муҳит муҳофазаси бўйича хизматлар (4 тур);
- 7) молиявий хизматлар, суғурта қўшилган ҳолда (17 тур);
- 8) соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар бўйича хизмат (4 тур);
- 9) туризм ва саёҳат (4 тур);
- 10) дам олиш, спорт ва маданият соҳасидаги хизматлар (5 тур);
- 11) транспорт хизматлари (33 тур);
- 12) бошқа хизматлар.

ГАТТ/БЖСТ доирасида халқаро савдо хизматларини тақдим этиш усуллари бўйича тавсифланади. Бунда қуйидаги хизмат кўрсатиш турлари ажратиб кўрсатилади:

- давлатлараро чегара савдо хизматлари;
- истеъмолчининг хизматлар истеъмол қилинадиган мамлакатда ҳаракатланиши;
- хизмат кўрсатиладиган мамлакатда тижорий муассаса иштироки;
- хизмат тақдим этилиши учун жисмоний шахсни бошқа мамлакатга вақтинча кўчириш. Кўпроқ хизмат ҳажми (80% га яқин сумма) 1 ва 3- усулларга тўғри келади.

ХВФнинг халқаро молия статистикаси уч гуруҳ хизматлар бўйича маълумотлар эълон қилади:

- транспорт хизматлари;
- туризм;
- бошқа хусусий хизматлар.

Хизмат кўрсатишнинг кўпчилик турлари халқаро савдо объекти бўлиши мумкин. Хизмат кўрсатишнинг савдоси – бу нотовар тижорий келишувдир. Товарлар билан савдодан фарқли равишда хизматлар экспорти ёки импорти божхона чегарасини албатта кесиб ўтишни билдирмайди. Норезидентга хизмат ушбу мамлакат бошхона территорияси ичида кўрсатилиши мумкин, бу ҳолда келишув халқаро

ҳисобланади. Товарлар экспорти ва импорти бўйича тўловлар сингари халқаро хизматлар савдоси тўлов балансида акс эттирилади.

Халқаро хизматлар экспорти халқаро савдога нисбатан тез ўсиб бормоқда. Хизмат кўрсатиш экспорти 1980 й. 402 млрд. долларни ташкил этган бўлса, 1990 й. -802 млрд. доллар, 2000й. – 1435 млрд. доллар, **2004 й. -1490** млрд. доллар, яъни ўтган даврда қарийиб 4 баравар ўсди. Халқаро савдода товарлар ва хизматлар экспорт улуши 20% дан кўпроқни ташкил қилади. Бироқ бу кўрсаткич борган сари ўсиб бораёпти. 2015 йилга бориб, Россия Фанлар Академияси қошидаги Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро муносабатлар институти баҳоси бўйича 25-30% ни ташкил қилиши мумкин. Янги–янги хизмат турлари халқаро савдога кўшилмоқда. Илгари миллий (бирор-бир мамлакат) доирасида чекланган хизматлар роли кўпаймоқда (таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқалар). Бошқа томондан, кўп ҳолларда йирик ва узоқ муддатли келишувларда мос келадиган хизматлар экспорти ва товарлар экспортини чегаралаш анча қийин.

Таъкидлаш лозимки, «**кўринмас**» савдо хусусияти шундан иборатки, кўпчилик хизмат кўрсатиш турларини соф ҳолда экспорт қилиб бўлмайди. Чунки хизматлар ишлаб чиқариш жараёнлари ва истеъмол жараёнларини маконда ва замонда (вақтда) бир-биридан ажратиш бўлмайди. Шу муносабат билан ГАТС хизматлар кўрсатиш савдосини амалга оширишнинг тўрт усулини ажратади:

- трансчегара давлатлараро савдоси, яъни миллий истеъмолчи хорижлик етказиб берувчи хизматини сотиб олади;
- коммерция (олди-сотди) асосидаги савдо. Қайсиким, хорижий компания ўз филиалини яратади ёки миллий компания чегара савдоси шаклидаги компанияларни ўзига қўшиб олади. Яхши ишлаб чиқаришни йўлга қўяди ва ҳар йиллик истеъмолчиларга хизматларни сотади;
- хизматларни истеъмол қилиш ёки маълум бир мамлакатнинг истеъмолчилари хориждаги хизматларни сотиб олиши (жумладан, чиқиш туризми);
- жисмоний шахслар миграцияси чоғида, яъни хорижий жисмоний шахс мазкур давлат истеъмолчисига хизмат кўрсатади (масалан, чет эллик ишчилар кучи билан меҳмонхона қурилишига).

Хизматлар кўрсатиш экспорти соҳавий тузилмасида 1980 йиллар бошигача, транспорт хизмати устунлик қилган эди. Бироқ

кейинги уч ўн йилликда тез ривожланган **«бошқа хусусий хизматлар»** туризмга биринчилиқни бўшатиб берди. «Бошқа хусусий хизматлар» хизматлар экспортида биринчи ўринни эгаллади (40% дан зиёд). Чунки улар таркибига, хусусан молиявий, информацион, коммуникацион, маслаҳат хизматлари киради.

Халқаро даражада хизмат кўрсатишлар алмашинуви энг аввало саноати ривожланган мамлакатлар гуруҳлари ичида амалга оширилади. Товарлар савдосидаги сингари бу тенденция мамлакатлар гуруҳлари улуши салмоғини қисқартириш, уларнинг савдо хизматини кўшишдан иборат. Натижада янги индустриал ва бошқа ривожланаётган давлатларда хизмат кўрсатиш соҳаси фаоллашади.

Ҳозирги кунда хизмат кўрсатиш савдоси ҳажми бўйича АҚШ етакчилиқ қиляпти (жаҳон экспортининг 19%га яқини ва жаҳон импорт хизматининг 14%га яқини). Хизмат кўрсатиш савдоси максимал ҳажми бўйича АҚШда ТМКлар каналларига тўғри келади.

Энг яхши хизматлар кўрсатиш экспортчи ўн давлатларга АҚШ дан ташқари Буюкбритания, Франция, Италия, Германия, Япония, Испания, Нидерландия, Бельгия, Люксембург ва Гонконг кирди. Биринчи ўнлик хизматлар импортерларига эса – АҚШ, Германия, Япония, Буюкбритания, Франция, Италия, Нидерландия, Канада, Бельгия, Люксембург ва Хитой киради. Деярли мос келадиган рўйхатда Германия, Япония, Канада ва Хитой хизматлар нетто-импортёрлари ҳисобланади.

Халқаро меҳнат тақсимооти тизимида миллий иқтисодиётда хизмат кўрсатиш экспортига ихтисослашув ҳақида ҳам гапириш мумкин. Саноати ривожланган мамлакатларда бу энг аввало молиявий, телекоммуникацион, ахборот, ишга алоқадор хизматлар, илғор технологиялардир. Шунингдек, таълим, соғлиқни сақлаш ва туризм бўйича хизматлардир. Айрим ривожланаётган мамлакатлар ҳам хизматлар ишлаб чиқариш ва тақдим этишга ихтисослашмоқда. Жумладан туризм соҳаси (Туркия, Миср, Таиланд ва бошқ), транспорт (Миср, Панама ва бошқа очик кемачилиқ реестрлари деб аталадиган давлатлар), молиявий (Кариб денгизи оффшор марказлари ва Тинч океани ороллари). Халқаро хизмат кўрсатиш савдосида янги индустриал давлатлар, мисол Хитой ва бошқа бир қатор давлатларнинг роли ҳам ошмоқда. Россия транспорт хизмати кўрсатиш нетто-экспортери ҳисобланади. Бу ерда транзитни ташкил этиш учун ўзининг Евроосиё жойлашуvidан фойдаланиш, юқори технология ва халқаро туризм хизматларини ривожлантириши

истикболларига эга. Россия хизматлар экспорти тузилмасида 33 % транспортга, 42% туризм ва 25% бошқа «**ҳар хил хусусий хизматлар**»га тўғри келади.

Умумий тарзда халқаро хизмат кўрсатиш савдосида асосий ривожланиш тенденциясини қуйидагича ифодалаш мумкин:

- § жаҳон хизмат кўрсатиш савдоси ўсиш суратларини жаҳон товар-айланмаси ўсиш суръатларига таққосланганда нисбатан динамиклигидир;
- § жаҳон хизмат кўрсатиш экспорти ва импортида ривожланган давлатларнинг устунлик роли;
- § жаҳоннинг бирнеча мамлакатларида «**кўринмас**» савдонинг юқори даражада тўплангани;
- § жаҳон «**кўринмас**» савдоси ҳудудий тақсимланишида Европа иттифоқи давлатлари устунлик қилади. Қайсики, уларга амалдаги товарлар айланмасининг деярли ярими тўғри келади.

2.§. Халқаро хизмат кўрсатиш ва сервис бозорини тартибга солиш

Халқаро хизмат кўрсатиш ва сервис бозори тегишли халқаро ташкилотлар томонидан тартибга солинади. Улар орасидан 40 тага яқин халқаро ташкилотларни ажратиб кўрсатиш мумкин. Булар, хусусан Бутунжаҳон савдо ташкилоти (БЖСТ), БМТ савдо ва тараққиёт бўйича конференцияси (ЮНКТАД), Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ОЭСР), фан, маданият ва таълим бўйича БМТ ташкилоти (ЮНЕСКО), Интеллектуал мулк бутун жаҳон ташкилоти (ВОИС) ҳ.к.

XXI аср бошларида хизмат кўрсатиш савдосини тартибга солувчи асосий халқаро актлардан бири –**Хизматлар савдоси бўйича бош битим (General Agreement on trade in Services, GATS, ГАТС)**. ГАТС Уругвай раунди чоғида қабул қилинган ва Бутун жаҳон савдо ташкилотини ташкил этиш ҳақидаги Битимга бош иловалардан бири ҳисобланади. БЖСТ юридик асосларидан бири (ГАТС -1994 билан бир қаторда) . ГАТС биринчи марта дискриминациясиз халқаро хизмат кўрсатиш савдоси механизмини яратди. Унинг асосида ҳалол рақобат ва келишилган қоидалар мужассамлашган (ГАТС 35 моддадан иборат, 6 қисмга бирлаштирилган, шунингдек иловага эга). Хизмат кўрсатиш савдосининг қуйидаги жиҳатлари кўриб чиқилади:

- белгилаш ва қўлланиш соҳаси;

- умумий мажбуриятлар ва қоидалар (нисбатан қулайроқ режим, ошкоралик, ривожланаётган мамлакатлар иштироки хусусиятлари, иқтисодий интеграция ҳисоби, ички тартибга солиш, ҳимоя чораларини қўлланиш имконияти, умумий ҳоллар, субсидия ва бошқ.);
- специфик мажбуриятлар (бозорга кириш, миллий режим, қўшимча мажбуриятлар);
- аста–секин либераллаштириш (специфик мажбуриятлар бўйича музокаралар, специфик мажбуриятлар рўйхати ва уларнинг ўзгартирилиши);
- институтчионал мажбурият (консултация, баҳсларни тартибга олиш ва қарорларнинг бажарилиши, хизмат кўрсатиш савдоси бўйича кенгаши);
- ҳулосивий низом.

Иловаларда молиявий хизмат кўрсатиш батафсил кўриб чиқилади, уларнинг тавсифи берилади, белгилашлар келтирилади ва ГАТС қоидалари ва умумий мажбуриятлардан олиш имкониятлари кўрсатилади.

ГАТС тартибга соладиган хизматлар савдосида миллий чегара орқали кўчадиган хизматлар ҳам битим иштирокчилари мамлакатлар территориясида ишлаб чиқариладиган ва хорижий жисмоний ва юридик шахслар истеъмол қиладиган хизматлар ҳам қўшилади.

ГАТС икки тур мажбуриятни кўзда тутди:

- умумий, яъни сўзсиз тартибда мамлакат томонидан қабул қиладиган;
- специфик, яъни у ёки бу мамлакатлар хизматлар бозорига киришнинг аниқ шартига дахлдор.

Умумий мажбурият – бу энг аввало кўпроқ қулай режим, у иштирокчи мамлакатларини миллий хизматлар бозорига киришни тенг таъминлайди, аммо бундай кириш шартларини белгиламайди. ГАТСни имзолай туриб, давлатлар дарҳол ўзи хизматлар бозорининг барча секторларида етказиб беришни миллий режим даражасигача либераллаштиришга мажбур эмас. Кириш ҳақидаги музокаралар чоғида хизматлар алоҳида секторлари учун миллий иқтисодиёт сиёсати ва ривожланиш даражаси истиқболларини ҳисобга олган ҳолда, ўтиш даври маълум давомийлигига эришиши мумкин. Хизматлар бозорининг бундан кейинги либераллаштирилиши кўп томонлама янги музокаралар ўтказиш билан боғлиқ бўлади.

Хизматлар турлари турли даражада либераллаштирилган. Турли гуруҳ мамлакатлар хизматлар бозори очиклигига ҳар хилда манфаатдорлар. Аммо бироқ БЖСТ аъзолари бўлган кўпчилик мамлакатлар миллий режимдан олинган, ёки ҳатто қулай режимни сақлашади. Табиийки хизматлар бозорини либераллаштирилишидан аввало ривожланган давлатлар ва транс миллий корпорация (ТМК) лар манфаатдор. Хизматлар бозорининг турли секторлари бир хил даражада либераллаштирилмаган. Кўпроқ очик соҳаларга туризм киради. 1990 йилда телекоммуникация ва ахборот технологиялари бозорларини либераллаштириш тўғрисида битим тузилди. У нафақат гуркираб ривожланиб бораёпти, балки арзонлашяпти ҳам, шунингдек молиявий хизматлар бозорида суғурта ва кредит қийматларини пасайтиришга олиб келиши мумкин.

3.8. Халқаро туризм бозори

Туризм –халқаро хизматлар савдосида муҳим соҳалардан бири бўлиб ҳисобланади. Айни пайтда у жаҳон иқтисодиётининг жадал суръатларда ўсаётган соҳаларидан биридир. Бу соҳа бизнеснинг кўпроқ ва тезда даромад келтирадиган турларидан. У йирик инвестицияларни ўзига жалб этади. Ўсиб бораётган аҳоли бандлигини таъминлайди. Даромад тушумини кўпайтиради ва шу жумладан мамлакатда давлат бюджети тушумини таъминлайди.

Туризм ўзида жаҳон иқтисодиётининг мураккаб ва ҳар томонлама соҳаларини мужассам этган ҳолда, бутун жаҳон хўжалигига сезиларли даражада таъсир ўтказади. Туризм алохида мамлакатлар хўжалигига ҳам, ҳудудларга ҳам бирдай тегишлидир. Айрим мамлакатларда туризм соҳаси валюта тушумларининг ягона манбаи ҳисобланади. Унинг шарофати билан иқтисодий тараққиёт юқори даражаси ва халқ турмуш фаровонлиги қўллаб –қувватланиб турилади. Туризм жаҳон хўжалигининг уч етакчи экспорт соҳалари каторига кириб, у фақатгина нефт қазиб олиш ва автомобилсозлик саноатларидангина кейинги ўринни эгаллайди.

Ҳозирги пайтда туризм соҳаси улушига бутун жаҳон экспортининг 8%га яқини, жаҳон хизматлар савдосининг 30%, жаҳон ялпи маҳсулотининг 10,8%, жаҳон капитал қўйилмаларининг 9,4%, жаҳон истеъмолчилик харажатларининг 11%, бутун жаҳон солиқ тушумларининг 5% тўғри келди. Бундан ташқари, туризм соҳаси аҳолининг бандлигига катта таъсир ўтказмоқда. Мутахассислар

баҳосича, ҳозирги замон туризми ва унинг билан боғлиқ бўлган соҳаларида жаҳондаги ҳар саккизинчи ходим банддир.

Жаҳоннинг кўпчилик давлатларида туризм ягона тизим сифатида ривожланиб бормоқда. Қайсики у мазкур мамлакат ва унинг халқаро тарихи, диний, маънавий, маданий ҳамда урф-одатлари билан танишиш имкониятларини яратиб беради. Шунингдек у жуда кўпчилик хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ жисмоний ва ҳуқуқий шахсларга ёрдам кўрсатади. Туризм соҳаси нафақат энг йирик, балки жаҳон иқтисодиётининг энг динамик ҳолда ривожланаётган секторларидан биридир. У тез суратларда ўсиши билан юз йилликнинг иқтисодий феномени (ҳодиса)си сифатида тан олинган.

Бутун дунё бўйича туристик хизматларга ўсиб бораётган талаб энг аввало ижтимоий – иқтисодий сабаблар билан изоҳланади (умумий даромадларнинг ўсиши ва бўш вақтини кўпайиши, ҳақ тўланадиган таътиллار муддатини ортиши, пенсия таъминотининг етарли даражага, кўтарилиши, оила таркибида болалар сонини камайиши эвазига ўзгариши ва ҳ.к), шунингдек транспорт тизими тараққиётидаги ўсиш, уни арзонлашиши ва ҳамманинг унга қурб иетиши, валюта чекловларининг камайтирилиши ёки бекор қилиниши, виза режимининг либераллаштирилиши кабилар.

Иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари каби туризм ҳам халқаро, ҳам миллий тартибга солишнинг объекти ҳисобланади. Ҳукуматлараро туризмнинг ривожланишига жавоб берувчи етакчи ташкилот, БМТ бош Ассамблеяси Бутунжаҳон туристик ташкилоти (World Tourist Organisation, WTO- БЖТ) ни тан олади. БЖТ 1975 йилдан буён халқаро туристик ташкилот расмий иттифоқи меросхўри сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда.

БЖТ аъзоликнинг қуйидаги категорияларини ўз ичига олади:

- § ҳақиқий аъзолар (Суверен давлатлар, шу жумладан, кўпчилик МДХ мамлакатлари ва Россия);
- § ассоциялашган аъзолар (ўзининг ташқи сиёсатига мустақил масъул эмас ҳудудлар);
- § қўшилувчи аъзолар (ҳукуматлараро, нодавлат ва нотижорий ташкилотлар ва бирлашмалар, яъни соҳада фаолият кўрсатаётган, туризм учун қизиқиш билдираётган).

БЖТ халқаро туризмни ташкил қилиш бўйича бир қатор декларациялар ва бошқа ҳужжатлар қабул қилган, шу жумладан туризм бўйича Хартия ва турист ҳуқуқи Кодекси (1985й), маълумотнома (справочник)лар ва прогнозлар нашр қилади, туристик

бизнес учун маълумотлар ахборот банкини таклиф қилади. Унда халқаро туризм учун зарур бўлган бир қатор муҳим тушунчалар қайд этилган («туризм», «турист» сингари ва бошқа).

Туризм саломатликни мустаҳкамлашга ёрдам беради ва яшаш жойидан ташқарига чиқиш ва фаол дам олишни белгилайди. Туризмда «турист» (ташриф буюрувчи) ва «экскурсант» тушунчалари ажратилади.

Турист – бу ҳар қандай шахс, қайсики бошқа давлат ҳудудида камида 24 соат қолади, лекин соғломлаштириш, билимни бойитиш, касбий – ишга доир, спорт, диний ва бошқа мақсадларда, вақтинча яшаётган мамлакатда шуғулланишсиз тўланадиган фаолиятда 1 йилдан ортиқ қолиш мумкин эмас. Ана шундай белгиланиш орқали туризм ва иқтисодий миграция ўртасидаги чегара аниқлаб олинади. Халқаро битимлар бўйича турист мақоми саёҳатчи учун қатор имтиёзлар яратади, қайсики, соддалаштирилган виза режими ва яшаш ҳамда транспорт хизматларидаги тўловларда чегирмага эга.

Чет элда 24 соатдан кам бўлмаган саёҳатчи экскурсант ҳисобланади ва бу категория аввало Ғарбий Европа ва Шарқий Ўртаер денгизи мамлакатларида кенг тарқалган.

Туризм ўзида туристик индустрияга бирлашган бутун бир хизматлар мажмуасини мужассамлаштирган: меҳмонхоналар, бошқа вақтинча жойлашиш воситалари (мотеллар, кемпинглар ва бошқалар), умумий овқатланиш объектлари, кўнгил очар объектлар ва воситалар, билимни бойитадиган объектлар, ишга алоқадор, спорт ва бошқаларга мўлжалланган хизматлар. Туристтик индустриянинг таркибий қисми бўлиб, ўз туристик бизнеси ҳисобланади. Туристтик бизнесда ҳаракат қилади: а) туристик маҳсулотлар (тур) ишлаб чиқарадиган туроператорлар – фирмалар; б) турагентлар – мустақил фирмалар ёки туроператорлар агентлари, қайсики, туроператор билан ёзма келишувга мувофиқ туристик маҳсулотларни тарқатди.

Туристтик индустрия – кўп маблағ ва меҳнат талаб қиладиган соҳа. БЖТ баҳоси бўйича, халқаро туризм улушига жаҳон ички ялпи маҳсулоти (ИЯМ)нинг 11%, товар ва хизматларнинг жаҳон экспортини 6% ва ишчи ўринларининг 10%га яқини тўғри келади. Барча мамлакатлар бўйлаб ташриф буюрувчи туристлар ҳар йилги сони 900 млн. кишидан ортади. Шу билан бирга ўн йилда халқаро туризм бир ярим мартага ўсди ва ўсиши давом этаяпти. Ўсиш суръатлари бўйича жаҳон ИЯМ ўсишини қувиб ўтаяпти. Бу ҳам XXI

аср бошиданоқ халқаро туризмни жаҳон иқтисодиётининг йирик соҳасига айланиши ҳақида мулоҳазалар билдиришга асос бўла олади. Аммо саёҳат динамикаси миллий иқтисодий конъюктурасига, шу жумладан жаҳон ҳўжалигига жуда боғлиқдир.

Ҳозирги замон туризми учун сезиларли ҳудудий нотекислик характерлидир. Бундай қараганда, у умумий кўринишда ҳар хил ижтимоий –иқтисодий даражани акс эттиради. Масалан, ҳозирги вақтда ривожланган давлатларга барча туристик келишларнинг 57%, энди ривожланаётган мамлакатларга 30%, ўткинчи иқтисодиёт мамлакатларига 13% тўғри келади. Туристлик келишларнинг регионал таҳлили ва даромадлари таҳлили чоғида жаҳоннинг олти туристик макрорегионлари ажратилади:

1. **Европа** – Ғарбий, Шимолий, Жанубий, Марказий ва Шарқий Европа, Собиқ СССР республикалари қўшилган ҳолда, шунингдек Шарқий Ўрта ер денгизи давлатлари (Исроил, Туркия, Кипр);
2. **Америка** – Шимолий, Жанубий, Марказий Америка мамлакатлари, Кариб ҳавзаси ҳудуди ва орол давлатлари;
3. **Осиё –Тинч океани** – Шарқий ва Жануби – Шарқий Осиё, Австралия ва Океания;
4. **Жанубий Осиё** – Жанубий Осиё барча мамлакатлари;
5. **Африка** – Африка мамлакатлари, Миср ва Ливиядан ташқари;
6. **Яқин Шарқ** – Осиёнинг Ғарбий мамлакатлари, Жануби – Ғарбий Осиё, Миср ва Ливия.

Деярли 62% халқаро туристик сафарлар дам олиш мақсадида амалга оширилади, ишга алоқадор туризм 20%, қолган 18% эса бошқа мақсадларга: танишлар, қаришдошларникига ташрифни, диний саёҳат (зиёрат, даволаниш ва ҳ.к.)ни ташкил қилади.

44%га яқин халқаро туристлар мўлжалланган манзилларга ҳаво транспортида, 42% - автойўл (автомашина ва автобус)ларда, 8% - денгиз ва ниҳоят 7% -темирйўл орқали етиб келишади.

2020 йилгача бўлган даврда халқаро келишлар БЖТТ прогнозлари бўйича икки мартадан зиёдрокка кўпаяди. 2010 йилга 1 млрд. гача ва 2020 йилгача 1,56 млрд. гача). Бу ўртача ўсиш суръатларидан озгина кўп йилига 4% шу билан бирга йиллик ўсиш суръатлари Осиё – Тинч океани ҳудудида, Жанубий Осиё, Африка ва Ўрта Шарқ 5% ошади. Европа ва Америкада эса ўсиш кўрсаткичлари ўртачадан паст (тегишли равишда 3 ва 3,9%) бўлади.

БЖТТ ва ЕИ комиссияси прогнозлари асосида туристик индустриянинг қуйидаги асосий ривожланиш тенденциялари ажратилади:

- § узоқ масофага ҳудудлараро сафар улуши ортади, (2020 йилга бориб эса 24,2% гача кўпаяди). Бундай сафарларга кейинги ва тез нарх тушиши тенденцияси кузатилади, айниқса юқори тезликдаги авиатехника кенг тарқала бошлагач шундай бўлади;
- § туризмда ташқи омиллар таъсири кучаяди: иқтисодий вазият, сиёсий, саёҳат хавфсизлиги даражаси;
- § туризмга сезиларли таъсир ўтказади: компьютер резервация тизими, технологик тараққиёт, авиаташиш такомиллашуви, электрон ахборот, коммуникацион тизим;
- § ҳаво транспортидан фойдаланиш кенгаяди (қулай, тўғридан – тўғри рейслар сони кўпайиши натижасида);
- § ҳамма турдаги саёҳатларга харажатлар, биринчи навбатда транспортга, оила бюджети бошқа статияларига қараганда тез кўпаяди. Бу овқат, кийим –кечак, мебелга ажратилган харажатлардан кўпдир ва фақат уй-жой харажатларидан кейин туради. Саёҳат тез-тез бўладиган бўлади, лекин давомийлиги камаяди.

Саёҳатга харажатлар янада сифатлироқ дам олиш эвазига ортади:

- § бозор конъюктурасининг мавсумий ўзгариши яқин келажақда туризм индустрияси учун муаммо бўлмай қолади. Чунки маркетинг улардан қулай фойдаланиш имконини беради;
- § бошқа ёш гуруҳларига нисбатан икки ёш гуруҳлар фаол саёҳат қиладилар: ёшлар ва кексалар;
- § бозорнинг маркетинг сегментланиши ёрқинроқ акс этади. Таклифни ҳар бир гуруҳ эҳтиёжига қараб кўриш зарур бўлади;
- § атроф –муҳит ҳолати туристларни жалб этишда асосий мустаҳкам омиллардан бири бўлади, айниқса қишлоқ ва қирғоқ бўйи районларида;
- § туризмга талаб ўсишда давом этади, айниқса маданий, диққатга сазовор жойларни кўриш, шунингдек фаол дам олишга талаб ошади.

Собиқ СССРда халқаро туризм қатъий монополиялаштирилган озгинагина ташкилотлар доирасида давлат монополиясининг ташқи фаолиятига мувофиқ равишда шаклланган. Кириш (хорижий) туризми «интурист» давлат ташкилоти орқалигина амалга ошириларди. Чиқиш эса туризм ва экскурсиялар бўйича марказий

Совет томонидан бажариларди. Бу ташкилот расман жамоат ташкилотлари тасарруфида ҳисобланарди.

Фуқароларнинг халқаро сафарлари тез ўсиши Марказий ҳамда Шарқий Европа мамлакатлари ўртасида амалга оширилди ва халқаро туризм максимал ҳажмига 1989 йилда эришилди (туристлар кириши – 2,3 млн. киши, чиқиши – 2,2 млн. киши).

4.§. Транспорт хизмати кўрсатиш халқаро бозори

Халқаро иқтисодий алоқаларни амалга ошириш чоғида транспорт юклар, йўловчилар, багажларни ташишни таъминлайди. Худди шулар икки ва кўпроқ миллий давлатлар ўртасида транспорт операцияларини ташкил қилади. Халқаро савдода товарларни етказиб бериш жараёни қўйидагиларни ўз ичига олади:

- § товарни экспортчи мамлакатлар ичкарасида чегара пунктигача ёки мазкур мамлакатлар портигача ташиб бериш;
- § товарни чегара пунктидан (портдан) импортер мамлакат ички истеъмол пунктигача етказиб бериш;
- § транзит (учинчи мамлакат орқали) ёки агар товарни экспортчи мамлакат ва импортчи мамлакат умумий чегараларга эга бўлишмаса денгизда ташиб берилади. Транспорт операцияси агар улар транзит ёки денгиз йўли бўлиб ташиш билан боғлиқ бўлсалар халқаро ҳисобланади.

Халқаро транспорт хизматлари халқаро транспорт бозорида сотилади ва сотиб олинади, қайсиким, транспорт тури ташиладиган юклар хили, шунингдек ҳудудий хусусиятларга кўра фарқланади. Халқаро транспорт алоқалар **тўғридан –тўғри** (ортиш -туширишсиз), **тўғридан –тўғри ва аралаш** (турли транспорт хилларидан фойдаланиш билан, аммо ягона транспорт хужжати билан), **аралаш** (икки ва кўпроқ транспорт туридан фойдаланиб) шаклда бўлади.

Халқаро транспорт хизматлари нафақат бевосита ташиш фаолияти, балки бир қатор йўл – йўлакай операциялар ҳамдир (юкни яқиндаги юк терминалигача элтиш – порт, темирйўл тугуни ва бошқалар; юкни қайта юклаш, ташиладиган юк ва товарларни багажларни тушириш; оралиқ манзилларда вақтинча сақлаш, уни кўриқлаш, хужжатларни қайта расмийлаштириш, баъзан суғурталаш). Транспорт магистрал турларига тўловлар билан боғлиқ ва йўл – йўлакай операцияларга тўловлар харажатлари юк эгасининг транспорт сарфларини ташкил қилади.

Халқаро транспорт жараёнларида фирма – юк эгаси ва ташувчи фирмалар иштирок этишади, қайсики, улар ўрталарида ташишга шартнома тузилади. Транспорт операцияларида юк эгасидан ташқари стивидорлар – фирмалар (юк терминаллари операторлари) иштирок этишди. Улар билан хизмат кўрсатишга фирмалар экспедиторлари ҳам шартнома тузадилар. Айрим мамлакатларда экспедиторлар фразт агентлар, коммиссионерлар, брокерлар ва ҳ.к. деб аталадилар. Шартнома бўйича юк эгаси экспедитори воситачи экспедиторга унинг айтилган юки билан операцияларни аниқ бажаришни топширади: ортиш –тушириш, юкларни сақлаш, юк ва божхона ҳужжатларини расмийлаштириш, стивидорлар ва ташувчилар билан ҳисоб –китоб, судлар ва арбитражларда ва бошқаларда ўзининг тижорий манфаатларини ҳимоя қилиш. Юк эгаси фирма экспедитори ёки бош экспедитор билан бевосита шартнома тузиши ҳам мумкин. Улар бутун ташиш ташкилий ишларини ўз зиммаларига олишади.

Ҳозирги замон транспорт тармоғи ва транспортда ташиш тузилмаси жаҳон иқтисодиёти ривожланиши жараёнида вужудга келди ва халқаро меҳнат тақсимоотида ўз навбатида кўрсатилган жараёнларда фаол рол ўйнайди. Умумий тенденция шундан иборатки, халқаро юкларни ташиш халқаро савдога нисбатан сустр ўсаяпти. Чунки ташиладиган хом ашё ҳажми, айтиқса нефть, сустр ўсаяпти ёки умуман ўсаяпти. Материал талаб ишлаб чиқариш хом ашё манбаига қараб кўчаяпти. Транспорт тармоғи ортаяпти, аммо транспорт ҳар хил турлари бўйича нотекистр бўлаяпти. Умумжаҳон ички ялпи маҳсулот – (ИЯМ)да транспорт улуши, айтиқса ривожланган мамлакатлар ИЯМ да қисқараяпти Ҳудди шундай бу товарлар нархини ташкил этувчи транспорт катталигига ҳам таалуқли.

Халқаро транспорт инфратузилмаси транспорт терминаллари қўшилган ҳолда кўпинча давлат ҳисобига яратилади ва давлат томонидан назорат қилинади. Хусусий темир ва автомобил йўллари мавжудлиги умумий қоидаларга зид келмайди. Бошқа томондан, транспорт воситалари одатда хусусий мулкдир. Транспорт хизматлари бозорида деярли хусусий компаниялар хизмат кўрсатади. Бунга қўшимча қилиб айтиш мумкинки, халқаро ташиш ва халқаро транспорт йўли ички йўллардан алоқада эмас, ва ўша битта транспорт фирмаси ҳам ички ҳам халқаро ташиш билан шуғулланади. Халқаро ташиш минтақавий (регионал) ва умумжаҳон даржасида кўп томонлама битимлар билан тартибга солинади. Бу соҳада кўп сонли (100га яқин) давлатлараро ташкилотлар, шу жумладан БМТнинг

ихтисослашган органлари: Халқаро денгиз ташкилоти (International Maritime Organisation – ИМО, ИМО) ва Халқаро фуқаро авиацияси бўйича ташкилот (International Civil Aviation Organisation, ICAO, ИКАО) фаолият кўрсатапти.

Жаҳон транспорт тармоғи доимий равишда ўсаяпти, лекин транспорт турлари бўйича бир текисда эмас. Қайсики юк ташиш тузилмасида ўзгаришлар ва илмий –техник прогрессда акс этади. Масалан БМТ маълумотларига кўра, XX асрнинг иккинчи ярмидан темирйўллар тармоғи ва ички сув йўллари ҳатто қисқарган. Автомобил йўллари узунлиги икки баровар ортиб, ҳаво йўллари эса 3 –марта ўсган. Айни пайтда нефт қувури ва нефт маҳсулотларини ташиш 4 марта кўпайган, магистрал газопроводлар эса 6,5 мартага ошган.

Жаҳон транспорт тармоғи узунлиги ҳам ўзгараяпти: темирйўл транспорти салмоғи пасаймоқда, денгиз транспорти салмоғи мана 30 йилдирким 61-62% даражада сақланиб турибди. Қолган транспорт турлари салмоғи ортаяпти. Транспорт турлари бўйича юк обороти таркибида принципиал ўзгаришлар рўй бермаяпти. Темирйўл ва автомобиль транспорти ўртасида кучайиб бораётган рақобат ўзига диққатни тортаяпти. Бунда автомобил транспорти ғолиб чиқмоқда.

Халқаро юкларни ташишда тараққиёт суръатлари сусайган бўлсада, денгиз транспорти ҳамон етакчилик қилиб келмоқда. Сўнги йилларда денгизда юкларни ташиш 5,1 млрд. тоннага етди, нефть ва нефть маҳсулотлари ташиш ҳажми эса 45% дан ортди. Асосий юкларни ташиш тезроқ ўсаяпти. Айниқса контейнерлар юкларни ташиш жадал тус олаяпти. Алоҳида ахборот хизматларининг маълумотлари бўйича жаҳон савдосида денгиз флоти 29,1 минг кемага эга бўлган. Уларнинг умумий тоннажи 776 млн. дедвейтни ташкил қилган ҳолда, 32% танкерларга тўғри келган, 34% балкерлар ва қолганлари – бош юклар кемалари ва бошқа типдаги кемалардир. Йирик кемалар эгалари бўлиб–Греция, Япония, Норвегия, АҚШ, Гонконгдир. Биринчи ўнлик давлатлари қаторига Хитой, Корея, Буюкбритания, Германия, Швеция ҳам киради. Тоннаж бўйича Россия дунёда 13 ўринни эгаллайди. 42% барча кемалар очик кемачилик регистридаги мамлакатлар байроғи остида сузади. Бошқача айтганда, улар «қулай» ёки «арзон» байроқлар билан сузади. Қулай байроқлар кема эгаларига солиқлар, меҳнат ҳақи ва бошқа параметрлар бўйича харажатларни минималлаштириш имконини беради. ЮНКТАД очик кемачилик регистрига Либерия,

Панама, Кипр, Сингапур, Бермуд ороллари ва Багам ороллари ҳамдўстлигини киритади. Аммо бу ўзига хос солиқ гаваналари рўйхатига бошқа мамлакатларни ҳам киритиш мумкин. Очик кемачилик регистри мамлакатлар орасида биринчи ўринда Панама Либерия кейинги ўринларда Мальта, Багам ва Кипр турибди.

Транспорт коммуникациялари жаҳон тизими кенгайишида давом этаяпти. Унинг тараққиётидаги бош йўналиши – транспортнинг турли хиллари ишини синхронлаштириш, аралаш ташишларда уларни биргаликда ишлашини таъминлаш. Халқаро масштабда бундай ташишларни таъминлашда транспорт коридорлари яратиш тажриба қилиб кўрилмоқда, шу жумладан, РФ, Марказий Осиё ва Кавказ орти мамлакатлари территориясида.

Темир йўллар ягона тармоғи шунингдек, магистраль трубопроводлар нафақат умумий иқтисодий кенгликлар мавжудлигини, балки мамлакатларнинг сиёсий бирлигини таъминлайди. Кўпгина мамлакатларда темирйўллар ва магистраль трубопроводлар давлат мулки бўлиб ҳисобланади. Денгиз, дарё, автомобил ва авиация транспортлари акциялаштирилган ва хусусийлаштирилган.

Халқаро транспорт хизмати кўрсатишда тариф сиёсати катта аҳамият касб этмоқда. Инвестициялар жалб этилаяпти ва давлат бошқарувининг мақбул йўллари қидирилаяпти. Темирйўллар ва магистрал трубопроводларни бозорий тартибга солиш чоралари кўрилмоқда.

5.8. Технологиялар билан халқаро савдо қилиш

Технологиялар билан халқаро савдо қилиш бу – тижорий асосда хорижий контрагентга илмий –техник фаолият натижаларини етказиб беришдир. Булар нафақат илмий, балки амалий тажриба бойликлари ҳамдир.

Технологиялар билан халқаро савдо қилиш объектлари бўлиб, интеллектуал фаолият натижасида буюмга айлантирилган ва буюмга айлантирилмаган шакллар ҳисобланади ва бу шакллар ўртасида аниқ чегаралар йўқ. Халқаро технология бозори субъектлари сифатида давлат, олий ўқув муассасалари ва илмий тадқиқот ташкилотлари, турли фирмалар ва фондлар, шунингдек жисмоний шахслар – ихтирочилар, олимлар чиқиши мумкин. Технология интеллектуал мулк қисми ҳисобланади ва тегишли тарзда миллий қонунчилик ва

халқаро битимлар билан қўриқланади. БМТ тизими махсус муассаса – **Бутунжаҳон интеллектуал мулк** ташкилоти (World Intellectual Property Organisation, WIPO, ВОИС) фаолият кўрсатади. У кўп сонли конвенциялар, шартномалар ва давлатлар иттифоқига таяниб иш юритади.

Технологиялар алмашинишида қуйидаги асосида хилларни ажратиш мумкин: Ихтиро шаклидаги билим ва тажриба саноат нусхалари, товар белгилари, фойдали моделлар. Ихтиролар, уларнинг муаллифлиги ва монополь ҳуқуқидан фойдаланишни мустаҳкамловчи давлат гувоҳномаси –патент. Патент фақат берилган мамлакатда амал қилади, шунинг учун чет эл патентлиги кенг тарқалган. Агар патент эгаси патентдан фойдаланмаса, уни сотиши ёки лицензия битимга асосан фойдаланишига рухсат бериши мумкин. Чет эллик контингентга лицензия бериш халқаро лицензиялаш деб аталади. Лицензия битимининг учта асосий тури мавжуд:

- **Оддий** лицензияни сотиш чоғида патент эгаси –лицензия берувчи лицензия объектдан мустақил фойдаланиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Уни учинчи шахсга бериш ҳам мумкин.
- **Мутлоқ** лицензия шартномаси тузилаётганда лицензия берувчи сотиб олувчига лицензия объектига мутлоқ ҳуқуқ тақдим этади. Лекин бу объектни ўзи мустақил ишлаб чиқариш ҳуқуқини сақлаб қолади.
- **Тўлиқ** лицензия шартномаси тузиш чоғида лицензия берувчи шартнома муддати даврида лицензия объектдан фойдаланиш ҳуқуқига эга эмас.

Лицензиялар билан халқаро савдо – технологиялар билан алмашинувнинг асосий шаклидир. Лицензия тўловлари (лицензия учун тўлов) даврийликка – роялти ва бир вақтнинг ўзида – паушалга бўлинади. **Роялти** – бу интеллектуал ресурслар учун рента. У лицензия харидорининг даромадидан ажралма кўринишида битим муддати давомида тўланади. **Паушал тўлов** –лицензия битимида қатъий белгиланган сумма, ишлаб чиқариш ҳажми ва маҳсулотнинг сотилишига боғлиқ эмас.

Илмий –техник, ишлаб чиқариш, бошқарув, тижорий, молиявий ва бошқа характердаги **ноу –хау** деган умумий номга бирлашган билим ва тажрибадир. Улар махсус муҳофаза ҳужжатлари билан эмас, конфиденциал ҳимоя қилинган, ҳужжат кўринишида бевосита амалий ишлаб чиқариш тажрибаси сифатида узатилади.

Технологиялар билан халқаро алмашилишга халқаро инжиниринг ва ишга доир турли хил хизматлар қўшилади. **Халқаро инжиниринг** – бу чет эл контрагентига комплекс ёки алоҳида инженер –техник турини тақдим этиш. Булар лойиҳалаш, қурилиш объектни фойдаланишга топшириш, корхонага янги технологик жараёнларни ишлаб чиқаришга буюртма олиш, бошқарув, маркетинг ва пудрат хизматлари кўрсатишдан иборат.

Халқаро технологиялар алмашилишда олдинги ўринларни саноати ривожланган мамлакатлар – АҚШ, Ғарбий Европа мамлакатлари, Япония эгаллайди. Янги индустриал мамлакатлар Хитой ва Хиндистоннинг роли ошмоқда. Жаҳон иқтисодиёти тараққиётига илмий –техника прогресси ҳиссаси ҳал қилувчи бўлмоқда. Бошқа томондан, илмий –техника тараққиёти илмий – тадқиқотларга ва конструкторлик – тажриба ишлари (НИОКР)га сарфланадиган маблағларга, илмий, инженер кадрлар тайёрлашга ва инновацион соҳада давлат олиб бораётган сиёсатга боғлиқ.

6.8. Жаҳон консалтинг хизматлари бозори

Консалтинг хизматлари аллақачон бутун жаҳон индустрияси иқтисодиёти соҳаси ҳисобланади. Қайсиким, у юксалиш жараёнларини ўз бошидан кечирмоқда. Консалтингнинг, индивидуал фаолиятдан индустрияга айланиши асосий белгилари сифатларидан бири шунда кўринадики, консалтинг хизматларининг катта қисми индивидуал консультантлар томонидан эмас, балки корпорациялар томонидан (консалтинг фирмаси) тақдим этилади. Бу хизмат соҳаси кўпроқ Шимолий Америка (АҚШ ва Канада), Ғарбий Европа, Япония, Австралия, Янги Зеландия ва Сингапурда ривожланган. Аммо консалтинг фирмалари жаҳоннинг деярли ҳамма минтақаларда фаолият кўрсатмоқдалар. Ҳозирги кунда дунёда иккита етакчи халқаро касбий (профессионал) консалтинг фирмалар бирлашмаси мавжуд:

1. Иқтисодиёт ва бошқарув бўйича консультантлар ассоциацияси Европа федерацияси (ФЕАКО). Унга 1960 й. Парижда асос солинган. 1991 йилда эса унинг штаб –квартираси Брюсселга кўчирилган. Ҳозирги пайтда Европа мамлакатларининг 25 миллий ассоциациялари (ҳар бир мамлакатдан биттадан, жумладан, Ғарбий Европа мамлакатларидан 17 та Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларидан 8та) ФЕАКО аъзолари ҳисобланади. Ассоциациялар

– ФЕАКО аъзолари ҳисобланади. Ассоциациялар – ФЕАКО аъзолари 12000 консультантга эга бўлиб, у 1200 консалтинг фирмаларни ўз ичига олади.

2. Менежмент – консалтинг фирмалар ассоциацияси (АМКФ).

1929 йлда асос солинган. У дунёда энг эски консалтинг ассоциацияси ҳисобланади. Бўлажак АҚШ консалтинг фирмалари миллий ассоциацияси (АКМЕ) 1990 йил ўрталарига келиб ўзини халқаро ассоциация сифатида кўрсатди. Ўзининг номини «**Бутунжаҳон консалтинг фирмалар ассоциацияси**» деб атади. ФЕАКОдан фарқли равишда АМКФ ҳозирча миллатлараро эмас, балки транс миллий бирлашмадир. Чунки унинг халқаро мақоми шунга асосланганки бу ташкилот аъзоси бўлиб йирик Америка консалтинг фирмалари ҳисобланади. Улар дунёнинг барча минтақаларида филиалларга эга.

Бутун дунёда касбий консалтинг ассоциациясидан ташқари яна бошқа ташкилотлар ҳам мавжуд. Қайсиким, консультантлар менежмент соҳасида бошқа мутахассисларга қўшиладилар: ўқитувчилар, профессионал менежерлар ва ҳ.к. бу ташкилотларга киради:

- менежмент тараққиёти Европа фонди (ЕФМД);
- марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари менежмент тараққиётининг ассоциацияси (СЕЕМАН);
- америка менежмент ассоциацияси (АМА);
- бутуняпон менежмент ташкилоти федерацияси (ZEN – NON-REN).

Халқаро консалтинг хизматлари тараққиётининг характерли хусусиятлари шундаки, унга йирик аудиторлик фирмаларини фаол жорий этиш киритилган. Қайсикимки, юқори элиталари улкан қўшилиши натижасида унинг сафлари аста –секин торайиб 1980 йиллар бошида «катта саккизлик»ни ташкил этди. 1990 йилга келиб, «олтилик», бугунги кунда «катта бешлик» кўринишини олди. Ҳозирги «катта бешлик» иштирокчиларига «Прайс Уотерхау Купрез», «Эрнст энд Янг», «КПМГ», «Делойт энд Туш», «Артур Андерсен»лар киради.

Консултация бериш бухгалтерлик хизматларининг табиий давоми сифатида ривожлана бошлади. Бу фирмалар жадал суръатда ўз манфаатлари уфқларини кенгайтирдилар ва операцион консалтингда етакчиликни эгаллади. Яъни, оператив бошқарув

муаммоларини ҳал этиш соҳасида бошқарув ҳисобини ва бошқарув ҳисоботини йўлга қўйишни амалга оширди. Ички молиявий менежмент ва асосий бизнес –функция турли аспектларини тартибга солди. Бундан ташқари, консалтация хизматлари даромадлари ошишини тез баҳолаб, анъанавий аудитларга тақсимланган ҳолда стратегик консалтинг майдонида фаол рақобат олиб бора бошлади.

Ҳозирги замон жаҳон индустрияси бошқарув консалтингда юқори динамик тараққиёт кузатилмоқда. Унинг доирасида ўн йиллик етакчилар улуши тўхтовсиз ўсмоқда.

Бошқарув консалтинги индустриясининг гуркираб ўсиши билан параллел равишда соҳа етакчилари ҳажмлари кўпайиш жараёнлари тезлашиши ва уларни трансмиллийлашуви кузатилмоқда. Бу жараёнларга мисол қилиб, органик асосда йириклашувни таъминлаган алоҳида етакчи компанияларни кўрсатиш мумкин. Оқибатда кейинги ўн йилда улкан қўшилишлар рўй берди.

Консалтинг хизматлари жаҳон бозори тизимида инженер консалтинг хизмати – инжиниринг ва реинжиниринг муҳим ўрин эгаллайди.

Инжиниринг (инглизча engineering –иختирочилик, билим) ўзида инженер – консалтация хизмати бўйича корхоналар ва объектлар яратишни намоён этади. У объектга қўйилган капиталнинг самарадорлигини оширишда муҳим усул ҳисобланади. Хизматлар экспорти маълум шакллари ишлаб чиқарувчи мамлакатдан буюртмачи мамлакатга етказишни кўриб чиқади (билимлар, технология ва тажрибаларни узатиш). Инжинирнинг қайта тадқиқотлар ўтказиш, техник – иқтисодий тайёргарлик асослари, лойиҳа ҳужжатлари тўплами, шунингдек ишлаб чиқариш ва бошқарувни ташкил қилиш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш, ускуналарни эксплуатация қилиш ва тайёр маҳсулотни сотиш каби ишларни ўз ичига олади.

Буюртмачиларни қўйилган капиталдан энг яхши натижа олишлари инжинирнинг вазифаси ҳисобланади ва бунга қуйидагилар эвазига эришилади:

- лойиҳаларни амалга оширишга тизимли интизомлараро ёндашув;
- техник ва иқтисодий қайта ишлашларнинг кўп вариантлиги, буюртмачи учун оптимал вариантни танлаш билан уларни молиявий баҳолаш;

- прогрессив қурилиш ва ишлаб чиқариш технологияларни, ускуналарни, конструкция ва турли муқобил манбалардан тайёрланадиган материалларнинг лойиҳаларини ишлаб чиқишда уларни қўллаш имкониятларини ҳисобга олиш;
- лойиҳаларни амалга оширишда бошқарув ва ташкил этишнинг барча усулларида ҳамма стадияларда фойдаланиш.

Инжиниринг хизматлари халқаро савдосида ижрочи фирма танлови тўғридан –тўғри музокаралар ёки пудрат савдоси (тендер) чоғидаги жараёнларда ўтказилади.

Тендер (инг. Tender – таклиф, пудратга буюртма) – бу пудрат савдоси ўтказишнинг конкурс (танлов) шакли. Ўзидан тақдим этилган давогарлар оферт нуқтаи назаридан мусобақаларни намойиш этади, тендер ҳужжатларига уларнинг мувофиқ келишини аниқлайди.

Реинжиниринг (инг. Re - engineering) – бу ишлаб чиқариш – савдо ва инвестицион жараёнлар билан хўжайинлик қилувчи субъектни рақобатбардошлигини ошириш, молиявий турғунлигини бошқариш ва ташкил этиш тизимини қайта қуриш бўйича инженер – консультация хизмати кўрсатишдир.

Реинжиниринг икки кўринишда бўлади: кризисли ва тараққиётли.

Кризисли реинжиниринг хўжайинлик қилувчи субъектга кризисли муаммоларни ҳал қилишга қаратилган. У молиявий – тижорий ва ишлаб чиқариш –савдо фаолияти натижаси доимий пасайиб, рақобатбардошлик кескин тушганда хўжайинлик қилувчи субъектга ёрдам тариқасида қўлланади. Банкротлик тенденцияси сезилдими ва кризисни бартараф этиш комплекс чоралари зарурми дарҳол амалга оширилади.

Тараққиётли реинжиниринг тараққиёт динамикаси пасайганида ва амалдаги ишлаб чиқариш –савдо ва инвестицион жараёнлар бошқаруви ва ташкилий тузилмаси фойда олиш бўйича юқори даражасига етганда қўлланилади.

7.8. Жаҳон ахборот хизматлари бозори

Жаҳон ахборот хизматлари секторининг шаклланишида Интернетнинг хизмат роли каттадир. У алоҳида индустрия, иш ўринлари манбаи, электрон бизнес асоси, индивидуал ва корпоратив истеъмолчигача ахборот етказиш воситаси бўлиб хизмат қилади. Бу ҳодиса кўлами, моҳияти чиндан ҳам улкан. Турли таҳлилчиларнинг

баҳосича, Интернет – индустрияси умумий айланмаси 7 трлн. доллардан кўпроқни ташкил қилади.

Интернетга кенг қутбли кириш янги сервислар учун асос яратади. Талаб бўйича видео, интерфаол кўнгил очиш, билимни бойитадиган интерфаол дастурларга кириш, одатдаги видео даражасидан юқориқ сифатга эришиш шулар жумласидандир. Яна бу технологиялар эртанги кунники эмас, балки бугунники. Интернет персонал компьютерлар ва мобил қурилмалар сонининг ошишига, унга уланишга имкон беради.

Gartner Dataguest маълумотларига кўра, хостинг (Webга ахборот жойлаштириш бўйича хизматлар) тармоқда ишчанлик фаолиятини тараққий этишга олиб келди. Энг аввало бутун электрон коммерция катта роль ўйнай бошлади. АҚШ хостинг бозорида тез ўсиш кутилган.

Garther Dataguest хостингнинг маълумотларни сақлаш учун ускуналар етказиб берувчи ва маълум ўтказиш қобилиятга эга канал сифатида характерлайди. Шунингдек турли даржадаги маъмурий ва бошқарув хизматлари жамланган маълум дисклар кенгликларига эга.

Хостинг провайдер томонидан махсус хостинг компания хизматлари билан бир қаторда тақдим этилиши мумкин. Электрон коммерция тараққиёти натижасида бу бозорнинг сезиларли ўсишни кутиш мумкин. Бунда ҳам улгуржи, ҳам чакана бозор тараққиёти кўзда тутилмоқда. Яъни сервис провайдерлар сервисни улгуржи тарзда бошқа сервис - провайдерга сотишлари мумкин. Улар ўз навбатида охириги фойдаланувчиларга хизмат кўрсатадилар. Мазкур бозор тармоқда амалий сервис тақдим этувчи компаниялар ҳисоби сақланиб туради.

Интернетдан керакли ахборотни тез ва қулай олиш усули. Юқорида таъкидланганидек, потенциал харидорнинг сезиларли қисми товарлар ҳиқида ахборотни айнан интернетдан олишадилар. Уларнинг улуши доимий равишда кўпайяпти: Тармоқ рекламаси ҳажми одатдагидан тезроқ ўсмоқда ва сарфлар 40 млрд. доллар миқдорга етди. Бу бутун реклама бозорининг 6%дан кўпроғини ташкил қилади. Бу ўсиш асосан тармоқдан янги фойдаланувчилар сони ўсиши ҳисобига рағбатлантирилади.

Бугун Интернетдаги рекламага барча сарфларнинг 75% Шимолий Америкага тўғри келаяпти. Европага – 12% га яқин, Осиёга -7% га яқин. Айрим тадқиқотчиларнинг тахминларига кўра, 2008 й. АҚШда тармоқ реклама ҳажми телевизион реклама ҳажмини ортда

қолдириб, 22 млрд. доллардан кўпроқни ташкил этди. Телевидения, радио ва бошқа Оммавий ахборт воситалари (ОАВ) дан фарқли равишда тармоқда реклама майдони потенциал тарзда чекланмаган. Аммо шунга қарамасдан алоҳида фойдаланувчиларнинг рекламаларга қизиқиши пасаяпти. Бу янгиликларнинг йўқлиги билан боғлиқ. Агар ярим йил аввал 1% га яқин истеъмолчи кўрган рекламасига қизиқиш билан қараган бўлсалар, энди бу рақам 0,5% га қисқарди. Бугунги кунда реклама берувчи ўз рекламасини жойлаштиришга яхшилаб ўйлаб кўриб киришяпти. Шу муносабат билан фойдаланувчилар ихтисослашган ресурсларга кетмоқда. Негаки улар қизиқишларига кўпроқ жавоб оладилар. Умумий тенденция интернетда амалга оширилаётган реклама майдонлари улушининг пасайишига олиб келаяпти. Айрим маълумотларга кўра тармоқда фақат 20%гина имкони бўлган реклама майдони сотилган.

Кундалик ҳаётимизга компьютер техникаси жорий этилаётгани, одамлар ўртасида шахсий мулоқатга, жонли мулоқатга талабни ошираяпти: электрон почта, телеконференция, масофадан туриб ўқитиш, узоқларга кириш имконияти ўзаро «**телеворкинг**»ни (telework) меҳнат муносабатларига айлантирмоқда. Буларнинг ҳаммаси улкан маблағларни тежашни таъминлайди: сафарларга, идора ускуналари ва бошқа харажатлар. Тобора кўпроқ одамлар уйдан чиқмасдан меҳнат қилишлари мумкин. Ходимлар ўз транспорт харажатларини камайтиришади, тиғиз пайтда йўлларда тикин ҳосил бўлмайди. Иш берувчиларни эса ходимларни идорага қандай жойлаштириш, қандай тушлигини ташкил этиш ҳақида бошлари қотмайди. Уч маҳал овқатланиш муаммосини яна уй бекалари ҳал этишларига тўғри келади. Бу оилавий муаммоларни кўпайтиради, ҳатто қўйди –чиқдилар бўлиши мумкин.

Шарқий Европада олисдан туриб ишлаш режими ҳам таракқий этаяпти. Яна бу янгилик бир қатор сиёсий ва ижтимоий омиллар билан рағбатлантирилаяпти.

Телеворкинг ўсишига имкон бераётган сабабларга қуйидагилар киради:

- телеворкингнинг давлат томонидан қувватланиши;
- касаба уюшмалари томонидан тан олинishi ва қувватланиши;
- телекоммуникацион секторнинг барқарор сармояланиши;
- алоқа линияси ўтказиш қобилиятининг ўсиши;
- интернетга кириш арзонлашуви.

Телеворкингни ушлаб турувчи сабаблар қуйидагилардан иборат:

- маданий анъаналарнинг оммавийлиги чекланганлиги ва телеворкинг машхурлиги етарли эмаслиги;
- меҳнат қонунчилигида етишмовчилик;
- саводли фойдаланувчиларнинг етишмаслиги;
- телеворкинг тизимини қувватлаш учун персоналлар етишмаслиги ва ҳ.к.

Жуда кўп майда лойиҳалар амалга оширилади. Улар идорага эга эмас. Аниқ дастур билан таъминлашнинг каттагина қисми оффшор дастурлаштириш доирасида амалга оширилади. Бу телеворкингнинг турли кўринишлари ҳисобланади. Қайсиким, унинг марказий идораси – офиси умуман чет элда жойлашган бўлади.

Назорат саволлари

1. Хизмат кўрсатиш ва сервис тушунчасини ифодаланг.
2. Жаҳон ҳўжалигида хизмат кўрсатиш соҳаси ўрнини аниқланг.
3. Халқаро стандартлаштиришга мувофиқ хизмат кўрсатиш ва сервис турларини ажратинг.
4. Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг қайси бир турларини «кўринмас» савдо деб аташади?
5. Қайси мамлакат жаҳон хизмат кўрсатиш ва сервис бозорида етакчилик қилади?
6. Халқаро хизмат кўрсатиш ва сервис бозорини тартибга солувчи ташкилотларни айтинг ва уларни тарифланг.
7. Халқаро туризмнинг жаҳон иқтисодиётида тутган ўрнини ифодаланг.
8. Нима учун ҳозирги замон туризмига ҳудудий нотекислик характерлидир?
9. Халқаро хизмат кўрсатиш ва сервис бозорида транспорт тармоқлари ва коммуникацияларнинг тутган ўрнини аниқланг.
10. Халқаро хизмат кўрсатиш ва сервис бозорида янги технологиялар савдосини таърифланг.
11. Жаҳон консалтинг хизматлари бозори нима? Унинг турлари бўйича таъриф беринг.
12. Жаҳон ахборот хизматлари бозорини аниқланг.

VIII Боб. САНОАТИ РИВОЖЛАНГАН МАМЛАКАТЛАР ИҚТИСОДИЁТИ

1.§ Ривожланган мамлакатларда такрор ишлаб чиқариш хусусиятилари ва иқтисодиётнинг давлат томонидан бошқарилиши

Жаҳон иқтисодиёти ўзининг ўтмиш тарихида тараққиётнинг уч босқичини босиб ўтди.

Биринчи босқич - либерализм ва эркин савдо (XIX аср охири-XX асрнинг 20-йиллари) даври.

Иккинчи босқич-хўжалик фаолиятининг давлат томонидан тартибга солиниши (XX асрнинг 30-70 йиллари) даври.

Учинчи босқич—иқтисодий ислохатлар қилиш, либерализм, ишлаб чиқаришни давлат тасаруфидан чиқариш, хусусийлаштириш, хизмат соҳаларини ривожлантириш (XX асрнинг 80-йилларидан то ҳозиргача) даври.

Жаҳон иқтисодиёти тараққиёти ҳамма босқичларда такрор ишлаб чиқариш жараёнларида саноати ривожланган мамлакатлар муҳим роль ўйнайди. Бутунжаҳон банки (1991 йилда) «Жаҳон тараққиёти тўғрисида доклади»да тараққиёт мақсади инсон турмуш сифатини яхшилаш деб ҳисоблади. Бу мақсад ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади:

- яхши таълим;
- соғлиқни сақлаш ва овқатланиш;
- қашшоқлик кўламини қисқартириш;
- атроф-муҳитни соғломлаштириш;
- имкониятларнинг тенглиги;
- шахс эркинлиги;
- маданий ҳаёт даражасини ошириш кабилар.

Тараққиёт мақсади ўз ўрнида уч компонентни ўзида мужассамлаштиради:

- хавфсизлик ва соғлиқни сақлаш, уй-жой, озиқ-овқат, ҳаёт учун зарур бўлган товарлар ва хизматларга эҳтиёжни тўлароқ қондириш;
- турмуш даражасини ошириш, даромадлар ўсишини таъминлаш, ишчи ўринларини кўпайтириш, таълим сифатини яхшилаш, инсонпарварлик ва маданий қадриятларга эътиборни кучайтириш;

- жамият ва шахсга ижтимоий –иқтисодий фаолиятни танлашда катта имкониятлар яратиш ва уни бошқа давлатларга қарамликдан холи бўлишини таъминлаш.

Тараққиётнинг бу мақсадларига жаҳон иқтисодиётини бир текисда турғун ривожлантириш шароитидагина эришиш мумкин. Жамиятни иқтисодий ривожлантириш-бу кўп омилли ва зиддиятли жараёндир. У ишлаб чиқариш муносабатлари ва ишлаб чиқариш кучлари эволюциясини талаб қилади.

Иқтисодий тараққиётнинг асосий динамик кўрсаткичлари қўйидагича фарқланади:

- ички ялпи маҳсулот (ИЯМ);
- ички миллий маҳсулот (ИММ);
- аҳоли жон бошига ички ялпи маҳсулот;
- саноат ишлаб чиқариш ҳажми, меҳнат унумдорлиги ва ҳ.к. ҳисобланади.

Жаҳон ҳўжалигида асосий кўрсаткичлар (иҷобий ўсиш суръатлари, уларнинг пасайиши) кузатилади. Иқтисодий ўсиш, пасайиш сураътлари ўзгариши бир қатор сабаблар билан боғлиқ бўлиб, тараққиётнинг циклигини ташкил қилади.

XX асрнинг ярмида жаҳон иқтисодиётида тараққиёт циклининг классик схемаси **«кризис-депрессия-жонланиш-кўтарилиш-кризис»** сезиларли ўзгаришга учрайди.

1970-йилларда ички ялпи маҳсулот ўсиши секинлашганда индустриал мамлакатларда саноат ишлаб чиқариш физик ҳажми 5 % камайди. Инфляцион жараёнлар тезлашди ва номинал даромад ўсиши секинлашди. Бу борада саноати тараққий этган мамлакатларда кўпгина анъанавий соҳалар (қора металлургия, кемасозлик, тўқимачилик саноати) кабилар узок турғун ва пасайиш ҳолатида бўлди. Саноати ривожланган мамлакатларда бирламчи энергияга бўлган барча талабнинг яримини таъминлаб тўрган нефт баҳосининг кескин ошиб кетиши жаҳон энергетика кризисига олиб келди. Ривожланаётган мамлакатларнинг молиявий қарздорлиги ошиб кетди. Айни пайтда хом ашё ва энергетика кризиси фанталаб (электрон, компьютер, ахборот) ва материаллар, ресурслар тежамкорлигининг тез ривожланишига сабаб бўлди. Бу даврда нефт экспорт қилувчи мамлакатлар даромадлари ошди. Фанталаб технологияларга таянган мамлакатлар (Япония, Жанубий Корея, Гонконг, Сингапур ва бошқалар) тез ривожлана бошладилар.

1980–йиллар бошларига келиб жаҳоннинг етакчи мамлакатлари - АҚШ, Буюк Британия, Германия кабилар тараққиётнинг янги макроиктисодий моделига ўта бошлади. Жаҳон иктисодиётида Америка Қўшма Штатлари долларига асосланган валюта қурилиши ўзгараёпти. Валютанинг белгиланган курси гоҳ ошиб, гоҳ тушиб кетиши кузатилди. Халқаро валюта фонди (ХВФ) иштирокчи мамлакатларнинг Ямайка конференциясида (1976 йил) жаҳондаги ўзгараётган геосиёсатига мувофиқ янги жаҳон валюта тизими яратилди. Энди валютага бўлган талаб ва таклифдан келиб чиқилиб, белгиланган курс бўйича иш юритила бошланди. Бу шароитда юзага келган 1980 – йиллар ўрталаридаги молиявий кризис, 1970 – йилларнинг бошларидаги каби вайрон қилувчи кучга эга бўлмади.

1990 йилларга келиб жаҳон иктисодиётида молиявий барақарорлик кучайди. 1998 йил мобайнида нефт ва нефт маҳсулотларининг жаҳон баҳоси кескин тушиб кетди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва металллар баҳоси пасайди. Жаҳонда қазиб олинаётган нефтнинг 55 % ни назорат қилувчи ОПЕК давлатлари 1998 йилда 50 млрд. доллардан ортиқ даромаддан маҳрум бўлдилар. Нефтни импорт қилувчилар эса 100 млрд. доллар, шу жумладан, Европа мамлакатлари 33 млрд. доллар зарар кўрдилар. Бир вақтнинг ўзида Осиё-Тинч океани минтақасида жаҳон етакчи компаниялари фонд биржаларида акциялар курслари кескин тушиб кетди. Жуда кўпгина мамлакатлар (Тайланд, Сингапур, Хитой) миллий валюта курслари долларга нисбатан ғоят қадрсиз даражада пасайиб кетди. Жаҳон етакчи валютасига нисбатан доллар 10 % га тушди.

1990-йиллардаги молиявий инқироз жаҳон хўжалигида янги валюта-Евронинг пайдо бўлишига (2000 й.) олиб келди. Иктисодиётни бошқаришда давлатнинг роли кучайди. Бир қатор мамлакатлар иктисодиётида таркибий ўзгаришлар рўй берди. Иктисодиётда ишлаб чиқариш қувватларини янгилаш (модернизация)га эътибор қаратилади. Шундай қилиб, XX асрнинг кейинги уч ўн йиллигидаги кризислар таркибий характерга эга бўлди. Жаҳон хўжалигида етакчи мамлакатларда ўсиш суръатлари пасайиши (4-5% дан 1,5 -2% гача) кузатилган бўлсада, амалда салбий кўрсаткичлар қайд этилмади. Глобал иктисодий кризисга таҳдид жаҳон иктисодиётида муаммолар ечимининг турли йўллари топишни тақозо этди. Ривожланган мамлакатлар энди ривожланаётган қашшоқ давлатларнинг 70 млрд. долларга яқин қарзидан кечиш масаласини кун тартибига киритишга розилик

бердилар. ХВФ ва Жаҳон банки Жануби Шарқий Осиё мамлакатларида кризис оқибатларини тугатиш ва ислохатлар ўтказиш учун молиявий ёрдам кўрсатиш дастурини ишлаб чиқишга киришдилар. 1999 йил феврал ойи «еттилик» мамлакатлари «молиявий барқарорлик форуми» ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилдилар. Бу маслаҳат тузилмаси инқироз пайдо бўлишининг олдини олиш учун халқаро ва минтақавий ташкилотлар фаолиятини мунтазам мувофиқлаштириб боришга қаратилган. Бунга 2008-2009 йиллардаги ва 2012 кризисларни мисол келтириш мумкин.

Илмий-техник прогресслар жаҳон иқтисодиёти тузилиши ва ҳўжалик ўсишига сезиларли таъсир кўрсатади.

Илмий-техник прогресслар (ИТП) – жамият ишлаб чиқаришида янги билимларнинг тўхтовсиз ўсиб бориш жараёни ва уларни ҳаётга татбиқ этилишидир. Бу кам меҳнат сарфлаб, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш, мавжуд ресурсларни янги манфаатларга сафарбар этишга ёрдам беради.

Илмий техник прогресслар –том маънода янги техникаларни, технология ва материалларни, шунингдек прогрессив усулларни бошқарувга ва ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш имконини беради. У эса икки асосий шаклда намоён бўлади:

- эволюцион техника ва технологияларни босқичма-босқич такомиллаштириб бориш. Иқтисодий ўсиш сон кўрсаткичлари ҳисобига ошиб боради;
- Инкилобий (революцион), техникани сифат жиҳатдан янгиланиши ва ишлаб чиқаришда меҳнат унумдорлигининг кескин сакрашида намоён бўлади.

Илмий-техник прогресслар иқтисодиётни ривожлантиришда ресурсларни тежайди, табиий материаллар ролини камайтиради ва уларни синтетик хом ашё билан алмаштиради. Мажмуада замонавий техника ва технологиялардан фойдаланиш, эгилувчан ишлаб чиқариш тизимини яратишга, ундан ишлаб чиқаришда кенг фойдаланишга олиб келди.

Мамлакат ишлаб чиқаришнинг илмий-техник ва технологик даражаси илмий-тадқиқотлар ва тажриба конструкторлик ишларга ажратилаётган маблағга боғлиқ. Жаҳон ялпи ички маҳсулотида илмий тадқиқотларга харажатлар улуши 3 % гача кўтарилди. Жаҳон иқтисодиётида бу харажатларнинг асосий қисми саноати ривожланган мамлакатлар ҳиссасига тўғри келади.

Саноати ривожланган мамлакатларда битта тадқиқотчига ривожланаётган мамлакатларга нисбатан 4 марта кўп маблағ ажратилди. Бу жаҳон хўжалиги периферик маркази тузилишини сақлашда бош сабаб бўлиб ҳисобланади. Саноати ривожланган мамлакатларда илмий тадқиқотлар ва тажриба-конструкторлик ишлари (НИОКР)га ажратилаётган маблағлар ҳажми кўпайиши меҳнат унумдорлигини 0,23 % га кўпайтираяпти, ривожланаётган мамлакатларда эса – 0,08 % га. НИОКР нинг «еттилик»даги умумий натижаларининг тахминан 25 % бошқа мамлакатларда фойдаланаяпти.

Илмий техника прогресслари жамиятнинг такрор ишлаб чиқариш, ижтимоий ва соҳавий тузилишига катта таъсир кўрсатади. Бозорни кенгайтиришга ёрдам берадиган, узоқ фойдаланишга мўлжалланган маҳсулотлар (автомобиллар, телевизорлар, электр товарлари) ишлаб чиқарилишини рағбатлантиради ва бошқа соҳалар ривожига ҳам кўмаклашади.

Масалан, кўплаб автомобиллар ишлаб чиқариш 70 йўналишдаги соҳалар ишлаб чиқаришини кўпайишига рағбатлантиради. Илмий техник прогресслар оммавий равишда товарлар яратмасдан туриб, анъанавий меҳнат қуроллари ва истеъмол буюмлари техник даражасини ошириш имконини беради. Бунда ишлаб чиқаришда тўпланиб қолган ортиқча товарлар бозорларни кенгайтиришга шароит тўғдиради.

Илмий техник прогресслар транспорт, телекоммуникация, ахборот технологияси соҳаларида халқаро сафарбарликни ихчамлаштирди ва **капитал оқими** ва **ноу-хауни** фаоллаштирди. Ахборот ва йўлдош алоқалар, овоз, текст, тасвир узатиш харажатлари ва халқаро тўловларни кескин камайтирдилар. Маълумотларни тезкор узатиш (масалан электрон почта, Интернет орқали) ва телеконференция трасмиллий компания (ТМК)лар бошқарувчиларини алоқа билан таъминлайди ва бутун жаҳон бўйлаб иш юритиш имконини яратади. Янги технологиялар молия бозори иқтисодиётни либераллаштириш жараёнлари билан давлатларaro рақобатни вужудга келтиради ва миллий бозорларни янги талабларга реакцияси тезлигини оширади. Ахборот технологиялари ахборот ва билимлар алмашишини кўпайтириш имконини беради. Бу глобал йиғув ишлаб чиқариш ва савдо алоқларини яратишга кенг уфқлар очади.

Замонавий технология (мисол учун, микроэлектроника, янги материаллар, биотехнология, коммуникация)лар биргаликда ҳаракат қилади ва бир-бирини ривожлантиради. Микроэлектроника ва ишлаб чиқариш технологияси ўсишда микросхемалар бутунлай фундаменталь тадқиқотлар (кимё, физика) га боғлиқ ва махсус металллар, пластмассалар, керамик эритмаларнинг янги турларини ишлаб чиқаришга татбиқ қилади.

Кўпчилик Ғарбий Европа мамлакатларида капитални марказлаштириш ва бир жойга тўплаш жараёнлари давом этаяпти. Маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми кам сонли йирик хўжаликлар кўлида, биринчи навбатда трансмиллий корпорацияларда тўпланапти. Жаҳон хўжалигида трансмиллий корпорацияларнинг ўрни кучайиши билан бирга, фақат йирик ишлаб чиқарувчиларгина маҳсулот бирлигида ишлаб чиқаришда ортиқча маҳсулотларни камайитиришга эриша оладилар. Ҳозирги вақтда монополия белгиси бўлиб на фақат компаниянинг йирик ҳажми ва уни бозорни назорат қилиш катталиги, балки унинг монополистик мўлжаллари ва уларни амалга оширишда ҳукмронлик мавқеи мавжудлиги ҳам ҳисобланади. Монополистик мўлжаллар у ёки бу компаниянинг бозорда нарх-навои назорат қилиши ва рақобатга ўрин қолдирмаслигидир.

Ривожланган мамлакатлар учун монополия муносабатлари икки тенденция характерида намоён бўлади: бир томондан, монополиyani давлат томонидан қўллаб-қувватланиши, бошқа томондан илм-фан ва тажриба-конструкторлик (НИОКР)ни кенгайтиришга ёрдамлашиш.

ТМКлар инновацион даврда қисқартириш мақсадида технологик ҳамкорлик бўйича стратегик иттифок тузади. Экспертларнинг тахминларига кўра, яқин келажакда автомобил компаниялари жаҳонда автомобил ишлаб чиқаришнинг 80 % дан кўпроғини назорат қилади. Трансмиллий корпорацияларнинг самарадорлиги ҳам мамлакат ичкарисида, ҳам жаҳон аренасида келишилган ҳаракатини белгилайди.

Жаҳон хўжалигининг ҳозирги замон босқичидаги хусусиятлари – **ўрта ва кичик бизнесни рағбатлантириш**. Барча мамлакатларда кичик бизнес халқаро меҳнат тақсимотида кенг иштирок этмоқда. Турли минтақаларда эса ўз технологияларини олға сураяпти. Масалан, Японияда ишловчилар сони 30 кишигача бўлган корхоналар 10 млн.га яқин. Италия саноатида эса корхоналарда банд ишчи кучларининг салкам ярими одам сони 15 кишигача бўлган корхоналарда меҳнат қилади. Германияда ўрта ва кичик бизнес

соҳасида фаол аҳолининг 2/3 қисми банд, майда фирмалар ялпи миллий маҳсулотнинг 50 % ни берапти.

АҚШда ҳар йили 600 мингта ўрта ва кичик фирмалар ташкил қилинмоқда. Жаҳоннинг кўпчилиқ мамлакатларида кичик бизнес 80 % гача янги иш ўринларини таъминлайди ва иқтисодиётнинг тармоқ тузилишига таъсир ўтказади. Кичик ва ўрта бизнес «йирик-майда» боғламда салмоқли шерик (партнер) бўлиб қолади. Кичик, ўрта тадбиркорликнинг салмоғи иқтисодиётда иқтисодий ўсиш ва барқарорликда сезиларли аҳамият касб этади. Шундай қилиб, илмий техник прогресслар ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг турли шакллари вужудга келтирдик, бу мамлакатлар иқтисодий ўсишни мўътадиллаштиради ва давлатни тартибга солишнинг изчил дастакларидан оқилона фойдаланиш имконини беради.

Иқтисодиётнинг давлат томонидан тартибга солиниши. Кейинги йилларда жаҳон хўжалиғи тараққиёти шуни кўрсатдики, иқтисодиётнинг очиклиғи ва хўжалиқ алоқаларининг турли хиллиғи давлат ролининг заифлашуви синоними ҳисобланади. Иқтисодиётга давлат аралашуви даражаси миллий тадбиркорлик, иқтисодий тараққиёт даражаси, қонунчилик муҳитининг мавжудлиғи билан белгиланади. Маълумки, одамлар (инсон) ресурси қанчалик рақобатбардош бўлса, мамлакат шунчалик рақобатбардош бўлади. Шунинг учун давлатни тартибга солишнинг асосий вазифаларидан бири бу ўқитиш, ишчи кучлари малакасини ошириш, қулай инвестицион муҳит яратиш ва бошқалар ҳисобланади.

Бу вазифаларни амалга ошириш йўллари иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг асосий моделларида акс этган: **кейнсиан ва монстарибли.**

Кейнсиан модели тарафдорлари эркин бозор тизими туғма иллатлардан зарар кўради деган фикрдалар. Шунинг учун давлат уларнинг фикрича ишлаб чиқариш даражасига ва бандликка иқтисодиётни барқарорлаштириш орқали фаол роль ўйнаши керак. Давлат дискрет фискал ва пул-кредит сиёсати кескин иқтисодий ўсиш ва пасайишни юмшатиш учун зарур.

Кейнсиан модели «**катта иқтисодий талваса**» (1920-1933 йиллардаги кризис) даврида 1930 –йилларда ишлаб чиқилган эди. Давлат инвестицион талаб ва бандликка пул кредит ва иқтисодиётнинг истиқболли соҳаларни танлаш йўли билан таъсир ўтказганди. Модель кризис шароитида ва ундан чиқишнинг биринчи босқичларидагина самарали.

Иқтисодиётнинг гуллаб-яшнаш даври (1980-йиллар)да кўпчилик тараққий этган мамлакатлар иқтисодий сиёсати асосига иқтисодий тараққиётнинг монстарибли моделини қўйдилар.

Монстариб ёндошув шундан иборатки, бозор етарли даражада рақобатли ва бозор рақобати тизими макро-иқтисодий барқарорликни юқори даражада таъминлайди. Бозор рақобати таъминлаган эгилувчан нарх-наво ва иш ҳақи шунга олиб келадики, харажатларнинг тебраниши маҳсулотлар нархи ва ресурсларга эмас, балки ишлаб чиқариш даражасига ва бандликка таъсир қилади.

Иқтисодий жараёнларни бошқаришда давлат ролининг нисбатан камайишига қарамай, у хўжалик тизимида таъсир этишнинг қудратли дастакларига эга. Шундан ривожланган мамлакатлар иқтисодиётига аралаш ҳолда қаралади. Ривожланган мамлакатларда давлатга асосий фондларнинг 30-40 % тегишли. Бу унга такрор ишлаб чиқариш жараёнларида фаол қатнашишга имкон беради.

АҚШда давлат томонидан тартибга солиш қуйидаги воситалардан фойдаланиб мўътадил иқтисодий тизим яратиш мақсадини қўяди:

- ишлаб чиқаришни бевосита давлат буюртмаси орқали тартибга солиш. Бу конкурс асосида берилади ва тараққиётдан давлат манфаатдор иқтисодий соҳалар маҳсулотларига тегишлидир.
- монополиянинг қонуний чекланиши. АҚШ антitrust қонунчилиги асосини Шерман (1890 йил), Клейтон (1914 й) қонунлари ва бошқалар ташкил этади.

Биринчиси компаниялар ўртасида бозорни монополиялаштириш ёки монополияга айлантиришга қаратилган махфий фитнани тақиқлайди.

Иккинчиси корпорацияларни ҳамма турдаги «чеклашлар» пратикаси (нархда дискриминация ва бошқаларни) ман этади. Қонун билан (1914) антitrust қонунчилиги бузилиши ва «рақобатнинг ноҳалол усуллари» қўллаганликнинг олдини олиши учун федерал савдо комиссияси тузилди. Спеллер-Кефвер қонуни (1950 й) компаниялар қўшилишига қарши йўналтирилган. Агар бир фирмани бошқаси активларини сотиб олиш оқибатида рақобатбардошлиги заифлашган бўлса уни тақиқлайди.

Европа Итифоқи мамлакатларида монополия ва рақобатни тартибга солиш меъёрлари аниқ ва қатъий шаклантирилган. Бу меъёрлар 1967 йилги Рим шартномасининг 85-89 моддаларида мустаҳкамлаб қўйилган. Корхоналар ўртасида умумий бозор

принциплари билан чиқиша олмайдиган ҳар қандай битим, рақобат эркинлигини тузиш, тўсқинлик қилиш, чеклаш мақсади кўзланган ҳар қандай бирлашиш, координацион фаолияти тақиқланади.

Европаликлар америкаликлар қўлламайдиган **«соғлом фикр қондаси»**ни қўлланишга мойилроқ. Масалан, Европада маълум шароитда компаниялар ўртасида махфий келишувга мамлакатларининг саноат сиёсати институтлари АҚШда ўз аналогига эга эмас. Европа Иттифоқи мамлакатлари саноат сиёсати қўйидаги хусусиятларга эга:

- у ҳукуматнинг координацияланган режалаштириши натижаси;
- ишлаб чиқариш ресурсларини танланган соҳаларга йўналтирилади;
- сиёсатнинг бош мақсади — мамлакат фирмалари рақобтабардошлигини таъминлашдир.

Ғарбий Европа мамлакатлари саноат сиёсати маълум даражада давлат иқтисодий жараёнларга таъсир ўтказиш дастакларини сақлаб қолади. Бу билан иқтисодиётга аралашиш самарали эканлигини кўрсатди.

2.§. АҚШ иқтисодиёти

АҚШнинг ишлаб чиқариш потенциали ва табиий ресурслари. Америка Қўшма Штатлари территориясининг катталиги жиҳатидан (9,3 млн. км²) РФ, Бразилия ва Канададан кейин жаҳонда тўртинчи ўринда туради. АҚШ таркибига уч қисм киради. *Биринчиси* – асосий территория, унда 48 та штатлар жойлашган, бутун мамлакатнинг 4/5 қисм майдонини эгаллайди. У тўртбурчак массив шаклига эга бўлиб, шарқдан ғарбга қараб салкам 4,7 ва шимолдан жанубга қараб 3 минг километрга чўзилиб кетган. Қолганлари ундан узокда жойлашган Аляска ярим ороли, ва Тинч океанидаги Гавай ороллари штатларидир. Мамлакатнинг иқтисодий-географик жойлашиши жуда қулай. Бу кўп жиҳатдан шарққа Атлантика океани, ғарбда Тинч океани билан туташлигига боғлиқ. Денгиз чегаралари 12 минг километрга чўзилган. Бу азалдан океан орти мамлакатлари билан савдо алоқаларида қулайлик туғдириб келади ва айни пайтда мамлакат хавфсизлигини кафолатлайди.

Иқтисодиёти камроқ ривожланган мамлакатлар Канада ва Мексика билан қўшнилиги ҳам АҚШ иқтисодий географик

жойлашишида кўлай имконият яратади. Бунинг эвазига АҚШ уларнинг табиий ресурслари ва ишчи кучларидан фойдаланиб катта даромад олади. Лотин Америкаси бошқа мамлакатларининг ҳам АҚШга якин жойлашгани мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришга имкон беради.

АҚШ давлат тузумига кўра-Федератив республика бўлиб, 50 штатлардан иборат. Давлат бошлиғи президент, тўрт йилга сайланади. Олий қонунчилик органи-**конгресс**. Мамлакатда ҳар бир штат ўз конституцияси ва рамзига эга. Бундан ташқари АҚШда Колумбия Федератив округи алоҳида ажралиб туради. Унинг территориясида мамлакат пойтахти **Вашингтон** шаҳри жойлашган.

АҚШ президенти мамлакатнинг юқори мансабдор шахси, давлат раҳбари ва ҳукумат бошлиғи ўрнида ишлаб туриш ваколатига ҳам эга. Президент Конгресс қонун лойиҳаларини бекор қилиш ҳуқуқига эга. У қонунчилик дастурларини таклиф қилади, бюджет лойиҳасини ишлаб чиқади, олий бош қўмондан ҳисобланади, халқаро шартномалар тузади ва ҳ.к. Суд ҳокимияти мамлакатда Конгресс томонидапн таъсис этилган АҚШ Олий суди ва қуйидаги федерал судлар орқали амалга оширилади. Олий суд конституцион назорат билан шуғулланади.

АҚШ аҳолиси 310 млн. кишидан зиёд бўлиб, ер юзи аҳолисининг 1,7 % ни ташкил этади. Аҳолининг 86 % ни оклар, 11 % - қора танлилар, 0,6 % ҳиндилар, эскимослар ва алеутлар, 2,4 % ни бошқа этник гуруҳлар ташкил қилади. Расмий тил-инглиз тили, уни 80 % дан зиёд америкаликлар она тили деб билишади. Диний эътиқоди бўйича кўпчилик АҚШ аҳолисини протестантлар (57 % га якин) ва католиклар (28 % га якин) ташкил этади. АҚШ да хотин-қизлар 51,4 %ни, эркеклар эса 48,6%ни ташкил қилади.

Аҳолининг синфий таркиби тараққий этган мамлакатлар учун хос. Унча катта бўлмаган буржуазия (тахминан 250 миллиардерлар ва миллионерлар оиласи, бир қанча йирик ва ўрта буржуазия қатламлари) миллионлаб ишчилар, хизматчилар ва майда фермерлар меҳнатидан фойдаланадилар. Америкаликларнинг ўндан тўққиз (9/10) қисми ёлланиб ишлайди, уларнинг 1/3 қисми ишчилар, қишлоқ хўжалигида банд кишилар сони саноатдагиларга қараганда 7 марта кам.

Америкаликлар ўз давлати тарихини **1776 йил 4 июл** – шимолий Американинг 13 штати Буюк Британиядан мустақиллик Декларацияси қабул қилган кундан бошлаб ҳисоблашади, 1787 йилда

Филадельфияда чақирилган Конвент томонидан қабул қилинган. Конституцияда АҚШ федератив давлат сифатида қонуний мустақамлаб қўйилган. АҚШнинг биринчи президенти Жорж Вашингтон бўлган. 1803 йилда АҚШ Франциядан Луизианани сотиб олди, 1819 йилда Испанияни Флоридадан воз кечишга мажбур қилди. 1840-1850 йилларда Мексикадан бир қисм территорияни ажратиб олди.

1941 йилда 7 декабрда Япония Тинч океанидаги Американинг Перл-Харбор ҳарбий-денгиз базасига ҳужум қилиши АҚШни Гитлерга қарши коалиция таркибида иккинчи жаҳон урушига қўшилишига баҳона бўлди.

АҚШ 1945 йил БМТ устави тасдиқланган Сан-Франциско конференциясида иштирок этди. АҚШнинг фаол иштирокида 1949 йилда НАТО блоки тузилди: 1950-1953 йилларда Корея билан уруш олиб борди; 60-йиллар охири ва 70 йиллар бошида Ҳиндихитойда уруш чиқарди. 1950 йилдан АҚШ таркибига 49-штат сифатида Аляска, 50-сифатида Гавай ороллари кирди.

Мамлакат бой табиий ресурслар ва қулай табиий шароитга эга. Аммо узоқ вақт нооқилона фойдаланиш оқибатида мамлакатда бир қатор энг яхши конлар қашшоқлашиб қолди. Бироқ илмий техника прогресси унча бой бўлмаган ва сифатли конларни очишга имкон яратди. Бу эса АҚШнинг хом ашё базасини сезиларли тўлдирди. Жумладан, кўмир захиралари, молибден, олтингугурт, фосфоритлар ва калий тузлари қазиб олиш кўпайди. Миллий ишлаб чиқариш талабни темир ва мис рудаси, бир неча кам даражада кўрғошин-рух, уран рудалари қондириши мумкин. Марганец рудаси, қалайи, никел, графит, хром, боксит, ноёб металллар кам. Нефт ва табиий газ потенциаллари анчагина катта, аммо ишлатилаётган конлар тез қашшоқланиб қолаяпти. Янги конларни қидириб топиш ва фойдаланишга топшириш жуда суст бораяпти. Бунга сабаб шуки, монополияга АҚШдагига нисбатан қазиб олиш қиймати анча арзон бўлган ривожланаётган мамлакатлар, шунингдек Канада ва Австралия бойликлари маъқул келаяпти. Оқибатда импортда ёқилғи ва минерал хом ашё улуши ортаяпти, миллий минерал база роли пасаяпти. Аляскада нефт конлари иккинчи жаҳон урушидан кейинроқ очилганди, аммо кон захираси нисбатан кам экан. 60-йилларда Аляскада қидирув ишлари қайта бошланди ва натижада Прадхо-Бейда захираси 2 млрд. тонадан зиёд ноёб кони топилди. У Бофорта

денгизи қирғоқларида, Барроу бурунидан 300 км. жануби-шарқда, абадий музликлар бағрида жойлашган.

Турли кўринишдаги ресурслар ва табиий шароит хўжалик ривожланиши учун яхши табиий база бўлиб қолмоқда. Шу билан бирга улардан фойдаланишни аёвсизларча олиб борилиши атроф муҳитнинг ҳолатини ёмонлаштирмоқда, ҳаво ва сувни ифлослантиришга олиб келаяпти.

Табиатга айниқса кўп сонли урбанизациялашган (шаҳарлашган) территориялар-саноат корхоналарининг катта қисми жойлашган, кўп миқдордаги автомобиллар мавжуд жойларга катта зарар етказмоқда.

АҚШ иқтисодиётнинг тузилиш хусусиятлари. XIX асрнинг охирларидаёқ АҚШ саноат ишлаб чиқариш ҳажми бўйича Буюк Британияни қувиб ўтиб, жаҳонда биринчи ўринга чиққан эди. Ҳозир ҳам меҳнат унумдорлиги ва кўпчилик фанталаб ишлаб чиқаришда биринчилиқни эгаллаб келмоқда. У шунингдек айрим анъанавий саноат ва қишлоқ хўжалиги, ноишлаб чиқариш соҳаларида ўз устунлигини сақлаб турибди. Жами ишлаб чиқарилаётган авиаракета-космик аппаратларнинг 3/4 қисмидан кўпроғи, электрон-ҳисоблаш (айниқса саноат ва ҳарбий) техникаларининг 2/3, кўмир казиб олиш ва АЭС қувватининг 1/3, ғарб дунёсида йиғиштириб олинаётган ғалланинг 1/3 қисмига яқини АҚШ га тўғри келади.

Давлат хўжаликнинг барча соҳаларига аралашади, ишлаб чиқариш тузилиши ва жойлаштирилишига сезиларли таъсир кўрсатади. Солиқ имтиёзлари ва кредит ёрдамида саноатнинг янги соҳаларини ўсишини ривожлантиради ҳамда янги саноат районлари барпо этишга кўмаклашади. Шунингдек давлат илмий тадқиқотларни, айниқса қурол-яроқ ишлаб чиқаришни молиялаштиришга катта эътибор қаратади.

Миллий даражада саноат маҳсулотлари қиймати қишлоқ хўжалиги маҳсулотлариникидан 10 марта кўп. АҚШ саноати катта, техник жиҳатдан яхши таъминланган материал базасига эга.

Ёнилғи-энергетика мажмуаси. Энергия хўжалигида етакчи рол нефт ва табиий газга тегишли. Мамлакатда казиб олинаётган нефт ва табиий газнинг яримидан кўпини Техас штати ва унга туташ жанубий ҳудудлар бермоқда. Ғарбда Калифорния ва Аляскада нефт ишлаб чиқаришга катта аҳамият берилаяпти. Нефт ва табиий газ казиб олинаётган районлардан қайта ишлаш марказига келтирилади, унинг бир қисми Шимолда жойлашган. Илмий-техник прогресс натижасида коммунал хўжалиги, темир йўлларда ва флотда кўмир истеъмоли

барҳам топди. Эндиликда ундан асосан электростанцияларда фойдаланаяпти. Кўмир 15 дан зиёд штаталарда казиб олинмокда. Мамлакатнинг катта кўмир конлари Кентукки, Ғарбий Виржиния, Пенсильвания каби ҳудудларида мамлакатда энг йирик Аппалачи кўмир ҳавзаси жойлашган конлардир. Кейинги пайтларда ғарбдаги Вайоминг штати очик ҳолда кўмир казиб олиш ва таркибида олтингугурт камлиги билан катта аҳамият касб этаяпти.

Электр энергияси ишлаб чиқариш тез суръатлар билан ўсаяпти. Ҳозирги вақтда АҚШ бу соҳада етакчи ҳисобланади. Асосий электро энергия улушини ёқилғи энергетика станция (ТЭС)лар беради. Аммо ғарбда қуввати 1-2 млн. квт.га эга бўлган ГЭСлар истеъмол қилинаётган энергиянинг яримидан кўпини етказиб беради. Электр энергияси ишлаб чиқаришда атом электр станция (АЭС)ларнинг аҳамияти ошиб бораёпти.

Қора ва рангли металлургия. Қора металлургия аввалгидек мамлакат шимолида Иллинойс, Индиана, Огайо, Пенсильвания, Мериленд штатларида тўпланган. Юқори кўл яқинида жойлашган кон АҚШда казиб олинаётган темир рудасининг салкам 4/5 қисмини бераёпти. Яқин-яқингача қора металлнинг 2/3 қисмини Питессбург, Кливленд, Чикаго ва бошқа кўл бўйи районлари берарди.

Рангли металлургия заводлари хом ашё қазиб олинadиган районлар ёки хом ашё ташиб келтириладиган портларга яқин жойлашган. Шунинг учун ҳам уларнинг кўпчилиги Ғарб ва Жанубда жойлашган.

Машинасозлик мажуаси юқори фанталаблиги билан қайта ишлаш саноатидан 2,5 марта зиёд туради. Мажмуанинг яна бир муҳим хусусияти ишлаб чиқариш капитал ҳажмининг пастлигидир: у 40 % саноат маҳсулоти ишлаб чиқара туриб, асосий ишлаб чиқариш капиталининг 20 % га яқинлигини жамлайди холос. Ниҳоят бу мажмуада саноатда банд ишчи кучининг 40 % дан ортиғи фойдаланилади. Бу ерда юксак техника даражасидаги ишчи ўринлари тўпланган. Соҳалар орасида машинасозликнинг электроника, самолёт-ракетасозлик ҳарбий буюртмалар асосини ташкил қиладиган соҳалари бошқаларга қараганда тез ўсаяпти.

Станоксозлик эса Кўлбўйи ва Шимоли-Шаркий мегаполислар атрофида тўпланган. Жануб ва Ғарб заводларида станок ва ускуналар Шимолда эса самолётлар ишлаб чиқариш ривожланган. Автомобилсозлик- АҚШ саноатида миллий соҳа ҳисобланади. Бу ерда биринчи марта автомобил ишлаб чиқариш оммавий тарзда йўлга

кўйилган: ҳар бир ишловчи америкаликнинг еттидан биттаси автомобил ишлаб чиқарувчи ёки унга хизмат кўрсатади. Автомобил заводлари мамлакатнинг 26 штатида 125 та шаҳарда жойлашган. Аммо бироқ, энг кўп автомобиль Кўлбўйи мегополисида ишлаб чиқарилади. Бу ерда бош **«автомобил штати»** Мичиган ва АҚШнинг **«автомобил пойтахти»** Детройт жойлашган.

Химия саноати ўнлаб марказларда ишлаб турибди. Лекин уларнинг алоҳида узоқ районларда тўплангани ҳам характерли. АҚШнинг нефт ва газ-химия саноати бош районлари Мексика кўрфазидаги ҳавзаси ҳудудида жойлашган. Бу ерда 200 дан ортиқ корхона фаолият кўрсатаяпти ва АҚШнинг **«нефт химия пойтахти»** Хьюстонда жойлашган.

Енгил ва озиқ-овқат саноати. Енгил саноат корхоналари орасида тўқимачилик ва чарм кўн-пояфзал саноати кўпроқ ривожланган. Тўқимачилик саноати икки аср давомида шимолий Атлантика штатларида-Янги Англия деб аталадиган, Марказий Бостон бўлган жойда жамланган. Аммо кейинги йилларда бу соҳанинг жанубий Атлантика штатларига миграцияси рўй берди. Бу ерда арзон ишчи кучига эга районлар яъни, пахта етиштирувчи районлар ва синтетик тола ишлаб чиқарувчи корхоналар, маҳсулотларни реализация қилиш учун бозорлар мавжуд.

Озиқ-овқат саноати асосан қишлоқ хўжалиги районлари ва йирик шаҳарларда (айниқса Шимол ва Ғарбда) жойлашган бўлиб, қудратли комбинацияни ҳосил қилади.

Агросаноат комплекси. Мамлакат катта ер ресурслари ва ер, яйлов ва далалар АҚШ асосий территориясининг салкам 1/2 қисмини ташкил этади. Агросаноат комплекси АҚШ иқтисодиётида муҳим роль ўйнайди.

АҚШ да ўсимликчилик турларидан биринчи навбатда ғалла экинлари ҳисобланади, бу барча майдонларнинг 2/3 қисмини эгаллайди. Асосий озиқ-овқат экини-буғдой, озуқа экинлари (маккажўхори) кўпроқ етиштирилади. Мойли экинлар орасида соя муҳим ўрин эгаллайди. Кейинги йилларда бу экин ҳосилдорлиги кескин ошди. У овқатга (соя мойи сифатида) ишлатилади. Моллар учун тўйимли озуқа ҳисобланади. Толали экинлар орасида пахта етакчи ўринда туради, XXI асрда у бош экспорт маҳсулотига айланади. Шакарли экинлар орасида қанд лавлаги ва шакар қамиш деярли бирининг ўринини эгаллайди. Мева ва сабзаватнинг роли жуда улкан.

Чорвачилик. АҚШда чорвачилик ҳам сут, ҳам гўшт йўналишида ривожланмоқда. Шунингдек чўчкачилик ва паррандачилик саноат асосида тараққий этмоқда. Жўжа гўшти (бройлерлар) ишлаб чиқариш АҚШ қишлоқ хўжалигининг индустриалаштирилган соҳаларидан ҳисобланади ва қишлоқ жойларида жойлаштирилган. Ҳар йили 4 млрд. дона гача бройлер ишлаб чиқарилади. АҚШ агрсаноат комплекси аҳолини тўлиқ озиқ-овқат билан таъминлаш имконига эга. Бироқ монополия эгалик қиладиган фермерлик маҳсулотлари нархи баланадлиги учун америкаликларнинг кўпчилики қисмини харид қуввати ўтмайди.

АҚШ халқаро туризм тараққиёти бўйича Европадан анча орқада. Лекин шунга қарамай, мамлакатга ҳар йили 30-40 млн. сайёҳ келиб кетади. Ички туризм жуда яхши ривожланган, ўз ичига автосервисни қамраб олган «меҳмондорчилик индустрия»си кучли ривожланган. Флорида, Калифорния, Гавайи, Ғарб штатлари, айниқса қояли тоғлар атрофи қирғоқ бўйи туризмнинг бош районлари ҳисобланади.

Транспорт комплекси. АҚШ жаҳонда кенг ривожланган транспорт тармоқларига эга. Бу мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муҳим роль ўйнайди.

АҚШ транспорт мажмуасига умумий фойдаланиладиган транспорт-темирйўл, автомобил, денгиз, ички сув, ҳаво ва бошқа воситалар киради. Юк ва йўловчи ташиш ишларини шахсий, махсус умумий фойдаланиладиган саноат автомобиллар, персонал самолётлар ва бошқалар бажаради.

АҚШ ички юк ташиш 1/3 қисми темирйўллар улушига тўғри келади. Қисқа масофаларга қишлоқ хўжалиги, саноат юklarини шунингдек йўловчиларни ташишда автомобиллардан кўпроқ фойдаланилади. Енгил автомобилларнинг асосий қисми шахсий фойдаланиладиган автомобиллардир. Айрим автомобил йўллари хусусий мулк, унда юриш учун пул туланади.

Қувурлар транспорти яхши ривожланган. Нефть-газ маҳсулотлари ўтказиладиган қувурларнинг умумий узунлиги 600 минг километрни ташкил этади

Дарё транспорти асосан Миссисипи дарёсида сақланиб қолган. Дарё флотининг 1/3 қисмига яқинини танкерлар ва қуйиладиган биржалар ташкил этади. АҚШ транспорт океан савдоси кўпайиши билан эски денгиз транспорти аҳамияти ҳам ошиб борапти. Қўшма Штатлар хўжалигининг муҳим анъанавий бўғини – ички савдодир.

Унинг ички миллий маҳсулотдаги улуши катталиги мамлакат иқтисодиётида етакчи ўринга чиқаради.

Банк тизими ва молиявий капитал. Саноатда, пул-кредит соҳасида ва Америка иқтисодиётининг бошқа бош секторларида етакчи ўринни йирик хўжалик бирлашмалари эгаллайди. Уларнинг қўлида жамият капитали ишлаб чиқариш ва товарлар реализацияси, хизматларнинг сезиларли қисми тўпланган. Бизнеснинг барча соҳаларида етакчиларни мустаҳкамлаш ҳозирги замон Америка иқтисодиётига хос қирралардир.

Иқтисодиёт ўсиши шароитида компанияларни сотиб олиши ва қўшилиши сони рекорд даражага етди. Бу жараён иқтисодиётнинг барча секторларига энергетикадан тортиб, молиягача тегиб ўтди. АҚШ хусусий эволюцияси муҳим йўналишларидан бири айрим корхоналарни мўътадил резервлар қидириши ва компания доирасида уларнинг бирлашиши бўлди. Ишлаб чиқаришни марказлаштириш ва ишлаб чиқарувчи капитал мос келмаслиги кучайди. Ҳатто капитал бўйича энг йирик корпорацияларда бир корхонада ишлаб чиқариш ҳажми самарадорлик чегаралари билан белгилана бошлади. Шу билан бирга кичик бизнес салмоқли роль ўйнашда давом этаяпти. АҚШ экспортида ўрта ва кичик фирмалар иштироки 55 % ни ташкил қилади.

АҚШда кўплаб **кичик ва ўрта** фирмалар мавжуд. Улар мустақил фаолият юритади, бозорда ўзининг ўрнини топади.

Аммо йирик капитал ҳам уларни эътиборсиз қолдираётгани йўқ. Бунда кичик бизнеснинг юқори манёверлиги ҳисобга олинаёпти, унинг бозорда эгилувчан маслашиши, кўпгина турларни тежалиш имкониятилари катта.

Кичик ва ўрта бизнесни технологик, ижара пудрати, контракт тизими жиҳатидан турғун бозор, таъминот манбаи, янги технологияларни молиялаштиришда йирик бизнесга қарашли уни уларга боғлаб қўяди.

Америка иқтисодиёти қайта турланишида «таваккалчилик капитали» ўсувчи роль ўйнайди: кичик компанияларга таваккал илмий изланишларни синаш, янги тартибни тезроқ жорий этиш учун янгиликни олиш вазифалари юкланади. Хусусий капиталнинг умумий харажатлари унча катта бўлмаган фирмалар учун илмий-техник, тажрибалар, тадқиқотлар, конструкторлик ишланмаларига ажратилаётган маблағнинг атиги 5 %ни ташкил этсада, АҚШда улар ихтироларнинг ярми яқинига эга. Майда ва ўрта компаниялар билан

йирикларини ўзаро биргаликда ҳаракат қилишларида АҚШ кредит тизими асосий восита бўлиб хизмат қилади.

АҚШ кредит тизими жаҳонда бирмунча тараққий этган ва ўзида давлат ва хусусий кредит ҳужжатларини мужассам этган. Унинг асосий компоненти федерал резерв тизими (ФРС) дир. У Марказий банк функциясини (1913) бажаради. ФРС бошқарувчилар кенгашидан 12 та федерал резерв банкларидан, конгресс томонидан тузилган бир неча минг банк аъзоларидан иборат. Очик бозорда операциялар бўйича Федерал комитетга ва Федерал маслаҳат кенгашига эга. ФРС давлатнинг пул кредит сиёсатини амалга оширади, иқтисодиётга кредит ва пул муомаласи соҳаси орқали таъсир ўтказади. Пул-кредит сиёсатининг муҳим инструменти очик бозорда ҳукумат қимматбаҳо қоғозлари билан операциялар, банк резервларини тўғридан-тўғри тартибга солиш ва ҳисобот ставкалари механизми орқали кредитларни кенгайтириш ёки чеклаш ҳисобланади.

Банклар фаолияти соҳасида нафақат анъанавий, балки янги операциялар ҳам қўлланилади. Улар илгари ихтисослашган молия институтлари мўлжалида турарди: суғурта бизнес, инвестицион операциялар, брокерлик ишларини бажаради. Банк соҳаси иқтисодиётни таркибий қайта қуришда молиялаштиришда янги шакллари «кашф» этди: лизинг, факторинг ишлар, ахборот ва маслаҳат сервиси иштироқи даромад келтирадиган саноат объектлари қурилишини кредитлаш. Масалан, лизингги молиялаштиришнинг 45 % ва факторинг операциялар ҳажмининг 75 % га йирик тижорат банклар хизмат кўрсатади.

АҚШ банк-кредит тизими таркибида ўзгаришлар бош йўналиши энг қудратли молия институтларини универсаллашувига қаратилган.

Мамлакат банк-кредит соҳаси самарадорлигининг ошиши молия муассасалари қўшилишларини жадаллаштириб юборди. Кейинги йилларда АҚШ тижорий банклари сони 3 мингтадан кўпроққа қисқарди. Улар йирикроқ коалицияларга бирлашди. Улар нафақат айрим соҳаларни, балки бутун миллий иқтисодиётни назорат остига олганлар. Энди улар бир-бирлари билан рақобатлашадилар. Нефть, пўлат, автомобил «қироллари» билан бирга бошқа типдаги магнатлар пайдо бўлдилар: уларнинг мулки маълум соҳаларга боғланган эмас, аноним равишда молия институтлари оралиғи алоқаларидан фойдаланишади ва миллий масштабда иқтисодий потенциалга ҳисса қўшишади.

АҚШ иқтисодий ўсиши юз йиллик арафасида АҚШ банк тизими келгуси тараққиётида жиддий таркибий-функционал муаммоларни туғдиради. Улар қаторига нақд пул оборотини самарали ишлаб туришни ҳам киритиш мумкин. АҚШ тўлов тизими тараққиёти башорат (прогноз)ларига қараганда ҳисоб-китобларнинг пул воситалари жорий этилишига қарамай, нақд ҳолда тўғридан-тўғри банкнотлар, тангалар ва турли чек тўловлари воситалари-истикболда нафақат муомиладан чиқмайди, балки ишончли миллий тўлов воситаси бўлиб қолади.

Оборотда мавжуд нақд пул мутлоқ ўсиши уни нисбатан 1,5 % га кўпайишига олиб келади. Бу тўғридан-тўғри Америка иқтисодиёти юқори ривожланиш даражаси билан боғлиқ. АҚШ аҳолиси сонининг ортиши, жамият барча қатламларида турмуш даражасининг ўсиши билан боғлиқ. Яқин вақтларда нақд пул ҳажмини АҚШ ҳудуди учун 7 % га, Америка валютасига ташқи талаб бўйича 13 % га кўпайиши кутилаяпти.

Тўлов воситаси сифатида чекларнинг аҳамияти ошишда давом этаяпти. Америка экспертларининг баҳосича, чеклар сони йилига 3 % га кўпайяпти. Шунинг учун ҳам АҚШ да нақд пул муомиласи миллий ташкилий таркиби келгусида ҳам аввалгидек қолади.

АҚШ бюджет сиёсати. АҚШ нинг давлат сифатида биринчи бир ярим аср тарихи давомида федерал бюджет ярим стихияли равишда шаклланди. Барча ижрочи ҳокимиятлар таркибида мамлакат ҳўжалиги талаб ва эҳтиёжини таҳлил этиб, ягона бюджет лойиҳасини тузадиган, биргаликда харажатларга талабнома берадиган маҳкамалар, ягона ҳисоб-китобни амалга оширадиган орган йўқ эди. Бу соҳада сифатли босқич, Америка бюджет статистикаси таъкидлашича, Корея билан уруш давридан бошланади: 1949 молия йилидан бюджет ўсиши (жорий нархларда) деярли тўхтовсиз давом этаяпти. Харажатларнинг кўпайиши мутлоқа бошқача манзара касб этаяпти: бу тенденция «тинчлик» йилларида ҳам тўхтагани йўқ.

Худди ўша даврдан АҚШ давлат харажатларини молиялаштириш «**мунтазам-танқислик**» билан бошланди ва 1998 йилга келибгина, федерал харажатлар 1,7 трлн. долларга етгандагина ниҳоясига етди.

Америка бюджет сиёсатида кейинги ўн йилда кўзда тутилмаган кўламда бирор бир воқеалар ривожини рўй берганини эслаш қийин. Барча кўрсаткичлар иқтисодий ўсишнинг мураккаб динамикаси, маъмуриятнинг ташқи иқтисодий доктаринаси, инфляция суръатлари,

прогнозлар, дастурлар кўлами ва реал даромадларга қараб, инқирозга йўл қўймаслик тадбирлари билан қўшиб олиб борилаяпти.

АҚШ ташқи иқтисодий алоқалари. Ташқи иқтисодий алоқалар давлатнинг кўп жиҳатдан ижтимоий-иқтисодий ривожланишини белгилайди. АҚШ да ташқи савдо мамлакат барча ҳўжалигининг ички бозор билан биргаликда тақсимловчи тармоғи бўлиб, уни тартибга солишни битта маҳкама-савдо вазирлиги амалга оширади. АҚШ **савдо вазирлиги** баёнотига кўра, «АҚШнинг бош савдо сиёсати Америка экспорти йўлида турган хорижий тўсиқларни бартараф этиш, айниқса америкаликлар халқаро даражада рақобатбардошликка эга соҳаларда».

АҚШ савдо вазирлиги режа-стратегияси жаҳон иқтисодиётида АҚШ товарларининг рақобатбардошлигини таъминловчи ташқи савдо сиёсати вазифаларини ҳал этишга, мамлакат иқтисодий инфратузилмасини мустаҳкамлаш (заводлар, фермер ҳўжаликлари, хусусий фирмалар ва ҳ.к.) ва миллий ишлаб чиқарувчиларни хорижий рақобатчилардан ҳимоя қилишга қаратилган.

АҚШнинг ташқи савдо сиёсати стратегияси йўналишлари орасида қуйидагиларни ажратиш мумкин:

- экспортни кўллаб-қувватлашни кучайтириш, хорижий контрактлар учун курашда миллий компаниялар манфаатларини ҳимоя қилиш;
- компенсацион пошлиналар ва антидемпинг қонунларни фаол қўллаш;
- ташқи бозорда АҚШ компаниялари манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш;
- экспорт назорати режими самарадорлигини ошириш ва бошқалар.

Ҳозирги вақтда АҚШ иқтисодиётида экспорт роли ўсаяпти. Унинг йиллик ҳажми 1 трлн. долларга яқинлашаяпти. Бу мамлакат иқтисодий ўсишини 30 % га кўпайишини таъминлайди. Корхоналарда юқори иш ҳақи билан 12 млн. ишчи ўрни яратади. Экспортни 15 % (мамлакатда ўртачадан юқори) га оширади.

АҚШда экспортга ҳамкорлик қилувчи 100 дан ортиқ марказ тузилган. Бу марказлар тармоғи жаҳоннинг 70 мамлакатида 130 тижорат хизмат ваколатхоналари билан боғланган. Уларга Америка экспортининг 95 % дан зиёроғи тўғри келади.

Экспорт АҚШ ички миллий маҳсулотига нисбатан тахминан 6,7-7,2 % ни, импорт-7% дан кўпроқни ташкил этади. АҚШ ташқи

савдо хусусиятлари шуки, 1998 йилдан товар экспорт ҳажми қийматларда пасая бошлади. Бунинг асосий сабаблари шуки, АҚШ иқтисоди кўтарилди. Осиё ва Лотин Америкаси мамлакатларида молиявий беқарорликда нефт можоралари туфайли талаб камайди.

АҚШ да қишлоқ хўжалиги экспортининг камайиши кузатилаяпти. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар иккита муаммо билан тўқнаш келдилар: ички бозорда қайта ишлаб чиқариш ва жаҳон бозорида талабнинг қисқариши. АҚШ агросаноат мажуаси сезиларли даражада ташқи бозорга қаратилган: у етиштирилган ҳар 3 тонна ғалланинг 2 тоннасини экспорт қилади. Буларнинг бари АҚШ савдо балансида тўқчиликнинг ўсишига олиб келди.

Кейинги вақтда импорт масаласида ҳам муаммо ўткирлашаяпти. Яъни у ички бозорда тобора кўпроқ янги-янги ўринларни эгаллаб олаяпти. АҚШ бозорларида сотилаётган пойафзалларнинг 68 %, кийим кечакнинг 53 %, пўлатнинг 23 %, нефт ва нефт маҳсулотларининг 50 % хорижлик етказиб берувчилар ҳисасига тўғри келаяпти.

Савдо балансидаги пассив сальдони мамлакатнинг халқаро рақобатдаги ўрни пасаяпти, деб тушунмаслик керак. АҚШ ҳақли равишда жаҳон иқтисодиётининг локомотиви ролини бажараяпти.

АҚШ га жаҳон заём маблағларининг ярмига яқини тўғри келади. Хорижда тўғридан-тўғри Америка инвестициялари жамғармалари жаҳоннинг 1/4 қисмини ҳосил қилади.

АҚШ га келтириляётган капитал ҳажми йилига 193 млрд. доллардан ошади. Бу иқтисодиётни юксак даражада байналминаллашган ва мамлакатни иқтисодий жиҳатдан тез ривожланаётганлигининг муҳим омиллари эканлигидан гувоҳлик беради.

АҚШ учун интеграцион жараёнларда фаол иштирок этиш характерли. Бошқа давлатлар билан АҚШ иқтисодий алоқалари жуда кенг ва хилма-хил. Америка-Европа алоқалларини мустаҳкамлашда ЕИ мамлакатлари муҳим роль ўйнайди. Бу биргаликдаги хўжалик ҳаракатлари жуда фаол бўлсада, ЕИ мамлакатлари Америка бозори Канада ёки Японияга нисбатан амалда кам даражада боғлиқ. ЕИ товар бозори АҚШ иқтисодиёти учун аксинча Япония ва Канада бозорига қараганда муҳим роль ўйнайди. Импорти умумий ҳажмининг 26 % дан ошмайди.

Ҳозирги вақтда жаҳонда тез ривожланаётган минтақа Осиё-Тинч океанидир. Минтақа мамлакатлари халқаро меҳнат тақсимоти жараёнларига фаол жалб этилган. Улар улушига Америка экспорти 22 % га тўғри келади. Минтақа мамлакатлари капитал қўйиш объекти ва ортиқча молларни бозорга чиқариш улкан имконияти, АҚШ хўжалик жараёнларини байналлаштиришга қаратилган роли ўсиши жиҳатдан ҳам муҳимдир. Бу ерда АҚШ нинг бош океан орти ҳамкори Япония жойлашган. У АҚШ нинг бутунжаҳон хўжалиги стратегик етакчилиги ўрнига «даъво» қилмоқда.

Канада иқтисодиёти. Канада иқтисодий жиҳатдан юксак ривожланган давлат. Бозор иқтисодиётида етакчи ривожланган мамлакатлар «саккизлиги»га киради. У «**кўчма капитализм**» мамлакатлари типига киради. 10 млн. кв. километр майдонга эга бўлиб, майдони бўйича жаҳонда Россиядан кейин иккинчи ўринда туради. Канада Шимолий Америка қитъаси майдоннинг катта қисмини эгаллайди.

Канада фойдали қазилмаларга жуда бой мамлакат бўлиб, унда ёқилғи-энергетика, металлургия ва нометаллургия турлари кўп. Рангли ва қимматбаҳо металллар, темир рудаси, уран, нефт ва табиий газ, калий тузи каби жаҳон аҳамиятига молик бойликлар катта захирасига эга. Кўмир ресурсларига бой. Булар мамлакатнинг катта минерал-хом ашё базасини ташкил қилади ва уни жаҳонда ривожланган давлатга айлантирмоқда. АҚШ иқтисодиёти учун ҳам бу катта аҳамиятга эга. Канада районларида қазилма бойликлар конлари энергоресурсларга бой имкониятлар билан уйғунлашиб кетган.

Канада иқлими мўътадил континентал бўлиб, у тўртта иқлим провинцияларидан иборат: кутбий, субарктик, мўътадил ва тоғли. Канада улкан сув захиралари билан ҳам ажралиб туради. Ичимлик сув захираси бўйича (12,9 минг км³) Бразилия ва Россиядан кейин учинчи ўринда туради.

Мамлакатнинг деярли ярим майдони қалин ўрмонлардан иборат. Канада ёғоч захиралари бўйича Россия ва Бразилиягагина ўрин бўшатиб беради. Аҳоли бошига ёғоч ишлаб чиқариш ҳажми бўйича эса жаҳонда биринчи ўринда туради.

1663 йилда Канада расман Франциянинг мустамлакасига айланди. Етти йиллик урушдан кейин Париж шартномаси бўйича урушдан кейин 1763 йилда Канада Англиянинг мустамлакаси бўлди. 1867 йилда Канада тўғрисидаги Актга мувофиқ мамлакат

конституцион ўзгариш ва ҳуқуқий жиҳатдан мустақил бўлиш ҳуқуқини қўлга киритди. Эндиликда Канада 10 та провинция ва учта ҳудуд (Юкон, Нунавут ва Шимолий Ғарбий ҳудудлар) дан иборат федератив давлат. Давлат бошлиғи номигагина Англия қироличаси, у бош вазир тавсиясига кўра генерал-губернаторларни тайинлайди. Ҳокимият қонунчилик олий органи-парламент, қуйи палата ва сенатдан иборат: қуйи палатага депутатлар аҳоли сонига қараб провинциялардан сайланади, сенаторлар генерал-губернаторлар томонидан тайинланади. Ижроий ҳокимияти бошлиғи бош вазир, у айти вақтда бош қўмондан ҳам ҳисобланади. Министрлар совети сифатида у парламент олдида маъсулдир.

Канада миллатлар Ҳамдўстлиги аъзоси (собик Британия). Мамлакат ОЭСР, НАТО, ОАГ лар аъзоси ҳисобланади.

Мамлакат аҳолиси 32 млн. кишига яқинни ташкил этади. Иммиграция-Канада аҳолисининг асосий географик қиёфасини белгиловчи бош омилдир. Мамлакат аҳолиси кўп миллатли. Ҳозирги замон эмигрантларининг 19 % европаликларга тўғри келади (шундан 2,4 % - Буюк Британиядан), лотин америкаликлар, 7 % ни африкаликлар ташкил қилади. Канадада айти пайтда икки миллат ва 80 дан зиёд элатлар яшаяпти.

Канада–юқори урбанизациялашган мамлакат, 78 % аҳоли шаҳарларда яшайди. Канада ривожланган мамлакатлар орасида ишсизликнинг юқори даражадалиги билан ажралиб туради (8-10 % иқтисодий фаол аҳоли). Турмуш даражаси бўйича Канада аҳолиси жаҳонда учинчи ўринда туради. Мамлакатда компьютерлаш кенг тарқалган.

Канада бошқалар сингари бозор иқтисодиёти юксак ривожланган мамлакат ҳисобланади. Эндиликда индустриал тараққиёти босқичи сари қадам ташламоқда. Ички миллий маҳсулот ҳажми бўйича жаҳондаги биринчи ўнлик давлатлар қаторига киради (836 млрд. доллар). Саноат маҳсулотлари қиймати ва ташқи савдо обороти бўйича бу юқори кўрсаткичдир. Аммо Канада аҳоли жон бошига ИММ ҳажми бўйича АҚШдан анча орқада (34 минг долларга қарши 27 минг доллар). Бу мамлакат қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотлари бўйича бир қатор бош ишлаб чиқарувчи мамлакатлар гуруҳида мустаҳкам ўринни эгаллайди. Унинг учун ишлаб чиқаришнинг юқори марказлаштирилгани, меҳнатни географик тақсимлаш тараққий этгани, юқори энергетика таъминлангани характерлидир. Канаданинг анъанавий хусусияти-кўпроқ хом ашёга

рол берилганидир. Бунда тоғ-кон саноати, энергетика ва қишлоқ хўжалиги, ўрмон ва ёғочни қайта ишлаш саноати жаҳон бозорига товар етказиб берувчилар сифатида катта аҳамият касб этган. Ички ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришда қайта ишлаш, саноати улуши (1/5) бошқа ривожланган давлатлардагидан паст. Ташқи савдо АҚШ га нисбатан иқтисодиётда катта роль ўйнайди. Канаданинг жаҳон бозорида мустақиллиги ортиб борапти: хом ашё соҳаси маҳсулотни 1/4 дан 2/3 қисмгача экспорт қилапти.

Хорижий капитал қўйилмаларининг ярими АҚШ га қолганлари Осиё ва Лотин Америкаси, Европа иттифоқига чиқарилаяпти.

Саноати. Канада иқтисодиётининг бу соҳаси юқори техник даражаси ва мураккаб таркиби билан ажралиб туради. Мамлакатда энергетика ва тоғ-кон саноати, рангли металлургия, бир қатор энергия талаб соҳалар, экспортида хом ашёни қайта ишлаш саноати соҳалари орасида, машинасозликдан ташқари, ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза-қоғоз, шунингдек озиқ-овқат саноати роли айниқса катта. Кейинги йилларда фанталаб соҳалар (электроника ва электро-техника, фармацевтика ва бошқалар) аҳамияти ошди.

Канада электр энергияси ишлаб чиқариш бўйича (567 млрд. квт.с.) жаҳонда олтинчи ўринда туради. Энергиянинг деярли 3/5 қисмини ГЭС лар ишлаб чиқаради. Ёқилғи-энергетика балансида 3/4 қисм суюқ ва газсимон ёқилғига тўғри келади.

Тоғ-кон саноати-мамлакат иқтисодиётининг базавий соҳаларидан бири бўлиб экспортда муҳим (20% қийматгача) роль ўйнайди. Тоғ-кон маҳсулотлари етакчи турлари қиймати бўйича: нефт, табиий газ, олтин, кўмир, мис, рух, никель, темир рудаси, уран, калий тузи муҳим ўрин тутди. Иккинчи ўринда калий тузи ва никели руда, учинчи газ қазиб олиш, мис рудаси ва платина туради. Канада олтин, кумуш, мис, кўрғошин, рух, молибден, кобальт ва темир рудаси бўйича бош ишлаб чиқарувчилар қаторига киради. Канада нефт қазиб олиш ҳажми бўйича дунёдаги биринчи ўнлик мамлакатлар сафида турибди.

Қайта ишлаш саноати ишлаб чиқариш ва капитални юқори концентрациялангани билан ажралиб туради. Қайта ишлаш саноати таркибида машинасозлик соҳаси (транспорт машинасозлиги, ўрмон ва тоғ-кон саноати учун электр кучланиш ускуналари) бош роль ўйнайди. Қайта ишлаш саноатида банд кишилар сони ва маҳсулотнинг 1/3 машинасозликка тўғри келади.

Ўрмон, ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза-қоғоз саноати бой ўрмон ресурсларидан фойдаланилади. Канада жаҳонда ёғоч чиқариш бўйича тўртинчи, тахта ишлаб чиқариш бўйича иккинчи ва қоғоз ишлаб чиқариш бўйича тўртинчи ўринда туради.

Қишлоқ хўжалиги. Мамлакатда қудратли агросаноат комплекси шаклланиган, озиқ-овқат саноати унда бош рол ўйнайди. Мамлакат саноати қайта ишлайдиган жами маҳсулотнинг 13 % унинг улушига тўғри келади. Канада қишлоқ хўжалиги юксак даражада механизациялашган, ихтисослашган, юқори меҳнат унумдорлиги, ишлаб чиқаришни бир мақсадга қаратилгани билан характерланади. Бу асосий тур озиқ-овқат билан ички талабни тўлиқ таъминлайди ва маҳсулотнинг деярли ярими жаҳон бозорига олиб чиқилади.

Кейинги йилларда мамлакатда фермер хўжаликлари сони қисқариши рўй берапти. 30% хўжалиklar йирикларга (товар маҳсулотлари катталиги бўйича), 15 %-ўртача, 55 % майда хўжалиklarга таалукли. Фермерларнинг катта қисми-чорвачилиklar (гўшт, сут берадиган йирик шохли моллар), ғаллачиликка ихтисослашган корхоналаридир.

Мамлакатда қишлоқ хўжалиги экинлари майдони 73 млн. гектарни ташкил этади. Аҳоли жон бошига экин майдони бўйича Канада Австралиягагина бўш келади, Россия ва АҚШда эса яримига устун туради. Экин майдонининг асосий қисми (3/5)ни ҳайдаладиган ерлар ташкил этади.

Канадада ғаллачилик хўжалиги (жавдар, маккажўхори ва соя) тараққий этган. Ғалла етиштириш бўйича Канада (йилига 50-55 млн. тонна) жаҳонда еттинчи ўринни эгаллайди. У ғалла етиштирувчи етакчи гуруҳларга киради. Экспорт бўйича учинчи ўринда туради. Канада фермаларида дунёдаги мойли зиғирнинг 1/3 ва рапснинг 1/5 етиштирилади. Умуман мамлакат қишлоқ хўжалиги юксак экспортлиги билан ажралиб туради. Бу айниқса энг аввало деҳқончиликка (ғалла ва мойли экинлар) тегишли. Мамлакат қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш кийинчилиги-қайта ишлашдаги сурункали кризис-аграр соҳада давлатни тартибга солиш роли жуда муҳим эканлигини кўрсатди.

Транспорт. Территориянинг катталиги, аҳолини нотекис жойлашганлиги ва хўжалик кўлами азалдан мамлакат учун транспорт масаласини кўндаланг қуйганди. Асосий транспорт турлари-темирийўллар, автомобиллар, авиация, ҳаво сув ва ўтказиш қувурларидир.

Хизмат соҳаси. Хизмат соҳаси жадал ривожланаяпти. Соҳаларда яратилган хизмат кўрсатиш ҳажми ялпи маҳсулотда 3,4 % га кўпайди. Кўтара савдо тез ривожланаяпти (ўсиш 10 % дан юқори), умумий овқатланиш ва меҳмонхона хўжалиги корхоналари (6%), алоқал (5%), чакана савдо (4,2 %), транспорт ва омборхоналар хўжалиги (4%) ўсаяпти.

Канадада 1998 йилдан давлат бюджети такчиллигига бутунлай барҳам берилди. Шунга қарамай мамлакатда қарздорлик катталигича қолаяпти. У ички ялпи маҳсулотда 10% ни ташкил этади.

Федерал ҳокимият давлатни тартибга солишни қисқартираяпти ва амалда ҳаммасини хусусий инвесторларга сотаяпти, қайта ишлаш соҳасидаги давлатга тегишли йирик корхоналар ва нефтгаз саноати, ҳаво, темирўл транспорти ва алоқа шулар жумласидандир. 1999 йилдан бошлаб федерал ҳукумат процент ставкаларини пасайтиришга киришди. Қисқа муддатли кредитлар процент ставкаси АҚШ дагига нисбатан паст.

Аҳоли жон бошига умумий ташқи савдо обороти ҳажми бўйича Канада жаҳоннинг етакчи мамлакатлари қаторида туради. Ялпи миллий маҳсулотда Канада экспорт ва импорт 2/3 ташкил қилади. Экспорт таркибида хом ашё улуши 4/5 га яқин, машина ва ускуналар 17%, истеъмол моллари 4%, ғалланинг 4/5, ўрмон-ёғоч, циллюлоза-қоғоз, алюмин саноатларида 1/2 қисми экспорт қилинади. Импортда ҳам саноат буюмлари, кўпроқ тайёр маҳсулотлар устунлик қилади. Кўмир, нефт, тропик кишлок хўжалиги маҳсулотлари келтирилади. Савдо балансида сальдо ижобий ва 34-35 млрд. доллардан ошади. Канада ривожланган мамлакатларнинг аввало АҚШ, Япония, Буюк Британиянинг йирик савдо-сотиқ ҳамкорларидан бўлиб қолмоқда.

Канададан экспорт тахминан 170 млрд. долларни ташкил қилади. Канадалик инвесторларнинг тўғридан-тўғри хорижий капитал қўйилмалари 65 % га яқини АҚШ га тўғри келади.

1988 йилда АҚШ ва Канада ўртасида Шимолий Америка эркин савдо ассоциацияси тузиш ҳақида (НАФТА) битим имзоланди. 1992 йилда унга Мексика ҳам қўшилди. 1994 йилдан бошлаб битим расман кучга кирди.

НАФТА тузилишидан қуйидаги мақсадлар кўзланган:

- унинг аъзолари ўртасида савдо тўсиқларига барҳам бериш;
- ҳалол рақобат муҳитини яратиш;
- хорижий инвестициялаш имкониятларини кенгайтириш;
- интеллектуал мулк ҳуқуқлари ҳимоясини кафолатлаш;

- ҳуқуқий келишмовчиликларни ҳал этиш учун самарали орбитраж ташкил этиш;
- корхоналар ва маданий дастурлар ўртасида кооперациясида кўп томонлама ноу-хау алмашилиш ва минтақавий рағбатлантириш;
- атроф муҳит тозалигини муҳофаза қилишда ҳамкорлик қилиш.

НАФТА битими ҳар иккала мамлакат банк активларини ҳал этиш ва инвестицияларга чекловларни камайитириш, икки томонлама товар ва хизматлар савдосидаги тўсикларни бартараф этишга кўмаклашади.

3.8. Япония иқтисодиёти

Жаҳон ҳўжалигида Япониянинг тутган ўрни ва роли. Япония жуда кўп ва майда оролларда жойлашган мамлакат бўлиб, у шимолдан шарққа ҳамда жануби-ғарбга қараб, салкам 3,5 минг километрга чўзилиб кетган. Унинг умумий ер майдони 378 минг кв. километрни ташкил этади. Японияда оролларнинг умумий сони 3900 тага етади. Улардан энг катталари Хонсю, Хоккайдо, Кюсю ва Сикоку ороллари ҳисобланади.

Мамлакат 47 ҳудуд (префектур)га бўлинади. Ҳар бирининг шаҳар ва қишлоқни бошқарувчи ўз ҳукуматлари бор. Аҳоли сони бўйича Япония (127 млн. киши) Хитой, Ҳиндистон, АҚШ, Индонезия, Бразилия, Россия ва Покистондан кейин 8-ўринда туради. Мамлакат аҳолисининг 99% дан кўпроғини японлар ташкил қилади. Аҳолининг 3/4 қисми шаҳарларда яшайди. Аҳоли зичлиги бир кв. километрга 332 киши тўғри келади. Пойтахти Токио, унда 12 млн. дан ортиқ аҳоли яшайди. Япония аҳолиси таркибида эркаклар ва хотин-қизлар нисбати деярли баробар: аёллар 50,9% эркаклар 49,1 %.

Япония инсоният жамияти кексаришда давом этаяпти. 65 ёшдан ошган одамлар сони бутун аҳолининг 16,5 % ини ташкил қилади, 15 ёшгача бўлган болалар эса 15%.

Мамлакатнинг расмий тили Япон тилидир. Ҳукмрон дин эса Буддизм ва Синтоизм. Пул бирлиги-иена.

Япония-конституцион монархия давлати. Мамлакат конституциясига мувофиқ император «халқ бирлиги ва давлат рамзи» ҳисобланади. 1990 йил январиди Акихито Япония императори бўлди. Давлат ҳокимияти олий органи ва ягона қонунчилик органи - парламент, у икки палатадан-палата вакиллари (512 депутат) ва палата маслаҳатчилари (252) дан иборат.

Япония юксак даражада ривожланган мамлакатдир. У дунё аҳолисининг 2,4% ва қуруқлик ер майдонининг 0,3% ига эгаллигига қарамай, иқтисодий потенциали жиҳатидан АҚШ дан кейин иккинчи ўринни эгаллайди. Унинг ички миллий маҳсулоти 3,4 трлн. долларга етади. Бу жаҳон ишлаб чиқаришининг 14,3 % ни ташкил қилади. Мамлакат ички ялпи маҳсулоти ҳажми аҳоли жон бошига 30 минг доллардан ошади.

Япония кема, автомобил, трактор, станоклар, компьютерлар, саноат роботлари ишлаб чиқариш бўйича дунёда биринчи ўринда электр энергияси, кимёвий тола, алюмин ва мис эритиш, нефтни қайта ишлаш бўйича эса иккинчи ўринда туради.

Япония иқтисодиёти ташқи савдога жуда боғлиқ. Мамлакат ўзига зарур пахта, жун, бокситнинг 100%, мисс рудаси, нефт, темир рудасининг 99 % ини, тошкўмирнинг 82 % ини импорт оркали олади. Япония халқаро савдода АҚШ ва Германиядан кейин учинчи ўринни эгаллайди. Жаҳон экспортида қарийиб 8,9 %, импортда эса 6,3 % улуш унинг ҳиссасига тўғри келади. Денгиз маҳсулотларини олиш бўйича Япония дунёда биринчи ўринда туради (12 млн. тоннага яқин).

Япония олтин валюта захиралари ҳажми бўйича ҳам жаҳонда биринчи ўринда туради. Жаҳон банк активларининг 40% унинг улушига тўғри келади. Олти япон банки жаҳоннинг ўн йирик банклари қаторига киради. Япония Унинг тўғридан-тўғри хорижий инвестициялари 310 млрд. доллардан ортиқ бўлиб, бу жаҳон инвестициясининг қарийиб 12,7 % ини ташкил қилади.

Япония дунёдаги энг йирик кредит берувчи мамлакат бўлиб қолмоқда. Тараққиётга расмий кўмак доирасида энди ривожланаётган мамлакатларга имтиёзли иқтисодий ёрдам кўрсатиш бўйича у дунёда биринчи ўринга чиқди. Унинг ривожланаётган мамлакатларга ёрдам кўрсатишга ажратилган уларнинг маблағи ҳажми йилига тахминан 11 млрд. доллардан ортади.

Илм – фан ва тажриба – конструкторлик (НИОКР)га харажатлари бўйича Япония АҚШ дан кейин иккинчи ўринни эгаллайди. Ҳозирги кунда НИОКРга харажатлар мамлакат ички ялпи маҳсулотда 3% дан кўпроқни ташкил этади. Жаҳонда рўйхатга олинган жами патентларнинг 40% япон патент бошқармаси улушига тўғри келади. Японияда Бирлашган миллатлар ташкилоти (БМТ) жаҳоннинг жуда кўп мамлакатларига бошқарувчи кадрлар менежерлар тайёрлаб берадиган Университети жойлашган.

Япония иқтисодиётининг ривожланиш хусусиятлари. Кейинги ўн йилда Япония иқтисодиётининг ўсиши сифатини таъминловчи асосий йўналишлар қўйидагилардан иборат:

- фанталаб саноат улушининг босқичма-босқич ўсиши иқтисодий модели интенсивлиги ва катта таркибий силжиши;
- ресурслар ва энергияни тежаш технологияси эвазига ишлаб чиқариш базасининг янгиланиши;
- барча ишлаб чиқариш жараёнларида электроника тараққиёти ва унинг жорий этилиши.

Коммуникация тизимида инқилобий ўзгаришлар ва жамият ахборот моделига ўтилиши. Япония иқтисодиётининг юқори даражада ўсиш суръатлари қўйидаги омилар таъсирида ифодаланади.

Ижтимоий структура (тузилиш). Японияда майда тадбиркорликнинг катта қатлами хос бўлиб, унда оила типига хусусий корхоналар, чакана савдо, умумий овқатланиш, қайта ишлаш саноатларини ҳам қамраб олган. Масалан, қайта ишлаш саноатида ёлланма ишчиларнинг 3/4 300 гача ишчи ўрни бўлган корхоналарда банддир. Япония қишлоқ хўжалиги деярли ёлланма меҳнатсиз фаолият юритади. Мамлакатда 2 млн. 600 мингдан ортиқ деҳқон хўжалиги мавжуд. Уларнинг кўпчилиги майда хўжаликлардир. Ер участкаларининг ўртача ҳажми 1,9 гектар. Аммо уларнинг 17% га яқини мутлақо қишлоқ хўжалиги билан шуғулланади. Қолганлари шаҳарлар яқинлиги, транспорт тармоқлари ривожланганидан фойдаланиб бошқа соҳалардан катта даромад олишади.

Японияга юқори даражада **бандлик** ҳам хос. Мамлакатда иш стажига қараб ҳақ тўлаш «**умрбод ёллаш тизими**»-бу, норасмий япон институтидир. У факат йирик корхоналарга ёйилган ва энг юқори малакали ходимлар менежерларни қамраб олган (ёлланиб ишлатётганларнинг жамиси 10 % дан кўпроқ). Шу сабабли Японияда юқори бошқарув бўғинларида деярли меҳнат бозори йўқ. **Менежер мавқеи-бу** бир фирма ёки унинг шўъбасида бир умрлик мавқеидир. Бошқарувнинг юқори бўғини вакиллари ўз маҳсулот етказиб берувчилари билан доимий ишончли ҳамкорлик қилувчи, уларнинг ишончини оқловчи, ўз фирмаси обрўси, шаъни учун курашувчи, шулар билан бир қаторда менежерлик мавқеини мустаҳкамлаш учун интилувчи одамлардир.

Қолган ёлланма ходимларнинг ишсизлик шакли камлиги (13-15%) бир қатор сабаблар билан изоҳланади: кўпчилик Осиё жамиятлари учун хос ижтимоий шериклик аъъаналари кенг

тарқалган. Иш жойида ўқитиш яхши йўлга қўйилган, бундан иш берувчи «инсон капитали» ва сарфланган харажатни жуда қадрлайди; вақтбай ишларга контрактлар (ёки тўлиқ бўлмаган иш куни) савдо ва хизмат соҳаларида кенг тарқалган.

Фирмаларнинг вертикал интеграцияси. Японияда крейрэцу – йирик компанияларнинг майда ва ўрталари билан бирлашиши кўп тарқалган. Вертикал ишлаб чиқариш интеграцияси жамланган. Бу усул хўжаликда етакчи ўринни эгаллаган молия гуруҳларини тузишга олиб келди. Қоида бўйича улар йирик банклар, универсал савдо ва саноат компаниялари: «Мицуи», «Мицубиси», «Сумитомо», «Фуе», шунингдек «Данити Канге», «Санва»лардир.

Молия капиталини гуруҳлаш учун иштирокчи компаниялар акцияларни ўзаро алмашилиб эгаллаши характерли. Аммо улардан ҳар бири бошқа компаниялар акцияларининг нисбатан камроқ пакетига эга бўлишади. Натижада компаниялар устидан назорат равшан кўринишда жисмоний шахслардан ҳуқуқий шахсларга ўтади. Саноат ижтимоий таркиби ва кредит соҳасида индивидуал капитал роли пасаяди. Ишлаб турган капиталда индивидуал мулкнинг акция шакли атиги 1% га тўғри келади.

Меҳнат муносабатлари. Иқтисодий тараққиётнинг япон модели қиёфаси ишчи кучлари хусусиятлари ва миллий анъаналардан фойдаланишда намоён бўлади. Мамлакатда узок вақт умрбод ёлланиш принципи тарғиб қилинди. Кадрлар пирамидаси қуришга, бандликни таъминлашга қодир йирик кампаниялар бу принципни амалга ошириш учун кичик ва ўрта фирмаларга қараганда катта имкониятларга эга. Кўриниб турибдики, на компанияларда, на қонунчиликда умрбод ёлланишга кафолат берувчи қоида йўқ. Шу билан бирга ходимлар ҳам, маъмурият ҳам жамоа (коллектив) шартномада иш давомийлиги пунктини ўзаро келишмасдан қараб чиқишади. Ҳукумат бандликни субсидиялар ёрдамида қўллаб-қувватлашга интиляпти. Шунингдек, бир жойда кўп йиллар узлуксиз ишлагани албатта эътиборга олинади.

Иш стажига қараб иш ҳақи даражаси белгиланади. У ўрта ёшларда тез ўсди. Бунда асосий ставкага турли қўшимчалардан кенг фойдаланилди.

Меҳнат муносабатлари эса «Фирма бизнинг умумий уйимиз» фалсафасига қурилган. Ишчи кучларидан фойдаланиш асосан «инсон потенциали» концепциясида мужассамлашган. Ҳали XX асрнинг 60-70 йиллари миқёсида бир қатор япон компаниялари ходимлар ўз

ишлари турли хиллиги билан ажралиб туришга ва тўла қонли бўлсагина қониқиш ҳосил қиладилар, деган хулосага келдилар. Ўшанда йиғиш операцияларида конвейер линиясидан воз кечишди ва уларни айланадиган столларга алмаштиришди. Унинг атрофида битта ишчи бир буюмни ёки бир бутун блокни ўзи йиға бошлади. Бунда иш хусусияти ва графиги, иш хавфсизлиги, сифати ва ҳ.к. ларни ишчиларнинг ўзлари назорат қиладиган бўлди. Натижада технологик операциянинг мустаҳкамланиши туфайли брак маҳсулот 6 дан 0,3 % га пасайди. Меҳнат унумдорлиги 20% га ошди, таннарх 30% га камайди. Бунда бошқарув ва ташкилий иш асоси бўлиб кичик ўзини-ўзи бошқариш гуруҳлари чикди. Улар бутун корхонани вертикал бўйлаб ҳам, горизонтал бўйича ҳам қамраб олади. Ҳар бир гуруҳ бир хил шароитда ускуналарни тежамли ишлатиш усуллари доимо излаш, фаолиятларини рағбатлантириш йўллари қидириш билан қизиқиб ишлашади.

Гуруҳ ўзига тегишли ёки бўлим, фирмага тегишли масалалар ҳал этилаётганда иштирок этади. Меҳнат муносабатларида аёллар ишчи кучи ўзига хос ўринни эгаллайди. Кўпгина компаниялар раҳбарлари аёл кишиларга **«сарфланадиган материал»** сифатида қарашади. Аёллар кўп ҳолларда соатбай ишларда ёки югурдакликда фойдаланиладилар. Югурдак аёллар компания маъмурияти учун ўзига хос қалқондирлар. Ноқулай иқтисодий шароитларда, омадсизликларда ходимларнинг бу тоифаси биринчи бўлиб қисқаришга тушадилар. Япония аёлларининг меҳнат ҳақи даражаси эркакларникига нисбатан икки марта кам.

Япония учун узун иш куни хос. Эркаклар ҳафтада ўртача 57,7 соатини ишда ўтказадилар, бу америкаликлар ва ғарбий Европаликларникидан 10 соат кўп. Иш ҳафтасининг давомийлиги кўп жиҳатдан меҳнатга ҳақ тўлаш даражасини белгилайди ва у уч тоифага бўлинади: **базали ставка, вақтдан ташқари ва мукофат**. Базали ставка одатда паст даражада белгиланади, ишдан ташқари ва мукофат учун ишлаш эса эркин хоҳиш-истакни, яъни кўпроқ ҳақ олиш иштиёқини тўғдиради. Бу тизим банкротликдан қочиш учун ғоят самаралидир. Компанияларда меҳнатга ҳақ тўлашда кескин тафовутлар кўзга ташланмайди.

Давлат роли. Япониянинг иқтисодиёт модели хусусиятлари шундан иборатки, унда умумий муаммоларни ҳал этишда давлат аппарати ва йирик капитал биргаликда иш кўради. Ҳозиргача ҳукумат

ва банк, савдо, саноат компаниялари биргаликда якдил иш юритишлари қайд этилади.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йиллар даврида давлат тадбиркорлиги камтарин жой эгаллади. Мамлакатда умумдавлат, ҳудудий мақсадли, соҳавий ва фирма ички режалаштириш тизимидан кенг фойдаланилади. Умумдавлат даражасида ижтимоий-иқтисодий мўлжаллар, жамият тараққиётини белгиловчи дастурлар, режалар тизими ишлаб чиқилади.

Мамлакат иқтисодий тараққиётининг умумилмий асосий мақсад ва вазифаларида директив характерга эга ички корпоратив режалар аниқ мужассамлаштирилди. Бу билан режалаштиришнинг бир-бири билан уйғунлашган мураккаб тизими вужудга келади. Умум давлат дастурларини ишлаб чиқаётганда, корпоратив ичидаги режаларни тузишда йирик бирлашган хусусий компаниялар - «Кэйданрэн», «Тюкай», «Никкэйрэн», шунингдек тегишли ассоциациялар ва саноат-молия гуруҳлари билан маслаҳатлашиб олинади.

Умумдавлат режалаштириш тизими беш гуруҳ режалардан иборат:

- ижтимоий-иқтисодий тараққиёт режаси;
- ёрдам, фойдаланиш ва тараққий эттириш режаси;
- ишлаб чиқариш кучларини оқилона жойлаштириш ва соҳавий режалар;
- мақсадли умумдавлат дастурлари;
- ҳудудий режалаштириш.

Режа ва дастурлар алоҳида бўлишларига қарамай, кенг молиявий воситалар билан мустаҳкамлайди, уларнинг юксак самарадорлиги ва амалга оширилиши ташкилий, ҳуқуқий жиҳатдан таъминланади. Умумдавлат иқтисодий режалари-бу ўзига хос давлат инвестицион дастурлари, бутун давлат иқтисодий-ижтимоий ресурсларини қўллаб-қувватловчи ва тавсиялар берувчи дастур амаллардир.

Давлатнинг тартибга солиши ва кенг қўллаб-қувватлаши шароитида майда фермерлардан иборат қишлоқ хўжалиги ривожланиди. Ёлланма меҳнат ва ижара пудрати муносабатлари бу ерда кенг тарқалмади. Фақат 7% хўжалик 2 гектардан зиёд ерга эга, 70% хўжалик ўз даромадини соҳадан эмас, балки саноатдан ва хизмат кўрсатиш соҳаларидан олади. Майда ер эгалари ўз ер участкаларида дам олиш кунлари ва байрамлардагина ишлашади. Давлат жуда кўп қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини жаҳон бозоридаги нархдан юқори

баҳода сотиб олувчи монополист ҳисобланади. Бу қўллаб-қувватлаш мазкур соҳада қулай сунъий муҳитга солиш тизимида жаҳон бозори ва ички бозорга тақсимланган процент ставкаси ва валюта назорати муҳим ўрин тутади.

Япония иқтисодий моделини шунингдек юқори лавозимли шахслар ҳам тўлдиради. Одатга кўра уларнинг кўрсатмаларини фирмалар бажаришга мажбур. Агар кимдир буни бузса фирма шафқатсиз жазоланади.

Япония иқтисодий модели кейинги ўн йилда «**ярим-давлат**» кўринишдан бозор принципларига асосланган тобора очикроқ тусга ўзгараяпти. Жуда кўп саноат компаниялари тўғридан-тўғри молиялаштириш принципига ўтдилар (қимматбаҳо қоғозлар чиқариш, айниқса акциялар ва бошқа воситалар).

Банк тизими. Мамлакатда тўққизта йирик тижорат банклари мавжуд бўлиб, улар бутун мамлакат бўйича ўз бўлимларини (шаҳар) очиш ҳуқуқига эга: «Токио-Мицубиси», «Сакура», «Дайити-Канге», «Санва», «Сумитомо», «Фудзи», «Асахи» ва «Токай» тижорат банклари шулар жумласидандир. Шунингдек 129 та ҳудудий (факат ўз тасарруфида бўлими бор) банклар, 33 траст-банклар-хусусий пай ва пенсия жамғармаларини бошқарувчи ва узоқ муддатли кредит берувчи учта банк: саноат банки, узоқ муддатли кредит банки (LTCB) ва япон кредит банки ишлаб турибди. Бундан ташқари майда кредит ассоциацияси ва қишлоқ хўжалиги учун катта кооператив банк тармоқлари фаолият кўрсатмоқда. Ҳозирги кунда давлатга 13 та банк қарашли: экспорт-импорт банки, Япония тараққиёт банки, уй-жой қурилиши учун молия корпорацияси ва майда тадбиркорликни молиялаштиришга ихтисослашган бир неча банклар.

«Шаҳар» банки, траст банк ва уч узоқ муддатли кредит банки биржаларда ўз акцияларини кодлаштирган йирик корпорациялар орасида доимий мижозларига эга. Ҳар бир бундай банк маълум доирадаги фирмалар учун «бош» бўлиб ҳисобланади. Улар компанияларга ўртача 15 дан 20 % гача узоқ муддатли кредитлар беради. Мижозга доимий хизмат кўрсатишга киришар экан, бош банк унинг молиявий фаолиятини чуқур текшириб кўради. Компаниянинг бош «**ташхизчиси**»га ва бошқа банклар учун кредит тўлов қобилятини норасмий кафолатловчисига айланади. Банк компания даромади ёки акцияси курсидан эмас, банкротлик хавфи йўқлигидан, даромади барқарорлигидан манфаатдор.

Иқтисодиётда давлат сектори ва давлат бюджети. Марказий ҳукуматга ҳаммаси бўлиб, бешта давлат корхонаси тегишли (жумладан «Монетный двор» - «Зарбхона» ва давлат ўрмон хўжалиги), 13 банк, олий ўқув муассасалари тармоғи, 73 ташкилотда давлатнинг пай улуши (кўпроқ нотижорий ташкилотларда). Улар сафига фундаментал илмий текшириш институтлари, лабораториялар, илмий-техника ахбороти маркази, маданий алмашилиш Япония жамғармаси. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги, нефт конларини қидириб топиш, ўрмон ресурсларини ишлаб чиқаришга кўмаклашувчи корхоналарни киритиш мумкин. Ниҳоят, автомобил йўларининг сақланиши, қурилиш кўпроқ, туғон, ноёб муҳандислик иншоотларига ихтисослашган корхоналар гуруҳи (масалан, ички денгиз орқали кўп қанотли кўприк қурилиши у Хонсю ва Сикоку ороллари бoғлайди) бор.

Маҳаллий даражада давлатга водопровод ва канализация, чиқиндини йиғиштириб олиш ва утилизация қилиш корхонаси, шаҳар транспорти, мактаблар, касалхоналарни қуриш ва улардан фойдаланиш, пуллик автомобил йўллари, порт иншоотлари, ёпиқ бозорларда банд бир неча минг акционерлик ва пай компанияларига қарашлидир.

Япония нисбатан «**кичик**» ҳукуматли мамлакат бўлиб ҳисобобланади. Унинг бюджет харажатлари ИЯМ нинг 26-27 %ни ташкил қилади. Солиқ ставкаси самарали, ИЯПнинг 22-23 % ни ташкил этади. Япония-кучли иқтисодиётли, хўжалик фаолиятига аралашмасдан, солиқ-бюджет, пул-кредит, бош-тариф орқали тартибга солинадиган ташқи савдо, бозорда рақобатни қўллаб-қувватлаш ва табиий монополистларнинг фаолиятини тартибга солиш дастаклари орқали амалга ошириладиган мамлакат.

Япония бюджетининг асосий харажатлар қисми хусусисиятлари миллий мудофаани молиялаштириш даражасининг пастлиги (барча харажатларнинг 6% ёки ИЯПнинг 1% дан камроғи) билан ҳисобланади. Йирик харажатлар моддаларига ижтимоий суғурта ва пенсия соҳаси (18-20%), ҳудудий маълумотларга ажратмалар (16-18%), шунингдек инфратузилмаларга инвестициялар киради. Кейингисини молиялаштириш учун на фақат жорий йиғимлар, балки давлат тизимидаги почта, омонат кассалари тушумларидан ҳам фойдаланилади. Бу кассаларда 20 % японларнинг шахсий жамғармалари сақланади.

Ҳозирги пайтда мамлакат бюджетнинг энг йирик моддаси давлат қарзига хизмат кўрсатиш ҳисобланади.

Япония марказий банки муомиладаги пул массасини тартибга солади ва банкларнинг кредит экспансияси олдини олади. Корпоратив сектор банк молиялаштиришга кучли қарам бўлиб туради. Япония банки тижорат векселлар орқали шаҳар банкларига маъмурий лимитлар ўрнатган. Япония банки дисконт ставкаси орқали бутун пул бозори ставкалар тизимини бошқаради. Ҳозирги вақтда пул бозори ставкаси эркин шаклланмокда. Япония банкининг бош вазифаси эса пул массаси ва банкнот эмиссияли ҳажмини аниқлашдан иборат.

Япония ташқи иқтисодий алоқалари. Японияда ташқи савдо асосини саноат моллари ташкил қилади. Шу муносабат билан ташқи савдо вазирлигида ташқи савдо бошқармаси, саноат бошқармаси билан бирлаштирилган. Бош вазирлик ёқилғи ресурслари ва хом ашё сотиб олинишини қувватлайди. Саноат соҳаларида таркибий қайта қўришларга кўмаклашади, уларни оқилона жойлаштиришда кичик ва ўрта тадбиркорликка ёрдам беради ва ниҳоят у саноат мулкани кўриклаш ҳуқуқига эга.

Ташқи савдо вазирлигининг самарали иш фаолияти етакчи хусусий монополистик бирлашмалар билан мустаҳкам боғлиқ. Чунки бу бирлашмаларда Япониянинг капитал ҳаракати ва ташқи савдонинг стратегик тараққиёти масалалари бўйича япон корпорацияси позицияси шаклланади.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги бутун даврда Япония экспортининг физик ҳажми 70 мартага кўпайди. Бу муваффақиятлар замирида эса маҳсулотларнинг рақобатбардошлиги, юқори даражадаги янги технологиялар, кадрлар сиёсати ва фирмалар обрўси ётибди. Рақобат учун курашда Япония фирмаларининг усулларида бири-бу товар моделларини тез алмаштиришдир. Япония экспортида ярим ўтказгичлар 50%, енгил автомобиллар 22 %, телекоммуникация ускуналари 23 %, пўлат 17% га тўғри келади. Импортда эса ярим фабрикатлар ва хом ашёлар асосий рол ўйнайди. Японияга жаҳон темир рудаси экспортининг 30% дан кўпроғи, рангли металллар, тошкўмир, пахта ва жуннинг 19 % тўғри келади. Япония тўғридан-тўғри капитал қуйилмалар бўйича дунёда иккинчи ўринда туради. Саккиз япон компанияси чет элдаги ҳажми бўйича жаҳондаги йирик 50 йирик инвесторлари қаторига киради («Хитачи», «Тойота», «Сони» ва бошқалар). Асосий капитал қуйилмалар кредит соҳасига

қаратилган (42,4%), савдода (11,3%), кўчмас мулк (11,1%). Капитал қуишида асосий бозор бўлиб, Тинч океани қирғоғи мамлакатлари АТР, АҚШ ва Ғарбий Европа мамлакатлари ҳисобланади.

Маданиятлар, тил ва анъаналар яқинлиги иқтисодий алоқаларда Шарқ билан ҳамкорликка ёрдам бераяпти, Япония атрофида унинг стратегик мақсадларида барқарорликни таъминлаяпти.

Шарқ мамлакатларига экспортнинг 50%, халқаро капитал чиқаришнинг 3% дан кўпроғи Японияга тўғри келади.

Япония савдо диалогларида ташаббус ўзидан чиқишини маъқул кўради. Музокаралар чоғида шерикларига ҳам шундай йўлни таклиф қилади.

Ривожланаётган мамлакатлар билан иқтисодий муносабатларда Японияга хос хусусиятлар-уларнинг ички бозорини қайта ўрганади, эркин савдо имкониятлари мавжуд ҳудудларга, давлатларга улар учун ҳам манфаатли бўлган хизматлар, технологиялар, товарлар таклиф қилади. Шарқий Европа билан муносабатларда (Чехия, Венгрия) Япония томони уларнинг юксак даражада ривожлангандан келиб чиқиб сиёсат юритади. ХХР, МДХ давлатлари, Осиё мамлакатлари билан эса Япония фирмалари инфратузилмалари ривожланмаганлиги, мамлакатлар ичида кооперацион етказиб беришлар уйғунлиги, энергия, хом ашё тақчиллиги омилларини ҳисобга олади.

4.8. Ғарбий Европа мамлакатлари иқтисодиёти

Жаҳон хўжалигида Ғарбий Европа мамлакатларининг тутган ўрни. Ғарбий Европа—жаҳон хўжалигида динамик ҳолда ривожланиб бораётган минтақа бўлиб ҳисобланади. Айни пайтда Европа ҳудудида майдони, аҳоли сони, давлат тузими, ижтимоий-иқтисодий тараққиёти турлича бўлган 40 дан зиёд давлатлар бор. Ғарбий Европа давлатларини территориясига қараб қуйидаги гуруҳга бўлиш мумкин:

- йирик давлатлар (Франция, Испания, Швеция, Германия, Финландия, Норвегия, Италия, Буюк Британия);
- ўртача давлатлар (Испания, Греция, Португалия, Ирландия, Австрия);
- кичик давлатлар (Дания, Бельгия, Нидерландия, Швецария);
- митти давлатлар (Андорра Мальта, Лихтенштейн, Люксембург, Сан-Марино, Ватикан).

Ғарбий Европанинг умумий майдони 3,9 млн. кв.км. Аҳолиси сони 375 млн. кишидан ошади.

Ғарбий Европа – бу бутунлигича қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, товарлар ва хизматлар экспорти, валюта ва олтин захираси, халқаро туризм ривожлангани ҳажми бўйича жаҳонда биринчи ўринда туради. Ғарбий Европа интеграцион жараёнлари тараққий этгани билан ажралиб туради. Ғарбий Европада интеграцияга аъзо мамлакатлар ҳудудий сиёсат юритишда келишилиб олишга шароит яратади, иқтисодий ва сиёсий устунликдан фойдаланиб, ҳамкорлик қилишга имкониятларни кенгайтиради.

Ғарбий Европа интеграция йўлига 1950–йилларда (1952-қўмир ва пўлат ишлаб чиқаришнинг Европада бирлашиши) кирган эди. Ўшанда Франция, ГФР, Италия, Бельгия, Нидерландия, Люксембург мамлакатлари эркин савдо ҳудуди яратишганди. Европа иқтисодий ҳамжамияти (ЕЭС) тузиш ҳақида айнан шу мамлакатлар 1957 йилда Рим шартномасини имзоладилар. 1958 йилда Ғарбий Европада «Евратом» (унга юқорида санаб ўтилган 6 мамлакат кирди) бирлашмаси тузилди. Рим шартномасини имзолаган мамлакатларни Европа ҳамжамияти ёки «**Умумий бозор**» деб атай бошладилар. Умумий бозор мамлакатларида қуйидаги принциплар қабул қилинди: эркин савдо, капиталнинг эркин ҳаракати, ишчи кучлари ва хизматлар, яшаш жойини танлаш эркинлиги.

1993 йилда Европа иқтисодий ҳамжамияти **Европа Иттифоқи (ЕИ)ни** барпо этишни кўзда тутди. (Маастрихт битими). Ҳозирги пайтда ЕИ Ғарбий Европанинг 27 мамлакатини ўз ичига олади. Австрия, Бельгия, Болгария, Буюк Британия, Венгрия, Греция, Дания, Исландия, Испания, Латвия, Литва, Люксембург, Нидерландия, Польша, Португалия, Руминия, Словения, Германия, Финляндия, Франция, Швеция, Чехия, Словакия, Эстония каби мамлакатларни бирлаштиради.

Ғарбий Европада интеграцион жараёнлар самарадорлигини қуйидаги омиллар таъминлайди: ўхшаш ижтимоий таркиблар иқтисодиётнинг юксак тараққий этгани, барқарор қонунчилик базаси.

Ғарбий Европа – жаҳоннинг жадал ҳолатда ривожланаётган ҳиссасини, биринчи навбатда Германия, Франция, Буюк Британия, Италия каби давлатлар белгилайди.

Германия иқтисодиёти. Германия яхлит давлат сифатида 1990 йил 3 октябрда ташкил топди: ГФР ва ГДР бирлашди. Германия

территорияси 357,0 минг кв. км, аҳолиси-82 млн. кишидан зиёдроқ. Территориясининг ҳажми бўйича Германия Европада 5-ўрин (Франция, Испания, Швеция ва Норвегиядан кейин)ни, аҳолиси сони бўйича 1-ўринни эгаллайди.

Германия жаҳоннинг йирик ва иқтисодиёти тараққий этган мамлакатларидан бири. Минерал хом ашё ресурсларига бой. Масалан, уларга тошкўмир, темир ва марганец рудаси, никель, кобальт, вольфрам, молибден, мис, хром, қўрғошин, қалайи, уран, калий тузи, гилмоя ва ҳ.к. киради.

Мамлакат меҳнат ресурслари билан таъминланган. Бу ерда паст ҳақ тўланадиган чет эллик ишчилардан кенг фойдаланилади. Германия-аҳолиси юқори даражада тўпланган мамлакат. Мамлакат Ғарбий қисмида аҳоли ўртача зичлиги 1 кв. км. га 245 кишини, шарқий қисмида 155 кишини ташкил қилади. Германия Европа мамлакатлари орасида кўпроқ урбанизациялашган. Шаҳарларда мамлакатнинг 88 % аҳолиси яшайди. Миллий таркиби бир турли-99% ва асосан немислар. Диний эътиқоди бўйича 49 % аҳоли протестонтлар, 45% католиклар.

Германия давлат тузими – 16 федераль ерни бирлаштирган республика. Давлат бошлиғи федераль президент. Қонунчилик ҳокимияти палаталардан иборат, федераль парламент: бундестаг (депутатлар палатаси), ва бундесрат (ер палатаси). Ижроий ҳокимияти федератив канцлер бошчилигидаги маҳкама томонидан амалга оширилади.

Германия 1955 йилдан буён НАТО ҳарбий блоки аъзоси. Европа ҳамжамиятига киради. Германия Ғарбий Европа ва жаҳоннинг кудратли мамлакатларидан ҳисобланади. Унинг тараққий этган мамлакатлар саноати ишлаб чиқаришидаги улуши 12%, саноат ишлаб чиқариши ҳажми бўйича АҚШ ва Япониядан кейин учинчи ўринда туради. Германия халқаро миграцияда иштирокини анча кўпайтирди ва йирик капитал экспорти ва импортига айланди.

Германия – индустриал-аграр мамлакат бўлиб, иқтисодиётининг характерли қирралари қўйидагилардан иборат:

- ишлаб чиқариш ва капиталнинг юқори даражада тўплангани («Фольксваген», «Тиссен», «Круп», «Сименс», «Бош», «Басф» концернлари);
- илмий-техника прогресси (ИТП) ютуқларини доимий жорий этилиши, таълимга, илмий-тадқиқот, тажриба конструкторлик (НИОКР)га харажатларнинг ўсиши;

- юқори сифат ва экологик хавфсиз маҳсулотлар эвазига рақобатбардошликни ошириш;
- хорижий капиталнинг сезиларли роли.

Германия саноатининг етакчи соҳалари: машинасозлик, кемасозлик, асбобсозлик (приборсозлик), кимё саноати, электроника, энергетика. Саноат типигаги қишлоқ хўжалиги юксак тараққий этгани билан ажралиб туради.

Германиянинг бирлашиши жаҳон хўжалиги алоқалари ва Европада вужудга келган сиёсий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда олға ташланган қонуний қадам бўлди.

ГФР ва ГДР бирлашишга тўртки бўлган иқтисодий вазият қуйидагича кечган:

- Германия иқтисодиётининг ишончли ривожланишига қарамай, йиллар давомида шафқатсиз рақобат, бозор тўқинлиги доираси уфқларида инқироз (кризис) вазияти хавф солиб турарди;
- қўшни ГДРдаги қудратли ижтимоий дастур ГФРни ижтимоий соҳаларга катта маблағ ажратишга мажбур этади;
- ГДР мансуб бўлган социалистик мамлакатлар иқтисодиётида инқироз белгилари кучайди, саноат ўсиш суръатлари пасайди;
- собиқ ГДР бозорларига мол чиқариш имконияти катталиги, барча ишлаб чиқариш турларини тараққий этиши ва янги технология қўлланилиши;
- ГДР да нисбатан арзон ишчи кучлари мавжудлиги;
- ГДР ўзининг иқтисодий ривожини билан жаҳонда 10-ўринда туради. Бирлашиш жараёни ГФР тадбикорларига молиявий қийинчиликлар туғдиради.

Икки давлатнинг бир-бири билан бирлашишга ижтимоий сиёсий туртки Буюк Германия ғояси бўлиб, у кўп асрлик тарихга эга. Бирлашиш арафасида бу ғоя турли воситалар, усуллар билан зўр бериб тарғиб қилинди. Турли ишдаги кишиларга мўлжаллаб иштиёқ билан китоблар ёзилди, филмлар ишланди. Ҳарбий жасорат, шон-шавкат, ватанпарварлик тушунчалари немис миллати билан ўзаро чуқур боғланиб кетган эди. 1945 йилдаги уруш мағлубияти немис халқи учун миллий иснод сифатида қабул қилинди. Ҳарбий ва шарқий қисмдаги немислар учун бу оғир зарба эди. Бундан холос бўлиш учун бирлашиш лозим деган мотив олға сурилди.

Шарқий немислар ГДРда барқарор ҳаёт таъминланган бўлсада ўз турмуш даражасини СССР билан эмас балки, ГФР билан таққослашарди. Қудратли Ҳарбий Германия иқтисодиёти билан

халқаро ярмаркаларда (масалан, Лейцигда) учрашувлар, қариндошларникига бориб келганда кўрганлари ҳам уларни ГФРга ҳавас ва қизиқиш уйғотарди.

1990 йил 1 июлда ГДР ва ГФР ўртасида валюта, ижтимоий-иқтисодий иттифоқ ҳақидаги шартнома кучга киради. 1990 йилда 3 октябрда Берлин девори бузиб ташланади. Германиянинг Ғарбий ва Шарқий ерлари бирлишиши оқибатида ижобий ва салбий ҳолатлар пайдо бўлди:

- Ғарбий-немис маркаси шарқий немис маркасини ютиб юборади, шарқий-немисларнинг жамғармалари тезда турли товарлар ва хизматларга сарфланиб кетди;
- ГДРнинг рақобатга бардошсиз кўпгина корхоналари ёпилди, ишсизлик учун тўланган нафақа йўқотилган ишнинг ўрнини қоплай олмади;
- турли ижтимоий дастурлар қисқарди, инфляция жараёнлари кучайди;
- мулкчилик билан боғлиқ муаммолар ўткирлашди.

ГФР қонунлари шарқий ерларга тарқалди. Кўпчилик собиқ эгалар шарқий ерлардаги олдинги ўз мулкани даъво қилиб чиқишди.

Бирлашиш ғарбий ерлар учун бир қатор иқтисодий қийинчиликларни вужудга келтирди:

- миллий ички маҳсулот ўсиш суръатлари кейинги 15 йилда максимал даражага кўтарилиб -4,5 % ни ташкил этди;
- ишлаб чиқариш қувватлари юкланиши ошди;
- бандлик сони ўсди;
- ишсизлар сони қисқарди;
- ғарбий ерларда шахсий истеъмол солиқларнинг камайиши эвазига кўпайди;
- агар ГФРда илгари иқтисодиётни ҳаракатлантирувчи асосий куч экспорт бўлса, энди ўсишнинг ички устунлиги рағбатлантирилди;
- шарқий ер ва собиқ СССР республикаларидан кўчиб келганлар оқимининг кучайиши уй-жойга талабни оширди. Бу эса қурилишга капитал қўйилмаларни кўпайтирди.

Ишлаб чиқариш қувватлари юкланиши кўпайиши ва истеъмол молларини ишончли сотилиши саноатда инвестицияларнинг ўсишига (12 %) олиб келди. Жами инвестицияларнинг тахминан 25 % ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтиришга йўналтирилди. Ғарбий

Германия корхоналари ишлаб чиқариш қувватлари бир йил ичида (бирлашгандан сўнг) 3,5 % га ўсди.

Иқтисодий моментларнинг ҳам ижобий, ҳам салбий томонларини ҳисобга олган ҳолда шуни айтиш мумкинки, бирлашиш ГФРни тараққий этишига қудратли туртки бўлди.

Сўнгги йилларда Бирлашган Германиянинг ички ялпи маҳсулоти (ИЯМ) ўсиш суръатлари ўртача 2,5-3 % ни ташкил этмоқда. Ғарбий ва шарқий қисмлар тараққиёт суръатлари яқинлашиши кўзга ташланаяпти. Ички талабнинг ўсиши инвестицион фаолликка сабаб бўлмоқда. Капитал қуйилмалар 4 % дан кўпроққа кўпайди. Инвестицион фаолиятни рационализация ва ишлаб чиқаришни модернизация қилишга йўналтирилиши иқтисодиёт ривожланишини таъминлабгина қолмай, балки соҳавий дифференциацияни сезиларли даражада сақлаш имконини берди. Қурилиш, тўқимачилик ва тикувчилик соҳаларида инқироз бироз чуқурлашди.

Қайта ўзгаришлар ишлаб бўлинган ва синалган қонунчилик доирасида рўй бераяпти. Ғарблик ва шарқлик немислар ўз табиатларига кўра ягона миллат, юқори ишчанлик, маъсулиятини чуқур ҳис этиш, аниқлик, миллий интизомлик уларга хос хусусиятлардир.

1990 йиллар охирига келиб, бирлашган Германияда солиқ, нафақа ва таълим соҳаларида ислоҳатлар бошланди. Ҳукумат иқтисодиётни давлат томонидан молиялаштиришни ва уни соғломлаштириш вазифасини қўйди. Бу солиқдаги катта кемтикларни ва тўловларни 35 % га қисқартириш имконини берди. Солиқ соҳасида ислоҳатларнинг биринчи босқичи 1999 йилдан бошланди. Иш ҳақидан солиқларни камайиши ва корпорациялар даромадлари нефт маҳсулотлари ва электр энергиясига солиқларни ошириш йўли билан қопланди.

Иш ҳақи сиёсати соҳасида курс ўсишни ушлашга қаратилди. Кейинги 2 йилда бир иш соатига ҳисобланган меҳнат ҳақи тарифи 1,7 % га кўпайди. Бунда иш ҳақи ҳажмининг ўзгариши меҳнат унумдорлигининг ўрта мудатли динамикасига мўлжалланаяпти.

Германияда иқтисодий ислоҳатларнинг асосий йўналиши 10-12 % ни ташкил этган ишсизликка қарши кураш (4 млн. кишидан зиёд) ҳисобланади. Янги иш ўринлари яратиш, айниқса шарқий ерларда, асосий вазифа бўлиб турибди.

Нафақа (пенсия) ислоҳатларида аста-секин жамғариб бориладиган тизимга ўтила бошланди. Бунда мажбурий нафақа суғуртаси сақланиб қолди. Айрим юқори нафақалар ҳажми камайтирилади, кам даромадли шахслар қўшимча тўловлар олди. 1999 йил 1 январдан бошлаб пенсия жамғармасига бадаллар 0,8 % га камайди.

1999 йилдан бошлаб Германияда таълим ислоҳатлари ҳам бошланди. Унинг бош мақсади-ёшларни сифатли маълумот олишларида ота-оналари даромадларига боғлиқ бўлишига йўл қўймаслик. Германия ҳукумати уч йил давомида фан ва таълимга харажатларни икки бора оширишни режалаштирилди.

Германиянинг шарқий қисми инвестицияларга давлат ҳамкорлик қиладиган истикболли район бўлиб ҳисобланади, биринчи навбатда юксак технолигиялар соҳасида. Ҳукумат шарқ ерларини молиялаштиришни келажакда ҳам қўллаб-қувватлашда давом этмоқда.

Германия иқтисодий тараққиётда Европада 1-чи, жаҳонда 3-ўринни эгаллайди.

Экспорт. Ички талаб етакчи бўлишига қарамай экспорт Германия иқтисодиёти ўсишида кудратли омил бўлиб қолаяпти. Германияда экспорт сиёсатида жиддий эътибор қаратилаяпти. Шунинг учун ҳам ҳар учинчи муҳандис, техник ёки тадбиркор экспортга ишлаяпти. Мамлакат экспорти таркибида саноат моллари 90 % га яқинни ташкил қилади. Экспортга мамлакат жами саноат маҳсулотларининг 1/3 қисмини жўнатилаяпти. Мамлакатнинг ташқи савдо айланмасида экспорт импортдан устун туради. Экспорт соҳасининг ўсиши 5-7% ни ташкил этади. Экспортнинг асосий соҳалари-химия, машинасозлик, автомобилсозлик, электротехника тармоқларидир. Улар халқаро бозорда салмоқли ютуқларни қўлга киритдилар. Юқорида номлари тилга олинган соҳаларнинг маҳсулотлари экспортнинг яримидан зиёдини ташкил қилади. Кейинги йилларда Германия экспорти географияси борган сари кенгаяпти. Мамлакат экспортининг кенгайиши МДХ мамлакатлари эвазига бўлаяпти. Германиянинг ташқи савдо алоқалари асосан Ғарбий Европа мамлакатлари ва АҚШ га қаратилган. Бугунги кунда 50 % немис экспорти ЕИ нинг 10 мамлакатига, 10 % -АҚШ га, 30% - Россияга тўғри келади.

Импорт. Германия кўп даражада ташқи бозорга боғлиқ бўлган мамлакат ҳисобланади. Импорт ҳажми бўйича у жаҳон савдосида

АҚШдан кейин иккинчи ўринни эгаллайди. Импорт йилига 4-5 % га ўсаяпти. Мамлакат савдо балансида сальдо 60 млрд. евродан ошади. Импорт таркибида турли хил хом ашё, ёқилғи (нефт маҳсулотлари, табиий газ), қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари (тропик мевалар, пахта, чой, кофе, какао, гуруч ва бошқ.) салмоқли улушга эга.

Германиянинг асосий савдо шериклари Европа иттифоқи (ЕИ) мамлакатлари ҳисобланади. Улар улушига мамлакат экспорти ва импортнинг 1/5 тўғри келади.

Германиянинг иқтисодий потенциали (имконияти) ҳақида гапирар эканмиз, бугун бошқа ривожланган мамлакатлар сингари унинг бошқа давлатларда жойлашган «иккинчи иқтисодиётини» ҳам ҳисобга олиш лозим. Германиянинг деярли барча йирик монополистлари трансмиллий компанияларга айланишган. Улар хорижда ишлаб чиқариш фаолиятини амалга оширадилар, хизмат кўрсатиш соҳаларига эгалик қиладилар. Жаҳоннинг 50 та энг йирик ТМК лари таркибида Германиянинг сони 7 тагача кўпайди. Германия четга капитал экспорт қилишда ҳам фаол иштирок этмоқда. Капитал экспорти, импортдан устун туради. Германия четга капитал экспорт қилиш бўйича жаҳонда бешинчи ўринни эгаллайди. Жаҳон капитал бозорининг 50 % унинг улушига тўғри келади. Германияда асосий капитал экспорт қилувчилар трансмиллий компания (ТМК) лар ҳисобланишади.

Кейинги йилларда Ўзбекистон иқтисодиётига немис капиталини инвестиция қилишга қизиқиш ошаяпти, биринчи навбатда экспорт талаб соҳалар-химия, тоғ-кон, енгил, озиқ-овқат саноати, йўл-транспорт ва бошқа тармоқларга.

Буюк Британия иқтисодиёти. Буюк Британиянинг расмий номи: Буюк Британия оролларида жойлашган Кўшма қироллиги. Британия, Шимолий Ирландия ёки Ольестер провинцияси унинг таркибий қисмлардир.

Шимолий Ирландия 1921 йилда Буюк Британияга зўровонлик билан қўшиб олинган. Англия-Ирландия шартномасига асосан ҳозиргача у Англиянинг мустамлакаси бўлиб келмоқда.

Мамлакат территорияси 244 минг кв. км. Иккинчи жаҳон уруши арафасида Британия империяси ҳудуди 34,6 млн. кв.км. Шу жумладан мустамлаканики-18,8 млн. кв.км. ташкил этган ҳолда, аҳолиси -70 млн. кишидан ортиқни ташкил этган.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин Британиянинг мустамлакачилик сиёсати тез емирила бошланди. Ҳозирги вақтда

Буюк Британия назорати остида 25 га яқин қарам мустамлакалар бўлиб, улар 1 млн. кв. км. ҳудудни эгаллаган ороллардан иборат. Уларнинг аҳолиси 10,3 млн. кишини ташкил этади. Мамлакат Европада дунё океанига олиб борадиган Америка, Африка ва дунёнинг бошқа қисмларига ўтадиган денгиз йўлидаги Британия орлларида жойлашган. Қулай географик жойлашув мамлакат ҳукмрон доираларига жаҳон бозорини эгаллаш, иқтисодий-сиёсий босқинчиликларни амалга оширишга ёрдам берди.

Буюк Британия аҳолиси – 58 млн. киши бўлиб, улардан 85% инглизлар, 15% шотландлар, ирландлар, уэльсликлардир. Мамлакат умумий аҳоли сони бир қатор йиллар давомида сезиларли ўзгаришсиз сақланиб турибди. Туғилиш ва ўлим деярли бир хил (1000 кишига 11-12 киши). Аҳолининг бу табиий ҳаракати мамлакатда меҳнат ресурсларининг қисқаришига таҳдид туғдирмоқда. Йирик буржуазия, молия капитали магнатлари (корчалонлари) катта ёшдаги умумий аҳолининг тахминан 1% ини ташкил қилади. Ўз ўрнида улар Буюк Британия миллий бойлигининг 60% ига эгалик қилишади. Ёлланиб ишловчи шахслар мамлакат мустақил аҳолисининг 90% дан ортиғини ташкил қилади.

Буюк Британия ҳудудида табиий фойдали қазилма бойликлар унчалик кўп эмас. Эндиликда темир қазиб олиш айтарли нолгача пасайди. Бошқа муҳим қазилма бойликларга кўрғошин киради, у иқтисодиёт талабининг яриминигина қондиради. Рух, мис, оҳактош, гилмоя, кум, гипс, ресурслари етарлича.

Бошқа томондан, Буюк Британия катта энергия захираларига эга: нефт, табиий газ ва кўмир, ЕИ мамлакатларидагидан кўп. Илгари муҳим ҳаёт манбаи бўлган энергия-кўмир ўз аҳамиятини йўқотаяпти. Кўмир қазиб олиш салкам уч марта камайди. Электрстанциялар ҳамон аввалгидек кўп кўмир ёқаяпти. Аммо бошқа алтернатив ёнилғиларга нисбатан қиймати пасайиб кетаяпти.

Мамлакатнинг Шимолий денгиз қирғоқларида нефт конларнинг очилиши нефтни қайта ишлаш саноатини тез суръатлар билан ривожланишига замин яратди.

1975 йилдан ҳар йили қазиб олинаётган нефт миқдори тўхтовсиз ўсиб бораёпти. Бу Буюк Британияни нафақат йирик нефт истеъмолчисига, балки уни экспорт қилувчига айлантирди. Буюк Британия бир кунда ўртача 2,6 млн. баррелей нефт қазиб олади. У жаҳон нефт қазиб олувчилари орасида олтинчи ўринни эгаллайди. Буюк Британияда нефт захиралари рақами 770 млн. тоннага етади.

Табиий газ захиралари эса 22,7 трлн. куб фут атрофида баҳоланмоқда. Мамлакатнинг асосий табиий бойлиги-тошкўмир, нефть, табиий газ, магний, қалайи, каолин, оштузи ва бошқалардир.

Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Қўшма қироллиги конституцион монархия давлатларидир. Қонунчилик ҳокимияти монарх (қиролича) ва парламентга тегишли. Парламент қўйи палата ва лордлар палатасидан иборат. Давлат расмий бошлиғи-қиролича (1952 йилдан – Елизавета II). Ҳокимият амалда ҳукмрон партиялар шакллантирган вазирлар маҳкамаси қўлида жамланган.

Буюк Британия – Миллатлар ҳамдўстлиги маркази – сиёсий – иқтисодий бирлашма. Унга Буюк Британиядан ташқари, Канада, Аустралия, Янги Зеландия, Ҳиндистон, Покистон, Шри Ланка ва бошқа мамлакатлар киради. Ҳозирги кунда Буюк Британияга қарам ҳудудлар Австралия ва Янги Зеландиядир.

Буюк Британия НАТО ҳарбий-сиёсий блокада фаол эштирок этади. 1973 йилдан Европа иттифоқи аъзоси.

Буюк Британия қишлоқ хўжалиги билан юксак даражада тараққий этган индустриал мамлакат. У жаҳон хўжалигида муҳим ўрин эгаллайди. Мамлакат саноати ИЯМ нинг 50 % га яқинини, экспортнинг 90 % ини беради. Жаҳон умумий саноат ишлаб чиқариш ҳажми бўйича (7%) дунёда АҚШ, Япония, Германия ва Франциядан кейин 5-ўринни эгаллайди. Жаҳон умумий экспорти ҳажми бўйича у дунёда 4-ўринда (6%), хорижий инвестициялар ҳажми бўйича 2-ўринда туради. Харакатдаги йирик савдо флотига эга.

Буюк Британия иқтисодиётининг асосини хусусий сектор ташкил этади. ИЯМ ишлаб чиқаришининг 80%, бандликнинг 75 % унинг улушига тўғри келади. Буюк Британияда ишсизлик даражаси (ЕИда 10,8 % бўлган ҳолда), 6,2 % ни ташкил этади. Бандликнинг 73 % хизмат соҳасига тўғри келади. Унда молиявий хизматлар устун туради. Ишчи кучларининг 20 % - саноатда ва тахминан 7% қурилишда банд.

Иқтисодиётнинг асосий соҳалари. Буюк Британиянинг етакчи миллий сектори бўлиб, хизмат кўрсатиш соҳаси (ИЯМда 61,4 %) ҳисобланади. Кейинги вақтда унинг роли сезиларли ўсди.

Британия иқтисодиётида аҳамияти жихатидан бундан кейин саноат тармоғи (ИЯМда 22,3 %), сўнгра транспорт (9,7 %) ва қурилиш (5,2 %) соҳаси туради. ИЯМнинг 1,4 % қишлоқ хўжалигига тўғри келади.

Саноати. Буюк Британия саноати корхоналари Шимолий Англия ва Англиянинг марказий графлигида жойлашган. Буюк Британия – бу рух, кўрғошин, оҳак етказиб берадиган йирик экспорт давлатдир. Бундан ташқари мамлакат кумуш, мис ва бошқа хом ашёларнинг катта захирасига эга. Британия йилига 2000 тоннадан ортиқ кўрғошин ва қалайи ишлаб чиқаради.

Нефт-газ соҳаси. Нефт ва газнинг йирик захиралари 1960 йилда Шимолий денгиз континентал шельфи денгиз қирғоқларида аниқланган. Шу бойлик туфайли Буюк Британия углеводородларни экспорт қилувчи муҳим мамлакатга айланди. Нефт захиралари 5 млрд. баррелейга етади. 25 тага яқин денгиз нефт, газ қудуқлари фойдаланилаяпти, уларнинг асосий қисми Шимолий денгизда жойлашган. Нефт соҳаси асосан хусусий мулк ҳисобланади. Улар орасида BP (40 % қазиб олади) ва Enterprise (йирик мустақил нефт компанияси) мустаҳкам ўрин эгаллайди.

Қазиб олинаётган нефтнинг катта қисми экспорт қилинади; бир пайтнинг ўзида қайта ишлаш учун биров сифатсизроқ ва яқин шарқ нефти ташиб келинади. Буюк Британия нефтни қайта ишлаш саноатига жаҳон нефт ҳайдаш қувватининг 2,4 % улуши тўғри келади.

Британия энергетикасида табиий газ тобора кўпроқ аҳамият касб этаёпти. Унинг захираларини аниқлаш ва қазиб олиш ҳажми доимий равишда ўсиб бораёпти. Ҳукумат сиёсати миллий энергетика таркибида аста-секин кўмирни табиий газ билан алмаштиришга қаратилмоқда. Ҳар йили қазиб олинаётган газ 100 млрд. кубометрни ташкил қилади.

Асосий газ захиралари Жанубий газ ҳавзаси, Шимолий ва Ирланд денгизларида жамланган. 2001 йилда «Вестерленд» газопроводи ишга туширилди. Бу қувур орқали Норвегия газини Буюк Британияга етказиб берилаяпти.

Кўмир соҳаси. Мамлакатнинг кўмир захираси 2 млрд. тоннадан ортиқ баҳоланади. Келажакда бошқа энергия манбаларидан фойдаланишнинг кўпайиши натижасида кўмир соҳаси қисқариб боради.

Энергетика. Буюк Британия электр станциялари қуввати 70 млн. кв. га етади. 80% иссиқлик электростанцияларида ишлаб чиқарилади, 18 % ни атом, 2% ни гидроэлектростанциялар ишлаб беради.

Қишлоқ хўжалиги. Буюк Британияда қишлоқ хўжалиги соҳаси мамлакат ялпи ички маҳсулотининг бори-йўғи 2% ини яратади ва ишга қобилиятли аҳолининг атига 2% игина иш билан таъминлайди. Шунга қарамасдан, ушбу тармоқ аҳолининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотга бўлган ички талабнинг учдан икки қисмини қоплайди. Англия қишлоқ хўжалиги юқори даражада самаралидир. Шунинг учун ушбу соҳа ҳам катта ҳажмда озиқ-овқат маҳсулотларини ҳамда қишлоқ хўжалиги хом ашёсининг экспорт қилишда қулай имкониятларга эга.

Балиқ хўжалиги. Иқтисодиётнинг бу соҳасида кўрсаткичлар пасайиши кузатилаяпти. Ҳар йили балиқ овлаш ўртача 750 минг тоннани ташкил этади. Бир неча йиллар давомида Шимолий ва Ирланд денгизларида, Саагеррак кўрфази ва Шотландиядан ғарбдаги сувларда треска балиғи захиралари қисқараётгани кузатилаяпти.

Ўрмон хўжалиги. Буюк Британия ўрмонлари майдони 24 минг кв. км. (10% ерни) эгаллайди. Ўрмон фондининг яrimi ўрмон хўжалиги бўйича Комиссия тасарруфига киритилган. Мамлакатда ҳар йили 7,5 млн. кубометр ўрмон кесилади. Мамлакатда ёғочга бўлган ички талабнинг 90 % импорт ёғоч тахта ҳисобига қондирилди.

Хизмат кўрсатиш соҳаси. Буюк Британия иқтисодиётига хос характерли феномен хизмат кўрсатиш соҳаларининг ўсаётганидир. У аҳоли реал даромадлари ошаётганлигида, шунингдек хизмат кўрсатиш ва товарлар ўртасидаги харажатлар нисбатида, намоён бўлади. Айниқса молия сектори ва кўнгилочар сектори ҳамда туризм соҳалари тез ривожланмоқда. Илгари бозорда унчалик сезиларли улуши бўлмаган секторлар, ёки умуман амалда бўлмаган секторлар кўпроқ аҳамият касб эта бошладилар. Улар компьютер ишлаб чиқариш, дастур таъминоти, реклама, бозорни тадқиқ қилиш, кўргазмалар, конференциялар тақдимотлар ва маросимлар ўтказишдир.

Туризм. Буюк Британия иқтисодиёти соҳаларида туризм муҳим ўрин эгаллайди. Бу соҳа ИЯМ нинг 4,5 %ни ишлаб чиқаради. Туризмдан олинadиган даромад бўйича мамлакат дунёда АҚШ, Испания, Франция ва Италиядан кейин бешинчи ўринда туради.

Молия тизими. Лондон фонд биржаси Европада йирик молия маркази ҳисобланади. 90-йиллар ўрталаридан бошлаб Британия Марказий банк юқори даромадли молия муассасига айланди. Буюк Британия банк тизими юқори даражада тўплангани ва марказлашгани билан ажралиб туради.

Англия банки пул-кредит сиёсатини амалга оширади. Барча тижорат банклари Англия банки назорати остида бўлиб, бу банк Англия ва Уэльсда банкнотлар чиқариш ҳуқуқига эга (Шотландия ва Шимолий Ирландия ўз ҳудудларида пул чиқариш учун чекланмаган ҳуқуқларга эга). Англия банки аҳоли билан ишлайдиган банкларни, (худди жамғарма банк каби), инвестицион, ипотека ва бошқа британ ёки чет эл банкларини лицензиялайди. У хорижий валюта бозорига фаол аралашади ва фунт стерлинг барқарорлигини сақлашга ҳаракат қилади. Фунт стерлинг дунёнинг асосий валюталаридан бири, Лондон эса жаҳоннинг муҳим савдо марказларидан ҳисобланади.

Буюк Британияда бир неча ташкил этилган молиявий бозорлар ишлаб турибди. Қимматбаҳо қоғозлар бозори халқаро фонд биржасидан ташкил топган рўйхатдан ўтган қимматбаҳо қоғозлар ва акциялар билан ишлайди.

Буюк Британия иқтисодиётининг асосий хусусиятлари-мустақиллик, жаҳон иқтисодиёти тизимига интеграциялашган, тараққиёт даражаси бир текисда.

Ўтган XX асрнинг ўрталаридан бошлаб Британия иқтисодиёти иқтисодий кўтарилиш фазасига кирди. ИЯМ ўсиш суръатлари ўртача 2,8 % ни ташкил этди. Хизмат кўрсатиш соҳаси динамик ҳолатда -2,6 % га ўсади. Иш фаолиятида сусткашлик молия ва қайта ишлаш саноати соҳаларига хос эди.

90-йиллар охирига келиб, иқтисодий тараққиётда истеъмол харажатлари (уй-жой, узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар сотиб олиш, таълим ва маданият соҳаларида) рағбатлантирувчи рол ўйнайди. Кейинги йилларда чакана савдо ва умумий овқатланиш, хизматлар, молиявий, суғуртавий, телекоммуникацион, ахборот технологияси ва ривожланган компьютер соҳалари ўсишдан ўзиб тараққий этиб бормоқда.

Буюк Британия ҳукумати олдида иккита муҳим вазифа кўндаланг турибди:

- инфляциянинг ўсишига йўл қўймаслик;
- иқтисодиётда рецессия (иқтисодий ўсишнинг сустлашуви)дан қочиш.

Бу вазифаларни амалга ошириш қуйидаги элементларни ўз ичига олган иқтисодий сиёсат доирасида олиб борилаяпти:

- процент ставкаларини ўзгартириш. Валюта сиёсати бўйича Англия банки 1998 йилгача процент ставкаларини 7,5 % гача

оширди, бироқ кейинги йилларда процент ставкалари пасая бориб 5,5 % ни ташкил этаяпти;

- давлат харажатлари ўсишини чеклаш ҳисобига бюджет такчиллигини қисқартириш. 1998 йилда Молиявий акт эълон қилинди. Унга мувофиқ «Молиявий барқарорлик коди» амалга киритилди. «Код» ҳукуматга қарзлар капитал қўйилмалар учун талаб қилинганидан кўп бўлмаслиги ва жорий харажатларни молиялаштириш учун фойдаланмаслиги устидан назорат қилиш мажбуриятини юклади;
- давлат маблағларидан самарали фойдаланиш. Вазирликлар ва маҳкамалар харажатларни белгиланган даражасидан оширмасликлари лозим. Бу ҳукумат томонидан уч йил муддатга белгилаб қўйилган. Келажакда кўзда тутилган харажатлар таълим, касб ўқуви ва жамоат траспортига мўлжалланган;
- бюджетнинг даромадлар қисми учун алоҳида 10% солиқ ставкаси кўзда тутилган бўлиб, даромаднинг биринчи 1,5 минг фунт стерлингидан олинади. Даромад солиғини базавий ўзгаришсиз қолдирилди (23%), минимал иш ҳақи ҳажми соатига 3,6 фунт стерлинг ва аҳолининг энг кам ҳақ тўланадиган қисми учун солиқ кредитлари жорий этилди;
- хусусий инвестицияларни солиқ билан рағбатлантириш. Корпорацияларга солиқ ставкаси 31 % дан 30 %га камайтирилди, унча катта бўлмаган фирмаларга (йиллик обороти 300 минг ф.ст.) 21 дан 20 % га камайтиришди. Ҳукумат асосий эътиборни ўз компаниялари акцияларини сотиб олган ишчи ва хизматчиларни рағбатлантиришга қаратдилар;
- миллий товарларнинг рақобатбардошлигини ва меҳнат унумдорлигини ошириш. Савдо ва саноат вазирлиги инновацион фондини, фан тараққиётига ажратиладиган малблаг ҳажмини кўпайтириш. Ахборот технологиясини ривожлантириш соҳасида ишлаб чиқилган миллий стратегия, университетларда амалга оширилган илмий-техник, тажриба-тадқиқотлар, НИОКР ни коммерциялашга мўлжалланган махсус фонд ташкил қилинди;
- хусусий рақобатга тўсқинлик қилишга, белгиланган битимлар тизимини тақиқлашга қарши рақобатбардошлик ҳақида қонун қабул қилинди. Хусусий савдо бўйича бошқарма

компаниялардан рақобатга қарши фаолият шубха уйғотганда, ҳар қандай ахборотни талаб қилиб олишга, корхона раҳбарига жарима солиш ёки уларни икки йил муддатга қамаш ҳуқуқига эга. Қонунни бузган фирмага унинг товар оборотини 10% гача жарима солиш белгилаб қўйилди;

- Европа валюта иттифоқига киришга тайёргарлик. Ҳисобларни регистрация қилиш, компьютер дастурларига ўзгартириш киритишга давлат бюджетидан махсус маблағлар ажратиш.

Мамлакатнинг депрессив (турғун) ҳолатидаги районлари.

Буюк Британия иқтисодиёти айрим саноат регионлари ўртасида кескин фарқ билан характерланади. Буюк Британияда норасмий маълумотларда, на илмий ишларда аниқ қайси районлар **депрессив районлар** эканлиги ҳақида қатъий бир хулоса айтилмайди. Расман «таракқий этаётган районлар» ажратиб кўрсатилади. Яъни давлат рағбатлантираётган хўжалик объектлари жойлашган территориялар. Одатда уларга Шимолий район, Шотландия, Уэльс, Шимолий-Ғарбий район киритилади.

Депрессив (турғун) районларнинг қолоқлигига қуйидаги сабаблар кўрсатилади:

- янги ва янгилик етарли ривожланмаган шароитда «эскираётган соҳалар» га ихтисослашиш;
- анъанавий саноат соҳалари ва суст ривожланган инфратузилмаси ва хизмат кўрсатиш соҳаларига қарамлик;
- катта бозорларнинг ва қарорлар қабул қилинадиган марказдан узоқлиги;
- шу ҳолат ва депрессивлик оқибатида «ёмон инвестицион муҳит».

Депрессив районларнинг соҳавий таркиби. Шотландия - кўмир қазиб олиш, қора металлургия, кемасозлик, оғир машинасозлик, тўқимачилик саноатига ихтисослашган. Шимолий денгизда нефтга бой очик конлар кўп. Булар регионда химия ва нефтни қайта ишлаш корхоналарини ривожлантириш имконини беради. 90-йиллар охиридан бошлаб Шотландияда трансмиллий корпорация (ТМК)лар назорат қилувчи электрон саноати ривожлана бошлади.

Уэльс – кўмир қазиб олиш ва қора металлургия районга ТМКлар катта қизиқиш билан қараяпти. 20% чет эл қўйилмалари Уэльсга йўналтирилаяпти.

Шимолий район-кўмир қазиб олиш салмоғи юқори, қора металлургия, оғир машинасозлик, кемасозлик, химия саноати тараққий қилган. Саноатининг катта қисми шарқий районда жамланган. Шимолий районда эса ННКОРнинг заиф базаси сақланиб турибди, ривожланган хизмат кўрсатиш соҳаси, малакали ишчи кучлари ҳам етарли даражада эмас.

Шимолий-ғарбий район тўқимачилик саноати, кўмир қазиб олиш, қора металлургия, кемасозлик, машинасозлик ривожлангани билан характерланади. Хўжаликнинг катта қисми икки агломерацияда-**Ливерпуль** ва **Манчестер**да жамланган.

90- йиллардан бошлаб депрессив районларда янги соҳалар ривожлана бошланди: электроника, радиоэлектроника, автомобилсозлик, авиация приборсозлиги ва бошқалар. Аммо бироқ кўрсатилган районларда оммавий ишлаб чиқариш жойлашган бўлсада, бошқарув ва илмий бўлинмалар мамлакатнинг жанубида жамланган.

Шундай қилиб, Буюк Британияда регионал (минтақавий) ижтимоий-иқтисодий диспропорция мавжуд. Бу эса уларни юмшатиш учун давлат сиёсатининг зурурлигини тақозо этади: янги шаҳарлар, саноат ва илмий парклар, инқироз (кризис) районларига молиявий ёрдам кўрсатувчи марказлар ташкил этилиши зарур.

Ёрдам керак бўлган маълум ҳудудларда кўйидаги кўрсаткичлар ҳисобга олинади: ишсизлик даражаси, ишлаб чиқаришнинг ривожланиш даражаси, янги иш ўринларини яратиш истиқболлари.

Худудий сиёсатнинг асосий мақсадлари. – эски соҳаларни тез алмаштирувчи соҳаларга мослаштириш. Уларда бутун депрессия районлари иқтисодиёти жойлашган. 80-йиллар бошигача, «ривожлантириш районлари» га бошқа ҳудудлардан йирик компанияларни жалб этишга зўр берилди. Энг аввал Жанубий Шарқий районга, шунингдек ТМК лар жалб қилинди. Бунга қўшимча тўғридан-тўғри молиявий имтиёзлар йўли билан, ҳам инфратузилмани тараққий эттириш йўли билан эришилди.

90 – йилларга келиб кичик бизнесни ривожлантиришга урғу берилди. Аммо кичик фирмалар ахборотлар ва зарур капиталга, малакали ишчи кучларига, салмокли буюртмачилар ва бошқаларни талаб қиладиган алоҳида «ишчи муҳит» га муҳтож. Шу сабабли, яъни аҳоли пунктлари ва йирик саноат корхоналари жойлашган

марказлардан узоқда жойлашганлиги кичик бизнесни ривожлантиришига имкон бермади.

Буюк Британияда аҳоли зич жойлашган ҳудудлардан депрессив районларга уларнинг миграциясини рағбатлантириш бўйича давлат дастури (программаси) ишлаб чиқилган. Ғарбий Мидленддан ва Жануби-Шаркдан (нисбатан ривожланган районлар) **«ривожланаётган районлар»** га компанияларни ўтказиш маъқулланди. Айни пайтда Жанубий-Шарқий районларда янги қурилиш ишлари чекланди.

Ҳозирги пайтда минтақавий дастурни қўллаб-қувватлаш учун **«тадбиркорлик зонаси»** яратилаяпти. Бу унча катта бўлмаган ер участкасида саноат ва тижорат корхоналарини қуриш имтиёзли шартлар билан барпо этилаяпти. Унда ер ва мулк солиғидан 10 йилга озод қилинади, малакали кадрлар эса бепул тайёрланади.

Хукумат молиявий ёрдамни танлаб кўрсатаяпти: янги лойиҳалар қўллаб-қувватланади, қудратли ишлаб чиқариш, сифатли товарлар, хизматлар кўрсатиш ва ниҳоят фанталаб лойиҳалар маъқулланаёпти.

Давлат фанталаб корхоналарга лойиҳани амалга оширишда минимал зарур маблағлар ажратаяпти. Ёрдам 30 йил муддатга қарз сифатида берилади. Янги корхона барпо этишда ер сотиб олишни қоплаш учун 1 минг фунт-стерлингача қарз олиш мумкин.

Буюк Британияга минтақавий сиёсатни амалга ошириш учун ЕИ мамлакатларига аъзолиги ёрдам бераяпти. ЕИ мамлакатлари «ривожланаётган районлар»да компанияларга кўмак бераяпти, ёрдам лойиҳа қийматининг 20-30 % атрофида район «категорияси» га қараб белгиланади.

Мамлакатда минтақавий сиёсат ЕИ мамлакатларининг турли фонд ва муассасаларидан тўлдирилмоқда. Масалан, Буюк Британиянинг Европа фондида минтақавий тараққиёт квотаси (1975 йилда тузилган) 21,4 дан 28,5% гача унинг суммаси катталигида.

Буюк Британия фонди ташкил этилганидан буён 3 млрд. ф. стерлингдан зиёдроқ маблағ олди. Унинг 800 млн. ф-ст га яқини Шотландияга, 450-Уэльс ва Шимолий районга, 400 млн. ф-ст. Шимолий-Ғарбий районга келиб тушди. Маблағлар асосан фонддан графликлар ва округларга турли хил инфратузилма объектлари барпо этиш учун сарфланди. Айни пайтда эътибор минтақавий ривожлантириш дастурига қаратилмоқда: бу ҳолда харажатлар фонддан давлат харажатларини 55 % гача қоплайди.

Европа ижтимоий фонди ўз маблағларининг катта қисмини «ривожланаётган районлар» га йўналтирмоқда. У харажатларни 50 % гача тўлаяпти. Натижада ишини йўқотган кишиларни қайта ўқитиш, хўжалик ва саноат тармоқларини қайта қуриш, ишчиларни ишга жойлаштиришга ёрдам бераёпти.

Европа инвестицион банки «ривожланаётган районлар»ни эҳтиёжлари учун имтиёзли ссудалар билан таъминлаяпти. Бу ҳам 50 % гача харажатларни қоплашга ёрдам бераёпти. Буюк Британия инқироз районларига ёрдам Европа ҳамжамияти орқали кўмир ва пўлат, имтиёзли қарзлар, кончилар ва металлурглари ўқитиш, уй-жой қурилишига маблағ сифатида келиб тушаяпти.

Буюк Британия йирик бешта савдо мамлакатларидан бир сифатида АҚШ, Германия, Япония ва Франциядан кейин жой олган. У саноат моллари, нефт, химиявий моддалар, автомобиллар, авиа-космос учун маҳсулотлар, металллар, тайёр газмоллар ва машиналар экспорти бўйича Европада етакчи ўринни эгаллайди.

Буюк Британия экспортининг асосий йўналишлари -АҚШ (15 %), Германия (11,6 %). Франция (9,6 %), Нидерландия (7,3 %) ва Ирландия (6,9%) мамлакатларига қаратилган.

Буюк Британия - бу йирик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, хом ашёлар, тайёр ва оралик маҳсулотлари, шунингдек (ЕИ мамлакатлари ва Япониядан) импортчиси ҳисобланади. Мамлакат импортининг асосий манбалари - АҚШ (14 %), Германия (11,7 %), Франция (7,7 %), Нидерландия (6,1 %) ва Бельгия (4,8 %) давлатлари ҳисобланади.

Буюк Британия учун импорт қийматининг экспортдан ортиқ туриши характерлидир. Британия товарларининг ташқи бозорда сотилишини қийинлашишида фунт стерлинг курси динамикаси билан боғлиқ: бошқа валюталар билан таққослаганда унинг амалдаги курси энг юқори даражада туради. Буюк Британия экспортига ноқулай таъсир қилади ва рақобатни ўткирлаштиради.

Буюк Британия – Европалик бўлмаган инвесторлар - АҚШ, Япония, Жанубий Корея, Тайван учун бош инвестиция объектидир. Чет эл инвестициялари умумий суммаси 150 млрд. доллардан ошади. Хорижий инвесторларга Буюк Британияда 15 % дан кўпроқ ишчи ўринлари тегишлидир.

Франция иқтисодиёти. Франция - Ғарбий Европадаги энг йирик давлатдир. У ҳудудий жиҳатдан Европа Иттифоқида биринчи ўринни эгаллайди. Мамлакатнинг умумий ер майдони 544 минг

квадрат км.ни ташкил этиб, унинг учдан икки қисми текисликдан иборат. Бу ерни иқлим ўзгаришларига қараб уч хил минтақага бўлиш мумкин: яъни океан минтақаси (ғарбдан), ўрта ер денгиз минтақаси (жанубдан) ва континентал минтақа (мамлакат маркази ва шарқдан). Мамлакатнинг 82 фоиз ҳудудини, аниқроғи 45 млн. гектар майдонини қишлоқ хўжалиги ерлари ва ўрмонзорлар эгаллайди. Фақатгина ўрмонзорлар салмоғи жиҳатидан Франция Европа Иттифоқида Швеция ва Финляндиядан кейинги учинчи ўринда туради.

Мамлакат аҳолиси – 62 миллион кишидан ортиқ бўлиб, бир кв. км га 105 киши тўғри келади. Аҳолининг тенг ярмидан ортиқроғи шаҳарларда яшайди. Аҳоли сони жиҳатидан Франция Европада Германиядан кейин иккинчи ўринни эгаллайди. Мавжуд аҳолининг 93 фоизини французлар ташкил этади. Францияда туғилиш даражаси паст тахминан 1000 киши ҳисобига 12 та чақалоқ тўғри келади.

Франция – динга эркинлик берган давлат. Бу ерда қарийиб барча динларга мансуб аҳоли истиқомат қилади, яъни бу ерда католиклар 81,4 фоизни, мусулмонлар 6,9 фоизни, протестантлар 1,6 фоизни, иудистлар 0,4 фоизни ва бошқа диндагилар 8,1 фоизни ташкил этади.

Франциянинг салкам 26 млн. аҳолиси фаол аҳоли тоифасига киради. Улардан 19,5 миллиони доимий иши билан банд бўлганлар ва 3,1 миллиони ёки фаол аҳолининг 12,5 фоизи ишсиздир. Мамлакатда эркаклар аёлларга қараганда кўпроқ, яъни барча аҳолининг 53 фоизини эркаклар, 47 фоизини аёллар ташкил этади.

Франциянинг давлат тузилиши – республика бўлиб, уни давлат президенти бошқаради. Президент 7 йилга сайланади. Франция республикаси қуйидаги ҳолатда таркиб топган: мустамлака ерлар (22 та чегарадош ва 96 та маъмурий терри토리ал округ), 4 та денгизорти маъмурий терри토리ал округ (Гваделупа, Мартиника, Гвиана, Реюньон), 4 та денгизорти ҳудуд (Француз Полинезияси, Янги Каледония ороли, Уоллес ва Футуна, Жанубий ерлар ва Франция Антарктидаси), шунингдек, алоҳида ҳақ-ҳуқуқларга эга ҳудуд (Майор, Сен-Пьер Микелон).

Мамлакатнинг олий органи – парламент ҳисобланади. У сенат ва икки палатали парламентдан ташкил топган.

Франция Европа Иттифоқи (ЕИ), Евратом, Ғарбий Европа иттифоқи ва бир неча сиёсий ҳамда иқтисодий ташкилотлар аъзосидир. У 1949 йилдан буён НАТОга аъзо.

Франция кенг тараққий этган индустриал – аграр давлат. У кўпгина ерости қазилма бойликларига ҳам эга. Яъни бу ердан темир рудаси, тошкўмир, уран рудаси, боксит ва калий тузи кўп миқдорда қазиб олинади. Франция ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ва саноат моллари ишлаб чиқариш жиҳатидан у дунёда тўртинчи (АҚШ, Япония, Германиядан кейинги) ўринни эгаллайди. Четга маҳсулот экспорт қилиш (асосан машина ва замонавий технологиялар) бўйича ҳам тўртинчи, қимматли захираларга эгаллиги бўйича эса учинчи (АҚШ ва Япониядан кейинги) ўринни банд этган. Шунингдек, Франция Европада қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва четга экспорт қилиш борасида биринчи ўринда туради. Франция саноати маҳсулотлари космос, авиасозлик, алоқа ва телекоммуникация, энергетика, информатика, транспорт тараққиёти ва медицина соҳасида муҳим рол ўйнайди. Мамлакат Ғарбий Европадаги интеграциялашув жараёнларида ҳам фаол иштирок этади.

Франция иқтисодиёти учун характерли жиҳатлардан бири-йирик монополия маҳсулотлари ишлаб чиқаришдир. Айни кунда иккита йирик компания пўлат эритиш ва ундан маҳсулот тайёрлаш бўйича 70 фоизлик улушни, электр ва электр технологияси асбоб-ускуналари ишлаб чиқариши бўйича 50 фоизлик улушни ва автомобил ишлаб чиқариш бўйича қарийб 100 фоизлик улушни ўз қўлида ушлаб турибди. Энг монополлашган ишлаб чиқариши ҳарбий соҳадаги саноат молларидир. Эътиборлиси, французларга хос саноатлаштиришнинг муҳим кўриниши катта-катта ишлаб чиқариш объектларини бутунлай ҳокимлик тарзида эгаллаганликдир. Бундай ҳолатда мамлакатда юздан ортиқ саноат ишлаб чиқариш турлари 20 та шундай йирик мулк эгалари тасарруфида. Масалан, «Пежа-Ситреон» ва «Рено» монополистларида автомобил саноати, «Эльф-Акитен» монополистларида нефт саноати ва «Юнизор-Сянсилор» да қора металлургия, шунингдек, «Компания женерал электросите» да ядро энергетика, «Рон-Пуленка» монополистларида эса кимё саноати қабилар. Мазкур мамлакат иқтисодиётининг яна бир ўзига хослиги гигант, йирик корхоналар ҳамда кичик ўрта тадбиркорлик корхоналари капиталлари (маблағлари) марказлашган молиявий муассасаларда сақланмаслигидир.

Сўнгги йилларда Франция иқтисодиётида барқарор ўсиш кўпроқ француз монополистларининг хорижлик шериклар билан ҳамкорликдаги ишлашларида намоён бўлмоқда. Яъни, улар халқаро ишлаб чиқариш характерига эга бўлаётир. Масалан, «Рони-

Пуленка»нинг мавжуд товар айланмасида 60 фоизлик улуш хориж операцияларига тўғри келади. Умуман ҳозирги кунда мамлакат иқтисодий ҳаёти хорижга силжиш сиёсати асосида ўзаро боғланган ҳолда ривожланимоқда. Натижада катта сармояларга ва салоҳиятга эга бўлган қўшма корхоналар ташкил этилди. Масалан, 1989 йилда «Пежо» ва «Фиат» қўшма корхоналари иш фаолиятини бошлаган бўлса, кейинчалик иккита йирик компания – «Женерал электрик» ва «Альтом» лар ўртасида электр жиҳозлари, ҳамда темирйўл вагонлари ишлаб чиқариш борасида келишув йўлга қўйилди.

Франция иқтисодиётида молиявий операциялар ташкилий тизим шаклида юритилади. Хориж валюталари барча мамлакатлардагидан фарқ қилган ҳолда назоратга олинган бўлиб, улар алоҳида валюта айирбошлаш гуруҳлари ва уларнинг филиаллари орқали алмаштирилади.

Бугунги Франциянинг ўзига хос хусусиятларидан бири-банк операцияларида рўй бераётган пулларни ўзлаштириш ёки мақсадли фаолиятдан ташқари харажатларни содир этишга қарши қатъий чора кўрилганидир. Давлат капитали асосан саноатни ривожлантиришга йўналтирилган. Шу жиҳатдан банклар ҳам саноат компаниялари, қўшма корхоналар билан бир тан, бир жон бўлиб иш юритадилар. Саноат капиталлар эса ўз навбатида холдинг компаниялари, инвестиция жамғармалари ва компанияларнинг ҳудудий тараққий этиши учун йўналтирилади. Францияда мавжуд молиявий маблағнинг ташкил этилган шакли молиявий гуруҳ деб юритилади. **Молиявий гуруҳ** – бу саноатнинг, банкнинг, савдо монополиясининг, илмий-ишлаб чиқариш соҳаларининг топган маблағлари мажмуидир. Бу маблағлар нафақат саноатчилар ёки банк эгаларига берилади, балки у мамлакатда доимий равишда иқтисодиётни соғломлаштириш ва ривожлантириш учун сарф этиб борилади. Улар асосан кичик ва ўрта капиталистлар, омонат кассаларини суғурта қилувчи компаниялар ва ширкатлар (кооператив) шаклида ишлаётган меҳнаткашларга берилади. Франция иқтисодиётини юксалтирувчи бундай молиявий гуруҳ асосан тўртта (**«Париба», «Сюз», «Ротшильд» ва «Ампен Шрейдер» гуруҳлари**) ва шу сингари гуруҳлар мамлакатдан четда фаолият юритишди. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, Франциянинг иқтисодий тараққиётида кичик бизнес алоҳида рол ўйнайди. Бугунги кунда мамлакатда 35 мингдан зиёд кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари фаолият юритадилар. Уларда 2 млн.дан ортиқ аҳоли банд бўлиб,

мамлакат экспорт салоҳиятида бу қатлам 23 фоизни ташкил этади. Кичик ва ўрта бизнес субъектлари мамлакатда асосан мавжуд монополиянинг асосий кучи ҳисобланиб, таълим соҳасини янги технологиялар билан таъминловчи дастак сифатида хизмат қиладилар.

1980 йилда банкларга пул маблағларини қўйган омонатчилар турли молиявий хавф-хатарлардан қўриқлаш ҳамда мамлакатда фаолият юритаётган банклар бир-бирини қўллаб-қувватлаш учун Француз банклари ассоциацияси (ФБА)га аъзо. Француз банклари ҳеч қандай тўлови йўқ ва улар кафолатли жамғармалар тузмаган. Фақатгина инқирозга юз тутган ёки омонатчилар пуллари қайтармаслик даражага тушган банкка ассоциация тақсимотига кўра ҳар бир банк ўз молиявий улушини қўшади. Ҳамжиҳатлик нуқтаи назаридан олиб қаралганда бу механизм ФБАга аъзо банкларнинг истикболли фаолият юритиши ва омонатларни суғурталанишида ўзига хос кафолат ролини ўйнайди.

Франция ҳукумати мавжуд молиявий ресурсларни мамлакат ички иқтисодий алоқларига жалб этишнинг янгича йўлини фаоллик билан амалда қўллай бошлади. Бу иш асосан 1990 йил давлат тасарруфидаги мулк ва объектларни сотишдан бошланади. Мазкур жараёнда кўплаб йирик рентабеллик компаниялар, миллий иқтисодиёт учун стратегик аҳамиятга эга бўлган космик ва авиасозлик техникалари, телекоммуникация ва транспорт воситалари хусусийлаштирилди. Дунё бозорида ўз маҳсулотлари билан муҳим ўрнашиб олишда хусусийлаштиришнинг аҳамияти салмоқли экани вақт ўтиши билан ўз исботини топа бошлади. Шунинг баробарида катта компанияларнинг сотилишидан ва давлат капиталидан йиғилган маблағ мамлакат ичкарасида фаолият юритаётган айрим истикболли, аммо молиявий кўмакка муҳтож корхоналарни Ғарбий Европада фаолият юритаётган фирмалар билан ҳамкорликда ишлаши учун сарф этилди. Натижада тез орада ҳар қандай давлатнинг сифатли маҳсулотлари билан рақобатлаша оладиган ишлаб чиқариш корхоналари вужудга келган. Шулардан бири – «Франс теликом» бўлса, яна бири – «Аэроспасьяль» аэрокосмик концернидир. Давлатнинг дастлабки ташкил этган ҳамкорликдаги корхонаси «Аэроспасьяль» - «Матра» ҳозирда аэроавиатика ва аэросозлик саноатида маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича дунёда бешинчи ўринни эгаллайди. Шунингдек, нефт маҳсулотларини қайта ишлаш билан машғул бўлган «Тоталь» - «Петрофина» ва таълим соҳасида юқори

натижаларга эга бўлаётган «Рено» ҳамда Япониянинг «Ниссан» компаниялари эришаётган муваффақиятлар бугун нафақат Европада, балки дунё бўйича эътироф этилаётир. Нуфузли хориж компаниялари билан бу каби ҳамкорликдаги корхоналар фақат Франция учун эмас, балки Европа иқтисодиёти учун ютуқ бўлмоқда.

Иқтисодиётни бошқарадиган асосий шакллар.

Франциянинг биз таъкидлаган монополик капитали учун характерли жиҳатлардан бири молия ва пул-кредит муносабатлари барқарорлигини таъминлаб туришдан иборат. Агарда иқтисодиётнинг бу муҳим тармоқларида пасайиш даражаси сезилса давлат ушбу заҳиралардан фойдаланилади.

1980 йиллар ўрталарида Франция ҳукумати мамлакатда кенг кўламли хусусийлаштириш дастурини эълон қилган эди. Натижада ялпи ички маҳсулот улушида давлат сектори иштироки пасайди, яъни давлат иши билан банд бўлганлар 16 фоизни, ишлаб чиқариш билан банд бўлганлар 28 фоизни, жами пул айланма ҳаракатда 36 фоизни ташкил этди. Хусусий сектор эса электр энергия ишлаб чиқарилишида 70 фоиз, алоқа ва транспорт соҳасида 59 фоиз, авиация саноатида 84 фоиз, автомобил ишлаб чиқаришда 40 фоиз, курул-яроғ ишлаб чиқаришда эса 75 фоиз улушига эга бўлди. Давлат 90 фоиз депозит ва 85 фоиз кредит маблағларини ўз назоратига олди.

Францияда давлат мулки асосан уч хил шаклда бошқарилади:

- **миллий жамият шаклида.** (масалан, «Газ де Франс», «Электрисити де Франс», «Шарбонаж де Франс» банки ва бошқалар каби);
- **маъмурий бошқарув.** (Атом энергияси бўйича коммисариат, почта хизмати, тамаки ва гугурт саноати бошқаруви ва бошқалар);
- **«Аралаш иқтисодиёт» жамияти.** («Франсэз де петрол» компанияси). Бундан ташқари давлат мулкани ташкил этувчи жиҳатлар янги тармоқларда ишлаб чиқаришни йўлга қўйган (масалан, информатика, энергетика, ядро саноати, биоиндустрия) ва фаолияти турини ўзгартирган, кескин бурилиш ёқасида турган компаниялар саналади.

Аксарият мамлакатларда асосий маблағ, ички иқтисодий кенгайиш ва такрорий ишлаб чиқариш таъминоти каби вазифаларни давлат ҳал этмайди. Яъни, давлат бу борада ислоҳатчи эмас. Аммо, Франция учун характерли томони айнан шу – яъни бош ислоҳатчи

сифатида бу жараён идора этади, ҳатто тижорат банкларининг активлари ва ставка фоизларини доимий назоратида ушлайди.

Ривожланган бозор муносабатларига ўтиш даври режаси бошланган ўша 90-йиллар ўртасида дастлабки белгиланган мақсад мамлакатдаги мавжуд ишлаб чиқариш суръатини барқарор сақлаш, бозорнинг чет эл маҳсулотлари билан тўлишини камайтириш, ишсизлик келиб чиқмаслигини қаттиқ назорат қилишдан иборат эди. Бу вазифани уйдлаш учун мамлакатда 14 турдаги ноанъанавий тузилмалар ташкил топди. Бундан кўзланган мақсад эса аниқ эди: замонавий технологияларни ўзлаштириш, мамлакат ичкарасида юқори сифатли рақобат муҳитини яратиш, Европа бозорини эгаллашга кенг кўламли тайёргарлик кўриш ва бошқалар.

Мамлакат умумиктисодиётида давлат аралашуви кўлами Францияда АҚШ, Буюк Британия ва бошқа мамлакатлардан кўра анча юқори саналади.

Франция иктисодиётида замонавийлашган соҳалар тизими куйидагича ҳолатни ташкил этади: саноатда – 26 фоиз, қишлоқ хўжалигида – 4 фоиз, қурилишда – 5 фоиз ва хизмат кўрсатиш соҳасида 6 фоиздан иборат.

Охирги йилларда Франция иктисодиёти тизимида кескин ўзгаришлар кўзга ташланди. Саноат ишлаб чиқариш ҳажми анчагина ўсди. Жумладан, саноатдаги улуш ички маҳсулотлар ҳисобидан 50 фоизни, экспорт ҳисобидан эса қарийиб 90 фоизни ташкил этмоқда. Айниқса саноат тараққиёти автомобилсозлик, авиасозлик, электроника, атом энергетикаси, нефт кимёси ва маиший электр асбоблар ишлаб чиқариш соҳасида яққол кўзга ташланди. Бугунги кунда француз авиация-ракета саноати жаҳонда АҚШ ва Россиядан кейин учинчи ўринни эгаллайди. Шунингдек, кимё саноати, алюминий ишлаб чиқариш, радиоэлектроника саноатида ривожланиш салмоғи кескин ошмоқда.

Кейинги йилларда мамлакатда ҳарбий-аэрокосмик саноати ҳам динамик равишда юксалди. Бу ўсиш йиллик 10 фоизни ташкил этди. Шу қатори йиллик ўсишда фармацевтика (7 фоиз) ва электроника (6 фоиз) саноати ҳам доимий тараққиёт йўлига чиққан. Фақат йиллар салмоғини солиштирганда машинасозлик, станоксозлик ва темирйўл транспорти маҳсулотлари ишлаб чиқаришдагина ўзгариш сезиляпти, холос.

Информатика, аэрокосмик саноат, станоксозлик соҳаси учун зарур технология ва ускуналар ишлаб чиқариш учун икки томонлама

экспорт-импорт операциялари ва пўлатни қайта ишлаш, тўқимачилик хомашёси, органик кимё каби ярим тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ҳам француз саноатида ўзига хос хусусият касб этаётир.

Франция саноати кенг кўламдаги ва чуқур ўтказилган қайта куриш жараёни янги юксалиш йўлига чиқиб олди. Бу ўз навбатида фан-техника тараққиёти билан ўзаро узвий боғлиқ ҳолда олиб борилди. Ҳар йили Франция давлат илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланма (НИОКР) лари ривож учун ички даромаддан 2,2 фоиз миқдорида молиявий маблағ ажратади. Катта билим, салоҳият муштараклиги самараси ўлароқ тез орада электротехника, транспорт эҳтиёт қисмлари, аэрокосмик ва ҳарбий саноат учун зарур жиҳозлар ишлаб чиқарилишида ривожланиш кўзга ташланди. Сўнгги пайтда жаҳон оксоқланиши сезилаётган автомобил саноатида ҳам муҳим силжишлар бўлди. Дунё айниқса истеъмоли учун ўта аҳамиятли бўлган кемасозлик, чарм пойабзал, озиқ-овқат, ёғочни қайта ишлаш, металлургия, нефт хомашёси, шунингдек иссиқлик – энергетика ресурслари локализацияси, атом электроэнергетикаси каби соҳаларда янги ислоҳатлар жараёнини ўташ талаб этилаётган эди. Ҳозирда кечаётган бу жараён Францияни келгусида мазкур тармоқлар бўйича жаҳон бозорида янада катта салоҳиятга эга бўлишида ўз самарасини кўрсатади. Биргина энергетика захираси жиҳатидан мамлакат 77 фоизлик улушга эга. Франция ҳар йили 490 млрд. киловатт/соат электр энергияси ишлаб чиқариш қувватига эга. Умуман олганда мамлакат электр энергияси ишлаб чиқариш бўйича дунёда АҚШ, Хитой, Япония, Россия ва Канададан кейинги 6-ўринни банд этган.

Франция қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчи ва уни четга экспорт қилувчи дунёдаги етакчи давлатлардан бири саналади. Унинг табиий иқлим шароити бу ерда қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан мўл ҳосил етиштиришнинг имконини беради. Чорвачилик Франция қишлоқ хўжалигининг энг ривожланган тармоғи бўлиб, соҳада қўлга киритилаётган сармоянинг учдан икки қисми айнан шу тармоққа тўғри келади. Чорвачиликда эса наслчилик, бўрдоқчилик ва гўшт-сут йўналиши муҳим аҳамият касб этади.

Франция мол гўшти, ёғ, сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича дунёда нуфузли мамлакат сирасига киради. Масалан, у бу борада Европа Иттифокида иккинчи, дунёда эса бешинчи ўринни эгаллайди. Дон маҳсулотларидан - буғдой, арпа, шоли ва маккажўхори, шу билан бирга қанд лавлаги, картошка ва сабзават

экинлари етиштиришда ҳам Францияда катта тажриба тўпланган. Вино тайёрлашда у жаҳонда Италиядан кейин иккинчи, коньяк ишлаб чиқаришда эса биринчи ўринни эгаллайди.

Мамлакатда қишлоқ хўжалик майдонлари кўпгина ер соҳибларига бўлиб берилган. Хўжалик юритиш икки турда – **оилавий пудрат** ва **саноатлашган усулда** ташкил этилган. Француз қишлоқ хўжалиги янгича кечган ислохотлар туфайли соҳа жуда тез санотлашди, ҳеч қандай банк ва савдо маблағларисиз ривожланди. Агар илгари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари монополист ташкилотлар капитали воситасида қайта ишланган бўлса, ҳозирда соҳа ўз капитали, ўз корхоналарига эга. Франция қишлоқ хўжалиги мамлакатда ягона агросаноат мажмуаси таркибига киради.

Бу ерда 7 фоиз аҳоли қишлоқ хўжалиги соҳаси билан банд. Кичик фермалар кўп, ер эгаларининг ўртача ер майдони 23 гектарни ташкил этади. Аммо, ҳар йили фермер хўжаликлари сони камайиб бормоқмоқда (йиллик 2,5 фоиз). Шу боис сўнгги йилларда кичик хўжаликлар кооперативларга бирлашмоқда, натижада эса соҳа замонавий қишлоқ хўжалик техникалари билан бойимокда.

Айни пайтда деҳқонларнинг 80 фоизи ана шундай кооперативларга бирлашди ва уларнинг 600 таси жами ғалланинг 70 фоизини, сут ва сут маҳсулотларининг тенг ярмини етиштириб бермоқда. Француз қишлоқ хўжалиги кооперациясига уюшган барча кооперативлар қарийиб 4 мингтани ташкил этади ва мамлакатда етиштирилаётган қанд лавлаги, гўшт, узум, тамаки хом ашёсининг салмоқли қисмини етказиб беради.

Франция ташқи иқтисодиётида ташқи савдо асосий ўрин эгаллайди. Бу эса мамлакат иқтисодиётида катта мазмун касб этади. Франция жаҳон савдо ташкилотининг фаол аъзоси. Мамлакатнинг қарийиб бешдан бир қисмлик миллий маҳсулоти экспортга чиқарилади. Франция экспорт салоҳияти бўйича дунёда бешинчи ўринда туради. Жуда кам микдорда энергетик ва хомашё базасига эга. Шу боис ёкилғи ва кўпгина хомашёни четдан келтиради. Масалан, мамлакат ичкарасига 40 фоиз ёкилғи, 100 фоиз қалай, 10 фоиз хромли руда, пахта хомашёси ва 100 фоиз асал импорт қилинади. Мамлакат кўмир, кокс, нефт, темир рудаси, боксит, рангли металл, торф, ёғоч импорти бўйича дунёда етакчи ҳисобланади.

Ташқи савдода мамлакат замонавий технологиялар сотиш бўйича етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Шунингдек, Франция дунёда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, кимёвий товарлар,

яримфабрикат моллар, металл ва улардан ишланган буюмлар етказиб берувчи ва харид қилувчи йирик давлат бўлиб қолмоқда.

Айни даврда ташқи савдо мамлакат иқтисодиётининг асосий кучига айланган. У нафақат иқтисодни юксалтиришда рол ўйнайди, балки Франциянинг сиёсий майдондаги обрусини халқаро миқёсда ва Европа ҳамжамиятида кўтаришга хизмат қилади.

Франциянинг экспорт ва импорт операцияларида асосий савдо шериги Европа Иттифоқи давлатлари бўлиб қолмоқда. Бу иттиофок Франция ташқи иқтисодий айланмасида бешдан уч қисмга тенг. Германия, Италия, Буюк Британия, Бельгия, Испания, Люксембург каби давлатларникига солиштирганда, уларнинг ташқи савдодаги улушлари учдан бир қисмга эга экани яққол кўринади.

АҚШ – Франциянинг энг йирик иқтисодий ҳамкори ҳисобланади. У шунингдек, капитал экспорт ва импорт қилувчи кўзга кўринган давлат ҳамдир. Четга капитал қўйиш бобида у АҚШ, Япония, Швеция ва Нидерландиядан кейин туради. Инвестициянинг беришидан асосий мақсади биринчи навбатда мамлакатнинг ҳар томонлама тараққиётини кафолатлашдир. Бу манфаат йўлида француз фирмалари бошқа ривожланган мамлакатлардан фарқли ўлароқ, ўз маблағларидан инвестициялар киритишади. Уларнинг иқтисодий тараққиёт ва ҳамкорлик ташкилоти (ОЭСР) йўналиши бўйича четга берган инвестициялар салмоғи 13 фоизга ўсди.

Франция ўзи учун хорижий инвестицияларни ҳам киритишдан манфаатдордир. Бу маблағлар асосан мамлакатнинг банк, молия, хизмат кўрсатиш, суғурталаш фаолиятларига йўналтирилмоқда. Кечаги бу сармоялар француз иқтисодиётида муҳим рол ўйнаш билан бирга янги технологиялар, тажриба ва кўникмалар олиб келади. Бу эса француз фирмаларининг янада ривожланиши учун имкониятлар яратади ва савдо балансининг янгича муваффақиятларга эришишини таъминлайди.

Италия иқтисодиёти. Италия Республикаси Европанинг жанубида, Апеннин яриморотида, Сицилия, Сардиния ва кичик ороллар қўйнида жойлашган. Ҳудуди – 301 минг кв. км. Аҳоли сони 58 млн. дан ортиқни ташкил этади, уларнинг 98 фоизи эса италянлардир. Пойтахти – Рим. Асосий дини католик.

Давлат тузуми-республика. Давлат бошлиғи-президент. Қонун чиқарувчи ҳокимият сенат ва палата депутатларидан иборат парламентдир.

Италия НАТО блоки аъзоси. У Ғарбий Европа интеграциясининг фаол аъзоси. Айнан 1957 йилда Европа иқтисодий ҳамжамияти (ЕИХ) ни тузиш ҳақида битим имзоланган. У аграр – индустрия соҳада кенг тараққий этган давлат. Дунё ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) да унинг улуши 3 (уч) фоизга тенг. Аҳоли жон бошига ЯИМ қарийб 20 минг долларга тўғри келади. Мамлакат маҳсулоти ҳажмини дунё саноати моллари билан солиштирганда 3,2 фоизни (дунёда 6-ўрин) ташкил этади. Ҳар хил кўрсаткичлар бўйича олиб қараганда, қуйидаги манзара ҳосил бўлади: саноат ва қурилиш- 35 %, турли хизматлар – 6%, қишлоқ хўжалиги -4%.

Қишлоқ хўжалик тармоғида қарийб 18 млн. аҳоли банд бўлиб, ўртача фермерлар майдони Европа Иттифоқининг бошқа мамлакатларидагидан анча кам яъни 7 гектар. Италия ер ости бойликлари унчалик бой давлат эмас. Бу ерда асосан кам миқдорда кўмир, нефт, рух, кўрғошин, олтингугурт, симоб, боксид ва мрамор қазиб олинади.

Италия иқтисодиётининг ўзига хос томони аксарият мулкнинг йирик монополистлар ихтиёрида эканидир. Масалан, учта йирик хусусий монополист фирма- «Монтэдисон», «ФИАТ», «Пирелли» давлат иқтисодий тузилмасининг асосини ташкил этади. Мамлакатдаги ИРИ, ЭНИ, ЭФИМ, ЭНЕЛ сингари иқтисодий ташкилотлар Италиядаги ана шу-«ФИАТ», «Фальк», «Монтэдисон», «Занусси», «Сина-Викоза», «Оливетти» каби салоҳиятли фирмалар иқтисодиётнинг ички ва ташқи алоқалардаги капитал муаммоларини назорат қилади.

Саноати. Саноат - Италия иқтисодиётининг барқарорлигини таъминловчи соҳа бўлиб, у мамлакат ялпи ички маҳсулотида 35 фоиздан зиёд улушга эга. Мамлакат ишчиларининг тенг ярми шу соҳада фаолият юритади. Италия саноати тизимининг муҳим кўриниши саноатдаги мавжуд барча йўналишлардаги захираларни катта миқдорда ишлаб чиқариш ва кам миқдорда фойдали қазилмаларни қазишда акс этади. Ҳозирда нефт, нефткимё, кимё, металлургия, электроэнергетика, автомобил, машинасозликнинг бир неча соҳалари, станоксозлик, табиий ва синтетик тола маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича Италия саноати юқори суратда тараққий этмоқда.

Замонавий технологиялар ишлаб чиқиш бўйича Италия дунёда етакчи мамлакатлар сирасига киради. Яъни бу борада у АҚШ ва Япониядан кейинги 3 ўринни эгаллайди.

Қишлоқ хўжалиги. Мамлакатнинг бу соҳаси учун аҳамиятли томони, фаолият юритишдаги капиталистик тузимига хос эскича усулининг давом этиб келаётганидир. Давлатнинг жануб ва шимоли бу соҳада асосий куч саналади. Қишлоқ хўжалиги хом ашёсининг кўп қисми мамлакатнинг ўзида қайта ишланади. Уруғчилик ривожига эса алоҳида эътиборга эга. Ғалла, маккажўхори, лавлаги, шунингдек, мева ва узум етиштиришда юқори маданиятга эришилган. Қишлоқ хўжалигини янги технологиялар билан таъминлаш ва унумдорликка эришиш бўйича Италия Европа Иттифоқи мамлакатлари ичида етакчи ҳисобланади. Иш юритиш фермер хўжаликлари шаклида ташкил этилган.

Италия иқтисодийети мамлакатдаги мавжуд кичик ва ўрта бизнес тараққиёти билан характерланади. Бу халқ истеъмоли моллари, енгил саноат ва кўпчилик кабиларда бозор конъюнктурасига тез мослашадиган соҳадир. Мамлакатнинг ҳар бир кичик тадбиркорлик фирмасида ўртача 100 киши ишлайди ва улар бир ёки икки хил маҳсулотни тайёрлашади. Ихтисослашган кичик корхоналар «монополистик бирлашма»га уюшган. Бу уюшма-конгломерат ўз зиммасига ижтимоий таълим ва халқ истеъмоли маҳсулотларини тўлиқ етказишдек маъсулиятни ўз зиммасига олган.

Италия **туризм** соҳасини ривожлантириш бўйича иқтисодий-географик имкониятга эга. Ҳар йили бу ерга 30 миллиондан ортиқ сайёҳлар ташриф буйиришадилар.

Хўжалик бошқарувидаги ислоҳат. Мамлакатда бу борада кечган ислоҳатларнинг асосий йўналиши алоҳида бошқарувни йўлга қўйишда ўз аксини топган. Италияда йирик капитал аҳоли қўлида экани билан характерланади. Шу боис мамлакат бу маблағларни молиявий холдинг компаниялари орқали назорат қилиш тизимини йўлга қўйган.

ЕИ мамлакатлари ичида Италия бозори бошқарувчилик вазифасини ўтайди. Истиқболсиз ва бюджетидан қарзи юқори бўлган давлат тасарруфидаги мулкларни хусусийлаштириш ўз самараларини бермоқда. Ҳозирда бу жараён натижасида 30 та давлат сектори корхоналари, жумладан «Телеком» (1,5 млн. акциядорга эга), энергетика гуруҳлари суғурта компаниялари хусусий мақомга эга бўлди. Эндиликда темир йўл тармоғида ҳам алоҳида башқарувни йўлга қўйиш ислоҳатлари бормоқда.

Давлат маблағларини соғломлаштириш. Қайта куриш ҳар қандай мамлакатда хўжалик бошқарувини янгилаш билан бирга

маъмурий бошқарувда ҳам ислоҳатлар жараёни кечишини талаб этади. Бу эса Италия бюджет федерализми моделини муваффақиятли амалга оширилишида ва бу орқали ҳудудий ва маҳаллий ҳокимият бошқарувида ҳам талай ҳуқуқларни беради. Бу ҳуқуқлар мамлакатда ҳам иқтисодий, ҳам маъмурий бошқарув борасида Италиянинг Европа Иттифоқи давлатлари орасида мавқеини оширмоқда. Бу ислоҳатлар самараси ўлароқ мамлакат иқтисодиёти Европа валюта тизимига аъзо давлатлар орасида бюджет тўловлари танқислиги 7% дан 3% га тушди.

Италия иқтисодиётида **солиқ, соғлиқни сақлаш, нафақа (пенсия) таъминоти** тизимларида ўтказилган ислоҳатлар ўз самарасини бермоқда. Мамлакатда кечаётган солиқ борасидаги ўзгаришлар натижасида солиқ тўловлари соддалаштирилди, инвестиция фаолияти кенгайишига замин яратди. Солиқлар ҳажми 53,2% дан 37% га туширилди. Акция, қимматли қоғозлар операциялари учун солиқ учдан икки қисмга пасайтирилди. Тадбиркорларнинг соғлиқни сақлаш жамғармасига тўланадиган бадаллари олиб ташланди.

Меҳнат бозори. Мамлакат жанубида ишга яроқли аҳолининг 18 % и ишсизлик даражасида турибди, бу эса иқтисодий балансга ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди. Шу нуқтаи назардан ҳокимият меҳнат бозорини ташкил этишга оид қонунчиликда кўзда тутилган жиҳатларга алоҳида эътибор қаратди. Янги иш ўринлари яратиш учун кичик ва ўрта бизнес корхоналари ташкил этишга кенг имкониятлар яратди. Меҳнат бозори ислоҳати 1992 йилдан бошланди ва босқичма-босқич амалга оширилиши натижасида ишсизликка бирмунча барҳам берилди. Ҳатто четда ишлаш миграция ва ташқи савдода кенг фаолият юритишга замин яратилди. Бундай шароитлар учун 1996 йилдан бошлаб бошқа давлатлар билан шартнома (контракт)лар тузилди. Иш билан таъминланган тадбиркорлик фирмалар уч йиллик иш ҳаки солиғидан озод қилинди.

Ер ислоҳатини амалга ошириш билан боғлиқ саъй-ҳаракатлар мамлакатда ер захираларидан кенг кўламда фойдаланиш имконини берди. Бу куйидаги йўналишда ўз аксини топган. **Биринчидан**, ер 30 йил муддатга йиллик 3,5 % лик тўлов билан ижарага берилган. **Иккинчидан**, йирик мулкдорларга фойдаланиш имкони бўлмаган ортиқча ерлар берилиб, компенсация имконияти билан 25 йил муддатга мўлжалланган 5 фоизлик қимматли қоғозлар жорий этилган. Бундан кўзланган мақсад унумсиз ерларни манфаатдорлик эвазига

маданийлаштиришдир. Ислохатлар самараси ўлароқ кооперативлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда ва қайта ишлашда имтиёзлар ва қўшимча пул, маблағлари, техникалар билан таъминландилар.

Ҳозирги кунда ҳам мавжуд бўлган «Шимол-Жануб» муаммоси аслида XIX асрнинг иккинчи ярмига бориб тақалади. Чунки Италия 1361 йилгача битта князликдан таркиб топган мамлакат бўлиб, унинг шимол ва маркази капиталистик, жануби эса феодализм тузуми остида эди. 1860 йилда Шимолий Италия қироли Пьемонт қўлга киритган Гарибальди инқилобидан кейин Бурбонов династияси, жанубдаги Сицилия қироллиги ва Неопол ҳамда Палермони ўз таркибига қўшиб олади. Мана, 100 йилдан ошиқ вақт ўтибдики, «Шимол-Жануб» муаммоси ҳокимият учун актуал масала бўлиб турибди. Ҳозирда шимолда иқтисодиётнинг барча соҳасида ривожланиш бўлгани, аксинча жанубда бу борада етарлича муаммолар мавжудлиги сабаблари кўп. Бу эса ўз навбатида Италия сиёсий ва иқтисодий ҳаётига ҳам ўз таъсирини кўрсатиб келмоқда.

XX асрнинг ўрталарида бир оз муддат Шимол ва Жануб ўртасида бирлашув барҳам берилганди. Ўшанда маҳсулот ишлаб чиқаришда, масалан ип-газлама моллари тайёрлашда икки томон натижаларида қарийиб тафовут сезилмаганди. (Ғарбий ва Шимолий қисмда йиллик 16 млн. метр, жанубда -13 млн. метр) Ўшанда Жанубий Италия саноатининг айрим турлари ишлаб чиқариш бўйича Шимолни ортда қолдиришни ҳам уйдалаган.

Биз юқорида ҳозирда Шимол ва Жануб борасидаги тараққиётнинг икки хиллигида бир неча сабаблар борлигини айтгандик. Булар қўйидагиларда ўз аксини топган:

- XX аср бошларида кечган капитализмга ўтиш жараёни қишлоқ хўжалиги соҳасида феодал тузумига сингиб кетган Жанубликлар ҳаётида зиддиятларни келтириб чиқарди. Яъни, йирик ер эгалари-феодализм тасарруфларидаги ерларнинг бўлиниб кетишига тиш-тирноғи билан қаршилик қилдилар ва ўз мақсадларига эришдилар. Бу пайтга келиб Шимолда капиталистик жамиятга ўтиш тез суръатлар билан амалга ошганди;
- янгича тузумни ўзлаштирган Шимолий Италияда корхоналар сони ортгани сайин ишчи кучига, хомашёга талаб кўпая борди. Натижада Жануб хомашёни етиштириб берадиган ва ўзаро меҳнатни ташкил этадиган ҳудудга

айланди. Ўтган асрнинг 50-йилларига келиб, Шимолий Италияда юксалиш жанубликлардан бир неча ҳисса ортиб кетди;

- иккинчи жаҳон уруши Жануб иқтисодиётини янада орқага сурди. Италия урушда кўп нарсаяўқотди. Миллий бойликларнинг аксарияти йўқ қилинди. Аҳоли ва жамоат иншоотлари, кўприклар, портлар бузилиб кетди. Денгиз флоти умуман инкирозга юз тутди. Юзага келган иқтисодий бўҳронга барҳам бериш, иқтисодиётни оёққа турғизиш учун асосий куч кишлок хўжалиги истиқболли бўлиб қолди. Оқибатда жануб ерларида кўп ҳосил олинди, уни шимолда қайта ишлаб, фойда олиш, қурилиш ва бунёдкорлик ишларига сарф этилди. Бу эса Жанубий Италиянинг ижтимоий-иқтисодий турмушига салбий таъсирини ўтказди.
- икки томон иқтисодиётидаги тафовутлардан яна бири-Жанубнинг Шимолга қараганда паст даражада ривожланганлигидир. Бу ер порт, темир йўл, бошқа телекоммуникация тизимлари Шимолдан фарқли равишда кам имкониятга эга. Ерлари ҳам унумсиз, қуруқ ер. Бу ерда ортиқча меҳнат ва кўп харажат эвазига ҳосил олинади.
- аҳолининг жойлашиши ва зичлиги, шунингдек, Жанубда аҳоли сонининг ортиши Шимолга қараганда йиллик 1,5 фоиз юқорилиги ҳам сабаблардан бири ҳисобланади.

Шундай қилиб «Шимол-Жануб» муаммоси ечимига урушдан кейин, 1950-1960 йилларда фаол киришилди. Бу ҳаракат **«Ванино режаси»** деб аталди ва у қуйидаги йўналишда муаммони ҳал этишга киришди:

- жануб районларига қўшимча кувватлар киритишди, шахсий капиталларни ҳудуд ривожланишига жалб этилди;
- давлат корхоналари даромад маблағлари мавжуд соҳалар тараққиётига жалб этилди ва шу мақсадда «Жануб кассаси» ташкил топди. Шимолдаги кичик корхоналар бу кассани маблағ билан таъминловчилари бўлди.

Аммо «Ванино режаси» Италия иқтисодиётини ўсиши ва Жанубнинг ривожланишини таъминлай олади. Қайтанга бу уриниш ЕИ давлатлари ичида мамлакатни анча обрусизлантиради ва ҳудудий номутаносибликни юзага келтирди. Масалан, 1980 йилда Жанубнинг ялпи даромади Шимолники билан солиштирганда 59 % ни ташкил этган бўлса, Янги аср бошига келиб, бу кўрсаткич 50 % га тушиб

қолди. Шимолда ишсизлик 10 % бўлган бўлса, Жанубда эса у 18 % га етган. Иқтисодчилар таъбирича, давлат Европа интеграциялашуви сари бориб, бу икки иқтисодий ҳудуднинг муносабатларини чекласа Шимолий Италия Европа бозорида ўз мавқеига эга бўлади, аммо Жанубий Италияда иқтисодий танглик юзага келади.

Шимол ва Жануб ўртасидаги иқтисодий кескинликни келтириб чиқараётган муносабатларни яхшилаш учун қатор муаммолар кўндаланг бўлиб турибди. Аниқроғи бу қуйидагилардан иборат:

- **алоқалар мустаҳкамлашиши учун Жанубда кескин тараққиёт юзага келтирилиши керак.** Ҳеч бўлмаганда давлат бошқаруви бу ерда йирик корхоналар барпо этилишини талаб қилиши ва ўз назоратига олиши лозим;
- **жанубдаги ишсизлик ва аҳоли миграцияси муаммоси.** Ҳукумат шу кунгача бу муаммолар бўйича қатъий дастурга эга эмас. Шу боис Жанублик аҳолилар ҳатто оилавий бўлиб четда ишляпти. Ҳали бу муаммо Италия ҳукумати учун етарли ташвиш туғдиради.
- **жанубда кичик корхоналарнинг камлиги муаммоси.** Шимолнинг йирик компаниялари ҳар қандай ЕИ га аъзо давлатлар фирмалари билан ҳамкорликка кириша олади ва улар билан рақобатлаша олади. Жануб корхоналари эса бу корхоналар билан тенглаша олмайди. «Ванино режаси» га кўра ташкил этилган давлат корхоналари ҳатто ички бозорга ҳам тўла кириб боролмаяпти. Шунингдек, Италия ва хориж компанияларининг бу ҳудудда капитал ва инвестициялар соҳасида ҳаминқадар ишончли ҳамкорлари кам, жиноий вазият қарор топган. Қўпоровчилик ҳаракати мавжудлиги боис Жанубга хориж капитали кам даражада жалб қилинади. Ғарбий Европа, АҚШ ва бошқа давлатлардан келадиган сайёҳларидан тушадиган маблағлари эса кўп ҳолларда мафия қўлига тушади.
- **жанубий Италия қишлоқ хўжалиги муаммоси.** Юқорида таъкидлаганидек, Жануб ерларида иш ҳалигача эски феодаллик тузуми усулида юритмоқда. Бу эса соҳада етарли натижа бермаётир. Хусусий бойлар сони кескин кўпаймоқда. Италия 1970 йилларда қишлоқ хўжалиги соҳасида чуқур ислохатларни бошлаган эди. Яъни ерларни йирик кооперативлар ихтиёрига бўлганди. Бу ислохат жуда секин давом этмоқда.

- **мафия ва уюшган жиноий гуруҳларга қарши курашиш муаммоси.** Мана, мамлакат қирқ йилдан буён Жанубда кўним топган Сицилия мафиясига қарши курашади. Аммо натижаси гуёки кумга сепилган сувдек. Ҳеч қандай ижобий натижа бермаяпти. Бу уюшган жиноятчилик гуруҳи ҳаракати Жануб иқтисодиётининг тараққий этмаётгани таъсирини кўрсатмокда.

Умуман олганда, Италия учун муаммо бўлган «Шимол-Жануб» Европа Иттифоқи мамлакатлари иқтисодиётига ҳам етарли таъсир келтирмокда. Шу боис ЕИ га аъзо давлатлар бу ҳудуддаги тангликни бартараф этиш учун индустрия, капитал маблағлар, илмий-техник ресурсларни киритиши лозим бўлади.

Италиянинг географик жойлашиши Яқин Шарқ, Шимолий Африка, Жанубий ва Марказий Европа мамлакатлари билан иқтисодий алоқалар қилишга жуда қулайдир. Унинг тараққиёти бевосита ташқи алоқаларни яхшилаш билан боғлиқ бўлади. Аммо, бу ерда табиий ресурсларнинг етишмаслиги бу муддаонинг кенг кўламда жорий этилишига имкон бермайди. Экспортсиз эса мамлакат иқтисодиётда кўзланган мақсадига эришиб бўлмайди. Шу нуқтаи назардан мамлакатда сўнгги ўн йилликда экспорт ўсиши қуйидагича кўринишга эга бўлди:

- Бутунжаҳон савдо ташкилоти (БЖСТ) доирасида мамлакат 1994 йил баҳоридан бошлаб пошлина учун божларни пасайтира бошлади. Натижада ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) тайёрлашда 2 % лик ўсиш кузатилди;
- 1993 йилдан трансмиллий корпорация (ТМК)лар бу ердан барча соҳалардаги маҳсулотларни эркин сотиб олишлари учун эшиклар очиб қўйилди. Харидорларни кўпроқ фармацевтика, косметика ва замонавий технологиялар саноати қизиқтирди. Натижада экспорт улушида АҚШ, Швецария, Англия, Франция ва Германия фирмаларининг ўрни салмоқли тус олди;
- экспорт салоҳиятида кредит ва суғурта тизимида жорий этилган имтиёзлар алоҳида мазмун касб этди. Бу соҳаларни соддалаштириш ва амалиётга доимий тадбиқ этиб бориш мақсадида 1978 йилда ташкил этилган кредитларни суғурталаш миллий институтида ихтисослашган экспорт кредитларини суғурталаш (CAZE) бўлими очилди. Бу бўлим фаолиятини давлат молия вазирлиги ўз назоратига олди. Унинг асосий функцияси узок, ўрта ва қисқа муддатли экспорт

кредитларинини суғарталаш, экспорт мукофатларини тақсимлашдан иборат бўлди. CAZE ҳозирда ҳам 150 та мамлакатнинг экспорт кредитларини суғурталаган.

Айни кунда бу бўлим Италиядан олиб кетилаётган замонавий технологиялар, лицензия ва патентлар, шунингдек, инвестиция ва хомашёларни харид қилинишидаги маблағларни ҳам суғурта қилмоқда. Бу илгаридек, учинчи давлатнинг воситачилик фаолиятига чек қўйди, эндиликда бу бўлим нуфузи ҳам ошган.

Италия тажрибасида экспорт кредити икки хил фирмалар ва банклар кредити йўналишларига эга. Фирма кредитлари хорижлик ишбилармонлар учун воситачилик харажатларини йўқ қилган ҳолда тақдим этилган кредитнинг 75-80 фоизини давлат кафолати бўйича сақлашни, банк кредити эса тузилган шартнома бўйича 80-85 фоизигача давлат кафолатини беришни ўз зиммасига олган:

- экспортни рағбатлантириш учун экспорт қилувчилар турли хил тўловлардан озод қилинади;
- муддатда кўрсатганидан эртароқ импорт қилишган ва маҳсулотни қайта ишлаб экспортга чиқарган мижозлар божхона пошлиналарини тўламайдиган бўлишди;
- давлат бюджетига қайтарилмаган катта ҳажмдаги маблағлар мамлакат саноат корхоналарини модернизация қилиш, экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва рақобатбардош товарлар салмоғини оширишга йўналтирилди.

Шундай қилиб, Италия сиёсати миллий экспортни рағбатлантириш орқали мамлакатнинг асосий ҳудудларида том маънодаги иқтисодий сиёсатни вужудга келтирди.

Назорат саволлари

1. Жаҳон иқтисодиёти такрор ишлаб чиқариш асосий босқичларини айтинг.
2. Таркибий кризис ва уларни 90-йиллар охиридаги хусусиятлари ҳамда моҳиятини аниқланг?
3. Такрорий ишлаб чиқариш жараёнларида монополиянинг роли ва ўрнини аниқланг?
4. Илмий-техника прогресслари (ИТП) шакллари ва моҳиятини айтинг?
5. Ривожланган мамлакатларда такрорий ишлаб чиқаришни характерланг?

6. Ривожланган мамлакатларда давлатнинг тартибга солиш методларини кўрсатинг.
7. АҚШ табиий–ресурслар потенциални характерланг.
8. АҚШ иқтисодиёти ҳозирги замон ҳолати нима билан характерлидир.
9. Миллий иқтисодиёт ўсиши асосий омиларини айтинг.
10. Америка иқтисодиётни бошқариш модели асосий қирралларини ажратинг?
11. Ҳозирги замон босқичида АҚШ ташқи савдо стратегиясининг асосий хусусиятлари қандай?
12. Канаданинг жаҳон хўжалигидаги ўрни ва ролини аниқланг?
13. Канаданинг иқтисодий тараққиёти хусусиятларини айтиб беринг?
14. Канадада иқтисодий ислохатларининг асосий йўналишларини кўрсатинг?
15. Канаданинг АҚШ ва Мексика билан ўзаро алоқаларини характерланг.
16. Жаҳон хўжалигида Япониянинг ўрнини таҳлил қилинг.
17. Япония иқтисодиётининг ҳозирги ҳолати нима билан изоҳланади?
18. Япония иқтисодиётини тез ривожланишига қайси омиллар таъсир этган?
19. Япония антикризис мўлжаллари нимадан иборат?
20. Ҳозирги босқичда Япония ташқи алоқалари йўналиши асосий хусусиятлари қандай?
21. Жаҳон хўжалигида Ғарбий Европа мамлакатларининг ўрни ва ролини айтинг.
22. Ғарбий Европадаги интеграция жараёни қай мазмунда ниҳоясига етди?
23. Ғарбий Европа иқтисодиёти қайси маҳсулотлари билан ўзига хос хусусиятга эга?
24. Қўшилган Германия иқтисодиёти ва сиёсатини таҳлил қилинг.
25. Иккала Германиянинг қўшилиши қандай натижаларни келтириб чиқаради?
26. Буюк Британиянинг жаҳон хўжалигида тутган ўрни ва ролини айтинг.
27. Буюк Британия иқтисодиёти соҳаларига таъриф беринг.
28. Буюк Британиянинг турғун-дегрессив ҳолатдаги районларини айтинг.

IX Боб. РИВОЖЛАНАЁТГАН МАМЛАКАТЛАР ЖАҲОН ХЎЖАЛИК ТИЗИМИДА

1.8. Жаҳон хўжалигида ривожланаётган мамлакатларнинг тутган ўрни ва роли

Ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётининг тараққиёти ташқи иқтисодий алоқалар ривожин билан бевосита боғлиқ. Улар мавжуд фонд (мулк) ларни замонавийлаштириш ва кенгайтиришда, шунингдек, ижтимоий ва иқтисодий номуносибликни енгиллатишда муҳим аҳамият касб этади. Дунё экспортида ривожланаётган мамлакатларнинг улуши салкам 30 % ни ташкил этади. Жумладан саноат моллари – 21 % дан, машинасозлик маҳсулотлари 20 % дан иборат. Сўнгги йилларда ривожланаётган мамлакатлардан тайёр маҳсулотлар экспорт қилиниши анча мустаҳкамланди. Аммо шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ривожланиш босқичидаги мамлакатларга янги технологияларни тўлиқ жорий этиш осон кечмайди. Бунинг учун улар аввало муҳим вазифа саноат тараққиётига ҳар томонлама эришмоқлари лозим. Бунда ихтисослашган кадрлар, коммуникация масалалари, зарур шарт-шароитлар яратилиши маълум вақт ўтишини талаб этади. Халқаро меҳнат тақсимоти (ХМТ) да барча реал импорт эҳтиёжлари ва экспорт имкониятлар мажмуида акс этади. Бу мамлакатлар учун халқаро ташқи даромад олишдаги мустаҳкам, ишонарли манба бўлиб қолади.

Дунё бозорида ривожланаётган мамлакатлар мавқеининг ўзгариши саноатлаштириш стратегиясида экспорт борасида қарамлик динамикасининг пасайишини кўрсатади. Масалан, 1960 йилларда ривожланаётган мамлакатларда импорт ўрнини босувчи товарлар ишлаб чиқарилиши ривожлангани боис, дунё бозорида экспорт ҳажми 25 % гача қисқарди. Албатта, бундан Хитой мустасно. 1970 йилларда эса бу кўрсаткич яна 10 % га камайди. 80-йилга келиб эса бу борада ривожланиш янада юксалди. Саноат экспорти сумма миқдори сўнгги ўн йил ичида 9,9 бораварга ўсди. Халқаро меҳнат тақсимидаги асосий таркибий ўрнида саноат маҳсулотлари экспорти эндиликда техник мураккаблик томондан жадаллашади.

Ривожланаётган мамлакатларда анъанавий товарлар экспорти янгитдан тақсимланишни келтириб чиқарди. Бунда тараққий этаётган давлатларнинг жаҳон бозорида ўз ўринларини эгаллашлари учун

кўшимча экспорт ресурсларни излаб топиш, дунё бозоридаги нархларда арзонлашаётган хомашё ресурслари савдосидаги муҳитни ўзлаштириш, ривожланган мамлакатлар томонидан ташқи савдодаги қаттиққўлликни чеклаш ва талабни ўзгариб боришини ўрганиш қатъий талаб этилади. Бу ерда экспортнинг хилма-хиллиги асосий ролни ўйнайди: яъни хомашёни қайта ишлаш ва жаҳон бозорига турли-туман тайёр саноат маҳсулотлари билан кириб бориш самара беради.

Сўнгги ўн йилликда ривожланаётган мамлакатлар дунё бозорида хизмат кўрсатиш турини мустаҳкам эгаллашга уринмоқдалар. Яъни биринчи навбатда сайёҳликни. Масалан, Миср давлати учун туризм мамлакатга валюта киритиш бўйича учинчи ўринда туради. Айниқса бу соҳа Туркияда гуркираб ривожланмоқда.

Ривожланаётган мамлакатлар экспортнинг ўзига хос хусусияти ишчи кучи экспортда намоён бўлмоқда. Бу мамлакатларга киритилаётган чет эл валютасининг йиллик ўсиши 10 % ни ташкил этмоқда. Покистонда ишчи кучи ортидан келаётган фойда хорижга экспорт қилинаётган товар ва кўрсатилаётган хизматлардан 5 баравар кўп бўлмоқда. Миср ялпи ички маҳсулоти улушида бу йўналиш орқали 40 % фойда келаётган бўлса, Мароккода – 50 %, Туркияда- 60%, Ҳиндистонда бу кўрсаткич 80 % ни ташкил этмоқда.

Маҳсулот ишлаб чиқариш тизимидаги силжиш ва ўз эҳтиёжини қондириш учун ривожланаётган саноатлаштириш жараёни сифатли импорт маҳсулотларида ишлаб чиқариш имконини беради. Ривожланаётган мамлакатлардаги ўзини таъминлашнинг ўсиши четдан тайёр маҳсулотлар импортини қисқаришига олиб келяпти. Айни пайтда бу каби мамлакатларда импортга факат миллий хўжалик маҳсулотлари, ёнилғи, маъданли ва қишлоқ хўжалик хомашёлари киритиш мўлжалланган.

Ривожланаётган мамлакатларда техника импортига мойиллик юқори. Шу боис ҳам трансмиллий корпорация (ТМК)лар ички савдосида техника экспорти юқори кўрсаткични кўрсатмоқда. Ривожланаётган мамлакатларнинг янги технологияларни харид қилаётганлигини қуйидаги уч гуруҳга бўлиш мумкин:

- техника ва замонавий ускуналар – Осиё мамлакатларига.
- тўғридан-тўғри чет эл капиталлари – Лотин Америкаси мамлакатларига.
- тухфа сифатида техник ёрдамлар – Африка мамлакатларига.

Импортга келтирилган технологиялар иқтисодий ўсишни рағбатлантиради, зарур молия воситаларини талаб этади. Ялпи ишчи кучларини яратади. Бу эса ривожланаётган мамлакатларга катта имконият беради. Шунингдек, ишлаш, интилиш муҳтожликдан қутқаради, иқтисодиётни юксалиши ва мамлакатнинг барқарор ривожланишига катта туртки беради.

2.8. Ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётининг асосий хусусиятлари.

Дунё хўжалиги ривожда асосий йўналишлардан бири ривожланаётган мамлакатлар аҳолисининг бу ерда кечаётган ислохат жараёнларига фаол ёндашувидир. Булар кучли табақаланишни келтириб чиқариши ҳам мумкин. Агар 1950 йилда ўсиш жараёнларини ўзлаштирган аҳоли 34 та мамлакатни ташкил этиб, иқтисодий ўзгариш 2,4 баробарга ошган бўлса, унинг акси бўлган мамлакатлар 47 тани ташкил этган. 2008 йилга келиб эса бу кўрсаткич -3,5 бараварига ортиши кузатилган. Дунё хўжалигида бой мамлакатлар ва камбағал давлатлар ўртасидаги иқтисодий тафовут 2004 йилда 20:1 тенгликни ташкил этган эди.

БМТ маълумотларига қараганда, бугунги кунда ривожланаётган мамлакатлар жаҳон ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) даги улуши 48,9 % ни ташкил этади. ЯИМ да бу аҳолининг йиллик маҳсулоти 500-1500 АҚШ доллариға тенг. Аксарият йирик мамлакатларнинг ЯИМдаги қайта ишлаш саноати борасида улуши йилига 10 гача юқориламокда, холос.

Ҳар қанча бўлсин турли-туман йўналишлар билан ўз иқтисодиётини ривожлантираётган мамлакатларнинг ўзига хос хусусиятлари ушбу кўринишида ўз аксини топади:

- кўп укладли иқтисодиёт. Яъни турли мулк шакллари ва ҳар хил хўжалик турларининг яхлитлигини таъминловчи иқтисодиётни ташкил этиш. Қатор ривожланаётган мамлакатларда давлат монополиясига тегишли катта-кичик кооператив, умумий мулклар хусусий ва индивидуал мулкдорларга берилади. Ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётида давлат укладлари етакчи ўринни эгаллайди. Укладлар ўзининг баҳоси, характерли томонлари билан аҳоли турмуш тарзига ҳам таъсир этади. Айниқса қишлоқ хўжалиги энг қадимги укладлардан саналади. Хусусий

капиталистик уклад эса мулкдорликнинг асосий шакли ҳисобланади. У асосан савдо, хусусийлаштириш, суғурта ва хизмат кўрсатишда ривожланишни яққол намоён этади;

- тараққиётга кичик тадбиркорликни жорий этиш кичик бизнес субъектларини вужудга келтириш саноат, қишлоқ хўжалиги ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришни таъминлайди. Чунки кичик корхоналар йирик корхоналардан фарқли ўлароқ, кам маблағ эвазига қисқа муддатда истеъмолчи талабига мос маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятига эга. Кичик ва ўрта корхоналар фан ютуқларини ишлаб чиқаришга тез жорий этиши қобилияти билан ҳам аҳамиятга молик;
- дунё хўжалик тизимида қарамлик ҳолати ташқи иқтисодий алоқаларда яққол намоён бўлади. Иқтисодиёт тузилишини қолоқликдан чиқаришда кичик тадбиркорлик тараққиёти, аграр-хомашё заҳирасини ўзлаштириш, жамоавий ишлаб чиқаришни такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Бугун Ғарб давлатлари бу ислоҳатларни жорий этиб бўлганлар ва ташқи иқтисодий алоқаларни юқори савияда йўлга қўйиб олишган;
- ижтимоий жамият тузилиши. Жамоавий мулкчилик ҳам зарур. Чунки у жамоа муносабатлари ва фуқаролик ташкилотларини шакллантиради. Зеро, қамабағаллик, аҳоли кўпайиши, ишсизликнинг юқори даражага келиши ривожланаётган мамлакатлар характериға хос хусусият.

Халқаро иқтисодий ташкилотларга аъзо бўлган ривожланаётган дунё мамлакатларининг иқтисодий ўсишдаги тобелик даражаси куйидаги категорияға бўлинади:

- аҳоли жон бошиға юқори даромад олувчи мамлакатлар (Бруней, Қатар, Қувайт, Бирлашган Араб амирлиги, Сингапур ва бошқалар);
- аҳоли жон бошиға ЯИМ да ўртача кўрсаткичға эга мамлакатлар (Ливия, Тунис, Уругвай, Парагвай ва бошқалар). Уларнинг фаолияти учун хомашё ва аграр соҳаға ихтисослашув, саноат хилма-хиллигига эришув асосий хусусият саналади;
- қашшоқ мамлакатлар. Бу гуруҳға тропик Африка, Жанубий Осиё ва Океания, ҳамда қатор Лотин Америкаси мамлакатлари киради. Қашшоқ мамлакатлар ҳудудида жаҳон

аҳолисининг 2,5 % и яшайди ва уларнинг дунё ЯИМидаги маҳсулот улуши 1% ни ташкил этади. Ривожланмаган мамлакатлар учун ташқи омил тараққиёт учун асосий рол ўйнайди. Афсуски, бу мамлакатларда қашшоқликдан қутулишга ўз кучлари билан уриниш керакли натижани бермайди.

3.8. Чет эл капитали ва унинг миллий давлат тараққиётига таъсири

Трансмиллий корпорация (ТМК)лар ва ривожланаётган мамлакатларининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида хориж капитали ўзининг катта таъсирини кўрсатади. 1950 йиллар бошида АҚШ, Буюк Британия ва Франция капитали ривожланаётган мамлакатларнинг тахминан 70-100 % игача нефт, табиий газ, минерал ресурслари заҳираларини назорат қиларди. Шунингдек, ривожланган давлатлар маблағлари Жануби-Шарқий Осиё, Африка ва Лотин Америкаси қишлоқ хўжалигининг катта қисмини ўз измига олганди. 1960 йиллар охирига келиб чет эл корхоналари ва улар киритган капитал ривожланаётган мамлакатларнинг жами 25 % лик маҳсулотига эгаллик қилди. Аммо, йилдан йилга бу кўрсаткич камайиб борди. 2008 йилга келиб хорижий корпорацияларнинг филиаллари капитали бундай мамлакатлар ЯИМ ининг 7 % ини ташкил этди холос. Мавжуд ишлаб чиқарилган маҳсулот экспортининг 30 % и эса албатта ТМК воситалари орқали амалга оширилди. Марказий Америка, Кариб ҳавзаси ва Осиёдаги ТМКлар корхоналари ички бозорнинг хомашё ва ярим тайёр маҳсулотларини ўз капитали билан назорат қилиб келмоқда. Жаҳон банки берган маълумотларга қараганда, Шарқий Осиё мамлакатларига 40 %, Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзаси мамлакатларига 37 %, Марказий Осиёга 18 %, Жанубий Осиёга 3,5 %, Яқин Шарқ ва Шимолий Африка мамлакатларига 1% хусусий капитал маблағлари жалб этилган.

XX асрнинг охирларида ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётида чет эл капитали катта ўрин эгаллайди. Дунё микёсидаги ЯИМ бўйича бу ўсиш ўртача 4% ни ташкил этади.

Иқтисодий тараққиёт қолоқликни енгишда ишлаб чиқариш ва савдони ўзаро боғлиқлик билан олиб бориш вазифасини кўндаланг қўяди. Шунингдек, иқтисодий сиёсат ривожланаётган мамлакатларнинг иқтисоди оёкка туриб олишларида давлат

корхоналарини хусусийлаштириш, ташқи дунё билан очик иқтисодиёт алоқаларни ўрнатиш, давлат тараққиётини таъминлаш учун бозор муносабатларини шакллантириш каби ислохатларни тезлатишни талаб этади.

1960 йил ўрталарида ривожланаётган мамлакатлар БМТ таркибида «77» номли такомиллашаётган давлатлар гуруҳини ташкил этди. Ҳозирда бу гуруҳдан 132 мамлакат жой олган. Такомиллашаётган мамлакатлар ривожланаётган мамлакатларга ўз ЯИМларида 1%, шу билан бирга ёрдам сифатида 0,7 % маблағ бераптилар. Бу талабни ривожланган мамлакатлар алоҳида қўллаётгани йўқ. Аммо ривожланаётган мамлакатлар билан ўзаро иқтисодий алоқаларда бу кўмаклар ўз ифодасини топмоқда.

Ривожланаётган мамлакатларга узоқ муддатли инвестицияларни киритиш ЯИМ салмоғининг ўсишига катта ёрдам беради. Инвестиция ҳисобига умумий тарздаги улуш 27 % гача бўладиган бўлса, ундан келадиган фойда, яъни хусусий ресурслар 72 % фоизгача ошади. Шу жиҳатдан хориж капитали Осиё, Африка ва Лотин Америкаси иқтисодиётида асосий ролни ўйнайди. Шунинг ҳам таъкидлаш жоизки, капитал жалб қилувчи мамлакатларнинг ишлаб чиқариш соҳаларига бевосита хорижий инвестицияларнинг киритилиши ва унинг ўсиб бориши, бу давлатларни иқтисодий қолоқликдан тезроқ қутилишининг асосий шартларидан бири саналади. Чет эл инвесторлари мамлакатнинг давлат корхоналарини хусусийлаштирилишининг тезлашиши ва янги иш ўринлари яратилишига хусусий мулкдорлар сафи кенгайишига салмоқли ҳисса қўшади.

Жаҳон иқтисодиёти ривожланишида ҳам инвестицияларнинг ўрни бекиёс. Масалан, 2006 йилда ишлаб чиқаришга 650 млрд. АҚШ доллари миқдорида тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари киритилган бўлса, рақам инвестиция киритилиши борасида 1990 йилга нисбатан 4 бараварга ошганини кўрамиз. Ҳозиргача эса инвестиция портфели ўсишидаги салмоқ 6 мартага кўпдир. Албатта чет эл инвестициялари тақсимоотида Осиё давлатларига Хитой, Сингапур, Индонезия, Малайзия, Лотин Америкасида Мексика, Бразилия, Бермуд, Аргентина ва Африка давлатларида (Миср, Нигерия) олдинги ўринда туради.

Чет эл инвестицияларни жалб этиш билан ривожланаётган мамлакатлар муаммолари буткул ечилиб қолмайди. Албатта, қайта айрим масалаларда кескинлашув пайдо бўлиши мумкин. Масалан:

- аксарият инвестициялар тараққиёт жараёни барабар бўлмаган, истиқболли мамлакатларга киритилади (Хитой, Мексика, Бразилия каби);
- чет эл инвестицияси жалб этишда рақобатни кучайтиради;
- имтиёзлардаги зиддиятлар: хориж инвестицияси кўпроқ хусусий корхона соҳибаларини қизиқтиради. Инвестиция портфелига эга бўлган мулкдор кўпгина имтиёзларга ҳам эга бўлади. Ўз навбатида бу имтиёздан фойдаланувчилар ҳам бориб-бориб бир-бирига рақиб бўлиб қолишади.

Тан олиб айтиш керак, жалб этилган чет эл инвестицияси фойдаси ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиёти ўсишида сезиларли равишда натижа берди. Сўнгги йилларда ушбу сармоялар сабаб кўпгина ривожланаётган мамлакатлар экспорт салоҳиятларини оширишга эришдилар. Ҳатто, ташкил этилган қўшма корхоналар маҳсулоти ташқи бозорда ҳар қандай мамлакат товарлари билан тўлиқ рақобатлаша оладиган даражадаги сифатга эришди. Шундай қилиб ривожланаётган мамлакатлар хориж инвестицияларининг янги манбаларини жорий этган ҳудудлар сафига киришди.

Чет эл инвестициясини жалб этиш борасидаги иқтисодий силжишларни Ҳиндистон мисолида кўриш мумкин. Бу йирик давлат-дунё маҳсулот ва меҳнат бозорида катталиги жиҳатидан Хитойдан кейинги иккинчи ўринда туради.

Алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, жалб этилган чет эл капитали Ҳиндистон иқтисодиёти тараққиётига таъсирининг ўзига хослик томони бор. Бу хориж инвесторлари учун истиқболли саналган аҳолининг кўп қисми ёшлардан ташкил топганидир. (Ҳиндистон аҳолисининг 58 % и ёшлар, ёхуд ўртача ёш – 24 ни ташкил этади). Мисол тариқасида келтириш мумкинки, ривожланган Ғарбий Европа давлатлари ва Япония доимий равишда қаррилар сони ошаётган мамлакатлар сирасига кирмоқда. Гарчи шундай бўлсада озчилик ёшлар нафақат йирик корхоналарнинг истеъмол товарларида етарлича улушга эга бўлишаётир, балки юқори технологияли маҳсулотлар (компьютер, телекоммуникация воситалари), замонавий хизмат турлари (суғурта, ахборот, туризм) ишлаб чиқаришда ҳам етакчи бўлишаётир.

Муҳими, Ҳиндистонда юқори малакали илмий-технологик билимларни ва бошқарувликни ўзлаштираётган ходимлар катта қисмни эгаллайди. Бу борада Ҳиндистон АҚШдан кейинги ўринда туради. Бешта ҳинд технология институти ва тўртта бошқарувни

ташкил этишни ўргатадиган олий ўқув юртларида дунёда шуҳрат қозонган касб сирлари ўқитилади. Химия, автомобилсозлик, электр ва ядро саноати, қурилиш ва озиқ-овқат саноати бўйича ихтисослашган кадрлар етишиб чиқмоқда. Чет эл инвестицияси жалб этилишида Ҳиндистоннинг ютуғи ҳам шунда. Айни вақтда Ҳиндистон ривожланаётган мамлакатлар орасида таъминот борасидаги қайта ишлаш, технологик ва электрон воситалар ахбороти бўйича етакчи саналади.

Чет эл инвесторлари Ҳиндистонда асосан инфратузилмани яратиш ва ривожлантириш, меҳнат маданиятини шакллантириш ҳамда ташаббускорликни қўллаб-қувватлаш йўналишида ўз фаолиятларини юргизишяпти. Бу ерда барча товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишлар хусусий сектор қўлида. Давлат корхоналари асосий коммунал хизматлар ва шу йўналишдаги инфратузилмалар билан шуғулланади.

Ҳозирги Ҳиндистон яқин келажакда чет эл инвестициясининг жалб этиш ва ўзи капиталини экспорт қилиш бўйича катта ишлар қилмоқда. Шу мақсадда ҳукуматнинг қарийиб барча мамлакатда ваколатхоналари очилди ва шу мақсадда семинар ва тадбирлар ўтказмоқда.

Ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётининг ўсиши учун қарзга катта маблағ олиш одати алоҳида мазмун касб этаётир. Аммо бу йўл билан дунё хўжалиги тизимида кредитор қарздорлик йилдан-йилга ошиб бормоқда. Кўпгина ривожланаётган мамлакатлар бу кредитларни олгач, ҳар йили экспортдан келаётган даромадларининг 30-40 % ини шу қарзлардан қутилишга сарфлашади. Бу эса ривожланиш учун ноқулай вазиятни, яъни кредитлар нархининг ошиши, суғурта кафолатларини талаб этиш, кредит суммаларини тарқатиш муаммоларини келтириб чиқаради. Ҳозирда ривожланаётган мамлакатларнинг умумий қарздорлиги 1,8 трлн. АҚШ долларида ошган.

Жаҳон банки экспертлари маълум қилишича, сўнгги ўн йил ичида ривожланаётган мамлакатлар катта қувват билан дунё бозорига кириб боришяпти, айниқса, «бешта йирик иқтисодий салоҳиятга эга» - **Хитой, Ҳиндистон, Мексика, Бразилия ва Россия** мамлакатлари «Кейинги юз йиллик чорагида юзага келган гигант иқтисодиётли давлатлар» га айланди. Жаҳон иқтисодиётида МДҲ ва Шарқий Европа мамлакатларининг улуши ортиши тахмин қилинмоқда.

Экспертларнинг ишонч билдиришича, яқин йиллар ичида глобал иқтисодиётда Хитой, Мексика, Бразилия, Ҳиндистон Россия ва бошқа мамлакатлар тез интеграциялашувга кириб кетади ҳамда жаҳон бозорида нуфузли ўрин эгаллайди. Бундай тараққиётга эришиш бу мамлакатларда сўнгги чорак аср мабайнида қайта қуриш ва бозор тамойилларини тез ўзлаштирганликда кўринади. Тахминларга кўра, бу беш мамлакат 2020 йилга бориб, дунё ялпи маҳсулоти етиштириш бўйича 16 % лик улушни эгаллайди.

4.8. Ривожланаётган мамлакатларда саноатлаштириш модели ва тараққиётдаги йўли

Ривожланаётган мамлакатларда қолоқликни тугатишнинг стратегик воситаси-хўжаликни саноатлаштириш, яъни халқаро меҳнат тақсмоти (ХМТ)ни чуқурлаштиришда қайта ишлаш саноатини ривожлантиришни жадаллаштириш. Бунинг натижасида кўшимча иш ўринлари яратилиши билан бирга барча иқтисодий тармоқларнинг замонавийлашган тизими юзага келишини таъминлайди, янги иқтисодий тартиб жорий этилишига замин ҳозирлайди.

Ривожланаётган мамлакатлар ишлаб чиқаришидаги ўзига муносиблик тамойилларига кўра саноатлаштириш қуйидаги модел асосида ташкил этилган:

- энергетика, металлургия ва химия каби стратегик аҳамиятга эга саноат турларини хусусийлаштириш ҳамда истеъмолга жорий этиш. Бу модел миллий мулкни йирик корхоналар ҳолида ташкил этиб, уни кўрсатмалар тарзида бошқариш йўлга қўйилади. Ҳозирда бу усул Жазоир, Эфиопия, Миср, Вьетнам каби давлатларда ўз аксини топган;
- хориж капиталини чекланган ҳолда импорт ўрнини босувчи иқтисодиётнинг етакчи тармоғи - оғир саноат ривожланишига аҳамият қаратиш (Лотин Америкаси давлатлари каби). Бунда импортёрлардан бу миллий саноат тармоғини такомиллаштириш борасида ички истеъмол учун бўлган эҳтиёжини доимий тарзда қондириш талаб этилади;
- экспорт йўналишини аниқлаш, яъни ташқи бозорга маҳсулотларнинг алоҳида турларини чиқаришни белгилаб, саноатнинг шу турига асосий кучни жалб этиш. Шу мақсадда чет эл инвестициясини тармоқнинг билим ва кўп меҳнат

талаб қилувчи маҳсулот ишлаб чиқарилишига киритиш асосий вазифа саналади. (Осиё ва Тинч Океани худуди мамлакатлари сингари).

Ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётида кечаётган ислохатларда Жаҳон банки (ЖБ) ва Халқаро валюта фонди (ХВФ) асосий молия муассаси ролини ўйнамокда. Бу ташкилотлар ривожланаётган мамлакатлардаги хусусийлаштириш ва саноатлаштириш жараёнларининг фаол иштирокчиси бўлаяпти. Истаймизми-йўқми ҳар қандай хўжалик тараққиётида тармоқларни саноатлаштириш биринчи масала бўлиб қолади. ЯИМда улуш куйидагича кўриниш касб этганди: қишлоқ хўжалиги тармоғи-31,6%, саноат – 26,6%, шундан қайта ишлаш – 15,6 %, хизмат кўрсатиш – 42,8 % бўлган – 2004 йилда эса бу ҳолат бошқача кўриниш намоён этди. Яъни, қишлоқ хўжалиги тармоғи – 15,6 %, саноат -34,5 % ва шундан қайта ишлаш -19,1 %, хизмат кўрсатиш эса 50,1 % кўрсаткични ташкил этди. Ўтган даврдаги саноатлаштириш тизимидаги ўзгаришларни таққослайдиган бўлсак Африка ва Жанубий – Шарқий Осиёда ўсиш бундан ҳам юқори бўлганини кўрамыз.

Ривожланаётган мамлакатлар олдида ўзида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар кўламини кенгайтириб, уни интеграциялашувига жорий этиш вазифаси юкланган. Айниқса халқаро истеъмол аҳамиятига молик бўлган маҳсулот экспортига эътибор қаратиш юқори натижа беради. Масалан, кўпгина ривожланаётган мамлакатлар микроэлектрон технологияларни юқори сифат билан ишлаб чиқариб, бу товарларни бозорга таклиф этиши кутилган натижани берди. Бундай мамлакатлар қаторига Ҳиндистон, Мексика, Аргентина, Жанубий Корея давлатларини киритиш мумкин. Уларда металл қирқиш дастгоҳлари, металлургия учун замонавий ускуналар, кимёвий, озиқ-овқат, енгил саноат маҳсулотлари, шунингдек, тракторлар, транспорт воситалари эҳтиёт қисмлари ва қишлоқ хўжалик техникалари ишлаб чиқариш ва уларни экспортга чиқариш кенг йўлга қўйилган. Шуни ҳам қўшимча қилиш керакки, бу мамлакатлар ривожланаётган мамлакатлар орасида ўта мураккаб ҳисобланган машинасозлик, юк кўтариш кранлари, темир прессловчи дастгоҳлар, электр ва дизелли локомотивлар, самолётлар ва танкерлар ишлаб чиқаришда ягона саналади.

Ривожланаётган мамлакатларда пўлат эритиш саноати айниқса юқори савияда ривожланмокда. Бразилия, Венесуэла, Ҳиндистон ва

Мексикадаги йирик корхоналарда мавжуд бўлган пўлат эритувчи технологиялар замонавийларига алмаштирилмоқда. Бунинг учун чет эл инвесторлари ўз сармояларини очик кўнгил билан киритаётирлар.

Мамлакатлар иқтисодиёти тараққиётида йирик корхоналар алоҳида ўрин эгаллайди. Шу боис транс миллий корпорация (ТМК)лар Африканинг кўпгина қашшоқ мамлакатларида йирик компаниялар фаолиятини йўлга қўйишга ҳаракат қилмоқда. Шу сўнги йилларда Мадагаскарда, Сьерра-Леонеда, Либерияда, Мозамбикда йирик корхоналар ташкил этилди. Натижада бу мамлакатларда ҳам саноат ривожлана бошлади. Майда маҳсулотлар, қишлоқ хўжалик хом ашёларини ярим фабрика ҳолатида қайта ишлаш, маҳаллий истеъмолга зарур товарлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, бу борада кенг хизмат кўрсатиш турлари ҳам жорий этилди. Ўз навбатида маҳаллий аҳоли ривожланган технологияларда меҳнат қила бошлади.

Ривожланган давлатлардан фарқли равишда ривожланаётган мамлакатларда хизмат кўрсатиш соҳасининг тараққий этмагани халқаро меҳнат тақсимоотида ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Масалан, бу мамлакатларда юқори технология ва илмий хизматларга, шунингдек, алоқа, телекоммуникация ва молия тизими соҳаларида хизмат кўрсатиш қониқарсиз аҳволда. Мавжуд бўлган оддий хизмат турлари фақат мамлакат ичкараси тадбиркорлари учунгина хизмат кўрсатиш имкониятига эга холос. Энг ёмони, бу мамлакатларда транспорт ва алоқа соҳалари давлат монополияси сирасига киради.

Қишлоқ хўжалиги соҳасига замонавий технологияларни киритиш жаҳондаги барча ривожланаётган мамлакатлар учун энг оғир масала бўлиб қолапти. Масалан, бу ҳудудларнинг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги 80 % лик майдони ирригация тизимини янгилашни тақозо этади. Бу ерларда сувнинг ифлосланиши оқибатида инсон истеъмол қиладиган оддий маҳсулотларнинг калорияси тобора пасаймоқда. Бу ҳолат 2004 йиллар бошида аҳоли жон бошига ривожланаётган мамлакатларда 100 % ни ташкил этди. Албатта, кейинги пайтларда бу томонга яхши ўзгаришлар қилиш учун ҳаракат қилинмоқда. Аммо, ҳалигача бу муаммо Осиё ва айниқса Африкада ўткир муаммолигича қолмоқда.

1970 йил охирларига келиб ривожланаётган мамлакатларда «**яшил инқилоб**» деб аталувчи ҳаракат амалга оширилди. Бунинг натижасида йирик давлатлар ва халқаро ташкилотлар молиялари эвазига озиқ-овқат моллари тайёрлаш муаммоси қисман ҳал этилади. «Яшил инқилоб»нинг бажарган ишлари асосан жадаллик билан

ривожланиш мумкин бўлган қишлоқ хўжалик ҳудудларида ўз аксини топди. Танланган бундай районларда аввало ишчи кучи етарли бўлди, бу ерга илғор техника ва технологиялар киритилди, сара уруғчилик ва юқори ҳосилдорлик манбалари жорий этилди. Бу эса танланган ҳудудларда етиштирилган маҳсулотнинг нафакат ички истеъмол бозорини таъминлашга эриштирди, балки сифатли тайёрланган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини четга экспорт қилиш имконини ҳам берди.

Ўз навбатида «яшил инқилоб»нинг салбий томонлари ҳам бўлди. Яъни, юқорида айтилганидек, барча имкониятлар қулай шароитга эга бўлган ҳудудлардагина яратилди. Бу номутаносиблик оқибатида бошқа ҳудудлар бу жойларга тобе бўла бошлади. Қишлоқ хўжалигидаги тараққиётда ҳам икки хил ўзгариш рўй берди, яъни бундай ҳудудлар катта фойда туфайли замонавийлаша борган бўлса, бу ердан олис воҳалар қишлоқ хўжалиги соҳасида қолоқлик гирдобига тобора ғарқ бўлаверади. Масалан, Ҳиндистон, Хитой, Ливия, каби мамлакатларда бир томондан йирик қишлоқ хўжалик корхоналари ташкил топиб, ривожлана борган бўлса, иккинчи томонда хўжалик юритиш эскича усулда қолаверди. Фақатгина сўнгги ўн йил мобайнида Жанубий, Жанубий-Шарқий ва Шарқий Осиёда қишлоқ хўжалигини модернизациялаш (замонавийлаштириш) кенг ёйилди. Натижада бу ҳосилдорликка катта таъсир кўрсатди.

Бугунги кунда ривожланаётган мамлакатларни умумий иқтисодий тараққиётга эришиш даражаси ва умумсоҳа тизими ривожигаги мавжуд имкониятлари ўлчови бўйича катта иккита гуруҳга бўлиш мумкин. **Биринчиси** – нефтни экспорт қилиш имконига эга мамлакатлар, **иккинчиси** – янгитдан саноатлашаётган мамлакатлар.

5.8. Нефт экспорти билан шуғулланувчи мамлакатлар тараққиётининг ўзига хос хусусиятлари.

Нефт экспорт қиладиган мамлакатлар ташкилоти – (ОПЕК) – нефт казиб олувчи, экспорт қилувчи ва нефт савдосига шароит яратиб берувчи ривожланаётган мамлакатлар ишини мувофиқлаб туриш учун ташкил этилган. ОПЕКка аъзо давлатлар 13 тадир: Алжир, Венесуэла, Габон, Индонезия, Ироқ, Эрон, Қатар, Қувайт, Ливия,

Нигерия, Бирлашган Араб амрлиги (БАА), Саудия Арабистони ва Эквадор. Ҳозирги кунда дунё нефт маҳсулоти истеъмолида бу давлатларнинг нефт қазиб олиш улуши 50 % ни, экспорт қилиш эса 80 % ни ташкил этади.

Нефтни экспорт қилувчи мамлакатларнинг асосий белгилари аҳоли жон бошига даромаднинг юқорилиги, мустаҳкам табиий, хомашё имкониятига эга эканлиги, қулай иқтисодий-географик шароитда жойлашуви, энергетик хомашё ва молия бозорида етакчи рол ўйнашида намоёндыр. Бу мамлакатларда нефтдан келадиган фойда эвазига аксарият аҳоли йирик сармоядорга айланишган.

1970 йилгача юқорида номлари айтилган давлатлар даромади, паст эди. Чунки у пайтларда уларга 1 баррел нефтдан келадиган даромад 2,5 АҚШ долларида ошмасди. Бу пайтда бу давлатларда нефт қазиб олиш учун илғор технологиялар йўқ эди. Шу боис бу юмушни концессия олган чет эл инвесторлари бажарарди ва қазиб олишдан тушадиган ялпи фойданинг 90 % ини ўз ихтиёрларида қолдиришади.

1970-1975 йилларда ОПЕКка аъзо давлатларда кечган энергетик кризис нефт нархининг 1 баррелини 32 долларга ошишига олиб келди. Оқибатда концессия (рухсатнома) шартномаси бўйича ишлаётган инвесторлар бу ерда ўзларининг ишлари билан шуғулланишларидан кўра инвестиция киритиб, шундан фойдаланишни лозим кўришди. Бу эса ОПЕК ка аъзо мамлакатлар учун айни муддао бўлди. Энди улар нефт қазиб олиш учун керакли замонавий технологияларни пул эвазига сотиб олишди. Жаҳон бозорида нефтни юқори нархда сотаётганликлари эса халқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ҳам ривожлантириш имконини берди.

Нефт нархининг ўсиши ўз-ўзидан нефт импорт қилувчи мамлакатлардан уни экспорт қилувчи мамлакатларга катта фойда олишни келтириб чиқарди. Энди нефтни импорт қилувчи мамлакатларда доллар курсининг пасайиши, инфляция даражасининг ўсиши бўй кўрсата бошлади. Ҳатто айрим ривожланган мамлакатлар иқтисодиётини нефтнинг кескин ўсиши боши берк кўчага олиб келди.

1982-1986 йилларда нефт нархи 34 доллардан 8 долларга тушиб кетди. Бу пайтда ОПЕК ка аъзо давлатларда иқтисодий қайта қуриш кечаётганди ва бу паст нарх улар иқтисодиётига ҳеч қандай зарар етказмади. Шундоқ ҳам уларнинг ўртача йиллик ривожланиши 4 % ни ташкил этиб турди. Жаҳонга асосий нефт экспорт қилувчи

мамлакатлар Форс кўрфазида жойлашган Бахрайн, Қувайт, Уммон, Катар, Саудия Арабистони ва Бирлашган Араб амирликларидир. Улар бугун дунё мамлакатларининг нефт маҳсулотларига бўлган талабини қондириш учун 190 млрд. АҚШ долларига тенг нефтни экспортга чиқаришади. Бу ерда «Шелл», «Эксон», «Мицуи» каби йирик компаниялар, кўпмиллатли қўшма корхоналар фаолият олиб боради. Форс кўрфазида мавжуд ишчиларнинг кўп қисми чет эл фукаролари ҳисобланади.

Форс кўрфази мамлакатларида биргина нефт қазиб олиш эмас, балки газ, энергия, молия ва банк соҳаларида ҳам қўшма корхона ва компаниялар ташкил этилганлиги, натижада бу имкониятлар эвазига худдудда илмий-техник инқилоби-ю халқаро меҳнат тақсимооти жабҳалари силжиши содир бўлмоқда.

Бирлашган Араб амирлиги (АББ) – Форс кўрфазида анчайин тараққий этган давлатдир. Аммо ҳалигача Буюк Британиянинг мустамлакачилик муносабатлари бу ерда сақланиб қолган БАА нинг иқтисодий ҳолати қўйидаги учта омилда акс этган:

- жуда катта энергия ресурсга эгалигида; нефт-заҳираси – 7 млрд, газ – 9,8 трлн. метр куб;
- йирик молиявий капиталлар, энергия ресурслари сотувидан тўпланган жамғармалар;
- зарур геосиёсий ҳолат, яъни амирлик йирик транзит савдо маркази, ҳаво ва денгиз коммуникация имкониятларига эга ҳудуд. Мамлакатда 14 та денгиз порти ва 16 та халқаро аэропорт мавжуд.

БАА иқтисодиётида давлат сектори асосий тармоқ нефт қазиб олиш, нефт ва газни қайта ишлаш, электр энергияси маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда инфратузилмалар учун қурилиш объектларини ўз ихтиёрига олган. Хусусий сектор эса асосан ўз маблағларини хизмат кўрсатиш, озиқ-овқат, чарм-пойафзал маҳсулотлари ва тикув фаолиятларига жалб этган нефт саноатидаги барқарорликни «катта еттилик» деб аталувчи компаниялар назорат қилади. Масалан, нуфузли «Анок» (Аби Лаби Нейшнл Ойл Компани») компанияси ўзига тегишли «Бритиш Петролеум», «Тотал», «Мобил», ва «Порток» компаниялари билан бирга 40 % акцияга эгалик қилади. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, ҳукумат мавжуд миллий иқтисодиёт соҳаларини чет эл тажавузларидан қаттиқ ҳимоя қилади. Бу ерда хорижлик инвестор корхонанинг 49 % лик акциясидан кўп акцияга эга бўлмаслиги шарт қилиб қўйилган. Шунингдек, мамлакатдаги

йирик компаниялар, кўшма корхоналар бошлиқлари албатта БАА фуқароси бўлмоғи керак.

6.8. Янги саноатлашган мамлакатлар гуруҳининг шаклланиши

Кейинги 30 йилда қатор Жануби-Шарқий Осиё ва Лотин Америкаси мамлакатларида иқтисодий ривожланиш кескин ўсди. 1965 йилдан 2004 йилгача бу мамлакатларнинг даромад даражасида ўсиши қарийиб 100 бараварни ташкил этди. Ўртача йиллик иқтисодий коэффицент даражаси 5-7 % га тенг бўлди. Бу ҳол уларни **Янги саноатлашган мамлакатлар (ЯСМ)** гуруҳига бўлиб юборди. Булар – Жанубий Корея, Сингапур, Тайван, Малайзия, Таиланд, Аргентина, Мексика, Бразилия, Ҳиндистон каби мамлакатлардир. Бу гуруҳга мансуб мамлакатлар аввало бу ерга чет эл капиталининг киритилишига эркинлик яратди, хусусий тадбиркорлик ва бозор муносабатларига кенг йўл очди.

ЯСМ гуруҳига кирувчи мамлакатлар ичида Жанубий-Шарқий Осиё давлатлари алоҳида ажралиб туради. Бу мамлакатларда саноатлашиш ўсишнинг тенглик асосидаги иқтисодий модели тарзида кечди, яъни:

- қишлоқ хўжалигида эришилган тараққиётдан кетма-кетлик билан енгил ва оғир саноатга ўтилди. Бунда замонавий технологиялар билан таъминланиш етакчи ўринда қаралади;
- меҳнатдан капиталга, капитал жамғарилганидан сўнг эса илмий маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ўтилди;
- импорт сиёсатидан экспорт сиёсатига ўтилди;
- бозор муносабатларига ўтиш рағбатлантирилди.

Иқтисодиётнинг ўсиб бориши мундарижаларга ёндашувни келтириб чиқаради. Инфратузилманинг замонавийлашуви ва саноат базаларидан қайта қуриш ички истеъмол эҳтиёжларини қондиришда, аҳолининг ўрта қатламини ҳаракатга келтиради. Уларнинг маҳсулот тайёрлашдаги улушини орттиради, бозорда муваффақиятли фаолият юритишни рағбатлантиради. ЯСМ шахсий технологик ва илмий–техник имкониятларни шакллантиради.

ЯСМнинг инвестиция киртиш режимлари ўзларига мос равишда танланган бўлиб, чет эл компанияларини кўпроқ иқтисодий имкониятлар чекланган ва заифлашган ҳудудларга киртишни лозим кўришди. Тажрибадан маълумки, бундай ҳудудларда кўпроқ чет эллик иштирокчиларнинг акциядорлик капиталлари ошиши кўзга

ташланади. Илғор ҳудудларда эса улар мавжуд имкониятлар эвазига маҳсулот ишлаб чиқариб, уни 100% экспортга чиқаришни мўлжаллайдилар. Янги саноатлашган мамлакатлар (ЯСМ) албатта биринчи йўлни лозим кўришади. Негаки хориж пули, сармояси эвазига истиқболсиз ҳудудлар ҳам аста-секин ривожланиш босқичига чиқиб олишади. Масалан, Индонезия ва Жанубий Корея бундай ҳудудларда молиявий муаммолар ва капитал қўйилмаларнинг суғуртасини таъминланган бўлса, Бразилия информатика, ҳисоб-китобни ривожлантиришга эътибор қаратди.

Жануби-Шарқий Осиё давлатларида рағбатлантирувчи инвестициялар асосан янги корхоналарга берилди. Бундай танланган корхоналар учун унинг даромадидан солиқ олишда имтиёз яратилди. Масалан, Сингапур мана шундай компаниялар тўлайдиган солиқнинг 40 % ини кечиб юборди. Бу имтиёз туфайли компаниялар 5-10 йилда жаҳон бозорида чиқарилаёт маҳсулотлар билан рақобатлаша оладиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга эришдилар.

Импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш Бразилия, Ҳиндистон, Малайзия, Жанубий Корея, Мексика давлатларида ривожланди. Чунки, бу соҳа ҳукумат томонидан қувватлаб турилди. Ҳатто бундай маҳсулот билан машғул кичик корхоналар ҳам рақобат майдонида ҳимоя қилинди. Натижада кичик корхоналар ҳам экспорт маҳсулотларни ташқи бозорга чиқариш имкониятига эга бўла боришди. Шунингдек, бу борада уларга пошлина, квота ва тайёр маҳсулотларга бериладиган лицензиялар учун ва шунингдек, четдан импорт қилаётган хомашё, технология ва замонавий дастгоҳлар учун бу тўловларда кескин имкониятлар яратиб берди.

ЯСМ нинг бозор иқтисодиётига ўтиш модели Англия-Саксония типи сингари **давлат бошқаруви остида** амалга ошмоқда. Давлат асосан макроиқтисодий кўрсаткичларни режалаштиради, ташқи бозорга чиқарилаётган товарлар, сармоя ва пулларни назорат қилади. Айрим маҳсулотлар нархларини белгилайди ва ставка фоизларини давлат назоратига олади. Масалан, Жанубий Кореяда 1994 йил «XXI асрга барча соҳаларга илғор технологияларни киритган ҳолда кириб бориш» режаси тузилди. Натижада сўнгги ўн йил ичида Корея саноатининг 9 хил соҳаси дунёда энг ривожланган технологияларга эга бўлди. Бу эса дунёдаги йирик маҳсулот етиштирувчи учта мамлакатдан бирига айланишига замин яратди. Автомобил саноати ривожланиши бўйича АҚШ, Германия ва Япониядан кейинги тўртинчи ўринга чиқиб олди. Маиший электроника ва кимёвий

препаратлар ишлаб чиқариш бўйича эса Корея дунёда бешинчи мамлакат бўлиб қолди.

Тан олиб эътироф этиш керак. Жануби-Шаркий Осиё ЯСМда географик жойлашув, тарихий манбаларга эга эканлиги, маданият ва диний кардошлик ришталари, иқтисодий бой ресурсларга эга эканлиги билан ҳам алоҳида ажралиб туради.

7.8. Африка мамлакатлари тараққиёти ва уларда иқтисодий ислохатларнинг кечиши

Африка мамлакатларининг аксарияти энди ривожланаётган мамлакатларга дахлдор. Уларнинг кўпчилиги денгиз йўлларига чиқиш имкониятидан мустасно ва ташқи дунё билан паст алоқалда. Бу мамлакатларда аҳоли жон бошига даромад энг кам кўрсаткичга эга (100-500 АҚШ доллари). Асосий соҳа **қишлоқ хўжалиги** эса хўжайинлик, ҳукмронлик асосида шуғулланади. Африка ривожланаётган мамлакатларга киритилган чет эл инвестицияси умумий инвестициянинг 3 % ини ташкил этди, холос. Африка давлатларига нисбатан узоқ муддатли мажбуриятлар жамғарма суммаси 325 млрд. доллардан ошган. Кўпгина мамлакатларда ЯИМдаги ташқи қарз 70 % гача кўтарилган ва экспорт борасида эса қарздорлик 2,5 марта ошган.

Сўнгги йилларда Африка иқтисодиётида бироз ижобий силжишга эришилди. Африка мамлакатларининг ЯИМ даги ўсиш суръати 2-3 %ни ташкил этди. Айниқса иқтисодий ўзгаришлар Маврикия, Ботсвана, Лесото ва бошқа шулар каби кичик мамлакатларда анча сезилди. Африканинг 27 та мамлакатаида иқтисодий суръат аҳолининг ўсиш суръатига солиштирганда яхшиланди. Жаҳон банки экспертлари таъкидлашича, Африка давлатларининг ЯИМ ўсишидаги суръат ўртача 3,8 % га етган.

Назорат саволлари

1. Халқаро меҳнат тақсимоти (ХМТ) да ривожланаётган дунё мамлакатларнинг ўрни ва роли қандай?
2. Ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётининг умумий жиҳатларига таъриф беринг.
3. Ривожланаётган мамлакатларнинг экспорт ва импорт муносабатларининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида гапириб беринг.
4. Ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётида чет эл инвестициясининг роли қандай?
5. Ривожланаётган мамлакатлар қарзларини ечиш муаммоси йўлларини айтинг.
6. Ривожланаётган мамлакатларни саноатлаштириш модели ҳақида гапириб беринг.
7. «Яшил инқилоб» нинг моҳияти қандай мақсадларни кўзлайди.
8. қайси давлатлар нефт экспорти билан машғул мамлакатлар (ОПЕК) қаторига киради ва ҳозирда уларнинг нечаси ОПЕК таркибида?
9. Янги саноатлашган мамлакатлар (ЯСМ) ни санаб ўтинг.
10. Янги саноатлашган мамлакатларнинг саноатлашиш омиллари қайсилар?

Х Боб. ХИТОЙ ИҚТИСОДИЁТИ

1.8. Хитой иқтисодиётининг ўзига хос хусусиятлари.

Хитой халқ республикаси (ХХР) – ҳудуди жиҳатидан дунё мамлакатлари орасида учинчи ўринда туради. Унинг умумий майдони – 9,6 млн. кв. км. Аҳолиси 1 млрд. 360 млн. кишидан зиёд. Мамлакатда 50 дан ортиқ миллат вакиллари яшайди. Хитой миллатига мансуб аҳоли эса 94 %ни ташкил этади.

Хитойнинг уч минг йиллик тарихи гувоҳлик беришича, узок йиллар ўта қолоқ **«хаёт қуриб подшолик»**ка бўйсинган хитойликларнинг каттагина қисми милодий йилларга келиб цивилизациялашаётган янги ҳудуд аҳолисига яқинлаша борган. Натижада ҳеч қайси давлат тарихида учрамайдиган ҳолатда, яъни қисқа даврда варварлар (маданиятдан четда қолган чет элликлар) кабилари турмуш тарзини яхшиловчи анъаналар ва маданиятли хаёт учун **«тез асирга тушган»** лар сирасига кирган. Ҳудудлараро маданиятли турмуш кечиришга бўлган ўзаро кўмаклар туфайли Хитойнинг умумий ҳудуди кенгайиб борган.

Ҳозирги Хитой 26 та провинция ҳолда учта марказийлашган шаҳарлардан (Пекин, Шанхай, Тяньзин) таркиб топган. **Хитой иқтисодиёти умумий мулкчилик тамойиллари** асосида ривожланмоқда. Бу ерда ҳали ҳам беш йиллик давлат режалари мавжуд бўлиб, тараққиёт шу режа асосида юксалмоқда. Шу сабабдан ҳам Хитой дунёда энг йирик саноат корхоналарига эга давлат, дея таърифланади. Умумий саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича Хитой дунёда 4-ўринни, корхоналар сони кўплиги жиҳатидан эса 8-ўринни эгаллайди.

Хитой иқтисодиётида энергетика комплекси (кўмир саноати) етакчи рол ўйнайди. Мамлакатнинг нефт ўчоғи саналган – Дацан ҳудудида Хитойнинг тенг ярим нефти қазиб олинади. Электр энергияси ишлаб чиқарувчи ГЭСлар эса асосан Янцзи ва Хуанхэ дарёларида қурилган. 1980 йиллардан бошлаб химия саноати, минерал ўғитлар (азот) маҳсулоти, кимёвий ва фармацевтикага оид маҳсулотлар ишлаб чиқиш ривожлана бошланди.

Хитой енгил саноатида тўқимачилик (ипакчилик ва пахтани қайта ишлаш) соҳаси асосий тармоқ бўлиб ҳисобланади. Шунингдек, Хитой иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги ҳам етакчи рол ўйнайди. Асосий деҳқончилик қилинадиган ерлар мамлакатнинг шарқий

худудлари ҳисобланиб, у ерларда кўп миқдорда шоли, ғалла, маккажўхори ва чой етиштирилади. Хитой мамлакати ҳудуди уч хил иқтисодий минтақага бўлинади:

1. Шарқий (денгизбўйи) минтақа. Бу минтақада иқтисодий муносабатлар анча тараққий этган. Бу ерда йирик саноат маркази, эркин иқтисодий ҳудудлар (ЭИХ), денгиз портлари, трансмиллий корпорация (ТМК)ларнинг халқаро офислари жойлашган.

2. Марказий минтақада иссиқлик ва энергия ишлаб чиқариш, кимёвий маҳсулотлар, хомашё ва ярим фабрикат товарлар ҳамда савдо-сотик ривожланган.

3. Ғарбий минтақа. Бу ерда эса чорвачилик тармоқлари ривожланган. Шунингдек, ғарбий минтақада хилма-хил минерал хом ашёлар қайта ишланади.

ХХР – барча қадимий ишлаб чиқариш технологик усуллари сақлаб қолган давлат саналади. Масалан, қишлоқ хўжалигида асосан қўл кучи билан маҳсулот тайёрланади. Айниқса, қишлоқ жойларда бу жуда оммалашган. Фақат шаҳарлардагина маҳсулотларни тайёрлаш машиналаштирилган, холос.

Ҳозирги пайтда Хитой иқтисодиёти йилига 7-10 % гача ўсмоқда. Бу ютуқнинг асосий омиллари бўлиб ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш ва тизимли силжиш ҳолатларида кўринади. Айниқса ҳозирги даврда Хитойда енгил саноатда қайта ишлаш ва сифатли хизматлар кўрсатиш соҳалари бениҳоя раванқ топмоқда. 2006 йилда умумий саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмида янги тармоқлар ҳиссаси қарийиб 30 фоизгача ошди (1990 йиллар бошида у -10 % эди).

Хитой дунёдаги энг эркин иқтисодий ҳудудлар яратган мамлакатлардан бири саналади. Айни пайтда бу ерда 2100 дан зиёд хориж фирмалари самарали фаолият юритмоқда.

XXI асрнинг дунё саноат маҳсулотлари ЯИМ тайёрлашдаги улуши йилдан-йилга ортиб бормоқда. Аммо, аҳоли жон бошига маҳсулот ишлаб чиқарилишини ҳисоблаганда Хитой ривожланган мамлакатлар кўрсаткичидан бирмунча паст эканлиги маълум бўлади. Ҳар ҳолда Хитой ўзида мавжуд имкониятлардан узоқ келажакни ўйлаган ҳолда фойдаланилмоқда. Унинг ялпи миллий маҳсулот (ЯММ) ҳажмида Япониядан кейинги ўринда туриши ҳам бундан далолат беради.

2.8. Хитойда иқтисодий ислохатларнинг кечиши

1967 йилдан бошлаб Хитой маданиятидаги ўзгаришлар унинг иқтисодиётига ҳам ижобий таъсир кўрсатди. Аслида 1958 йилда Мао Цзедун томонидан таклиф этилган «Катта сакраш» йўналиши Хитойни 5-10 йил ичида дунёнинг иқтисодий ривожланган мамлакатлари қаторига олиб чиқиши керак эди. Мамлакат халқ хўжалиги олдида амалда бажариб бўлмайдиган – чўян ва пўлат эритиш, кўмир-у, нефт қазиб чиқаришдек оғир вазифалар юклатилди. Ўша давр иқтисодий сиёсатида кўра, ер, сув, ҳатто ҳовли, уй-жойлар ҳам жамоат мулки бўлиб саналарди. Хуллас, социализм қуришнинг хитойча усули халқ хўжалигини батамом издан чиқарди. Саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши пасайиб кетди, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида жиддий муаммолар кўпайди. Мао Цзедуннинг ўлими (1976) дан сўнгина Хитой иқтисодий тараққиётида ижобий силжишлар рўй берабошлади. 1978 йилда Хитой коммунистик партияси эса «катта сакраш» га миллий фалокат деб баҳо берди. Шу йилдан бошлаб мамлакатда иқтисодий ислохатлар амалга оширила бошланди. Ислохатлардан кўзланган асосий мақсад ҳар бир киши бошига олинадиган даромадни ўртача ривожланган мамлакатлар даражасига етказилишидан иборат эди.

Бу ислохатларда қўйидаги муаммоларни бартараф этиш мўлжалланди:

- режали маҳсулот тайёрлашда тўлиқ аҳоли эҳтиёжи учун маҳсулот ишлаб чиқаришдан ярим эҳтиёжни қондирувчи товар ишлаб чиқариш тизимига ўтиш;
- аграр соҳадан саноатлашувга, қишлоқ ишлаб чиқаришидан эса посёлка ва шаҳар турига ўтиш;
- «ўз кучига таяниш» йўналишидан «очик эшиклар» сиёсатига ўтиш;
- «ахлоқий принцип» лар ташкилий тузилмасидан ҳақ-ҳуқуқларга эга тузилмаларга ўтиш.

Бу ислохатлар тарихий-маданий, иқтисодий-сиёсий анъаналар байроғи остида амалга ошира бошланди. Ислохатлар «Режали иқтисодиёт-асосий, бозор бошқарилиши кўмак берувчи» ақидасига таянган ҳолда кечди. 1984-1990 йилларда Хитойда социалистик бозор иқтисодий тизими яратилди. Унга кўра товарни баҳолаш марказий масала саналди. Бу тизимга ўтиш эркин нарх ва истеъмолчи талабига мос баҳодаги маҳсулот ишлаб чиқаришни юзага келтирди.

Бу ислоҳат уч босқичда амалга оширилади:

- давлат баҳоларини қилинган харажатга яқинлаштриш;
- мамлакатда мавжуд белгиланган нархларни марказлаштирил-ганидан эркин нархларга босқичма босқич ўтказиш;
- маҳсулот ишлаб чиқаришдаги ва истеъмолдаги нархлар мутаносиблигини доимий равишда назорат қилиш.

Хитойда 1990 йиллар бошида бозор муносабатларидаги ислоҳатлар модели **социалистик бозор иқтисодиёти** номини олди. Унинг асосий хусусияти умумий, жамоатчилик тарзида маҳсулот ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйиш орқали иқтисодиётни ривожлантиришдан иборат эди. Бу ислоҳат бўйича давлат корхоналарида фаолият юритаётган кишилар мулкка давлат ва умумий мулк тарзида муносабатда бўлишлари шарт қилиб қўйилди. Металл қазиб олиш давлат монополиясига айланди.

Хитой давлатчилиги узоқ тарихдан буён империя тизимида келмоқда. Унда **давлат мулки** – асосий шакл бўлиб ҳарбий ва стратегик аҳамиятга эга бўлган барча мулклар давлат мулки ҳисобланади. Масалан, Хитойда товар-пул муносабатлари ҳеч қачон аҳоли турмуши учун хизмат қилмайди. У фақат умумий фойдаланиш масалаларига йўналтирилади, холос.

Аграр соҳадан саноатлашувга ўтиш. Халқ коммуналари ер шартнома асосида деҳқонга берилиб, у эса ортиқча маҳсулотини ўзи истаганича тасарруф этиш ҳуқуқига эга бўлиши билан характерланади. Сўнгги йилларда қишлоқда ишлаб чиқариш 1984 йилларга нисбатан 14 марта, аҳоли иш билан бандлиги 4 марта ошди. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги улуши ЯИМ тайёрлашда 40 % гача ортди ва бу ижтимоий таъминотда катта фойда берди. Қишлоқ аҳолиси даромадларидан 50 % солиқ бюджетга ундириладиган бўлди.

Хитойда қишлоқ ишлаб чиқаришдан посёлка ва шаҳар турига ўтиш мамлакат иқтисодиёти ривожига катта аҳамият касб этди, десак муболаға бўлмайди. Мамлакатда **«очик эшиклар»** сиёсати туфайли олис қишлоқ ларга АҚШ, Япония ва Европа давлатларининг компания ва фирмалари кириб келди. Бунга эса Хитой ҳукмати етарли даражада шароит яратди. Яъни, улар ҳар қандай солиқ ва божлардан озод этилди. Бу ердаги арзон ишчи кучи эса хориж ишбилармонларига хуш ёқди. Натижада Хитойда аксарият қишлоқлар посёлка ва шаҳар сингари саноатлашди, замонавий технологиялар билан бойиди.

Тўлиқ ўз аҳолиси эҳтиёжи учун маҳсулот ишлаб чиқаришдан, ярим эҳтиёжни қондириш тизимига ўтиш ҳам хитой иқтисодиёти ривожига кўмак берди. Эндиликда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий харидори давлат бўлиб қолди ва у бу маҳсулотларни экспорт қилишга қаттиқ эътибор қаратди. Натижада мамлакатга кўшимча валюта киритилди. Аҳоли даромади ошиши ҳисобига ҳосилдорлик ва унумдор ерлардан фойдаланиш кучайди. Масалан, пахтанинг ялпи ҳажми 15 % гача, чой баргини йиғиш эса 22 % га ошди.

1979 йиллар бошида Хитой давлати чет эл инвесторларига барча эшикларни очиб берди. Хитойдан ташқарида яшаётган 60 млн. хитойликнинг барчаси ўз инвестицияларини Хитойга олиб келиб иш бошлади. Улар кейинги йиллар ичида Хитой иқтисодиётини тезлик билан ривожлантириш, жаҳон бозорларида харидорбоп, сифатли маҳсулотлар, товарларнинг олиб чиқилишига асосий дастак сифатида фаолият юритди.

Мамлакатга инвестициялар киритишни рағбатлантириш мақсадида Хитой ҳукумати денгизбўйи районларидаги 4 та асосий шаҳар – Шанхай, Чжухай, Шаньтод, Хойкоуларни **«эркин иқтисодий ҳудуд»** дея эълон қилди. 1984 йилда хориж инвесторлари учун 14 та денгиз портлари ташкил этилди. Яратилган қулай имкониятлар эвазига ғарблик ишбилармон доиралар мамлакат ички бозорларини сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш ва янги иш ўринларини яратиш билан бирга Хитой экспортининг 40 % ини уддалаб келди.

Хитой хориж инвесторлари учун яна 18 та шаҳарларни ташкил этди. Аниқроғи, ишчи кучи арзон бўлган қишлоқларни шаҳарлаштирди. Натижада, бу ерда трансмиллий корпорация (ТМК)лар мажмуасига кирувчи бутун бошли йирик заводлар, корхоналар қурилиб, ишга тушди. Хитой ҳукмати 22 ҳолатда инвесторларга соғлом шароит яратувчи рўйхат тузди ва бунинг амалини қатъий назоратга олди. Шаҳарларда алоҳида улар учун валюта айирбошлаш шохобчалари ташкил этдики, хориж инвесторлари бу ердаги мавжуд хомашё ва зарур маҳсулотларни миллий пул-юанда харид қилсин.

Мамлакатда янги корпоратив (алоҳида) сиёсат жорий этилди ва унга кўра авторлик ҳуқуқини муҳофаза этувчи меъёрий акт қабул қилинди. Бу қулайлик шарофати билан Япония, АҚШ ва Ғарбий

Европа инвестициялар оқимининг тўғридан-тўғри кириб келиши фаоллашди.

1992 йилдан бошлаб, Хитой жаҳон андозаларига мос, замонавий хизмат кўрсатишга йўналтирилган ва Бутун жаҳон савдо ташкилоти (БЖСТ) талабларига тўғри келадиган янги бозор йўналишларига ҳам кенг йўл очди. Натижада хорижлик инвесторлар учун илгари мавжуд бўлмаган иқтисодий секторлар хусусийлаштириш, транспорт, телекоммуникация, йўл тараққиёти, эркин савдо, суғурта, бухгалтерлик хизматлари ва табиатни муҳофаза қилиш технологиялари бўйича фаолият юритишга доимий йўл очилди. Бу борада қўшма корхоналар, янги соҳалар бўйича илк бор фаолият бошлаган фирмаларга алоҳида имтиёзлар, технологиялар келтириш ва экспорт қилиш учун қулайликлар яратилди. Хитой учун характерли жиҳати шундаки, тез фурсатда мамлакатдаги акциядорлик қўшма корхоналардаги чет эллик инвесторлар улуши 22 % дан 50 % га ўсди. Улардаги ҳисса инвесторлар томонидан маблағ, технология ва замонавий ускуналар бўлса, шу ерлик тадбиркорлар томони эса инфратузилма, меҳнат ресурслари ва зарур алоқаларни йўлга қўйди.

Сўнгги йилларда Хитойда 100 % хориж капитал эвазига фаолият юритаётган корхоналар сони кўпайди. Илгари бундай корхоналар фақат «**эркин иқтисодий ҳудуд**»лардагина бўлган бўлса, ҳозирда уларни Хитойнинг исталган жойида кўриш мумкин. Бунгача Хитой худудига янги, технология ва замонавий дастгоҳларни киритувчи хориж тадбиркорларига катта имтиёзлар, имкониятлар яратилган. Улар қонун бўйича ҳар қандай таҳдидлардан муҳофаза қилинади.

1995 йилда Хитойда чет эл компаниялари томонидан холдинг компания ташкил этиш бўйича қонун қабул қилинди. Унда ёзилишича, холдинг ташкилотларида учта имконият бўлиши шарт қилиб кўрсатилди. **Биринчидан**, компания молиявий жиҳатдан албатта тетик бўлиши зарур. Унинг активлари камида 400 млн. АҚШ долларини ташкил этиши шарт; **иккинчидан**, акциядорлик капитал жамғарма улушида энг кам бўлганда 10 млн. долларлик акцияга эга бўлишлик; **учинчидан** эса Хитойдаги ҳеч бўлмаганда учта инвестиция лойиҳасини маъқуллаши керак.

Хитойда тўғридан-тўғри чет эл инвестициясини жалб этиш учун турли рағбатларга мослашмоқ талаб этилади. Улар ўз ичига солиққа оид таътиллار, импорт тарифлари бўйича имтиёзлар, чет эл ходимларини қабул қилиш ва кузатиш тартибларида енгилликлар яратишни қамраб олган.

Агар инвестициялар ҳажми мамлакат белгилаган даражадан паст бўлса, маҳаллий ҳокимият ҳеч қандай махсус рухсатномасиз хориж инвестицияси маблағларига хусусий корхоналар маблағларини ҳам қўшиши мумкин. Бу ҳолатда ишлаб чиқаришдан келаётган фойданинг кўпроқ улуши маҳаллий тадбиркорга тегади. Бу эса шу ер бозорини тўлдириш ва ички давлат хўжалик айланмасининг ўсишида муҳим рол ўйнайди.

Ижтимоий жиҳатдан аҳолининг кўчиши ҳам иқтисодиётнинг янги қирраларини очишга кўмак беради. Мамлакатда ҳар йили 50 млн. аҳоли ҳудуддан ҳудудга, қишлоқдан шаҳарга кўчади. Бунга давлат қабул қилган **«болаларини алмаштириш»** амалиёти ҳам асосий сабаблардан бири эди. Чунки Хитойда корхона ёки ташкилотда ишлаётган ҳар бир ишчи ёки ходим пенсияга чиқадиган бўлса, унинг ўрнига фарзанди келиб ишлаши мумкин, деган концепция қабул қилинганди. Бу табақачилик муносабатларни сақлаб қолган бўлсада, ишда замонавий менежмент усуллари тараққий эттиришда салбий таъсир кўрсатди. Шу боис 1980 йиллар бошида бу концепция бекор қилинди, ишлаш учун эркин рақобат асосида танлаш имконияти яратилди.

Хитойда таълим муаммоси ҳам ўткир масала ҳисобланади. Айниқса, қишлоқ хўжалиги соҳасида хизмат кўрсатувчи соҳаларга қараганда икки баробар билимсизлик юқори ҳисобланади. Бу соҳада тахминан 8,5 фоиз ақлий етуклик билан ишлайдиган кишилар бор холос. ХХР да **«янги саводсизлар»** тушунчаси мавжуд. Ҳар йили 4 млн. дан зиёд бола бошланғич мактабни, 2 млн. ўқувчи тўлиқсиз ўрта мактабни тарк этади. 2 млн. дан ортиқ ёшлар эса умуман ўқишни исташмайди ёхуд бунга шароит топмайди. Сўнгги йилларда Хитойда инглиз тилини ўргатиш кенг оммалашмоқда.

Кейинги 20 йил ичида кечган иқтисодий ислоҳатлар туфайли Хитойнинг ЯИМ и 5,6 мартага кўпайди. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 7 баробарга ўсди, аҳоли жон бошига маҳсулот тақсимооти 4,5 мартага ошди. Ислоҳатлар жараёни бошида мамлакатнинг 250 млн. аҳолиси (5 дан 1 аҳоли) қашшоқликда турмуш кечирарди, яъни йиллик даромад одам бошига 50 АҚШ долларини ташкил этарди, холос. Айни кунда камбағалликда кун кечираётган аҳоли сони 36 млн. гача камайди ва бу жами аҳолининг 3 % ини ташкил этади. Ислоҳат даврида синалган йўл иқтисодий ночор аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бундаги Хитой сиёсатининг бош йўналишларидан бири ва мамлакатдаги кам таъминланган аҳоли қатлами мунтазам ҳимояда.

Ҳозирги кунда кўшма корхоналар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар ҳажми жиҳатдан Хитой дунёда АҚШ, Япония, Германия, Франция, Италия ва Англиядан кейинги 7-ўринни эгаллайди. Валюта захираси жиҳатидан фақат Япониядан кейин иккинчи ўринда туради (150 млрд. АҚШ доллар). ХХР хўжалигида пўлат эритиш, кўмир қазиш, рангли телевизорлар ишлаб чиқариш бўйича лидер ҳисобланса, электр энергия ишлаб чиқариш бўйича дунёда АҚШдан кейин иккинчи ўринда туради. Сўнгги 20 йилда ғалла тайёрлаш мамлакатда 2 бараварга, гўшт ишлаб чиқариш 6 бараварга, балиқ ва денгиз маҳсулотлари тайёрлаш 7 бараварга ортди.

Хуллас, сўнгги чорак асрда мамлакатда кечган иқтисодий ислохатлар туфайли Хитой халқ республикаси оламшумул ютуқларга эришди ва эришмоқда. Ҳатто бугунги кунда айрим кароматгўйлар: «XXI аср-Хитой асри бўлади» деб айтишмоқда. Аммо нима бўлганда ҳам бу мамлакат империялигича қолиб келмоқда. Бир кун келиб Хитой ҳам озод ҳуқуқий демократик давлатга айланиши шубҳасиз. Зеро, унда яшаётган буюк маҳнаткаш халқ шунга лойиқ. Бугун эса иқтисодий барқарорлик ва жамоат қўлга киритаётган муваффақиятлар тўлиқ давлат назоратида.

3.8. Хитойнинг ташқи иқтисодий алоқалари

Айтиш мумкинки, ташқи иқтисодий сиёсат ҳар қандай миллий иқтисодиёт тараққиётини таъминлашнинг муҳим воситасидир. Шу маънода Хитойнинг ташқи иқтисодий сиёсати жаҳон бозори билан мустаҳкам боғлиқ ҳолда экспортга ишлайдиган тармоқлари устунлик қиладиган очиқ иқтисодиётни вужудга келтиришга қаратилди. Хитой иқтисодий ислохатлар даврида катта ҳудудга, кўп миллионли аҳолига ва хилма-хил ресурсларга эга бўлган ҳар қандай мамлакат ҳам бошқа давлатлар билан доимий ва кенг кўламдаги иқтисодий алоқаларни йўлга қўймас экан ривожланиш ҳақида ўйлаш ҳам ортиқча, деган қарорга келганди.

Хитой ташқи иқтисодий алоқаларида **«давлатнинг туганмас қувватлари мажмуаси»** деган ақида мавжуд. Бу ақида туфайли мамлакат ичкарасидаги ишлаб чиқариш корхоналарини янада мукамалроқ техникалар билан қуроллантиришга, илғор технология ва илмий-техник тажрибаси ҳамда ишлаб чиқаришнинг янада унумлироқ тузилишини жорий этишга табиий ресурсларни ўзлаштиришга, чиқарилаётган маҳсулот сифатини оширишга ёрдам

бериб, янги буюмлар чиқаришни ташкил этишга кетадиган вақтни қисқартириб, ишлаб чиқариш ва бутун хўжалик фаолиятини оширишга, ҳосил қилинган миллий даромадни кўпайтиришга эришилмоқда.

Хитойнинг ташқи иқтисодий алоқалари тараққиётида **ташқи савдо** муҳим рол ўйнайди. ХХР нинг товар айирбошлаш ҳажми 325 млрд. доллардан ортади. (Бу дунёда 10 ўрин деганидир). Ҳар йили хорижга маҳсулот чиқариш 4 % дан 20 % гача ошиб бормоқда. Товар экспорти мамлакатга 75 % валюта тушумини таъминламоқда. Экспорт ҳажми жиҳатидан Хитой жаҳонда 13-ўрин, импорт ҳажми жиҳатидан эса 16-ўринни эгаллаб келмоқда.

Хитойнинг ташқи савдоси учун энг муҳим вазифа бу техник ва технологиялар яратиб, уни четга сотишдир. Бу борада ҳам мамлакат анча юқори кўрсаткичга эга. Шунингдек, Хитой четдан замонавий техникалар харид қилишни ҳам қанда қилмайди. Сўнгги йилларда шундай технологиялар мамлакатга киритилгани сабабли 8 минг хилдан зиёд янги саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга эришилди. ХХР дунёда пахта маҳсулотлари ва табиий ипак газламалари ҳамда электроника ва машинасозлик товарларини экспорт қилиш бўйича биринчи ўринга чиқди. Хитой экспортида тайёр маҳсулотлар жами ташқи савдога чиқарилган маҳсулотларнинг 2/3 қисмини ташкил этади. Ташқи савдода Хитойнинг энг ишончли шериклари АҚШ, Япония ва Ғарбий Европа давлатларидир. Масалан, Япония билан машинасозлик ва технология бўйича савдолар 50 % ни ташкил этса, АҚШ юқори технологик маҳсулотлар, самолёт ва электрон ҳисоблаш техникасини харид қилиш бўйича етакчи саналади.

ХХР да чет эл инвестицияси 200 млрд. доллардан ортиқни ташкил этади. Шунинг 70 % и халқаро ташкилотлар ва хориж корхоналари кредитлари ва заёмлари ҳажмида кўринади. Денгизбўйи районидаги 80 % корхоналар хориж капитали ҳисобига фаолият юритади. Бу ер эркин иқтисодий ҳудуд саналиб, чет эллик ишбилармонлар учун бир қатор имтиёзлар режими ишлаб чиқарилган.

Кўп йиллар давомида Хитой ҳукумати учун Гангконг (Сянган), Макао (Аомин) ва Тайван сингари йирик ҳудудларни тенг ҳуқуқли аъзо сифатида мамлакатга қўшиб олиш сиёсати ўз ишини юргизди. Чунки, Гонгконг ҳудудлари XIX аср охирларида Буюк Британияга узоқ муддатли ижарага берилганди. Бу муҳим сиёсат туфайли Гонгконг 1997 йил 3 июлда Хитой ихтиёрига қайтди. Фақат ҳозирда

«бир давлатда икки тизим» формуласи мужассам. Тан олиш керакки, Гонгконг сўнгги 50 йил ичида кучли ривожланди. Бугун бу ердаги мавжуд имкониятлар ХХР иқтисодиётининг муҳим устунларидан бири саналади. Сянганда чет эл инвестицияси ҳажми мамлакатнинг қарийиб 2/3 қисмига тенг. Инвестицион контрактлар эса 80 % ни ташкил этади. Ташқи иқтисодий айланма (оборот)да эса унинг улуши 40 % ни ташкил этади.

Тайван ҳудуди эса 1940 йилгача Хитойнинг бир қисми сифатида бўлиб, кўп йиллар ХХР оппозицияси ҳисобланди. 1990 йилда икки мамлакат ўртасида алоқалар яхшиланди. Тайван бугунги Хитой иқтисодиётида инвестиция ҳажми жиҳатидан Сянгандан кейин иккинчи ўринда туради.

Ресурсларнинг қўшилиши, Тайван капитали ва технологиялари, Сянган ва Макао (Аомин)нинг ташқи савдо алоқалари бирлашиши **«Катта Хитой»** нинг яратилишини таъминлади ва янги иқтисодий тараққиётга эришган ҳудуд бўлиб қолди.

АҚШ Хитой билан 1979 йилда дипломатик алоқаларни ўрнатди. 1980 йиллар бошида Хитой ва АҚШ ўртасида товар айирбошлаш кескин кучайди. Хитой халқ хўжалигини замонавий технологиялар билан таъминлаш учун машинасозлик ва электроника маҳсулотлари импорт қилинди. Ўз навбатида АҚШ га биринчи даражали хомашё маҳсулотлари етказилди. Ўша пайтда Хитой ва АҚШ савдо сальдо баланси барқарорлашди ва бу 60 млрд. АҚШ долларини ташкил этди.

Икки томонлама иқтисодий алоқалар сиёсий муносабатларнинг яхшиланишига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Бошқа соҳалар бўйича ҳам кенг кўламдаги айирбошлаш сиёсати амалга оширилди. Аммо, 1992 йилларда Хитой ривожланиш йўлига чикиб олгач, ҳар қандай ишлаб чиқариш соҳасида Америка билан рақобатлашиш даражасига етди. Оқибатда икки давлат ўртасида **«савдо уруши»** авж олди. Бунга Хитойнинг АҚШ дан импорт қилинадиган товарлар йўлидаги бевосита тақиқлашлар, квоталар, лицензиялар, сифат андозаларига риоя қилишга ортиқча талаблардан иборат ғовларни олиб ташлашдан бош тортгани сабаб бўлди. Чунки ХХР маъмурлари АҚШ билан савдода катта устунликка эришган эди ва ўзаро савдодаги аҳвол хитойликлар фойдасига ҳал бўларди. Охир-оқибат АҚШ халқаро савдода экспортни сезиларли тарзда чеклашни лозим кўрди.

Япония Хитой билан ўзининг ташқи иқтисодий алоқаларини 1972 йилдаёқ меъёрлаштирган эди. 1979 йилда эса икки давлат ўртасида тинчлик ва дўстлик шартномаси имзоланди. Япон

фирмалари Хитой бозорига фаол кириб борди. ХХРнинг ташқи савдо оборотида Япония улуши 20 % ни ташкил этади. Япония Хитойга технологик ускуналарни экспорт қилса, у ердан катта ҳажмда хомашё ва яримфабрикат маҳсулотларни импорт қилади. Хитойда Япониянинг имтиёзли кредитлари мавжуд. Бир сўз билан айтганда барча соҳаларда бу икки мамлакат ўртасида истиқболли муносабатлар йўналишида шаклланган.

ХХР нинг **Жанубий Корея** билан алоқалари ҳам йилдан-йилга яхшиланиб бормоқда. Бу икки мамлакат ўртасида биринчи қўшма корхона 1985 йилда ташкил топди. Жанубий Кореядан 50 дан ортиқ тўқимачилик, электротехника ва терини қайта ишловчи корхоналар технологиялари келтирилди. 1992 йил августда бу мамлакатлар ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди ва бу иқтисодий соҳалар ривожига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатди. Товар айирбошлаш ҳажми 20 млрд. долларга етди.

Назорат саволлари

1. Хитойнинг замонавий шарт-шароитга эга иқтисодий имкониятлари қандай баҳоланади?
2. Хитой иқтисодиётида 1970-80 йилларда қандай силжиш тизими амалга оширилди?
3. Хитойнинг қишлоқ хўжалиги тараққиётида ўзига хос қандай жиҳатлар мужасссам, деб ўйлайсиз?
4. Мамлакат иқтисодиётини бошқариш модели нечоғли эътиборга, афзалликка эга деб ўйлайсиз?
5. Хитойнинг ташқи иқтисодий алоқалари ривожига асосий хусусиятларни санаб ўтинг?
6. Хитой иқтисодиёти ривожига халқаро муносабатларнинг ўрни ҳақида гапириб беринг.

XI Боб. РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ИҚТИСОДИЁТИ

1.8. Жаҳон хўжалигида Россиянинг тутган ўрни ва роли

Россия Федерацияси (РФ) 17,1 млн. кв. км. лик катта ҳудудга эга бўлиб, у эгалаб турган территорияси жиҳатдан дунёда биринчи ўринда туради. Россия Шарқий Европанинг катта қисмини ва Осиё қитъасининг маълум майдонини тасарруф этган. Россия ҳудуди жиҳатидан бутун Ғарбий Европа давлатлари эгаллаб турган майдондан ҳам бир неча бор зиёд ва 14 та чет эл давлатлари билан чегарадошдир.

Мамлакат аҳолиси – 146 млн. кишидан ортиқ бўлиб, аҳоли сони жиҳатидан дунёда Хитой, Ҳиндистон, АҚШ, Индонезия ва Бразилиядан кейин 6-ўринда туради. Аҳоли таркиби хилма-хил бўлиб, унда 100 дан ортиқ турли миллат вакиллари истиқомат қилади. Аҳолининг 83 фоизи руслардан иборат 75 фоиз аҳоли эса шаҳарларда яшайди.

Россия Федерацияси мустакил давлат сифатида 1991 йил 12 июлда эълон қилинди. У БМТ ва МДХ аъзоси. Давлат тузуми – федератив республика. Россия Федерация 20 та автоном республика ва 10 та автоном округи маъмурий ҳудуддан иборат.

Россия жаҳон иқтисодиётида жиддий ўрин тутди. Дунё хўжалигидаги ЯИМда Россиянинг улушини солиштирганда, у АҚШ улушидан 10 мартага, Хитой, Жанубий Корея, Туркия ва Эрон улушидан 5 мартага кам эканлиги маълум бўлади. Жаҳон иқтисодиётида Россия инвестициясининг солиштирма салмоғи бор-йўғи 1 % ни ташкил этади. Ташқи савдо борасида ҳам у жиддий улушга эга, 1,4 %. Бу эса ривожланган мамлакатлар салмоғидан анча кам, Жанубий Корея улушидан эса 2 барабар кам эканини кўрсатади. Аммо Россия қурол-аслаҳа зиҳирасига эгалиги жиҳатдан дунёда биринчи ўринда туради (55%), ҳарбий харажатлари эса АҚШникидан 16 барабарга, Хитой қиладиган харажатдан эса 4 барабарга паст. Россиянинг ташқи дунёдаги қарзи йўқ.

Дунё ЯИМида ривожланган ғарб мамлакатларининг улуши тобора пасаяётгани жаҳонда Россия сингари ривожланаётган мамлакатларнинг кучаётгани билан характерланмоқда. Экспертлар таъкидлашича, уларнинг улуши 2015 йилга бориб 7,8 фоизга қисқаради. Ривожланаётган мамлакатлар улуши эса 3,5 % га ортади. ЯИМда умумий ишлаб чиқариш ҳажми бўйича Россия бу давр ичида

15-ўриндан 13-ўринга кўтарилиши тахмин этилмоқда. РФ аҳоли жон бошига маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича дунё мамлакатлари орасида кучли олтиликка кириши кутилаётир.

2.8. Табиий ресурслар ва маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятларининг ўзига хослиги

Россия дунёда маъданли хом ашё ресурслар захираси мавжудлиги бўйича асосий рол ўйнайди. Мамлакатнинг бугунда мавжуд бўлган қимматбаҳо ерости ва ер усти бойликлари зиҳираси 28,6 трлн. долларни ташкил этади. Ҳозирда Россия дунёдаги жами ер ости қазилмаларини қазиб олиш бўйича етакчи саналади. Хусусан, бу ерда дунёнинг 10 % нефти, 30 % табиий газ, 10 % тошкўмири, 14 % темир рудаси, 15 % рангли ва кам учрайдиган металллар қазиб олинади. Россия МДХ мамлакатлари ичида захира фойдали қазилмалари борлиги жиҳатидан ҳам олдинда. У МДХ мамлакатлар ичида 85 % нефт захирасига, 53 % - симоб, 95 % - никел, 78 % - боксит зиҳирасига эга саналади. Россияда ўрмонлар аҳоли жон бошига 5 гектардан ортиқроқ тўғри келади (бу Канадада 8,6 гектарни, АҚШда эса 0,8 гектарни ташкил этади).

Россия табиий-хомашё капиталининг 25-30 фоизи миллий-бойлик саналади. 30-60 %и захира эса рентабеллсиз ҳисобланади. Шу боис миллий бойлик суммасининг 8-10 %ини маъданли – хомашё базаси ташкил этади ва унинг тахмин қилинган 28 трлн. доларидан 1,5 трлн. долларигина ҳозирда фойдаланишга яроқли саналади.

Россия тошкўмир ва кўмирни қазиб олиш бўйича дунёда етакчилик қилади. Аммо, сўнгги йилларда мамлакатда кечган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий вазиятлар туфайли кўмир қазиб олиш шахталари ва карьерларидаги иш унуми пасайди. Мамлакат темир рудаси қазиб олиш ва пўлат эритиш бўйича ҳам дунёда санокли 2-ўринни эгаллади. Олтин каби минерал қазилмаларга бой. Собиқ Совет Иттифоқи даврида олтин қазиб олиш бўйича (йиллик-300-400 тонна) мамлакат дунёдаги Жанубий Африка Республикаси (ЖАР) дан кейинги 2-ўринда эди. Ҳозир эса Россияда йилига 100 тонна атрофида олтин қазиб олинади. У бу борада дунёда Жанубий Африка Республикаси (ЖАР), АҚШ, Австралия, Канада ва Хитойдан кейинги 6-ўринни эгаллайди.

Иссиқлик ва энергетика мажмуаси мавжудлиги жиҳатидан ҳам Россия олдинги ўринлардан жой олган. У аҳоли жон бошига электр

энергия ва бошқа электр маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича Ғарбий Европанинг ривожланган мамлакатлари ва Шимолий Америка давлатларидан 1,5-2 марта кўп ишлаб чиқариш салоҳиятига эга.

Шуни таъкидлаш керакки, мамлакатда мавжуд бўлган асосий маъданли қазилмаларни қазиб олиш ва уни истеъмол учун таъминлаш борасида Россия хориж мамлакатларидан анча орқада қолган. Масалан, Россияда шундай қазилма бойликларни излаш – геоглогик ишлари ҳали талаб даражасида эмас.

Россияда саноат, қишлоқ хўжалиги, ўрмончилик соҳаларидаги мавжуд технологияларнинг эскиргани (50% гача) ва транспорт хизмати борасидаги эскириш (46% гача) анча ачинарли ҳолатни келтириб чиқарган. Бу ерда технологиялардан фойдаланиш муддати ўртача 17 йил (АҚШда 6-8 йил) ни ташкил этади. Бу эса ўз навбатида ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг рақобатбардош бўлишида салбий таъсир кўрсатмоқда. Чет эл маҳсулотлари билан солиштирганда уларнинг сифатлилиги 30% гача кам тарзда қабул қилинмоқда.

Қишлоқ хўжалигида инвестиция киритилиши йилдан-йилга қисқариб борди, аммо унинг олдини олишнинг иложи топилмаяпти. Оқибатда Россия истеъмол учун озиқ-овқат маҳсулотларининг 60% ини импорт қилишга мажбур бўлди. Умуман олганда, Россияда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш камайиб кетди. Жумладан, ғалла-46% га, қанд лавлаги-40% га, гўшт ва гўшт маҳсулотлари 40% га, сут маҳсулотлари-30% га қисқарди. Мамлакатда қорамоллар сони эса 31 % га, чўчкачилик-40%га, қўй ва эчкичилик – 39% га камайиб кетди. Бунинг барчаси Россия иқтисодиётини хавфли ҳолатга келтирди. Шу билан бирга, Россия қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг нобудгарчиликка йўл қўйилиши ҳам мамлакатга катта талофат етказдирди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг нобудгарчилик даражаси ривожланган мамлакатларникига нисбатан 10-20 мартага ортиғича кузатилди.

Саноати ривожланган кўпгина мамлакатлар қишлоқ хўжалигини албатта молиявий маблағ билан таъмин этадилар. Россияда эса бу соҳани молиялаштириш даражаси 9% ни ташкил этади, холос. Ваҳоланки бу ҳолат Швецарияда -52, Японияда -74, Австрияда эса -44 % кўрсаткичга эга. Қишлоқ хўжалигида яратилган дунё тажрибаси шуни кўрсатадики, хўжалик юритишнинг бир туридан иккинчи турига ўтиб туриш соҳада ўзгаришини таъминлайди. Россияда эса ер муносабатларига кўп йиллардан буён эътибор берилмаётир. Бугун эса мамлакат олдида қишлоқ

хўжалигида юзага келган кўпчилик таназзулни енгиб ўтиш, ерга эгасизлик сиёсатига барҳам бериш, соҳадаги мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланишни йўлга қўйиш ва қишлоқ хўжалигида кенг қўламли ислоҳатни амалга ошириш вазифаси турибди.

Ҳар қандай мамлакат иқтисодиётида муҳим ўринни эгалловчи масалалардан бири – бу ишчи кучидир. Россия эса дунёда кекса фукаролари сони кўпаяётган биринчи давлатдир. Маълумотларга қараганда, Россиядаги 146 млн. аҳолининг 40 млн. и нафақахўрлар ҳисобланади. Мамлакат ЯИМ аҳоли жон бошига йиллик даромад 1,5 минг АҚШ доллари, ўртача ёш эса бу ерда 66 ёшни ташкил этади. Саводхонлик даражаси 99% ни ташкил этиб, олий ўқув юртига кирувчилар ёшларнинг 77 % ни ташкил қилади. Россияда таълимни ривожлантириш учун ЯИМдан 3,5 % маблағ ажратилади.

Ҳозирда давлат ҳукумати асосий эътиборини ижтимоий (уй-жой, таълим, нафақа, иш ҳақи, медицина, демография каби) сиёсатга қаратган. Оналик ва болаликни асраш ҳатто иқтисодий муаммоларга ҳам дахл қилмоқда. Айнан шу борада давлат алоҳида дастур ишлаб чиққан. Негаки мамлакатда ўлиш кўп, туғилиш кам. Агар бугунда бунинг олди олинмас экан 2050 йилга бориб, мамлакат аҳолиси умумий сони 100 млн. нафарга тушиб қолиш эҳтимоли бор. Бу -17 млн. квадрат километр ҳудуддаги жуда катта аҳоли сони йўқолди дегандир. Экспертлар маълумот беришича, Россия ҳудудида 300 млн. дан ортиқ аҳоли яшаши ва яхши турмуш кечириши мумкин экан.

3.8. Россиядаги асосий иқтисодий ислоҳатлар йўналишлари

Маълумки, Россия бозор иқтисодиётига 1990 йиллар бошидан ўта бошлаганди. Мамлакатда пала-партиш ҳолатда бозор муносабатларига ўтилиши майда корхоналарни, замонавийлашмаган ишлаб чиқариш тизимини, ташқи иқтисодий алоқаларда тартибсизлик ва корхоналарни хусусийлаштиришда қиймат ва баҳолаш борасидаги мутаносибликларни келтириб чиқарди. Бу эса мамлакатни анча обрўсизлантирди. Энди Россия ҳукумати олдида бу муаммони ҳал этиш учун иккита йўл мавжуд эди. **Биринчидан**, иқтисодий аҳволни тўла ўзгартириш учун аксарият корхоналарни ишлаб чиқарилган қатъий тартиблар остида хусусийлаштириш. **Иккинчидан**, бозорни ривожлантириш учун давлат назоратини, ролини ўрнатиш.

Давлат бюджети амалда иқтисодий сиёсатга қаратилган бўлади. Аксарият мамлакатларда давлат бюджети шитоб билан ўсмоқда. Дунё тажрибасидан маълумки, агарда мамлакатда иқтисодий таҳчиллик сезилса, давлат ушбу бюджет ҳисобидан аҳоли турмуш тарзини маълум муддатларгача барқарор ушлаб туради. Россияда эса кўпдан буён давлат бюджетидида таҳчиллик сезилиб қолди ва ҳозирги кунда у ижобий ҳолга эга.

Янги солиқлар тизимига ўтиш, корхоналар фойдаси ва фуқаролардан ундириладиган солиқлар даражасини ошириш бюджетни мунтазам таъминлайди. Шу жиҳатдан Россияда солиқлар тизими уч хил – **федерал, областлар ва маҳаллий**. Яқинда ислоҳ этилган бу солиқлар тизими Россия бюджетининг тўлишга кўмак бера бошлади.

Пул-кредит сиёсати-давлатни молиявий тартибга солишнинг ғоят муҳим усулларида биридир. У пировордида жамиятда макроиқтисодий барқарорликка эришишга қаратилган. Россияда пул-кредит сиёсатини амалга оширувчи муассаса Марказий Банк (МБ) ҳисобланади. У бу сиёсатни уч хил восита орқали бошқаради: мавжуд пул заҳираси, МБ нинг ставкаларидаги фоиз даражаси, тижорат банклари молиялаштираётган маблағларни бошқариш.

Давлат қурилиши тофоаутлари нуқтаи назаридан ҳозирда ривожланаётган мамлакатларда иқтисодий муносабатларни бошқариш вазирлик ва идораларга юклатилган. Чет эл тажрибасининг кўрсатилишича, бу борада бошқарув 12-15 та вазирликдан ошмаслиги керак. Россияда эса бунинг акси, бу юртда давлат бошқаруви -24 та федерал вазирлик, 18 та давлат кўмитаси, 17 та федерал хизмат, 5 та федерал агентлик, 3 та федерал комиссия ва 1 та бошқарма фаолият юритиб келади. Сўнгги йилларда бошқарув тизимида ҳам жуда катта қисқариш рўй берди ва у ижобий томонига ўзгарди.

Россияда давлат бошқарувида маъмурий ислоҳатларни амалга ошириш учун бугун замин етарли. Бунинг учун биринчи навбатда иқтисодий тараққиётда давлат аралашувини камайитириш лозим. Бунга эришиш учун эса зарур қонунчилик базалари ишлаб чиқиш, коррупцияга қарши курашиш, барқарор рақобат муҳитини шакллантириш, хусусий тадбиркорликка кенг йўл бериш ва саноатлаштириш фаолиятида юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш масаласини ҳал этиш талаб этилади.

Сир эмаски, саноат маҳсулотлари ривожланиши иқтисодиётнинг юксалиш омили саналади. Россияда бу борада ички талаб ҳалигача паст кўрсаткичда қолмоқда. Давлат истеъмоли учун реал даромадлар ва инвестициядаги асосий капиталлар ўсиши ҳам сезиларли даражага кўтарилмаган.

Ҳар қандай иқтисодиётнинг ривожланишида истеъмол даражаси муҳим рол ўйнайди. Россияда эса аҳоли ҳар қандай маҳсулотга нисбатан кучли эҳтиёж сезмайди. Маҳсулот ишлаб чиқаришни ҳаракатга келтирувчи куч-бу асосан инвестиция саналади. Инвестицияни мамлакатга киритиш тизимини муқарар яратган, яъни ўрта ва узоқ муддатга сармоя киритилишига эришган давлатлар юксалганини жаҳон тажрибаси кўрсатиб турибди. Бироқ, Россияда хорижликлар учун сармояни жойлаштиришга ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий шароитлар талаб даражасида яратилган. Айниқса бу ҳолат 1998 йилгача жуда хунук манзара касб этарди. Аммо, 2000 йилдан бошлаб мамлакатга инвестиция киритиш динамикаси энг юқори чўққига чикди, натижада саноат ишлаб чиқариш салмоғи ўсди. Кейинги пайтларда яна сармоя жалб этиш борасида қатор муаммолар кўндаланг турибди. Давлат ҳукумати ҳозирда бу тўсиқларни бартараф этиш йўларини қидирмоқда.

4.8. Россиянинг ташқи савдо алоқалари.

Россия иқтисодиётида ташқи иқтисодий алоқалари муҳим рол ўйнайди. Мамлакат ЯИМида экспорт масштаби 38 % ни, импорт эса 16 % ни ташкил этади. Экспорт қилинадиган маҳсулотлар ичида минерал ўғитлар, нефт маҳсулотлари, газ, саноатбоп ёғочлар ва целлюлозалар асосий ўринни эгаллайди.

Импорт улушида эса гўштга бўлган талаб 20 % га ошган бўлса, ўсимлик ёғи, сут маҳсулотлари, шакар ва сабзавотларга талаб 10% га кўпайган. Ташқи савдо воситаларидан келадиган тушум (тарифлар, НДС, акциз) тахминан 30% атрофида.

Товар айирбошлаш борасида Россия дунёда жиддий ўринни эгаллайди. Бу жиҳатдан АҚШга дунё товарлари экспорти ҳажми 12,2 % га, Германияга-9,7, Японияга-7,3, Францияга -5,5, Буюк Британияга -4,8% га ва Россияга эса атиги 1,2 % га тенг (19-ўрин). Дунё товарлари импорти ҳажми эса АҚШга -18%, Германияга – 7,8 %, Францияга-5,3 %, Буюк Британияга -5,2 %, Японияга-4,7 %, Россияга эса 0,5 % киритилади (27-ўрин).

Россия учун сальдо савдо баланслари ижобий экани алоҳида характерга эга. Бу товар хом-ашё бозоридаги яхши алоқалар самарасидир. Масалан, мамлакат узоқ давлатларга нефт, табиий газ, минерал ўғит, ёғоч материаллари, симоб, алюминий хомашёлари етказиб беради. Аммо, бундай товарлар экспорти тизими номувофиқлик ҳолатида қолмоқда.

Россия экспорти ҳажмида иссиқлик-энергетика ресурслари, металллар ва улардан тайёрланган моллар 65%ни ташкил этади. Машинасозлик маҳсулотлари улуши эса 11% дан ошмаётир. Булар гарчи пул тушуми борасида мамлакат бюджетини тўлдириш имкониятини яратаётган бўлсада, у миллий бойликларни қайта ишланмай, арзон нархларда кетиши жиҳатидан хавф туғдирмоқда. Булар дунё мамлакатлари билан соғлом рақобатни юзага келтирмайди, фақат хомашёга ихтисослашган Марказий ва Шарқий бозорларида Россия Украина ва Белоруссия билангина рақобатга келишлари мумкин.

Россия савдо муносабатлари йўлида ривожланган мамлакатлар билан бир неча йўналишларда фаолият олиб бормоқда. Буларнинг асосийлари Европа минтақасидир. Россия билан ривожланган Европа мамлакатлари ўртасида тўрт хилдаги йўл билан савдо алоқалари ўрнатилган. Булар: Европа Иттифоқи, Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари, Болтиқбўйи мамлакатлари ҳамда Болқан минтақасидаги давлатлардир.

Европа Иттифоқи (ЕИ) билан алоқалар Россия учун ташқи савдо ва ташқи иқтисодий алоқаларда истикболли йўл саналади. ЕИ Россияни йирик савдо шериги деб билади (бу ерда жами товар айланмасининг 3 дан 1 қисми Россия экспорти улушига тўғри келади). ЕИ мамлакатлари фирмалари Россия иқтисодиётининг йирик инвесторлари ҳисобланишади.

Россиянинг ташқи савдо айланмаси Осиё-Тинч океани мамлакатлари иқтисодий ҳамжамияти (АТЭС) даги улуши 17% ни, Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларидаги улуши эса 13 % ни ташкил этади.

Мамлакатнинг энг нуфузли савдо шериклари Германия, Италия, Хитой, Нидерландия, Швецария, Буюк Британия, Финляндия, Польша, АҚШ ва Япония ҳисобланади. Бу мамлакатларда Россиянинг ташқи савдо улуши 60% га тенгдир.

Германия Россиянинг асосий савдо шериги саналади. Худуди яқинлиги ва улгуржи нархлари пастлиги боис бу ривожланган давлат

Россия билан юқори сифатга эга автомобиллар, маиший электроника, косметика, парфюмерия, мебел, кийим-кечак, пойафзал, тиббий маҳсулотлар, озиқ-овқатлар бўйича ўзаро яқин алоқалар ўрнатган.

Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари геосиёсий муҳит ва ҳудудий яқинлик жиҳатидан Россия ташқи савдосида алоҳида ўрин тутди. Шарқий Европа давлатлари 1990 йиллар бошида Россия билан савдо алоқаларини анча қисқартирган эди, аммо 1995 йилдан бошлаб, то ҳозирги кунга қадар бу мамлакатлар ўртасида савдо муносабатлари кескин ривожланди. Россия у томонга энергия ресурслари (нефть, табиий газ) экспорт қилган бўлса, импортга озиқ-овқатлар, кимёвий маҳсулотлар, машина-технология маҳсулотлари харид қилади.

Польша ҳам Россия учун йирик савдо шериги саналади. Россия экспорти тизимида Польшага асосан хомашёлар сотилаётган бўлса, Польшадан эса озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари (салкам 40%), дори-дармонлар, косметика ва халқ истеъмоли моллари, машина ва технология, қурилиш материаллари импорт қилинмоқда.

Балтиқбуйи мамлакатлари ва Болқон минтақаси билан Россиянинг савдо муносабатлари янги иқтисодий хусусият касб этади. Шунингдек, Россия ташқи савдоси учун АҚШ ва Осиё-Тинч океани минтақаси мамлакатлари Европа давлатларидан ташқари асосий савдо шерикларига айланмоқда.

Россиянинг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) мамлакатлари билан ҳамкорлиги. МДҲнинг интеграциялашув жараёнлари тараққиёти нафакат Россиянинг, балки барча унга аъзо мамлакатларнинг ички сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий муаммоларини бартараф этишга хизмат қилади.

Маълумки, МДҲ таркибига 12 та мамлакат киради. Уларнинг ўзаро муносабатлари тенглик асосида шакллантирилган ва давлат ҳам, ғайридавлат тузилма ҳам бўлмаган ҳамдўстлик аъзолари ўртасида битимлар билан белгиланган тартибда иш олиб борадиган мувофиқлаштирувчи муассасалар орқали тенг ҳуқуқлик принципи асосида амалга оширилади. Ҳамдўстлик мамлакатлари ўртасида иккитомонлама иқтисодий муносабатлар, давлатлар ўртасида алоҳида ташкилотлар (иттифоқлар, шерикчилик, альянслар) тузилган. Масалан, Белоруссия ва Россия итифоқи, Россия, Тожикистон, Қирғизистон, Қозоғистон ва Хитой ўртасида ЕвроОсиё иқтисодий ташкилоти. Россия Белорусь, Қозоғистон ўртасида божхона иттифоқи

(2012 й.). Бугунги кунда Россиянинг жами ташқи савдо айланмасида МДХ давлатлари улуши салкам 1/4 қисми ташкил этади.

Россия савдо фаолияти учун энг яқин шерикчилик қилаётган мамлакатлар Украина, Белоруссия, Қозоғистон ва Ўзбекистон ҳисобланади.

Назорат саволлари:

1. Дунё хўжалигида Россиянинг ўрни ва ролини кўрсатиб ўтинг.
2. Россиянинг мавжуд табиий-хом ашё ресурслари ва маҳсулот тайёрлашга доир имкониятларининг ўзига хос хусусиятларини очиб беринг.
3. Иқтисодий ислохатлар ўтказилишида Россияда кечган охириги йиллардаги ўзига хос хусусият ва йўналишларни айтинг.
4. Россия иқтисодиётида ташқи иқтисодий алоқаларнинг роли ва моҳиятини қандай баҳолайсиз?
5. Россиянинг узоқ хориж мамлакатларидаги савдо шерикларини санаб ўтинг.
6. Россия Федерацияси ташқи иқтисодий алоқаларида яқин хориж мамлакатларининг ўзига хос хусусиятларини баҳоланг.

ХII Боб. ХАЛҚАРО ВАЛЮТА-КРЕДИТ МУНОСАБАТЛАРИ

1.8. Халқаро валюта тизимининг тузилиши ва мазмун моҳияти.

XX асрнинг ўрталарига келиб халқаро иқтисодий, молиявий ва валюта муносабатлари тараққиётни ҳаракатга келтирувчи янги кучга айланди. Умумий бозор ва очик иқтисодиёт йўналишига кенг йўл очиш учун савдо айирбошлашни жадаллаштириш, халқаро молиявий тизимни ривожлантириш, янги валюта бозорларини ташкил қилиш ва турли мамлакатлар ўртасида валюта-пул муносабатларини кенгайтириш шартларини амалга ошириш лозимлигини кўрсатди.

Мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий алоқаларнинг турли-туман шаклларида, яъни товарлар ва хизматалар билан савдо-сотик қилиш, ссуда сармояси ва инвестицияларнинг ҳаракати, ишлаб чиқариш ва фан-техника борасидаги ҳамкорлик, ишчи кучларининг кўчиши (миграцияси) ва халқаро туризм-буларнинг ҳаммаси валюта муносабатларни юзага келтиради.

Валюта муносабатлари миллий ҳамда халқаро даражада амалга оширилади. Миллий даражадаги муносабат миллий валюта тизими (МВТ)ни ўз ичига қамраб олади. **Миллий валюта тизими - миллий валютани чет эл валютасига алмаштириш шу билан бирга алмаштириш билан боғлиқ бўлмаган, чет эл валютасига доир бошқа операцияларни тартибга солувчи қонуний мустақамланган тизим ҳисобланади.** МВТ нинг ўзига хос хусусиятлари ички иқтисодий тараққиётга эришиш ва ташқи иқтисодий алоқаларда икки мамлакат муносабатларини барқарорлаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Миллий валюта тизими қўйидаги кўринишларда ўз аксини топади:

- миллий валюта бирлиги;
- олтин валюта резервлари тузилмаси;
- миллий валюта ва валюта курси механизмнинг тенглиги;
- валюталарни аввалги ҳолатига қайтаришга шароит яратиш;
- нақд ва пул ўтказиш йўли билан валютага нисбатан муаммоларни чеклаш;
- мамлакатлар ўртасида ташқи иқтисодий ҳисоб-китобларда тартибни сақлаш ва бошқалар.

Молиявий алоқаларда миллий валюта тизими валюта курслари ва уларнинг тенглиги билан намоён бўлади. **Валюта курси** – бир

мамлакатнинг бошқа мамлакат пул бирликларида ифодаланган пул бирлиги нархи.

Паритет-бу валюта курсининг асоси ҳисобланган нисбат. У валютанинг олтин резервлари тузилмасининг асосини ҳам белгилайди.

2.8. Халқаро валюта тизимининг ривожланиш босқичлари

Халқаро валюта тизими (ХВТ) халқаро валюта муносабатларини ташкил қилишга доир давлатлараро тузилган ташкилотдир. У мамлакатлараро барча ташқи иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши жараёнида шаклланади.

Халқаро валюта тизимининг асосий элементлари қуйидагилардир:

- миллий ва жамоа валюта резервлари бирлиги;
- халқаро ликвидли активларнинг тузилмаси ва хусусияти;
- валюта тенглиги ва курси механизми;
- валютанинг дастлабки ҳолатига қайтаришга шароит яратиш;
- халқаро ҳисоб-китоб қилиш шакли;
- халқаро валюта бозори ва халқаро олтин бозори режими;
- Халқаро валюта фонди (ХВФ) ва Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки (ХТТБ) сингари молиявий ташкилотларда валюта – пул муносабатларини бошқариш.

Халқаро валюта тизимининг асосий иши халқаро ҳисоб-китоб ва валюта бозорида иқтисодий ўсувчи омилларини доим барқарор ушлаш учун инфляция юз бермаслиги, ташқи иқтисодий алмашинув ва пул муаммоларини доим тартибга солишни бошқаришдан иборат. ХВТ савдо борасида имкониятларни кенгайтириш ва аксинча халқаро иқтисодий муносабатларни чеклаш механизмларидан бири ҳисобланади.

Халқаро валюта тизими ўсувчи ва ривожланувчи тармоқдир. У доим алмашиб ва ўзгариб туради. ХВТ эволюцияси кўпроқ Ғарб мамлакатлари иқтисодиётида юз берганки, оқибат натижада дунё хўжалиги пул муносабатларига бу ҳол ўз таъсирини кўрсатган. Халқаро валюта тизими ўз тараққиётида тўрт босқичдаги тарихий йўлни босиб ўтган.

Биринчи босқич олтин андоза тизими бўлиб, у XIX аср охирларида амалда бўлган. Бу даврда мамлакатлар ўз ички бозорларида савдо сотиқни олтинлар орқали эркин юритишган.

Олтин андоза тизимининг асосий аломатлари қуйидагилар деб белгиланади:

- олтин орқали валюта бирлигини тақсимлаш;
- ҳар қандай пулни олтинга алмаштириш ва бошқа давлат чегарасида ҳам бу ишни бажариш;
- олтин муомиласи орқали ўз миллати қадрини ошириш;

Олтин андоза тизими халқаро ҳисоб-китоб меҳназида мустаҳкам курс жорий қилди десак хато қилмаган бўламиз. Чунки, олтиннинг қадри ҳеч қачон тушмайди. Энг эътиборлиси айнан молия, савдо муносабатларида жорий этилган бу тизим капитализм ривожланишига асосий сабаблардан бўлди.

Капиталистик иш юритиш учун қўлайлиги-олтин андоза валюта курсларининг маълум даражада барқарорлигига ва уни олдиндан билиб туриш мумкинлигига кўмаклашди, бу эса халқаро савдо ривожига катта аҳамиятга эга. Шунингдек, олтин андоза механизми факат қисқа муддатда вужудга келиши мумкин бўлган тўлов баланси тақчилликлари ва активларини ўз-ўзидан тўғриланишга ёрдам берди. Бу ҳолатлар капитализм ривожига эркин рақобатни юзага келтирди ва улар олтин орқали ҳар қандай валюта курси тизимини бошқарилган бўлади.

Иккинчи босқич-олтин девиз андоза тизими бўлиб, у Генуя (Италия) конференцияси қароридан сўнг ташкил этилди. Унга кўра мавжуд банкнотлар энди олтинга эмас, балки девизлар (яъни, вексел, чек, банкнотлар)га алмаштириладиган, улар эса келишувга кўра олтин тенглигида қабул қилинадиган бўлди. Аста-секин бу бутун жаҳон бозорида доллар ва фунт стерлингни молиявий муомила сифатида юзага келишини таъминлади. Умуман олганда, олтин девиз андоза даврида чек ва векселлар туфайли товар айланмалари барқарор ҳаракатда бўлди.

Учинчи босқич олтин валюта андоза тизими бўлиб, у 1930-йиллардан то 50-йилларгача бўлган даврни ўз ичига олади. Энди бу даврга келиб қоғоз пуллар олтинга айлантириладиган бўлди. Валюта курсларининг ҳуқуқий эркин тизими эса 1944 йилда Бреттон – Вудс (АҚШ) халқаро конференциясида белгиланади. Унинг асосий эътиборли томони қўйида валюта юритиш тартибларида акс этди:

- мамлакатлар ўртасида пуллик ҳисоб-китоблар олтин орқали бажарилиши сақланиб қолди;
- турли мамлакатлар валюта воситаларида Америка доллари олтин ўрнини эгаллайди;

- 1 трой унция (31,1 гр) олтин Марказий банк орқали 1944 йилда белгиланган АҚШ доллари курси бўйича 35 долларга алмаштириладиган бўлди. Бу пул олтин алмаштириш операцияларини давлат органи ёки ҳар қандай фуқаро бажариши мумкинлиги белгиланди. Факатгина бу ҳолат 1988 йилдагина барҳам топди;
- ҳар бир мамлакат ўз пули қадрини бошқа валюталар муомилада барқарор ушлаши шартлиги белгиланди. Бозор курсларида валюта, олтин ва доллар тенглигидан на у, на бу томонга 1 % ҳам ўзгармаслиги қатъий жорий қилинди. Бориб-бориб доллар пул-товар муносабатларида ўз мавқиега эга бўлди;
- давлатлараро валюта муносабатларининг бошқаруви Бреттон Вудс конференциясида ташкил этилган. Халқаро валюта фонди (ХВФ) орқали амалга оширилади. У валюталарни эркин алмаштирувчи мамлакатларни ўз аъзолигига олади ва валютага бўлган мамлакат талабини қондиришга хизмат қилади;
- Бреттон-Вудс келишуви ўзида Халқаро валюта тизими (ХВТ) тараққиётини номоён этадиган бўлди;
- Халқаро валюта тизими ҳукуматлараро битимлар тузилишига асослардан бири бўлди;
- олтин ва доллар муносабатига якун ясаб, Бреттон-Вудс тизими халқаро савдо обороти ва ривожланаётган мамлакатлар саноати ҳамда маҳсулотлари ўсишида асосий рол ўйнайди.

XX асрнинг 60-йиллар охирига келиб товар обороти ва сармоя кўчиши эҳтиёжларининг АҚШ валютасига талабни тобора кўпайтирилганлиги Бреттон-Вудс тизими танглиги ва таназуллигига олиб келди. Ғарбий Европа ва Японияда тараққиёт юксалгани ҳам бу тизимнинг емирилишига сабаб бўлди. Бу омиллар олтин андозаси қолдикларига ҳамда қатъий ўрнатилган курслар тизимига сўнгги зарба бўлди. Бреттон-Вудс тизими 70-йиллар бошига келиб расман тўхтади. АҚШ долларни олтинга алмаштиришда белгиланган нархдан воз кечди. Натижада жаҳон бозорида олтиннинг қадри тезда юксалди.

1976 йилда ХВФнинг Кингстон (Ямайка) да бўлган йиғилиши **янги дунё валюта тизимини** вужудга келтирди. Ушбу тадбирдан

кейин халқаро валюта механизмларини жорий этиш қуйидаги шаклларда ўз ифодасини топди:

- олтинг нисбатан эркин маҳсулот дея қаралди. Уни хоҳлаган мамлакат валютага алмаштириши мумкин. Олтиннинг баҳоси нархлар сифатини белгилашда фойдаланиши мумкинлиги ҳам қабул қилинди.
- махсус ўзлаштириш ҳуқуқи (СДР) андозаси иқтисодий жараёнлар, аниқроғи валюта муносабатларига жорий этилди. Бундан кўзланган мақсад авуар ва валюталар резервини қисқартириш бўлди;
- мамлакатлар ўз валюталарини хоҳлаган бошқа валюталарга алмаштириши эркинлашди. Бугунги иқтисодиётда бошқариладиган валюта курслари деб аташ мумкин бўлган ҳар хил валюта тизимлари мавжуд. Бир томондан тўлов балансининг мусбат ёки манфий сальдоси тарзидаги турғун номутаносиблиги вужудга келмаслиги учун валюта курслари сузиш имконига эга бўлиши лозим деб ҳисобланди.

Ўтган асрнинг 90-йиллар бошида халқаро валюта тизими ташкилий тузилмасида сузувчи валюта курслари мураккаб вазиятни юзага келтирди.

Биринчидан-алоҳида миллий валюталарнинг пул алмаштиришдан баҳосини юқори даражага кўтариш ҳисси кучайди.

Иккинчидан валюта тебранишларининг кенг кўламда ёйилиши оқибатида халқаро савдода номутаносибона валюта курслари тизими бўйича алоҳида муаммони келтириб чиқарди.

Шулардан келиб чиқиб, 1988 йилдаёқ 58 та мамлакат ўз пулларини шерикчилик асосида бир хил валюта шаклига ўтиши бўйича шартнома имзолашди. Унга кўра, 39 та мамлакат – АҚШ доллари, 14 та мамлакат Франция франки, 5 та мамлакат эса бошқа валюта режимида бирлашишди. Кўпгина мамлакатлар ўз валюталарини бошқа валюта карзина (сават) ларига, 4 та мамлакат эса фақат чегараларда валюталари бирлигига келишиб олишди. Ўз навбатида 8 мамлакат Европа Иттифоқини ташкил этишди. Унга кўра ўз валюталари қадрини барқарорлаштириш ва валюта механизмлари борасида ҳамкорлик юзага келтирилди. 19 та мамлакат эса «сузувчи» валюта режими йўлдан кетди, яъни булар, АҚШ, Канада, Буюк Британия ва Япониядир.

Ямайка келишуви «**махсус ўзлаштириш ҳуқуқи**» (СДР) деб аталувчи жамоавий валюта бирлигига асос солди. Аслида СДР 1969

йилда оддий кредит воситаси сифатида ташкил этилганди. Аммо кийинчалик унинг зиммасига **«Халқаро валюта тизими активларининг асосий резерви»** сифатида олтин ва долларнинг муқобиллигини таъминлашдек вазифа қўйилди. 1970-йиллар бошида сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар туфайли СДР жадаллашди. Доллар қадри тушиб, олтиннинг нархи ошди. 1974 йилга келиб эса «сузувчи» валюта курслари мавқеи ошиб, энди олтин улар билан тенглашди. Натижада 16 та мамлакатнинг валюта қиймати бир хил бўлди, уларнинг ташқи савдодаги тутган ўрни мустаҳкамланди. 1981 йилдан 5 та валюта (АҚШ доллари, немис маркаси, япон иенаси, француз франки ва инглиз фунт-стерлинги) мустақил «сузувчи» валюта ҳисобланди.

Белгиланган алмаштириш курслари тизими амалдаги валютанинг чет эл валютаси саватига (корзина) нисбатан қатъий курс белгилаш қондасини кўзда тутди. Валюта савати ҳисоби унинг тузилмаси валюта таркибий қисми ўлчови ҳамда валютанинг долларга нисбатан бозордаги курси билан ўлчанади.

Махсус ўзлаштириш ҳуқуқи (СДР) фоизлар келтиради. Агар мамлакатнинг бирор мақсад учун ажратилган пул маблағлари СДРдан юқори бўлса ва аксинча паст бўлса ҳам бу фоизи олинади. Демак, СДР нисбий бўлмаслиги лозим. У ХВФда унга аъзо мамлакатлар учун квота вазифасини бажаради.

Бу квоталар эса ўз навбатида улар пулни конвертация (алмашиш) қилиш харажатлари ёки пул балансларидаги қарзларини узишлари учун ажратилади. Ҳозирда унинг бу улуши саноати ривожланган мамлакатлар дунё валюта резервида салкам 6 % ни ташкил этади.

Кўпгина иқтисодчиларнинг фикрича, бу СДР фоиз келтириш билан бирга, барча айрим мамлакатлар учун кам фоизли кредит вазифасини ҳам ўтайди.

Валюта совети (иттифоқи) тарзида эътироф этиладиган яна бир жамоавий валюта резерви мавжуд. У – **ЭКЮ** дир. ЭКЮ Европадаги 12 та мамлакат валютасидан ташкил топган. Муҳими, бу мамлакатларнинг аксарияти Европа итифоқи (ЕИ) га аъзо давлатлардир. Валюта саватидан унга аъзо барча мамлакатлар Европа Иттифоқи ҳудудида миллий маҳсулотларни кўпайтириш ва Иттифок ичида экспорт қилиш учун тенг ҳуқуқ билан фойдаланиб келинган. 1 ЭКЮ 1,3 долларга тенглашган. ЭКЮ олтин ва доллар алмашинувида ҳам юқори қиймати эга бўлган.

ЭКЮнинг ташкил этилиши ЕИҒа аъзо давлатларнинг валюта курслари барқарорлигини таъминлади. Бир пайтлар олтин алмаштиришда ягона валюта бирлиги ҳисобланган АҚШ долларида ҳам қадрли бўла бошлади. Энди унга олтин алмаштирадиган давлатлар ҳам пайдо бўлди.

Бу ерда бошқа бир сабаблар юзага келди. Бундан кейин ЭКЮ Европа валюта тизимини АҚШ доллари «**мустамлакасида озод**» қилиши керак эди. Ҳамда кенг фаолият турига тарқалиши кўзда тутилган. Шу боис ЭКЮ нафақат алоҳида валюта операциялари учун балки, хусусий секторда ҳам муомилага кенг тадбиқ этилди. Натижада тезда валюта бирлиги сифатида қўшма жамғармалар ва халқаро валюта – кредитли молия ташкилотларида, шунингдек, марказий банкларда ҳам давлатлараро ҳисоб-китоб воситасига айланди.

Тижоратдаги ЭКЮ евро валюта сифатида заём облигациялари, банк депозитлари ва кредитлар вазифасини ўтай бошлади. 500 дан зиёд йирик халқаро ташкилотларда ЭКЮ кредит олди-бердисида муомилада бўлди. 1970-йиллар ўрталарида ягона валюта иттифоқини ташкил этиш учун фаоллик йўли изланганди. Европанинг илғор давлатлари нафақат валюта бирлигини, балки муқобил тарзда АҚШ долларини ҳам фаоллаштиришга интиланганди. Фақат бу валютанинг интеграциялашувдаги ва муомиладаги назоратини шу илғор давлатлар ўз қўлларида сақлашни исташганди.

Жаҳон савдосида бундай мураккаб вазиятлар пайдо бўлиши 1979 йил мартда **Европа валюта тизими** (ЕВТ) нинг таркиб топишига олиб келди. ЕВТ – бу халқаро (худудий) валюта тизими бўлиб, уни ташкил этишдан асосий мақсад-алмаштириш курсларининг ўзаро тебранишлари кўламини чеклашдан иборат эди. ЕВТ – жаҳон валюта тизимида бундан буён асосий рол ўйновчи таркибий қисм бўлиб қолди.

1972 йилда Европа иқтисодий ҳамжамияти (ЕИҲ) у ёки бу даражада белгиланган валюта «сузиши» ёки бошқариловчи валюта курси тартибини қисқартириш тараддудига тушди. Марказий банклар орқали энди ҳамжамиятнинг ўз аъзоларига тегишли валюталар бозорларида муомилада бўлиши шарт эди. Бундай мақсад оқибатида «**Европа валюта илони**» пайдо бўлди. Шундан кейин ЕИҲга аъзо мамлакатлар валюта курси ҳар йили 1,13 % дан 4% гача ўса бошлади. «Илон» график тасвири ЕИҲга аъзо 6 та мамлакатда (ГФР, Франция,

Италия, Нидерландия, Бельгия, Люксембург) айниқса ўз кучини кўрсатди.

«**Валюта илони**» 1979 йилда В.Жикард Эстон ва Г. Шмидтлар ташаббуси билан Европа валюта тизими ташкил этилиши билан якун топди. ЕВТ қуйидаги учта асосий элементни ўз ичига қамраб олади:

- ЭКЮ – Европа валюта тизимининг асосий валюта бирлиги;
- валюта курси механизми сифатида бошқа ҳудудларни ҳам эгаллаш. Европа валюта тизимида қатор марказий банкларда кредит давлатлараро ҳудудий валюта бошқарувчилиги йўлидан бориш.

Барқарор валюта курслари учун кредитлаш механизми. Бугун Европа валюта тизими олдида қуйидаги вазифаларни амалга ошириш турибди:

- Европа иттифоқи ичкарисида валюта барқарорлигини юқори даражада ушлаб туриш;
- барқарорлик шарт-шароитларида стратегия ўсишнинг асосий элементи сифатида туриш;
- иқтисодий тараққиёт жараёнида алоқадорликни кучайтириш ва Европа ривожига янги туртки қўшиш;
- халқаро иқтисодий ва валюта муносабатларида барқарорлик таъсирини кучайтириш.

Европа валюта тизими механизмнинг амалга оширилиши жорий этилган ЭКЮ ва унинг барқарор нархи, аммо, ЕИга аъзо мамлакатлар ўртасидаги валюта курсларининг бошқарилувига қаратилган. Шу жиҳатдан ЕВТ валюта резервларини умумий ихтиёрликка имкон беради. Тизимнинг ташкил этилиши ЕИда ички кредитнинг таъминланишида ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Европа валюта тизими тараққиёти ва ҳаракати жараёнида «**Делор плани**» алоҳида эътиборга эга. 1989 йил Ж.Делор яъни, ЕИ нинг атоқли арбоби Европа қўшма валюта режасини амалга оширишида учта муҳим шартнинг бажарилишини мақсад қилиб қўйди. Улар қуйидагилардан иборат:

- ЕИ мамлакатларида мувофиқлашган, иқтисодиёт ва валюта сиёсатини амалга ошириш;
- ЕИ марказий банкини таъсис этиш;
- миллий валютани ягона ЕИ валютасига алмаштириш.

1990 йилда Европа валюта тизими Англия, Испания, Португалия қўшилиши натижасида кенгайди. 1991 йилда ягона Европа маконини ташкил этиш бўйича Маастрихт (Нидерландия) шартномаси

имзоланди. Бу шартномани тузишдан ЕИ аъзоларининг бош ҳукумати битта мақсадни – **валюта иттифоқи** ташкил этишни кўзлайди.

Умуман Ғарбий Европа валютаси, яъни Европа валюта тизими қарийб 15 йил ушбу мамлакатлар иқтисодий алоқалларида муваффақиятли фаолиятда бўлди. 1992 йил кузига келиб бу тизим барбод бўла бошлади. ЕВТ дан ўша йилнинг сентябрида инглиз фунт-стерлинги чиқиб кетди, испан песетаси ва португал эскудоси девальвация (пул бирлиги курсининг кескин пасайиши) га учрайди.

1990-йил ўрталарида ЕИда ягона валюта иттифоқи тузишга имкон туғилгандек бўлди. Тузилган Маастрихт шартномасидаги талаблар амалга ошиши, миллий валюта бирликларининг давлатдан-давлатга ўтиши муносабатларига кўникиш учун маълум вақт ўтиш албатта зарур эди. Бу жараён йилнинг охирига келиб, валюта иттифоқига шу маҳалда кирилиши керак эди. Аммо, ЕИ нинг режаси тўлиқ амалга ошмади. Валюта иттифоқининг ташкил этилишига қуйидаги учта босқичлар сабаб бўлди.

Биринчи босқич 1998 йилда бошланди. Шартномага кўра иттифоқчилар ҳужжатлардаги мавжуд мезонларга жавоб берувчи шарт-шароитларни яратишлари лозим эди. Маастрихт шартномасида бу мезонлар қуйидагиларни ташкил этарди: инфляция даражасини барқарор ушлаш, давлат бюджетида етишмовчиликни (3% дан ошмаган ҳолда) юзага келтирмаслик. Ставкалар ўлчови ва миллий валютанинг бир хил қадрини сақлаш. Ўша пайтда бу талабларни бажаришга фақат Германия ва Люксембург, шунингдек Австрия ва Ирландия давлатларигина қодир бўлди холос. 1998 йилнинг охирига келиб Марказий Европа банкни ташкил этишга, марказий банкнинг Европа тизими фаолиятини эса шу банк орқали давом эттиришга киришилди.

Иккинчи босқич (1999-2001 й.й.) ташкил этилган Марказий Европа банкнинг биринчи қадами валюта операцияларини ягона валюта орқали алмаштиришни амалиётга тадбиқ этди. Молиявий ташкилотлар ва тижорат банклари ҳам валюта бозорларида алмаштириш ишларини шу шаклга ўтказишди.

Иккинчи қадами эса (2002-2003 й.й.) миллий монет ва купюрларни ягона **ЕВРО** (Европа) пул бирлиги белгисида алмаштиришдан бошлади. Бу ягона пул бирлигига 2002 йил январдан киришилди. Унга аъзо бўлувчи мамлакатлар ҳуқуқлари қайд этиб ўтилди. Ягона пул муомаласига ўтишнинг биринчи босқичида 6 ойгача ҳам миллий валюта, ҳам Евро савдо муносабатларида

ишлатилди. Бу даврдан кейин ЕВРО ўз ўрнини мустаҳкамлаб, Европанинг ривожланган мамлакатларида тўлиқ муомилада бўлишга эришилди.

Учинчи босқич. Илгари бундай шахсий ташаббус юз бермаган бўлса, энди Европа валюта иқтисодий иттифоқига аъзо давлатлар банклардаги барча ҳисоб-рақамларидаги пуллар Европа валютаси (ЕВРО)га конвертация қилинадиган бўлди.

Европа валюта бирлиги, иқтисодчилар фаразича, дунёда пул билан боғлиқ етакчи имкониятларни ўз домига олади. У ЕИ нинг барқарорлигини таъминловчи асосий манба, шунингдек инфляцияга қарши курашни енгиллаштирувчи куч, ҳамда жаҳон бозорида ЕИ давлатларининг рақобатбардош маҳсулот ва хизматлари билан АҚШ ва Япония маҳсулотларини анча чекланишини таъминлашдан иборат эди.

ЕВРОнинг пайдо бўлиши қимматли қоғозларнинг ҳам кадрини анчайин оширди. Ҳозирги кунда Европа молия бозорида дунё инвестицияси бир-биридан тарқоқ бўлган ҳолатни юзага келтирган. Бундай вазият ЕИ нинг реал иқтисодиёти ва молия курдратига соя солмай қолмайди албатта. Чунки дунёнинг нуфузли инвесторлари барча мамлакатдаги сингари ЕИ ҳам биргина валюта орқали ўз инвестицияларини киритиш ва ҳисоб-китоб қилишни маъқул кўришади.

ЕВРОнинг жорий этилиши жаҳон валюта бозорида бирдан ўз мавқиени тиклаш лозим эди. Асосий мақсад бозорда ягона лидер бўлиб турган долларга тенг равишда рақобатлаша оладиган пул бирлигини бозорга киритиш ва долларнинг валюта бозоридаги ўрнини эгаллашдир. Маълум вақт ўтиб бу амалда ўз исботини топиши, жаҳон валюта бозорида ЕВРО нинг қиймати доллардан бир неча ҳиссасигача ортиши кутилганди. Энди дунё бозорида Европа валютаси ҳам доллар, ҳаммаси билан рақобатлаша олиш қувватига эга бўлди. Бундай валюта ҳолати юзага келишидан банклар ҳам катта манфаат кўра бошлади. Илгари улар инвестиция киритилиши жараёни учун валютани, масалан долларни бозордан фоизи билан олишаётган бўлишса, эндиликда ЕВРО орқали ҳар қандай инвестицион ҳаракат ёки олди-берди учун шу валютадан фойдаланиш имкониятига эга бўлишди.

Янги пул бирлиги жорий этилиши туфайли ЕИдаги ҳар бир мамлакат бир йилда 40-50 млрд. доллар ортиқча харажатдан қутулди. Масалан, бир француз фуқароси 10-12 та Ғарбий Европа

мамлакатларига сафарга чиққудай бўлса, у сарф этиши лозим бўлган 2 минг долларнинг тенг ярми пулларни алмаштириш харажатларига сарф этилар эди.

Энди Европада ягона пул бирлиги–ЕВРО пайдо бўлгани айрим молия ташкилотларига, масалан биржа маклерларининг кам фойда кўришларига олиб келди. Чунки доллар ва миллий пуллар билан бажариладиган операциялар давомида улар салмоқли иқтисодий фойда кўрардилар.

Хуллас, **учинчи босқич** амалга оширилгани туфайли Европа валюта итифоқига аъзо давлатларнинг банклардаги барча ҳисоб рақамларидаги пуллар Европа валютаси (ЕВРО)га конвертация қилинди. Европа валюта бирилиги дунёда пул билан боғлиқ етакчи имкониятларни ўз домига олди. У ЕИ мамлакатлари иқтисодиётининг барқарорлигини таъминловчи асосий манба бўлиб қолди. Шунингдек, пул инфляциясига қарши курашни енгиллатувчи куч ҳамда жаҳон бозорида ЕИ давлатларининг рақобатбардош маҳсулот ва хизматлари билан АҚШ ва Япония маҳсулотларини анча чеклашини таъмин этди.

ЕВРО жорий этилиши биланоқ жаҳон валюта бозорида ўз мавқиега тезда эришди. Дунё бозорида ягона лидер бўлиб турган АҚШ доллариға тенг равишда рақобатлаша оладиган пулни бозорга киритди. Келажакда ҳатто у доллар ўрнини ҳам эгаллайди. Бугунги кунга келиб ЕВРО нинг қиймати жаҳон валюта бозорида доллардан 1,3 ҳиссасигача ортди. Дунё молия бозорида эса Европа валютаси ҳам доллар, ҳам япон иенаси билан рақобатлаша олиш қувватига эга бўлди.

3.8. Халқаро валюта ва молия-кредит бозорлари

Халқаро валюта ва молия-кредит бозорлари жаҳон хўжалиги ҳамда халқаро иқтисодий муносабатларда асосий воситалардан бири бўлиб хизмат қилади.

Сўнгги ўттиз йил ичида молия бозори тараққиётида кескин бурилиш йили бўлди. 1980 йиллардан буён ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) тайёрлашга нисбатан молиявий активлар нархининг ўсиши 2,5 баробарга ошди.

Объектив муносабатларга эга молия бозори тараққиёти амалдаги капиталнинг айланмасини объектив қонуниятларга асослади. Айрим жойларда эркин капиталга эҳтиёжни оширган бўлса, аксинча бошқа жойларда эса унга нисбатан талаб кескин пасайди.

Жаҳон валюта, молия-кредит бозори дунё хўжалигида иш юритиш даражасида бундай тафовутларга йўл очди.

Халқаро иқтисодий алоқалар, яъни жаҳон бозори, хизматлар кўрсатиш, капиталлар ҳаракати жараёнида миллий валюталарни олди-сотди ва бошқа валюта билан боғлиқ муносабатлардаги алоқаларни тенглаштирди.

Жаҳон валюта бозори, кредити ва қимматли қоғозлар бозорининг вужудга келишидаги дастлабки шартлар қуйидагилар эди:

- маҳсулот ишлаб чиқарилиши учун зарур капитал ва банк ишининг бир жойда тўпланиши;
- хўжалик алоқаларида байналминалликни юзага келтириш;
- халқаро банклар тараққиётини телекоммуникациялар ва ахборот воситалари билан таъминлаш.

Жаҳон валюта бозори ўзида нималарни акс эттиради? Яъни жаҳон валюта бозори-кенг маъноли ва мураккаб иқтисодий тоифани ташкил қилиб, муайян молия-валюта идоралари орқали ўзаро таъсирида бўладиган чет эл инвесторлари билан олди-сотди операцияларини бажарувчи мулкдор ўртасида хориж валютасини айирбошловчи муносабатларни тасвирлайди. Миллий валюта бозори бозор иқтисодиёти ривожланган барча мамлакатларда мавжуд. Шу нарса аниқки, ривожланган миллий валюта бозорлари дунёда ягона валюта бозори билан алоқаларни албатта мустақамлайди ва ўз навбатида ягона бозор ўзида халқаро, ҳудудий миллий (маҳаллий) валюта бозорлари фаолиятини ҳам акс эттиради. Бу бозор энди валюта операциялари ҳажми, хусусияти, сони ва қатнашувчилари билан алоҳида ажралиб туради.

Жаҳон валюта бозори фаолиятини **Жаҳон молия маркази (ЖММ)** жамлайди. ЖММ-бу кредит-молия институтлари жамланган банклар жойи ҳисобланади. Улар халқаро валюта, кредит, молия операцияларини ҳамда қимматли қоғозлар ва олтин бўйича битимлар тузилишини амалга оширади. Дунёда бундай жаҳон молия марказлари **Лондон, Нью-Йорк, Франкфурт-на-Майн, Париж, Цюрих ва Токио**да ўз фаолиятларини олиб боришаётибди.

Валюта бозорлари халқаро ҳисоб-китоблар ва жаҳон валюта бозоридаги кредит ва молия бозори ёрдами билан банкларнинг валюта резервлари, шунингдек давлат ва тадбиркорларнинг валютага талаби қондирилади. Қўшимча тарзда айтиш мумкинки, валюта бозори механизми давлат иқтисодиёти бошқаруви учун ҳам асқотади,

унинг биржа, брокерлик фирмалари, банк корпорациялар фаолиятини тўғри, мукаммал ташкил этилишида ҳам ҳиссаси анчагина.

Халқаро молия-кредит бозори. Халқаро молия-кредит муносабатлари жаҳон кредитлаш ва молиялаш бозорининг имтиёзли капитал билан таъминлаш муносабатларини ўз ичига қамраб олади.

Халқаро кредит бозорида мамлакатлар ўртасидаги пул ҳаракатлари, қарзни тез қайтариш, узиш ва фоизлар тўловини вақтида тўлаш билан ўзига хос аҳамият касб этади.

Халқаро кредит бозори-бу бозорнинг имтиёзли капитал берувчи қисми саналади. У ўзида қуйидаги жиҳатларни акс эттиради:

- **Жаҳон пул бозори.** Қисқа муддатли депозит-ссуда операцияларини бир кундан то бир йилгача кредит шаклида бериш;
- **Жаҳон капитал бозори.** У чет эл кредитларини ва еврокредитларни ўрта ва узоқ муддатга беради (1 йилдан 15 йилгача).

Жаҳон молия бозори – бу бозор ссуда капитал берувчи субъектларнинг бир қисми бўлиб, эмиссияга учрамайдиган ва қимматбаҳо коғозлар олди-сотди операцияларини бажаришда тезкор фаолиятига эга бўлган бозорнинг бир қисми. Бу бозор миллий валюталарда халқаро ссуда капитали операцияларини ҳам бажарадики, бу байналминаллик жиҳатларини ҳам ривожлантиради.

Жаҳон ссуда капитали сўнгги ўн йиллар ичида кескин ривожланди. У дунё хўжалигида турли компаниялар, банклар, валюта-кредит муассасаларини қисқа муддатли ссуда капиталлари билан таъминлаб, иқтисодий ҳаракатни кучайтираётир. Айтиш мумкинки, сўнгги юз йилликда дунё хўжалиги тараққиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлардаги ўзгариш саноат ривожланиши ва халқаро савдо фаолияти тараққий этгани каби халқаро молия-кредит муносабатлари ўсишига ҳам катта рақобат келтирди.

XX асрнинг 50-йиллар охирига келиб халқаро молия-кредит бозори тараққиёти **евробозор** деб аталувчи жаҳон бозоридаги ссуда капитал жамғармасига эга молиявий таркибни юзага келтирди ва унинг фаолиятини авж олди.

Евробозор – бу кредит ва заёмларни евровалюталар оркали валюта-кредит операцияларини амалга оширувчи бозор маконидир.

Евровалюта эса бир қатор ривожланган мамлакатлар ўз чегарасидан ташқаридаги муомилада қарз ва ҳисоб-китоб

ҳаракатларида, айниқса банклараро қарзлар ва трансмиллий корпорацияларни кредитлашда фойдаланиладиган валюта.

Евробозорнинг ҳукуматлараро ва давлатлараро бозорларида қатнашишга ҳуқуқи йўқ. У бир неча мамлакатлардаги инвестор ва корхоналар учун кўпроқ хизмат қилади. Евробозордаги операциялар давлат валюта бошқаруви ва солиқ қонунчиликлари таъсирига тушмайди.

Евробозорнинг фаол тараққиёти ўтган асрнинг 60-70 йилларига тўғри келади десак адашмаган бўламиз. Чунки 80-йиллар ва 90-йиллар бошига келиб у ўз фаолиятини бироз ўзгартирди. Масалан, 80-йиллар бошида қимматли қоғозлар бозорида кескин тараққиёт юзага келди. Натижада еврооблигация, евроакция, евроексел ва молиявий инновациялар салмоғи ортди.

Евробозорнинг тараққий этиши бутун жаҳон кўлами бўйлаб эркин молия ресурсларини амалга тадбиқ этишга имконият яратди. Шунингдек, у корхоналарни ички бозор капиталларига эмас, балки Евробозорга мурожат этишни таклиф этди, токи улар молия ресурсларини оқилона тарзда жойлаштирсинлар.

Евробозорлар бугунда барча йирик халқаро банклар, жаҳондаги барча молиявий марказлар ва валютани конвертация қилувчи молия муассасаларини ўзаро алоқаларига кириштирган. Евробозорнинг тараққий этгани янги халқаро молия марказлари (Сингапур, Гонгконг, Қувайт, Кайман ороллари)нинг вужудга келишига омил бўлди. 1982 йил декабрда эса Нью-Йорк (АҚШ)да халқаро банк хизматларининг эркин ҳудуди ташкил этилди. 1980-йилларнинг охирида вужудга келган янги жаҳон молия маркази эндиликда бутун дунёдаги халқаро молия-кредит операцияларининг учдан бир қисмини амалга оширишни ташкил этмоқда.

4.8. Халқаро валюта-кредит ва молия ташкилотлари

Халқаро валюта фонди (ХВФ). Халқаро валюта фонди 1944 йил июлида АҚШ нинг Бреттон-Вудсе шаҳрида ўтказилган БМТ нинг конференциясида ташкил этилган. ХВФ нинг низоми эса 1945 йил декабрда 29 та мамлакат имзоси билан тасдиқланган. У 1947 йил март ойида фаолият бошлади ва бош биниси Вашингтондан жой олди.

Бу даврда ХВФ нинг асосий йўналиши (Низом бўйича) қуйидагилардан иборат эди:

- Халқаро валюта ҳамкорлигига кўмаклашиш, дунё савдо тараққиётига ёрдам бериш;
- валюта курсларини бошқариш;
- тўловларнинг кўп хилли тизимининг амал қилинишига кўмаклашиш;
- валюта чекловларидан мавжуд камчиликларни бартараф этиш.

ХВФ га аъзо мамлакатларнинг хорижий валютадан фойдаланган чоғида тўлов балансларнинг ҳар бир квоталар учун тўлаган аъзолик бадаллари ташкил этади. Квоталар ўлчами эса мамлакатлар иқтисодиёти тараққиёти даражасини (ЯИМ ҳажмида) ҳамда уларнинг жаҳон хўжалиги ва халқаро савдодаги ролини белгилайди.

Аъзолик бадаллар-квота овозлари сони ва ҳажми ХВФ органида раҳбарлик қилиш ўрнини белгилайди. Айни вақтда АҚШ нинг ХВФ капиталидаги улуши-17,7 % ни ташкил этади ва шу боис у шу органга раҳбарлик қилади. Германия ва Япония улуши – 5,5 % дан, Европа Иттифоқи мамлакатлариники эса – 26 % дан зиёд. Бу фондда Ўзбекистон улуши қарийб 296 млн. долларини ташкил этади.

ХВФ юқори раҳбарлик органи барча аъзо давлатларнинг молия вазирлари ёки марказий банклари раҳбарларидан таркиб топган маслаҳат бошқарувчиларидир. ХВФ–дунёдаги энг йирик кредитор ташкилот бўлиб ҳисобланади. Ҳозирда у дунёдаги мавжуд 200 дан ортиқ мамлакатларга кредитлар, кўмаклашувчи маблағлар ажратади.

ХВФ кредитлари асосан мамлакатларнинг чет эл валюталаридан фойдаланганларида тўлов балансларини барқарор ҳолда туриши учун берилади. Кредитни олиш учун мамлакат аввало ўз ҳудудида сиёсий ва иқтисодий қулай шароитларни сақлаши талаб этилади. ХВФ ҳозирда қуйидаги функцияларни амалга оширади:

- халқаро валюта тизимини назоратга олишни;
- валюта курсларини барқарорлиги ва фондга аъзо мамлакатларнинг валюта муносабатларини тартибга солишни;
- ўзининг барча аъзоларига кўмаклашишни, тўлов баланслари борасида юзага келаётган қийинчиликларни бартараф этишни, уларга қисқа ва узоқ муддатли кредитлар беришни;
- аъзо мамлакатларидан валюта захираларини тўлдиришни ва СДР ни тақсимлашни;

- квоталар бадали ҳисобидан ўзининг молиявий ресурсини ташкил этишни.

Айни пайтда ХВФ олдида бир қатор оператив масалаларни ҳал этиш муаммоси кўндаланг турибди. Чунки халқаро валюта фонди - бу валюта-молия муносабатлари соҳасида анча обрўли халқаро ташкилот саналади.

Жаҳон банки (ЖБ). Жаҳон банки ХВФ дан ташқари халқаро валюта-молия муносабатларида асосий бошқарувчи институтлардан бири саналади. У бир неча молиявий ташкилотлардан ташкил топган:

- Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки (ХТТБ);
- ХТТБ нинг 1945 йилда ташкил этилган учта филиали;
- 1956 йилда тузилган халқаро молия корпорацияси (ХМК);
- халқаро ривожланиш уюшмаси (ХРУ; 1960 йилда ташкил этилган);
- 1988 йилда асос солинган Инвестицияларни кафолатлаш Халқаро агентлиги (ИКХА);
- шунингдек, ХТТБ нинг Америка, Осиё, Африка ва Европадаги континентал филиаллари. Вашингтон ш.- Жаҳон банкининг штаб-квартираси.

Жаҳон банки тизимида яъни Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки (ХТТБ) асосий ташкилий қисми ҳисобланади. ХТТБ аъзоси-халқаро валюта фондига аъзо бўлган мамлакат ҳамдир. ХТТБ ни бошқарувчи юқори-маслаҳат раҳбарияти ва директоратдир. Уни АҚШ ҳукумати – ХТТБ президенти бошқарди.

ХТТБ да ҳам ХВФ даги сингари квоталар овози – аъзолик бадаллари муҳим рол ўйнайди. Фақат фарқи шундаки, ХТТБ аъзо мамлакатлар бадалларидан ташқари хусусий компаниялар, турли молия уюшмалари, жамоат ва ҳукумат ташкилотларининг облигациялари воситаларини ҳам қабул қилади. Бу нуфузли банкда АҚШ билан бирга, «**кучли еттилик**» - Япония, Буюк Британия, Германия, Франция, Канада, Италия лидерлик қилади.

Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки ХВФ сингари БМТнинг ихтисослашган ташкилоти ҳисобланади. У мустақил молия ташкилотидир. Бу ўзида хусусий махсус йўналиш ва вазифаларни бажаришни акс эттиради.

ХТТБ нинг асосий фаолияти-давлат кафолати билан ҳукуматларга узоқ муддатли кредитлар ажратиш ва банкка аъзо мамлакатларнинг хусусий компанияларига муддатли қарз беришдан иборат.

Жаҳон савдоси фаолиятидаги халқаро ташкилотлар ўртасидаги бошқарувни **Тарифлар ва савдо ҳақидаги бош битим (ГАТТ)** тартибга солади. У 1948 йилда ташкил этилган. Дастлаб унга 23 та давлат аъзо эди. 1949 йилдан 1995 йилгача ГААТ дунёдаги савдо қоидаларини жорий этувчи, сиёсий савдони ташкил этувчи ва унга аъзо мамлакатлар ўртасидаги муносабатларни бошқариб турувчи ягона халқаро тарғибот органи ҳисобланади.

ГААТнинг асосий фаолият шакли эса раунд деб номланувчи консультациялар бериш, ўзаро суҳбатлар ўтказиш йўналишидир. ГААТ фаолият бошлагандан буён саккизта раундни ўтади. Шулардан энг сўнггиси 1986 йилда амалга оширилган Уругвай раундидир.

1995 йилда ГААТ таркибида Маракко шартномасига кўра **Бутунжаҳон савдо ташкилоти (БЖСТ)** ташкил этилди. Унга 131 мамлакат аъзо бўлди.

БЖСТнинг асосий функциялари:

- кўптарофлама савдо битимлари бажарилиши тартибларини назоратга олиш;
- савдо борасидаги келишмовчиликларга барҳам бериш;
- халқаро савдо ва савдо сиёсати тараққиёти назоратини олиб бориш;
- мақсадга техник ёндошиш ва мутахассислар ўқувини ташкил этиш;
- савдо сиёсати масалаларида бошқа халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик ўрнатиш;

Манзили: Женева ш. Швецария.

1964 йилда БМТнинг савдо ва тараққиёт бўйича конференцияси бўлди ва **ЮНКТАД** ташкил этилди.

Унинг асосий функцияларига қуйидагилар киради:

- ривожланган мамлакатларнинг иқтисодий интеграциялашувига киришиши ва мамлакатларнинг халқаро савдо тизимига киришувига кўмаклашиш;
- ривожланган мамлакатларда савдога чиқариладиган маҳсулот турларини қониқарли эканини тасдиқлаш ва халқаро савдо фаолиятини ривожлантириш;
- глобаллашув ва тараққиёт, халқаро савдо, инвестиция ва хизмат кўрсатув муаммолари бўйича кўп ёклама суҳбатлар ўтказиш.

Манзили: Женева ш. Швецария

Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ). ХМТ 1919 йилда ташкил этилган бўлиб, унга 171 мамлакат аъзо саналади.

Асосий фаолияти:

- иш билан таъминлаш ва аҳоли турмуш даражасини ошириш учун миллий дастурлар ишлаб чиқиш;
- билим олиш ва касбий тайёргарлик учун зарур шароитларни яратиш;
- меҳнат, соғлиқни сақлаш ва турмушдаги шароитларни яхшилаш;
- жамоаларда келишилган ҳуқуқий муносабатлар ва менежмент ва меҳнат ўртасидаги ҳамкорликка эътироф этиш.

Манзили: Женева ш. Швецария.

Иқтисодий ва ижтимоий Совет (ЭКОСОС). ЭКОСОС аъзолари БМТ аъзоларига таркиб топган 54 та мамлакат.

ЭКОСОС фаолияти қуйидаги учта асосий функцияда ўз аксини топади:

- давлатлар ўртасида халқаро иқтисодий ва ижтимоий муаммолардир, қайта ишлашга йўналтирилган сиёсий линиялар учун музокара ва форумлар ташкил этиш;
- БМТ нинг иқтисодий ва ижтимоий масалалари, шунингдек, БМТнинг ихтисослашган идоралари масалаларини мувофиқлаштириб бориш;
- халқаро ҳамкорликка ва умумий ҳамда махсус иқтисодий ва ижтимоий тараққиётга малакали тадқиқотларни тайёрлаш.

Саноат тараққиёти бўйича Миллий ҳамкорлик ташкилоти (ЮНИДО). У 1966 йилда ташкил этилган. ЮНИДО ривожланаётган мамлакатларни саноатлаштиради ва уларнинг бу тараққиёт йўлига миллий ва халқаро ресурсларни сафарбар этади.

Миллий ҳамкорлик ташкилоти тараққиёт дастури (ПРООН) ривожланаётган мамлакатларнинг асосий иқтисодий секторига техник ва инвестиция ёрдами кўрсатади. ПРООН 1965 йилда ташкил этилди. У ихтиёрий бадаллар ва фақат ҳукуматнинг аралашуви ва илтимосига кўра тушадиган маблағлар билан молиялаштирилади.

БМТнинг савдо-сотиқ ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО). У ҳукумат ташкилотлари ўртасидаги қишлоқ хўжалиги борасидаги меҳнат масалалари билан таъминлашда ягона ва жамоа меҳнати муносабатини мувофиқлаштиради. Ривожланаётган

мамлакатларда савдо-сотик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари тараққиётига кўмаклашиш, мутахассислар тайёрлаш ва талаб-таклифларни ишлаш ФАОнинг асосий фаолиятларидан саналади.

БМТнинг Европа иқтисодий комиссияси (ЕИК) 1947 йилда ташкил этилган. Унинг фаолияти урушдан кейинги Европанинг иқтисодий юксалишига кўмаклашишдан иборат.

Африка, Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзаси (ЭКА, ЭКЛАК) учун иқтисодий комиссия, Осиё ва Тинч океани (ЭСКАТО) учун ва Париж клуби (1956) учун иқтисодий ва ижтимоий комиссия ва бошқалар.

Халқаро валюта-кредит ва молия ташкилотлари ўртасида Халқаро ҳисоб банки (ХХБ) алоҳида ўрин эгаллайди.

ХХБ иккита функцияни бажаради:

- марказий банклар ўртасида ҳамкорлик ўрнатишга кўмаклашиш ва халқаро валюта операцияларини амалга оширишда қулай шарт-шароитларни яратиш;
- Халқаро ҳисоб ишларида ишончли шахс ёки анкеталар ролини бажариш;

ХХБ акциядорлик жамияти шаклида ташкил этилган.

5.8. Халқаро валюта-кредит ва молия ташкилотларининг Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётидаги роли

Бугунги кунда Ўзбекистон **Халқаро валюта фонди** ХВФ, 1992 йил 21 сентябр) ва Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки (ХТТБ) аъзоси. Бу нуфузли молия ташкилотларига очилган йўл республикамиз иқтисодиёти тараққиёти ва бу борадаги ислохатларни жадаллаштириш учун катта имконият яратди. Бу ҳамкорлик Ўзбекистон учун валюта ва молия соҳасида янги тажрибаларни ўзлаштириш имконини ҳам берди.

Ўзбекистонда ХВФ фаолияти республика Марказий банки ва ҳукуматнинг техник ва консультатив хизматларини юқори даражага кўтаришга қаратилган. ХВФ мамлакатлар банк тизимлари тараққиётига статистик маълумотларни енгиллаштириш, банк фаолияти назоратларини такомиллаштириш, молия тизимида кадрларни ўқитиш, меъёрий-ҳуқуқий актлар ишланмасини тайёрлаш каби юмушларда кўмаклашади.

Ўзбекистон учун МБРР ва халқаро тикланиш уюшмаси (МАР) билан ҳамкорлик катта аҳамият касб этади.

Жаҳон банки (ЖБ). Ўзбекистон Республикаси 1992 йил сентябр ойида Жаҳон банкига тўла ҳуқуқли аъзо бўлиб кирди. Бугун Ўзбекистонда Жаҳон банкининг молиявий институт гуруҳлари ҳамда хориж инвестициялари кафолати бўйича кўп ёклама агентлик ва халқаро молия корпорацияси (ХМК) ўз фаолиятларини олиб боришмоқда.

Жаҳон банкининг ҳамкорлик стратегияси қуйидаги йўналишларда белгилаб берилган:

- валюта ва савдо тартибини эркинлаштириш соҳасида истикболларни амалга ошириш учун таҳлилни, сиёсий ва институтцион негизларни тайёрлашга кўмаклашиш;
- хусусий сармоялар учун янада мақбул инвестицион муҳитни яратишга кўмаклашиш;
- муниципал инфратузилма тараққиёти ва коммунал хизмат тизимининг ишини такомиллаштириш;
- мамлакатнинг кенгайтирилган дренаж ва ирригация инфратузилмаси сақланишига кўмаклашиш ва унинг самарадорлигини яхшилаш.

Ислом тараққиёт банки (ИТБ). Ўзбекистон Республикаси 2003 йил 27 августда ИТБ га аъзо бўлиб кириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Халқаро молиявий корпорация (ХММ). 1993 йил октябр ойидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Халқаро молиявий корпорацияга (ХМК) аъзо бўлиб кирди. ХМК нинг Ўзбекистондаги фаолияти қуйидаги йўналишларга қаратилган:

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиялаштириш;
- саноат, қишлоқ хўжалиги ва маиший хизматнинг барча тармоқларини молиялаштириш .

Осиё тараққиёт банки (ОТБ). Ўзбекистон Республикаси 1995 йил 29 июлдан бошлаб ОТБ билан ҳамкорликни йўлга қўйди.

Ўзбекистонда ОТБ молиялаш стратегиясининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- қишлоқ хўжалиги соҳаси;
- транспорт (темир йўл ва автомобиль) соҳаси;
- таълим соҳаси;
- молия ва банк соҳаси;
- ижтимоий соҳа;
- микромолиялаш;

- энергетика инфратузилмаси.

Ўзбекистон БМТнинг ва **Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ОБСЕ)** нинг тенгхуқуқли аъзоси. Уларнинг бюроси Тошкентда очилган.

Ўзбекистон Республикаси **Европа Тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ)** га 1992 йил 30 апрелдан аъзо. 1993 йилдан эса ЕТТБ лойиҳаси қаторидан жой олган. ЕТТБнинг Ўзбекистонга бераётган молиявий ва техникавий ёрдами устивор соҳалар-молия, маъданли хомашё конларини ўзлаштириш ва уларни саноат йўли билан қайта ишлаш, энергетика мажмуаси, агробизнес, пахтани қайта ишлаш, сайёҳлик, транспорт ва алоқа тармоқларига сарфланмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистонга жами суммаси 550 млн. доллар, ЕТТБ улуши эса 250 млн. доллар бўлган ундан зиёд йирик лойиҳалар киритилган. Ўзбекистоннинг интеграцион тараққиёти динамикаси жаҳон иқтисодиётига жадаллик билан кириб бормоқда.

Назорат саволлари

1. Миллий валюта тизимининг асосий хусусиятларини айтинг.
2. Валюта курси ва паритет (тенглик) ўзида нималарни намоён этади?
3. Халқаро валюта тизимининг алоҳида элементларини айтинг.
4. Халқаро валюта тизимининг асосий вазифларини санаб ўтинг.
5. Халқаро валюта тизимининг асосий босқичларига баҳо беринг.
6. Олтин стандарт тизими ҳақида тушунча беринг.
7. Генуя шартномасининг халқаро ҳисоб-китобидаги муҳим жиҳатларини айтиб беринг.
8. Бреттон-Вудс тизимининг ўзига хос ва муҳим хусусиятларини сўзлаб беринг.
9. Ямайка тизими валюта бозорида қандай янгиликлар олиб келди?
10. Европа валюта тизими қачон ташкил топди?
11. Европа валюта тизимининг характерли жиҳатлари ҳақида гапиринг.
12. Европа миллий монета ва купюралари қачондан бошлаб ЕВРОга алмаштирила бошланди?
13. Дунёдаги энг йирик молия марказларини санаб ўтинг.

14. Халқаро иқтисодий ташкилотларнинг тузилишига нималар сабаб бўлган?
15. Сиз қандай халқаро иқтисодий ташкилотларни биласиз?
16. ХВФ қачон ташкил этилган? ХВФ нинг дунё иқтисодиётидаги роли ҳақида гапириб беринг.
17. ХВФ фондида Ўзбекистон квота суммаси қанча?
18. Айтингчи, Жаҳон банки қандай ташкилотлардан ташкил топган.
19. ГААТнинг қандай йўналиши ва вазифалари бор? ГААТ таркибида қачон ВТО-БЖСТ ташкил этилди?
20. ХВФ, ХТТБ, ОТБ ЕТТБ ва бошқа халқаро валюта – молия ва кредит ташкилотлари замонавий жаҳон иқтисодиёти майдонида қандай рол ўйнайди?
21. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида дунё валюта-молия ва кредит уюшмаларининг ўрни ва роли ҳақида қисқача маълумот беринг.

ХIII Боб. ХАЛҚАРО ИШЧИ КУЧЛАРИ МИГРАЦИЯСИ

1.8. Халқаро ишчи кучлари миграцияси тушунчаси

Аҳоли миграцияси – бу доимий яшайдиган жойига қайтиб келиш шарти билан бошқа чегара ҳудудларига кўчиб ўтиш ва вақтинча ишлаш тушунилади.

Халқаро миграция меҳнат, оилавий, сайёҳлик каби шаклларга бўлинади. Бу борада асосий эътибор халқаро меҳнат миграцияси ва халқаро ишчи кучлари бозори муаммосига кўпроқ қаратилади. Халқаро ишчи кучи бозори меҳнат ресурслари ҳамда миллий чегаралардан ўтишда турли йўналиш бўйича шаклланади. Халқаро меҳнат бозори эса меҳнат миграцияси шаклига бўйсинади.

Сўнгги йилларда мигрантлар фаолияти анча кучайгани кузатилмоқда. Жаҳон банки мамлакатларига кўра, 1960 йил бошида бутун дунёда мамлакатдан мамлакатга кўчиб юрувчи ишчи аҳоли 3,2 млн. атрофида эди. Кейинги пайтларда (1995й.) жаҳон бўйича бу ҳолат 35 млн. кишини ташкил этди. Бугунги кунда (2005й) чет эллик меҳнат ишчилари сони 181,5 млн.ни ташкил этади. Хорижлик ишчилар кўплаб саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда фаол саналишади. Масалан, Франциянинг қурилиш соҳасида 25 %, автомобилсозлик соҳасида эса 33 % ишчи иммигрант саналишади. Шунингдек, Бельгия кончиларининг тенг ярми, Швейцария қурилиш тармоғида ишлаётган ишчиларнинг 40% и хориж иммигрантларидир.

Халқаро ишчи кучлари миграцияси икки хил шакл (форма)дан иборат бўлади, яъни иммиграция ва эмиграция.

Иммиграция – бу ишлаш учун аҳолининг бошқа бир мамлакатдан иккинчи бир мамлакат ҳудудга кўчиб келиши. **Эмиграция** эса аҳолининг ишлаш ва яшаш учун бошқа бирорта мамлакатга кўчиб кетиши тушунилади. Бу икки ҳолат ўртасидаги фарк эса иқтисодий тилда миграция сальдоси деб номланади. Эмигрантнинг ўз юртига қайтиб келиши **реэмиграция** деб аталади. Халқаро миграцияда юқори малакали мигрантларни «**ақлли муҳожирлар**» дейишади.

Ишчи кучи миграцияси иқтисодий характерга эга бўлмаган омилларда ҳам ўз аксини топади. Иқтисодий мақсадни кўзловчи миграцияда эса арзон ишчи кучи туфайли мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши кузатилади. Сир эмаски, бирор мамлакатга иш излаб борган киши ўша ерлик туб аҳоли олаётган маошдан албатта кам

ойлик олади. Шу билан бирга давлат ёки корхонадан шу ерлик ишчидан кўра анча кам бўлган ижтимоий ҳимоя талаб қилади.

Иқтисодий таҳлиллар шуни кўрсатадики, кўпроқ ишчи кучлари чиқиб кетаётган мамлакатларнинг иқтисодий тараққиёти сустлашади, ўз ўрнида ишчи кучлари кириб келаётган давлатлар бойийди. Халқаро меҳнат миграциясининг асосий омиллари-капитал юритилишининг тезлашишида ўз аксини топади. Трансмиллий корпорация (ТМК)лар ишчи кучлари қўшилиши натижасида давлатга капитал оқиб келиши жадаллашгани билан алоҳида аҳамият касб этади.

2.8. Халқаро ишчи кучлари миграциясининг сабаблари

Халқаро меҳнат миграцияси дарстлаб гуё бир хилли кўринишдек намоён бўлади. Аслида бу доимо давлат бошқарувига таъсир этиб туради. Ўз ўрнида сўнгги пайтларда миграция оқими бозорининг асосий бошқарув элементларидан бир бўлиб қолади.

Ўтмишга назар ташлайдиган бўлсак, XIX аср ўрталарида аҳоли миграцияси тарихида жуда аҳамиятли воқеалар содир бўлган. Ўша асрнинг 40-йилларида Ирландиялик эмигрантлар АҚШга келмай кўйишди.

Кенг масштабли миграция оқимининг пасайиши XIX асрнинг 80-йилларига тўғри келади. Бунга сабаб АҚШда Италия ва Шарқий Европадан келтирилаётган бўғдойнинг нархи жуда камайганида акс этади. Ғалла нархи тушгач меҳнатга ҳақ тўлаш ҳам кескин пасайди ва бу жараён АҚШ иқтисодиётига сезиларли салбий таъсир кўрсатди.

АҚШ мамлакати мигрантлар кучидан умидвор ва иқтисодий фойда кўришни яхши билишади. Шу боис энди у аграр соҳа учун иммигрантларга шароит яратади ва натижада Европа мамлакатларининг кенг масштабли ишчи кучлари АҚШ га оқиб кела бошлади. Бу янги миграция оқими АҚШда XX асрнинг 20-йилларидан ривожланди. Энди Европада 1-жаҳон урушидан кейин бу ер аҳолиси кўпроқ Америкада ишлашни лозим кўришди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин АҚШда мавжуд ишчи кучлари миграцияси уч хил оқимга бўлинди. **Биринчиси**, бу – ақлли муҳожирлар. Улар кўпроқ Шимолий Америкадан иш топишди. Чунки бу миграциялар юқори малакага эга эдилар. **Иккинчи** оқим – бу Венгрияда антикоммунистик қўзғолон содир этилгач 1956 йилги воқеалардан кейин мамлакатдан чиқиб кетган қочоқлар, шунингдек Вьетнамда (1974-75 йиллар) кечган «жанублик» ва «шимоллик»лар

ўртасидаги келишмовчиликлардан кейинги пайдо бўлган қочоқлар ташкил этади. **Учинчи** оқим эса Кариб ҳавзаси давлатларидан иш излаб келган муҳожирлар саналади.

Агар биринчи ва иккинчи оқимлар сабаби сиёсий ва кўчишга мажбур бўлиш бўлган бўлса, учинчи ҳолатда эса тўғридан-тўғри иқтисодий мақсад сабаб бўлинган.

XIX ва XX аср меҳнат миграцияси жараёнида Хитойдан Жануби-Шарқий Осиё ва Шимолий Америкага аҳоли миграцияси содир бўлгани асосий рол ўйнайди. У асосан кўчишга мажбурлик жиҳатидан аҳамиятли ва бу пайтда 70 млн. дан 100 млн. хитойликгача аҳоли шу мамлакатларга кўчган ва кўчирилган.

Ғарбий Европа мамлакатларида II жаҳон урушидан кейин, аниқроғи ўтган асрнинг 60-йиларида етарлича ишчи кучлари миграцияси жараёни авж олди. Испания, Португалия, Греция, Югославия ишчи кучлари Европа мамлакатлари иқтисодий ишлаб чиқариш ривожига фаол иштирок этди. Бугунги кунда ҳам хорижлик ишчи кучлари дунё хўжалиги ҳаракатининг асосий меъёрий элементларидан бири ҳисобланади.

Халқаро ишчи кучлари миграцияси бошқарувини қуйидаги ҳолатларда кўриш мумкин:

- ривожланаётган мамлакатлардан ривожланган давлатларга кўчиш;
- саноати ривожланган мамлакатларга миграция;
- ривожланаётган мамлакатлар ўртасида ўзаро ишчи кучи миграцияси алмашиш;
- собиқ социалистик мамлакатлардан ривожланган мамлакатларга ишчи кучи миграцияси;
- саноати тараққий этган ривожланган мамлакатларга илмли ишчилар, юқори малакали мутахассислар миграцияси.

Халқаро ишчи кучлари миграцияси саноати ривожланган мамлакатларда баъзан ноиқтисодий мақсадларни кўзлаганликда ҳам акс этади. Масалан, Европадан АҚШга кўчиб келган «ақлли муҳожирлар» ўзлари учун иқтисодий фойда кўриш учун эмас, балки шу мамлакат таклифи билан маҳаллий аҳолидек яшайпти ва ишлайпти.

Халқаро ишчи кучлари миграциясида Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлардаги кўчиш ҳолатлари ҳам аҳамият касб этади. ЕИда 1989 йил 9 декабрда Хартия, деб номланган Европа иқтисодий ҳамжамияти (ЕИХ) га аъзо мамлакатлар ишчиларининг ижтимоий

ҳуқуқи имзоланди. Унда ёзилишича, «ҳар бир Европа иқтисодий ҳамжамиятга аҳзо мамлакат ишчиси ҳамжамият ҳудудида мавжуд қонун-қоида ва чегара интизоми, жамоа тартибини сақлаш, жамоатчилик ҳавфсизлигини таъминлаш ва соғлигини асраш ҳуқуқларига эга»; «ЕИҲ ҳудудида ишга киришини ҳохловчи фуқаро касби ва қўлидан келадиган ҳунарига қараб, ҳар қандай ишни бажариши ва меҳнат шароитлари ҳамда ижтимоий ҳимоя имкониятларидан тўлалигича фойдаланиш ҳуқуқига эга».

Сўнгги йилларда ишчи кучлари миграцияси ривожаланаётган мамлакатлар ўртасида анча ўсди. Асосий кўрсаткич янги саноатлашган мамлакатлар (ЯСМ), жумладан араб мамлакатлари, ОПЕКка аъзо мамлакатлар, ҳамда у ёки бу соҳаларда кескин ривожланиш босқичида бўлган мамлакатларда юқори бўлмоқда.

Ишчи кучлари миграциясининг «ақлли муҳожир» лик оқими ҳозирда кўпроқ ҳаракатда ва улар асосан Европа мамлакатлари ва Шимолий Америкадан ОПЕКка аъзо бўлган ривожланаётган мамлакатларга боришмоқда.

Собиқ социалистик мамлакатлар, хусусан МДҲ давлатларида кечаётган ишчи кучлари миграцияси ҳақида ҳам алоҳида тўхталиб ўтиш зарур. Бугунги кунда асосий ишчи кучлари оқими Россияда кучаймоқда. Масалан, биргина Россия Федерацияси пойтахти Москва шаҳрида ҳозирги пайтда дунёнинг 78 мамлакатидан хорижлик ишчилар ва иммигрантлар пойтахтдаги қурилишларнинг 46 % иш ўрнини ташкил қилади.

Сўнгги йилларда Россияга яқин бўлган Украина, Белорус, Молдова, Арманистон, Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистон ва бошқа мамлакатлардан жуда кўпгина ишчи кучлари кириб келмоқда. Бу миграциянинг сабаблари-иқтисодий мақсад бўлиб, улар пул топиш учун бу ерга иш излаб келаётир. Шунингдек, Россияда қочоқлар ва турли қўзғолонлар оқибатида жабр кўрганлар ва кўчишга мажбур бўлганлар ҳам бор. Буларнинг умумий сони салкам 5 млн. кишидан ортиқ бўлиб, улар асосан МДҲ давлатлари фуқароларидир.

3.8. Ишчи кучларини ўзига жалб этувчи замонавий арказлар

Бошқа давлатлардан ишчи кучларини ўзига жалб қилувчи мамлакатлар ва ҳудудлар қуйидагилар:

АҚШ, Канада. Ҳар йили АҚШ га дунёнинг бошқа мамлакатларига қараганда энг кўп иммигрантлар ташриф буюришади. Ғарбий Европа, Россия, Лотин Америкаси ва бошқа

мамлакатларнинг юқори малакали иммигрантлари АҚШда ишлашни кўпроқ хуш кўришади. Унчалик малакага эга бўлмаган ишчилар эса асосан бу ерга Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзаси мамлакатларидан ишлаш ва яшашга келишади. АҚШга қонуний йўл билан ҳар йили 740 минг атрофида аҳоли ишлаш учун кўчиб келган бўлса, шу мақсадда 160 минг киши эса кўчиб кетишади. Йиллик миграция сальдоси 580 минг кишини ташкил этади. Йиллик иммигрантлар оқими биргина Канада ва АҚШ ўртасида (90-йиллар ўртасида) 100 минг аҳолини ташкил этганди;

Ғарбий Европа. Кўпгина ривожланган мамлакатларга, асосан ЕИга Мальта ҳамда шарқий Европа ва МДХ давлатларидан тортиб, шунингдек, Шимолий Африка ва Яқин Шарқдаги араб мамлакатлари ҳамда, Африканинг Саҳарагача бўлган мамлакатларидан ҳар йили бир неча юз минглаб иммигрантлар келишади. Ғарбий Европа интеграциялашувининг натижасида ишчи кучлари миграцияси ЕИга аъзо мамлакатларда эркин ва меҳнат қонунчиликлари ҳуқуқларидан тўла фойдаланган ҳолда фаолият юритадилар;

Яқин Шарқ. Нефт қазиб олувчи мамлакатлар ҳудудида оғир ишларни бажаришга асосан арзон бўлган хорижлик ишчи кучлари жалб этилган. Бу ерда мавжуд ишчи кучларининг 50 % ини қўшни араб мамлакатлари, яъни Саудия Арабистони, Бирлашган Араб амирлиги (БАА), Баҳрайн, Қувайт ва Уммон давлатларининг фуқаролари ташкил этади;

Бошқа ривожланаётган мамлакатлар. 1990-йилларда энди ривожланаётган мамлакатлар ўртасида меҳнат миграцияси борасида фавқулодда ҳодиса юз берди. Одатда ишчилар оқими саноати жадал ривожланаётган иқтисодий ислохатлар изчил кечаётган мамлакатларга йўл олишади. Масалан, мавсумий ишчилар ва бирор корхона ишчи-жамоаси Лотин Америкасидан Аргентина ва Мексикага боради. Шунингдек, Нигерия, Жанубий Африка республикаси (ЖАР), Фил суяги қирғоғи каби мамлакатларига мавсум чоғи пайтида барча иммигрантларнинг 50% и кўчиб келишади. Аммо, сиёсий «ўйин»лар кечаётган айрим мамлакатларда бунинг акси вужудга келади. Масалан, 1991 йилги Форс кўрфазида бўлган уруш оқибатида салкам 1 млн. дан ортиқ мисрлик аҳоли Ироқдан, 800 мингга яқин яманлик аҳоли Саудия Арабистонидан, 500 минг атрофида фаластин ва иорданиялик аҳолилар Қувайтдан кўчиб кетишади. Кейинчалик уларнинг ўрнини Ҳиндистон ва Мисрдан келган иммигрантлар эгаллашди;

Янги саноатлашаётган мамлакатлар. Ишчи кучлар миграцияси асосан Жануби-Шарқий Осиё (Малайзия, Жанубий Корея ва бошқ.) да кўпчиликини ташкил этади. Асосан иш мавсуми пайтларида бу ерга Мексикадан ва ривожланаётган Осиё мамлакатларидан ҳам иш излаб келувчиларнинг сони ортиб боради.

Жаҳонда ишчи кучларини ўзига жалб қилувчи марказлардан яна бири-**Австралия** саналади. Ҳар йили бу ерга 200 мингдан зиёд иммигрантлар ишлаш учун келишади.

Ҳозирги кунда Евросиёда ишчи кучларини ўзига тортувчи янги марказ-Россия Федерацияси бўлиб қолмоқда. Бу ерда қонуний меҳнат қилаётган иммигрантларнинг умумий сони бир неча миллион кишидан зиёдни ташкил этади.

4.8. Халқаро ишчи кучларини бошқариш

Албатта, халқаро ишчи кучлари миграцияси кўп ҳолларда давлат ва давлатлараро бошқарувида маълум муаммоларни келтириб чиқаради. Бу масалага давлат аралашуви халқаро савдони бошқаришдан анча илгари халқаро меҳнат бозори ташкил этилгандаёқ амалга ошган эди. Чунки у мамлакатдан бу мамлакатга ўтган фуқаролар албатта бирор тушунмовчиликлар оқибатида муаммони юзага келтиради. Шу боис, XVIII асрдаёқ давлат чегараларидан иммигрантларни ўтказмаслик бўйича **қатъий қонун** ишлаб чиқилган. Бунга яқин ўхшаш қонунлар XIX асрда ҳам кўпгина Европа мамлакатларида амал қилинган. Аммо ҳозирги кунда дунёнинг барча йирик мамлакатлари ўз ички меҳнат бозорларини тўлдириш, иқтисодини мустаҳкамлаш учун иммигрант ва эмигрантлар учун ҳамда уларни қонуний бошқариш учун тартиб-қоидалар ишлаб чиқиб, йўлларни очганлар.

Кўпгина мамлакатларда миллий ҳокимиятлар миграция жараёнига фаол назар солаётирлар. Улар бошқараётган тартибларга кўра нафақат иммигрантларнинг умумий сони, касб-кори, ёши этиборга олинаётир, балки уларни шу ерга доимий келиб ишлашларини тامينловчи қонун-қоидаларга ҳам амал қилинмоқда.

Ишчи кучлари импорт қилинаётгин мамлакатларда давлат миграцияси бошқаруви тизимида қўйидаги элементлар эътиборда бўлади:

- иммигрантлар учун юридик, сиёсий ва касбий қонунчиликларни жорий этиш;

- миллий иммиграция хизмати;
- миграция мавжуд бўлган давлатлар ўртасида келишувни амалга ошириш.

Одатда давлат бошқаруви бюджет бўйича молиялаштирилган ҳолатда хориж ишчи кучларини жалб этишга киришилади. Шунингдек, иммигрантнинг шартнома вақти тугагач ўз уйига қайтиши кафолатланади.

Йирик ишчи кучлари миграциясидан фойдаланаётган мамлакатларда иммигрантлар билан яхши муносабатда бўлишадилар.

Биринчидан, ишчининг мутахассислиги, билими, ёши, саломатлиги инобатга олиниб, уларга эркин ишлашлари учун қулай шарт-шароитлар яратиб беришдилар. Юқорида таъкидлаганимиздек, иш бўйича тузилган икки томонлама шартнома (контрактлар) муддати тугагач, унга маошидан ташқари моддий компенсация ва унинг мамлакатига ҳам иммиграция ёрдами сифатида пул маблағи ўтказилади.

Иммиграцион сиёсат бевосита иммиграция миллий хизмати, яъни меҳнат вазирлиги, адлия ёки ички ишлар ҳодимларидан ташкил топган нуфузли хизмат орқали назорат қилинади. Бу орган ҳам федерал миграцияси хизмати сингари фаолият юритади.

Назорат саволлари

1. «Ишчи кучлари миграцияси», «Эмиграция», «Иммиграция», «Реэмиграция», «Миграция-сальдоси», «Ақлли муҳожир» тушунчаларини изоҳлаб беринг.
2. Халқаро ишчи кучлари миграциясининг иқтисодий мақсадли ва ноиқтисодий сабабларни айтиб беринг.
3. Жаҳон иқтисодиёти учун миграциянинг қандай иқтисодий самаралари мавжуд? Улар тўғрисида гапириб беринг.
4. Ишчи кучлари экспортининг мамлакат иқтисодиётига таъсири қандай?
5. Ишчи кучлари импортининг мамлакат иқтисодиётига таъсиричи?
6. Ишчи кучларини ўзига жалб этувчи асосий марказлар номини айтинг ва изоҳ беринг.
7. Давлат томонидан бошқариладиган иммигрантликнинг асосий хусусиятларини айтинг.
8. Реэмиграция давлат бошқаруви қандай имкониятлар беради?

XIV Боб. ЖАҲОН ХЎЖАЛИГИДА ХАЛҚАРО КОРПОРАЦИЯЛАР (МОНОПОЛИЯЛАР)

1.8. Трансмиллий корпорация (ТМК) ларнинг моҳияти, турлари ва вужудга келиш сабаблари

Трансмиллий корпорация (ТМК)лар БМТ экспертлари фикрича **«Жаҳон иқтисодиётининг двигатели»** ҳисобланади. Айни пайтда жаҳонда 78 мингдан зиёд ТМК лар фаолият кўрсатади. Улар тахминан 780 минг хорижий корхоналар филиаларига эга.

Трансмиллий корпорацияларнинг асосий қисми АҚШ, Европа Иттофоқи ва Японияда ташкил топган. Трансмиллий корпорациялар дунё саноат маҳсулотлариининг 2/5 ини, халқаро савдо ҳажмининг тенг ярмини ишлаб чиқаради. Умумий ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ҳажмида ТМК корхоналари улуши ҳар йили 1 трлн. доллардан ошади. Уларда 75 млн.дан ортиқ ишчи-ҳодимлар фаолият юритади. Бу дегани дунёдаги ишга яроқли аҳолининг ҳар ўнтасидан бири ТМК корхоналарида ишлайди, деганидир.

Хўш, трансмиллий корпорациялар ўзида нималарни акс эттиради, уларнинг таркибига қайси корхоналар киради? БМТ мана бир неча йилдирки халқаро корпорациялар фаолияти билан қизиқиб келади. Шу боис унга товар айланмаси йиллик 100 млн. долларни ташкил этадиган кўплаб корхона ва фирмалар киради. Уларнинг филиаллари бугунги кунда юзга яқин мамлакатларда ташкил этилган. Дастлабки БМТ йирик корпорациялар фаолияти билан қизиқиб, уларни ўз аъзолигига олган бўлса, эндиликда бундай корхоналар бу нуфузли уюшмага аъзо бўлиш учун елиб-югураётирлар. Бунда трансмиллий корпорациялар орасида Швецариянинг «Нестле» фирмаси етакчилик қилиб келмоқда.

БМТ методологиясидан билиш мумкинки, халқаро корпорациялар ўз активларини ҳам ТМКларга йўналтираётирлар. Ҳозирда ТМК лар ўртасида юқори активга эга муассаса, бу – трансмиллий банклар саналади, яъни булар – «Роял-Датч шелл» инглиз-голланд концерни, ҳамда АҚШдаги «Форд», «Женерал-Моторс», «Эксон» ва «ИБМ» лардир.

Халқаро монополиялар таърифи. Ғарб иқтисодиёти адабиётларида кўпинча халқаро монополиялар деган иборага кўзингиз тушади. Булар-трансмиллий корпорациялар, байналминал корпорациялар, трансмиллий компаниялар, глобал

компаниялар ва бошқалар. Таниқли америкалик маркетинг фани билимдони Ф.Котляр, халқаро компаниялар ташкил топиши жиҳатидан улар тўрт турга бўлинади, деган эди: улар-глобал компания, транс миллий компания, кўп миллатли компания ва байналминал компания.

Россиялик иқтисодчилар ҳам уларни одатдагича тасниф этадилар. Уларнинг талқинича **трансмиллий корпорациялар**-бу хориж активларидан ташкил топган миллий монополиялар бўлиб, уларнинг маҳсулот ишлаб чиқариши ва савдо фаолияти ўзга бир мамлакатдан ташқарида амалга оширилади.

АҚШда эса корпорациялар акциядорлик жамияти деб юритилади. Аксарият қўшма ТМК ларнинг Америка компаниялари билан қўшилганига халқаро майдонда шу ном билан ёйилиши кузатилмоқда.

Бу тузилмалар ривожланаётган мамлакатларда арзон ишчи кучлари, капитал ва замонавий технологиялар билан таъминлаш, умумлаштириш учун асосий восита бўлди. Унинг таркибидаги компаниялар алоҳида, мустақил равишда маҳсулот ишлаб чиқарадилар, илмий-тадқиқот ишларини олиб борадилар, истаъмолчиларга хизматлар кўрсатадилар ва ҳаказо.

Улар бир бутун бўлиб ёхуд ягона йирик ишлаб чиқариш, сотиш мажмуаси сифатида ва мулкдорларнинг акция капиталлари йиғилмаси билан ягона ТМК га бирлашишлари мумкин. Бундай пайтда ҳам компания филиаллари ва шўъбалари қўшма корхоналар ташкил этишлари мумкин бўлади.

Кўп миллатли корпорациялар (КМК) – бу хусусий бўлган халқаро корпорациялардир. Бунда икки мамлакатнинг умумий стратегик мақсадларга эришишини кўзлаган қўшма миллий компаниялар мавжуд. Масалан, 1907 йилда ташкил топган инглиз-голланд концерни – **«Роял-Датч шелл»**. Бу икки миллатнинг бу корпорациядаги капитали 60 га 40 саналади. Кўпмиллатли корпорациялар таркибига машҳур ва йирик Европанинг Швейцар-швед «АВВ» (Asia Bromn Bovary) компаниясини ҳам қўшиш мумкин. Бу қўшма корпорация машинасозлик ва электр-муҳандислик хизматларини амалга оширади ва унинг филиал ва қўшма корхоналари МДХ давлатларида ҳам мавжуд. Европадаги яна бир йирик кўпмиллатли корпорация инглиз-голланд концерни ҳисобланган **«Юнилевер»** дир.

Кўпмиллатли корпорациялар ўзида қуйидаги хусусиятларни акс эттиради:

- нақд бўлган кўп миллатли акциядорлик капиталини;
- мавжуд кўпмиллатли марказлар бошқарувини;
- маҳаллий шарт-шароитлар маъмуриятининг жамлашни.

Охиргиси, кўпгина трансмиллий корпорацияларга хос бўлмаган томонлари мавжуд. Умуман олганда кўпмиллатли корпорациялар ўртасида чегара амал қилинади, фақатгина у фирмага иш ёки маҳсулот элтиш юзасидан борилганда чегра бўлмайди, холос.

Трансмиллий корпорацияни халқаро компаниялар орасида кенг тарқалган глобал корпорациялар тўлдиради. Улар XX асрнинг 80-йилларида анча кучайди. Глобал корпорациялар ўзларида дунё молия капиталининг барча қудратларини акс эттирган. У кўпгина соҳаларни, яъни химия, электротехника, электроника, нефт, автомобил саноати, ахборот, банк тармоқларини глобаллаштирмоқда, яъни дунё миқёсида кенгаймоқда.

Трансмиллий корпорацияларнинг вужудга келиш сабаблари миллий давлат чегараларидан ташқарида маҳсулотларни айирбошлаш ва сотиш, уларни ўтказишда байналминаллик анъаналарини рўёбга чиқаришда кўрилади.

Маҳсулотларнинг эркинлашуви ва байналминаллашуви чегаралардан ташқарида йирик компанияларни ташкил этилишига ва трансмиллий корпорацияларнинг тобора иқтисодий жиҳатдан бақувват ва ривожланишига сабаб бўлмоқда. Капиталларнинг алмашинуви эса халқаро корпорациялар тараққиётида алоҳида восита бўлиб хизмат қилмоқда.

ТМК нинг вужудга келишини аниқ сабаби – юқори даромад кўришликда, яъни фойда олишда десак бўлади. Шунингдек, мустаҳкам рақобат, маҳсулот ва пул маблағлари ТМКнинг вужудга келишини таъминлади.

2.8. Трансмиллий корпорацияларнинг ўзига хос хусусиятлари

Трансмиллий корпорациялар ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, улар халқаро меҳнат тақсимоти ва унинг ривожланишида фаол рол ўйнайди. ТМКлар халқаро маҳсулот тизимида дунёнинг кўплаб мамлакатларида маҳсулот ишлаб чиқаришни ва хизмат кўрсатувчи шўъба компаниялар ташкил этишни амалга оширади.

ТМКлар юқори технологияли тармоқлар, юқори илмий салоҳият натижасида вужудга келадиган маҳсулотларни кўпроқ ишлаб чиқарадики, бунга бўлган мижозлар ҳам ихтисослашган шахслар бўлади. Бунинг натижасида бу соҳалардаги халқаро корпорацияларда монополлик руҳи ҳукм суради.

XX аср охирида жаҳондаги ривожланган мамлакатлар ишлаб чиқарган саноат маҳсулотларининг тўртдан уч қисми 2000 та йирик корпорация улушига тўғри келди. Уларнинг юздан ортиғи 50-80 % маҳсулот турларини ишлаб чиқарди. Бу трансиллий корпорациялар ички ва ташқи савдода ҳам катта нуфузга эгадир.

Энг бақувват саналган 500 та ТМКлар хориж инвестицияси улушининг 3/4 қисмига эгалик қилади. Бу гигант ТМК лар дунёдаги мавжуд электроника ва химия маҳсулотларининг 4/5 қисмини, фармацевтика маҳсулотларининг 9/10, машинасозлик маҳсулотларининг 8/10 қисмини ишлаб чиқаради.

2006 йил маълумотларига қараганда, дунё хўжалигида 78 млн ортиқ ТМКлар ҳукмронлик қилади. Улар дунё ялпи маҳсулотининг 3/4 қисмини ишлаб чиқарган ва ўз маҳсулотлари ва хизматлари – нуруни кескин кўпайтирган. Масалан, «Волво» номли швед автомобил концерни ҳозирги кунда нафақат жаҳонда машҳур бўлган автомобил ишлаб чиқариш билан кифояланаяпти, балки у Швециянинг ўзида 30 дан ортиқ йирик шўъба компаниялари ва ўндан ортиқ давлатлардаги корпорациялари катерлар учун двигателлар, авиация моторлари, ҳатто пиво маҳсулотлари ишлаб чиқармоқда. Шу билан бирга, АҚШдаги 500 та энг йирик ТМКлар 11 хил ўрта тадбиркорлик соҳаларида ва 30-50 та кучли соҳаларда фаолият кўрсатмоқда. Ёки 100 хил саноат гуруҳларида иш юритаётган фирмалар Англияда жами 96 соҳада, Германияда – 28, Францияда – 84, Италияда эса 90 хил соҳаларда маҳсулот тайёрлаш бўйича етакчи саналишади. Муҳими, уларнинг сони ва характери иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқдир.

ТМКларнинг кучли маҳсулот базаси мўлжали юқори самара берувчи маҳсулот бозорини вужудга келтириб, ана шундай маҳсулот ишлаб чиқариш - савдо сиёсати юргизишни кўзлайди. Шунингдек унинг режасида компаниялар тузиш ва фирмалар ташкил этиш масаласи ҳам бор.

Трансиллий корпорациялар халқаро майдонда илмий-тадқиқот ишлари ва капиталлар ривожини бўйича сиёсий динамика вазифасини ўтайди. Масалан, «Электролюкс» трансиллий корпорациясини

олайлик. У айти пайтда дунё бозоридаги маиший электр маҳсулотлари ва саноат технологиясининг 25 %ини ўз қўлида ушлаб турибди. 1912 йилда ташкил этилган бу швед компанияси ХХ асрнинг 20–йиллардаёқ Австралия ва Янги Зеландия бозорини ўз маҳсулоти билан эгаллаб олганди. Сўнгги ўн йилда эса «Электролюкс» «Уайт Консолидейтед» компаниясини, АҚШда эса маиший техника ишлаб чиқарадиган «Вестингауз», «Гибсон» компаниясини, шунингдек, йирик электр товарлари ишлаб чиқарадиган «Занусси» (Италия ва барча жанубий Европада мавжуд) ҳамда электр товарлари ишлаб чиқарадиган «АЭГ» (Германияда) компанияларини ўзига қўшиб олди.

Бу фирмаларнинг қўшилиши натижасида «Электролюкс» дунёда ўзи ишлаб чиқараётган маҳсулотлар тармоғи бўйича лидер бўлди. 75 мамлакатни электротехника маҳсулотлари ва хизматлари билан таъминлаб келмоқда. Айти пайтда бу ТМКнинг барча корхоналарида 110 минг дан зиёд киши меҳнат қилиб ва унинг йиллик маҳсулот ҳажми 16 млрд. АҚШ доллари атрофида баҳоланади.

3.8. Жаҳон ҳўжалигида ТМКларнинг тутган ўрни ва роли

Маълумки, ТМКлар ўз фаолиятини кенгайтириш орқали жаҳон бозорида янги шаклларни ўзлаштиради. Бу шакллар ТМКларга аъзо бўлмаган фирмалар билан алоқалар ўрнатиш, шартномалар имзолаш муносабатлари билан амалга оширилади. Энди бундай фирмалар ТМКларнинг одатдаги иқтисодий вариантларига танлашлари мумкин бўлади:

- лицензиялаш;
- франчайзинг;
- бошқариладиган контрактлар;
- техник ва маркетинг хизматларга эътибор қаратиш;
- **«калити билан»** саналган корхоналар ўртасида алоқалар ўрнатиш;
- қўшма корхона ташкил этиш бўйича келишувлар ва алоҳида амалга ошириладиган операциялардаги чекловга риоя қилиш.

Лицензиялаш. Лецинзия битими юридик шартнома бўлиб, лицензия эгаси ўзига тегишли ҳудудда бемолол фаолият юритиш имкониятига эга бўлади. Лицензия муносабатлари соддалаштирилган бўлиб, бу ҳужжат ички фирма шартномасидаги каби, ташқи технологик йўналишларда ҳам тўла-тўқис кучга эга ҳисобланади.

Лицензия битимининг асосий кўриниши франчайзинг (франшиза) деб юритилади.

Франчайзинг – бу лицензиявий битим, давомийлик асосидаги муддатга эга. У ишлаб чиқарувчининг ўз маҳсулотини бирон-бир фирма ёки корхонага сотиш ҳуқуқини бериши ва маҳсулотни сотиш ҳуқуқига эга бўлган савдо фирмаси ёки корхонаси. Франчайзинг бизнесни ташкил этиш ва амалга ошириш усули сифатида 1990 йиллар охирида кўплаб ривожланган ва ривожланаётган ТМКларнинг бу шакли бошқарув ва маркетинг хизматларига эътиборни кучайтиришни талаб этган.

Техник кўмаклашиш ҳақидаги шартномага кўра ТМКлар мавжуд фирмаларга техник хизматлар кўрсатиш ва улар фаолияти нуқтаи назаридан зарур ёрдамни беради. Аксарият битимлар машина ва технологияларни профилактик таъмирлаш, «ноу-хоу» ни амалга оширишга маслаҳат бериш, хавф-хатарларнинг олдини олиш ва сифатли назорат ўрнатиш борасида тузилади.

Энг йирик битимлар заводларнинг «калити билан» деб номланган иқтисодий алоқаллари бўйича тузилиши кузатилмоқда. Бу ҳолатда ТМКлар ўз зиммасига фирманинг барча фаолиятини юзага чиқариш, режалаштириш ёки куриш учун зарур бўлган объектларнинг сақланиш жавобгарлигини олади.

Трансмиллий корпорациялар халқаро иқтисодий муносабатлар тизимида меҳнатни юқори баҳолаш бўйича жаҳон хўжалиги тамоилига мос бўлган тарзда асосий роль ўйнайди. Барча ТМКлардаги йирик хориж инвестициялари ҳозирги вақтда савдодан кўра бандлик масалаларига кўпроқ жалб этилади. ТМКлар ҳозирда дунёдаги барча хусусий секторга тегишли инвестицияларнинг 90% дан кўпроқ улушини ўз назоратига олган.

ТМКларнинг маҳсулотлари тизими соҳаси етарлича келтирилган. Дунёдаги 60 % халқаро компаниялар маҳсулот ишлаб чиқариш билан, 37 % и хизматлар кўрсатиш билан, 3% и эса қазиб олиш саноати ва қишлоқ хўжалиги соҳаси билан банд.

Америкада чиқадиган «Фортун» журнали маълумотларига кўра, дунёдаги 500 та йирик ТМКлар ўртасида тўртта мажмуа (комплекс) асосий рол ўйнайди. Булар: электроника, нефтни қайта ишлаш, химия ва автомобилсозлик тармоқларидир. Улар 500 та ТМКлар ичида бу маҳсулотларни сотиш бўйича 80 % улушга эга.

ТМКларнинг халқаро иқтисодий муносабатлардаги ролида ҳудудий – соҳаларга инвестиция киритиш билан ҳам алоҳида

характерланади. Қоидадагидек, улар асосан **«янги саноати ривожланаётган мамлакатлар»** ҳамда тараққий этаётган давлатларга саноат соҳасида қайта қуришни жадаллаштириш учун капитал ажратмоқда. Ўз-ўзидан бу ҳолатда капитал олувчи мамлакатлар ўртасида инвестицион рақобат юзага келмоқда.

Қашшоқ мамлакатлар учун трансмиллий корпорациялар кўпроқ қазилма (тоғ-кон) саноат тармоқлари ва маҳсулот (хом-ашё) экспорти йўналишига маблағлар киритади. Бу ҳолатда ҳам жадал рақобат юзага келади. Фақат бу рақобат маҳаллий бозорларни маҳсулотлар билан тўлдириш учун ТМК ларнинг ўзларида вужудга келади.

ТМКлар барча жабҳаларда халқаро иқтисодий алоқалар тизимида у ёки бу мамлакат учун улар тақдирини белгиловчи фактор сифатида гавдаланади. Фаол ишлаб чиқариш, инвестиция, савдо йўналишида ТМКлар улар учун катта кўмак бўлувчи дастак ролини бажаради. БМТ экспертлари таъкидлашича, дунё иқтисодий интеграциясига кўшилишда бу мамлакатлар учун ТМК ларнинг аҳамияти бекиёс каттадир.

ТМКлар айрим давлатлар анъаналарига бўйсунмай у соҳага бостириб киради – деган эди БМТ эксперти ЮНКТАД яъни, БМТнинг савдо ва тараққиёт бўйича конференциясида. Дарҳақиқат, ТМКларнинг фаолияти интеграциялашув, чегаралараро байналминаллик ва шулар орқали юқори фойдага эга бўлишдан иборат.

Ўз ўрнида ТМКлар ҳаракатининг жаҳон хўжалиги ва халқаро иқтисодий муносабатларда ҳам ижобий, ҳам салбий таъсирлари мавжуд. Бу борада мутахассислар қуйидагича фикрлайдилар:

- давлатнинг сиёсий – иқтисодий муносабатига ТМКлар ўз фаолияти билан зид юради;
- давлат қонунлари бузулади, қўл кучи трансфертер баҳосини номутаносиблаштиради. Қатор мамлакатларда ташкил этилган ТМКлар шўъба компаниялари миллий қонунчиликларни писанд этмайди, аксинча мамлакат ичидаги солиқ муаммоларига ҳам салбий таъсир кўрсатади;
- ривожланаётган мамлакатларда монополистик баҳо жорий этади, диктатурага хос шароит вужудга келтиради.

Хуллас, трасмиллий корпорациялар – бу анча мураккаб ва доимо халқаро хўжалик алоқалари тизимида ривожланиб боровчи, хусусиятни талаб этувчи ҳамда доимий равишда халқаро назоратни

ўзлаштириб боришни ва эътиборни қаратишни талаб қиладиган уюшма, бирлашма ҳисобланади.

4.8. Эркин иқтисодий зоналар (ҳудудлар)

Эркин иқтисодий ҳудудлар (ЭИХ) дунёнинг кўплаб давлатларида кенг ёйилган. XX асрнинг охирларида дунёда турли хилдаги 4 мингдан ортиқ ЭИХ лар мавжуд эди. Ғарб мутахассисларининг фикрича жаҳон товар айланмасининг 1/3и турли эркин иқтисодий ҳудудларда рўй берди. Халқаро корпорациялар ўз фаолиятлари учун имтиёзли шароитларни қидириб, ЭИХларни кўп фойда олиш мумкин бўлган жой сифатида кўришади. Йирик халқаро корпорациялар эркин иқтисодий ҳудудларда ўз ишлаб чиқаришларини ташкил қилишни экспансияларининг муҳим йуналиши деб ҳисоблайдилар.

Эркин иқтисодий ҳудудлар мамлакатнинг бошқа қисмларида ишлатилмайдиган имтиёз ва рағбатлантиришнинг ўзига хос тизими қўлланиладиган миллий иқтисодий ҳудуднинг бир қисмидир. Одатда ЭИХлар географик жиҳатдан у ёки бу даражада алоҳида ҳудуддир.

Эркин иқтисодий ҳудудлар уларни ташкил қилувчилар томонидан очик иқтисодиёт тамойилларини амалга оширишдаги муҳим босқич сифатида кўрилади. Уларнинг фаолият кўрсатиши ташқи иқтисодий фаолиятни фаоллаштириш ва эркинлаштириш билан боғланади. Эркин иқтисодий ҳудудларнинг иқтисодиёти ташқи дунёга очиклиги катта даражада бўлади. Божхона, солиқ ва инвестицион режими эса ташқи ва ички инвестициялар учун қўлайдир.

Эркин иқтисодий ҳудудлар ташкил қилишнинг муҳим сабабларидан бири шундаки, кўпинча давлат иқтисодиётини капитал оқими учун тўлиқ очишни, ўзига хос инвестиция оқимини ҳамма жойда ишлатишни истамайди. Шунинг учун ҳам махсус ҳудуд сифатида қисман очикликни ишлатади.

Эркин иқтисодий ҳудудлар ташкил қилишда иккита концептуал ёндошиш қўлланилади: ҳудудий ва функционал (нуқтали). Биринчи ҳолатда ҳудуддаги барча резидент корхоналар хўжалик фаолиятида имтиёзлардан фойдаланадилар.

Эркин иқтисодий ҳудудларнинг энг оддий кўринишларидан бири **эркин божхона (божсиз) ҳудудлари** (ЭБХ) ҳисобланади. Бу ҳудудлар эркин савдо ҳудудлари каби биринчи авлод ҳудудларига

киради. Улар XVII-XVIII асрлардан буён мавжуд. Бундай ҳудудларни **кўпинча бонд омборлари ёки эркин божхона ҳудудлари** деб аталади. Эркин божхона ҳудудлари товар олиб кириш ва олиб чиқишда бождан озод қилинади. Улар кўплаб мамлакатларда мавжуд.

Эркин савдо ҳудудлари (ЭСХ) ҳам дунёда кенг тарқалган. Эркин савдо ҳудудлари АҚШда энг кўп ривож топган. Уларни ташкил қилиш 1934 йилдаги махсус қонунда назарда тутилган. Унинг мақсади савдони рағбатлантириш, савдо операцияларини тезлаштириш, савдо харажатларини камайитиришдан иборат.

Оддий эркин савдо ҳудудлари қаторига йирик халқаро аэропортлардаги махсус **«дьюти фри»** магазинларини киритиш мумкин. Режим нуқтаи назаридан улар давлат чегараларидан ташқарида деб ҳисобланади. Эркин савдо ҳудудлари қаторига имтиёзли ҳолатга эга бўлган анъанавий эркин портларни киритиш мумкин.

Саноат ишлаб чиқариш ҳудудлари иккинчи авлод ҳудудлари ҳисобланади. Улар эркин савдо ҳудудларига фақат товар эмас, капитал ҳам олиб киритилиши ва уларда фақат савдо билан эмас, балки ишлаб чиқариш фаолияти билан ҳам шуғулланилиши оқибатида эркин савдо ҳудудларининг эволюцияси натижасида вужудга келади.

Саноат ишлаб чиқариш ҳудудлари махсус бож режимига эга бўлган ҳудудларда ташкил қилинади. Уларда экспорт учун ёки импорт ўрнини босувчи товарлар ишлаб чиқилади. Бу ҳудудлар сезиларли солиқ ва молиявий имтиёзларга эга бўладилар.

Экспорт ишлаб чиқариш ҳудудларини ташкил қилиш мантиқи ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиёти билан белгиланган эди. Ўтган асрнинг 60-йиллари ўрталарида бу ерда саноат экспортини рағбатлантириш ва хорижий капитал оқими ёрдамида бандлик даражасини ошириш зарурияти туғилган эди.

Техника киритиш ҳудудлари учинчи авлод ҳудудлари ҳисобланади (XX асрнинг 70-80-йиллари). Улар стихияли тарзда ҳосил бўлади ёки махсус равишда давлат ёрдамида йирик илмий марказлар атрофида ташкил қилинади. Уларда ягона солиқ ва молиявий тизимдан фойдаланувчи миллий ва хорижий тадқиқотчилик, лойиха, илмий-ишлаб чиқариш фирмалари жамланади.

Энг кўп техника киритиш ҳудудлари АҚШ, Япония, Хитойда фаолият кўрсатмоқда. АҚШда уларни технопарклар, Японияда-

технополислар, Хитойда эса янги ва илғор технологиялар ҳудуди деб аталади.

Жаҳонда энг машҳур ва АҚШда энг йирик «Силикон Вэлли» номли технопарк жаҳон ҳисоблаш техникаси воситалари ва компьютерлар ишлаб чиқаришининг 20 %ини беради. Умуман АҚШда 80 дан ортиқ бундай ҳудудлар мавжуд. Японияда махсус ҳукумат дастурлари доирасида илғор илмий ташкилотлар асосида 20 тага яқин технополислар ташкил қилинган. Хитойда ҳам бундай ҳудудлар одатда давлатнинг илм ва техникани ривожлантириш режаларини амалга ошириш пайтида ташкил қилинган. Айни пайтда Хитойда 50дан ортиқ янги ва илғор технологияларни ривожлантириш ҳудудлари ишламоқда.

Турли молия-иқтисодий, суғурта ва бошқа хизматлар кўрсатувчи фирма ва ташкилотлар учун тадбиркорлик фаолиятининг имтиёзли шароитлари яратиладиган ҳудудлар **сервис ҳудудлари (СХ)** деб аталади.

Сервис ҳудудлар қаторига **оффшор ҳудудлар (ОХ)** ва солиҳ гаванлари (СГ) киради. ОХ ва СГ тадбиркорларни қўлай валюта-молия, фискал шароитлар, банк ва тижорат сирларининг яхши сақланиши, давлат бошқарувининг камлиги билан ўзига жалб қилади.

Оффшор компаниялар фаолият кўрсатаётган давлатлар қаторига Лихтенштейн, Панама, Нормандия ороллари, Мэн ороллари (Британия), Антил ороллари, Гонконг, Мадейра, Либерия, Ирландия, Швейцария ва бошқалар киради. Охирги ўн йилликда буларга Мальта, Маврикия, Ғарбий Самоа, Исроил, Малайзия (Лабуан ороли) ва бошқа давлатлар қўшилди.

Оффшор ҳудудлардаги саноат, савдо, банк, суғурта ва бошқа компаниялар ё умуман солиққа тортилмайди (Ирландия, Либерия) ёки кичик миқдордаги солиқлар тўлайди (Лихтенштейн, Антил ороллари, Панама, Мэн ороли ва бошқалар). Оффшор ҳудудларни ташкил қилувчи давлатлар қўшимча хорижий капитал жалб қилиш, оффшор ҳудудида рўйхатга олинган корхонадан фойда олиш, маҳаллий мутахассислар учун қўшимча иш жойлари ташкил қилиниши орқали фойда кўрадилар. Баъзи маълумотларга қараганда оффшор бизнесда банд бўлган капитал 500 млрд. долл.га етади. Унда қарийиб 2 млн. киши қатнашади ва ҳар йили бир неча минг янги компания рўйхатга олинади.

Мажмуавий ҳудудлар алоҳида маъмурий туманлар ҳудудида умумий хўжалик юритиш режимига нисбатан алоҳида, имтиёзли

режим ўрнатиш билан ташкил қилинади. Уларга Хитойнинг 5 та махсус иқтисодий ҳудудларини, Бразилиядаги «Мануас» ҳудудини, Аргентинадаги «Оловли ер»ни, саноати ривожланган давлатларнинг кам ривожланган ҳудудларидаги эркин тадбиркорлик ҳудудларини киритиш мумкин.

Турли кўринишдаги эркин иқтисодий ҳудудларнинг ўхшаш томонлари уларда ўзида тадбиркорлар учун божхона, молиявий, солиқ имтиёзлари ва умумий режимга нисбатан устунликлар бўлган қулай инвестицион иқлим мавжудлигидадир. Турли ҳудудларда имтиёз ва рағбатлантиришлар баъзи жиҳатлари билан фарқ қилади.

Имтиёзлар тўртта асосий гуруҳга ажратилади:

- **Ташқи савдо имтиёзлари.** Бу алоҳида божхона-тариф режимини киритиш (экспорт-импорт божларини камайтириш ёки бекор қилиш) ва ташқи савдо операцияларини амалга ошириш тартибини соддалаштириш;
- **Солиқ имтиёзлари.** Бунда фаолиятнинг маълум кўринишлари солиқ имтиёзлари орқали рағбатлантирилади. Бу имтиёзлар солиқ базаси (даромад, мулк қиймати ва ҳ.к.), унинг таркибий қисмлари (амортизация ажратмалари, иш ҳақиға харажат, транспорт), солиқ ставкаларининг даражаси, солиққа тортилишдан доимий ва вақтинчалик озод қилиш масалалари;
- **Молиявий имтиёзлар.** У ўз ичига турли шаклдаги субсидияларни олади. Уларга коммунал хизматларнинг арзонлиги, ер майдонлари ва ишлаб чиқариш бинолари, ижара ҳақини камайтириш, имтиёзли кредитлар бериш киради;
- **Маъмурий имтиёзлар.** Корхоналарни рўйхатдан ўтказиш ва хорижий фуқаролар кириб-чиқишини енгиллаштириш, шунингдек турли хизматлар кўрсатиш мақсадида маъмурият томонидан махсус ҳудудлар ажратилиши.

Эркин иқтисодий ҳудудлар ташкил қилишнинг жаҳон тажрибаси уларнинг умумий ютуқлари, умумий хусусиятлари ва ривожланишининг ўзига хос томонлари ҳақида маълум бир хулосалар чиқаришга имкон беради. Саноати ривожланган давлатлардаги эркин иқтисодий ҳудудлар яхши режалаштирилганлиги ва уларни бошқаришнинг мослашувчанлигига боғлиқдир.

Бу ҳудудларни ташкил қилиш ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан жуда фойдали бўлиб, кўплаб иш ўринларини ташкил қилишда, халқаро товар айирбошлашни жонлантиришда, ташқи савдо

алоқалари натижаларини яхшилашда, илмий-ишлаб чиқариш салоҳиятини оширишда катта рол ўйнайди.

Саноати ривожланаётган давлатлардаги эркин иқтисодий ҳудудлар ҳам ўзига хос қатор ўхшашликларга эгадирлар.

Биринчидан, бу давлатларда экспорт-ишлаб чиқариш ҳудудлари (ЭИЧХ) кенг тарқалган. Юқорида айтилганидек, ЭИЧХ ташкил қилишга қатор иқтисодий сабаблар, авваламбор, экспортбоп маҳсулотлар учун саноат товарлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш, мамлакатга хорижий капитал, илғор фан ва техника, замонавий техник ахборотлар жалб қилиш зарурияти каби сабаблар туртки бўлади.

Иккинчидан, эркин иқтисодий ҳудудлардаги хўжалик юритиш режими хорижий ишбилармонлар учун эркинроқ ва имтиёзли бўлади. Бу эркин иқтисодий ҳудудлар орасида халқаро рақобатнинг кучайиши билан боғлиқдир.

Учинчидан, эркин иқтисодий ҳудудлар фаолияти давомида улар фаолиятининг товар-саноат диверсификацияси рўй беради. Замонавий ИТИ янги ва юқори технология ишлаб чиқиш билан боғлиқ бўлган илмталаб ишлаб чиқариш жамланган эркин иқтисодий ҳудудларни илгор ўринларга олиб чиқади.

Ривожланаётган давлатлар орасида Хитойда махсус иқтисодий ҳудудлар сезиларли даражада ривожланди. XX аср 80-йилларининг бошларида махсус ҳудудларга бирлаштирилган кичик-кичик ҳудудлар билан бошлаган Хитой ҳукумати, 90-йиллар бошларига келиб бундай ҳудудларни юзлаб квадрат километрга ёйди. Малакатда ва хорижда машҳур бўлган «Шеньчжен», «Чжухай», «Сямень», «Шаньтоу», «Хайнань»дан ташқари мамлакатда техник-иқтисодий ҳудудлар (йигирмадан ортиқ) ва янги ва юқори техникани ривожлантириш ҳудудлари - технопарклар ҳам кенг кўламда ривожланди. Шанхайдаги «Пудун» иқтисодий ривожланиш ҳудудига алоҳида роль ажратилган. Бу лойиҳага кўра «Пудун» ҳудуди бир неча ўн йил мобайнида Шанхайни Осиё-Тинч океани минтақасидаги йирик савдо ва молиявий марказига айлантиради.

Эркин иқтисодий ҳудудлар ташкил қилиш Хитой ҳукумати томонидан 1970-йиллар охирида эълон қилинган «**очик эшиклар**» ташқи иқтисодий сиёсатнинг ташкилий бир қисми бўлиб қолди. Эркин иқтисодий ҳудудлар ривожлантириш моделини танлашда Хитой раҳбарияти мамлакатнинг жорий эҳтиёжлари ва бундай ҳудудлар ташкил қилишнинг хорижий тажрибаларини эътиборга

олди. Сингапур, Тайвань ва АҚШ тажрибаси алоҳида эътибор билан ўрганилди. Эркин иқтисодий ҳудудлар ташкил қилишга таёйргарлик даврида улар фаолиятининг бир неча вариантлари таклиф қилинди. Натижада экспортга, хорижий капитални жалб қилишга, шунингдек, ишлаб чиқариш технологиясини яхшилашга йуналтирилган ЭИХ танлаб олинди. Махсус иқтисодий ҳудудлар **«очик эшиклар»** сиёсатини амалга оширган ҳолда, мамлакатнинг бошқа туманларини боғлаб турувчи ролини ўйнай бошлади.

Хитойдаги махсус иқтисодий ҳудудлар ва бошқа имтиёзли инвестицион иқлимдаги туманлар фаолиятининг амалиёти шубҳасиз муваффақиятга эришди. Хитойлик ва хорижий мутахассислар ЭИХ эришган ютуқлар қаторига аввало, барқарор иқтисодий ўсиш суръати, ҳудудларга кўп миқдорда хорижий инвестицияларнинг жалб қилиниши, меҳнат унумдорлигининг сезиларли ўсиши ва ниҳоят, аҳоли турмуш даражасининг ўсишини киритишади.

Эркин иқтисодий ҳудудлар муваффақияти ҳақида гувоҳлик берувчи мисоллардан ташқари уларни ташкил қилишда муваффақиятсизликка ҳам учралган. Масалан, Шри Ланка, Гватемала, Либерия, Сенегал ва бошқа давлатларда турли кўринишдаги эркин иқтисодий ҳудудлар нафақат муваффақиятсизликка учради балки умуман фаолиятини тўхтатди. Бунинг асосий сабабларига сиёсий, иқтисодий, ташкилий сабабларни кўрсатиш мумкин.

Сиёсий сабаблар мамлакатдаги умумий сиёсий беқарорлик, фукаролар уруши, турли хил миллат, элат вакилларининг бир-бирлари билан муроса қила билмасликлари, келишмовчиликлари ва бошқалардир. Иқтисодий сабабларга аввало, эркин иқтисодий ҳудудлардаги инвестор нуктаи назаридан жуда мураккаб инвестицион режим ҳақидаги қонунчилик киради. ЭИХдаги бюрократик башқарув, ҳудудда инвесторларни рўйхатга олишда керак бўлмаган процедуралар мавжудлиги, ҳудуд устунликларини ёмон реклама қилиниши ҳам эркин иқтисодий ҳудудлар тақдирига сезиларли таъсир кўрсатади.

Назорат саволлари

1. Нима учун трансмиллий корпорациялар (ТМК) «жаҳон иқтисодиётининг двигатели» деб аталади?
2. Дунёдаги жами ТМКларнинг сонини айтинг.
3. ТМКларнинг асосий қисми қаерда тўпланган?
4. Дунёдаги қайси халқаро савдо ва саноат маҳсулотлари ҳажмида трансмиллий корпорациянинг улуши қанча?
5. Халқаро монополия иборасига таъриф беринг.
6. Йирик ва гигант халқаро трансмиллий корпорацияларни айтиб ўтинг?
7. ТМКлар фаолиятининг асосий хусусиятларига таъриф беринг.
8. Халқаро иқтисодий муносабатларда ТМКларнинг маъно ва ролини айтинг.
9. Мамлакат иқтисодиётига ТМКларнинг салбий таъсир этувчи жиҳатларини гапириб беринг.
10. Эркин иқтисодий зона (ҳудудлар) нима?
11. Эркин иқтисодий ҳудудларнинг турларини айтинг.
12. Эркин иқтисодий ҳудудларнинг имтиёзларини ажратиб кўрсатинг.
13. Саноати ривожланган мамлакатлардаги эркин иқтисодий ҳудудларни гапириб беринг.
14. АҚШда ташкил этилган технопарклардан мисол келтиринг.

XV Боб. ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ ИНТЕГРАЦИЯЛАР

1.§. Халқаро иқтисодий интеграция моҳияти ва сабаблари

Замонавий жаҳон хўжалиги икки қарама-қарши иқтисодий тенденциялари билан ажралиб туради. Уларнинг бири-ўсиб бораётган жаҳон иқтисодиётининг бир бутунлиги, йириклашуви бўлса, иккинчиси, холислик, яъни бошқалардан ажралиб турадиган, жаҳон иқтисодий марказларининг вужудга келиши, халқаро интеграцион гуруҳларни ташкил этувчи алоҳида мамлакат ва ҳудудларнинг ўзаро таъсирлашуви ва яқинлашуви билан характерланади.

Халқаро иқтисодий интеграциялар жаҳон иқтисодиётининг асосий тарифи (характеристикаси) бўлиб ҳисобланади. У ўзида жаҳон хўжалиги байналминаллашувининг алоҳида, янги босқичини мужассам этади.

Халқаро иқтисодий интеграциялар айни даврда хўжалик ҳаёти байналминаллашувининг олий даражасидир. Интеграция аъзолари бўлган мамлакатлар ўртасида янада чуқурроқ халқаро меҳнат тақсимоти вужудга келади. Маҳсулотлар, хизматлар, капитал, ишчи кучлари билан жадал алмашинув жараёнлари содир бўлади.

Интеграцион бирлашув аъзолари бўлмиш мамлакатлар ўртасида капитал ва ишлаб чиқаришнинг марказлашуви ва жамлашуви жараёни янада тезроқ кечади. Бу эса ушбу мамлакатлар интеграцион гуруҳлари чегарасида ягона иқтисодий сиёсатнинг вужудга келишини объектив тарзда талаб қилади. Халқаро иқтисодий интеграциялар бирлашаётган давлатларни ишлаб чиқариш жараёнларининг қайта қўшилишига, ўзаро таъсирлашуви ва аралашувини тақазо этади ва уни келтириб чиқаради. Интеграциялар жараёни тўлақонли тизимнинг турли бўғинларини, яъни шахсий ишлаб чиқаришлар, маҳсулотлар ва капиталнинг, ишчи кучлари ва технологиялар муносабатларини ўз ичига қамраб олади.

Халқаро иқтисодий интеграция жараёнлари ўтган асрнинг 50-йилларда Ғарбий Европа мамлакатларида бошланган бўлиб, ишлаб чиқариш кучларини ўсиши ва сифат ўзгаришлари, халқаро меҳнат тақсимотини ривожланиши ва чуқурлашуви, капитал ва ишлаб чиқаришни байналминаллашув жараёнлари, саноати ривожланган мамлакатларнинг халқаро иқтисодий муносабатларда байналминаллашувига бўлган ҳаракати билан боғлиқдир.

Халқаро иқтисодий интеграциянинг асосий сабаблари фан техника тараққиёти (ФТТ) бўлиб, у моддий, молиявий, меҳнат каби аҳамиятли ресурслар ривожини, шунингдек, илмий техникавий соҳада алоҳида мамлакатларнинг биргалашиб фаолият юритишларидаги катта бозорлар юзага келишини тақозо этади. Иқтисодий интеграциянинг бош сабабларидан бири-**трансмиллий корпорация (ТМК)лар яъни йирик халқаро монополияларнинг тараққиётидир.**

Давлат, монополия капитали иқтисодий интеграция ёрдами билан янги мол-маҳсулот бозори, хом-ашё бозорини эгаллашни, ўз фойдасини энг юқори даражада оширишга умид қилади ва бунда у давлат ҳокимиятининг қўллаб-қувватлашига таянди. Иқтисодий интеграциянинг катта аҳамиятга эга бўлган сабаби - **сиёсий омилдир.** Бу омил-давлатларнинг интеграция ёрдамида нуфузли сиёсий обрўй қозонишга, дунё ҳамжамиятида юқори мавқега эга бўлишга интилишдан иборатдир.

Маълумки, интеграциялашаётган мамлакатлар ўртасида бозор муносабатлари тараққиётининг тахминан бир хил ва яқин даражаси мавжуддир.

Қоидадагидай, халқаро ҳудудий интеграцион гуруҳланиш ёки маҳсулот ишлаб чиқариш тараққий этган ёки ривожланаётган мамлакатлар ўртасида бўлиб ўтади. Масалан, Европа иқтисодий ташкилоти (ЕИТ)–Ғарбий Европа мамлакатлари ўртасида, Африкада–тропик Африканинг иқтисодий чеграсида ривожланаётган мамлакатлар ўртасида ва бошқалар. Интеграциялашаётган мамлакатлар ўртасида асосий масала бўлиб, у ёки бу давлатларнинг интеграцион бирлашуви ва иқтисодий, ижтимоий, шу билан бир қаторда сиёсий характерга эга муаммоларнинг умумийлиги хизмат қилади. Ҳудудий яқинлик, турли шаклларда узилмас иқтисодий муносабатларнинг анъаналари, - буларнинг ҳаммаси интеграцияга биринчи туртки бўлади. Одатдагидай, иқтисодий интеграциянинг жараёнлари битта ҳудуддаги бир неча қўшни давлатлардан (Марказий Осиё), битта континентдан (Ғарбий Европа, Шимолий Америка сингари) бошланади. Чунки улар умумий чегараларга ёки савдо-иқтисодий алоқаларнинг тарихан таркиб топишига бевосита алоқадордир.

2.8. Иқтисодий интеграциянинг мақсади ва асосий шакллари.

Ҳозирги вақтда мавжуд бўлган дунёнинг деярли барча интеграцион гуруҳларида уларнинг асосий мақсад ва масалалари бири-бирига тўғри келади. Улар интеграцион иттифоққа аъзо бўлган мамлакатларнинг даромадлари ошиши кўринишда иқтисодий бойлик олиш, ишлаб чиқариш ва талабларнинг пасайишидаги ҳаракатда ифодаланади. Бу мақсадлар Европа мамлакатлари каби Осиё-Тинч океани худуди (ОТОХ), Африка ва Марказий Америка иқтисодий интеграциялашувида ҳам ёрқин кўринади. Интеграция ҳамкорлик интеграцион бирлашув аъзолари бўлган мамлакатлар ўртасидаги савдода чекланишларнинг доимий йўқотилиши, ўзаро савдо соҳасида умумий сиёсатнинг ўтказилиши ва ишлаб чиқилишини таъминлайди. Иқтисодий гуруҳларда қатнашаётган мамлакатларга жаҳон ҳамжамиятида Бутунжаҳон савдо ташкилоти (БЖСТ), Халқаро валюта фонди (ХВФ), Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки (ХТТБ) ва бошқа турли халқаро ташкилотларда ўз нуктаи назарини баён этиб туриш осонроқ.

Интеграцион бирлашувга аъзо бўлган мамлакатларда иқтисодиётнинг тизимларида қайта қуриш ўтказилиши интеграция мақсадларининг амалга оширилиши учун муҳим восита сифатида қаралиши мумкин. Бу иқтисодиётнинг турли жабҳаларига тегишли: ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, савдо ва бошқалар. Уларнинг мужассамлашуви, соҳалашуви, янада самаралироқ тизимлар яратиш режасидадир. Жуда кўплаб интеграцион гуруҳлар аъзоси бўлган мамлакатлар учун иқтисодиётдаги ҳамкорликни кенгайтириш нафақат уни мустаҳкамлашда, балки у сиёсат, ҳарбий соҳа, маданият ва бошқа соҳаларда ҳам жуда муҳим саналади. Ушбу мақсадлар саноати ривожланган мамлакатлар бирлашувини келтириб чиқаради. Масалан, Европа Иттифоқи (ЕИ), Яқин Шарқ мамлакатлари ва Осиё-Тинч океани худуди (АТР) бирлашуви кабилар.

Ҳозирги кунда жаҳон иқтисодиётида халқаро иқтисодий интеграциялар қўйидаги шаклларда намоён бўлади:

- эркин савдо худуди;
- божхона иттифоқи;
- умумий бозор;
- иқтисодий иттифок;
- тўлиқ иқтисодий интеграция.

Халқаро иқтисодий интеграция ривожланиши савдо ва иқтисодий иттифоқдаги мамлакатлар ўртасида битимлар ҳамда давлатлараро иттифоқни ҳуқуқий мустаҳкамловчи келишувлар билан ифодаланади.

Эркин савдо ҳудуди – иқтисодий интеграцияларнинг бошланғич даражаси бўлиб, у мамлакатларнинг солиқ тўлашда махсус имтиёз тартибига амал қиладиган алоҳида ҳудудидир. Унга киритилган товарлар бож ва квоталар тўловидан озод этилади ва божхона назоратидан холи бўлади. Бунда ҳар бир давлат шахсий савдо-иқтисодий сиёсатини учинчи мамлакат муносабатларига ҳам ўтказиш имкониятига эга. Кўп ҳолларда эркин савдо ҳудудларида яратилган шарт-шароитлар туфайли қарийиб барча маҳсулотлар савдоси амалга оширилади. Бундан фақатгина қишлоқ хўжалик маҳсулотлари мустасно ҳолос. Савдо ҳудуди унга аъзо мамлакатлардан бирига жойлашган унча катта бўлмаган давлатлараро котибиятда марказлашиши мумкин. Аммо, тегишли ҳужжатларга доир раҳбарият даврий йиғилишларда ўз тараққиётининг асосий параметрларига хайрихоҳ бўлиб, уларнинг баъзилари бусиз ҳам ўз савдо фаолиятларини амалга оширишлари мумкинлиги аён бўлади.

Эркин савдо ҳудудига асосан 1960 йилда ташкил этилган Европа эркин савдо ассоциацияси (ЕАСТ) киради. Унинг таркибида Австрия, Финляндия, Исландия, Лихтенштейн, Норвегия, Швеция каби бир қатор мамлакатлар бор. Европа иқтисодий ҳудуди (1994 й) да эса Европа Иттифоқи мамлакатлари ҳамда Исландия ва Лихтенштейнлар мавжуд.

Болтиқ бўйи эркин савдо ҳудуди (1993 й) га Эстония, Латвия, Литва давлатлари киради.

Марказий Европа эркин савдо ҳудуди 1992 йилда тузилган бўлиб, унинг таркибига - Чехия, Венгрия, Польша, Словакия мамлакатлари киради.

Шимолий Америка эркин савдо ҳудуди (1994 й) аъзолари бўлиб Канада, Мексика, АҚШ давлатлари ҳисобланади.

АСЕАН мамлакатлари эркин савдоси ҳақида келишуви (1992 й.) – Бруней, Индонезия, Малайзия, Филиппин, Сингапур, Тайланд давлатларини бирлаштиради.

Иқтисодий алоқаларнинг чуқурлашуви ҳақида Австралия ва Янги Зеландия савдо келишуви (1983 й) ташкил этилган.

Бангкок келишуви (1993й) – Бангладеш, Ҳиндистон, Корея Республикаси, Лаос, Шри-Ланка давлатларидан иборат.

Божхона иттифоқи – икки ёки бир қанча давлатларнинг божлар бўйича ўзаро чегараларни бекор қилиш ва ягона бож тарифи жорий этиш юзасидан ўзаро келишуви. Учинчи мамлакат учун жорий этилган алоҳида ягона тариф ва квоталар эса уларни эркин савдо ҳудудидаги бож иттифоқидан ажратиб туради. Божхона иттифоқи пошлинасиз ички интеграциявий хизматлар, товарлар ва уларнинг ҳудуд ичида тўлиқ эркинлигини назорат қилиб туради. Одатда божхона иттифоқи ташқи савдога келишилган марказлашув жорий қилувчи давлатлараро органларнинг ривожланган тизимини яратишни талаб қилади. Ҳаммасидан ҳам кўпроқ улар ҳужжатларга жавоб берадиган бошқарув министрларининг йиғилишлари даврийлигини қабул қилади. Улар ҳар доим ўз фаолиятларида ҳаракат қилувчи давлатлараро котибиятга таянишади.

Божхона иттифоқлари (БИ) дунёнинг жуда кўп мамлакатларида ривожланган. Улар қуйидагилар: Туркия билан ЕИ ассоциацияси (1963й), унинг таркибига ЕИ мамлакатлари ва Туркия киради; Араб умумий бозори (1964й) – Миср, Ироқ, Иордания, Ливия, Мавритания, Сурия ва Яман; Марказий Америка умумий бозори (1961) – Коста Рика, Сальвадор, Гватемала, Гондурас, Никарагуа; Колумбия, Эквадор, Венесуэла мамлакатлари ўртасида тузилган эркин савдо ҳудуди (1992 й) – Колумбия, Эквадор, Венесуэла. Шарқий Кариб ҳавзаси мамлакатлари ташкилоти (1991 й.) – Антигуа ва Барбуда, Доминика, Гренада, Монтсеррат, Сент-Ките ва Невис, Сент-Люсия, Сент-Винсент ва Гренадиналар.

Умумий бозор-иқтисодий интеграциянинг ҳаммадан кўпроқ ривожланган тури. Интеграциялашган мамлакатлар нафақат товар ва хизматлар эркин ҳаракати ҳақида келишишади, балки ишлаб чиқариш факторлари-давлатлар ўртасида капитал ва ишчи кучлар борасида ҳам алмашувлар қилишади. Умумий бозорнинг иқтисодий интеграциясига қўйидаги дунё ташкилотлари киради: **Форс кўрфазидаги араб мамлакатлари ҳамкорлиги** (1981й) – Баҳрайн, Қувайт, Уммон, Қатар, Саудия Арабистони, БАА; **Анд умумий бозори** (1990) – Боливия, Колумбия, Эквадор, Перу, Венесуэла; **Лотин Америкаси интеграцион ассоциацияси** – ЛАИА (1990й) – Аргентина, Боливия, Бразилия, Чили, Колумбия, Эквадор, Мексика, Перу, Уругвай, Венесуэла; **Жанубий конуснинг МЕРКОСУР** умумий бозори (1991й) – Аргентина, Бразилия, Парагвай, Уругвай; **Кариб ҳамжамияти ва КАРИКОМ билан Кариб мумий бозори** (1993й) – Антигуа ва Барбуда, Багам ороллари, Барбадос, Белиз,

Доминика, Гренада, Гайана, Ямайка, Монсеррат, Сент-Ките ва Невис, Сент-Люсия, Сент-Винсент ва Гренадиналар, Тринидад ва Тобаго.

Иқтисодий иттифоқ – интеграциянинг олий формаси бўлиб, бунда қатнашувчи мамлакатлар ўз иқтисодий сиёсатларини, шу жумладан пул, солиқ ва ижтимоий сиёсатларини, шунингдек савдога ҳамда ишчи кучи ва сармоя кўчиб юришига нисбатан сиёсатни мувофиқлаштирадилар. Унда божхона тарифлари, товар ва ишлаб чиқариш факторлари, микроиқтисодий сиёсат координациялари, валюта, бюджет, пул соҳаларида қонунчиликнинг унификацияси кўриб чиқилади.

Дунёнинг иқтисодий иттифоқига – Европа ҳамжамияти (ЕС), кейинроқ Европа иттифоқи (1993й) аъзо бўлди. Ҳозирги кунда Европа иттифоқига 27 та мамлакатлар қўшилган. Улар қўйидагилар ҳисобланади: Австрия, Белгия, Болгария, Венгрия, Германия, Греция, Дания, Ирландия, Испания, Италия, Люксембург, Литва, Латвия, Кипр, Нидерландия, Португалия, Польша, Руминия, Словения, Словакия, Сербия, Франция, Финляндия, Швеция, Чехия, Эстония, Харватия. **Бенилюкс иқтисодий иттифоқи** (1948й) – Белгия, Нидерландия, Люксембург. **Мустақил Давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ)** 1992 й. -Арманистон, Озарбайжон, Беларус, Украина, Грузия, Қозоғистон, Қирғизистон, Молдова, Россия, Тожикистон, Туркменистон, Ўзбекистон. **Мағриб араб иттифоқи** (1989й) – Жазоир, Ливия, Мавритания, Маракко, Тунис. **Лагос ҳаракат режаси (1973)** – Африка жанубидан Сахарагача бўлган мамлакатлар. **Ману дарёси иттифоқи** (1973)-Гвинея, Либерия, Сверра-Леоне. **Ғарбий Африка иқтисодий ва валюта иттифоқи** (1994й) – Бенин, Буркина-Фасо, Кот-д Ивуар, Мали, Нигер, Сенегал, Того.

Тўлиқ иқтисодий интеграция – аъзо мамлакатлар гуруҳлари ягона иқтисодий сиёсатининг ўтказилишида қараб чиқилган типлари аралашади. Улар интеграцион иттифоқ чегарасида ҳуқуқий қонунчиликнинг унификациясини талаб қилади. Тўлиқ иқтисодий интеграция барча аъзо мамлакатлар учун валюта сиёсатини талаб қилади. Ягона валюта муносабатларида ягона валюта тизими ва ягона валюта механизми мавжуд. Ягона валюта, валюта назоратининг ягона қоидалари, умумий марказий банк ва бошқалар киради. Шунинг таъкидлаш керакки, интеграцион жараёнлар макроиқтисодий даражада ҳам, микро иқтисодий даражада ҳам муҳим характерга эга. Шунинг учун бу интеграциянинг икки даражаси параллел равишда ўтади. Улар кўп кесишмайди, бир-бири билан яқинлашади ва бир-

бирини тўлдиради. Интеграциянинг макроиктисодий даражасини эгаллаш анъанаси аниқ интеграцион гуруҳга аъзо мамлакатлар давлатлараро иктисодий муносабатларини назорат қилишни кўчайтиришга тўла мос келади. Йўналишларнинг турли шакллари, макро ва микро интеграциянинг мос келиши иктисодий жиҳатдан ҳам, интеграцион бирлашув жиҳатдан ҳам характер касб этади. У ёки бу иктисодий интеграция типларининг яратилиши ва амал қилишида сиёсий факторлар ҳам катта таъсир кўрсатади.

3.8.Халқаро интеграция тараққиётининг асосий босқичлари

Дунё хужалиги тизимида иктисодий интеграциялар жараёнлари Ғарбий Европада анча юқори даражада тараққий этди. Бу борадаги ривожланиш ва маданият Европа Иттифоқида 1951 йилда бошланди. Шу йилнинг апрелида 6 та мамлакат, яъни-Франция, Германия, Италия, Люксембург, Белгия ва Нидерландия ўртасида кўмир ва пўлат ишлаб чиқарувчи Европа ҳамкорлиги(ЕОУС) шартномаси имзоланди. Бу Ғарбий Европа интеграцияси тарихида ўзига хос маъно касб этди. Тўғри, бу ҳудуднинг интеграциялашув муносабатлари ривожини 1957 йилда, яъники ушбу мамлакатлар ўртасида Европа иктисодий ҳамкорлиги (ЕИХ) ҳамда Европа атом энергияси ҳамкорлиги (Евротом)ни тузиш бўйича шартнома имзолангандан кейин авж олди. Шундан кейин, яъни 1960 йилда бу шартномага зид бўлган Буюк Британия, Австрия, Дания, Норвегия, Португалия, Швеция, Швецария мамлакатлари ўртасида имзоланган Европа эркин савдо ассоциацияси (ЕЭСА) битими бекор қилинади.

Ғарбий Европа иктисодий интеграцияси тараққиёти жараёнини тўрт босқичга бўлиб ўрганиш мумкин.

Биринчи босқич (XX асрнинг 50 йиллар охири ва 70 йиллар боши). Европа иктисодий ҳамкорлигига аъзо мамлакатлар ўртасида айрим савдо маҳсулотларидан олинадиган пошлиналарнинг доимий равишда ўзгариб туриши, божхона иттифоқининг ташкил топиши, ҳамда ягона бож сиёсатини юргизиш ва савдо борасида ягона бож тарифларини амалиётга тадбиқ этиш билан характерланади. Учинчи мамлакат билан ҳам савдо муносабатлари яхшиланган. Бож тўловлари борасида эркин характерланиш нафақат маҳсулот сотувида, балки капитал, ишчи кучлари, хизматлар ва шу кабиларда ҳам ўз аксини топди. Шунингдек, бу мамлакатлар ўртасида эркин

ишчи кучлари ва уларнинг эркин яшашлари учун зарур шароитлар яратиб берилди.

1960 йилларнинг бошида Европа иттифоқи мамлакатларида ягона аграр сиёсат бошлади. ЕИнинг бу сиёсати туфайли мазкур иттифок ҳудуди бўйича қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бир хил нархлар белгиланди. Натижада ҳамкорликка аъзо мамлакатлар ички бозорида, шу билан АҚШда ҳам маҳсулот сотиш ва капитал жамғариш жараёнлари анча шиддатли тус олди. 1973 йилда Европа иқтисодий ҳамкорлиги учта янги мамлакат, яъни Буюк Британия, Ирландия ва Даниялар билан кўпайди. Натижада Европада кучли тўққизлик вужудга келди.

Иккинчи босқич (70-йиллар ва 80-йиллар ўрталари) Европа Иттифоқи тарихига турғунлик ва инқирозлик даври сифатида киритилди. Бу давр Ғарбий Европа интеграциясида асаббузарлик номини олди. ЕИХга аъзо мамлакатларда бирдан содир бўлган саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилишининг тушиб кетиши бу ҳамкорликка аъзо мамлакатлар ўртасида иқтисодий тараққиёт номутаносиблик даражасини кучайтирди. Фақатгина 1981 йилда ЕИга Грециянинг қўшилиши натижасида бу давлатлар ўртасида иқтисодий тараққиёт бироз мўътадиллашди.

Европа Иқтисодий ҳамкорлиги (ЕИХ) юзага келган иқтисодий сушт ҳолатига интеграциялашув жараёнларидан имконият кидирди. Натижада 1979 йилда ЕИХда Европа валюта тизими валюта интеграцияси жараёнларини кенг равишда олиб бора бошлади.

Учинчи босқич (80-йиллар иккинчи ярми ва 90-йиллар боши) кейинги йилларда интеграция жараёнлари муваффақиятли кечгани натижасида ЕИХ га аъзо давлатлар сони 12 тага етгани билан характерланади. Яъни, 1986 йилда бу ҳамкорликка Испания ва Португалия қўшилди. Бу давр Ғарбий Европа интеграцияси тараққиётида янги интилишлар, бирикув Ягона Европа акт (ЯЕА) ининг тузилиши билан фарқланади.

Ягона Европа акти ЕИХга аъзо давлатларнинг умумий моҳияти, иттифокнинг сиёсий ва иқтисодий кўриниши, молия-валюта ва гуманитар ҳудудларда ҳам интеграциялашувнинг юқори даражасига кўтарилишидан далолат беради.

Ягона Европа актига биноан ҳамжамиятга янги аъзолар кирганда, уюшган аъзолик ҳақида шартнома тузилганда ва учинчи мамлакатлар билан савдо битимлари тузилганда, Европарламентининг маъқуллаши талаб қилинади. У ЕИ нинг энг

муҳим моҳияти бўлган ягона иқтисодий кенглик (ички чегараларсиз ҳудуд, яъни маҳсулот, капитал, фуқаролик ва хизматларни эркин бажарувчи) каби эркин ички бозорни кенг суратда билдиради. Яна ҳам аниқроғи, аъзо давлатлар иттифоқини бир бутун хўжалик организми сифатида кашф этади. Шундай қилиб, учинчи босқичда ЕИХ га аъзо мамлакатлар 1992 йилнинг охиридан ягона ички бозор, валюта – иқтисодий ва сиёсий иттифоқини вужудга келтириб, уни амалиётда ташкил этишди, десак хато бўлмайди.

Тўртинчи босқич (90-йиллар ўрталаридан то ҳозирги вақтгача). Ягона Европа акти тузилгач, 1993 йил 1 январидан ЕИХ ички чегараларида анча эркин савдо ҳаракатларини таъминловчи шарт-шароитлар яратилади. Бу эса Ғарбий Европа иқтисодий интеграцияси тараққиётида янги, самарали йўлни очиб берди. 1992 йил февралдаги Маастрихт шартномасининг бекор қилиниши 1994 йилнинг 1 январидан ЕИ га аъзо мамлакатлар сонининг 15 тага етишини таъминлади.

ЕИХ га аъзо мамлакатлар эндиликда ягона Европа банки ва ягона валюта-Еврони ташкил этгани каби ягона ички бозорни ҳам вужудга келтиришди. 2002 йил январидан бошлаб миллий валюта – Евро жорий этилган бўлса, шу йилнинг августига келиб у тўлиқ муаммолага киритилди. Бир вақтнинг ўзида ЕИ давлатлари ўртасида айрим сиёсий ва иқтисодий масалаларни бошқариш 5 та нуфузли сиёсий институтлар ҳам ташкил этилди. Булар: Европа парламенти, ЕИ комиссияси, Европа совети, Вазирлар совети, ЕИ суди каби қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларидир.

4.8. Жаҳондаги асосий ҳудудий интеграциялашган уюшмалар

Иқтисодий интеграциянинг объектив жараёнлари дунёнинг бошқа ҳудудларида ҳам ривож топаётир. Масалан, Лотин Америкаси, Осиё ва Африкада ўттиздан зиёд эркин савдо, бож ва иқтисодий иттифоқ зоналари фаолият юритмокда. Иқтисодий интеграция ривож топган гуруҳлардан бири-1994 январидан АҚШ, Канада ва Мексика мамлакатларида ташкил этилган Шимолий Америка эркин савдо ҳудуди – **НАФТАдир**. Мазкур блок аҳолиси 400 млн. дан ортиқ ва йирик иқтисодий имкониятга эга ҳудудни ўз ичига олган. Бу мамлакатларнинг йиллик маҳсулоти ва кўрсатган хизмати 3 трлн. доллардан ошади. Дунё савдо ҳажмида бу мамлакатлар улуши қарийиб 20% ни ташкил этади.

НАФТА даги интеграциялашув жараёнлари АҚШ, Канада ва Мексикадаги мавжуд технологиялар, ишчи кучлари, капитал ва умумий мол-маҳсулот бозоридаги ҳолатни ЕИга аъзо мамлакатлар бозорига киритишни ҳам ўз ичига олади. НАФТА келишувининг энг муҳим воситаси, бу – унга аъзо учала мамлакатдаги мавжуд интеграция муносабатларида инвестицион барьерлар ҳамда интеграция бўлаётган маҳсулотлар савдосини 2010 йилгача замонавийлаштириб боришдан иборат.

НАФТА келгусида «Меркосур» (у 1991 йил Аргентина, Бразилия, Уругвай, Парагвай ўртасида ташкил топган) блоки билан савдо-иқтисодий борада интеграциялашувга кўра, 2020 йилларда АҚШ учун асосий интеграцион йўналиш ҳисобланган - **Осиё-Тинч океани ҳудуди (АТР)нинг «интеграцион тўғон»**ини забт этиш мўлжалланган.

XX аср охирларига келиб интеграциялар жараёнининг асосий кучи Осиё-Тинч океани (ОТОХ) ҳудудида бирлашди. Улар ўзларида мавжуд гигант имконият ва кучлар ҳамда 3,5 млрд.га эга бўлган аҳолиси билан катта ҳудудга эга бўлишди. Ушбу ҳудуд ҳисобига ҳозирда 565 турдаги дунё ялпи ички маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва жаҳон экспорти ва импортининг 45%лик улуши тўғри келмоқда.

Осиё-Тинч океани ҳудуди интеграцион жараёнларининг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

- бу интеграцияга иқтисодиёти ривожланган ва ривожланаётган давлатлар жалб этилади;
- интеграция жараёнлари ҳудудидаги мамлакатлар фирма ва корпорациялари ўртасида асосан макроиқтисодий даражаларнинг юқорилиги;
- интеграция жараёнларининг махсус алоҳида ҳудудларда юқори даражада кечиши;
- интеграцион жараёнлари ҳам юқори тайёргарликда ташкил этилмаган ҳудудларни ривожлантириши;
- мавжуд интеграцион гуруҳларнинг аниқ расмийлаштирилмаганлигидандир.

Осиё-Тинч океани ҳудуди бир қатор субрегионал бирлашмалар, яъни Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари ассоциацияси (**АСЕАН**). Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамжамияти ташкилоти (**АТЭС**) – Австралия, Янги Зеландия эркин савдо ҳудуди, Жануби-Тинч океан форуми (**ЮТФ**), Тинч океани иқтисодий совети (**ТЭС**)дан ташкил топган.

Осиё-Тинч океани ҳудуди жараёнларида асосий ролни Япония ўйнайди. Сўнгги йилларда унинг ёнига «**Осиё йўлбарс**»лари (Жанубий Корея, Тайван, Сингапур, Гонконг) ҳамда АҚШ ва Хитой қўшилди. Ҳозирда интеграция жараёнлари фаоллашаётган яна бир бирлашма Жанубий-Шарқий Осиё (**АСЕАН**) мамлакатлари бўлиб, у 1967 йилда олти мамлакат-Бруней, Индонезия, Малайзия, Филиппин, Сингапур, Таиланд негизида ташкил топганди. 1995 йилга келиб, улар сафига Вьетнам ҳам қўшилди. АСЕАН мамлакатлари бир-бири билан ўзаро юқори даражада интеграциялашувга киришдилар ва шу билан бирга Япония, АҚШ, Жанубий Корея, Тайван ва сўнгги йилларда Хитой билан ҳам бу алоқаларни кучайтирган.

1989 йилда ташкил топган **Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамжамияти ташкилоти (АТЭС)** жанубий Осиёда иқтисодий интеграция тараққиётини ривожлантирди. Унинг таркибига 21 та Осиё ва Жанубий ҳамда Шимолий Америка мамлакатлари киради. 1997 йилда эса, улар қаторига Россия ҳам қўшилди. АТЭС режасига кўра дунё эркин савдо ҳудудида бу мамлакатлар бож ва ички барьерлар тўловидан озод этилгандир.

Интеграцион жараёнлар ер шарининг турли ҳудудларида, турли континентларда жадал ҳолда ривожланмоқда. Яъни, Африка, Яқин Шарқ, Лотин Америкаси, Австралия ва Океания, Марказий Осиёда. 1989 йилда Африка континентининг шимолий қисмида Жазоир, Ливия, Мавритания, Маракко, Тунислардан иборат **Мағриб араб иттифоқи** тузилади. 1981 йилда эса Форс кўрфази атрофидаги араб давлатлари (Саудия Арабистони, Қувайт, Қатар, Бахрейн, БАА, Ўммон)дан иборат ҳамжамият кенгаши (совети) ташкил этилганди. Собиқ Совет Иттифоқи ресубликалари 1991-1993 йиллар мобайнида Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ) доирасида Иқтисодий иттифокни шакллантиришга ҳаракат қилдилар. 1992 йилда эса Эрон, Покистон, Туркия, Озарбайжон, Қозоғистон ва Ўрта Осиё мамлакатларидан иборат Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамият ташкилоти тузилганлиги эълон қилинди.

1996 йилда Россия ва Белоруссия ҳамкорлиги, биров ўтгач 1997 йили Белоруссия ва Россия иттифоқи давтлари, 1995 йилда эса Евроосиё иқтисодий ҳамкорлиги (Россия, Белоруссия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон давтлари) божхона иттифоқи ва ягона иқтисодий макон тўғрисида, 1998 йилда Марказий Осиё иқтисодий ҳамкорлиги (Қозоғистон, Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон давлатлари) ташкилотини туздилар. Хитой, Россия, Қозоғистон,

Ўзбекистон Тожикистон ва Қирғизистон давлатлари Шанхай иқтисодий ҳамкорлигини кейинчалик эса унинг негизида Евроосиё иқтисодий ҳамкорлиги ташкилотини барпо этдилар. Келажакда ушбу ташкилотга аъзо бўлиб кириш учун Мўғилистон, Ҳиндистон, Покистон, Афғонистон, Эрон каби мамлакатлар ўз хоҳиш-истакларини билдиришдилар.

Назорат саволлари

1. Халқаро иқтисодий интеграцияга умумий таъриф беринг. Унинг сабаблари, мақсади нималардан иборат?
2. Интеграцион бирлашмалар босқичларини айтинг ва уларни таърифланг.
3. Жаҳон иқтисодиётидаги асосий ривож топган иқтисодий марказларни айтинг. Бу марказлар қайси интеграцион гуруҳларга мансуб?
4. Халқаро интеграцион бирлашмаларда кўпроқ қайси интеграция жараёнлари шакллари ривож топади. Бу жараён ҳақида қисқача гапириб ўтинг.
5. Европа Иттифоқи (ЕИ) га аъзо мамлакатларни санаб ўтинг.
6. МДҲ давлатлари интеграцион тараққиётида қандай имкониятлар мавжуд?
7. Осиё-Тинч океани ҳудуди (АТР) интеграция жараёнларининг ўзига хос томонлари нималарда акс этади?
8. Халқаро интеграция бирлашмаларида Ўзбекистон имкониятлари қандай кучга эга деб ўйлайсиз?

XVI Боб. ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИДА ҲОЗИРГИ ЗАМОН ГЛОБАЛ МУАММОЛАРИ

1. §. Бутунжаҳон демографик жараёнлар динамикаси ва тенденциялари.

Кишилиқ жамияти тараққиётининг ҳозирги босқичида меҳнат (инсон) ресурслари кадриятлари муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун бутун дунёда кечаётган демографик жараёнлар аҳолининг табиий ўсиши, туғилиши, ўлими ҳолатлари жиддий эътибор ва тадқиқотларни талаб қилади.

Ушбу соҳада кучайиб бораётган турли хил хавф-хатарлар, энг аввало, «**демографик портлаш**» деб аталадиган ҳолат билан боғлиқ. У XX асрнинг иккинчи ярмидан яъни 1960 йиллардан бошлаб, то ҳозирги давр учун характерли қирралардан бири сифатида намоён бўла бошлади.

Демографик жараёнларнинг тезлашуви ҳақида БМТ экспертлари эълон қилган статистик маълумотлар аниқ гувоҳлик беради. Улар жаҳон аҳолисининг кейинги бир ярим аср давомида ўсиш динамикасини тасвирлаб беришади. Дунё аҳолиси сони, млрд. киши 1850 й.- 1,0, 1930 й. - 2,0, 1960 й. - 3,0, 1975 й.- 4,0, 1986 й.- 5,0, 1999 й.- 6,0, 2011 й. - 7,0, 2050 й.- 9,0.

Бутун дунё аҳолиси фақат XIX аср (1850 й.) ўрталарига келибгина янги баҳолашга мувофиқ 1 миллиард кишига етган. 2050 йилга бориб дунё мамлакатлари аҳолиси 9,0 миллиард кишигача кўпайиши таҳлил қилинади. Таъкидлаш керак, фақат XX асрнинг иккинчи ярмида ер юзи аҳолиси икки мартадан кўпроққа ортди. Олдинги тараққиётларда кўп минг йиллар давомида унинг ўсиш суръатлари бу даражада бўлмаган эди.

Шу ўринда ҳисобга олиш керакки, бутун дунё аҳолисининг ҳозирги даврда ўсиш улушининг 80 % (ўтган даврлардан фарқли равишда) ривожланаётган мамлакатлар гуруҳига тўғри келмоқда. XXI аср бошида бутун дунё аҳолисининг тахминан 8 % Лотин Америкасида; 6,3 % - Шимолий Америкада; 6,2 % - Ғарбий Европа худудида; 2,6 % - Россияда ва фақат 1 % га яқини – Австралия ва Океанияда яшайпти.

Шубҳа туғдирмайди, бундай «**демографик портлаш**» билан боғлиқ муҳим омил мамлакатларни ривожланган дунёдан орқада

қолганлиги, аҳоли ўсишининг чатишиб кетгани ва ўзига хос зиддиятли ҳамкорлик ҳисобланади.

Мисол учун дунё мамлакатлари бўйлаб замонавий тиббиёт воситалари (дори-дармонлар, асбоб-ускуналар, техникалар)нинг тарқалиши, уларни болалар ўлимини сезиларли камайтириши, юқумли касалликлар устидан назоратни ўрнатилиши, ушбу мамлакатларда аҳоли ўсиш суръатлари кескин ошиши туфайли озиқ-овқат маҳсулотлари таъминотини ўзида ишлаб чиқариш ва импортини кўпайтириш йўли билан кўламини ошириш шулар жумласидандир.

Бундан ташқари, ҳозирги давр энди ривожланаётган дунё мамлакатларининг иқтисодий қолоқлиги билан фарқланади. Иқтисодий муносабатлар соҳасида маълум эскиликка тарафдор бўлиш, яъни янгиликка ва илғор тараққиётга қарши чиқиш, саводлилик даражасининг пастлиги натижасида анъанавий ахлоқий, диний ва бошқа тасаввурлар ҳукумронлигини кўриш мумкин.

Санаб ўтилган омиллар анча узоқ муддат давомида ривожланаётган мамлакатлар гуруҳи аҳолисининг кўпайиши учун характерли бўлган натурал хўжалик типидан уларни туғилиш ва ўлим юқори бўлган ишлаб чиқариш усулларига ўтишини кечиктириб келди. Шунинг учун ҳозирги замон ривожланган мамлакатлар гуруҳида аҳоли ўсиш унинг суръатлари паст, туғилишнинг камлиги учун ўлим даражаси ҳам паст ва нисбатан умр кўриш узунлиги юқоридир.

Бундай силжишлар ўтмишда саноати ривожланган мамлакатлар гуруҳида ҳам рўй берди. Уларда ҳам вақт бўйича анча чўзилган бўлсада, ўзига хос «демографик портлаш» кузатилди. Аммо ўшанда кечган «демографик портлаш» жараёнлари нисбатан аҳолининг унча катта бўлмаган мутлоқ қисмида ва уларнинг мамлакат ер майдони чеклангани учун глобал муаммога айланмади.

Ривожланаётган мамлакатларда ҳозирги замон босқичида аҳоли ўсишининг ўзига хос типига ўтиш жараёни рўй бераяпти. Бунда ўлимнинг камайиши, туғилишнинг тегишли қисқариши билан кузатилмаяпти.

Ривожланаётган мамлакатлар гуруҳида демографик жараёнлар бугун шундай ўсиш билан фарқ қилаяптики, бундай тезкорликда тараққиёт қилиш озмунча қийинчиликларни туғдирмаяпти. Буларнинг барчаси эса глобал демографик муаммоларнинг пайдо бўлишига олиб келмоқда.

Демограф-экспертларнинг фикрича, бундай «ўтиш даври» жараёни ривожланаётган мамлакатларда XXI аср ўрталаригача чўзилади. Шу муносабат билан дунё аҳолисининг умумий сони, эҳтимол 2100 йилга бориб 10,5 млрд. киши даражасида барқарорлашиши мумкин. Ушбу даврга бориб ер юзи аҳолисининг 95 % замонавий ривожланаётган мамлакатлар ҳудудида яшаши башорат қилинмоқда. «Демографик зўриқиш»нинг сусайиш истикболлари ва ушбу муаммоларни келгусида ҳал этишни демограф мутахассислар қуйидаги тарзда башорат қилишди:

- аҳолининг табиий ўсиш суръатлари икки асосий демографик кўрсаткичлар – туғилиш ва ўлимнинг ўзаро ҳаракатидан ҳосил бўлиши муносабати билан;
- кейингиси ўз навбатида жамият тараққиёти даражасига боғлиқ ҳолда иқтисодий, ижтимоий, маданий ва ҳ.к.;
- ривожланаётган мамлакатларнинг қолоқлиги ушбу ҳудудда аҳоли табиий ўсиш суръатлари юқорилиги сабабларидан биридир (саноати ривожланган мамлакатлардаги 0,7 % билан таққослаганда 2,3-3,0 %).

Айни пайтда ривожланаётган мамлакатларда табиий-биологик омиллар ролининг пасайиши натижасида нисбатан ижтимоий-психологик ролнинг ортиши умумий қонуниятига амал қилади. Шунинг учун ҳам мамлакатда кўпроқ тараққиёт даражасига эришишда иложи борица анчайин турғун тенденция туғилишнинг камайишида намоён бўлади.

Иккинчи томондан, саноати ривожланган мамлакатларда ўлим даражаси ривожланаётган мамлакатлардагига нисбатан сезиларли даражада пастдир. Айнан ушбу соҳада ривожланаётган мамлакатлар гуруҳи кўпроқ ўсаётган тассурот уйғотади. Ривожланаётган мамлакатларда кечаётган демографик жараёнларнинг жиддий оқибатлари демографик муаммоларни қолоқликка қайта таъсир этаётгани билан боғлиқдир.

Бундан ташқари, ривожланаётган мамлакатларда аҳоли ёши таркибининг ўзига хос шаклланиши рўй бераяпти, қайсиким ақл бовар қилмас даражада 17 ёшгача бўлган ёшлар салмоғи катта (ривожланган мамлакатлардаги 2/3 билан таққосланганда ушбу мамлакатларда аҳолининг 2/5 ташкил қилади). Тегишли равишда аҳолининг меҳнатга лаёқатли қобилиятли улуши кам (Ғарб мамлакатларидаги 2/3 билан таққосланганда 1/2 дан сал юқори) даражада кузатилмоқда.

Шундай қилиб, боқимандалик коэффициентлари қанча юқори бўлса, аҳолининг турмуш даражасини ошириш имконияти шунча чекланган бўлади. Ривожланаётган мамлакатлар жамияти онгида ҳозирги замон босқичида демографик муаммолар тушунчасига нафақат демографик жараёнларга кирувчи муаммолар, балки аҳоли турмуш даражаси сифати ва доимийлигининг кўпайиши ҳам кўшилади. Ўз мазмунига кўра, демографик муаммолар уларнинг ҳўжалик ва бошқа қолоқликлари билан жипс боғланган муаммоларни енгиб ўтиш билан ҳам боғлиқдир.

Бундай ёндашув кейинги вақтда шу муносабат билан ҳам айниқса долзарбки, жаҳоннинг жуда кўпгина мамлакатлари, биринчи навбатда кўп жиҳатдан тараққиётнинг демографик муаммоларни ҳал этиш билан боғлиқлигини ҳис этадиганлар, самарали натижалар берадиган фаол демографик сиёсатни ишлаб чиқиб, амалга ошираётирлар. Кейинги пайтларда оилани режалаштиришнинг хилма-хил дастурлари ҳаётга татбиқ этила бошланди. Шунинг учун ишонч билан айтиш мумкинки, халқаро ҳамжамият демографик муаммоларнинг кенг кўламлиги ва жиддийлигини, шунингдек уларни барча мамлакатлар ва минтақаларни иқтисодий ва ижтимоий тараққий эттириш билан жипс боғлиқлигини англаб етди.

2.8. Дунё аҳолисининг озиқ-овқат билан таъминоти муаммоси

Инсониятнинг энг муҳим ва долзарб глобал муаммоларидан бири – бу озиқ-овқат муаммоси ҳисобланади. Чунки у юзлаб миллион кишиларнинг жисмоний тирикчилигига бевосита тааллуқли ҳисобланади. Кейинги вақтларда дунё аҳолисини озиқ-овқат билан таъминлаш муаммосининг намоён бўлиши драматик характер касб этмоқда.

Озиқ-овқат муаммосининг ҳақиқий кўлами ва ўткирлиги ҳақида БМТ Озиқ-овқат ва қишлоқ ҳўжалиги ташкилоти (**ООҚХТ-ФАО**) томонидан келтирилган асосий маълумотларга қараб фикр юритиш мумкин. ООҚХТ статистикаси бўйича ҳозирги даврда очликка маҳкум бўлган одамлар сони сайёрамизда 500 млн. кишига яқинни ташкил қилади. Улардан тахминан 240 млн. киши очлик натижасида касаллик ва ўлимга маҳкумдир. Шунга қарамасдан, тўғридан-тўғри очлик барча манзарани кўрсата олмайди. Бугунги кунда тўйиб овқатланмасликнинг турли босқичлари ва шакллари билан бутун дунёда 1 млрд. кишидан кўпроғи озоб чекмоқда. Бунда кўпинча тўйиб

овқатланмаслик ҳолати ташқи томондан унча сезилмайди. Мавжуд баҳолашларга мувофиқ, **«кўзга кўринмас тўйиб овқатланмаслик ҳолати»** деган нарса бугунги кунда ривожланаётган мамлакатларда яшаётган болаларнинг 1/4 ни қамраб олгандир.

Ҳозирги кунда кўпчилик ривожланаётган мамлакатларда тўйиб овқатланмасликнинг турли хил шакллари ва кўринишлари аҳолининг кенг оммаси учун жуда кенг тарқалган ҳодисадир. Бу шунинг билан изоҳланадики, анъанавий овқатланиш нормаси (рацион) етарлича миқдорда калория билан таъминланиши мумкин, аммо зарур минимумдаги овқат таркибида оқсил моддаси, ёғ ва микроэлементларга эга эмас.

Маълумки, ушбу муҳим озуқа компонентларининг етишмовчилиги кишилар саломатлигига салбий таъсир қилади ва ўз оқибатлари билан ишчи кучларига нисбатан паст сифатига эга, қайсиким, унга кўпинча ривожланган мамлакатлар хўжалиги замонавий сектори учун фойдаланишда кам яроқлидир.

Энди ривожланаётган мамлакатлар аҳолиси рационда муҳим ҳаётий компонентларнинг етишмовчилиги ҳали ҳам бир қатор жиддий касалликларга олиб келаётгани тез-тез кузатилмоқда, қайсиким, кўп жиҳатлардан уларга болалар ва ёшлар маҳкум бўлмоқда (мисол учун, овқатланиш дистрофияси). Организм тўқималарини жиддий зарарланишига олиб келадиган оғир касалликларнинг эҳтимоли ҳам кўпдир. Нуфузли экспертлар тадқиқотлари гувоҳлик берадики, оқсил, ёғ етишмовчилигидан ҳатто аҳоли овқатида калориянинг камлиги натижасида энди ривожланётган мамлакатларда ҳам одамлар кўпроқ даражада озоб чекади. Уларга Африканинг кўпгина мамлакатлари киради (айниқса, Судан, Сомали ва Ҳинд океани соҳили мамлакатлари).

Маълумки, очлик ва тўйиб овқатланмаслик азалдан, инсоният тарихининг энг илк даврларидан буён мавжуд. Узоқ вақтлар давомида унга боғлиқ бўлган асосий омил қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг етарли даражада ривожланмагани бўлиб келдилар.

Бироқ ҳозирги даврда илмий-техника инқилоби, инсоният ишлаб чиқариш кучлари етарли бўлган даврда, шу жумладан, қишлоқ хўжалиги соҳасида тараққиёт шу даражага етдики, принцип жиҳатидан ҳозирги пайтда сайёрамизда яшаётган одамлардан бир неча баравар кўпини ҳам озиқ-овқат билан таъминлаш мумкин.

Мисол учун, инглиз экспертларининг ҳисоб-китобларига қараганда, ҳатто ерга ишлов беришнинг ҳозирда мавжуд усуллари

билан ҳам 10 млрд. кишидан кўпроқ одамларни озиқ-овқат билан таъминлаш мумкин экан. Аммо инсоният ҳайдаланадиган ерлардан ҳаддан ташқари унумсиз фойдаланмоқда. Айрим маълумотларга қараганда, сайёрамиздаги 149 млн. кв.км. қуруқликнинг фақатгина 45 млн. кв.км., яъни 30 % қишлоқ хўжалиги ишлови учун яроқли бўлиб, бунда шундай ерларнинг 1/3 қисмидан камроғи ишлатилинапти, холос.

Мутахассисларнинг баҳолашларига қараганда, бугунги кунда саноати ривожланган мамлакатлар, Осиё, Африка, Лотин Америкасида экспорт қилинадиган қишлоқ хўжалиги экинлари етиштириш учун энг яхши ҳайдаладиган ерларнинг 1/4 гачасидан фойдаланилмоқда. Қатор ҳолларда амалда у ёки бу экин ҳосили капитал ушбу қишлоқ хўжалиги корхоналарига қўйилган мамлакатларга жўнатилади.

Шунинг учун тасодиф эмаски, ривожланаётган мамлакатларнинг жаҳон хўжалиги тизимига жалб қилиниши, уларни тропик ва техника экинлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилиши, уларнинг озиқ-овқат таъминоти автономлигини пасайтириши мумкин ва уларни эса экспортдан олинадиган тушумга қарам қилиб қўяди. Ривожланаётган мамлакатларда озиқ-овқат ишлаб чиқаришнинг такомилга етказилмагани сабабли уларда тропик ва техника экинларини такрор ишлаб чиқарилиши билан кечмоқда. Бу эса кейингисининг нархларига ноқулайлик туғдиради ва уларни ташқи бозорда сотишдан олинган тушумга харид қилинадиган озиқ-овқат миқдорини камайтиради.

Бунда шуни назарда тутиш муҳимки, ривожланган мамлакатларнинг савдо сиёсати ҳам худди шундай натижаларга олиб келади. Кўпинча тропик экинлар маҳсулоти етказиб берилишига улар ўз ихтиёрича квота, тарифлар белгилашади. Бу эса қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарилган жойга қайта ишланганларини ташиб келишга тўсқинлик қилади. Импорт хом ашёлар учун санитария нормалари ва стандартлар ҳам қатъий белгиланган. Мутлақо очик кўриниб турибдики, жаҳон хўжалигининг кенг районларини ташкил этувчи периферияда ушбу давлатлар деҳқончилигини ривожлантиришга тушаётган маблағлар етишмаслиги ҳамон сезилмоқда. Қишлоқ жойларида ишлаб чиқариш муносабатлари ҳукумронлиги эса кўпинча қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва олинган чекланган ресурслардан ҳам самарали фойдаланишга имкон бермайди.

Ривожланган мамлакатларнинг озиқ-овқат ишлаб чиқариш соҳасида энди ривожланаётган давлатлардан устунлиги ҳар хил омиллар ичида давлат (давлатлараро) субсидиялари эвазига сақланиб турибди. Сир эмаски, бир қатор ривожланаётган мамлакатларда бундай капитал қўйилиши сезиларли катта натижаларни келтириши мумкин. Шунинг учун саноати ривожланаётган етакчи мамлакатларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарилишини субсидиялаш билан бир қаторда бу ерда қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш кучларининг кўпроқ даражада юқорилиги энди ривожланаётган мамлакатлар билан таққослаганда кейингилар учун интенсивлик ва ўз деҳқончилиги маҳсулдорлигини келажакда ошириш мушкул вазифадир. Аммо бу ривожланаётган мамлакатларда кенг аҳоли оммасини очлик ва тўйиб овқатланмасликдан қутқаришга имкон берган бўларди.

Озиқ-овқат муаммоси глобал кўлам ва характер касб этар экан, уни бутун сайёра (ер юзаси) бўйлаб ишлаб чиқариш ресурсларини истиқболда оқилона тақсимлаш билан боғлиқ ҳолда ечиш талаб этилади. Инсоният етарли даражада қишлоқ хўжалигининг қудратли ишлаб чиқариш кучларини яратган: XX аср иккинчи ярмида жаҳон деҳқончилигида шундай сифат силжишлари рўй бердики, қишлоқ хўжалигида юқори ҳосилли, дурагай уруғлар («яшил инқилоб») базасидан машиналар тизимидан фойдаланишга ўтилди, агросаноат интеграцияси комплекси, биотехнология инқилоби қудратли ишлаб чиқариш воситаларига айланди. Кишилик жамияти ушбу ютуқларидан фойдаланиш ривожланаётган мамлакатлар гуруҳи аҳолисининг нормал ҳолатга турмуш кечириши ва озиқ-овқат билан таъминлаш учун ҳозирги замон глобал муаммоларини ҳал этишга ёрдам берган бўларди.

3.8. Ҳозирги замон дунёсида ёқилғи-хом ашё ресурслари муаммоси

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, замонавий цивилизация доимий равишда истеъмол ва ишлаб чиқариш чиқиндиларининг тегишли ўсиши фонида табиий ресурсларни истеъмол қилинишини кенгайтириб бормоқда.

Бу атроф муҳит ифлосланишига қарши кураш харажатларини кўпайтирмасдан қолмоқда, албатта. Оқибатда, ҳозирда жамият миллий даромаднинг маълум улушини доимий равишда ошириб

бориши лозим, қайсики инсон яшайдиган муҳитни муҳофаза қилиш ва олинган табиий ресурслар харажатларини қоплайди. Бундай қатор салбий тенденцияларнинг ошиши сабабларини тадқиқ этиш биринчи навбатда, турли табиий ресурслар етишмовчилиги ҳақидаги масалани кўриб чиқишни талаб қилади, қайсики, замонавий цивилизация бунга эга.

Жаҳон тараққиётининг ҳозирги босқичида ҳақиқатдан бир қатор табиий чекланишлар мавжуд. Мисол учун, уч базавий категориялар бўйича – разведка (геология қидирув ишлари) қилинган, ёқилғи микдорини баҳолаш асосида, эҳтимол бўлиши, аниқ тахмин қилиш мумкин, кўмирнинг дунё захираси тахминан 600 йилга, нефть – 90, табиий газ – 50 ва уран – 27 йилга етади. Бошқача айтганда, барча категориялар бўйича ёқилғи турлари 800 йилда тугаши мумкин. Бироқ ишлаб чиқарилаётган ҳар хил энергия турлари бугунги суръатларда ўсиб борадиган бўлса, унда ҳозирда фойдаланилаётган ёқилғининг барча турлари 130 йилдан кейин, яъни XXII аср бошларида тугайди.

Баҳолашлар бўйича, 2000 йилда дунёда минерал хом ашёларга бўлган талаб ўтган XX аср кейинги ўн йилига таққосланганда 3 мартага ошган. Бироқ, ҳатто ҳозирданок қазилма бойликларга бой бўлган бир қатор мамлакатларда ҳам конлар охиригача ишланган ёки тугашига яқини сир эмаски, худди шундай вазият бошқа фойдали қазилма бойликлар турларида ҳам кузатилаяпти.

Бутун ҳолда, энергоресурсларнинг жаҳон истеъмоли 2003-2005 йилларда олдинги 7 йилдаги 1,6 % га нисбатан ўртача 3,4 % га ошган. Бунда йирик ишлаб чиқариш кўлами ва энергоресурслар истеъмоли бўйича ҳозирда АҚШ, Канада ва Россия олдинда турибди, улардан АҚШ – йирик импортер (700 млн. т. экв.), Хитой эса – ўсиб борувчи харидор (нетто импортининг 100 млн. т. кўпроғи) ҳисобланади.

Россия 2001 йилдан бошлаб, энергоресурсларнинг дунё етакчи экспортчиси (ёқилғи барча турлари ўхшашлиги бўйича) саналади. Унинг ташқи бозорга етказиб бераётган ёқилғи ҳажми 520 млн. т.нефть эквив.дан ошади.

10 йирик энергоресурслар нетто экспортлари қаторига (дунё ишлаб чиқаришнинг 35 % ва истеъмолнинг 16 %) Саудия Арабистонини (420 млн. т.дан кўпроқ) ва Норвегия (200 млн.т.)ни ҳам киритиш мумкин. Бошқа 7 мамлакат бозорга ўртача 120-140 млн.т.н.э.да етказиб беради.

Етакчи 10 нетто-импортчи мамлакатлар орасида (жаҳон ишлаб чиқаришининг 36 % ва истеъмолининг 59 %) АҚШ (нетто-импорт 730 млн.т.), Япония (430 млн.т.дан кўпроқ импорт қилади) ва Германия (210 млн.т.дан кўпроқ) каби мамлакатлар турибди.

Глобал энергетика хавфсизлигини таъминлаш муҳим муаммоларини ҳал этиш учун ҳозирда нетто-импортёр мамлакатлари эҳтиёжлари ошиши шароитида жаҳон кўламида энергоресурсларни ишончли етказиб беришни ташкил этиш, транзитор мамлакатлар томонидан террорчилик ҳаракатлар ва ихтилофлар ҳолларида энергоресурсларни ишлаб чиқариш ва транспортда ташиш муаммоларини енгиб ўтиш, шунингдек экологик вазиятнинг ёмонлашувига йўл қўймаслик лозим бўлади.

Шунга қарамасдан ҳозирча сайёрамизда бирор-бир табиий ресурсларнинг етишмовчилиги ҳақида гапириш мақсадга унчалик мувофиқ эмасдир.

Ҳозирда инсоният Ер ресурсларининг камгина қисмини хўжалик оборотига жалб этган: кесилмалар чуқурлиги 700 м.дан ошмайди, конлар-шахталарнинг узунлиги – 2,5 км, қудуқларнинг чуқурлиги – 10 минг м.ни ташкил этади. Ниҳоят, ресурсларни тежаш асосий резервлари технология қолоқлиги туфайли ушлаб турилибди, бу табиий ресурсларнинг сезиларли қисмидан фойдаланиш имконини бермайди. Ҳозирги пайтда замонавий технологиялар нефтнинг потенциал заҳираларининг 2/5 қисмини қазиб олаяпти, қазиб олинган энергетик ресурсларнинг фойдаланиш коэффиценти эса 30-35 % атрофида. Жаҳон мамлакатлари ва минтақалари бўйича энергия ва хом ашё табиий заҳираларининг тақсимланиши ҳаддан ташқари нотекис ҳолда жойлашган. Бу ёқилғи-хом ашё муаммоларининг ўткирлашувига олиб келаяпти. Маълумки, фойдали қазилмаларнинг мавжудлари ва истиқболли жаҳон заҳиралари ривожланаётган мамлакатлар ҳудудида тўпланган. Ҳозирги даврда ривожланаётган мамлакатларнинг муҳим хом ашё турлари заҳиралари солиштира салмоғи бозор иқтисодиётидаги давлатлар орасида баҳолаш бўйича 30-40 % (темир рудаси, молибден, уран ва бошқ.), 60-90 % (кобальт, нефть, никел, қалайи, табиий газ, фосфатлар ва бошқ.)гачани ташкил қилади. Шу кунгача келиб ушбу мамлакатларда 17 та муҳим хом ашё туридан 8 тасининг саноат заҳираси 2/3 дан кўпроқни ташкил қиларди.

Шуни назарда тутиш керакки, энди ривожланаётган мамлакатларнинг ер қаъри кам ўрганилганлиги билан фарқланади.

1980 йиллар бошларига келиб собиқ мустамлакалар ва қарам мамлакатларда майдон бирлигига исботланган минерал хом ашё захиралари жаҳон ҳўжалиги марказларидагига қараганда тахминан 2 марта кам бўлганди.

Бу – ривожланаётган мамлакатлар иқтисодий қолоқлигининг яна бир аломатидир. Фан ва техника ютуқларидан фойдаланиш, хусусан космик геология ер шари территориясини тўлиқроқ ўрганишга, мавжуд конларни яхшироқ баҳолаш, янгиларини очишни тезлаштириш мумкин бўларди. Кўп жиҳатдан бу ривожланаётган дунё мамлакатлари ер қаъри бойликларига тааллуқли. Яқинда Бразилияда очилган улкан кон бунга мисол бўла олади. Унда минерал хом ашёнинг 17 тури аниқланди. Шу жумладан, бу ерда 18 млрд. т. темир рудаси, 3,2 млрд. т. бокситлар, 1 млрд. т. атрофида никел ва бошқаларнинг мавжудлиги эътироф этилди.

Ривожланаётган мамлакатларда фойдали қазилмаларнинг юқори даражада сифатлилиги ҳам жуда муҳимдир. Мисол учун, АҚШда мис рудаси таркибида атиги 0,7 % мис бўлган тоғ жинсини қайта ишлашдан олинади. Ваҳолаки, Чилида – бу 1,1 %, Замбияда – 3 %, Заирда (Конго Респ.) – 3,9 % (бу фақат мис таркибига эга руда учунгина характерли эмас). Ушбу мамлакатларда руданинг янада юқорироқ сифати молиявий база заиф ва илмий-техник қалоқлик шароитда уларнинг рақобатбардошлигини белгилайди.

Санаб ўтилган далиллар шундан гувоҳлик берадики, ривожланаётган мамлакатлар гуруҳи замонавий ёқилғи хом ашё ресурслари, уларнинг миқдори ва сифати жиҳатидан ҳам олдинги ўринларни эгаллайди.

Шунга қарамасдан, энди ривожланаётган мамлакатлар юқори, яхлит ҳолда таъминланганлиги даражаси, хилма-хил фойдали қазилмалари билан алоҳида мамлакатлар ва минтақалар ўртасида сезиларли фарқ қилишади. Аниқланган ёқилғи ва хом ашё захирасининг катта қисми яъни 130 та ривожланаётган давлатдан 45 тасида тўпланган. Бироқ, ушбу 45 мамлакатдан фақатгина 10 тасида фойдали қазилмаларнинг 3 туридан кўпроғигина аниқланган.

Ривожланаётган мамлакатларда табиий ресурсларни эксплуатация қилиш жуда узоқ тарихга эга. Ҳали XVII асрдаёқ Ост-Инд компанияси Катингидан мисни Европага ташиганди. Ушбу ҳудудда ёқилғи хом ашё потенциалини ўзлаштириш саноати ривожланган мамлакатлар томонидан хом ашё монополияси устун ҳолда амалга оширилди. Бу жараён аниқ акс этган талончилик

характерида бўлди. Мисол учун Американинг «Кеннекот» компанияси томонидан Чили ҳукуматига тўланган 1913-1924 йиллардаги барча солиқлар уни сотишдан 1,0 % дан камроғини ташкил этган. Бундан ташқари, айрим мустамлакалардан ишлаб чиқаришга ихтисослашганлари узок вақт уларни территориясидаги амалда бўлган компанияларга қарам бўлиб қолди: Чили амалда Американинг «Анаконда», Заирда – Бельгиянинг «Юнион Миньер» компанияларининг ота мулки бўлиб қолганди. Рио Тинто зинк» эса Британия мустамлакаларининг минерал хом ашё захираларига эга бўлиб, амалда назоратсиз фаолият юритди.

Маълумки, тоғ-кон саноати тикланиши ва тараққиёти ушбу мамлакатларда иқтисодий ўсишга туртки берадиган умидларда ҳамкор бўлди. Аммо бундай тараққиётни хўжалик юритувчи маҳаллий бошқарув органлари эгиб қўйди, уларга бир томонлама эътибор берди. Бу ерда етакчи ўринни тўлиқ жаҳон бозори ва хорижий компанияларга қарам аниқловлар эгаллади. Бу эса умумий хўжалик юксалишига шароит яратмади, балки анаъанавий ижтимоий-иқтисодий асосларни ўзгартиришга имкон туғдирди.

Ушбу мамлакатларнинг кам хом ашё, кўп ҳолларда монотовар ихтисослашуви уларнинг ижтимоий-иқтисодий қолоқлик шароитларда фойдали қазилмаларни экспорт қилиш ва ишлаб чиқаришни амалда реалликдан истесно қилди. Хом ашё секторини интеграциялаш истиқболларини маҳаллий хўжаликнинг қолган соҳалари билан боғланишга путур етказди.

Ривожланаётган мамлакатлар мустақилликка эришиши билан ўз табиий бойликларидан фойдаланиш учун маълум имкониятларга эга бўлишди. Энг аввало, ўз миллий манфаатларига амал қилишди. Ҳозирда иқтисодий таркибий тузилмаларни интеграциялаш, умумлаштириш ва қайта қуриш билан бир қаторда халқ хўжалиги соҳасида тоғ-кон қазилма саноатининг ривожланган мамлакатларга қўшилиш даражасини оширишга эътибор қаратилмоқда. Жиддий эътибор ёқилғи- хом ашё секторини тараққий эттиришга қаратилган, қайсики у хорижий валюта тушуми манбаи ҳисобланади. Афтидан ҳали узок вақтлар уларнинг иқтисодий ўсишини кўп жиҳатдан имкониятлари белгилайди.

Шу тариқа, ёқилғи- хом ашё муаммоларини ҳал этиш истиқболлари ва юмшатиш йўллари ҳозирда ривожланаётган мамлакатлар тоғ-кон саноати комплекси соҳасида ўз имкониятини ошириш билан боғланмоқда (бу ушбу ҳудудда геология қидирув

ишларини кенгайтиришни кўзда тутати), қайта ишлаш саноати маҳсулотларини диверсификациялаш, янги технологиялардан фойдаланишга ўтиш ҳам шулар жумласидандир.

Бундан ташқари, битмас - туганмас табиий ресурслар – шамол, қуёш энергияси, денгиз, океан сув тўлқинлари, ер ости геотермал манбалари ва бошқалар ҳам мавжуддир.

Шунга қарамасдан инсоният ҳозирча устун тарзда анаъанавий, чекланган ер ости табиий ресурслардан фойдаланмоқда ва янги имкониятларга эса етарли даражада эътибор қаратмаяпти. Вужудга келган вазиятнинг асосий сабабларига, биринчидан, ҳозирги замон фан-техника тараққиёти даражаси етарли эмаслиги киради, қайсиким, улар яъни денгиз, океан тулқини, қуёш энергиясидан фойдаланиш имконини бермайди. Иккинчидан, янги технологияларни яратиш ва уларни татбиқ этиш харажатлари жуда катта туюлади. Кўпгина лойиҳаларни ҳозирдаёқ техник жиҳатдан амлага оширилса бўлади, аммо ҳар бир алоҳида мамлакатда эса маблағ етишмаслиги сабабли улар амалга оширилмаяпти.

Мисол учун, яқин ўтмишда тайёрланган Африка ва Австралиянинг қирғоқларига айсберг (муз тоғ)ларни ташиб келтириш воситасида суғориш лойиҳаси техник жиҳатдан бугуноқ бажарса бўладиган ишдир. Бу муаммони ҳал қилиш учун жаҳон ҳамжамияти саъй-ҳаракатларини бирлаштириш талаб қилинади, холос. Ниҳоят, янги технологияларни қўлланишда сушт иқтисодий манфаатдорлик эскирган методларни ўзгартиришга олиб келади.

Ҳозирги замон босқичида ёқилғи- хом ашё каби глобал муаммоларнинг пайдо бўлиши ва ўткирлашуви сабабларини кўриб чиқишнинг айрим яқунларига хулоса ясаб, таъкидлаш мумкинки, яқин ўтмишда вужудга келган табиий ресурслар етишмовчилиги сезиларли даражада нисбатан уларни сушт қидирилгани, самарасиз қазиб олингани, ушбу манбалардан фойдаланиш ва қайта ишлаш оқилона ташкил қилинмагани оқибатидадир.

Аммо, шунга қарамасдан, инсоният фан ва техниканинг янги ютуқларини, улардан оқилона фойдаланиш асосида ресурслар етишмовчилигини енгиб ўтиши учун тўлиқ реал имкониятларга эга.

4.8. Дунёда тинчликни сақлаш, қуролсизланиш ва ҳарбий ишлаб чиқаришни ўзгартириш

Инсоният ҳозирги замон тарихи давомида яъни иккинчи жаҳон уруши тугаганидан кейин қуролланишга ақл бовар қилмас даражада катта маблағлар сарфлашди. Экспертлар баҳолашига кўра, фақат 1950 йилдан тортиб, 1990 йилгача ҳарбий мақсадларда умумжаҳон харажатлари тахминан 20 трлн. АҚШ долларини ташкил қилган. Ушбу мақсадга ҳар йили 300 млрд.гача доллар сарфланган (1990 йилар бўсағасида собиқ СССР ҳарбий харажатлари реал рақами Лондондаги Халқаро стратегик тадқиқотлар институти маълумотларига кўра, йилига 200-220 млрд. рублни ташкил қилган).

Ялпи миллий маҳсулот (ЯММ)да ҳарбий харажатларнинг улуши: АҚШда – 3,8-4,1 %, ГФРда – 1,6-1,4%, Японияда – доимий равишда 1 %ни ташкил қилади.

Ҳарбий саноатда банд бўлганларнинг умумий сони АҚШда 3,35 млн. киши, ГФРда – 290 минг киши, Швецияда – 28 минг кишига етди.

Ривожланаётган мамлакатларда тўпланган ихтилоfli имкониятлар оқибатида (аҳоли турли қатламлари даромадларининг кутбланиши, қашшоқликнинг ўсиши, ижтимоий адолатсизлик, ишсизлик, хўжалик тафовути, «**намойиш эффекти**» чиқими, коррупция, ҳам ички, ҳам давлатлар ўртасида характердаги даврий ҳарбий тўқнашувлар ва бошқ) ҳарбий харажатлар сезиларли ўсди.

Шу тариқа зиддиятли вазиятлар вужудга келди: бир томондан, бу иқтисодий қийинчиликлар ва турли инқироз ҳодисалари, хўжалик ўсиши нотурғунлигининг кучайиши тараққиёт учун ресурсларга ўта зарурат бўлса, бошқа томондан, - иқтисодиётни милитаризациялаш жараёнларини доимий равишда кучайтиришидир. Бу аввало, ҳарбий харажатлар ўсиш суръатларининг юқорилигида ва унинг қуролланишга бутунжаҳон харажатларидаги улуши сезиларли ошиб боришига, ҳеч нима билан оқлаб бўлмайдиган ресурслар талонтарожлигида аксини топди. Мисол учун, 1970 йилдан 1985 йилгача ривожланаётган мамлакатларнинг жаҳон ҳарбий харажатларда солиштира салмоғи 7,2 дан 17,7 % гача ортди. Ҳозирги кунга келиб ушбу сумма эса 150 млрд. АҚШ долларида ошиб кетди.

Бунда муаммо тадқиқотчилари кўпгина мустақил давлатларни қуролланишга, харажатларни интенсификациялашга (жадаллаштириг)га интилаётганликларини кўриб чиқадилар, уларнинг суст ривожланганлиги оқибатлари бутун дунё миқёсида

аҳамиятга эга эканлиги ҳисобга олинадиган бўлса, бу ҳаракат иқтисодий таракқиётга катта ғов бўлиши аниқдир.

Шуни назарда тутиш керак, ҳарбий харажатларнинг ўсиши ривожланаётган мамлакатларда милитаризациялаш шаклини аниқ белгилаб, биринчи ўринга чиқади. Африкада, мисол учун, XX асрнинг охирида ҳарбий харажатлар 2-3 мартага ошди. Ялпи миллий маҳсулотда уларнинг солиштира салмоғи кўпинча ривожланган мамлакатлардагидан ҳам юқори бўлди.

Шу билан бирга Лотин Америкасида яқин ўтмишга таққосланганда, бир мунча қисқарди, буни минтақа мамлакатлари хўжаликлари учун ҳарбий харажатлар оғир юкка айлангани билан изоҳлаш мумкин. Буни кўпчилик Лотин Америкаси мамлакатлари етакчилари амалда тан олдилар, ҳарбий бюджетларни мувофиқлаштирилган ҳолда қисқартириш ва шу тариқа тежалган маблағни ўз мамлакатларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун кўшимча ресурс сифатида йўналтиришни қўллаб-қувватлашиб декларация имзоладилар.

Осиёда XX аср охирида жуда ташвишли кўринишдаги манзаралар вужудга келди, қайсики, ҳарбий харажатларга ажратмалар ўсиши тенденцияси устунлиги кўзга ташланди: бир қатор мамлакатларда бу тажавузкор реакцион кучларнинг тазийқли остида, ташқи кучлар билан рағбатлантирилди, бошқаларида эса ўз хавфсизлигини таъминлаш учун ушбу сиёсатга қарши чоралар кўрилди.

Маълумки, ўсиб боровчи ҳарбий харажатлар давлат бюджетига бевосита салбий таъсир кўрсатади. Бунинг устига яна ривожланаётган мамлакатлар бюджетларида ҳарбий харажатларнинг солиштира салмоғи ўсиши улуши таълим ва соғлиқни сақлашга фойдаланиш билан бир вақтда кечиши натижасида кескин қисқаради. Яъни аҳолига ижтимоий хизмат кўрсатишнинг ана шу соҳаларида бундай мамлакатлар ўткир зарурат сезади. Бунда аҳоли жон бошига кам миллий даромадга эга мамлакатлар, одатда, ҳарбий тармоққа саноати ривожланган мамлакатларга қараганда ўз бюджетининг катта қисмини ажратади. Кўриниб турибдики, бюджет етишмовчилиги учун давлат масъулияти айнан ҳарбий харажатлар ўсишида, қайсики, кейин бу оғир иқтисодий ва ижтимоий муаммоларга олиб келувчи инфляцияни келтириб чиқаради.

Ҳозирги замон босқичида жаҳон мамлакатларининг ҳарбий харажатлари умумий суммаси йилига 1,3 трлн. АҚШ долларигачани

ташқил қиляпти. Бу борада 2006 йил ҳарбий бюджет ҳажми бўйича АҚШ (600 млрд. долл.), Хитой (81,4 млрд. долл.), Буюк Британия (42,8 млрд. долл.), Германия (35,0 млрд. долл.), Италия ва Корея Республикиси (ҳар иккаласи – 28,1 млрд. доллардан) етакчилик қилишди.

Америка олимларининг фикрларига кўра, ушбу харажатлар аниқ инфляция характери ифода этади. Чунки муҳофаа корхоналари ишчиларининг меҳнат ҳақи тўлови сифатида истеъмолчилик талабини ўсишига олиб кела туриб, товарлар ва хизматлар таклифини кенгайтиришга имкон бермайди. Бундан ташқари, ҳарбий ишлаб чиқариш фуқаро тармоқларидан хом ашё ва техник мутахассисларни жалб этади. Ҳарбий саноат комплекси монополизми ва кафолатланган сотиш бозори мавжудлиги меҳнат унумдорлигини пасайтиради, иқтисодиётнинг фуқаро тармоқларига таққослаганда ишлаб чиқариш чиқимларини кўпайтиради.

Ҳозирги замон тадқиқотларининг кўрсатишича, ҳарбий ишлаб чиқаришни ўзгартириш ишсизликнинг ўсишига ҳам имкон бермайди, чунки ҳарбий ишлаб чиқаришда бир ишчи ўрни яратиш учун фуқаро ишлаб чиқаришига қараганда кўпроқ маблағ талаб қилинади (айрим ҳисоб-китоблар бўйича 4 марта кўп). Мисол учун, ҳар бир 10 млрд. доллар фуқаро тармоқларга йўналтирилганига қараганда, ҳарбий ишлаб чиқаришда 40 минг ишчи ўрнини кам яратади. Шундай маълумотлар келтирилади: Пентагоннинг ишлаб чиқаришга 1 млрд. доллар харажатлари тахминан 48 минг ишчи ўрнини беради, соғлиқни сақлаш соҳасига сарфланган ушбу сумма эса 76 минг, таълим тизимида – 100 минг ишчи ўрнини яратади.

Инкор қилиш қийин, албатта, (ҳарбий техника ишланмалари авиация ва жамият ҳаёти бошқа соҳаларида қатор технологик янгиликлар пайдо бўлишига олиб келди (мобель алоқа). Шунга қарамасдан, БМТ маълумотлари бўйича тинчлик мақсадларида ҳарбий техника тадқиқотларининг 1/5 қисми фойдаланиляпти. Агар бу борада ана шундай ишланмалар билан барча олимлар ва муҳандисларнинг 40 % қисми ҳисобга олинса, ҳарбий дастурлар илмий-техник прогресс йўлига ғов бўлаётгани ойдек равшан бўлади.

Шундай қилиб, ресурсларни тинчлик мақсадларига сафарбар этиш барча мамлакатлар турмуш манфаатларига жавоб беради. Мутахассислар, атиги 10 % ҳақон ҳарбий харажатларидан глобал муаммоларни ҳал этишда фойдаланиш, ушбу соҳада халқаро ҳаракатларни бирлаштириш оммавий очлик, саводсизлик,

касалликларга батамом чек қўйиши, сайёрада экологик фожиалар олдини олиши мумкин деб ҳисоблашади.

5.8. Сайёрамиз экологик вазияти

XX асрнинг 1960 йилларидан бошлаб мутахассислар сайёрамиз экологик ҳолатини фожиали сифатда қараб чиқмоқдалар.

Намоён бўлаётган асосий инқирозий вазиятлар орасида, энг аввало, ривожланган мамлакатлар, кейин эса ривожланаётган мамлакатларни қамраб олган тупроқ таркибининг бузилиши, ўрмонларнинг йўқолиб бораётгани, маиший зарурат ва суғориш учун сув ресурсларининг етишмовчилиги, ҳаво бўшлиқларининг ифлосланиши ва ҳ.к. ажратилади.

Тупроқ таркибининг бузилиши. Юқорида аҳоли тез ўсаётгани ва одамларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ўткирлашаётгани ҳақида ҳали гапириб ўтилди.

Мисол учун, 30 йилда «**яшил инқилоб**» ғалла ишлаб чиқаришни 2,5 марта кўпайишга олиб келди. Шунга қарамасдан, 1984 йилдан бошлаб, ғалла экинларининг сезиларли ўсиши кузатилмаяпти. Дон ишлаб чиқарувчи бир қатор мамлакатларда ғалла ҳосилдорлиги ва ўрими секин ўсиши рўй бераяпти. Бу нафақат ғалла экинларини ишлаб чиқариш учун янги технологияларнинг йўқлиги, балки тўпроқнинг гумуси қашшоқлашуви билан ҳам боғлиқ. Табиат 300 йилдан буён тахминан 1 см қалинликда қора тўпроқни яратади. Инсоният эса бу бойликни яъни тўпроқни кимёвий шўрлантириб ишдан чиқаради ва ҳ.к.

Қишлоқ районларида ер фондидан рационал фойдаланиш шунга олиб келдики, тупроқ эрозияси таҳдидли кўлам касб этмоқда. Ҳозирда ҳар йили 23 млрд.т.га яқин ҳайдаладиган тупроқ йўқотилмоқда. Агар ушбу тенденция сақланадиган бўлса, XXI аср охирига бориб ривожланаётган мамлакатларда табиий суғориладиган экин майдонларининг 2/5 гача йўқотилиши мумкин.

Бундан ташқари, мутахассисларни жиддий ўрмонсизланиш муаммоси ташвишга солаяпти, бу тез-тез сув тошқинлари, тупроқ эрозияси, кўчкилар, ботқоқланиш, сув ҳавзаларининг қуйқаланиши, гедрознерго потенциалнинг пасайишига олиб келаяпти.

Ўрмонзорларнинг қисқариб бориши. Сир эмаски, ўрмонлар ҳақидаги маълумотлар ёғочни қишлоқ районларида муҳим ўтин-ёқилғи сифатида кенг кўламда фойдаланилиши билан шартланган

(ривожланаётган мамлакатларда худди шу тарзда 1,3 млрд. киши ўзининг энергияга бўлган эҳтиёжини қондиради). Ўрмонлар аёвсиз кесилишига яна бир сабаб, қишлоқ хўжалиги учун кўшимча майдон очиш мақсадида ўзлаштирилаётганидир (Афро-Осиё мамлакатларида ўрмонларни йўқотиш эвазига қишлоқ хўжалиги ер майдони 50 %га кенгайган, Лотин Америкасида эса майдонлардан 92 млн.га ўрмон ҳисобига олиниб, 79 млн.га ишланадиган ер майдонини тўлдирди). Бу оқибатлар қарамаслик доирасини ҳосил қилди: озиқ-овқат ва энергетика муаммоларини ҳал этиш вазифалари экстенсив хўжалик юритиш шароитида ўрмон массивларини кесишга мажбур этмоқда. Бу эса ўз навбатида, тупроқ қатламининг қашшоқланишига – бузилишига олиб келаяпти, қайсиким, экин майдонларининг йўқотилишига сабаб бўлмоқда ва аввал бошда қўйилган вазифаларни ҳал этиш имконини бермайди.

Назардан қочирмаслик керак, катта майдонларда ўрмонларнинг йўқотилиши минтақавий (регион) ҳатто глобал кўламда экологик мувозанатининг бузилишига олиб келишга қодир. Иқлимий кўламда ҳаддан ташқари оғир оқибатлар – гидрологик циклнинг ўзгариши, атмосферада кислороднинг камайишини айтиб ўтиш кифоя.

Амозонка (Бразилия) дарёси водийсида сайёрамизнинг энг намлик ҳудудида рўй бераётган ўзгаришларни бунга мисол қилиб кўрсатиш етарли. Бу ерда доимий циркуляцияда бўлган жаҳон ичимлик сувининг заҳиралари катта қисми йилдан-йилга камайиб бормоқда. Бу жараёнда намликнинг катта қисмини ушлаб қолувчи ва унинг аста-секин буғланишини таъминловчи минтақанинг тропик ўрмонзорлари муҳим роль ўйнайди. Кейинги вақтларда ичимлик суви билан вазият тобора мураккаблашмоқда. Қайсиким, умумий сув заҳираларида ичимлик суви заҳираси атиги 3 %ни ташкил қилади, холос. Бунда ичимлик сувининг 3/4 Арктика ва Антарктидада музлаган, 1/5 ер ости сувлари ташкил қилади, қолгани эса дарёлар, кўллар, батқоқликлар, булутларда айланади. Аммо дунёнинг ҳозирги замон дарёлари аҳволи шундайки, унинг сувини ичиш учун яроқли ҳолда келтириш технологиялари жуда қимматлик қилади. Олимларнинг баҳолашларича, сайёрамизнинг қатор районларида 80 % касалликларининг келиб чиқиши айнан сифатсиз сув туфайлидир.

Мутахассислар огоҳлантиришади, агар Амозонка ўрмонларини йўқотиш тўхтатилмаса (энг кам ҳисоб-китоблар бўйича ҳам ўсимликлар оламида 12 млн.га қирқиб олинган, бу Амозонка барча ўрмонларининг 1/4 ташкил қилади), ушбу районлар иқлими

қирғоқчиликка маҳкум бўлади. Бу ўрмонларнинг йўқотилиши эса кислородни дунё бўйича ишлаб чиқаришини ҳар йили 50 % манбадан маҳрум этади, бу эса глобал экологик фожиага тенгдир. Ҳақиқатан, яқингача атмосфера ҳавоси туганмас манба ҳисобланарди. Ўрмонларни қирқиш фожиавий тус олаётган бугунги кунда эса, бу ерда рўй бераётган жараёнлар кишиларни жиддий ташвишга солаётир. Ахир сайёрамиз кислородининг катта қисмини айнан тропик ўрмонлари беради-да! Бироқ, айрим маълумотларга кўра, ҳар бир секунда футбол майдонига тенг майдонда ўрмонлар кесилаяпти экан. Бундай ўрмонзорларни ёвузларча қириш оқибатида ХХІ аср ўрталарига келиб Жанубий Америка ва Африкада тропик ўрмонлари умуман қолмайди, деб ҳисоблашади олимлар. Бунинг оқибати чинакам фожиали бўлиши мумкин: тўпроқ эрозияси, ўсимликлар ва тирик организмлар турли турларининг йўқолиши, ниҳоят, сайёрамизда иқлим ўзгариб кетишига олиб келади.

Назарда тутиш зарур, тропик ўрмонлари экватор яқинида жойлашган, у ерда атмосфера юқори қатламини тўлдирувчи ва унинг доирасида циркуляция глобал жараёнларига импульс берувчи илиқ ҳаво массаси шаклланади. Ўрмонларнинг йўқотилиши оқибатида экваториал зонада ва ундан шимолда 40^0 ва 85^0 кенглик ўртасида, экватор ҳар икки томонида 50^0 ва 25^0 кенглик орасида ётган ерларда ёғин нормасининг камайишига олиб келиш эҳтимоли бор.

Бу Саҳрои Кабирнинг жанубий қисми, Ҳиндистон ва Мексиканинг кўпчилик чўлли районларида ёмғирларнинг кўпайиши ва Европанинг катта қисми, АҚШ ва Канада шимолий қисмида уларни қисқаришини билдиради дегани. Бундай силжишлар Шимолий Америка, Европа ва сайёрамизнинг бошқа районларида ғалла етиштириш муаммосини жиддий мураккаблаштиради.

Бундан ташқари, ер юзасининг 7 %ини қоплаган тропик ўрмонлари сайёрамизда ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси барча вакиллариининг 40-50 % яшайдиган муҳити ёки макони ҳам ҳисобланади. 2009 йилга келиб, 1950 йилгача мавжуд бўлган тропик зонасидаги барча ўрмонларнинг $1/3$ дан $1/2$ гачаси йўқ қилинди. Улар билан бирга экологик тизимнинг ажралмас қисми, унинг ўзини-ўзи ташкил қилиш ва ривожланиш жараёнларини таъминловчи, сайёра ҳаёти ноёб генофондини ташкил этувчи ўсимликлар ва тирик организмларнинг юз минглаб турларининг қирилиб йўқ бўлишига олиб келди. Тропик ўсимликларидан тиббиёт энцефалит, лейкомия ва касалликларни даволаш учун ноёб воситалар ишлаб чиқара бошлади;

торфинни алмаштиришга қодир норкотик-оғрикни қолдирувчи моддалар олишнинг реал истиқболлари мавжуд.

Ҳозирги замон қишлоқ хўжалиги ҳали ҳаддан ташқари самарасиз ва улкан потенциалидан жуда сезиларсиз фойдаланмоқда, қайсиким, тирик табиат катта имкониятларни ўз қаърида сир сақламоқда. Ер юзидаги 250 минг турдаги ўсимликлардан 1/3 овқат учун фойдаланилиши мумкин, инсоният эса атиги 3 минг турдан кўпроғини истеъмол қиляпти, холос. Мисол учун, Мексика қирғоқларида топилган денгиз ўсимлиги дон беради, ундан юқори сифатли ун олиш мумкин, ёввойи ўсимликларни маданий бошоқли дон экинлари билан чапиштириш уларнинг иқлим ўзгаришига ва турли касалликларга чидамлигини оширади. Бундан ташқари, турли хил ҳашоратлардан уларни зарарли биродарларига қарши фойдаланиш (биометод) потенциали катта. Ҳар йили зарарли ҳашоратлардан дунё қишлоқ хўжалигида кўрилатган зарар 5 млрд. АҚШ долларини ташкил қилади. Паразитлар майдонларда салбий таъсир қолдирмасдан, зараркунандаларни танлаб йўқотади, фойдали ҳашоратларни ҳам зараркунандаларга қўшиб қириб юборадиган кимёвий воситаларни қўллашга ҳолат қолдирмайди.

Чўлланиш. Ривожланаётган мамлакатларда чўлланиш муаммоси ҳамон жиддий муаммо бўлиб турибди. Бу аҳоли зичлиги, анъанавий ижтимоий тузилмаларнинг бузилиши, қурғоқчилик ва ярим қурғоқ қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида замонавий воситаларнинг қўлланилиши каби мураккаб омилларнинг ўзаро ҳаракати оқибати ҳисобланади. Биринчиси тупроқ ҳосилдорлигини қайта тиклаш учун ерни экинсиз қолдириш муддатини қисқартиришга мажбур этади. Оқибатда тупроқ эрозия қоплами ва қашшоқланиши ошади. Аҳоли зичлигининг ўсиши, деҳқонларни хўжалик юритишнинг янада интенсивроқ тизимига ўтишидан анча ўзиб кетади.

Ушбу омилнинг таъсири минг йиллар давомида тажрибадан ўтиб, синалиб келган кўчманчилик чорвачилигига ҳам путур етказди, кўпчилик усуллар максимал даромад олишга эмас, эҳтимол тутилган йўқотишларни чеклашга йўналтирилган. Шу тариқа, бебаҳо табиий яйловлар, инсоннинг оқилона иш тутмаслиги оқибатида чўлларга айланмоқда.

Чўлланиш жараёнига яна бир катализатор яъни занжирли тракторлар ва бошқа қудратли замонавий қишлоқ хўжалиги машиналаридан фойдаланиш бўлаяпти. Улар қурғоқчилик ва ярим

курғоқ зоналарида тупроқнинг юпқа ҳосилдор қатламини ишдан чиқармоқдалар.

Атроф муҳит бўйича БМТ Дастури (ЮНЕП) ҳисобларига кўра, ҳали XX аср охирларига келиб, инсоният қишлоқ хўжалиги учун учун яроқли бутун ерларнинг 1/3 дан маҳрум бўлишдек қалтис йўлга қадам қўйди. Мисол учун, 1983-1984 йилларда Африка мамлакатларида рўй берган фожиали курғоқчилик уларда яшовчи аҳоли учун нафақат даҳшатли қашшоқлик, балки бутун инсоният учун огоҳлантирувчи сигнал ҳам бўлди. Бу ташвишли ҳолат янги куч билан жаҳон ҳамжамияти эътиборини чўлланиш глобал хавфи таҳдид солаётганига қаратди. Чўлланиш бу нафақат Африкада, балки ер юзининг бошқа жойларида ҳам рўй бермоқда. Айрим баҳоланишлар бўйича, Сахрои кабир чўли жанубга қараб йилига 5-8 км. Тезликда бостириб бормоқда. Ер юзида ҳар йили 6 млн.га экинзорлар, яйловлар тиклаб бўлмайдиган чўлларга айланмоқда.

Ушбу муаммони ўрмонларни яратиш ва деҳқончиликнинг янада интенсивроқ тизимига ўтиш йўли билан ҳал этиш мумкин. Униси ҳам буниси ҳам катта маблағни талаб қилади. Бу ишларни фақат Африка мамлакатлари ичида жамғарилган маблағлар ҳисобига амалга ошириш мушкулдир. Чўлланишнинг кенгайишига қарши ғовни манфаатдор бутун жаҳон ҳамжамияти биргаликдагина яратиши мумкин.

Атроф муҳитнинг ифлосланиши. Ҳозирги замон босқичида атроф-муҳитга инсон ишлаб чиқариш фаолиятидан чиқиндилар, шунингдек маиший чиқитлар ҳам озмунча зарар келтирмаяпти. Корхоналар мўриларидан чиқаётган газ ва тутунлар, автомобиллар чиқараётган газлар, кимёвий воситалар ва бошқалар □ илишу ҳолнинг намоён бўлишидир. Айрим маълумотларга кўра, ҳар куни фақат карбонат ангидрид газигина атмосферага 5 млрд. т. дан ортиқ чиқарилаяпти. Бу одам бошига тахминан 700 кг тўғри келади демакдир. Оқибатда инсоният худди шундай, сайёрамизнинг озон қатлами емирилиши ўткир муаммоси билан тўқнаш келди. Австралиялик олимларнинг таъкидлашларича, озон қатламининг йўқотилган ҳар бир фоизи рак касаллигининг 2 % ўсганини билдиради.

Бу борада Европа аҳолиси айниқса ташвиш билдираяпти. Чунки озон қатламининг камайиши Европанинг аҳоли кўп яшайдиган территорияси жойлашган 20⁰ ва 50⁰ шимолий кенглик ўртасида, шунингдек Америкада намоён бўлиши мумкин. Қатор

минтақаларнинг ифлосланиши янги ижтимоий ҳодиса - айниқса экологик ноқулай ҳудудларда эмигрантларнинг кўпайишига олиб келади.

Техноген фожиалар пайдо бўлишининг олдини олиш мақулроқ. БМТ маълумотларига қараганда, кейинги 40 йилдан табиий техноген офатлар келтирган зарар 1960 йилларда – 40 млрд. АҚШ доллари, 1970-йилларда – 70 млрд. АҚШ доллари, 1980-йилларда – 120 млрд. АҚШ доллари, 1990-йилларда – 200 млрд. АҚШ долларини ташкил этган.

Айрим якунларни чиқара туриб, қайд этиш лозимки, атроф-муҳитнинг ифлосланиши ўсиб бораётган тенденцияси агар тўхтатилмаса, сайёрамиз иқлимининг исиши билан боғлиқ глобал экологик ҳалокат рўй бериши турган гап.

Бу жараёни фақат экологик дунёқарашни шакллантириш вазифасини ўз олдига муҳим вазифа қилиб қўядиган жамиятгина тўхтатиши мумкин. Ҳозирги вақтда жуда кўп мамлакатларда атроф-муҳитни сақлаш учун кураш бошланди. Мисол учун, «Яшиллар» ҳаракати ўз фаолиятини жамоатчилик фикрини шакллантириш, истеъмолчиларни экологик нотоза маҳсулотлар сотиб олишга қарши тарғибот, оқилона лойиҳалар учун курашга қаратмоқда.

Айнан жамоатчилик ҳаракати ўз вақтида Сибир дарёлари сувини Оролга, шимолий дарёлар сув оқимининг бир қисмини Волга дарёсига қўйиш лойиҳаларини амалга оширишни тўхтатганди. Бир неча АЭСлар қурилишига чек қўйишга муваффақ бўлганди.

Давлат ва жамиятнинг кечиктириб бўлмайдиган ўта муҳим вазифалари асосланган табиатни муҳофаза қилиш қонунчилигини яратиш ҳисобланади. Масалан, АҚШда ифлосланган атроф-муҳитдан уни интенсив тиклаш сари кескин бурилиш ясалди, Миссисипи дарёсини сақлаш, Буюк кўлларнинг қайта тикланаётгани бунга мисолдир.

Дунёда рўй бераётган силжишлар бир бутун цивилизион жаҳон ҳамжамиятини шакллантиришни тақозо қилади, шундагина умуминсоний қадриятлар устувор аҳамият касб этади.

Бугунги кунда жаҳон тараққиёти тенденцияси етарли даражада аниқ белгилаб олинган. Фан-техника инқилоби (ФТИ) ҳозирги замон босқичи инсон турмуши ва фаолияти турли томонларини электронлаштириш кенг жараёнлари кечаётгани билан характерланади. Шунингдек биотехнология кашф этилиши ва ўзлаштирилиши, генн ва хужайра муҳандислиги вужудга келиши

шубҳасиз ҳозирги замон фани ютуқларидир. Хилма-хил турдаги вазифаларни ҳал этиш учун космосдан фойдаланиш соҳаси ҳам кенгайди, космик техника сайёрамиздаги жараёнларни яхши қилиш ва тушунишда ёрдам беради. Янги энергия, материаллар турларини ишлаб чиқаришда изланишларни сезиларли ўсиши башорат қилинмоқда. Энг янги илмий-техник ютуқлар умумжаҳон муаммоларини ҳал қилишда олға қадам ташлаш имконини беради. Бугунги кунда янги технология олам яратилмоқда, унинг энг муҳим хусусиятлари шуки, ахборотлаш жараёни ғоялар, билимларни сайёра миқёсида кенг тарқатилишига имкон беради, уларнинг қўлланилиши эса ижтимоий-иқтисодий тараққиётга янги шароитлар туғдиради.

Назорат саволари

1. Инсониятнинг ҳозирги замон глобал муаммоларини санаб ўтинг.
2. Демографик жараёнларга нималар киради?
3. «Демографик портлаш» тушунчасини изоҳланг.
4. «Демографик портлаш» ҳолати қайси даврда рўй берди?
5. Ривожаланаётган мамлакатлар гуруҳи учун бугунги кунда қайси демографик жараёнлар ҳосдир?
6. Саноати ривожланган мамлакатлар аҳолиси учун хос бўлган жараёнларни айтиб беринг.
7. Демографик – экспертларнинг фикрича дунё аҳолисининг умумий сони қачон ва қанча миқдорга бориб барқарорлашуви мумкин?
8. Инсониятнинг энг муҳим ва долзарб глобал муаммоларидан бири – бу нимадир?
9. Ҳозирги кунда бутун ер юзи бўйича очликка маҳкум этилган кишилар сони неча миллионни ташкил этади.
10. Бутун ер юзидаги куруқликнинг неча фоизи қишлоқ хўжалиги ишлови учун яроқли бўлиб ҳисобланади?
11. Ер юзида озиқ-овқат муаммосини глобал даражада ҳал этиш учун инсоният қандай ишларни амалга ошириши мумкин?
12. Ҳозирги замон дунёсида ёқилғи – хом ашё ресурслари муаммоси нималардан иборат?
13. Сайёрамизда юзага келган экологик вазиятнинг келиб чиқиш сабабларини тушунтириб беринг.

АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР ЛУҒАТИ

Абсолют (мутлоқ) устунлик – манфаатлар, яъни ташқи савдода мамлакатларининг асосий маҳсулотдан келадиган фойдадан юқори улуш олиши.

Акция – қимматбаҳо қоғоз. У акциядорлик жамиятини ривожлантиришга маблағ сарфланганлиги далолати бўлиб, унинг эгаси акциядорлик жамияти фойдасининг бир қисмини дивиденд тариқасида олиш ҳуқуқини беради.

Акциядорлик жамияти (АЖ) – корхона, ташкилот ва бошқа идораларнинг маблағларини шерикчилик асосида ва эгалик мақсадида бирлаштирадиган жамият. АЖда хусусий капиталдан бошқа заёмли капиталларнинг банк кредити ва чиқарилган облигациялари мулк сифатида ҳисобланади.

АЖ акциядорлари одатда юридик ёки жисмоний шахслар бўлади, аммо баъзида банклар, ишлаб чиқариш, савдо ва суғурта компаниялари ҳам акциядор бўлиши мумкин. АЖнинг юқори органи акциядорларнинг умумий йиғилиши саналади ва асосий масалалар ушбу акциядорлар йиғилишида муҳокама қилинади.

Асосий маблағларидан иборат инвестиция – ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида мамлакат ёки чет элларда иқтисодиётининг турли тармоқларига узоқ муддатли капитал киритиш.

Аниқ инвестициялар–қурилиш-монтаж, лойиҳа смета ишлари, технологиялар, асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги ва чорвачиликни юксалтириш каби соҳаларни ривожлантиришга киритилади.

Аҳолининг табиий равишда кўпайиши – бир йилда аҳолининг туғилиши ва ўлими орасидаги фарқланиш. Бу борада ўзгарувчанлик ижобий ёхуд салбий ҳолатда бўлиши мумкин.

Аҳолининг миграцион ўсиши – маълум ҳудудга ва чақирилган мамлакатга четдан келган аҳолининг маҳаллий аҳоли ўртасидаги тафовути. Бу индикатор мажмуи ҳам салбий, ҳам ижобий ҳолатни юзага келтиради.

«Ақлли мигрантлар» («Brain drain») – Халқаро миграция бозорида юқори малакага эга ишчилар (билимли, мутахассис, менежер ва бошқ.).

Бартер – товар айирбошлаш, яъни тўғридан-тўғри товарни товарга пул алмаштириб олиш. Бу савдо схемасида «товар кетидан товар» деб аталувчи сўнгги шартнома савдоси амал қилинади.

Бартер фаолияти ўзида мамлакатлар, фирмалар, корхоналар ўртасида валютанинг инқирозга учрамаслиги ва уларнинг ривожланмаган маҳсулотлари муносабатларини акс эттиради. Ҳозирги замон бартер келишувининг аниқ шакллари – валютасиз айирбошлаш, компенцияли келишувлар, турли хил киришлар. Бартер ҳозирги шароитда аҳолини истеъмол моллари билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этаётир.

Биржа – стандартлар ёки намуналар асосида савдо қилинадиган оммавий товарларнинг мунтазам улгуржи бозори ёки қимматли қоғозлар, олтин, чет эл валюталари (фонд биржаси) бозори.

Бюджет харажатлари – маълум соҳага йўналтирилган давлат харажатлари мажмуи.

Божхона – чегара орқали ўтадиган жами юкларни, шу жумладан багаж, почта, жўнатмалар, савдодаги маҳсулотларни назорат қиладиган давлат идораси. У ўтказилаётган юкларни текшириш, улардан божхона йиғимлари ундириш билан шуғулланади.

Валюта – ташқи иқтисодий ва халқаро алоқаларнинг бошқа шаклларида иштирок этувчи мамлакат миллий пул бирлиги.

Валюта курси – мамлакат пул бирлигининг бошқа мамлакат пул бирлигида ифодаланган баҳоси. Мутахассислар фикрича, валюта курслари фиксирланган ва «сузувчи» бўлади.

Венчур корхоналар – фирмалар, яъни илмий-тадқиқот, муҳандислик ишлари, инновацияларнинг йирик компания ёки давлатлар шартномаси асосида тайёрловчи корхоналар. Бундай фирмалар одатда кенг миқёсда маркетинг, консалтинг ва рекламалар бўйича хизмат кўрсатувчилар бўлади.

Давлатнинг иқтисодий дастури – иқтисодиётни давлат томонидан бошқарилишининг юқори шакли – Бунда иқтисодиёт барча устивор соҳалар яхлит тарзда, оддий элементларгача мажмуа шаклида амалга оширилади.

Девальвация – пул бирлиги курсининг бошқа мамлакатларнинг валюталарига нисбатан пасайиши. Бу тўлов балансларининг инфляцияси ва етишмовчилиги оқибатида юзага келади.

Даромадлар жойлашиш коэффиценти (Жин индекси) – аҳолининг кенг қатламига мавжуд фойда суммасини тенг ҳолатда

тақсимлаш кўрсаткичи. Жамоатчилик орасида баъзида тенг тарзда фойда кўриш юз бермаслиги мумкин, шу боис коэффициент ўлчами 0 дан 1 гача ўзгаришда бўлади.

Дефлятор – мамлакат ялпи маҳсулотининг реал ва номинал ҳажмидаги баҳоси. У муомаладаги пул миқдорини камайтиришга қаратилган молия ва кредит тадбирларни қўллаб, муомаладаги нақд пулнинг қадрсизланиши олдини олади.

Диверсификация – турлича, турли хил ривожланиш. Масалан, ишлаб чиқаришни диверсификациялаш-ишлаб чиқаришнинг кўпдан-кўп, бир-бири билан боғланмаган турларини бирваракайига ривожлантириш, ишлаб чиқарилаётган буюмлар турини кенгайтириш.

Дивиденд – АЖдан тушадиган фойда, яъни ҳар йили акциядорлар ўртасида акцияларнинг тури ва сонига қараб бўлинадиган фойда қисми. Тажрибага кўра дивиденд миқдори оддий акциялар бўйича корхонанинг ўша йилда кўрган фойдасига боғлиқ бўлса, имтиёзли акцияларнинг дивиденд миқдори эса акцияларнинг номинал баҳосига қатъий тарзда ставка миқдорида олдиндан қайд этилган бўлади.

Ишсизлик (Халқаро меҳнат тақсимооти талаблари даражасида) – 16 ёш ва ундан катта аҳолининг ўзига иш топа олмасдан қолиши. У эса уч категорияга бўлинади:

- фойда келтирувчи иш тополмайдиганлар;
- йўлланма билангина ишлайдиганлар (яъни, меҳнатни ташкил этиш идорасига мурожаат этиб, корхона маъмуриятида воситасиз ишлайдилар, хуллас бирор йўлланма билан хусусий иш бажарадилар);
- Ишга киришга тайёр турадиганлар.

Иш ташлаш (забастовка) – вақтинча ишлашдан тўхташ, яъни жойи ёки иш борасида бирор шароит яратилишини талаб қилиб, иш ташлаш.

Ишсизлик даражаси – иқтисодий фаол аҳолининг иш йўқлиги оқибатида улар сафининг кенгайиб бориши, ишсизлар сони ошиши.

Ишсизлик давомийлиги – аҳоли иқтисодий фаол қисмининг ўзига иш топа олмасдан қолиши, меҳнат резерв армиясига айланиб қолиши.

Иш билан бандлик тўғрисида маълумотлар манбаи аҳолини рўйхатга олиш ва давлат, корхона ва ташкилотларнинг ҳисоботидир. Меҳнатга яроқли аҳоли таркибида иш билан банд бўлганлар ҳиссаси

меҳнат потенциаллидан фойдаланиш меъёрини характерлайди. Ишсизлик даражасини пасайтириш учун иш ўринларини яратиш, ишга тушириш аҳоли табиий ўсишидан орқада қолмаслик лозим.

Иқтисодиётни давлат томонидан бошқариш – бозор-иқтисодиёти жараёнларида давлатга қарашли ташкилот ва жамоавий уюшма, корхоналар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиниши ва унга доир қонун-қоидаларни давлат томонидан бажарилишини таъминлаш.

Иммиграция – ишлаш учун бошқа мамлакатга кетган аҳоли.

Импорт – хориждан маҳсулот ва хизматларнинг келиши (шунингдек, капиталлар, технологиялар, қимматли қўғозлар ва бошқалар). Ички бозорда бу мамлакатлар товарларининг сотилиши.

Истеъмол баҳо индекси – бирор маҳсулот ёки хизматнинг истеъмолчи томонидан барқарор харид қилиш қобилиятига эгалик кўрсаткичи.

Иқтисодий фаолият билан шуғуланиш – фуқаронинг маълум даврда тақдирланиши учун меҳнат билан шуғуланиши ёки ўзича ўз фойдаси учун алоҳида шерикчилик асосида иш билан шуғулланиши. Мамлакат иқтисодиётига ижобий таъсир этувчи ҳар қандай фаолият билан шуғуланиш ва бунда ўзи пул топиши, аксинча давлатдан маош талаб қилмаслиги тушунилади.

Ишлаб чиқаришдаги маҳсулот (иш, хизмат) ҳажми – ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи корхоналарнинг моддий манфаатдорлик ва хизматлар характеристикаси, мўлжалланган даврда нарх-наволарнинг ўсиш ҳисоб-китоби; тайёр маҳсулотлар, яримфабрикатлар, ишлаб чиқариш хизмати кўринишлари, сотиш ва капитал қурилишлар мажмуи. Бу даврда корхона мавжуд ишлаб чиқариш турларидан ташқари бошқа хил маҳсулотларни ҳам ишлаб чиқариши мумкин бўлади.

Иқтисодий фаол аҳоли (ишчи кучи) – мавжуд товар ва хизматларни бажариш учун жалб этиладиган қўл кучи аҳолиси. Иқтисодий фаол аҳоли иқтисодиётда банд бўлган ва ишсиз бўлган ишчи кучларига нисбатан айтилади.

Иқтисодий айланма (оборот) – хўжалик соҳасида фойда ва харажат, пул-маблағ, ресурс ва маҳсулотларнинг ҳаракати.

Иқтисодий тараққиёт – кўп омилли жараён, эволюцион хўжалик механизми, иқтисодий тизимнинг юқори тасвири.

Иқтисодий ўсиш сифати – иқтисодий ўсишнинг умумлашган сифат характеристикаси, унинг қандай сарфлар билан таъминланган ва қандай иқтисодий-ижтимоий натижа берганлигини ифодалайди.

Ўтган асрнинг сўнгги йилларида иқтисодий ўсишнинг янги сифати пайдо бўлади. Бу маҳсулотларнинг инсон учун экологик тозаллиги, яъни соғлигига зарар келтирмаслиги, ишлаб чиқаришнинг эса атроф-муҳитга зарар келтирмаслиги, экологик мувозанатни бузмаслигидан иборатдир.

Клеринг – товарлар, қимматбаҳо қоғозлар ва хизматлар учун нақд пулсиз ҳисоб – китоб қилиш тизими. Бу тизим ўзаро талаблар ва мажбуриятларни бажарилишига асосланган. Айтиш мумкинки, клиринг ривожланаётган мамлакатларнинг айримларида валютани эркин конвертация қилиш борасида чегараланишларни келтириб чиқариши мумкин.

Компенсацион битим – узоқ муддатли ташқи савдо келишувлари шакли харидорга такдим этилган маҳсулот ёки кўрсатилиш лозим бўлган хизматнинг тўлов борасидаги енгиллиги.

Тажрибада кўринишича, томонларнинг аниқ келишувлари сўнггида рўйхатдаги товарларнинг сони ва баҳоси сифат даражаларига мос келиши шарт этиб белгиланган.

Конъюктура – айна пайтдаги иқтисодиётда кечаётган қандайдир ўзгаришлар ва объектив аҳволнинг ҳолати.

Купонли фойда келтирувчи федерал облигация заёмлари (ОФЗ) – Россия Федерациясининг давлат шаклидаги қимматли қоғози (заёми) бўлиб, у заёмни олган кишига ўз номинал қийматини сақлаган ҳолда фойда келтириши мумкин. Ютуқ чиқмаса унинг қиймати сакланади, ютуқ чиққанда эса аниқланган пул купон шаклида заём соҳибига берилади.

Лицензия – техникавий, иқтисодий, илмий янгиликлар эгасининг уларни ишлатиш учун берадиган рухсати. Давлат ёки корхона, ташкилотлар томонидан бирор иқтисодий фаолиятни бажаришга розилик бериш, ихтироларга, техник янгиликларга, ишлаб чиқариш тажрибаси, ишлаб чиқариш сирлари, тижорат ахборотларидан маълум вақтга фойдаланиш учун берилади.

Машина ва ускуналар ижараси – кредит экспорти шакли, мол-мулкни маълум муддатда ва ҳақ тўлаб ишлатиб туриш юзасидан бўлган иқтисодий муносабат.

Бундай ижара усули қисқа муддатли (рейтинг), ўрта муддатли (хайринг) ва узоқ муддатли (лизинг) бўлиши мумкин. Ижара ҳақи

корхона даромадининг бир қисми бўлиб, ижарачи ва ижарага берувчи ўртасида шартнома йўли билан корхонанинг рентабеллиги ва ривожланиш истикболини ҳисобга олиб ўрнатилади.

Муддатли қарз – қарздорлик, шериклар ўртасидаги ўзаро шартномага кўра муддати ўзгармас қарз.

Маҳсулот негизи баҳоси индекси – айна пайтдаги маҳсулот баҳосини унинг негизи тенглигига бўлган мутаносиблиги.

Миллий бойлик – мамлакатнинг жами ресурси яъни ишлатилган ва ишлатилмаган потенциаллар, аҳоли турмуш тарзи учун зарур маҳсулот ва хизматлар. Миллий бойлик ҳажмига доирасида молиясиз активлар (асосий фондлар, заҳиралар, бойликлар) ва молияли активлар (ер, ерости қазилмалар, табиий ресурслар, моддий ва мавжуд активлар), шунингдек аҳолининг ўзларида мавжуд бўлган хусусий мулклар киради.

Мумкин қадар қулайлик бериш режими – Халқаро савдо тажрибасида ўзида қулай шароитли бозорни вужудга келтирувчи омил; савдо борасида келишилган битимга кўра икки давлатнинг барча ҳуқуқи, афзаллиги, имтиёзли ва бу режимнинг учинчи давлатга ҳам бўлган таъсири.

Миллий ҳисоб-китоб тизими (СНС-МҲТ) – ички алоқалар ва қўшма макроиқтисодий кўрсаткичларнинг интеграциялашган тизими. У ҳисоб-китоблар тури, баланс ва жадвал, халқаро ҳамкорлик борасида қабул қилинган тушунча ва аниқликларни ўзида акс эттиради. Миллий ҳисоб-китоб тизими микроиқтисодий таҳлиллар, иқтисодий сиёсатни шакллантириш ва улар учун қарорлар қабул қилиш учун танланган.

Молиялаш ставкаси – Марказий банк томонидан қисқа муддатга кредит бериш, тижорат банкларидаги мавжуд кредитга ажратиладиган суммаларни марказлаш кредит ресурсига жалб этиш ставкаси.

«Нарх-наво қайчиси» - савдо борасида яратиладиган шароитларнинг асосий шакларидан бири. Савдо ишида шерикларнинг иқтисодий келишуви билан экспорт ва импорт фаолиятида нархлар ўзаро туширилади.

Бу кўрсаткич ташқи савдо статистикасига бир неча илгари тўғри келмаган, алоҳида ажралиб турувчи маҳсулотларни-да киритилишини техникавий, конструкторлик ва бошқа сирлари, маҳсулот ишлаб чиқаришда фойдаланиш мумкин бўлган техникавий тижорат ва бошқа билимлар

Норезидентлар—давлатнинг хорижий мамлакатларини бошқариш, яъни хориждаги корпорациялар, ҳукумат офислари, элчихоналар, кўшма корхоналар, чет мамлакатлар чеграларидаги корхона эгалари, шунингдек, хорижда доимий яшовчилар ва бу юртга келувчилар норезидент саналишади.

Нисбий афзаллик – манфаат, фойда. У ташқи савдога аъзо мамлакатларнинг турли махсулотларни сотишдан оладиган даромадлари тушунилади.

«Офсет» битими – муқобил бозор шакли; у нафақат товарлар ёки хизматлар айирбошлаш борасида, балки мамлакат ичкарисига фойдали бўлган инвестицияларнинг киритилиши ва жавоб тарзида уларга имтиёз ва шароитлар яратиш масаласида ўзига хос келишув вазифасини ўтайди. У ишлаб чиқариш кооперацияларини замонавий технологиялар билан таъминланиши юзасидан ҳам шартномалар имзоланишига сабаб бўлувчи фаолият ҳамдир.

Протекционизм – ташқи савдо сиёсати принципи, давлатнинг миллий иқтисодиётни чет эл рақобатидан, ички бозорни чет эл товарининг кириб келишидан ҳимоя қилишга қаратилган иқтисодий сиёсат.

Ревальвация – пул бирлиги курсининг бошқа мамлакатлар валюталарига нисбатан кўтарилиши.

Резидентлар – жисмоний ёки юридик шахслар, яъни бошқа мамлакатда доимий яшаётган фуқаролар.

Реимпорт – ички бозорда сотиш, импортдан фарқли ўлароқ мамлакатга хорижий товарларни қайта ишлаш ва хизматларни кўрсатиш учун киртиш. Реимпорт миқдори ва таркиби мамлакатнинг халқаро меҳнат тақсимоотида тутган ўрнига боғлиқ. Унинг таркибини ярим фабрикатлар, хомашёлар, машина ва асбоб-ускуналар, ярим қайта ишланган истеъмол моллари ташкил қилади.

Реэкспорт – экспортга қаранг.

Реал иш ҳақи – товар ва хизматлар учун ҳақ тўлаш мажмуаси, айти даврда иш ҳақи учун берилаётган сумма. Бу сумма солиқлар истеъмолчи индекси ва бошқа тўловлардан ташқари бўлган меҳнати ҳақидир.

Савдо тўсиғи – одатда тарифлар, чеклашлар ёки валюта назорати тарзида мамлакатлар ўртасида товарлар ва хизматлар эркин алмашинувининг сунъий чекланиши.

Савдо ҳақида гап кетар экан, улар бартер фаолияти, харид баҳолари, компенсацион битимлар, клиринг, «офсет» фаолияти каби йўналишларда бўлади.

Саноат маҳсулотлари ҳажмининг ҳаракатдаги индекси – нисбий кўрсаткич, яъни айни пайтда муомилада бўлган саноат молларининг ишлаб чиқариш характеристикаси.

СИФ» («Cost. Insuranct, Frtiqlrt) – Халқаро савдода маҳсулотларни олиш ва улар учун тўловларни амалга ошириш тартибидаги тижорий шароитлар яратувчи ташкилот. СИФлар халқаро бозорда маҳсулотларнинг сотувдаги баҳосини барқарор ушлаш, уларни суғурталаш ва портларгача транспортировка қилиш фаолияти билан шуғулланишади.

Сиёсий нарх – нарх, у йиғимдаги мавжуд нархлар ахбороти ва индексацияланган баҳо ўртасида таққосланиб, чиқариладиган нарх.

СПОТ – маҳсулотларни нақд пул орқали бирор суммада сотиш ва харид қилиш учун келишиш. Бу келишиш тезда бажариладиган иш.

Савдо фойдаси – товарларни истеъмолчига етказишда сотиб олиш баҳоси билан сотиш ўртасидаги фарқ ҳисобга олинadиган фойда. Савдо фойдасининг ўсиши-савдо ишининг моддий базасини мустаҳкамлашга ҳам боғлиқ.

Савдо - харид қилиш борасидаги мусобақалашув шакли; маҳсулотни олувчиларга гўё конкурс шаклида таърифлаб сотиш. Чет эл фирмалари орасида бу йўл билан маҳсулотни кўз-кўз қилиш халқаро даражага чиққан. Бундай тендерларда **очик** (қизиққан компанияларга барча маҳсулотлари таърифини келтириш) ва **ёпик** (фақат дунёнинг машҳур компанияларига маҳсулотларини таърифлаш) усуллари мавжуд.

Ташқи савдо баланси – экспорт (мамлакатдан чиқариладиган маҳсулот ва хизмат баҳоси) ва импорт (четдан мамлакатга киритилadиган маҳсулот ва хизмат баҳоси) ўртасида пул шаклида ифодаланган нисбат. Савдо баланси икки турга бўлинади: актив баланс – экспорт импортдан ортиқ бўлиши ва мамлакатга ташқаридан оқиб келиши, молиявий аҳвол фаоллашади, **пассив баланс**да эса импорт экспортдан устун, мамлакатдан валюта чиқиб кета бошлайди, молиявий аҳвол заифлашади. Шунингдек, экспорт ва импортдаги маҳсулот ва хизматлар баҳосини тенглаштириб турувчи **Нетто баланс** ҳам бор.

Ташқи қарз – давлатнинг хорижий мамлакатлар қарз берувчи банк ва молия муассасаларидан заём ва кредитлар олиши, натижасида пайдо бўлган қарзи. Бу борада мутахассислар капитал ва кундалик дея аталувчи давлат қарзлари мавжудлигини айтишади. Ҳозирги кунда кўпгина мамлакатларнинг ташқи иқтисодиётдаги қарзи анча ошган, «бу эса улар учун 20-30 % лик йиллик даромадини шу қарзни тўлашга жалб этишларига тўғри келмоқда».

Ташқи савдони кредитлаш – пул воситаларини, товар ва хизматларни маълум фоииз тўлаб қайтариб бериш шарти билан маълум муддатга қарзга бериш. Бу Халқаро пул айирбошlashда асосий воситалардан саналади.

Ташқи савдо кредитлари экспортли ва импортли шаклларда бўлиб, у фирма ёки корхоналарга қисқа (1 йилгача), ўрта (2 йилдан 7 йилгача) ва узоқ муддатларга берилади.

Турмуш хўжалигини глобаллаштириш – мамлакатлар, ҳудудлар ва фирмалар ўртасида турли иқтисодий алоқалар тараққиётини яхлит дунё хўжалиги тарзида жойлаштириш.

Товар демпинги – товар, маҳсулот нархларининг халқаро камситилиши. Бунда экспорт билан шуғулланадиган фирма айрим мамлакатларда ўзининг молини бошқа ёрдамчиларга нисбатан арзон баҳоларда сотади.

Тақомиллашган инвестиция капитали – пул воситаси, яъни қурилиш (юксалиш, таъмирлаш, замонавийлаштириш) учун ва инвестор киритган маблағ ҳисобидан ўша объектни технология – ва зарур ускуналар билан таъминлашдаги йирик капитал. Бу сармоя корхона ёки ташкилот учун актив саналган маблағдир.

Товар айирбошlash ҳажми ҳаракати индекси – нисбий кўрсаткич, айти вақтдаги муаммоларда бўлган саноат маҳсулотларининг сотувдаги ҳажми курсаткичи. Бунда фақат индивидуал индекс мавжуд бўлиб, бир маҳсулотнинг сотувдаги ҳажмини бошқа маҳсулот айирбошlashдаги ҳажми мажмуига қиёсланиши ва уларнинг нархларидаги тафовут товарлар ҳажмидаги баҳога нисбатан динамик ўсиш.

Табиий суратда ўсиш коэффициенти-туғилиш ва ўлим борасидаги умумий ўзгариш коэффициенти.

Трансмиллий корпорация (ТМК) – йирик компания, у халқаро миқёсда фаолият кўрсатади, аммо мамлакатнинг миллий капитали ҳисобидан молияланади.

Трансфертлар – иқтисодий бойлик, бир томонлама тартибда иккинчи томон иштирокини таъминлаш.

Ташкил этилмаган экспорт (импорт) – жисмоний шахслар томонидан қонуний тарзда мамлакатга киритган ёки мамлакатдан чиқарган ҳолдаги маҳсулотлар савдоси.

Тариф чекловлари – иқтисодий ва маъмурий қонунчилигига асосланган сумма, у ташқи савдо бошқарувида бож-тариф сиёсатини акс эттирувчи функциядир.

Мутахассислар тариф чекловларини қуйидаги гуруҳларга бўлади:

- ташқи савдо операцияларига давлат аралашуви (маҳсулот ишлаб чиқаришга пул маблағлари бериш, товарлар экспорти, пошлиналарга имтиёз бериш ва ҳ.к.);
- божхона ва маъмурий тартибларни амалга ошириш; (демпинга қарши тартиблар, божхона ва элчилик масалаларидаги қонунчилик чекловлари ва бошқ.);
- ташқи савдода техник кўриklar ташкил этиш (санитария-ветеринария меъёрлари, маҳсулотларни қадоқлаш ва маркировкалашни талаб қилиш);
- алоҳида қонуний чекловлар (импорт лицензиялари, чекловлар сони ва бошқ.);
- импорт жараёнида йиғим ва тўлов механизмини ижро этиш (чегаралараро солиқ режими, импортдаги депозитлар, статистик тадқиқотлар ва бошқ.).

Бу каби чекловлар барча импорт маҳсулотларида, асосан эса савдо-сотиқ, минерал хомашёлар, чўян, пўлат, тўқимачилик текстил маҳсулотларида мавжуд.

Тўлов баланси – мамлакатнинг чет элга тўлайдиган пули билан унга чет элдан тушадиган пул ўртасидаги нисбат. Мамлакатнинг хорижий сарф-харажатлари тўлов йўли билан қопланади. Тўлов туркумига ташқи қарз, унинг фоизи, четдан олинган товарлар ва хизматлар ҳақи, хориж инвестицияси, хорижда дипломатик ишларни, иқтисодий алоқаларни юритиш, фуқароларнинг чет элга пул ўтказишлари кабилар киради.

Тўлов баланси мамлакатнинг халқаро миқёсдаги иқтисодий мавқеи кучли ёки заифлигини, халқаро ҳамжамиятдаги обрӯ-эътиборини ифодалайди.

Умумий миграциянинг жадаллик коэффиценти-индикатор, яъни айти даврда аҳоли яшаш жойидан четга ишлашга ёки кўчиб бориш муносабатларини ўлчаш маъносидаги кўрсаткич.

Уй хўжалиги харажати – истеъмол муносабатлар учун қилинадиган жами харажатлар. Бунда турмуш кечириш учун қилинадиган барча пул маблағлари, иш ва хизматларга сарфланадиган суммалар тушунилади. Уй хўжалиги харажатларига жамғарилган пулнинг солиқдан ташқари бўлган пенсиялар, ижтимоий суғурталаниш бадаллари, пул ўтказмалари совғалар учун қилинадиган харажатлар мажмуи асос бўлади.

Фермер хўжалиги – ўз хусусий ери ёки ижарага олинган ерда тадбиркорлик фаолияти бўйича амалга ошириладиган қишлоқ хўжалик корхонаси. Фермер хўжаликлари соҳиб (фермер) ва оила аъзолари кучи билан юритилади.

Фойда (зарар) – қўшимча маҳсулотнинг пул шакли, корхона, (ташкилот), бирор соҳа ва жами халқ хўжалиги ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятининг умумлаштирувчи кўрсаткичи. Фойда даромаднинг бир қисми, ялпи маҳсулот қиймати билан уни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади. Агар ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари ялпи маҳсулот қийматидан устун бўлса, фойда ўрнига зарар кўрилади. Фойданинг мувозанат, ҳисоб-китоб ва қолдик шакллари мавжуд.

ФОВ («Free on Board») – Халқаро бозорда маҳсулотларни олиш ва улар учун тўловларни амалга ошириш тартибидаги тижорий шароитлар яратувчи ташкилот. У асосан денгиз портларида мол-маҳсулотларни тушириш ва юклаш юмушларини бажаради. ФОВ транспорт хизматлари кўрсатгани учун франко-вагон дейилади. Бу ташкилот ўз хизматлари билан буюртмачининг бозордаги маҳсулотлари нархини кўтарилишига сабаб бўлмайди. Хизмат ҳисоб-китоби, умуман олганда мавжуд товар нархига таъсир ўтказмайди.

Халқаро ишчи кучи миграцияси – ишлаш учун бир давлатдан иккинчи давлатга узоғи билан бир йил муддатга кетган аҳоли. Улар иқтисодий сабаблар ёхуд бошқа масалалар бўйича чиқарилиши ҳам мумкин.

Халқаро меҳнат тақсимооти (ХМТ) – алоҳида маҳсулот тури ишлаб чиқаришга ихтисослашган мамлакатларнинг жаҳон бозорида бошқа мамлакатлар билан ўзаро меҳнат тақсимоотига киришиши. МРТ жаҳон бозори тараққиётида, халқаро иқтисодий алоқаларда ва дунё

хўжалигидаги миллий иқтисодий ҳамкорликда асосий роллардан бирини ўйнайди.

Халқаро корпорация (ХК) – халқаро ва миллий иқтисодиёт соҳасида йирик саноат уюшмалари, савдо, транспорт ва банк компанияларининг фаолияти.

Халқаро аукцион – алоҳида хусусиятларга эга маҳсулотларни оммавий сотувга қўйиш йўли билан сотиш учун муайян жойларда ташкил этилган махсус кимовиди савдо бозорлари. Жаҳон кимовиди савдо фаолияти тажрибаларига кўра, аукцион савдо товарларнинг мўйна, қорақўл тери, тамаки, чой, бадий ҳунармандчилик буюмлари, от каби нисбатан чекланган рўйхати бўйича ўтказилди.

Кўпгина халқаро аукционлар Лондонда (Буюк Британия), Нью-Йорк (АҚШ), Монреал (Канада), Амстердам (Нидерландия), Калькутта (Ҳиндистон) ва Коломбо (Шри-Ланка) да ўтказилади.

Харид баҳолари – савдо йўналишининг асосий шаклларида бири. У 5 йилгача белгиланади. Харид баҳолари одатда марказлашган тартибда маҳсулот ишлаб чиқаришга иқтисодий асосланган харажатларни қоплаш, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш учун зарурий жамғаришни таъминлаш бўйича белгиланади.

«Қочкин капитал» - миграция муносабати билан кредитга берилган капиталнинг бозор иқтисодиётидаги алоҳида мамлакатлар ўртасидаги ажратмаси. Бундай капиталлар баъзан банк фоизида юқори ставкали бўлади. Оқибатда халқаро капитал бозорида баланслар борасида меъёрий қоидаларни бузилишига олиб келади.

Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) – бирор мамлакатда бир йилда яратилган барча маҳсулот ва хизматларнинг барқарор улгуржи баҳоларда ўлчанган қиймати.

ЯИМ ҳисоб-китоби уч хил услубда амалга оширилади. Яъни **фойда ҳисобидан** шахслар даромади суммаси, акциядорлик жамият ва хусусий компания ва давлатнинг мамлакат ичкарисидаги корхоналари даромади суммаси: **харажат ҳисобидан** (капитал чиқариш, давлат ва хусусий субъект учун заруратли чиқимлар); ва **қўшимча нархларда** (иқтисодиётнинг барча соҳалари маҳсулотларининг ҳақиқий баҳолари суммаси).

Ялпи миллий маҳсулот (ЯММ) – мамлакат – ижтимоий тараққиётининг умумий кўрсаткичи, яъни ишлаб чиқарилган барча товар ва хизматларни биргаликдаги ҳисоби, моддий ва маънавий соҳалардаги мол-маҳсулотларнинг бир йиллик ички ва ташқи иқтисодий фаолиятидаги ҳисоб суммаси.

Чегара олди савдоси – Халқаро товарлар айирбошлашдаги муҳим тур, мамлакат ташқи савдосининг таркибий қисми. Савдо ва тўлов битимлари, йиллик баённомалар асосида қўшни давлатлар чегара олди савдо ташкилотлари ва фирмалари томонидан амалга оширилади. Бундай товар айирбошлашлар қўшни мамлакатлар ўртасида иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлайди. Маҳсулотлар ассортименти кенгайтиришга замин яратади.

Чет эл инвестицияси – фойда, дивиденд ёки даромадларнинг бошқа шакллари олиш мақсадида саноат, қишлоқ хўжалиги, умуман корхоналарга чет эллик сармоядорнинг маълум маблағ киритиши.

Тажрибада инвесторлар чет элнинг юридик ёки жисмоний шахси, ҳамда давлат ва халқаро ташкилот аъзоси бўлиши мумкин.

Улар индивидуал ва умумий ҳолда бўлади. Якка индексда битта чиқарилган маҳсулотнинг бошқа бир неча мувоффақиятли экани, умумий индексда эса маҳсулот ишлаб чиқарилиши ва уларни нархлари товарлар ҳажмига нисбатан динамик ўсишида акс этади.

Энг кам иш ҳақи – айтилган даврдаги пайтда иш ҳақининг ўзгармаслиги, у пул бирлигида ифодаланади.

Эркин савдо – ташқи савдо сиёсати принципи, ҳар қандай фирма ёки тадбиркорнинг ташқи савдо бозорида эркин савдо муносабатини амалга ошириш имкониятига эга бўлган тушунча.

Экспорт – товарлар, хизматлар ва капитални ташқи савдога чиқариш. Экспорт предметлари товар сингари хизмат қилади, у мамлакат ичкарасида қайта исланиб, чеграга олиб борилади. Реэкспорт (кайтиб келувчи юк) ўзида ташқи савдо бозорига маҳсулотни чиқаришдан олдинги қайта тўлиқ ишловчи фаолиятни акс эттиради.

Экспорт (импорт) квотаси – маълум товарларни ишлаб чиқариш ва экспортга етказиб беришнинг белгилаб қўйилган ҳажми; импорт квотаси эса ҳар йили хорижий мамлакатдан келадиган маҳсулотлар ҳажмини миқдор жиҳатидан чеклаб қўйиш.

Экспорт кредити – экспорт кредиторлар (фирма, банк ва ҳукумат кабилар) хорижлик шерикларига уларни қизиқтирган маҳсулот ва хизматларни тасарруфларига олишлари учун кредит ажратиши. Экспорт кредити суғурта тизими экспортчиларнинг маблағлари қадрсизланиши ва фоизи билан қайтишини кафолатлайди.

Эмиграция – чет мамлакатга кўчиб, ўша ерда доимий яшаётган муҳожирлик.

ГЛОССАРИЙ (ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР)

Бутунжаҳон савдо ташкилоти (-БЖСТ) - ВТО) – 1995 йилда таърифлар ва савдо ҳақидаги бош битим (ГААТ) базасида тузилган. ГААТ эса 1947 йилда ташкил этилган бўлиб, 90-йиллар бошида унга 150 дан зиёд мамлакатлар аъзо бўлган.

ВТОни ташкил этган ҳужжатлар пакети ҳозир ҳам хизмат кўрсатиш ва савдо ҳақидаги бош битим (ГАТС) ва интеллектуал мулкдорларнинг савдо борасидаги ҳақ-ҳуқуқлари тўғрисидаги битимга асосланади.

ВТО жаҳон савдо маданиятини шакллантиради ва бир неча вазифаларни бажаради. Хусусан, импорт пошлинаридаги юқори тўловлар даражасини қисқартириш, таърифсиз чекловларнинг турларини камайтириш. Бу нуфузли ташкилот ўз фаолияти билан дунё ресурсларининг халқаро микёсда товар айирбошлаши, барча мамлакатлар иқтисодиётини ривожланиши ҳамда ён-атрофидаги муҳитни яхшиланишини таъминлашга хизмат қилади.

Европа эркин савдо ассоциацияси (ЕАСТ) – 1960 йилда ташкил этилган ҳудудий иқтисодий ташкилот. Дастлаб унинг таркибида Австрия, Буюк Британия, Дания (1973 йилгача), Норвегия, Португалия (1983 йилгача), Швецария, Швеция бўлган.

Кейинги иқтисодий босқичлардан сўнг унга Исландия, Финляндия, Лихтенштейн қўшилди. 1991-1993 йилларда эркин савдо қилиш бўйича Туркия, Чехославакия, Исроил, Польша, Руминия, Венгрия ва Болгария келишувга имзо чекишди. 1994 йилда эса бу мамлакатлар Европа иқтисодий майдони ҳақида ҳамкорликни ташкил этишди. (Швецария ва Лихтенштейндан ташқари).

Европа ҳамкорлиги (ЕС-ЕХ) – Ғарбий Европадаги учта ҳудудий интеграциялашган гуруҳлар: 1951 йил ташкил этилган Европа пўлат ва кўмир ишлаб чиқариш уюшмаси (ЕОУС), 1957 йилда ташкил этилган Европа иқтисодий ҳамкорлиги, ва 1958 йилда асос солинган Европа атом энергияси ҳамкорлиги (Евратом) дан иборат.

Европада бу йўналишларда ҳамкорликлар доирасида кўпгина ижобий ишлар амалга оширилди ва 1986 йилда Европа Иттифоқини тузиш учун ягона Европа далолатномаси қабул қилинди.

Европа Иттифоқи (ЕС-ЕИ) – 1992 йилдаги Маастрихт шартномасидан кейин, 1993 йилдан Европа ҳамкорлиги базасида ташкил этилган интеграциялашган уюшма. Дастлаб унга 12 мамлакат аъзо бўлди, улар: Бельгия, Буюк Британия, Германия, Греция, Дания,

Ирландия, Испания, Италия, Люксембург, Нидерландия, Португалия ва Франция. 1994 йилги келишувдан сўнг яна учта – Австрия, Финляндия ва Швеция қўшилди. Шу кеча-кундузда Европа Иттифоқининг доираси 27 давлатга кенгайди.

Ҳозирда бу ҳудудда «Чегарасиз Европа» дея ягона Европа ғоясини амалга ошириш давом этмокда. Ғарбий Европа мамлакатлари ўртасида сиёсий, иқтисодий ва валюта иттифоқи тузилишида ижобий ўзгаришлар мавжуд.

БМТ нинг савдо ва тараққиёт бўйича конференцияси (**ЮНКТАД**) – БМТ бош Ассамблеяси органи бўлиб, у 1964 йилда ташкил этилган.

ЮНКТАД нинг асосий вазифаси Халқаро савдо тараққиётини таъминлаш.

Халқаро ривожланиш ассоциацияси (МАР-ХРА) – БМТнинг ихтисослашган ташкилоти. У 1960 йилда Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки филиали сифатида ташкил этилган. МАР барча ривожланаётган мамлакатларда банк фаолияти бўйича имтиёз ва шароитлар яратилишини таъминлаш учун хизмат қилади.

Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки (МБРР-ХТТБ) – ҳукуматлараро кредит-молия ташкилоти бўлиб, унинг асосий вазифалари аъзо мамлакатлар иқтисодий ривожланишини рағбатлантириш, халқаро савдони ривожлантиришга ёрдам бериш ва тўлов балансларини қўллаб-қувватлашдан иборат.

МБРР Халқаро ривожланиш асосиацияси, халқаро молия корпорацияси ва Инвестицияларни кафолатлаш халқаро агентлиги филиалларига эга. Унинг бу филиаллари жаҳон банкида юқори нуфузли молия муассасалари саналади.

Халқаро валюта фонди (МВФ-ХВФ) – БМТ таркибидаги молия ташкилоти. У 1944 йилда (Бреттон – Вудс, АҚШ) ташкил этилди. 1947 йилдан эса ўз фаолиятини бошлади. Фонднинг асосий вазифалари – валюта курсларини тартибга солиш, уларга риоя қилинишини назорат этиш меъёрларини белгилаш, тўлов балансларини бекарорлиги муносабати билан валюта қийинчиликлари юзага келганида ўз аъзоларига валюта ресурсларидан ёрдам бериш.

МВФ га 180 дан ортиқ давлатлар аъзо, шулар қаторида Россия (1992) ва МДХ давлатлари.

Бирлашган миллатлар ташкилоти (ООН-БМТ) – 192 та мамлакатлар аъзо бўлган йирик халқаро ташкилот.

БМТ 1945 йилда ташкил этилган. Унинг фаолият мақсади унга аъзо мамлакатлар тинчлиги, иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий аҳволини яхшилаш. Уларнинг халқаро иқтисодий ҳамкорлик сари ундаш, халқаро иқтисодий муносабатлар тараққиётини таъминлашдан иборат.

Нефт маҳсулотлари экспорт қиладиган мамлакатлар ташкилоти (ОПЕК) – Халқаро ҳукуматлар ўртасида тузилган ташкилот. У Осиё, Африка ва Лотин Америкаси давлатлари ҳудудларидаги нефтни қазиб олиш ва экспорт қилиш, уларнинг нархларини белгилаш массаларини амалга ошириш бўйича 1960 йилда ташкил этилган.

ОПЕКка 13 та мамлакат аъзо: Жазоир, Венесуэла, Габон, Индонезия, Ироқ, Эрон, Қатор, Қувайт, Ливия, Нигерия, БАА, Саудия Арабистони ва Эквадор.

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ОЭСР-ИХТТ)–дунёнинг иқтисодий муносабатлар ва ривожланиш муносабатларига киришувчи ташкилоти. У 1960 йилда ташкил этилган бўлиб, иқтисодий ва ижтимоий сиёсатни мувофиқлаштириб туради. Унга аъзо мамлакатлар 1997 йилда 29 тани ташкил этган. (Ташкилотнинг сўнгги аъзоси Корея Республикаси, 1996 йил, ноябр).

ОЭСР ҳозирги босқичда ЕИ нинг интеграциялашган қўшилмаси турига кирмайди, аммо бу ташкилот унга аъзо бўлган мамлакатлар ташқи иқтисодий муаммолари ва ички ижтимоий тараққиёти массасаларига аралашади.

«Париж клуби»–кредиторлар мамлакатларнинг ҳукуматлараро муассасаси, МВФ аъзоси. 1961 йилда ташкил этилган бу «клуб» тўлов муддатини бир томонлама ўзайтиришнинг олдини олиш мақсадларида ривожланаётган мамлакатларнинг ташқи қарзлари шартларини қайта кўриб чиқиш билан шуғулланади.

«Рим клуби» - Халқаро жамоатчилик ташкилоти. 1968 йилда инсон муҳофазаси мақсадида тузилган. «Клуб» жаҳон ижтимоий-иқтисодий ҳаётида юксалишнинг глобал муаммоларини ҳал этиш, жамоат ташкилотларини ривожлантириш, атроф-муҳитда ишлаб чиқариш кўпайганидан инсон учун зарарли ҳавони пайдо бўлишига қарши курашиш фаолияти билан шуғулланади.

БМТ нинг иқтисодий комиссияси – бешта ҳудуддаги иқтисодий муносабатларни назорат қилиб борадиган комиссия, яъни БМТ раҳбарлигидаги иқтисодий ва ижтимоий Совет (**ЭКОСОС**);

Европа иқтисодий комиссияси (1947 йилда ташкил этилган) ЕИК. **Осиё ва Тинч океани учун иқтисодий-ижтимоий комиссия** (ЭСКАТО, 1947).

Латин Америкаси учун иқтисодий комиссия (ЭКЛА, 1948 йил ва 1951 йил). **Африка учун иқтисодий комиссия** (ЭКА, 1958 й), **Шимолий Осиё учун иқтисодий-ижтимоий комиссия** (ЭКЗА, 1974).

БМТ нинг иқтисодий ва ижтимоий Совети (ЭКОСОС) – БМТ бош Ассамблеясининг асосий органларидан бири. БМТ дастуридаги ижтимоий ва иқтисодий соҳаларнинг бажарилишини назорат қилувчи олий маслаҳат идораси.

Бу кенгаш БМТга аъзо мамлакатлар ҳудуддидаги ташкилотларга раҳбарлик қилиш, мувофиқлаштириш ҳуқуқига эга.

ЭКОСОС дирасида халқаро иқтисодий ва ижтимоий масалалар, БМТ га аъзо давлатлар ичидаги мавжуд юзага келган муаммолар ҳал этилади.

ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАРНИНГ РУСЧА ҚИСҚАРТИРИЛГАН НОМЛАРИ РЎЙХАТИ

АСЕАН – Жанубий-Шарқий Осиё давлатлар ассоциацияси.
АТЭС – Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамкорлиги.
ВОЗ - Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти.
ВТО - Бутунжаҳон савдо ташкилоти
ГАТТ - Тарифлар ва савдо ҳақидаги бош битим
ЕЭК - Европа иқтисодий комиссияси
ЕС - Европа Иттифоқи
ЕЭС - Европа иқтисодий ҳамкорлиги
МАР - Халқаро ривожланиш ассоциацияси
МБРР - Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки.
МВФ - Халқаро валюта фонди
МОТ - Халқаро меҳнат ташкилоти
НАФТА - Шимолий Америка мамлакатларининг савдо тўғрисидаги
келишуви
ООН - Бирлашган миллатлар ташкилоти.
ОПЕК - Нефтни экспорт қиладиган мамлакатлар ташкилоти
ОЭСР - Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти
ПРООН - Миллий ҳамкорлик ташкилоти тараққиёт дастури
СНГ - Мустақил Давлатлар ҳамдўстлиги
ФАО - Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш бўйича миллий
ҳамкорлик
ЭКА - Африка учун иқтисодий комиссия
ЭКЛА - Лотин Америкаси учун иқтисодий комиссия
ЭКОСОС - БМТнинг иқтисодий ва ижтимоий Кенгаши
ЭСКАТО - Осиё ва Тинч океани учун иқтисодий ва ижтимоий
комиссия
ЮНЕП - БМТ нинг атроф-муҳит дастури
ЮНЕСКО - БМТ нинг таълим, фан ва маданият масалалари
ташкилоти
ЮНИДО - БМТнинг саноатни ривожлантириш ташкилоти
ЮНКТАД - БМТ нинг савдо ва тараққиёт масалалари бўйича
конференцияси.

Фойданилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
2. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодий-иқтисодий барқарор ривожлантириш йўлида. – Т.: - Т.: Ўзбекистон, 2008.
3. Каримов И.А. «Орол муаммолари, уларнинг аҳоли генетикаси, ўсимлик ва ҳайвонот оламига таъсири ҳамда оқибатларини енгилаштириш учун халқаро ҳамкорлик чора-тадбирлари» халқаро конференцияси иштирокчиларига. / Халқ сўзи, 2008 йил.
4. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009.
5. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. –Т.: Ўзбекистон, 2010.
6. Абдурахмонов К.Х., Дадабоев Ю.Т., Ахмедов О.М., Абдурахмонов О.К. Мировая экономика. Учебное пособие. Т., 2006.
7. Абрамов В.Л. Мировая экономика. Учебное пособие. М., 2009.
8. Авдокушин Е.Ф. Международные экономические отношения: Учебное пособие. – М., 2001.
9. Вахабов А.В., Таджибаев Д.А., Хожибакиев Ш.Х. Жаҳон иқтисодий ва халқаро иқтисодий муносабатлар. Ўқув қўлланма. Т.2011.
10. Волгина Н.А. Международная экономика: учебное пособие. М.: Эксмо, 2010.
11. Воронин В.П., Кандакова Г.В., Подмолодина И.М. Мировая экономика. М., 2009.
12. Гладков И.С. Мировая экономика и международные экономические отношения: Учебное пособие. 4-е изд. Перераб. и доп. – М., 2009.
13. Глобализация мирового хозяйства. Учебное пособие. / Под ред. М.Н. Осьмовой, А.Б. Бойченко. М.: Инфра – М.
14. Ибраимова А.А. Ўзбекистон республикасини Марказий Осиё давлатлари билан ташқи иқтисодий алоқаларининг географик жиҳатлари. Автореферат. Т.2010.

15. История мировой экономики. Учебное пособие. / Под ред. Проф. А.Н.Маркавой. М., 2005.
16. Киреев А. Международная экономика: В 2 ч. – М., 2004.
17. Колесов В.П., Кулаков М.В. Международная экономика. Учебник. – М.: Инфра-М, 2009.
18. Кочетов Э.Г. – Геоэкономика. Освоение мирового экономического пространства: Учебник для вузов, М.: Норм, 2006.
19. Кудров В.М. Мировая экономика: Учебник.- М., 2004.
20. Ломакин В.К. Мировая экономика. М., 2007.
21. Международная экономическая интеграция: Учебное пособие / Пед ред. Проф. Н.Н.Ливенцева-М., 2006.
22. Международные экономические отношения: Учебник / Под ред. Проф. И.П.Фаминского.- М., 2004.
23. Международные экономические отношения: Учебник / Под ред. В.Е.Рыбалкина. М., 2006.
24. Международные экономические отношения. Пед. Ред. А.И.Евдокимова М.2003.
25. Михайлушкин А.И., Шимко П.Д. Международная экономика: тсория и практика. Учебник для вузов. СПб.: Питер, 2008.
26. Мировая экономика: глобальные тенденции за 100 лет / Под ред. И.С.Королева. М., 2003.
27. Мировая экономика и международный бизнес: Учебник / Под ред. В.В.Полякова, Р.К.Щенина. – М., 2008.
28. Мировая экономика: прогноз до 2020 года / Под. ред. А.А.Дынкина. М., 2007.
29. Мировая экономика и международные экономические отношения. Учебник. Под редакцией А.С.Булатова и Н.М.Ливещива. М.: Магистр, 2008.
30. Мироненко Н.С. Введение в география мирового хозяйства. Международное разделение труда. Учебное пособие. М.: Аспект Пресс, 2006.
31. Назарова Г.Г., Хайдаров Н.Х. Халқаро иқтисодий муносабатлар. Т., 2005.
32. Сакс Дж. Макроэкономика: глобальный подход. / Пер. с англ. – М.: Дело ЛТД, 1996.
33. Смирнов Е.Н. Введение в курс мировой экономики (экономическая география зарубежных стран). М.: Кнорус, 2008.

34. Спиридонов И.А. Мировая экономика: Учебное пособие. – 2006.
35. Страны и регионы. 2006. Статистический справочник Всемирного банка / Пер. с. Англ. – М., 2007.
36. Страны мира. Современный справочник. М., 2008.
37. Стрыгин А.В. Мировая экономика. Учебное пособие. М.: Изд.во «Экзамен», 2004.
38. Социально-экономическая география зарубежного мира. Под. Ред. В.В. Вольского. М., 2003.
39. Теор Т.Р. Мировая экономика. С-Пб., 2001.
40. Узбекистан ва мировой эконоимике. / Сост. Бекмуродов А.Ш., Хачиев Г.А. – Т.: Фан, 2001.
41. Узбекистан: 10 лет по пути формирования рыночной экономики. /Под ред. А.Х. Хикматова. – Т.: Узбекистон, 2001.
42. Халқаро муносабатлар. Сиёсат, иқтисодиёт, ҳуқуқ. Илмий-назарий журнал. 2010 – 2012 йиллар.
43. Хасбулатов Р.И.Мировая экономика и междуранодные экономические отношения. В. 2 частях. – 2006.
44. Черников Г.П., Черникова Д.А. Европа на рубеже XX-XXI веков: Проблемы экономики. М., 2006.
45. Чернецкий Ю.А. Мировая экономика. Учебное пособие. М.,2009.
46. Шимко П.Д. Международная экономика: Учебник. М.: Высш.шк., 2006.
47. Шквария Л.В. Мировая экономика в схемах и таблицах. М. Изд-во Эксмо, 2006.
48. Шодиев Р.Х., Махмудов Э.Р. Жаҳон иқтисодиёти. Т., 2005.
49. Ўзбекистон иқтисодий ахборотлари. 2000-2011 йиллар.
50. Экономический вестник Узбекистана. 2000-2011 г.г.
51. Экономика Узбекистана и стран СНГ: цифры и каментарии. / Сост. Гулямов С-С. Расулов Д.М., Хачиев Г.А. – Т.: Фан, 2001.
52. UNCTAD. Trade and Development Report, 2006. N.V. Geneva: UN, 2006.
53. World Development Indicators 2007 / The international Bank for Reconstruction and Derolopment – Washington, 2007/

МУНДАРИЖА

	КИРИШ.....	3
1-Боб	Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар: моҳияти, таркиби ва тараққиётнинг асосий қирралари.....	4
1. §.	Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар фанининг предмети, мақсади ва вазифалари.....	4
2. §.	Жаҳон хўжалиги таркиби ва моҳияти	5
3. §.	Жаҳон хўжалигининг глобаллашуви босқичлари.....	10
4. §.	Жаҳон хўжалигининг ривожланиш тенденциялари ва зиддиятлари.....	14
II Боб.	Халқаро меҳнат тақсимоти.....	17
1. §.	Халқаро меҳнат тақсимоти тушунчаси.....	17
2. §.	Халқаро меҳнат тақсимоти шакллари ва турлари.....	17
III Боб.	Халқаро савдо алоқалари ва савдо сиёсати.....	22
1. §.	Халқаро иқтисодий муносабатлар тизимида халқаро савдо алоқалари.....	22
2. §.	Халқаро савдо назарияси.....	23
3. §.	Халқаро савдонинг ўсиши, тузилиши ва географияси.....	25
4. §.	Халқаро савдо сиёсати.....	29
5. §.	Халқаро савдони тартибга солиш.....	32
IV Боб.	Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатлар билан ташқи савдо алоқалари.....	38
1. §.	Мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда ташқи савдонинг роли.....	38
2. §.	Ўзбекистон ташқи савдо алоқаларининг тузилиши ва динамикаси.....	39
3. §.	Ўзбекистон Республикасининг ташқи савдо географияси.....	43
V Боб.	Халқаро капитал миграцияси.....	48
1. §.	Капитал чиқариш халқаро иқтисодий муносабатларнинг етакчи шакли.....	48
2. §.	Капитал чиқаришнинг сабаблари ва асосий шакллари.....	48
3. §.	Тўғридан-тўғри хорижий капитал маблағлар.....	50
4. §.	Хорижий инвестициялар тузилиши.....	53
VI Боб	Ўзбекистон Республикасининг инвестицион сиёсати ва унинг мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришдаги роли.....	56
1. §.	Ўзбекистонда хорижий инвестицияларни жалб этишга таъсир этувчи асосий омиллар.....	56
2. §.	Мамлакат иқтисодиёти тараққиётида хорижий инвестицияларнинг роли.....	58
3. §.	Ўзбекистон Республикасида инвестицион муҳит.....	59
4. §.	Хорижий инвестициялар иштирокида корхоналар.....	61

VII Боб	Халқаро хизмат кўрсатиш ва сервис бозори.....	64
1. §.	Халқаро хизмат кўрсатиш ва сервис бозори тавсифи. Унинг ривожланиш тенденциялари.....	64
2. §.	Халқаро хизмат кўрсатиш ва сервис бозорини тартибга солиш.....	68
3. §.	Халқаро туризм бозори.....	69
4. §.	Транспорт хизмати кўрсатиш халқаро бозори.....	73
5. §.	Технологиялар билан халқаро савдо қилиш.....	76
6. §.	Жаҳон консалтинг хизматлари бозори.....	77
7. §.	Жаҳон ахборот хизматлари бозори.....	80
VIII Боб.	Саноати ривожланган мамлакатлар иқтисодиёти.....	83
1. §.	Ривожланган мамлакатларда такрор ишлаб чиқариш хусусиятилари ва иқтисодиётнинг давлат томонидан бошқарилиши.....	83
2. §.	АҚШ иқтисодиёти	89
3. §.	Япония иқтисодиёти.....	102
4. §.	Ғарбий Европа мамлакатлари иқтисодиёти.....	109
IX Боб.	Ривожланаётган мамлакатлар жаҳон хўжалик тизимида.....	137
1. §.	Жаҳон хўжалигида ривожланаётган мамлакатларнинг ўрни ва роли.....	137
2. §.	Ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётининг асосий хусусиятлари.....	138
3. §.	Чет эл капитали ва унинг миллий давлат таракқиётига таъсири.....	140
4. §.	Ривожланаётган мамлакатларда саноатлаштириш модели ва таракқиётдаги йўли.....	143
5. §.	Нефт экспорти билан шуғулланувчи мамлакатлар таракқиётининг ўзига хос хусусиятлари.....	146
6. §.	Янги саноатлашган мамлакатлар гуруҳининг шаклланиши....	147
7. §.	Африка мамлакатлари таракқиёти ва уларда иқтисодий ислохатларнинг кечиши.....	149
X Боб.	Хитой иқтисодиёти.....	151
1. §.	Хитой иқтисодиётининг ўзига хос хусусиятлари.....	151
2. §.	Хитойда иқтисодий ислохатларнинг кечиши.....	152
3. §.	Хитойнинг ташқи иқтисодий алоқалари.....	156
XI Боб.	Россия федерацияси иқтисодиёти.....	160
1. §.	Жаҳон хўжалигида Россиянинг ўрни ва роли.....	160
2. §.	Табиий ресурслар ва маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятларининг ўзига хослиги.....	160
3. §.	Россиядаги асосий иқтисодий ислохатлар йўналишлари.....	162
4. §.	Россия ташқи савдо алоқалари.....	164
XII Боб.	Халқаро валюта-кредит муносабатлари.....	167
1. §.	Халқаро валюта тизимининг тузилиши ва мазмун моҳияти.....	167

2. §.	Халқаро валюта тизимининг ривожланиш босқичлари.....	167
3. §.	Халқаро валюта ва молия-кредит бозорлари.....	175
4. §.	Халқаро валюта-кредит ва молия ташкилотлари	177
5. §.	Халқаро валюта-кредит ва молия ташкилотларининг Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётидаги роли	181
XIII Боб.	Халқаро ишчи кучлари миграцияси.....	184
1. §.	Халқаро ишчи кучлари миграциясининг сабаблари.....	184
2. §.	Халқаро миграция оқими ва унинг асосий хусусиятлари.....	185
3. §.	Ишчи кучларини ўзига жалб этувчи замонавий марказлар...	187
4. §.	Халқаро ишчи кучларини бошқариш жараёнлари.....	188
XIV Боб.	Жаҳон ҳўжалигида халқаро корпорациялар (монополиялар).....	190
1. §.	Трансмиллий корпорация (ТМК) ларнинг моҳияти, турлари ва вужудга келиш сабаблари.....	190
2. §.	ТМКларнинг ўзига хос хусусиятлари.....	192
3. §.	Халқаро иқтисодий муносабатларда ТМК нинг роли ва ўрни.....	193
4. §.	Эркин иқтисодий зоналар (худудлар).....	195
XV Боб.	Халқаро иқтисодий интеграциялар.....	201
1. §.	Халқаро иқтисодий интеграция моҳияти ва сабаблари.....	201
2. §.	Иқтисодий интеграциянинг мақсади ва асосий шакллари.....	202
3. §.	Халқаро интеграция тараққиётининг асосий босқичлари.....	205
4. §.	Жаҳондаги асосий худудий интеграциялашган уюшмалар.....	207
XVI Боб.	Жаҳон иқтисодиётида ҳозирги замон глобал муаммолари.....	210
1. §.	Бутунжаҳон демографик жараёнлар динамикаси ва тенденциялари.....	210
2. §.	Дунё аҳолисининг озиқ-овқат билан таъминоти муаммоси...	212
3. §.	Ҳозирги замон дунёсида ёқилғи-хом ашё ресурслари муаммоси.....	215
4. §.	Дунёда тинчликни сақлаш, қуролсизланиш ва ҳарбий ишлаб чиқаришни ўзгартири.....	219
5. §.	Сайёрамиз экологик вазияти.....	221
	Асосий тушунчалар луғати.....	227
	Глоссарий (халқаро ташкилотлар).....	237
	Халқаро ташкилотларнинг русча қисқартирилган номлари рўйхати.....	240
	Фойдаланилган адабиётлар.....	241
	Мундарижа.....	244